

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

Ф. А. АКРАМОВА, Г.О.ОЧИЛОВА,

П Е Д А Г О Г И К А. П С И Х О Л О Г И Я

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, касб-хунар
таълими ўқув методик бирлашмалар фаолиятини
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан “Касбий таълим”
таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида
тавсия этилган**

Тошкент – 2007 йил

Ушбу ўқув қўлланма бакалавриат таълим стандартларига киритилган «Педагогика. Психология» фанини ихтисослиги «Психология» ва «Педагогика» бўлмаган олийгохларда ўқитишга мўлжалланган. Ўқув қўлланмада педагогик ва психологик билим асослари мухтасар тарзда баён этилган бўлиб, ундаги маълумотлар ёшларни ўз-ўзини, ўзгаларни билиш, турли вазиятлар ва гуруҳларда муомала қилиш сирлари, таълим ва тарбиянинг турлари, қонуниятлари, педагогик ва психологик технологияларнинг қўллаш шартлари, эркин, мустақил фикрлаш омиллари, психик ҳодисалар, қонуниятларни билган тарзда уларни бошқариш тўғрисидаги маълумот билан таништиради. Ўқув қўлланмадаги ҳар бир боб учун режа, қисқача унинг мазмуни, мустаҳкамлаш учун саволлар ва адабиётлар рўйхати берилган.

Данное учебное пособие по предмету «Педагогика. Психология» подготовлено в соответствии с программой по педагогике. психологии для бакалавров, обучающихся по специальностям вне психологии и педагогики. В учебном пособии раскрыты общие основы педагогических и психологических знаний, знания в области психологии личности, психологии человеческой деятельности, познавательных процессов, межличностных отношений, методов и средств образования и обучения личности. В учебном пособии в каждой главе дан план, краткое резюме, вопросы для самостоятельной работы, список использованной и рекомендуемой литературы.

The given manual in a subject «Pedagogics. Psychology» it is prepared according to the program on Pedagogics. Psychology for the bachelors trained on specialists outside of psychology and pedagogics. In the manual the general{common} bases of pedagogical and psychological knowledge, knowledge in the field of psychology of the person, psychology of human activity, cognitive processes, interpersonal attitudes{relations}, methods and means of formation{education} and training of the person are opened. In the manual in each chapter{head} the plan, the brief resume, questions for independent work, the list of the used and recommended literature is given.

Такризчилар:

1. Холиқов Д.Х. – Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори ўринбосари, педагогика фанлари номзоди.

2. Хўжаев Н. – Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Педагогика ва психология» кафедраси профессори.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	12
------------	----

I-БЎЛИМ

1-Боб. Педагогиканинг умумий асослари

1.1. Педагогика фанини предмети, мақсади ва вазифалари.....	14
1.2. Педагогика фанининг асосий тармоқлари.....	17
1.3. Асосий педагогик категориялар.....	18
1.4. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси.....	19
1.5. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.....	21

2-Боб. Тарбия назарияси

2.1. Тарбия жараёни ҳақида тушунча.....	25
2.2. Шахс ва унинг ривожланиши ҳақида тушунча.....	26
2.3. Шахс ривожланишида ёш ва индивидуал хусусиятлар.....	33
2.4. Тарбия усуллари ҳақида тушунча.....	34
2.5. Тарбия турлари.....	38

3-Боб. Таълим назарияси

3.1. Дидактика ҳақида умумий тушунча.....	47
3.2. Билиш - таълим жараёнининг методологик асосидир.....	50
3.3. Таълимнинг мазмуни.....	52
3.4. Таълим тамойиллари.....	53
3.5. Таълим тамойилларига тавсиф.....	55
3.6. Таълим методлари.....	61
3.7. Таълимни ташкил этиш шакллари.....	67
3.8. Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари.....	71
3.9. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг асосий йуналишлари.....	75

4-Боб. Таълимнинг замонавий технологиялари

4.1. Педагогик технология ҳақида тушунча.....	79
4.2. Педагогик технологиялар ва уларнинг тавсифи.....	84
4.3. Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий-психологик шартлари.....	90
4.4. Фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш.....	91
4.5. Дарсда мунозара, брейнштурминг ва тренингларни ўтказиш.....	93
4.6. Баҳс турлари. Ёзма баҳсни ўтказиш қоидалари.....	96

5-Боб. Педагогик маҳорат асослари

5.1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча.....	100
5.2. Педагогик техника ва унинг компонентлари, таркибий қисмлари.....	102
5.3. Педагогик қобилият.....	106
5.4. Педагогларнинг тарбияланувчилар билан муомаласи.....	113
5.5. Педагог ва талаба ўртасидаги мулоқот.....	118

II-БЎЛИМ

1 - боб. Психология фанининг долзарб вазифалари, предмети. Янгича тафаккур ва миллий мафкура шаклланиши шароитида психологик билимларнинг тутган ўрни

1.1. Янги давр ва психология.....	124
1.2. Психология фан сифатида.....	125
1.3. Психологиянинг предмети.....	127
1.4. Психика ва унинг намоён бўлиш шакллари.....	128
1.5. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни.....	128
1.6. Психологиянинг тармоқлари.....	132

2 - боб. Психологиянинг замонавий методлари ва уларни амалиётга тадбиқ этиш. Амалий психологиянинг бозор муносабатлари шароитидаги имкониятлари

2.1. Психологиянинг асосий методлари.....	134
2.2. Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари.....	139
2.3. Амалий психологиянинг йўналишлари.....	139

3 - боб. Психологияда шахс ва жамият муаммоси. Жамиятни бошқаришдаги психологик қонуниятлар. Шахсга таъсир этувчи психологик омиллар. Шахс дунёқараши ва маънавиятини шакллантириш омиллари

3.1. Шахс ижтимоий таъсирлар маҳсули сифатида.....	144
3.2. Ижтимоий нормалар, санкциялар ва шахс.....	146
3.3. Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши.....	148
3.4. «Мен» - образи ва ўз-ўзига баҳо.....	149
3.5. Ўспиринлик даврида шахс ижтимоийлашуви.....	152
3.6. Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар.....	154
3.7. Миллий ва маънавий қадриятларнинг роли.....	156

4 - боб. Шахснинг фаолиги. Фаолият турлари, мотивацияси ва уларни бошқариш. Ижтимоий ҳуққ мотивацияси. анланган ва анланмаган мотивлар

4.1. Шахс ва унинг фаоллиги.....	160
4.2. Фаолиятнинг турлари. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар.....	161
4.3. Ижтимоий ҳуққ мотивлари ва шахс мотивацияси	163
4.4. Мотивларнинг турлари.....	166
4.5. Мотивларнинг анланганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси.....	168

5 - боб. Шахснинг ижтимоий борлиқни билиши. Билиш мезонлари ва унинг адекватлиги. Идрок, хотира ва диққат жараёнларини бошқариш

5.1. Билиш жараёнлари ва профессионал фаолият.....	170
5.2. Билиш жараёнлари.....	171
5.3. Идрок ва унинг хусусиятлари.....	172
5.4. Идрок қилиш қонунлари.	173
5.5. Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги.	176
5.6. Хотиранинг қонунлари.....	180

5.7. Билиш жараёнларини бошқариш усуллари.....	181
6 – боб. Тафаккур ва мустақил фикрлаш шарт-шароитлари. Ижодий ва мантиқий фикрлаш - соғлом маънавият ва эътиқодни тарбиялашнинг омили сифатида	
6.1. Тушуниш ва тафаккур қилишнинг ижтимоий моҳияти.....	183
6.2. Тафаккурнинг турлари.....	186
6.3. Тафаккур шакллари.....	188
6.4. Тафаккур операциялари.....	188
6.5. Мустақил фикрлаш - соғлом маънавиятнинг мезони сифатида.....	189
7 – боб. Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва уларни диагностика қилиш. Характер, темперамент ва қобилиятларни билишнинг аҳамияти.	
7.1. Индивидуал - типологик хусусиятлар классификацияси.	191
7.2. Шахс иқтидори ва қобилиятлар диагностикаси.....	193
7.3. Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар.	194
7.4. Қобилиятларнинг психологик структураси.....	196
7.5. Қобилиятлар ва қизиқишлар диагностикаси.....	196
7.6. Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари.....	197
7.7. Характер ва шахс.....	199
8 - боб. Шахс тараққиётининг ёшга боғлиқ хусусиятлари. Ўспиринлик ва етуқлик даврлари психологияси. Акмеология	
8.1. Шахс тараққиётидаги ижтимоий ва генотипик омиллар.....	203
8.2. Шахс тараққиётини даврларга бўлиш.....	204
8.3. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги.....	206
8.4. Ёшлардаги аттракция ва эмоционал муносабатлар.	210
9 - боб. Шахс инсоний муносабатлар тизимида. Муомала техникаси ва стратегияси. Психологияда ижтимоий таъсир масаласи. Самарали таъсир сирлари	
9.1. Инсоний муносабатлар психологияси.....	214
9.2. Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни.....	218
9.3. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари.....	220
9.4. Мулоқот ва уни ўрганиш муаммолари.....	221
10 - боб. Гуруҳларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиш. Гуруҳларнинг турлари. Гуруҳий ўзаро мослик, лидерлик ва конформизм ҳодисалари	
10.1. Шахс ва гуруҳ. Референт гуруҳ.....	225
10.2. Гуруҳларнинг турлари.....	226
10.3. Гуруҳ ўлчамлари ва унинг тизими.....	228
10.4. Жамоаларда психологик ўзаро мослик.....	229
10.5. Гуруҳдаги психологик муҳит ва уни ўрганиш.....	230
Илова.....	233
Фан бўйича изоҳли луғат (глоссарий).....	283
Фойдаланилган ва тавсия этилаётган адабиётлар рўйхати.....	294

ОГЛАВЛЕНИЕ

Введение

I-ЧАСТЬ

1.Глава. Общие основы педагогики

- 1.1. Предмет, цель, задачи предмета педагогики
- 1.2. Основные направления педагогики
- 1.3. Основные категории педагогики
- 1.4. Связь педагогики с другими предметами
- 1.5. Научно-исследовательские методы педагогики

2-Глава. Теория воспитания

- 2.1. Понятие процесса воспитания
- 2.2. Понятие личности и его развития
- 2.3. Возрастные и индивидуальные особенности развития личности
- 2.4. Понятие о средствах воспитания
- 2.5. Виды воспитания

3-Глава. Теория образования

- 3.1. Общее понятие дидактики
- 3.2. Познание – методологическое основа процесса образования
- 3.3. Сущность образования
- 3.4. Принципы образования
- 3.5. Характеристика принципов образования
- 3.6. Методы образования
- 3.7. Формы организации образования
- 3.8. Принципы реформы образования в Узбекистане
- 3.9. Основные направления “Национальной модели подготовки кадров”

4-Глава. Современные технологии образования

- 4.1. Понятие педагогической технологии
- 4.2. Характеристика педагогических технологий
- 4.3. Социально-психологические условия работы в аудиториях
- 4.4. Интерактивные методы обучения и их организация
- 4.5. Проведение дискуссий, брейншторминга и тренингов.
- 4.6. Виды дискуссий. Правила проведения письменной дискуссии.

5-Глава. Основы педагогического мастерства

- 5.1. Понятие педагогического мастерства
 - 5.2. Педагогическая техника и её компоненты и составляющие части
 - 5.3. Педагогические способности
 - 5.4. Общение педагогов с воспитанниками
 - 5.5. Общение между педагогом и студентом
-

II-ЧАСТЬ

1 - Глава. Актуальные задачи и предмет психологии. Место психологических знаний в условиях нового мышления и формирования национальной идеологии

- 1.1. Современность и психология.
- 1.2. Психология как предмет.
- 1.3. Предмет психологии.
- 1.4. Психика и формы её проявления.
- 1.5. Место психологии в системе наук.
- 1.6. Отрасли психологии.

2 - Глава. Современные методы психологии и их практическое применение. Возможности практической психологии в условиях рыночных отношений

- 2.1. Основные методы психологии.
- 2.2. Прикладные и практические отрасли психологии.
- 2.3. Направления практической психологии.

3 - Глава. Проблема личности и общества в психологии. Психологические закономерности в управлении общества. Психологические факторы воздействия на личность. Факторы формирования мировоззрения и духовности

личности.....

- 3.1. Личность – как объект и субъект социальных влияний.
- 3.2. Социальные нормы, санкции и личность.
- 3.3. Осознание социальных влияний личностью.
- 3.8. Образ «Я» и самооценка.
- 3.9. Социализация личности в период ранней юности.
- 3.10. Факторы формирования мировоззрения и духовности личности.
- 3.11. Роль национальных и духовных ценностей.

4 - Глава. Деятельность личности. Виды деятельности. Мотивация и управление. Мотивы социального поведения. Осознанные и неосознанные мотивы

- 4.1. Личность и её активность.
- 4.2. Виды деятельности. Умственные и физические действия личности.
- 4.3. Мотивация личности и мотивы социального поведения.
- 4.4. Виды мотивов.
- 4.5. Степень осознанности мотивов: социальная установка и проблема его изменения.

5 - Глава. Познавательная деятельность личности. Критерий познания и его адекватность. Управление восприятием вниманием, памятью.

- 5.8. Познавательные процессы и профессиональная деятельность.
- 5.9. Познавательные процессы.
- 5.10. Восприятие и его свойства.
- 5.11. Законы восприятия.
- 5.12. Память и богатство опыта личности.

5.13. Законы памяти.

5.14. Методы управления познавательным процессами.

6 – Глава. Мышление и условия самостоятельного мышления. Креативное и логическое мышление как фактор воспитания здоровой духовности и убежденности

6.6. Социальная сущность формирования понятий и мышления.

6.7. Виды мышления.

6.8. Формы мышления.

6.9. Операции мышления.

6.10. Самостоятельное мышление - как критерий здоровой духовности.

7 – Глава. Индивидуальные особенности личности и их диагностика. Значение изучения характера, темперамента и способностей личности.

7.1. Классификация индивидуально – типологических особенностей.

7.8. Диагностика способностей и одаренность личности.

7.9. Врожденное и приобретенное в способностях.

7.10. Психологическая структура способностей.

7.11. Способности и диагностика интересов.

7.12. Темперамент и индивидуальные особенности деятельности.

7.13. Характер и личность.

8 - Глава. Возрастные особенности развития личности. Психология юности и зрелости. Акмеология.

8.1. Социальные и генотипические факторы развития личности.

8.2. Традиционное деление жизненного цикла.

8.3. Особенности социализации личности в подростковом и юношеском возрасте.

8.4. Эмоциональное отношение и аттракция у молодежи.

9 - Глава. Личность в системе человеческих взаимоотношений. Техника и стратегия общения. Проблема социального влияния в психологии. Секреты эффективного влияния.

9.1. Психология человеческих взаимоотношений.

9.2. Роль межличностного общения в развитии личности.

9.3. Человеческое общение и психологические средства общения.

9.4. Общение и проблемы его изучения.

9.5. Психология эффективного влияния.

10 - Глава. Организация деятельности в группах. Виды групп. Групповая совместимость, лидерство и конформизм

10.1. Личность и группа. Референтная группа.

10.2. Виды групп.

10.3. Размер групп и структура группы.

10.4. Психологическая совместимость в группе.

10.5. Психологический климат группы и его изучение.

Приложение

Глоссарий

Использованная и рекомендованная литература

TABLE OF CONTENTS

Introduction

I-PART

1. The Chapter. The general bases of pedagogics

- 1.1. A subject, the purpose, problems tasks of a subject of pedagogics
- 1.2. The basic directions of pedagogics
- 1.3. Main categories of pedagogics
- 1.4. Connection of pedagogics with other subjects
- 1.5. Research methods of pedagogics

2-Chapter. The theory of education

- 2.1. Concept of process of education
- 2.2. Concept of the person and its development
- 2.3. Age and specific features of development of the person
- 2.4. Concept about means of education
- 2.5. Kinds of education

3-Chapter. The theory of formation{education

- 3.1. The general{common} concept of didactics
- 3.2. Knowledge - methodological a basis of process of formation
- 3.3. Essence of formation
- 3.4. Principles of formation
- 3.5. The characteristic of principles of formation
- 3.6. Methods of formation
- 3.7. Forms of the organization of formation
- 3.8. Principles of reform of formation in Uzbekistan
- 3.9. The basic directions of " National model of a professional training ”

4-Chapter. Modern technologies of formation

- 4.1. Concept of pedagogical technology
- 4.2. The characteristic of pedagogical technologies
- 4.3. Socially-psychological operating conditions in audiences
- 4.4. Interactive methods of training and their organization
- 4.5. Carrying out of discussions, брейншторминга and trainings.
- 4.6. Kinds of discussions. Rules of carrying out of written discussion.

5-Chapter. Bases of pedagogical skill

- 5.1. Concept of pedagogical skill
- 5.2. Pedagogical technics{technical equipment} both its components and making parts
- 5.3. Pedagogical abilities
- 5.4. Dialogue of teachers with pupils
- 5.5. Dialogue between the teacher and the student

II-PART

1 – Chapter. Actual problems and a subject of psychology. A place of psychological knowledge in conditions of new thinking and formation of national ideology

- 1.1. The present and psychology.
- 1.2. Psychology as a subject.
- 1.3. A subject of psychology.
- 1.4. Mentality and forms of its display.
- 1.5. A place of psychology in system of sciences.
- 1.6. Branches of psychology.

2 - Chapter. Modern methods of psychology and their practical application. Opportunities of practical psychology in conditions of market attitudes{relations}

- 2.1. The basic methods of psychology.
- 2.2. Applied and practical branches of psychology.
- 2.3. Directions of practical psychology.

3 -Chapter. A problem of the person and a society in psychology. Psychological laws in management of a society. Psychological factors of influence on the person. Factors of formation of outlook and spirituality of the person

- 3.1. The person - as object and the subject of social influences.
- 3.2. Social norms{rates}, sanctions and the person.
- 3.3. Comprehension of social influences by the person.
- 3.4. Image "I" and a self-estimation.
- 3.5. Socialization of the person during an early youth.
- 3.6. Factors of formation of outlook and spirituality of the person.
- 3.7. Role national and cultural wealth.

4 - Chapter. Activity of the person. Kinds of activity. Motivation and management. Motives of social behavior. The realized and not realized motives

- 4.1. The person and its{her} activity.
- 4.2. Kinds of activity. Intellectual and physical actions of the person.
- 4.3. Motivation of the person and motives of social behavior.
- 4.4. Kinds of motives.
- 4.5. A degree of sensibleness of motives: social installation and problem its changes.

5 - Chapter. Cognitive activity of the person. Criterion of knowledge and its{his} adequacy. Management of perception{recognition} of attention, memory.

- 5.1. Cognitive processes and professional work.
- 5.2. Cognitive processes.
- 5.3. Perception{Recognition} and its{his} properties.
- 5.4. Laws of perception{recognition}.
- 5.5. Memory and riches of experience of the person.
- 5.6. Laws of memory.
- 5.7. Methods of management cognitive processes.

6 -Chapter. Thinking and conditions of independent thinking. Creative and logic thinking as the factor of education of healthy spirituality and conviction

6.1.Social essence of formation of concepts and thinking.

6.2.Kinds of thinking.

6.3.Forms of thinking.

6.4.Operations of thinking.

6.5.Independent thinking - as criterion of healthy spirituality.

7 - Chapter. Specific features of the person and their diagnostics. Value of studying of character, temperament and abilities of the person.

7.1.Classification individually - typological features.

7.2.Diagnostics of abilities and endowments of the person.

7.3.Congenital and got in abilities.

7.4.Psychological structure of abilities.

7.5.Abilities and diagnostics of interests.

7.6.Temperament and specific features of activity.

7.7.Character and the person.

8 -Chapter. Age features of development of the person. Psychology of youth and a maturity. Акмеология.

8.1.Social and генотипические factors of development of the person.

8.2.Traditional division of life cycle.

8.3. Features of socialization of the person at teenage and youthful age.

8.4.The emotional attitude{relation} and аттракция at youth.

9 - Chapter. The person in system of human mutual relations. Technics and strategy of dialogue. A problem of social influence in psychology. Secrets of effective influence.

9.1. Psychology of human mutual relations.

9.2. A role of interpersonal dialogue in development persons.

9.3. Human dialogue and psychological means of dialogue.

9.4. Dialogue and problems of its{his} studying.

9.5. Psychology of effective influence.

10 - Chapter. The organization of activity in groups. Kinds of groups. Group compatibility, leadership and conformism

10.1. The person and group. Референтная group.

10.2. Kinds of groups.

10.3. The size of groups and structure of group.

10.4. Psychological compatibility in group.

10.5. A psychological climate of group and its{his} studying.

The appendix

Glossary

The used and recommended literature

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш ишининг ҳаётий зарурати ва долзарблиги ҳақида гапирар эканлар, «Инсон шахсини, унинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни бой маданий меросимиз ҳамда тарихий қадриятларимизга ҳурмат-эътибор, мустақил Ватанимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш талаблари олдимизга муҳим вазифаларни қўймоқда» деб алоҳида таъкидлайдилар. Бу вазифалар, биринчи навбатда келажакнинг бунёдкорлари бўлмиш ёш авлоднинг билим олиш, юқори малакали кадрлар бўлиб ўз юрти ва халқига ситқидилдан меҳнат қилиш, озод юрт равнақи ва бахт-саодати учун ҳалол меҳнат қилишга ўргатишни назарда тутди. Зеро, мустақиллик айнан фидоий, ўз Ватани манфаатларига ғоят садоқатли, юқори малакали кадрларнинг жамиятни бошқаришини тақозо этади.

Талабалар ҳукмига ҳавола этилаётган ушбу ўқув қўлланма ҳам мустақилликнинг бизга яратган чексиз имкониятлари, ижодий ва мустақил тафаккур қилишнинг дастлабки медаларидандир. Чунки замонавий кадрлар олдида қўйилаётган энг муҳим вазифалардан бири - малакали мутахассислар сифатида ўзлигини, ўз қобилиятлари, индивидуаллиги, шахсий фазилат ҳамда хислатларини билган тарзда атрофидагилар меҳнатини оқилона ташкил этиш ва ижтимоий фойдали меҳнатнинг барча соҳаларида иқтидорли касб соҳиби сифатида фаолият кўрсатишдир. Бу ўринда инсон руҳияти қонуниятларини ўрганувчи психология фанининг, шахсга таълим-тарбия беришнинг сир-асрорларини ўргатувчи педагогика фанининг ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Ёш авлодни янгича таълим стандартлари асосида, жаҳон талабларига жавоб берувчи мутахассислар қилиб тарбиялаш иши олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар учун янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, рисоалар тайёрлашнинг ҳам янгича услубларини талаб этмоқда. Ушбу ўқув қўлланма ёшларга айнан педагогик-психологик билимлар асосларини берса-да, умид қиламизки, уларни ўз атрофида рўй бераётган ислохотларга ҳолис баҳо бериш, ўзи ва ўзгалар руҳияти сир-асрорларини бефарқ бўлмаслик, ўз лаёқатларини ўстиришнинг элементар воситаларидан боҳабар бўлишга ёрдам беради. Чунки шахсина ўз қобилияти, иқтидори, лаёқати, тафаккури, диққати, характери хусусиятларини билиб, уни тўғри йўналтира олса, бу нафақат шахснинг ўзига, балки жамият учун ҳам катта наф келтиради.

Ўқув қўлланма педагогика ва психология асослари бўйича мухтасар билимларни бергани билан унинг ҳар боби якунида тавсия этилган саволлар талабаларни ўз устида ишлашга ўргатади, педагогика-психологиянинг бошқа масалаларини ҳам мустақил ўрганиш ҳамда таҳлил этишга қўмаклашади.

Педагогика ва психология фанларини олий ўқув юртларида талабаларга ўргатишда ҳар бир олий таълим муассасаси таълим йўналишига кўра дарс соатларини ажратади. Россия олийгоҳларида педагогика фанини ўқитишда И.П.Подласий, М.Н.Невежина, Р.А.Бордовская, В.А. Слостёнина, психология фани ва унинг асосий категорияларини ўргатишда 25 бобдан иборат дастурни (Немов Р.С.), 46 та маърузадан иборат режани (Тихомиров О.К), 12 та

маърузадан иборат дастурни (Макарова И.В.), 8 бобдан иборат режани (Бороздина Г.В.) таклиф этганликларини кузатамиз. Шу тарзда ёндашиш ўзбек психолог олимлари орасида ҳам кўринади. Масалан, Ўзбекистон психологлари орасида Э.Ғ.Ғозиевнинг 2 жилддан иборат “Умумий психология” дарслигида психология фанининг предмети, бу фаннинг вужудга келиши, асосий соҳалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, психологиянинг методологияси ва принциплари, фаолият, унинг тузилиши, шахс ва унинг тузилмаси, шахс психикасининг намоён бўлиш шакллари, шахснинг психологик хусусиятларидан қобилят, темперамент, характер қабила кенг ва батафсил ёритиб берилган. Нопсихологик ва нопедагогик йўналишларда тахсил оладиган талабларга педагогика ва психология фани асосларини ўқитишда педагогика, умумий психология, ёш давлари ва ижтимоий психологияни мавзулари қамраб олинганлигини кузатдик.

Мазкур ўқув қўлланмада кўтарилган муаммоларни ўрганишда **замонавий педагогик ва психологик технологиялар**дан фойдаланиш самара беради. Бобларда кўзланган мавзуларни талаба шахси томонидан тўлароқ ва аниқроқ идрок этиш учун ақлий хужум, тармоқлар, елпиғич, венна диаграммаси, психогимнастик машқлар, синквейн, ЗХУ методларини қўллаш тавсия этилади. Шунингдек, гуруҳни гуруҳчаларга бўлиб, ўқиш фаолиятини ташкил этиш керак. **Ахборот технологиялари**дан фойдаланиш чунончи, психологиядаги турли категорияларни слайдлар, расмлар, диаграммалар холида ифодалаб бериш, интернет тармоғида мавжуд веб-сайтларда берилган материалларни талабаларга визуал кўрсатиб бериш таълим сифатини юқорига оширади.

Мазкур ўқув қўлланмани ёзишда шунингдек, ҳукумат миқёсида шахс, унинг қобиляти, иқтидорини ўстириш масаласи муҳим эканлигини тасдиқловчи бир қатор **Қонун, Қарорлар**га асосланганки, уларнинг тўлиқ рўйхати фойдаланилган ва тавсия этилган адабиётларда акс этган. Педагогика ва психология фанларида ҳамда илмида ўтказилган жиддий тадқиқотларнинг **статистик маълумотлари**дан ҳам фойдаланилган.

Демак, ҳозирги замонда ҳар бир шахс ўзини психологик хусусиятларини билиб олиши учун педагогика ва психология фанидан хабардор бўлиши керак. Бунинг учун биз адабиётлар рўйхатида жуда кўп адабиётларни тавсия этишимиз билан бирга мазкур ўқув қўлланмани ҳам таклиф этамиз.

Муаллифлар ҳар бир ўқувчи китобни мутолаа қилиш жараёнида унда кўтарилган муаммоларга бефарқ қолмайди, жаҳонда ва мустақил юртимизда рўй бераётган оламшумул воқеалар моҳиятини англашда ва уларга нисбатан фаол ҳаётий мавқенинг шаклланишида кўмакдош бўлади, деб умид қиладилар.

Муаллифлар

1-БЎЛИМ

1-БОБ. ПЕДАГОГИКАНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Педагогика фанини предмети, мақсади ва вазифалари.

1.2. Педагогика фанининг асосий тармоқлари.

1.3. Асосий педагогик категориялар.

1.4. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси.

1.5. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.

1.1. Педагогика фанини предмети, мақсади ва вазифалари

Келажаги буюк давлатни кураётган кишиларнинг тафаккури, янги иқтисодий муносабатларни тиклашга, моддий неъматлар ишлаб чиқаришга астойдил киришиб доимо ёниб яшаш ҳисси билан суғорилган бўлиши лозим. Мана шундай ижобий хислатларга бой инсонни тарбиялаш педагогика ўқув юртлирининг, ўқув муассасаси, лицей, гимназия, коллеж, институт ва университетларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Буюк аллома А.Авлоний таъкидлаганларидек: «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир». Ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётини саодатга, соф инсоний фаолиятга эришишида тарбиянинг роли ниҳоятда муҳим.

Ёшларни тарбиялашда биз учун қадрли бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўчмас меросимизга меҳр-муҳаббат уларга содиқлик руҳини шакллантира олсак ҳар биримиз учун ижобий натижа бажараётган ишларимизнинг маҳсули эканлиги билинади.

Бунинг учун аввало миллий ғурур, миллий онг, миллий ғоя, маънавият, юксак маданият эгаси каби тушунчаларни ёшларнинг онгига сингдиришимиз лозим. Чунки тарихни билмасдан, ўрганмасдан ундан руҳий, маънавий озуқа олмасдан туриб, келажакни, келажакдаги орзу умидларга эришиб бўлмайди.

Демак, Педагогика фанининг предмети, ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун ҳам унинг методологик асослари мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожига шахс камолоти уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.

Тарбия жамиятнинг вазифаси бўлиб, у фақат ишлаб чиқариш муносабатлари таъсирида эмас, балки турли тарихий даврларда илгари суриладиган у ёки бу тарбия назариясининг ғоялари таъсирида аниқ шаклга эга бўлади, шунинг учун ҳам кўп жиҳатдан маърифатчи ва педагоглар фаолиятининг натижасини ифодалайди. Агар тарбия алоҳида мустақил вазифа сифатида кишилиқ жамияти пайдо бўлиши билан бирга таркиб топган бўлса, таълим назарияси фан сифатида бир мунча кейинроқ шаклланган.

Тарбия жамият ҳаётида сезиларли рол ўйнайди. Жамиятда тарбия жараёнида тўпланган тажрибани умумлаштириш эҳтиёжи туғилиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш имконини берадиган махсус ўқув юртлирини очиш зарурияти пайдо бўлиши билан бирга, таълим назарияси ҳам фан сифатида ривожлана бошлади.

Ибтидоий жамоа даврида ҳам ижобий тарбия тажрибасини оммалаштиришга уриниш куртаклари бўлган. Масалан, катталар ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар билан, кейинроқ турли одат ва маросимлар билан боғлиқ ўзини тутишнинг баъзи бир кўринишлари шакллана бошлаган.

Қадимий ва Ўрта Шарқ адабиёти намоёндалари орасида назарий-педагогик тусга эга қатор илмий қарашлар мавжуд бўлган. Улар орасида Ал-Фаробий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларини мисол келтириш мумкин.

Феодализм даврида тарбия асосан дин таъсирида бўлган. Шунинг учун ҳам таълим назариясининг асосий ғоялари диний илм орқали ифодаланган.

Тарбия назариясининг ғоялари анча олдиндан илгари сурилган бўлишига қарамай педагогик илмий билим-фан сифатида бир оз кейин шаклланган.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши буюк чех педагоги Ян-Амос Коменский (1592-1670) номи билан боғлиқдир. Коменский томонидан таклиф этилган тамойиллар, таълим жараёнининг шакл ва услублари «Педагогика»нинг олтин фондига кирган. Унинг машхур «**Буюк дидактика**» асари педагогика назарияси ва амалиёти соҳасида биринчи муҳим илмий асар ҳисобланади.

Укув муассасасидаги ўқув жараёнида таълим, тарбия ва маълумот ўзаро боғлиқ равишда амалга оширилади. Ҳар қандай фан ўргатилиши мобайнида педагог тарбияланувчилар дунёқарашини шакллантиради, маданий хулқ-атворини тарбиялайди.

«Педагогика» атамаси қадимий Юнонистондан келиб чиққан. Бу ерда кулдорлар фарзандларини укув муассасасига кузатиб қўядиган, олиб борадиган одамларни «педагог» деб аташган. Кейинчалик бу атаманинг маъноси бирмунча ўзгарди. Махсус тайёргарлик кўрган ва тарбия билан шуғулланган шахслар «педагог» деб атала бошлаган. Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиясига эмас, балки катталар тарбиясига ҳам тааллуқли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогикани ёш авлодни ва катта ёшдаги одамларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганувчи фан, деб белгилаш одатга айланди.

Олдинида тарбия жараёни катталар томонидан бевосита меҳнат фаолиятида амалга оширилган бўлса, жамият ривожлана борган сари бундай йўл талабга жавоб бермай қўйди. Энди тарбия билан билимдон, тажрибаси етарли одамлар шуғуллана бошлади. Машғулотлар тобора ташкилий шаклларга, кўринишларга эга бўлиб борди ва секин-аста ўқув муассасалари пайдо бўлди.

Педагогика узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтиб, ҳозирги вақтда илмий билимларнинг яхши шаклланган, катта назарий ва амалий материалларни ўз ичига олган тармоғига айланди. Буларнинг барчаси педагогиканинг табақаланиши, яъни унинг алоҳида тармоқларга ажралишига сабаб бўлди.

Ҳар бир мустақил фан ўзининг предмети ва методик асосига эга бўлгани каби Педагогика фани ҳам фан сифатида шаклланиб, ўз предметида эга бўлди. Барча ижтимоий фанлар каби жамиятдаги ўзгаришлар, инқироз, юксалишлар Педагогика фанининг методологияси, ўқитиш жараёни, ғоялар ривожига ҳам ўз

навбатида таъсирини кўрсатади. Лекин инсоният тарихига назар ташлар эканмиз, ҳамма даврларда педагогик фаолият, тарбиявий жараён мавжуд бўлган. Шу сабабли ҳам тарбия жараёнини ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисми деб қараш, ҳамда олдин тарбиявий ишларни олиб бормасдан туриб, инсоният ҳаётидаги буюк ўзгаришларни, жамиятни ривожланишини, фаровон турмуш тарзини тасаввур қилиш қийин.

Педагогика фанининг илмий-тадқиқот ишлар, педагогик ғоялар, илмийликка асосланган натижалар жамланмалари, илмий ишланмалар, тажрибалар, тавсиялар асосида бир қатор илмий педагогик қўлланмалар, дарсликлар чоп этилган.

Хозирги замон педагогика фани жаҳон педагогикасининг етакчи бир қисми бўлиб, педагогика фани тарихи билан мустаҳкам боғлиқдир. Педагогика фанининг тарихи эса, педагогиканинг қисмларидан бири, унинг махсус тармоғи ҳисобланади.

Педагогиканинг бош масаласи тарбиядир. Тарбиядаги кенг маъно таълим, ривожланиш, маълумот билан боғланган ҳолда баркамол инсонни вояга етказишдир.

Педагогика фанининг мақсади:

- Республикамизда комил инсонни вояга етказишнинг бир бутун ҳолатдаги муаммоларини ҳал қилиш;
- Таълим-тарбия самарадорлигини тинмай ошириш ва Дунё талаблари даражасига олиб чиқиш масалаларига ижодий ёндашиш;
- Умуминсоний кадрият ва миллий маданиятнинг асосларини эътиборга олиб, таълим-тарбия мазмунини, миллий мафқурани шакллантириб бориш имконини яратиш;
- Педагогика-тарбияшунослик коида, қонунларни илғор тажрибалар асосида бойитиб бориш ва янги иш шакллари излашга тадбирлар белгилаш;
- Узлуксиз таълим тизимини янада ривожлаштириш муаммоларини ҳал қилиш;
- “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ни амалга ошириш.

Педагогика фанининг вазифалари:

- Шарқ ва Ғарбда халқ яратган халқ оғзаки ижодиёти, педагогикаси, мутафаккир, маърифатпарвар, педагог ва олимларнинг тарбияшуносликка доир илғор ғояларини урганиб, таҳлил қилиб, комил инсонни тарбиялаш жараёнини урганиш;
- Комил инсонни таркиб топтиришнинг қонуният, коида ва зарурий шифатларини аниқлаш;
- Педагогикадаги таълим-тарбия назариясини ҳозирги дарв хусусий методикаси билан ўзвийлик муаммоларини ишлаб чиқиш ва янги педагогик технология қонунларига амал қилиш;
- Таълим-тарбия назариясидаги коида, қонун, тамойил, метод ва усулларини мактаб амалий ҳаёти билан боғлаб, булажак Ўқитувчиларга ургатиш;

Халқ таълимини бошқариш ва раҳбарлик масалаларини чуқур урганиб булажак Ўқитувчиларни қандай тайёрлаш муаммоларини ҳал қилиш.

Педагогика фанининг мазмуни, мақсади, вазифалари, тамойил, усул ва воситалари умуман, ҳар бир инсон учун зарур бўлган тарбиявий таъсирлар

янгича асосга эга булиши керак.

Президентимиз И.А.Каримов бу борада шундай деган эдилар:

“Ўзбекистоннинг янгиланиш ва ривожланиш йули туртта асосий негизга асосланади:

- Умумий кадриятларга содиклик;
 - Халкимизнинг маънавий меросини мустахкамлаш ва ривожлантириш;
 - Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- Ватанпарварлик.”¹

Педагогика тарихи педагогик таълимотнинг тарихи ва тарбиянинг ривожланиш масалаларини ижтимоий ҳодиса сифатида тадқиқ этувчи педагогик ғояларнинг салбий педагогик ғояларга қарши кураши тарихини, ҳукмрон табақаларнинг демократияга қарши сиёсатини очиб ташлайди, илғор педагогик ғоялар, ҳур фикрлар, таълим қонуниятларининг айрим олинган тарихий даврдаги ривожланиш тамойилларини таҳлил қилади, муҳим умумий ҳулосалар чиқаради ва бугунги кун учун долзарб муаммоларни ўртага ташлайди.

1.2. Педагогика фанининг асосий тармоқлари.

Тарихийлик тамойили ҳар қандай фан ривожланишининг зарур тамойили ҳисобланади. Зеро ўтмишни ҳозирги давр билан қиёслаш фақат ҳозирги ҳодисаларнинг асосий ривожланиш босқичларини яхши кузатиб боришга ёки ўтмишнинг бебаҳо тажрибаси ҳамда эришилган ютуқлардан фойдаланишга ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга, бу соҳада хатоларга йўл қўйишдан сақлайди ва келажакка йўналтирилган амалий таклифлар, мақсадли изланишларни амалга оширишга кўп даражада асос бўлади. Жамият ҳаётини қайта қуриш, ўсиб келаётган ёш авлодни шунингдек, ҳамма меҳнаткашлар табақаларини тарбиялашни кучайтиришни талаб этади. Бундай шароитда педагогиканинг тадқиқот соҳалари доираси кенгаяди. Ҳозирги кунда педагогикани асосий тармоқлари сифатида қуйидагиларни келтириб утамыз.

Ёш даврлари педагогикаси мазкур гуруҳлар билан олиб бориладиган тарбиявий-ташқилий ишларнинг қонунийлигини тадқиқ этади ҳамда энг аввало уларни тарбияланувчиларнинг укув муассасалари шарт-шароитларида амалга ошириш дастурини ишлаб чиқади.

Катта ёшдагилар педагогикасида олий ўқув юрти шарт-шароитларида ёшларни тарбиялашнинг назарий масалалари ва методикасини ишлаб чиқадиган педагогика тармоғи сифатида олий укув юрти педагогикасининг шаклланаётганлиги, унинг аниқлашиб бораётганлиги кўзга ташланади.

Миллий армиямиз учун мутахассислар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртларида ёшларга таълим бериш ҳамда тарбиялаш муаммолари билан **ҳарбий педагогика** соҳаси шуғулланади.

Булардан ташқари **оила педагогикаси** бугунги кундаги долзарб вазифалардан бирини ташкил этиб, оилаларда, оила марказларида, маҳаллаларда, жамоат ташкилотларида, оила-никоҳ муассасаларида амалга

¹ И.А.Каримов. “Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли”. Тошкент. «Ўзбекистон» 65-бет

оширилаётган тадбирларда намоён бўлади.

Умумий педагогикада тарбияланувчилар орасида мафкуравий тарғибот ва маданий маърифий ишлар ҳам ўзига хос тармоқларига эгадир. Бу меҳнаткашларни тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшади ва белгиланган педагогик ғояларга суянади. Педагогика фанининг ҳамма тармоқлари ўзининг турли ривожланиш, тараққиёт босқичларига эгадир: уларнинг айримлари аниқ шаклланиб бўлган ва етарли даражада кенг ишлаб чиқилган бошқалари ўзининг шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда (масалан, олий укув юрти муассасаси педагогикаси, ишлаб чиқариш педагогикаси) баъзи бир тармоқлар педагогикасининг ажралиб чиқиши эндигина бошланмоқда. Умумтаълим укув юртларида эмас, балки ёрдамчи укув юртларида шуғулланишлари мумкин бўлган шахслар яъни, кўриш, эшитиш, сўзлаш аъзоларида камчиликлари бўлган шахсларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш, тарбиялаш ва таълим беришнинг ўзига хос томонларини тадқиқ этувчи фанлар педагогика фанининг махсус гуруҳини ташкил этади. Педагогиканинг бу махсус тармоқлари дефектология ёки махсус гуруҳга бирлаштирилган.

Дефектология фанлари ўз навбатида алоҳида мустақил бўлган тармоқларга бўлинади:

Сурдопедагогика - кар ва гунг тарбияланувчилар таълим-тарбияси масалалари билан;

Тифлопедагогика - кўзи ожиз тарбияланувчилар таълим-тарбияси билан;

Олигофренопедагогика - ақли ожизлар таълим- тарбияси билан шуғулланади.

Бундай илмий ишлар билан шуғулланадиган институтлар Республикамизда турли тавсиялар бериш, методикани ишлаб чиқиш билан бир қаторда илмий изланишлар, тажриба алмашиниш билан ҳам самарали тадбирларни олиб боришади. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида махсус ташкил этилган Дефектология факультетида муносиб мутахассислар тайёрланаётганлиги фикримизнинг далилидир.

1.3. Асосий педагогик категориялар.

Бизга юқоридаги фикрлардан маълум бўлдики, педагогика Фани таълим-тарбия мақсадини жамият талабларига ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига қараб мазмунан ўзгаришини ўргатади, тарбиянинг таркибий қисмларини ва улар ўртасидаги бохланишларни очиб беради.Шу аснода таълим ва тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболларини, йўллари кўрсатиб беради. Педагогиканинг асосий категорияларига тарбия, таълим, маълумот киради. Лекин, ҳозирги педагогикани тараққй этиб боришида, асосий педагогик категориялар қаторига ривожланиш ва шаклланишни ҳам киритса бўлади.

Тарбия-Ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот – дунёқарашни, инсоний эътиқод, бурч ва маъсулиятни, жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди.Тарбия бола туқилгандан бошлаб умрининг охиригача оилада, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланиб борадиган жараёндир.

Педагогикада «тарбия» тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланиши мумкин.

Кенг маънода қўлланиши деганда – катта авлод вакиллари ўзлари тўплаган ҳаётий тажрибаларини ёш авлодга қолдиришларини тушуниш мумкин.

Тор маънода қўлланиши деганда – махсус таълим муассасалари орқали шахсда аниқ билим, дунёқараш, ички хиссиётларини, умуман ҳаётга тайёргарлигини ривожлантириш тушунилади. Шу ерда савол туқилади: қайси таълим муассасаси бошқасига нисбатан тарбия тақдирига кўпроқ таъсир кўрсатади? Бола тарбиясини бузилишига фақат тарбия муассасалари ва педагоглар кўпроқ сабабчими? Деган саволлар инсониятни доимо қизиқтириб келади.²

Таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Таълим жараёни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, икки тамонлама характерга эгадир. Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта ўйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, кутилган натижани беради. Таълим жараёнини мазмунини билим, кўникма ва малака ташкил қилади.

Билим – бу ўқувчилар ўқиш орқали билим билан қуролланадилар. Билимни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллай олиш учун билим билан бирга кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Кўникма – машқ қилиш натижасида бериладиган ҳаракатлар йиқиндиси.

Иқтидор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали **малакага** айланади.

Билим асосида кўникма ва малака пайдо бўлади. Билим баҳсда керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда зарур.

Маълумот – таълим – тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуидир.

1.4. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси

Педагогика инсонлар орасидаги муносабатларни ва ижтимоий муҳитнинг инсонга таъсирини тадқиқ этувчи фан сифатида иқтисодиёт, маданият ривожланишининг ўзига хослиги ҳамда уларнинг инсон шахси шаклланишига таъсирини ўрганади. Шу билан бирга, педагогика ўқув муассасаси тизимининг ташкилий жиҳатларидаги кўпгина масалаларни ҳал этишга, шахсларни тарбиялашда ўқув муассасаси, оила ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришига ёрдам беради.

«Педагогика» тарбия жараёнини ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганар экан, табиий равишда жамиятдаги барча фанлар билан боғлиқдир. «Фалсафа» фан сифатида инсоният жамияти, табиат ривожланишининг умумий

² □ 1.И.П.Подласий.Педагогика.Владос.2003.25-стр.

қонуниятларини ташкил этадиган, яъни педагогиканинг тараққий этиб боришига имкон берадиган илмий манбаидир. Шу билан бирга, файласуфлар ва педагогика фанлари вакиллари томонидан ишлаб чиқилган бир қатор умумий масалалар фалсафада ҳам, педагогикада ҳам баробар мавжуддир.

Булар жумласига тарбия билан бошқа ижтимоий ходисалар орасидаги ўзаро алоқалар; дунёқарашни, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни шакллантириш масалалари; шахс ва жамоа муносабатлари; таълим жараёни моҳиятини тушуниш ҳамда билишнинг диалектик назариясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган гнесеологик масалалар ва бошқа муаммолар киради.

Педагогиканинг аниқ масалаларини ишлаб чиқишда фалсафанинг социология, этика, эстетика каби тармоқлари катта аҳамиятга эгадир.

Этика фалсафанинг ахлоқий ва тарбия масалалари билан бевосита боғлиқдир. Уларни ҳал этишда педагогика ахлоқнинг умуминсоний кадриятларига суянади.

Эстетика (нафосат тарбияси) инсоннинг эстетик идеалларини шакллантириш, маданиятга ва воқеликка эстетик муносабатлари умумий қонуниятларини ўрганади ва эстетик тарбияни илмий жиҳатдан асослаш учун хизмат қилади. Бу асосларни педагогика фани ишлаб чиқади, ёшларни гўзалликни хис қила олиш, тушунишга ўрганиш воситалари ва йўллари белгилаб беради.

Педагогиканинг фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлигини, ҳал этадиган илмий масалаларнинг умумийлигини педагогиканинг ижтимоий хусусияти, унинг мафкуравий йўналишга эга эканлигини таъкидлаб туради. Тарбиянинг ҳамма муаммоларини бошқа сиёсий, ижтимоий масалалар билан бир қаторда ҳал этиш заруриятини кўрсатиб беради.

Жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида педагогиканинг иқтисодиёт фанлари билан алоқаси мустаҳкамланиб бормоқда. Ижтимоий фанлардаги маълумотларга суяниб, педагогика жамиятнинг тарбияга бўлган объектив эҳтиёжини ва уларни амалга ошириш шарт-шароитларини ўрганади.

Инсоннинг ақлий ривожланиши қирраларини, жиҳатларини ўрганадиган бошқа фанлардан фарқли ўлароқ, педагогика инсон шахси, унинг тараққиёт босқичлари билан шуғулланади.

Педагогика психология ва физиология билан ҳам бевосита ва билвосита боғлиқдир. Физиология педагогика ҳамда психологиянинг табиий илмий базаси ҳисобланади. Педагогика физиологиянинг олий асаб (нерв) фаолиятининг ривожланиши, асаб системасининг ўзига хослиги, биринчи ва иккинчи сигнал системалар ҳақидаги, шунингдек сезги органларининг, таянч ҳаракат аппаратларининг, юрак. қон-томир ҳамда нафас олиш системаларининг фаолияти, ривожланиши ҳақидаги маълумотларга суянади.

Психологик ҳодисаларнинг физиологик асосларини билиш педагогика учун тарбия ва таълимнинг баъзи бир омилларини яққол, аниқ билиб олиш, тушуниш имкониятини яратади ҳамда таълим-тарбия жараёнини самарадорлигини оширишнинг кўпгина муаммоларини муваффақиятли ҳал этишга ёрдам беради.

Психология педагогиканинг бошқа фанлар томонидан аниқланган

билимлар, ўсиб келаётган инсоннинг шахсини шакллантириш, ички жараёнларини юз бериш омиллари ва шарт-шароитлари ҳақидаги билимлар билан куроллантиради.

Кейинги вақтларда педагогика бошқа янги ривожланаётган фанлар билан, жумладан, мураккаб динамик тизимларни режали бошқариш ҳақидаги фан бўлган кибернетика билан мустаҳкам алоқада ривожланмоқда. Буларнинг барчаси педагогика ўзининг предмети ва тадқиқот соҳасига эга бўлиб, бошқа бир қатор фанлар билан жуда мустаҳкам боғлиқликда эканлигини кўрсатади.

Ҳозирги мустақиллик шароитида ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида умуминсоний кадриятларни, умуминсоний ижобий хислатларни ривожлантириш Ўзбекистон ҳукуматининг қарорларида мустақил Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида, нутқларида ўз аксини, тасдиғини топган.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида тутган ўз йўли, тамойиллари тарбия жараёнида ҳали аввалги кекса авлод олдида турмаган янги масала ва муаммоларни ечиш учун зарур бўладиган хислат ва сифатлар шакллантирилишини тақозо этади.

Ўзбекистонда миллий истиқлол мафкураси аста-секин шаклланиб бораёпти. Педагогика илмидаги тушунчалар таърифлар миллий истиқлол мафкурасига мос умуминсонийлик руҳида тушунтирилмоғи мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Албатта таълим ва тарбияда умуминсоний кадриятлар билан бирга миллий ўзига хослик нисбати, мувозанати алоҳида аҳамиятга эга. Яна бир томондан таълим назариясини, таълим - тарбия мазмунини, шаклини ва услубларининг асосий жиҳатлари Шарқда ишлаб чиқилиб, Оврупо орқали ўзгариб, ривожланиб яна Шарққа қайтиб келганини ва дунё педагогик жараёнини бир бутунлигини ҳисобга олинса, қуйида келтириладиган тушунчаларда хусусий миллийликдан кўра, умуминсонийлик жиҳатларининг кўплиги кўзга ташланиб туради.

5. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.

Педагогика фани ўз мазмунини бойитишда янгилашда мавжуд бўлган педагогик ҳодиса ва жараёнларни унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келадиган усуллари билан ўрганади. Педагогика фанининг илмий тадқиқот усуллари қанчалик тўғри қўлланса, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва такомиллаштириш шу даражада юксалади. Лекин илмий тадқиқот методларининг аниқ чегараланган тизими ҳозиргача фанда яратилган эмас. Педагог педагогик жараёнда ўз аудиторияси тарбияланувчилари характер-хусусиятларидан келиб чиққан, уларни психологиясини чуқур ўрганиб бир қатор методларни қўллаш мумкин. Чунки педагогнинг асосий мақсади дарс жараёнини тарбиявий таъсирини ошириш ҳисобланади. Бунинг учун қуйидаги педагогик илмий текшириш методларни келтириб ўтиш лозим бўлади.

1. Педагогик кузатиш методи.

2. Сухбат усули (якка тартибда, гуруҳ билан)

3. Талабалар ижодини ўрганиш усули.

4. Тест усули

5. Маълумотларни таҳлил қилиш усули.

6. Эксперимент-тажриба-синов усули.

7. Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули.

8. Математика ва кибернетика усули.

Таълим усуллари танлаш билан бир каторда Ўқитувчи дарсдаги талабаларни ёш ва индивидуал характер хусусиятларини урганиши ҳамда таҳлил қилиши шарт.

Педагогик кузатиш- одатда табиий кузатиш орқали ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштиришлари, уларнинг хулқ-атвори ва муомалалардаги ўзгаришларни ҳисобга олиш ва тегишли таълимий-тарбиявий таъсир кўрсатиш йўллари белгилаш учун қўлланилади. Бу метод тадқиқотчининг педагогик тажрибанинг муайян бир томони ва ҳодисаларини бирор мақсадни кўзда тутиб идрок этиш ташкил этади. Бунда кузатишлар тезлиги ва сони, кузатиш объекти, вақти, педагогик вазиятларни кузатиш учун ажратиладиган характеристика ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Суҳбат методи- сўрашнинг бир тури бўлгани ҳолда тадқиқотчининг жиддий тайёргарлик кўришини талаб этади, чунки у текшираётган шахс билан бевосита алоқада бўли швақтида оғзаки суҳбат тарзида, суҳбатдошининг жавобларини ёзмасдан эркин муомала формасида қўлланилади.

Суҳбат методида- мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар жамоаси билан ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан, яқка ва гуруҳли тартибда иш олиб борилганда қўлланилади. Суҳбат методидан фарқ қилиб интервью олиш методи саволларни олдиндан белгиланган изчилликда интервью йўли билан баён қилишни назарда тутди. Бунда жавоблар магнит тасмасига ёки кассеталарга ёзиб олинади. Ҳозирги кунда оммавий сўраш назарияси ва практикаси интервью ташкил этишнинг кўп усуллари мавжуд:

- гуруҳлар билан;
- интенсив;
- синаш ва ҳ.к.

Педагогик сўраш методи- тадқиқотчининг бошқа кишилардан педагогик тажрибанинг бирор томони ёки ҳодисалари ҳақида ахборот олиш жараёни бу методнинг асосини ташкил қилади. Сўраш саволларнинг мантииқий ўйланган системасини, уларнинг аниқ ифодаланишини, нисбатан камчилиги (3-5та) назарда тутилади. Шунингдек, қатъий формадаги жавобни («ҳа», «йўқ») ҳам тақозо этиши мумкин.

Тест синовлар методи- бу ёзма жавобларнинг оммавий равишда йиғиб олиш методидир. Тест синовларини (анкеталарини) ишлаб чиқиш мураккаб илмий жараён. Пировард натижада тадқиқот натижаларининг ишончлилиги анкеталар мазмунига, берилаётган саволлар шаклига, тўлдирилган анкеталар сонига боғлиқ бўлади. Одатда тест саволларининг маълумотларини компьютерда математик статистика методлари билан ишлашга имкон берадиган қилиб тузилади.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули – бунда ўқувчиларнинг умумий миқдори, унинг ўсиши ёки камайиш сабаблари тавсифи, ўқувчиларнинг фанлар

бўйича ўзлаштириш даражасига, синфдан қолишнинг олдини олиш, Рағбатлантириш ва жазолаш чоралари турларига, мактабнинг моддий базасига эътибор берилади.

Эксперимент-тажриба-синов усули- Ушбу тажриба асосан таълим-тарбия жараёнига алоқадор илмий фараз ёки амалий ишларнинг тадбиқи жараёнларини текшириш, аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули- халқ таълими соҳасидаги, жумладан, ажратилган маблағларнинг доимий ўсиб бориши, дарслик ва ўқув қўлланмалари, кўргазмалар куруллар, ўқитувчи кадрлар тайёрлаш, мактаб қурилиши, хўжалик шартномалари ва улардан тушаётган маблағлар статистика усули орқали аниқланади.

Математика ва кибернетика усуллари- ўқитиш назарияси, амалиётида ҳисоблаш математикаси ва кибернетикаси машиналари ёрдамида бир тилдан иккинчи тилга таржима, дастурли таълим ва уни машина орқали бошқариш, ўқитишни мустақамлаш, баҳолаш орқали таълим-тарбия самарадорлигини ошириш дифференциал ва индивидуал таълим бериш, мактаб ҳисоботини машиналар ёрдамида тузиш каби жараёнлардир.

Бу каби методлардан фойдаланиб таълим ва тарбия ишларини олиб бориш фақатгина педагог учун эмас, иқтисодиёт жабхаларида фаолият юритаётган бошқарувчи ходимлар, оилада фарзанд тарбияси билан шуғилланувчи ота-оналар учун ҳам, жамоа билан ишлайдиган маъсулиятли шахс учун ҳам зарурий шарт бўлган усуллардан биридир. Зеро, инсон тарбиясидек мураккаб жараёнга ҳеч қачон эътиборсиз бўлмаслик зарур.³

Мавзу бўйича қисқача хулоса

Ушбу маърузада педагогика фанининг предмети, ҳозирги замон педагогикасининг мақсад ва вазифалари, педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқаси, асосий педагогик категориялар каби мавзулар ёритилган ва шу билан бирга педагогика фанининг методлари ва уларни қулланилиши ҳақидаги фикрлар ҳам келтириб ўтилган.

Назорат учун саволлар

1. Педагогика фани нимани ўрганади?
2. Педагогика фанининг вазифалари нималардан иборат?
3. Шарқ педагогикаси намоёндаларидан кимларни биласиз?
4. Педагогика фанининг тармоқлари ҳақида тушунча беринг?
5. Тарбия нима?
6. Таълим нима?
7. Маълумот нима?
8. Таълим ва тарбия жараёнида муҳим методларни қуллашнинг аҳамияти нимада деб уйлайсиз.
9. Таълим ва тарбиянинг бирлиги деганда нимани тушунасиз?
10. Асосий илмий тадқиқот методларини тушунтиринг?

³ Ниязов Ф. «Маъруза матнларини тайёрлаш ва ўқитиш услубиётини такомиллаштириш» Битирув малакавий иши. 2005 йил 78-бет.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Н. Хўжаев ва бошқалар. “Педагогика асослари”. Тошкент.,ТДИУ 2003.
2. Очилова Г.О., Мусаханова Г.О. “Педагогика” Тошкент. ТДИУ, 2005 йил.
- 3.Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. Москва 2003.
- 4.«Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Михенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004
5. Подласый И. П. Педагогика. Москва ,2003.
- 6.[www. inter – pedagogika. ru](http://www.inter-pedagogika.ru).

2-Боб. Тарбия назарияси

2.1. Тарбия жараёни ҳақида тушунча.

2.2. Шахс ва унинг ривожланиши ҳақида тушунча.

2.3. Шахс ривожланишида ёш ва индивидуал хусусиятлар.

2.4. Тарбия усуллари ҳақида тушунча.

2.5. Тарбия турлари.

2.1. Тарбия жараёни ҳақида тушунча


Тарбия жараёнининг моҳияти нимадан иборат? Бу оддий савол бўлибгина қолмай, педагогика ривожланиши шу вақтга қадар ушбу муаммони ечиш юзасидан кўпгина қийинчиликларни юзага келтирди. Аввало шу нарсани билиб олиш лозимки, тарбия тушунчаси ҳар хил мавзуда қўлланиши лозим. Масалан, тарбия деганда, ёш авлоднинг келажак ҳаётга тайёрлаш деб тушунилади. Лекин, бу тайёрлаш махсус ташкил қилинган тарбия фаолиятлари билан амалга оширилиши мумкин.

Тарбия шахсни мақсадга мувофиқ шакллантириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва системали таъсир этиш имкониятини беради. Тарбия жараёни ўзаро боғлиқ бўлган икки ёқлама фаолиятни педагог ва талаба фаолиятини ўз ичига олади. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шаклланади, ҳис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур бўлган ва ижтимоий алоқаларга хизмат қиладиган хулқий одатларни ҳосил қилинади.

Тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг ҳаёти ва фаолиятини педагогик жиҳатдан тўғри уюштириш ғоят муҳимдир.

Психологик ва педагогик тадқиқотларга қараганда шахсга ташқи омиллар таъсири у хоҳ ижобий, хоҳ салбий таъсир кўрсатсин, тарбияланувчи тарбиясида улар таъсир кўрсатади. Тарбияланувчининг шахсий тажрибаси ва эҳтиёжлари ташқи таъсирга муносабатни белгилаб беради ва унинг хулқига таъсир этади. Шунинг учун тарбияланувчи фаолиятини уюштиришнинг ўзигина кифоя қилмайди. Тўғри тарбиялаш учун тарбияланувчининг бу фаолиятга нисбатан қалбидан пайдо бўладиган муносабатни, турли хил кечинмаларни қандай англашни, ҳис қилишни ҳамда улардан ўзи учун нималарни мақсад қилиш олганлигини билиш зарур.

Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онгигина эмас, балки, ҳис туйғуларини ҳам ўстира бориш, унда жамиятнинг шахсга қўядиган ахлоқий талабларига мувофиқ келадиган хулқий малака ва одатларни ҳосил қилиш лозим. Бунга эришиш учун талабанинг онгига (таълим жараёни асосида) ҳиссиётига (дарсда ва турли синфдан ташқари ишларда) ва иродасига (фаолиятни уюштириш, хулқини идора қилиш жараёнида) системали ва мунтазам таъсир этиб борилади. Талабани тарбиялашда буларнинг биронтаси (онги, ҳиссиёти, иродаси) эътибордан четда қолса мақсадга эришиш қийинлашади. Шунинг учун тарбия жараёни кўп қиррали ва мураккаб жараён деб юритилади. Унинг хусусиятлари қуйидагича акс эттирилади.



2.2. Шахс ва унинг ривожланиши ҳақида тушунча.

Ҳар қандай жараён ўз натижасига эришишга қаратилган қонуний ва изчил ҳаракатлар жамидан иборат бўлади. Тарбия жараёнининг энг асосий натижаси ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантиришдан иборатдир. Бу жараён икки томонлама бўлиб уюштиришни ва раҳбарликни ҳам, тарбияланувчи шахснинг ўзи активлик кўрсатишни ҳам талаб этади. Чунки у тарбиянинг умумий мақсадларини амалга ошириш дастурини ишлаб чиқади, тарбия формалари, методлари ва усуллари асосли тарзда танлаб олади ва тадбиқ этади.

Шарқда ҳам азалдан фарзанд тарбиясига катта эътибор билан қараб келинган. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот -ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».

Юртга, ватанга муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб, авайлаш ва янада такомиллаштириш, фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил - қизлари қилиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак. Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан курули экан, ундан оқилона фойдаланиш, тарбияланувчиларни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳалқсеварликка ўргатиш керак бўлади. Аслида олганда ахлоқ маънавиятнинг ўзаги. Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик хуш муомаладагина иборат эмас. Ахлоқ бу инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик деганидир.

Қадимда аجدодларимиз комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблар мажмуасини замонавий тилда айтсак, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар.

Шарқ тарбиясида ислом динининг роли муҳимдир. «Ислом дини-бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. Ана шу маърифатли кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладиган ва яхши ўғитларга амал қиладилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишига иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар». Ислом дини ҳар қандай даврда ҳам инсонларни покликка ундаган, яхши хислатларни кўпайтириб ёмон хислатлардан халос этишга чорлаган.

Педагогика тарбияланувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур бўлган энг самарали шарт-шароитларини ўрганади ва аниқлайди. Бу масалани ҳал қилиш учун аввало «шахс» деган умумий тушунчанинг маъносини ва шахснинг ривожланиш қонуниятлари, ривожланишнинг кўрсаткичларини шахснинг шаклланишида айрим муҳим омиллар ролини билиш, индивиднинг ривожланиш жараёни босқичларини аниқлаш, шахсни шакллантиришда таълим-тарбиянинг шахс активлиги ролини ўрганиш керак бўлади.

Биринчи галда ривожланиш тушунчасининг маъносини очиб бериш лозим. Бу масалага философик жихатдан баҳо бериш билан асосланади. Философия ривожланишини табиат, жамият ва тафаккурнинг хусусияти деб қуйидан юқорига томон бўлган ҳаракат деб, янгининг туғилиши ва эскининг йўқ бўлиши ёки тубдан ўзгариши деб ҳисоблайди.

Шунинг учун педагогикада шахснинг ривожланиш жараёнига инсон шахсини такомиллаштиришнинг мураккаб ва зиддиятли йўли деб қаралади.

Мураккаб бўлган тушунчани таҳлил қилинганда турли олимлар турли хусусиятларни асосий томонлар деб кўрсатиб келганлар. Ақл, ҳиссиёт ва иродани шахснинг уч асосий томони деб ажратиб кўрсатиш энг дастлабки ўринишлардан эди. Кейинчалик педагог олимлар шахсни ўрганишга бошқача ёндаша бошладилар. Шахс доим бир бутун, мураккаб ҳодиса бўлиб унда инсоннинг биологик хусусиятлари ҳам, ижтимоий хусусиятлари ҳам гавдаланади. Бир шахсда унинг ҳамма томонлари, хусусиятлари ҳам сифатлари бир-бири билан боғланган бўлади. Бу боғланишлар ниҳоятда хилма-хил бўлиб, турли кишиларда турлича содир бўлади. Баъзан улар бир-бирига зид ва ўзгарувчандир. Шунинг учун ҳам кишининг ҳар бир сифати, масалан иродаси, хотираси ёки характер хусусияти унинг қандай тилак ва орзулар билан ёки бошқа сабаблар билан киришганига қараб мутлақо ҳар хил аҳамият ва қиммат касб этади. Хаёл бойлиги кишининг ижодий фаолияти учун зарур бўлган қимматли хусусиятдир аммо, одам хаёлида ўйлаб турган нарсаларини амалий фаолиятида рўёбга чиқармаса, бу хаёл бойлиги салбий хусусият бўлиб қолади. Мусиқага қобиляти бўлган киши уни яхшироқ ўрганиш учун интиlmаса ва меҳнат қилмаса, унинг қобиляти ўсмайди.⁴

Турмушда киши ўзидаги баъзи заиф томонларни, одатларни кучлироқ сифатлари билан қоплашга ҳаракат қиладди. Бирор нарсани унча тез тушуниб

⁴ Очилова Г.О., Мусаханова Г.М. “Педагогика” Тошкент. ТДИУ, 2005 йил.36-бет

ололмайдиган одам астойдил ҳаракат қилиб ва зўр бериб уни тушуниб олади ва меҳнатини тўғри ташкил этади. Ҳар бир киши жуда кўп одамлар билан хилма-хил муносабатларга киришганда ўзининг турли хусусиятларини намоён қилади.

Шахснинг энг барқарор ва аҳамиятли хислатлари унинг бошқа одамларга, меҳнатга, Ватанга бўлган турли муносабатларида ифодаланади. Бу хислатлар кишидаги айрим психик жараёнларнинг кечиш характерини ҳам кўп жиҳатдан белгилаб беради.

Педагогика фани шахсни биологик ва ижтимоий хусусиятлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган бир бутун нарса деб ҳисоблайди. Кишининг ёши, соғлиги, касаллиги, унинг фаолиятидагина эмас, балки турмуш тарзига ҳам таъсир қилади. Лекин шахснинг бутун қиёфасини белгилаб берадиган унга ўз жисмоний камчиликларини характеридаги салбий хусусиятларни йўқотиш куч бағишлайдиган сабаблар, қизиқишлар, мақсадлар, яъни ижодий ҳаёт натижалари ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Шахс тушунчаси ижтимоий фойдали фаолиятда қатнашишга эҳтиёж сезишини ва актив иштирок этишини ҳар бир кишининг бошқа одамлар билан муносабатда бўлиши эҳтиёжини, бу муносабатнинг мазмуни ва формаларини, шахс билан унинг атрофидаги кишилар ўртасидаги муносабатлар тизимини, унинг табиатга теvarак атрофдаги дунёга муносабатини шахснинг асосий хусусиятлари деб ажратиш мумкин. Шахснинг кўп соҳали ва ҳар томонлама фаолиятида турли хил одамлар билан алоқада шахснинг ҳамма қизиқишлари намоён бўлади, унинг одамларга умумий ишга, ўз малакасига ўзига бўлган муносабатлари шаклланади. Бироқ шахс ижтимоий турмуш маҳсули бўлиш билан бирга тирик организм ҳамдир. Организмнинг ҳаёти биологик қонунларга бўйсунди. Биринчи галда нерв системасининг хоссалари мавжудга келтирадиган темперамент хусусиятлари туфайли инсоннинг бутун хулқ-атвори алоҳида характерга эга бўлади. Шахснинг таркиб топиши ва хулқ-атворида ижтимоий ва биологик жиҳатлар муносабати ниҳоятда мураккаб бўлиб, киши таракқиётининг турли даврларида унинг бошқа одамлар билан бўлган алоқаларининг турли вазият ва кўрнишларида ҳар хил кескинликда намоён бўлади.

Шахсга аввало унинг ижтимоий қиёфасига, кишининг ўз атрофидаги одамлар ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ифодаланадиган қиёфасига қараб баҳо берилади, киши теvarак атрофидаги одамлар билан хилма-хил муносабатларга баъзан ўзига боғлиқ бўлмаган муносабатларга киришиб ўзининг моҳиятини намоён қилади. Шахснинг барча хислатлари атрофдаги кишилар билан муносабатида шаклланади. Шахс одамлар орасидан ташқарида яшай олмайди ва шаклланмайди.

Ҳозирги даврда шахсни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг бош мезони ҳисобланади. Шахс ривожланишига тўғри ёндашиш учун шахснинг табиатини, тузилишини унинг хулқ-атворини ва унга таъсир кўрсатиш воситаларини билиш зарур.

Туғилган инсон шахс бўлиб шаклланиши лозим. Бу жараён бир қанча омиллар таъсирида содир бўлади ва муайян қонунларга бўйсунди. Одатда шахс шаклланиши учун учта асосий омиллар тан олинади. Булар **ирсият**,

атроф-муҳит ва тарбиядир. Ушбу омилларнинг ҳеч бири вазият ва шароитларга боғлиқ бўлмаган ҳолатда мустақил равишда шахс шаклланишига таъсир эта олмайди. Бундан ташқари баъзи омиллар фаолроқ, мунтазамроқ таъсир кўрсатади ва кишиларнинг онгли иродасига бўйсунди бошқалари эса бошқарилиши қийин бўлган омиллардир. Баъзи омилларнинг таъсири стихияли равишда содир бўлади ва шахс тарбияси билан шуғулланувчи айрим кишиларнинг иродасига, ташкилотсизлик қобилиятларида ва бошқаларда боғлиқ бўлмайди.

Тарбияга шахсни унинг ҳис-туйғуларини характерини, жисмоний ривожини, ҳулқ-атворини муайян йўналишда шакллантириш мақсадида кишилар бир-бирига таъсир кўрсатадиган ижтимоий ҳодиса деб қараш лозим. Педагогика соҳасининг етук олимлари ижтимоий омилнинг ҳал қилувчи аҳамиятига эга эканлигини ҳимоя қиладилар, шахс яхши ёки ёмон бўлиб туғилмайди. Балки, тарбиянинг таъсири остида яхши ёки ёмон бўлиб ўсади деб исботлайдилар. Хўш шахс тарбияси учун таъсир этувчи омиллар қайсиларидан иборат? Бу асосан учта омилни ташкил этади. Биологик омил, атроф - муҳит ва тарбиядаги омиллардан иборатдир.

Биологик омил. Бу омилнинг таъсирини аввало шунинг учун эътиборсиз қолдириб бўлмайдики, шахс тирик организмдир, унинг ҳаёти биологиянинг умумий қонунларига ҳам, ёшлар анатомияси ва физиологиясининг махсус қонунларига ҳам бўйсунди. Ҳаётнинг муайян даврларида шахснинг айрим органлари ва бутун бир органлар системасининг тузилишида ва функцияларида ўзгаришлар юз беради. Шахснинг соғлиқ ҳолати ва бу ҳолат кўп ёки оз муддат бузилиб туриши биологик омилга тааллуқли. Шахс ҳаётида нерв фаолиятининг индивидуал ва типологик хусусиятлари, ёш ва жинсий жиҳатдан бўлган тафовутлар катта рол ўйнайди, улар олдида ирсий эмас, балки туғма хусусият ва тафовутлардир. Организмнинг биологик етилиши қонунларга асосланади. Бу қонун муҳитнинг баъзи бир тарбиявий таъсирларига турли даражада бўйсунган ҳолда амал қилиши керак. Лекин шахс организмнинг биологик ҳаёти унинг психик ривожланишини бевосита белгилаб бермайди ва шу билан бирга, унга нисбатан мутлақо бетараф ва бефарқ ҳодиса бўлиб ҳам қолмайди. Биологиянинг асосий тушунчаси бўлган ирсиятнинг роли олимлар томонидан жиддий муҳокама қилиниб келинмоқда. Илмий изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, ота-она организмнинг узоқ муддат бир хил шароитда яшаш натижасида мустаҳкам ўрнашиб қолган хоссалари ирсият йўли билан ўтади.

Муҳит. Биология фани муҳитни организм яшайдиган жой деб, муҳитнинг таъсири эса организм билан боғлиқ муҳит ўртасидаги ассимиляция ва диссимиляция ёки моддалар алмашиш қонуни асосида амалга ошади, деб тушунтиради. Бу қонунга биноан организм яшаб турган муҳит бир бутун нарсалардир. Табиий муҳит ёруғлик, иссиқлик, овқат, ҳаво каби компонентлари шахснинг организм сифатида ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Аммо шахснинг шахс сифатида шаклланиши учун бу мутлақо етарли эмас. Шахснинг яшаб турган муҳитида одамлар, биринчи навбатда тарбияланувчига яқин кишилар, яъни оз сонли оила аъзоларигина эмас, балки унга узоқроқ бўлган кишилар унинг қўни-қўшнилари, маҳалласи, тарбияланувчилар боғчасидаги

ўртоқлари, сўнгра эса у бирга ўқийдиган ўйнайдиган, бирга ишлайдиган, турли алоқада бўладиган ўртоқлари ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ҳозирда тарбияланувчилар оммавий ахборот воситалари орқали ўзларига нотаниш авлод-аждодларнинг жонли образларига дуч келадилар. Бу образлар ёш авлоднинг фикр ва ҳисларига унинг воқеа-ҳодисаларига берадиган баҳоларига ва интилишларига таъсир кўрсатади. Бундай таъсир ижобий ёки салбий ўтадиган бирдан-бир йўл шахснинг теварак - атрофидаги одамлар билан муносабатда бўлишидир, шахс муносабатда бўлган кишилар унинг муҳитидир. Шахс билан жамият ўртасидаги ўзига хос модда алмашиш типи бўлган алоқа орқалигина шахс ўтмиш - авлодларининг қимматли тажрибасини ўзлаштира олиши энг яхши катта кишилардан намуна ола билиши мумкин.

Фақат муносабатда тарбияланувчиларнинг тарбиячилари-катталарга эмас, балки тарбияланувчиларнинг ўзлари ҳам фаол катнашадиган мана шу алоқадагина, фақат ана шу икки ёқлама жараёндагина шахс хилма-хил билим олади жуда кўп малакаларни ва иш усуллари эгаллайди, ўзининг сезги органлари орқали идрок қилган нарсаларини англаб олишга ташқи дунёдаги воқеа ва ҳодисаларга турли хил ҳис-туйғулар фикр ва тасаввурлар билан жавоб беришга ўрганади.

Одамлар билан муносабатда у нима яхшию нима ёмонлигини нимани қилиш ва қилмасликни билиб олади, у муайян мақсад кўзлаб ақлга мувофиқ тутишни ҳамда инсонларга ва уларнинг феъл-атворларига танқидий баҳо беришни ўрганади. Одамлар билан бўлган муносабатларида шахс яхши фазилатлари билан бошқа шахслар ўртасида ажралиб тура бошлайди, ўзи яшаб турган жамиятда қабул этилган ахлоқ меъёрларини бошқаларга ва ўзига нисбатан қўллаб, уларни ўз ишида мезон қилиб ола бошлайди. Демак, **биринчидан, муҳит шахсни ривожлантирувчи омил** сифатида тарихан ўзгарувчи ижтимоий ҳодисадир, чунки муҳит, ҳатто шахс дунёга келган дастлабки кунларданок унинг ҳаёти ўтадиган энг тор муҳит ҳам, яъни шахснинг оиласи ҳам жамиятнинг бир уяси, ҳужайрасидир. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир даврда янги кишини тарбиялашнинг мақсадлари ва воситалари ўзгаради, ахлоқ меъёрлари, маданият бойликлари, катта ёшдаги одамларнинг дид ва қизиқишлари, фикр юритиш усуллари ўзгаради.

Иккинчидан, тарбияланувчи ўз активлиги туфайли, моддий, табиий ва айниқса ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқага киради. Фақат ана шу шароитдагина муҳит ўсиб келаётган шахсни ривожлантирувчи омил бўлиб қолади. Инсон тарбиясида муҳит муҳимми ёки тарбия деган саволни қўйиш мантиқан тўғри бўлмайди. Бу нарса ғайриқонунийдир. Аммо муҳит шахсга маълум даражада тарбияловчи таъсир кўрсатган тақдирдагина ривожлантирувчи омил бўла олади. Бу таъсир стихияли, тартибсиз кўринишда бўлиши мумкин, бундай ҳолда шахснинг ривожланиши ҳам муайян мақсадга қаратилмаган бўлади, натижада шахсда жамият учун ҳам, шахснинг ўзи учун ҳам зарарли бўлган шахсий фазилатлар вужудга келади.

Тарбияланувчининг ўз атрофидаги моддий ва ижтимоий муҳит билан алоқада бўлиши, уни ривожлантирувчи асосий сабаб эканини тушуниш мунозарали бир масалани, шахснинг психик тараққиётида энг муҳим нарса

биологик омилми ёки ижтимоий омилми деган масалани ҳал қилиш имкониятини беради. Шахс ҳаётда ва катталар билан муносабатда ўз индивидуаллигини ташкил этган жисмоний ва психик сифатларининг бутун мажмуи билан ҳаракат қилади. Шундай қилиб биологик ва ижтимоий омилни бири-бирига қарама-қарши қўймайди.

Педагогикада тарбияланувчининг ривожланишини унинг фаолияти ва шу фаолият туфайли юз берадиган, шахснинг теvarак-атрофдаги воқеликка бўлган муносабатларида, билиш жараёнлари ва характер хусусиятларини ривожда ҳосил бўладиган сифат ўзгаришлардан иборат мураккаб жараён деб ҳисоблайди. Фаолиятсиз ривожланиш бўлмайди. Шахсдаги ривожланиш моҳияти аввало шундан иборатки, унинг фаолияти ўзгариб ва такомиллашиб боради, фаолият турлари (ўйин, ўқиш, меҳнат ва бошқалар) кўпаяди, ҳар хил фаолият турларининг ўзаро нисбати, уларнинг натижалари ўзгаради ва шу ўзгаришлар жараёнида шахснинг ривожланиши юқорироқ даражага кўтарилади. Шундай қилиб, билиш процессларида ҳам тарбияланувчининг дунёга бўлган муносабатида ҳам, унинг турли фаолиятида ҳам мураккаб сифат ўзгаришлари содир бўладик, бу шахс ривожланишининг моҳиятини ташкил этади.

Фаолиятнинг ҳар хил турларида шахснинг индивидуал хусусиятлари шаклланади. Бу хусусиятлар фаолиятнинг мақсадларида, фаолиятга ундаган сабабларда киши ўз олдига қўйган мақсадни амалга ошириш учун фойдаланадиган йўл, усул ва воситаларни ва унинг ўз ишига, ўз фаолиятига, ўзи ва бошқаларнинг ютуқ ва муваффақиятсизликларига қандай қарашида намоён бўлади.

Киши ўз олдига қўйган мақсадга эришишда фойдаланадиган воситаларга қараб ҳам шахсга баҳо бериши мумкин. Бунда одам ўзидаги билимини, ўзи яхши билиб олган иш усуллари, малака ва кўникмаларни қўллайди, қобилиятлар ҳам шахснинг имкониятларидандир. Кишининг имкониятлари аксарият ҳолларда ўзи ўйлаганидан кўра, анча кўп ёки оз бўлади. Талабчанлик даражаси очиқ ифодаланган сабаб вазиятнинг мураккаблиги ва масалани ҳал қилиш йўлини топиш зарурлиги унда бўлган яширин имкониятларини ошириб кўрсатади.

Шахснинг ўзи ютуқ ва камчиликларига муносабати, берадиган баҳоси бу борадаги руҳий кечинмалари ҳам унинг онглилик даражасини кўрсатади. Ўз ютуқларига такаббурлик ёки камтарлик билан баҳо бериш, муваффақиятсизликка учраганда умидсизланиш ёки масалани ҳал этиш йўлини топиши учун яна ҳам кўпроқ сабр, матонат билан ҳаракат қилиш бу турли хил руҳий кечинмаларнинг ҳаммаси кишининг ўзига ва бошқаларга бўлган талабчанлигини, ўзига-ўзи баҳо беришини ва бу баҳонинг қанчалик асосли эканини ҳар хил тарзда яққол намоён этади.

Шундай қилиб, шахснинг энг муҳим хусусияти унинг теvarак-атрофидаги дунёга бўлган муносабатлари тизимидир. Киши қанча кўп билса ҳар - хил одамлар билан алоқада бўлиб турли хил ишларда бўлса, шахс сифатида унда ўз мамлакатининг фуқароси, янги жамиятнинг фаол қурувчисига хос энг яхши хислатлар шунча ёрқинроқ ифодаланган бўлади.

Шахс шаклланиши учун зарур бўлган омиллардан яна бири бу тарбиядир. Тарбия бу аниқ мақсадга йўналтирилган, муайян вазифалар белгиланган, шунингдек, шахсга таъсир ўтказишнинг аниқ йўл, воситалари кўрсатилган ва мақсадга мувофиқ ташкил этилган жараёндир.

Тарбиянинг асосий вазифаси ёш авлодни халқнинг ҳаётини яхшилашга, Ватанининг гуллаб-яшнашига сарфлашни биладиган, истайдиган аъзолари қилиб тайёрлашдир.

Тарбия шахснинг ривожланишини таъминлаши учун шахсдаги ривожланиш моҳиятини тушуниш, унинг билиш ва алоқа бошлаш фаолиятининг ўзгариш сабабларини аниқлаши зарур. Тарбиячи шахсни ривожлантирувчи энг муҳим омилни ҳам билиши, стихияли таъсир кўрсатаётган факторларни бартараф этиши, шахсда дунёқарашни шакллантириш, унинг ўсиши ва ривожланишининг муайян ёш босқичларига оид тарбия қонунларини аниқлаши керак. Тарбиянинг шахсни ривожлантиришдаги роли тўғрисида турли хил нуқтаи назарлар бўлганлиги педагогика фанининг тараққиёти тарихидан маълумдир. Педагогика тарбия омилига актив рол ажратади ва шахснинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ва эстетик ривожланишига тўғри ташкил этилган тарбиягина ёрдам беради. Шу билан бирга тарбияга икки ёқлама жараён деб қаралади, унда фақат катта ёшдагилар эмас, балки катталар тажрибасини ўзлаштирувчи шахслар ҳам актив рол ўйнайдилар.

Тарбиявий ишда талабанинг кучи ва қобилиятларини ҳисобга олмаслик каби жиддий камчилик ҳам учраб туради. Ҳар бир шахснинг ўз эҳтиёж ва қизиқишлари бор. У ақлли тарбиячининг изидан бориши ёки белгиланган йўналишда актив ҳаракат қилиши, баъзан эса тарбиячига эътироз билдириши, катталар билан турли хил алоқада бўлиши ёки бошқаларга қўшилмай, пассив ҳолда юриши мумкин. Тарбияланувчи ўз ривожланишининг объекти ва субъекти сифатида ҳаракат қилганда бу жараён энг муваффақиятли боради. Шу билан бирга шахснинг активлиги, ташаббускорлиги, мустақиллиги анча ошади ва унинг ўзини ўзи тарбиялашида намоён бўлади.

Педагогика фанининг асосчиси Я.А. Коменский: «Ҳар бир ҳунарманд буюмни ясашга яроқли материалнинг хоссаларини ўргангани сингари, ўз олдида инсоннинг баркамол қилиб тарбиялаш вазифаси турган педагог ҳам шогирдининг қандай хислатларга эга эканлигини билиши керак» - деган эди. Албатта педагог қайси фандан дарс берса ўша фанни талабаларнинг шу фанни тўғри ўзлаштиришларига ёрдам берадиган услубларни яхши билишлари лозим. Аммо талабанинг эҳтиёжлари, қобилиятлари қизиқишлари ва уларнинг чин кўнгилдан хоҳлаб чидам ва матонат билан ўқишга тайёрами-йўқми эканлигини ҳисобга олинмаса, ўқиш қоникарли натижа бермайди, педагогнинг меҳнати оғир кечади. Шахснинг фикрлаш қобилияти ва характер хусусиятларини назарда тутган ҳолда олиб борилган таълим талабаларни билим олишга рағбатлантиради, ўқишнинг муваффақиятини таъминлайди, педагог ва талабалар фаолиятини завқли ижодий ишга айлантиради.

2.3. Шахс ривожланишида ёш ва индивидуал хусусиятлар

Тарбияланувчилар катталарга кўра ўзгачароқ фикр юритишлари, ҳис қилишлари ва юриш-туришлари ҳаммага маълум. Тарбияланувчидаги ўсиш ва ривожланишнинг ёш босқичлари масаласи юзаки қарашда оддий масала бўлиб кўринади. Маълум бўлишича, бу жараён бир текисда бормай, сакрашлар билан нотекис ҳолда борар экан, ҳар қайси ёш даврининг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари бор. Анатомия, физиология ва психология фанлари соҳасида тананинг айрим органларининг ривожланиш қонуниятларини ҳам бу органлар бутун системасининг фаолиятини ҳам очиб берувчи ғоят кўп фактик материал тўплайди. Тадқиқотчилар тананинг айрим органлари ва қисмлари кўпинча бири-биридан ўзиб кетиб, ўзаро келиша олмай ўсиши ва ривожланишини кўрсатди. Бу ҳол шахснинг ёшини даврларга бўлишда алоҳида қийинчиликлар туғдиради.

Тарбиячи албатта тарбияланувчини ақлли ва одобли қилиб тарбиялаши учун бор куч ва имкониятни ишга солади. Тарбия жараёни ҳақидаги тасаввурда тарбиянинг инсон шахсини шакллантиришда катта имкониятлар ва буюк роли борлигини тасдиқловчи тўғри фикр баён этилган. Аммо бу тасаввур аниқ эмас. У тарбиявий таъсир кўрсатиладиган объектнинг ўзига хос хусусиятини, яъни унинг ривожланаётган, жонли мавжудод эканлиги эътиборга олинмайди. Шахс доимо тарбия жараёнининг фаол иштирокчисидир. У педагогик таъсирларни яхши қабул қилиши мумкин, бироқ уларга қаршилик кўрсатиши, уларни қабул қилмаслиги ҳам мумкин. Шахс тарбиячининг маслаҳати, илтимоси ва топшириғини бажаришни хоҳлайди. Тарбияланувчи педагогнинг уйга берган дарсини тайёрлашга мойил бўлиши керак. Уларнинг фаолияти асосан беихтиёр фаолиятдир ёки табиий ёки ижтимоий муҳит таъсирига берилган жавобдир.

Ўсмирлик даврида инсоннинг фаолиятига кўп даражада ички сабаблар туфайли содир бўлади.

Шундай қилиб шахс ривожланишидаги унинг интеллектуал қобилиятлари ва ижтимоий онги ўсишидаги муайян босқичда шахс ўзи учун ташқи бўлган мақсадларнигина эмас, балки ўз шахсий тарбиясининг мақсадини ҳам англай бошлайди. У ўзига объект деб қарашга ўтади. Шахснинг ички сабаблари шахснинг ўз нуқсонларини йўқотиш ва энг яхши инсоний фазилатларни ҳосил қилиш вазифасини ўз олдига қўйишининг асосидир. Шахснинг ўз билим ва малакасини ошириши, ўзини-ўзи тарбиялаши унинг объектив мақсадни ўз фаолиятининг субъектив зарур мотиви деб англаши ва қабул қилишдан бошланади. Шахс ўз хулқ-атвори ёки фаолиятини субъектив равишда муайян мақсадга қаратиши ифодасини онгли суратда ишга солади, эртанги куннинг режасини тузиш масаласини қўяди. Бу мақсаднинг амалга оширилишида объектив ва субъектив қийинчиликлар юз бериши муқарардир.

Тарбия санъати шахсда ўзини-ўзи такомиллаштиришга интилишини мумкин қадар эртароқ уйғотиш ва унга ўз олдига қўйган мақсадларни амалга ошириш йўлини кўрсатиб, ёрдам беришдан иборатдир. Бу ишда педагоглар, ота-оналар ҳамма вақт ва ҳамма жойда кучли ва яхши бўлишни истайдиган шахснинг ўзига таянишлари керак.

Тарбияланувчиларнинг ўсиш босқичлари асосан уч босқичда ривожланиб боради.

Укув муассасасида тизимли равишда ўқишга борганидан кейин ҳаёт тарзи бутунлай ўзгариб боради. Эндиликда у қизиқарли бўлмаган аммо керакли нарсаларни билиб олади. Ўқиш укув муассасасигача даврда эгаллашган ҳали илмий бўлмаган ҳаётий тушунчаларга қатор ўзгартиришлар киритади.

Ўспиринлик ёшининг энг характерли белгиси-тарбияланувчининг катта одамга айланиши яъни балоғатга етишидир. Ўспирин худди шахсга ўхшаб барча таассуротларни жон жаҳди билан ўзлаштиради, жисмоний ва маънавий жиҳатдан вояга етади, бўйсинишини идрок қилади, ундан ўзи учун куч ва жасорат олади, лекин ўз куч қудратининг чегарасини ўзи ҳали билмайди. Ўспирин нисбатан кўпроқ даражада катталар ҳаётининг иштирокчиси ҳисобланади, оиладаги анча маъсулиятли вазифалар унинг зиммасида бўлади. Теварак-атрофидагилар ҳам ўспиринга нисбатан бошқача муносабатда бўла бошлайдилар. Лекин унинг маънавий ва жисмоний кучларини катталарга тенглашиш учун, ўзининг порлоқ режаларини амалга ошириш учун ҳали етарли даражада аниқ эмас. Ўспиринлик ёшининг ички зиддиятлари ана шулардан иборат. Ўзининг жисмоний тараққиётини англаш ўспиринда хусусий кадр-қимматини таъқид этиш истагини, мустақиллик сари интилишни келтириб чиқаради. Ўспирин бирон бир даражада ўзини кўрсатишини хоҳлайди. Буларнинг ҳаммаси унинг фаоллигини кучайтиради, ижодий ташаббускорлигини ривожлантиради, уни ижтимоий ҳаётга олиб киради, маъсулият ва бурч туйғусини оширади. Айтиб ўтилган хусусиятлар укув муассасаси талабасининг ижтимоий позициясини шакллантириш учун ўспиринлик ёшини айниқса мақбул қилиб қўяди. Ушбу даврда айрим ёмон иллатлар ҳам шахсда борлиги яққол кўзга ташланиши мумкин.

Ёшлик даври-бу шахс балоғатга етиши ва шаклланишининг якунловчи босқичдир. Бу энг аввало мустақилликнинг ривожланишида намоён бўлади. Ҳали ўспиринлик ёшидаёқ шахсда ўзини қарор топтиришга муносабати билан ўзининг ва унинг хусусиятларига катта қизиқиш уйғонади. Ёш йигит ва қиз худди ўспирин каби ўзининг нимага қодирлиги билишини истайди. Лекин эндиликда у эришган натижада ҳаётий тимсол ҳақидаги умумлашган тасаввур билан таққосланган ҳолда ўз фаолиятини бошлайди. Йигит ва қизлар тафаккурининг фалсафий йўналиши уларни ўзича таҳлил қилишга, ўзича кузатишга ва ўзича белгилашга олиб келади.

2.4. Тарбия усуллари ҳақида тушунча

Тарбия жараёни тўхтовсиз ва системали давом этадиган жараён бўлиб, унга педагог, тарбиячи раҳномалик қилади ва тарбиянинг айни вақт учун зарур бўлган мақсадини, шу мақсадни ҳал этишга хизмат этадиган фаолиятни белгилайди. Тарбияланувчиларнинг ушбу фаолиятга актив иштирок этишини таъминлаб, улар ўртасида ижтимоий, жамоа, ўртоқлик алоқалари ва муносабатлари учун шароит яратади.

Тарбияни яхши йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, тарбия жараёни манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир. Бу тарбия жараёнидаги ички ва ташқи қарама-қаршиликлардан иборатдир. Масалан, тарбияланувчининг одоблилиги, етуклиги билан унга қўйиладиган талаб ўртасидаги фарқ тарбиячи ва жамоа таъсирига шахснинг ўз позицияси, яъни

муносабати тарбия жараёнининг ички қарама-қаршилиги бўлса, тарбиячининг талаблари билан шахс микро муҳит таъсири ўртасидаги узилиш ташқи қарама-қаршилиқдир. Яна шуни эътиборга олиш керакки, тарбияда тарбияланувчининг тарбияланганлик даражасини ҳам эътироф этиш лозим. Борди-ю, бу масала унутилиб қўйилса, тарбия жараёнида яна қарама-қаршилиқлар вужудга келади. Масалан, тарбияланувчиларнинг фаолиятида фаол иштирок этишларини таъминлаш учун шу фаолият нима учун, қайси мақсадда, қанча муддатда бажарилишини уларнинг онгига етказиш, бажариш усули ва натижасини ҳисобга олишда эса ўзларига ҳавола қилиш маъқулроқдир. Борди-ю, яхши фаолият тури тавсия қилинганда уларнинг онглилик ва ишни бажаришга тайёргарлик даражаси ҳисобга олинмаса, уни бажариш истаги уйғотилмаса, тарбиячининг ўринишлари бефойда бўлади, талабалар пассив, беҳафсала бўлиб қолаверади.

Тарбия усулларида ҳар томонлама шахсни шакллантириш мақсадида шахс онги, ҳис туйғулари, иродаси ва муносабатлар системасига таъсир кўрсатиш усулини тушуниш керак

Тарбия усуллари ҳам маълум бир элементларга бўлиниб тарбия усуллари деб юритилади. Масалан, педагог тарбияланувчига бирор бир вазифани топширди. Ўз навбатида бу вазифани бажариш учун кўрсатмалар беради. Бу кўрсатмалар ва тушунтириш махсус ҳолда методик усул сифатида намоён бўлади. Тарбия усуллари ва воситалари ўзаро мустаҳкам боғлиқдир. Тарбия усуллари шахсга таъсир кўрсатишдан иборат эмас. Тарбия икки томонлама жараён бўлиб педагог тарбиячи фаолияти билан талаба фаолиятини бирлаштиради.

Талабаларнинг тарбиявий таъсирга фаол тайёр бўлишига эришиш учун буни муайян шароитга қўйиш, унинг фаол фаолиятини ташкил этиш лозим. У ёки бу тарбиявий вазифаларни ҳал этишнинг мувофиқ ташкил этилган методик йўллари тарбия воситалари деб юритилади. Талабалар билан тарбиявий ишда фойдаланиладиган воситалар бунда телевидение, радио, китоблар шахслар жалб қилинадиган фаолият турлари тарбия воситалари бўла олади.

Педагогнинг жонли нутқи, шахсларнинг ўйинлари, жамоатчилик, ҳаваскорлик тўғараклари тарбия воситаси вазифасини бажаради. Аммо тегишли тарбиявий вазифаларни ҳал этиш учун уларни албатта мураббий педагог ишининг муайян системасига киритиш керак. Тарбия натижасининг самарали бўлиши тарбиявий жараёни ташкил этиш усуллари, воситалари ва шаклларидан моҳирона фойдаланишга ва уларни қўшиб олиб боришга боғлиқ.

Тарбия усулини тадбиқ этиш муайян ёшдаги шахс фаолиятига мос келса муваффақиятли бўлади. Тарбиянинг умумий усуллари асосан 4 гурппага бўлинади.

1. *Ижтимоий онгни шакллантириш усули.*
2. *Ижтимоий ахлоқни шакллантириш усули.*
3. *Рағбатлантириш усули.*
4. *Ўз-ўзини тарбиялаш.*

Ижтимоий онгни шакллантириш усуллари - талабаларнинг онгли, ҳис туйғуси ва иродасига ҳар томонлама таъсир кўрсатиш усуллари умуман шахс

онгига таъсир кўрсатишни ўз ичига олади.

Ижтимоий онгни шакллантириш усуллари **тушунтириш, суҳбат ва ўрнат кўрсатиш** қисмлардан иборатдир.

Тушунтириш - талабаларда эътиқод ҳосил қилишнинг энг кенг ёйилган усулидир. Тушунтириш усулидан кўзланган мақсад шахсга ҳатти-ҳаракатлар, воқеалар ва ҳодисаларга у ёки бу талабларнинг маънавий, эстетик, мазмунини очиб бериш, унга ҳуқ атворга ва инсоний муносабатларга тўғри баҳо беришни шакллантиришда кўмаклашишдан иборатдир.

Ҳикоя ва суҳбат педагогнинг жонли сўзи асосида шахсни ғоявий ва маънавий шакллантиришнинг таъсирчан усули ҳисобланади. Ҳикоя қилинадиган мавзу талабалар учун долзарб, шахсларни маънавий ишонч, ижобий ҳис туйғулар вужудга келтиришга олиб келиши керак. Масалан, педагог бошқа гуруҳ жамоаси металл йиғишда ёрдам берганлигини мароқ билан гапириб берса, бунинг самарадорлиги талабаларнинг қандай кулоқ солишига қараб текшириш мумкин. Агар талабалар “Биз ҳам металл теришда ёрдам берамиз”-деган умумий истак билдирса, демак, педагогнинг ҳикояси шахслар онгига етиб борган ва бунга жавобан бирон мақсад йўлида фаолият кўрсатишга тайёргарлик туйғусини келтириб чиқаради.

Суҳбат хилма-хил мавзуларда олиб борилади, масалан этика- эстетика мавзусида яъни инсонни юриш-туриши, атрофдаги воқеалар, ҳуқ атвор, гўзаллиги, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, билим олиши, талабаларни билим доирасини кенгайтириш ва бошқа мавзуларда олиб борилади. Суҳбат вақтида талабалар пассив тингловчилар эмас, балки муҳокама қилаётган фаол иштирокчиларга айланади. Суҳбат вақтида педагог, тарбиячилар тарбияланувларни тажрибасига, уларнинг билимига таяниши лозим. Ўтказилаётган суҳбат талаба учун аҳамиятлилигини ҳисобга олиш зарурдир. Янги материалларни танлаш, тарбияланувчини ўйлашга, мазкур масала бўйича ўз билимларини орттиришга ёрдам беради. Педагогнинг ўзи қанчалик кам гапирса, талабалар дунёсига шунчалик яхшироқ кириб бориши, улар билан ажабланиши, қувониши лозим, шунда суҳбат муваффақиятли олиб борилади.

Суҳбат натижасида қабул қилинган ахлоқий меъёр кейинчалик талабалар ҳуқ атвори ва фаолиятида амалга оширилиши лозим. Ва кейинги даврга мўлжалланган ўз ҳуқ атворини кузатишлар билан боғлиқ бўлган топшириқлар бериш имконияти туғилади.

Тарбияланувчи ҳаётий фаолиятга интилар экан, катталар ҳурмат қиладиган кишиларни ўзига намуна қилиб олади, уларга тақлид қиладди. Тақлид қилишга мойиллик кўп сабаблар билан изоҳланади. Чунончи, тарбияланувчиларнинг ҳаётий тажрибаси ҳали кам, барқарор ҳуқ атвор кўникмаси йўклигидадир. Тарбияланувчиларнинг активлиги тақлид характериға эға. Талаба катталар таржибасини ўзлаштира борар экан, кўпинча ўзи ҳурмат қиладиган, ўзига ёқтирадиган кишиларнинг ҳуқ атвори образларида фойдаланади, улардан нусха кўчиради. Тақлид уларда бир мунча танлаш характериға эға. Уларни бошқа кишиларнинг характеридаги маълум хислатлар жалб қиладди.

Ёшликдаги тақлид ва иштиёқ доираси намуналар ёрдамида кенгайиб

боради. Тақлид қилиш учун ижобий намуналар танлашда ахлоқий, ғоявий, сиёсий омилларнинг аҳамияти каттадир. Тарбияланувчилар ва ўсмирларнинг тақлид қилишга мойиллиги кўпинча салбий одатларни ҳам ўзлаштириш имкониятини беради. Баъзан тарбияланувчиларни укув муассасаси тартибини бузувчилар, уларнинг кўполлиги сохта жасурлиги жалб қилади. Ота оналар ва педагоглар фарзандига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ўртоқлари билан алоқа қилишини таъқиқласа бу аксинча тарбияланувчининг ҳалиги тарбияланувчи билан бирга бўлиш истагини янада кучайтиради. Энг муҳими ёмон таъсирга ижобий намунани қарама-қарши қўйиш, оилада ва укув муассасасида фаолиятни шундай ташкил этиш керакки, токи бу фаолият унга зерикарли, мазмунсиз, мажбурий бир нарса бўлиб туюлмасин.

Тарбияланувчи бўладиган муҳитга ҳам имкони борида ижобий таъсир кўрсатмоғи зарур. Тарбияда тақлид қилиш ва нусха кўчириш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Ҳар бир шахснинг ўзига хос тарзда алоҳида такрорланмайдиган шахс бўлиб уйғонишига эришмоқ керак. Намуна онглиликни, ижобий фаоллик ва мустақилликни рағбатлантириб тургандагина бунга эришса бўлади. Кичик ёшдаги тарбияланувчилар учун оилада ота-она, ака-ука, сеvimли педагог намуна бўла олиши мумкин.

Рағбатлантириш услуби бирон-бир омилнинг тарбияланувчига таъсирини кучайтириш ҳамда тарбияланувчининг шахсини, хатти-ҳаракатларини активлаштириш мақсадида қўлланилади.

Рағбатлантириш ҳаракат қилишга илҳомлантиришдан иборатдир. Тарбиявий ишларнинг формаси ҳар қайси тарбияланувчининг хусусиятига қараб ўзгаради. Истикболга доир талаблар тарбияланувчи фаолиятини активлаштиради. Истикболни қўйиш ҳар хил инсоннинг улғайиши учун ҳам, жамоа учун ҳам муҳимдир. Рағбатлантириш усуллари орасида мусобақа катта ўрин тутди. Укув муассасаси ҳаётида мусобақа ишларини оммавийлаштириш муҳимдир. Мусобаканинг моҳияти қолоқларни илғорлар даражасида етказиш ишнинг умумий юксалишига эришишдир. Мусобақа ҳар бир талабанинг имкониятларини кўра олиш ва баҳолашда олға ҳаракат қилишда, куч етадиган истикболни белгилашда ирода ва характерни тарбиялашда ёрдам беради.

Рағбатлантириш талабага шундай таъсир кўрсатсинки, бунда тарбиячи алоҳида бир талабанинг хатти-ҳаракатига, хулқ-атворида ижобий баҳо бера олсин. Жамоа талабларининг бажарилишини рағбатлантириши учун асос деб ҳисоблаш керак. Рағбатлантириш инсонга яшаётган ва ишлаётган жамоанинг ундан мамнунлигини кўрсатади.

Жамоа тўғри хулқ-атвор кўникмаларини мустаҳкамлаш ва салбий кўникмаларига барҳам бериши мумкин. Рағбатлантириш тарбияланувчининг такомиллашувига, хулқ атвор ва хатти-ҳаракат бобида қандай йўл тутиш кераклигини англаб олишга имкон беради. Талабани қандай ва нима билан рағбатлантиришни педагог билмоғи лозим.

Масалан, ўкув йили охирида якун ясалади ва баҳолаш нимага асосланиши керак, ўқиш натижасигами, ёки талабанинг ўкув меҳнатига, муносабатигами?

Истикболни тасвирлаш талаба фаолиятини рағбатлантиради, бу нарса қувонч билан кутиш кайфиятини ошириб, қўйган мақсадга эришиш учун бутун

кучини сарфлашга беради.

Истиқболни тасвирлаш ҳар бир тарбияланувчининг ривожланиши учун ҳам, жамоа учун ҳам зарур.

Мақтов рағбатлантириш усулидир. Мақтов тарбиячининг алоҳида олинган шахс хусусиятларига ижобий баҳо беришидир. Талаба тарбияланишида мақтовнинг ўрни муҳимдир. Мақтов шахсни ижобий хислатларини таркиб топишга ёрдам беради. Лекин мақтов ҳам талаба хиссиётлари ривожланиши тезлаштириб юборади, унда манманлик, хотиржамлик туйғуларини келтириб чиқаради.

Жазолаш усули

Жамоа талабанинг ахлоқидан унинг ишга муносабатидан, муомаласидан мамнун бўлмаса, шахснинг ўз ҳулқини тузатиб олишда ёрдам кўрсатиш учун жазо усулларида фойдаланади. Мақтов сингари жазо ҳам талабанинг ўзини ноқулай сезишга, уялишга мажбур қилади.

Тарбияланувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда жазолаш ҳам меъёр даражасида бўлиши шарт. Чунки бунинг натижасида тарбиявий таъсир кўрсатишнинг бир қатор усуллари ишлаб чиқилиши лозим.⁵

Ўз-ўзини тарбиялаш усуллари

Тарбия жараёнида талаба ўз-ўзини тарбиялаши, яъни ўз устида ишлаш, актив иш олиб борсагина тарбияни самарали деб айтиш мумкин.

Талаба ўз-ўзини тарбиялаш борасида истиқболини яратишга интилиши, ҳаётда маълум мустақилликка интилишда намоён бўлади. Ўз-ўзини тарбиялаш оилада ва укув муассасасидаги тарбиявий ишларнинг таъсири остида рўй беради. Ўз-ўзини тарбиялаш жамоадаги шахсларда фаолроқ амалга ошиши мумкинлиги уларда ирода, тиришқоқлик интизомни тарбиялайди. Ўз-ўзини тарбиялаш шахсларнинг ўз олдида муайян вазифа қўя олишини, уни бажаришида ички иштиёқ билан бажариш жараёнида шу вазифани бажариши мумкинлигини англашни, нима қилганлиги ҳақида ҳисобот берилишини назорат қилишни ва тўпланган вазифаларнинг аниқ натижаларига баҳо беришни ўз ичига олади. Ўз-ўзини тарбиялаш шахсий мажбурият, ўз иши ҳақида ҳисоботларни таҳлил қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига баҳо бериш усулларида бўлинади.

2.5. Тарбия турлари

Ҳар бир ишнинг ўзига хос, маълум қонун-қоидалари бўлганидек, инсон тарбиясининг ҳам ўзига хос бир қатор муҳим тамойиллари, қонун-қоидалари мавжуд, уларга амал қилиш тарбия ишининг самарали бўлишини таъминлайди:

Тарбия жараёнининг тамойиллари қуйидагилар:

- тарбиянинг бир мақсадга қаратилганлиги;
- тарбиянинг ҳаёт, меҳнат билан Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, гуллаб-яшнаши йўлида қилинаётган фидойи ишлар билан боғланиши;
- шахсни жамоада, жамоа орқали тарбиялаш;

⁵ Очилова Г.О., Мусаханова Г.О. “Педагогика” Тошкент. ТДИУ, 2005 йил.49-бет

- тарбияда шахсни ҳурмат қилиш ва унга талабчанлик;
- тарбиявий ишларнинг изчиллиги, мунтазамлиги ҳамда бирлиги;
- тарбияда шахснинг ёши ва ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш кабилардир.

Юқоридаги тамойиллар ва қонун ва қоидаларга амал қилиб, янги ижодий услубларни қўллаб, ривожлантириб тарбиявий жараёни ташкил этиш мақсадга эришишнинг энг самарали йўлидир.

Ақлий тарбия

Бозор иқтисодиёти шароитида келиб чиқаётган янгидан-янги муаммоларни илмий асосда ҳал қила оладиган шахсни тарбиялаш бош масала ҳисобланади. Бунинг учун эса ақлий қобилиятларни ривожлантириш, ақлий меҳнат қилиш маданиятига ўргатиш зарур. Ақлий тарбияни шакллантиришда фақат тушунча ва фактлардан фойдаланишнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун фикрлаш, исботлаш, ҳулоса чиқариш, умумлаштириш, системалаштириш, таққослаш, асосий маълумотни ажратиб олиш каби жараёнларни ҳам фаол қўллаш лозим бўлади. Буларнинг ҳаммаси дарс вақтида амалга ошириб бориши ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш малакасини шакллантириш керак. Ақлий меҳнатни тўғри ташкил қилиш, талабаларга мустақил билим олишда энг муҳим элемент бўлиб ҳисобланади. Ақлий тарбия ўқувчиларда ақлий меҳнатни тўғри ташкил этиш, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат қилиш, малакасини ҳосил бўлишига кўмаклашади. Ақлий тарбия талабаларда дидактикани жамлаб олиш хусусияти, хотирасини мустаҳкамлаш, фикрлаш операцияларини рационал ўтказиш каби малакаларни ўстиради.

Ақлий тарбияси етук, ўткир зеҳнли, зукко ва заковатли инсонларни ҳалқимиз донишманд кишилар деб атайдилар. Донишмандлик - бу донолик. Донолик - бу инсоннинг энг буюк ва олийжаноб фазилатидир. Донолик шундай бир ноёб неъматдирки, у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шунинг учун бўлса керак, ҳалқ донолигида «Ақл тожи олтиндан, олтин ҳар кимда ҳам бўлмас», - дейилади.

Ахлоқий тарбия

«Ахлоқ», «хулқ» ва «атвор» сўзлари арабча сўз бўлиб улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида қўлланилади. Айрим одатларда «ахлоқ-кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ меъёрлари мажмуи» деса, бошқалар эса «ахлоқ-ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ҳамма соҳаларда кишиларнинг ҳатти-ҳаракатларини тартибга солиш функциясини бажаради» дейишади.

Ахлоқ меъёрлари хулқ атворнинг регулятори сифатида одат меъёрларига зид ҳатти-ҳаракат ахлоқсизлик ҳаракати деб қаралади. Шуниси ҳам борки, ҳуқуқ мажбурий бўлса ахлоқ ихтиёрийдир.

Ахлоқий тарбия одамларни номусли виждонли, адолатли, ватанпарвар, меҳнатсевар бўлишга ўргатиш билан профилактика ишларини ҳам олиб боради. Ахлоқий тарбияда яхши хулқни такомиллаштириш учун курашилади. Ҳалқ таълими тизимида ўқитиш тарбияланувчиларнинг ахлоқий мукаммаллашиш билан боғлиқ бўлади. Уларда онг билан хулқ бирлиги тарбияланади. Шахснинг жамоат ва ватанга, меҳнатга, кишиларга, ўз хулқига муносабатларни

қуйидагиларда ўз аксини топган:

- а) жамиятга, ватанга муҳаббат ва садоқатни тарбиялаш;
- б) меҳнатга ахлоқий муносабатни тарбиялаш;
- в) атрофдаги кишиларга ахлоқий муносабат, юқори муомала маданиятига эга бўлган шахсни шакллантириш;
- г) шахснинг ўзига, ўз хулқига, ахлоқий муносабатни тарбиялаш.

Дарс ва дарсдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнини Алпомиш, Тўмарис, Широқ каби халқ қаҳрамонлари; А.Темур, Улуғбек, Бобур сингари давлат арбоблари ва саркардаларимиз, Ибн Сино, Беруний каби олиму фузалоларимиз қарашларига тез-тез мурожаат қилишимиз, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишнинг асосини ташкил қилади. Шу билан биргаликда тарбия борасидаги жаҳон стандартларига ҳам эътиборни қаратмоқ лозим. Эстетик тарбия анча кенг маънога эга бўлиб шахсни табиат ва жамиятдан гўзалликларни идеал нуқтаи назардан идрок этишга ўргатади.⁶

Тарбия турларининг ҳаммаси бир-бирлари билан ўзаро узвий боғлиқ, лекин шунга қарамадан ўз мазмунидан келиб чиққан ҳолда, улар ўз спецификасига ҳам эгадир. Энди биз қуйидаги: ақлий тарбия, ахлоқий тарбия, иқтисодий тарбия, экологик тарбия, ҳуқуқий тарбия, эстетик тарбия, жисмоний тарбия, меҳнат тарбияси каби тарбия турларининг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Инсон кундалик ҳаётида ундан (ахлоқ нормаларидан) норма сифатида фойдаланади. Ахлоқий тарбия нормалари ҳар бир жамиятнинг ҳуқуқий нормаларига асос бўлади. Ахлоқий тарбияда киши ахлоқий билимларни ўзлаштирибгина қолмай, ҳар қандай вазиятларда ўзини ана шу нормаларга муносиб тута оладиган кишилар ахлоқий тарбияланган ҳисобланади. Ахлоқий тарбияланган кишида барқарор маънавий мотивлар шаклланган бўлади. Бу мотивлар эса ўша кишини жамиятда муносиб хулқ-атворга рағбатлантиради.

Ёш авлодни жамиятга, меҳнатга, ўзига муносабатни очиб берувчи маънавий фазилатларга мувофиқ равишда тарбиялаш - тарбияланувчи шахсни, ахлоқий тарбиянинг педагогик ва психологик асосларини чуқур билишни талаб қиладиган мураккаб жараёндир. Ахлоқий билимларни онгли равишда ўзлаштириб олишгина ўқувчиларга атрофдаги кишилар хатти-ҳаракатидаги қайси жиҳатлар яхши-ю, қайсилари ёмон эканлигини англаб олишга ёрдам беради. Ахлоқий тушунчаларнинг турли ёш давларида шаклланиш даражаси турличадир. Жумладан:

1. Ахлоқий онглилик.
2. Ахлоқий қадриятлар.
3. Ахлоқий ҳис-туйғулар.

Педагогикада ахлоқий тарбияни ривожлантиришни бир неча услублари мавжуд бўлиб, бу услубларни биз 2-расм орқали ифода этиб ўтамиз.

Экологик тарбия.

Экология сўзи «том» ёки «уй» деган маънони англатиб, немис олими Эрнест Геккель томонидан биринчи бор фанга киритилган. Экология фани ҳозирги

⁶ Миржалилова Ю. “Миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида талаба шахсини ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш” Битирув малакавий иши. 2004 йил. □

бозор муносабатлари даврида кўпгина тармоқларга эга: ўсимликлар экологияси, зооэкология, тупроқ экологияси, инсон экологияси ва бошқалар. Экология фани танлаб олинган бир ёки бир неча объектнинг яшаш шароитини ёки нормаларини ўрганади ва яшашнинг оптимал даражасини аниқлашга ёрдам беради.



Бу йўналишдаги ишлар бизга экологик билимларни етказди, аммо бу билан инсоният чекланиб қолмайди. Давр талабига кўра, яна бошқа йўналишда ҳам иш олиб боришни талаб этмоқда. У ҳам бўлса **экологик тарбия масаласидир.**

Экологик тарбия албатта экологик билим асосида шаклланади, лекин у ўзига хос хусусиятларга ҳам эга. Экологик тарбия инсонда табиатга нисбатан тўғри, оқилона муносабатни шакллантириш масаласи устида иш олиб боради ва ўз олдига талабаларда экологик маданиятни шакллантиришдек мақсадни қўяди. Экологик тарбиянинг мазмунига экологик онглилик, экологик ҳис-туйғулар (табиатга, инсонларга, ҳаётга нисбатан муносабатлар) киради. Шундай қилиб, экологик тарбия инсон ҳаётида, жамиятда, ватанда муҳим аҳамият касб қилади.

Экологик тарбиянинг шаклланишига экологик билимларни эгаллаш билан бир қаторда экологик муносабатларни ҳам шакллантириб бориш зарур бўлади. Экологик муносабатларга:

1. Ҳаётга муносабат.
2. Яхлитлик ҳиссини тарбиялаш.
3. Жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш.

4. Табиат гўзалликларини ҳис этиш каби компонентларни киритиш мумкин.

Ҳуқуқий тарбия.

Ҳуқуқий тарбия - бу шахсга нисбатан ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий муносабатларни, қонунга итоаткор хулқ-атвор кўникмалари ва одатларини шакллантирувчи уюшган, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ифодаланишидир. Ҳуқуқий тарбияни боланинг кичик ёшидан бошлаб амалга ошира бошлаш, ҳуқуқий ахборотларнинг биринчи даражали тус олишига эришиш, шахснинг умумий дунёқараши ва ижтимоий йўналтирилганлигининг таркибий қисми тарзида ҳуқуқий қарашларига асосланиши зарурдир.

Ўсиб келаётган ёш авлод ҳуқуқий тарбиясининг хусусиятлари янги жамиятнинг ўз характери, турмуш тарзига асосланади. Уларнинг ҳаммаси принципал жиҳатдан янги, янада мураккаб муаммоларни ҳал этиш зарурлигини ифода этади. Аввало, ҳуқуқий тарбия янги ёш авлодни камол топтиришнинг самарали воситаси саналади.

Юқорида қайд қилинган мулоҳазалар **ҳуқуқий тарбиянинг** яхлит тизими қуйидагилардан иборатлигини ифодалайди:

Биринчидан, ҳуқуқий тарбия субъектларига: давлат идоралари, жамоат ташкилотлари, меҳнат жамоалари, мансабдор шахслар ва бошқалар киради.

Иккинчидан, ҳуқуқий тарбия объектларига: мансабдор шахслар, фуқаролар, ички ишлар идоралари ходимлари киради.

Учинчидан, ҳуқуқий тарбия мазмунига: ҳуқуқий таълим, ҳуқуқий тарғибот ва ташвиқотлар киради.

Тўртинчидан, ҳуқуқий тарбия шаклларига: маърузалар, семинарлар, суҳбатлар, викториналар киради.

Бешинчидан, ҳуқуқий тарбия методларига: ишонтириш, рағбатлантириш, мажбурлаш киради.

Олтинчидан, ҳуқуқий тарбия воситаларига: матбуот, радио, телевидение,

адабиёт ва санъат асарлари, кўргазмали ташвиқот ҳамда тарғибот воситалари киради.

Мустақиллик шароитида ҳуқуқий маданият билан ҳуқуқий тарбиянинг боғлиқлиги янада ортади.

Эстетик тарбия

Ҳаётда табиат - гўзалликнинг манбасидир. У эстетик туйғуларни, болаларнинг кузатувчанлигини ва тасаввурини ривожлантириш учун жуда бой материал беради. Бундан ташқари, санъат ҳам эстетик тарбия воситаси ҳисобланади. Санъат орқали эстетик тарбиялаш педагогикада бадий тарбия деб аталади. У қуйидаги методлардан фойдаланган ҳолда олиб борилади:

1. Бадий асарларни намойиш қилиш ва ижро этиш.

2. Бадий асарларни таҳлил қилиш ва баҳолаш.

3. Санъатшунослик билимларидан хабардор қилиш, талабалар санъатнинг ҳар хил турларини ифода воситалари, тарихи ва назариясини характерловчи муайян маълумотлар жамғармасига эга бўлиши зарур.

4. Талабалар ижодий ва ижрочилик фаолиятини ташкил этиш, талабалар бадий фаолиятининг хилма-хил шаклларида машқлар ўтказиб, ижодий қобилиятларини, воқелик предметларини ва ҳодисаларини санъат воситалари ёрдамида мустақил тасвирлаш кўникмалари ва малакаларини ривожлантиради.

Жисмоний тарбия

Жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама ривожлантириш тизимидаги ўз вазифасини бажариш билан бирга, у қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган: саломатликни мустаҳкамлаш, инсон организмни чиниқтириш ва талабаларнинг жисмоний ривожланишига ёрдам бериш; ҳаракат кўникмаларини ва малакаларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш; ўғил болаларни армия сафарига тайёрлаш; физкультура ва спортнинг моҳияти ҳамда ижтимоий роли ҳақидаги маълумотлардан хабардор қилиш. Талабаларнинг соғлигини ҳимоя этиш ва бошқариш жисмоний тарбияга айланиб, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини қўлга киритгандан буён давлат даражасида аҳамият бермоқда. Жисмоний тарбия ва спорт ишларига ҳукуматимиз томонидан катта ғамхўрлик қилмоқда. Бунинг далили сифатида Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар, +орақалпоғистон Республикаси ва туманларда бунёд этилаётган спорт иншоотлари, спорт комплексларини келтириш мумкин.

Меҳнат тарбияси

Меҳнат тарбияси ёш авлодни тарбиялашда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Ривожланишнинг асосий вазифаларидан бири меҳнат тарбияси ва таълим самарадорлигини умумий таълим укув муассасаси талабаларини касб танлаш, мустақил ҳаётга амалий ва техника инқилоби ва ҳозирги замон ишлаб чиқариш шароити талабаларнинг меҳнат тарбияси ва таълими ана шу талаблар даражасига кўпроқ мувофиқ бўлишини талаб қилаётир. Нега деганда тарбияланувчилар укув юртини тамомлагандан кейин ишлаб чиқаришнинг бутун тизимини бемалол билишлари ва унда рўй бераётган ўзгаришларни тезда пайқаб олишлари керак.

«Умумий ва касб-ҳунар таълимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да таъкидланадики, меҳнат тарбиясини шахсни

шакллантиришнинг энг муҳим омили ва халқ хўжалигининг меҳнат ресурсларига талабини қондириш воситаси деб билиш керак.

Меҳнат фаолияти жараёнида инсон табиатини ўзгартирибгина қолмай у билан бирга ўзи ҳам ўзгаради. Меҳнат фаолияти шахснинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришга унинг табиат ва жамиятга қарашли тизимига жиддий таъсир кўрсатади. Меҳнат инсон ақлий қобилияти жараёнини ўз ижодий фаоллигини намоён қилиб ижодий қобилиятларини ривожлантиради ва такомиллаштиради. Меҳнат туфайли инсоннинг маънавий муносабатлари шаклланади. Жисмоний жиҳатдан камол топиб ўз меҳнат кўникмалари ва малакаларини ривожлантира боради.

Меҳнат фаолиятини ташкил этишга қўйиладиган умумий талабларни қуйидаги жадвалда келтириб утилди.

<i>Меҳнат фаолиятини ташкил этишга қўйиладиган талаблар.</i>				
Меҳнат фаолиятининг ахлоқий асосда, ижтимоий-ғоявий мазмунга эгаллиги.	Меҳнат фаолиятини жамоа характерига эгаллиги.	Меҳнат топшириқларини беришда ўқувчилар имкониятини ҳисобга олиш.	Меҳнат фаолиятининг тизимли ва режали бўлишига эришиш.	Меҳнат фаолиятининг ижодий хусусият касб этиши.

Аммо ҳар қандай меҳнат ҳам шахсни ҳар томонлама тарбиялаш ва камол топтириш омили бўлавермайди. Эксплуатация ва зўравонликдан холи бўлган меҳнатгина инсонга ҳал қилувчи ва тарбияловчи таъсир кўрсатади. Агар инсон мажбуран меҳнат қилса бу жараён маънавий ривожланишга ҳалақит берадиган ва маънавий мамнуният келтирмайдиган меҳнатга айланади.

Уқув юртларида меҳнат тарбиясини ривожлантириш йўлларини ижодий ишлаб чиқишда шахс меҳнатини ташкил этиш методикасига жиддий эътибор бериш керак. Меҳнатдан мақсадга мувофиқ фойдаланилсагина у тарбияланувчилар маънавий камолотини омили бўлиб қолиши мумкин. Бунинг учун меҳнат шахсни қизиқтириши, жисмоний меҳнатгагина эмас, балки ақлий меҳнат бўлиши лозим. Шахс меҳнат натижасини тушуниши керак. Шахс фақат уқув муассасасидагина эмас, ундан ташқарида ҳам меҳнат қилиши керак. Меҳнат тарбияланувчилар учун уларнинг қурби етадиган ижодий фаолият бўлиши лозим. Меҳнат тарбиясини бир қатор етакчи вазифаларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- умумфойдаси учун меҳнат қилиш зарурлиги;
- талабаларда жамоа меҳнат фаолиятида иштирок этиш учун зарур бўлган барқарор маънавий ва иродавий хислатларни тарбиялаш;
- талабаларни умумий билим ва политехник билимлар тизими билан ҳозирги замон ишлаб чиқаришда қатнашиш учун зарур бўлган махсус меҳнат

кўникмалари ва малакалари билан қуроллантириш;

- талабаларга бўлажак касбни онгли танлашда ёрдам бериш;
- меҳнат маданияти асосларини тарбиялаш, тарбияланувчиларнинг иқтисодий тарбияси.

Меҳнат тарбиясининг воситалари қуйидагилар:

1. Ижтимоий фойдали меҳнат.
2. Оилавий меҳнат.
3. Меҳнат фахрийлари ва турли меҳнат вакиллари билан учрашув.

Меҳнат икки хил бўлади:

Ақлий меҳнат.

Жисмоний меҳнат.

Ақлий меҳнат - шахс учун энг оғир меҳнатдир. Бу меҳнат ақлий зўр беришни талаб қилади, узоқ вақт давом этади ва кунт билан шуғулланишни талаб қилади. Бу меҳнатнинг мураккаблиги яна шундаки, бундаги натижаларнинг намоён бўлиши қийинроқ бўлади, бу натижаларни шахс деярли тушунмайди.

Ақлий меҳнати жараёнида тарбияланувчилар турли даражада мураккабликка эга бўлган ва мустақилликни турли даражада талаб қиладиган бир қатор ақлий, ҳамда амалий характерларни эгаллайдилар. Бу эса уларда билимга қизиқишини, ақлий фаолиятнинг самарали турларини шакллантиради.

Ақлий меҳнати тарбияланувчиларнинг қурби етадиган даражада бўлиши керак. Тарбияланувчиларнинг қурби етмайдиган меҳнат инсон организмига зиён етказди. Ўқишдан кўнглини совутиши мумкин. Шу сабабли педагог ҳар бир тарбияланувчининг ёш хусусиятини ва таълим олишга индивидуал тайёрлигини аниқлаш, шахснинг эътибори ва тафаккуридаги хусусиятларини билиши, меҳнат ва дам олиш режимида риоя қилиши муҳимдир. Ўқув меҳнатнинг бош вазифаси-шахсни ўқишга ўргатишдан, уни ўқув меҳнати методикаси ва техникасини қуроллантиришдан, ўзи билим оладиган бўлиш имкониятини беришдан иборат. Ўқув меҳнати жараёнида таъсир қиладиган кўникма ва малакалар тарбияланувчиларнинг ижтимоий фойдали унумли меҳнатда қатнашишга тайёргарлигига ижобий таъсир кўрсатади. Тарбияланувчини бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлаш учун яхши пойдевор бўлади. Педагогнинг уқув муассасаси тарбияланувчиларида дарсликлар, компьютер техникаси билан ишлаш кўникмасини шакллантиришда меҳнат тарбиясига доир иши айниқса муҳим аҳамиятга эга. Ўқув меҳнати жараёнида ақлий меҳнат маданияти ҳосил қилинади. Ўртоқлик, хайрихоҳлик, интизомлилик, уюшқоқлик сингари фазилатлар тарбияланади. Бинобарин, буларнинг бари меҳнат тарбиясини энг самарали ҳал қилиш учун хизмат қилади.

Қисқа хулоса

Тарбия жараёни тўхтовсиз ва системали давом этадиган жараён бўлиб, унга педагог, тарбиячи раҳномалик қилади ва тарбиянинг айни вақт учун зарур бўлган мақсадни, шу мақсадни ҳал этишга хизмат этадиган фаолиятни белгилайди. Тарбияланувчиларнинг ушбу фаолиятга актив иштирок этишини таъминлаб, улар ўртасида ижтимоий, жамоа, ўртоқлик алоқалари ва

муносабатлари учун шароит яратади.

Тарбияни яхши йўлга қўйиш учун унинг ҳаракатлантирувчи кучини, тарбия жараёни манбаини яхши билиш ва ҳисобга олиш муҳимдир.

Назорат учун саволлар

1. Тарбия жараёни нима?
2. Тарбия жараёнининг мураккаблиги нимада?
3. Тарбия тамойиллари.
4. Тарбия усуллари, турларини санаб беринг?
5. Шахс тушунчасига таъриф беринг?
6. Муҳит нима?
7. Ташқи муҳитнинг шахсга таъсири нималарда намоён бўлади?
8. Тарбия орқали инсонни тўлиқ ўзгартириш мумкинми?
9. Тафаккур, идрок, илмий дунёқараш деганда нимани тушунаси?
10. Миллий қадриятларнинг аҳамияти ахлоқий тарбияда қай даражада намоён бўлади?

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Н.Хўжаев ва бошқалар “Педагогика асослари” Тошкент., “ТДИУ” 2003 йил.
 2. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия». 2004 йил
 3. Мавлонова Р. ва бошқалар “Педагогика” Тошкент 2003 йил
 4. Подласый И. П. “Педагогика”. Москва, 2005
 5. Очилова Г.О., Мусаханова Г.О. “Педагогика” Тошкент. ТДИУ, 2005 йил.
 6. [www. inter – pedagogika. ru](http://www.inter-pedagogika.ru).
-

3 – Боб. Таълим назарияси

- 3.1. *Дидактика ҳақида умумий тушунча.*
 - 3.2. *Билиш - таълим жараёнининг методологик асосидир.*
 - 3.3. *Таълимнинг мазмуни.*
 - 3.4. *Таълим тамойиллари.*
 - 3.5. *Таълим тамойилларига тавсиф.*
 - 3.6. *Таълим методлари.*
 - 3.7. *Таълимни таъкил этиш шакллари.*
 - 3.8. *Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари.*
 - 3.9. *«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг асосий йўналишлари.*
-

3.1. Дидактика ҳақида умумий тушунча

Таълим жараёни педагогик жараённинг ажралмас, муҳим қисмларидан бири бўлиб у ўқитиш, билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш масалалари билан шуғулланади. Таълим назариясини “Дидактика” тушунчаси билан ҳам ифодаланади. “Дидактика” сўзи грекча “Дидаско” сўзидан олинган бўлиб, “Ўқитиш, ўргатиш” деган маънони билдиради. Дидактиканинг ўрганиш объекти ўқув жараёни, ўқув жараёнининг ривожланиш қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари, методлари ва шакллари дидир. Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўпланган ижтимоий билим ва тажрибани ёш авлодга етказиш, авлодлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни маълум тизим орқали амалга ошириш бўлиб ҳисобланади.⁷

Албатта, авлоддан-авлодга ўтиб борган сари ижтимоий тажриба ҳажми, демак билимлар ҳажми ҳам ортиб боради. Фан ва техниканинг ривожини ҳам илмий билимларнинг ҳажмига ва характериға таъсир кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси эса ўз навбатида таълим тизимида ўз аксини топади. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки айнан таълим тизими жамиятнинг ҳар бир аъзосини маънавий, илмий дунёқарашини шаклланишида энг асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам барча тарихий юксалиш, янгиланиш босқичларида айнан таълим тизимини ислоҳ қилиш муҳим ўрин тутган. Таълим тизими ҳар бир жамиятнинг ривожланиш даражасидан ҳамда шу жамиятнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади.

Ўсиб келаётган ёш авлод таълим жараёнида:

Зарур билимлар билан қуроллантирилади;

Керакли малакаларға эға бўлади;

Кўникмалар ҳосил қилади;

Ўқув жараёнида таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида ўзига ҳос муносабатлар ўргатилиб бу жараён икки томоннинг биргаликдаги фаолияти натижасида боради. Шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерға эға дейилади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог йўналтирувчи сифатида майдонға чиқади. Педагог аниқ мақсадни кўзлаб режа

⁷ “Педагогика профессионального образования.” Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия». 2005. 37-стр

ва дастур асосида билим, кўникма ва малакаларни шакллантиради. Талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари керак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўникма ҳосил қилиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадилар. Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштирокида боради. Ўқиш талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилиятлари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум бўлган ҳақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир.

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача эришган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни қуроллантиришдир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожини учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми, ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларга беришили керак бўлган билимлар, малака ва кўникмалар ҳажминини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобга олиш керак деган масалаларни ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажминини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиш муддатини аниқлаш энг муҳим масалалардан бири. Таълим жараёнида бирор фан соҳасидаги инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлар эди. Ўқув жараёнида энг асосий, энг муҳим билимлар- фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги фанларнинг тармоқлари (экология, ЭҲМ, оила психологияси, иқтисод асослари, маънавий асослари) вужудга келмоқдаки улар таълим ҳажминини бениҳоя кенгайтишига сабаб бўлмоқда. Бундай муаммолар ҳозирда деярли барча давлатларда мавжуд ва ҳар бир давлат бу муаммоларни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу муаммоларни таълим тамойилларини (принципларини) бузмаган ҳолда, ёш авлоднинг соғлиғига зиён етказмаган ҳолда ечимини топишга ҳаракат қилмоқдамиз. Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни эгаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига эга бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётини талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб борар экан, мантикий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал этишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиққан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабинигина ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак деган хулосага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.⁸

Таълимнинг яна бир ўзига хос хусусияти унинг тарбиявий характерга

⁸□“Ўзбекистон Республикасининг Таълим тугрисидаги Қонуни” Тошкент 1997 йил.

эга эканлигидир. Ҳар қандай тарбия асосида билим мавжуд бўлганидек ҳар қандай таълим ўзида маълум тарбиявий таъсирни мужассамлаштиради. Билимларнинг талабанинг фақат фикрлаш қобилиятига эмас, балки ички кечинмаларига, ҳис-туйғуларига, фазилатларига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Айниқса, гуманитар фанларни ўрганиш талабанинг маънавиятини шаклланишида аҳамиятлидир. Шунинг учун таълим муассасалари тарихан фақат илм масканларигина бўлиб қолмасдан, балки тарбия учоқлари сифатида ҳам қабул қилинган. Таълим ва тарбия бир жараённинг икки томони бўлиб, бири-бирини тўлдириб келади. Билим бу куч-қудрат, ана шу куч-қудрат маънавияти етук инсон қўлида ривожланишга хизмат қилади. Маънан қашшоқ инсон бу қудратдан ноўрин фойдаланиши ва жамиятга зиён етказиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бундай ҳолатлар тарихда жуда кўп маротаба такрорланган ва бу исбот талаб қилмайдиган аксиомага айланган. Демак, таълим албатта тарбиявий асосга эга бўлиши ва талабаларга фақат билим бериш билан чекланиб қолмаслиги, балки тарбиялашдек мураккаб жараёнини ҳам ўз зиммасига олиши лозим.

Таълим жараёни таъсирида талабанинг ақлий камолотини, билиш қобилиятини, ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатини ривожлантириш ва янги поғонага кўтариш асосий масалалардан биридир. Айнан таълимнинг ривожлантирувчи хусусиятини икки даражага ажратиб таҳлил қилади.

Зарурий ривожланиш. Бу талаба тайёргарлигидаги мавжуд даража, бошқача қилиб айтганда, талабадаги бор даража, яъни талабанинг бугунги ўқув жараёнигача бўлган тайёргарлик даражасидир. Бу даража талабанинг ишни мустақил бажара олиши билан характерланади.

Юқори даражадаги ривожланиш. Бошқача қилиб айтганда, шу дарс давомида кўтарилиш керак бўлган даражадир. Бу талаба ҳозирча қила олмайдиган, лекин кўмак воситасида эплай оладиган ишдир. Талаба ана шу ўзи учун янги бўлган ва бажаришга кучи етадиган вазифани бажариш давомида иккинчи даражага кўтарилади. Лекин бу вазифа талабанинг тараққиёт зонасида жойлашган бўлиши шарт, акс ҳолда ривожланишга эришиш қийин. Яқинлашиб қолган тараққиёт зонасига кирган ҳар нарса таълим жараёнида зарур ривожланиш даражасига ўтади.

Шундай қилиб, яқинлашиб қолган тараққиёт зонаси ривожланишдан илгарилаб кетадиган таълим воситасида яратилади. Таълимнинг ҳар бир босқичи тараққиётнинг эришилган босқичига таянади ва муайян босқични кўзлаган ҳолда навбатдаги босқични тайёрлаб беради.

Демак, таълимнинг яна бир зарурий хусусиятларидан бири унинг ривожлантирувчи хусусиятга эга эканлигидир.

Таълимнинг ана шу юқорида санаб ўтилган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва уларга амал қилган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш шубҳасиз таълим самарадорлигини оширади.

Таълим жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун бир қатор вазифаларни бажариш лозим. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

1. Талабаларда билим, кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш.
2. Талабаларда дунёқарашни, ишонч ва эътиқодларини ўстириш.

3. Талабаларнинг маънавиятини бойитиш ва тарбиялаш.

4. Ёшларнинг ички имкониятларини, қобилиятларини ва истеъдодларини очиш ҳамда ўстириш.

Ушбу вазифаларни бажаришда **дифференциялашган ёндашувнинг** аҳамияти бекиёсдир. Чунки, **дифференциация** (яъни якка ҳолдаги ёндошув) талаба шахсини чуқурроқ ўрганишга, кучли ва заиф томонларини аниқлашга ёрдам беради. Талаба шахси чуқурроқ ўрганилгандан кейингина унга мос бўлган методлар танлаб олиниши мақсадга мувофиқ. Барча талабалар учун умумий методлар қўллаш таълимни кўр-кўрона олиб бориш билан баробар ва бу ҳолда таълимнинг самарасини жуда паст даражага эга бўлади. Таълимни дифференциациялаш муаммоси ҳозирги даврда ривожланган мамлакатларда маълум даражада ўз ечимини топомқда ва айтиш керакки, бу ечимлар ижобий ютуқларни қўлга киритишга ёрдам бермоқда.

Таълимда ёшларни билим, кўникма, малакалар билан қуроллантириш, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини ривожлантириш жараёнида баҳолаш ва билимларни текшириб туриш муҳим аҳамият касб этади. Баҳолаш таълим тизимида фойдаланилаётган методлар қанчалик самарали эканлигини, талабаларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлашга ёрдам беради.⁹

Албатта таълим тизимини самарали бўлиши педагог кадрларнинг тайёргарлик даражасига ҳам боғлиқ. Педагог биринчи галда ўз касбини севиши, ҳурмат қилиши, талабага катта қизиқиш ва меҳр билан қараши, жамият олдигаги ўзининг катта масъулиятини ҳис қила олиши шарт. Педагог ҳар бир талабанинг билими ва тарбияланганлик даражасини аниқлай олиши ва ҳисобга олиши, ўқув материалларини тўғри танлай билиши, таҳлил қила олиши ва умумлаштира билиши педагогик маҳорат учун зарур бўлган таълим усуллари, воситалари ва шакллари мукамал билиши, талабага нисбатан талабчан бўлиши педагогик вазиятга қараб улардан ўринли фойдалана олиши, ўз фаолиятини таҳлил қила олиши ва хулосалар чиқара олиши керак.

3.2. Билиш - таълим жараёнининг методологик асосидир

Билиш жараёни каби таълим жараёнида ҳам ўқувчи билмасликдан билишга, нотўғри ва ноаниқ билишдан тобора тўлиқроқ ва аниқроқ, чуқурроқ билишгача бўлган йўлни босиб ўтади. Бу жараёнда ҳиссий идрок этиш ҳам абстракт тафаккур ҳам, амалда синаб кўриш ҳам бўлади.

Муайян фан ва ҳодисалар объектив дунёни билиш жараёнидан ўрганилади ва уларнинг ташқи, ички моҳиятини ўзлаштириш жараёнида омиллар аниқланади. Мушоҳада, тасаввур ва абстракт тафаккурга асосланиб фактлар умумлаштирилади ва илмий хулосалар чиқариш натижасида назариялар, қонунлар ва категориялар яратилади.

Билиш икки паллага- назария ва амалиётга булинади. Назария янги билимни, янгича билишни ифодаловчи тизимли фикрдир. Назария ҳар қил шаклларда ифодаланади: аксиома, теорема, қонун, формула, график, рақам ва бошқалар. Назарияда ғоя шаклланади.

Амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи мезондир. Кузатиш,

⁹ “Педагогика профессионального образования.” Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия».2005. 48-стр.

тажриба ўзгартириш, яратиш – булар амалиёт шаклларига киради.

Амалиёт ижтимоий ҳаёт ва табиатнинг мураккаб жараёнларини билиб олишда инсон учун асосий қурол бўлиб хизмат қилади.

Илмий билишнинг вазифаси ҳодисаларнинг моҳиятини, уларнинг ривожланиш қонуниятларини очишдан иборат эмас, балки бирор бир қонуннинг қай тариқа намоён бўлиш сабабларини кўрсатиб беришдан иборат.

Илмий омил илмий билишнинг элементи бўлиб кузатиш, тажриба асосида қўлга киритилади, омилга асосланмаган билимнинг илмий қиймати, амалий фаолият учун аҳамияти ҳам бўлмайди. Шунинг учун илмий билимнинг, фаннинг асосий мақсадида омиллар асосида ётган умумий боғланишларни, қонуниятларни топиш, уларнинг моҳиятини билишдадир.


Билиш сезишдан бошланади. Сезиш теварак – атрофдаги воқелик, нарс ва ҳодисаларни сезги органларимизга таъсир этувчи айрим сифатларнинг онгимизда акс этишидир. Сезгилар – одам ҳақидаги барча билимларимизнинг манбаидир. Аммо илмий асосда билишда, масалан олимнинг билиши билан ўқувчининг билиш фаолияти ўртасида умумийлик бўлса ҳам лекин, улар бири-биридан фарқ қилади.

Назарий билим негизида талабаларда амалий қуникма ва малакаларни шакллантириш бир неча боскичларда амалга оширилиши мумкин. Бу боскичларни қуйидагича қурилишини 4 - расмда кўрсатиб утамиз .



Билим олиш даражаларини биз қуйидаги босқичларда кўрсатиб ўтамиз.

Билим олиш даражаси.



3.3. Таълимнинг мазмуни

Таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.

Таълимнинг мазмуни бир қатор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади:

1.Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлар, ижтимоий тузимнинг хусусиятлари.

2.Давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги ўқув юрти олдида қўядиган мақсад ва вазифалар.

3.Ўқитиш қоидаларидан келиб чиқадиган ва ўқувчиларнинг имкониятларини (ёш имкониятлари ва бошқалар) эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Таълим мазмуни ўқув режаси, ўқув дастури ва дарсликларда ифодаланган.

Ўқув режаси - деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилини тузилишини белгилаб берувчи давлат хужжатида айтилади.

Ўқув режаси – барча умумтаълим мактабларида сўзсиз амал қилиниши лозим бўлган давлат хужжатидир. Унда синфлар бўйича ўрганилиши лозим бўлган ўқув фанлари ва ўша фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўрсатилган бўлади.

Мактабнинг ягона ўқув режаси халқ таълими вазирлиги тамонидан тасдиқланади.

Ўқув дастури – ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим хажми, тизими ва ғоявий – сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат хужжатидир.

Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси синфда алохида фанлар

бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади. Дастурда ҳар қайси ўқув фанларининг мазмуни изчиллик билан ёритилади ва маълум мавзулар орқали кўрсатилади. Маълум мавзу юзасидан ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.

Дарслик – ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Кўп вақтлардан бери у ўқитишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланар эди.

Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир.

Дарсликлар билан бир қаторда айрим фанлардан ўқув қўлланмалар ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, луғат китоблари вазир у кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўқувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан ҳам дарсда, ҳам уй шароитида мустақил иш олиб борадилар. Дарслик материали катта тарбиявий аҳамиятга эга. У билан ишлаш тарбияланувчиларнинг аҳлий тарбиясига, уларда илмий дунёқарашнинг, ахлоқ, одоб, тафаккурнинг, нутқнинг, ишдаги мустақиллигини ривожланишига ёрдам беради.

3.4. Таълим тамойиллари

Инсон вужудга келибдики, ўз фарзандига билганларини ўргатиш, ўзи эга бўлган билим, малака ва кўникмаларини кейинги авлодга ўтказиш даставвал анъаналанган ҳолда бўлсада мавжуд эди. Бу яшаш учун кураш ёғиёёёёё келиб чиқиб, яшашнинг зарурий шарти ҳисобланган. Жамият ривожланар экан авлоддан-авлодга ўтказиш лозим бўлган билимлар ҳажми ортиб борди. Билимлар, эгаллаш лозим бўлган малака ва кўникмалар мураккаблашиб борди. Бу жараён олимлар томонидан таҳлил қилиниб аста-секин маълум қоидалар ишлаб чиқилди.

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) таълим жараёнини чуқур ўрганган олимлардан бири. У илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақида шундай фикрларни билдиради. Ўқув жараёнида педагог қуйидаги қонуниятларга:

- талабани зериктирмаслиги;
- билим беришда турлиликка асосланиши;
- узвийликка, изчилликка риоя қилиш керак.

Беруний янги мавзуларни қизиқарли, асосан кўргазмали баён этиш самарали натижалар беришини ҳам таъкидлайди.

Абу Али Ибн Сино (980-1037) билим олишда шахсларни укув муассасасида ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

- талаба билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
- ўқитишда жамоа бўлиб, укув муассасасида ўқитишга эътибор бериш;
- билим беришда талабаларнинг майлини, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Ушбу ишлаб чиқилган қоидалар таълимда мустаҳкам ўрин эгаллай бошлади.

Кейинчалик чех олими Ян Амос Коменский ҳам бу борада илмий изланишлар олиб боради ва ўзининг “Буюк дидактика” асарини ёзишга киришади. Ва у бу асарида таълим-тарбиянинг самарали тамойиллари, услублари, дарс жараёнларини тизимларини аниқ маълумотлар асосида кўрсатиб ўтади “Дидактиканинг отаси, асосчиси” номига сазовор булади.

Ўзбекистонда дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Муҳаммадрасул Расулий, +ори Ниёзий каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Шундай қилиб дидактика тамойиллари асрлар оша сайқал топиб борди. Албатта дидактика тамойиллари ҳар бир даврнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгариб боради. Чунки таълим тамойиллари жамият ва давлат олдида турган улкан вазифалар асосида белгиланади. Таълим (ўқитиш) жараёни мураккаб ҳамда кўп қирралидир. Унда педагог ва талабалар фаол иштирок этадилар. Бу жараённинг муваффақиятли ва самарали натижаси таълим жараёнининг қонун қоидалари яъни таълимга қўйилган дидактик талабларга қай даражада амал қилишларига боғлиқ.

Таълим тамойиллари педагогнинг фаолиятини ва талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл йўриқларини ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда таълим тамойиллари ҳар иккала фаолиятнинг яъни педагог ва талаба томонидан ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш имкониятини берадиган бир қанча талабларни ҳам умумлаштириб беради. Шунга кўра таълим қоидалари ўқитишнинг энг муҳим масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг асосий негизи ҳисобланади.

Таълим тамойиллари деб умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган ўқиш ва ўқитиш жараёнларининг йўналиши талабалар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, билим ва малака ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларининг йиғиндисига айтилади.

Кейинги йилларда таълим қоидаларини ўрганиш уларни таҳлил қилиш ва мукаммаллаштириш устида иш олиб борилмоқда. Таълим қоидаларини системалаштириш масаласи ҳам доимо фаол масала бўлиб келган.

Бугунги кунда педагогика фани қуйидаги **таълим тамойилларини** ажратиб кўрсатмоқда:

1. **Таълимнинг илмий бўлиши;**
2. **Таълим ва тарбиянинг бирлиги;**
3. **Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши;**
4. **Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлишини таъминлаш;**
5. **Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақилликка эришиш;**
6. **Таълим жараёнининг кўрсатмали ва кўргазмали бўлиши;**
7. **Билимларни пухта ва тизимли ўзлаштириб олиш;**
8. **Таълим жараёнида шахсий хусусиятларни ҳисобга олиш;**

9. Таълимда талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш.

Таълим тамойилларини гуруҳларга ажратиш ва уларга тавсиф бериш иши бутунлай якунланган дея олмаймиз. Чунки юқорида айтиб ўтганимиздек бу тамойиллар давр талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқувчи таълим хусусиятларига қараб ўзгариши мумкин. Бундан ташқари педагогика ва хусусан дидактиканинг фан сифатида мукаммаллашиб бориши янги билимларнинг ҳосил бўлиши ҳам ушбу тамойилларни гуруҳланишига ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун баъзи адабиётларда 7 та, баъзи адабиётларда 9 та, баъзи адабиётларда эса 10та тамойилни санаб ўтилган. Ҳозирча биз 9 та тамойил гуруҳини ажратишни лозим топдик.

3.5. Таълим тамойилларига тавсиф

3.5.1. Таълимнинг илмий бўлиши тамойили

Илмий билимлар ҳаққоний воқеликни инсон онгида акс этишидир. Теварак-атрофни ўраб олган дунёнинг қонуниятларини, нарса ва ҳодисаларнинг хоссаларини ва уларнинг ўзаро алоқаларини акс эттирувчи билим илмий билимлар ҳисобланади. Илмий билимлар тажрибалар, текширишлар, таҳлил қилиш, исботлаш кабиларни талаб этади. Инсоният илмий билимларини кенгайтириб борган сари ҳақиқий воқеликка маълум даражада яқинлашиб боради. Илмий жиҳатдан исботланмаган билимлар ҳам мавжуд ва бу билимларни ҳали инсон таҳлил қилиши ва чуқурроқ ўрганиши керак бўлади. Таълим жараёнида биз талабаларга исботлаб бўлинган, аниқланган ва амалиётда текшириб кўрилган билимларни етказишимиз лозим.

Таълимнинг илмийлиги талабанинг ўқув материалларидаги қонуниятларини акс эттириш, тушуниш ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида зарурдир.

Назарий қоидаларни тушуниш-материалини илмий асосда изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у талабанинг фикрлаш фаолиятини хусусиятларини белгилайди. Илмий билимлар илмийлигича қолиб, воқеиликни ҳар хил даражада акс эттириши мумкин. Илмий изоҳ таълимнинг ҳамма босқичларида, ҳар бир синфда илмийлик қоидалари вазифаларидан бири назарий маълумотлар тизимини шу маълумотлар теварак–атрофдаги дунёни қанчалик чуқур акс этганлиги нуқтаи назаридан билиб олишдир.

Илмийлик қоидаси барча ёш гуруҳлардаги ва турли ўқув юртларидаги талабаларга ўрганиш учун илмий жиҳатдан ишонарли, амалда синаб кўрилган маълумотлар берилишини талаб этади.

Илмий билимларни эгаллаш жараёнида талабаларда илмий дунёқараш эътиқод таркиб топади. Тафаккур ривожланади. Етук миллий кадрларни тарбиялаш ва етиштириш учун ҳозирги замон фан-техникасининг ривож даражасидаги илмий билимларни эгаллашга эришиш муҳим. Шу билан бир қаторда талабаларни илмий–тадқиқот усуллари билан ҳам таништириб бориш мақсадга мувофиқ. Илмийлик таълимнинг мазмунига ҳам, усулларига ҳам алоқадордир яъни дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув дастурлари, ўқув режаси илмий асосда яратилиши лозим.

3.5.2. Таълим-тарбиянинг бирлиги тамойили

Таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги исбот талаб этмайдиган

ҳақиқатдир. Ҳар қандай билим маълум тарбиявий таъсирга эга ва ҳар қандай тарбиявий тадбир ўзида билим асосини акс эттиради. Бу ҳаётий қонуният бўлиб биз таълим жараёнида уни ҳисобга олишимиз лозим. Таълим жараёнида ўтилаётган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш жуда қулай. Чунки тарбия ҳис-ҳаяжон ва амалий ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса билимларни пухтароқ ўрганишга ёрдам беради. Билимлар эса ана шу тарбиявий жиҳатларни мустаҳкамланишига таъсир этади. Билимлар ҳаётни, ҳаётий қонуниятларни билишга хизмат қилса, тарбия ана шу ҳаётга нисбатан тўғри муносабатни таркиб топишини таъминлайди. Демак, бир бутун таълим жараёнида икки ўзаро боғлиқлик: ҳаётни билиш ва унга бўлган муносабатни таркиб топтириш жараёни содир бўлар экан.

Таълим–тарбиянинг бирлиги таълим жараёнини тўғри ташкил қилиш ва ўқитишнинг хилма-хил метод ва услубларидан фойдалана олишга кўп жиҳатдан боғлиқ. Таълим билан тарбиянинг бирлигини таъминламоқ учун:

а) баён қилинаётган ўқув материалларининг мазмуни ҳам илмий, ҳам ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниши;

б) ўқитилаётган мавзунининг илмий ва тарбиявий моҳиятини очиб борилиши, таълим жараёнида ҳадислардан фойдаланиш имкониятини яратилиш;

в) баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши ва турмушда унга амал қилиниши;

г) таълимда муаммоли жараёнини вужудга келтириш, талабаларнинг қизиқишлари, активлик ва ташаббускорликларини таъминлашга эътиборининг кучайтирилиши;

д) таълим жараёнида талабаларнинг уюшқоқлигини, интизомлилик ва жавобгарликни сезиш, ўзаро ёрдам ҳисларини тарбиялашни таъминлаш зарур.

Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши.

Ижтимоий тараққиётнинг бой тажрибаси таълимда системалилик ва изчиллик бўлиши шарт эканини тасдиқлади. Билимларнинг маълум системага солиниши ва изчил бўлиши таълим самарадорлиги белгиловчи энг етакчи омиллардан биридир. Ҳозирги замон дидактикасидан бу тамойилга катта эътибор берилмоқда. Чунки таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиш бугун ўрганилган билимларни мустаҳкамлашга ва эртага ўрганиладиган билимларга замин тайёрлашга ёрдам беради. Яъни ўтилаётган фан ёки баён қилинаётган янги материалнинг талабаларнинг олдинги ўзлаштирилган илмий билимлари, кўникма ва малакалари билан изчил ва ўзвий боғланиши, шу билан бир вақтда ўқитилаётган ўқув материалларини ўзлаштириш орқали келажакда янги билимларни ўзлаштиришга, шунингдек навбатдаги таълим босқичига замин яратилиши назарда тутилади.

Таълимнинг тизимли бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқдир.

Изчилликка асосланган таълимнинг характерли белгиси шундаки, у талабаларнинг олдиндан ўзлаштирилган билим ва малакалари замирида янги билим кўникма ва малакалар ҳосил қилиш, уларнинг ўзаро бошланишларини

такомиллаштириш ва аксинча, янги билимларни баён қилиш жараёнида олдиндан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларини яна ҳам чуқурлаштириш, кенгайтириш ва мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилгандир. Демак тизимли ва изчиллик таълимда узлуксизликни вужудга келтиришда аҳамиятлидир. Бундан ташқари маълум системага солинган билимларни эгаллаш ўрганиш жараёнида қулайлик вужудга келтиради. Албатта тизимли ва изчилликни соддадан мураккабга қараб йўналтирилиши мақсадга мувофиқ. Билимларнинг аста-секин, изчиллик билан мураккаблашиб бориши тафаккурни ривожлантиради ва натижада таълимнинг ривожлантирувчи хусусияти келиб чиқади.

3.5.3. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлишини таъминлаш тамойили

Таълимнинг асосий мақсади ёшларни мустақиллик ҳаётга тайёрлаш яъни турли хил ҳаётий шароитларда ўз билим, малака ва кўникмаларини амалда қўллай олиш даражасига етказишдир. Шунинг учун биз таълим жараёнида талабаларни фақат илмий билимлар билан қуроллантирибгина қолмасдан, балки ана шу билимларни амалиётда қўллай олишларини таъминлашимиз лозим. Демак, бу тамойил таълимнинг илмийлиги ҳақида тамойил билан ҳамоханг бўлиб, улар бир-бирларини тўлдириб келадилар. Таълимнинг илмийлиги билимларни назарий жиҳатдан ўрганишга, мантиқий боғлиқликларни тушунишга, фикрлаш қобилиятини ўстиришга хизмат қилса, амалий ҳаракатлар ана шу билимларни амалда қўллаб кўриш янада тўлиқроқ ишонч ҳосил қилиш, малака ҳамда кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

3.5.4. Таълим тизимида назария билан амалиётнинг бирлиги тамойили

Мазкур тамойилда даставвал ўқув фанининг мазмунини ва ўзига хос хусусиятга боғлиқ ҳолда ўқиш жараёнида амалга оширилади. Бу бирлик илмий билимларни пухта ўзлаштириш ва уни амалда қўллай олиш, ўқув материалларини идрок қилиш, англаш, шунингдек, уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш каби руҳий операциялар билан боғлиқ ҳолда бир бутун жараёни ташкил қилади.

Таълим жараёнида талабалар томонидан математика, физика, биология, химия, астрономия ва бошқа табиий фанлардан ўзлаштирилган назарий билим, кўникма ва малакалар тажриба хоналари ва лабораториялари, замонавий техника воситалари, тажриба ер участкалари ва ишлаб чиқариш меҳнати жараёнида қўлланилади.

Бу машғулотлар уларни келгусида мураккаб илмий назарияларни амалда қўллана олишлари учун зарур бўлган тажриба билан қуроллантиради. Талабалар ўқув материални тўб моҳиятини, табиат ва жамият тараққиёти қонунуниятларини илмий асосда атрофлича тўғри, чуқур тушуниб оладилар ва келажакда амалий фаолиятлари учун зарур бўлган маҳорат, кўникма ва малакалар ҳосил қиладилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир мавзунинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилаётган янги билимларни мумкин қадар амалиёт боғлаш ўқув жараёнининг тамойили сифатида қабул қилинади.

3.5.5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақилликка эришиш тамойили

Маълумки, эски мусулмон ìàêðààларида ўқитиш жараёни, ёд олиш муҳим ўрин эгаллаган. Лекин тушунишга ва англаб олишга эътибор бир оз камроқ ажратилган. Айни вақтда моҳияти англаб олинган билимгина амалда самарали қўллаш мумкин. Шунинг учун ўқув жараёнида хотираси кучли бўлган талабаларнинг мавзуни шунчаки юзаки ёдлаб олишларига йўл қўймаслик лозим. Онглилик талабаларни янги материалини идрок қилишда таърифлар, теоремалар, адабиятдан шеър ёдлаш ва ҳоказоларнинг ифодаланишинигина эмас, балки уларнинг ҳаётий ходисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мавзуни ҳам тушунишларини талаб этади. Акс ҳолда билимларда юзакичилик авж олади, бунда материал қуруқ ёдлаб олинган бўлади. Бундай билимлар тез унитилади. Бундан ташқари билимларни онгли равишда ўзлаштириш талабаларда бу билимларга нисбатан маълум муносабат ҳосил қилишни, эмоционал кечинмалар уйғотишни ҳам ўз ичига олади.¹⁰

Биз яхши биламизки, таълим икки томонлилик хусусиятига эга. Таълим жараёни педагог йўналтирувчи бўлиб майдонга чиқади ва талабалар ўрганиш жараёнини ўз бошларидан кечирадилар. Ўрганиш жараёни мураккаб психик жараён бўлиб талабадан маълум фаолликни талаб этади. Педагог қанчалик таълим жараёнини сермазмун, қизиқарли ва маҳорат билан ташкил этмасин талаба томонидан маълум фаоллик билдирилмаса, ўқув жараёнида самарага эришиш мумкин бўлмайди. Демак ўқув жараёнида аввал талабаларда фаолликни уйғотиш зарур. Бу фаоллик билиш жараёнига таъсир этади, идрок қилиш, таҳлил қилиш, анализ ва синтез каби психик жараёнларни ишга туширади. Талабаларда фаоллик ҳолатини вужудга келишда мотивациялар аҳамиятлидир.

Мустақил тафаккур турли усуллар билан ҳосил қилинади. Тафаккурни шакллантириш усулларида бири мустақил ҳал қилиш, муаммоли вазифалар қўйишдир. Айтиб ўтиш жоизки онглилик ва фаолликкина мустақил тафаккурни вужудга келишига сабаб бўлади. Бугунги кунда таълим олдига қўйилаётган энг катта талаблардан бири ҳам мустақил фикрлаш, муаммолар ечимини мустақил топиш каби хусусиятларни талабаларда ривожлантиришдир. Умуман онглилик, фаоллик ва мустақиллик ўзаро бир-бирини тўлдириб турувчи психик ҳолатлар дейиш мумкин. Билимларни онгли ўзлаштириш, бир томондан, талабаларнинг мустақил, фаол фикр қилишларини назарда тутса, иккинчи томондан айнан шу жараён давомида талабаларнинг мустақиллик ва фаолликларини ҳамда мантиқий фикр қилиш фаолиятларини тарбиялаб, такомиллаштириб боришни назарда тутати. Талабалар фаоллигини ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини ошириш, талабалар онглилигини ўстириш ўқитишда юксак самарадорликка эришишга ёрдам беради.

3.5.6. Таълим жараёнининг кўрсатмали ва кўргазмали бўлиши тамойили

¹⁰ Подласый И. П. “Педагогика”. Москва. “Владос» ,2005, 56-срт.

Таълим жараёнида мумкин қадар сезги органларини кўпроқ жалб этиш ўрганишни осонлаштиради. Эшитиш жараёнида абстракт тафаккур маълум иш бажарса, кўриш орқали образли тафаккур ҳам ишга тушади. Кўрсатмалилик мавзунини ўрганишда енгиллик туғдириши билан бирга талабада қизиқиш ҳам уйғотади. Ўрганилган мавзунини узоқ муддат эсда сақланишига ва қайта эсга туширишга ёрдам беради.

Талабаларнинг схема, жадвал, диаграмма каби материаллар устида иш олиб боришлари ва материал хусусиятларини таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, хулоса чиқаришлари мантикий фикрлаш қобилиятини ўстиришга ёрдам беради.

Албатта кўрсатмалилик самарали натижалар бериши учун унинг бошқа томонларини ҳам эътиборга олиш керак. Биринчидан, ишлатиладиган кўрсатмали куроллар у ёки талабаларининг ёши ва ўзига хос характер хусусиятлари, умумий тайёргарликка-савиясига мос келадиган бўлиши лозим. Иккинчидан, фойдаланиладиган кўрсатмали куроллар ўтилатган дарс мавзусининг мазмунини очиб беришига ёрдам берадиган материаллар бўлишини ҳисобга олмоқ, демак, унинг тўғри танланишига эътибор бермоқ лозим. Учинчидан, дарс жараёнида фойдаланиш учун белгиланган кўрсатмали материаллардан унумли фойдаланмоқ учун зарур бўлган таълим усуллари тўғри танланган бўлиши лозим. Умуман олганда, таълимни кўрсатмали бўлишини таъминлаш устида ҳозирда кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва кўрсатмалиликни самарадорлигини оширишда фан-техниканинг кейинги йиллар ичида эришган ютуқларидан фойдаланиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

3.5.7. Билимларни пухта ва тизимли ўзлаштириб олиш тамойили

Таълим жараёнида биз талабаларни билимларни мустаҳкам эсда сақланиб қолишини таъминлаш зарурий талаблардан биридир. Ўқув материалларини мустаҳкам эсда сақлаб қолиш, айтилган дарс жараёнида баён қилинаётган ўқув материалларини тизимли ва онгли ўзлаштиришга боғлиқ. Аввалги машғулотларда ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар анча мураккаброқ материални ўзлаштириб олиш учун пиллапоё, база бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам билимлар базасининг пухта бўлмаслиги кейинги ўрганиладиган янги билимларни ҳам заиф бўлишига олиб келади. Яхши ўзлаштирилган, мустаҳкамланган билимларда эса кейинги янги билимларни ўрганишда ва мустаҳкамлашда асос бўлиб хизмат қилади. Билимларни ўзлаштириш жараёнида уларнинг пухта англаб олинганлигини текшириш, баъзи тушунмовчиликларни йўқотиш, мустаҳкамлашга эътиборни қаратиш дидактиканинг асосий масалаларидан биридир. Таълим жараёнида такрорлашни уюштириш билимларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Такрорлашнинг аҳамияти шундаки, такрорлаш фақат олдиндан ўзлаштирилган ўқув материаллигини эсга туширмай, балки шу ўқув материалларига боғлиқ бўлган янги-янги маълумотлар ҳам берилади, ўзлаштирилган билимларнинг ноаниқ туман бўлиб қолган томонлари ойдинлаштирилади ва тўлдирилади. Билимларни ўзлаштириш жараёни узлуксиз ва маълум тизим асосида олиб борилиши таълим самарасини оширади. Билимларни доимий равишда

текшириб бориш, такрорлаш тизимли ва узлуксиз равишда тўлдириб бориш муҳим дидактик талабдир.

3.5.8. Таълим жараёнида шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш таъмоили

Ҳар бир талаба ўзига яраша қизиқишлари ва шу билан бир қаторда миқдори мавжуд. Ҳар бир талабанинг ўзига хос бўлган ютуқлари ва шу билан бир қаторда камчиликлари ҳам бор. Агар педагоглар ўқув жараёнида ана шу индивидуал хусусиятларни ҳисобга олмасалар ҳар қанча унумли методлардан фойдаланмасинлар ўқув жараёнида яхши натижаларга эриша олмайдилар. Чунки таълимнинг асосий вазифаларидан бири талабани умумий ривожини таъминлаш. Лекин талабанинг ҳақиқий ривожи фақат унинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдагина амалга оширилиши мумкин. Талабаларнинг реал ўқув имкониятларини, уларнинг ривожланиш жиҳатларини ўрганиш ҳозирги вақтда шунчаки хоҳиш эмас, балки мажбурий талабдир. Бусиз ўқув жараёнини муқобиллаштириш, уни бойитиш ақлга сиғмайди. Албатта шахсий хусусиятлар жуда хилма-хил ва уларни ўрганиш маълум вақт талаб этади. Кузатиш жараёнида талабанинг кучли ва ожиз томонларини, унинг қизиқишлари, тафаккури, нутқи, хотираси, диққати, ҳаёлига мос бўлган хусусиятларини билиб олиш мумкин. Талаба шахсининг муаммолари ва қийинчиликларини таҳлил қилиш ҳамда шу муаммоларнинг сабабларини аниқлаш кейинги педагогик чора-тадбирларни режалаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Айниқса ўзлаштириши бир оз пастроқ бўлган талабалар билан якка ҳолда ишлаш жараёнида педагог ўзи учун талабанинг янги қирраларини кашф этиши эътиборли. Кейинги даврларда “дифференциаллашган таълим” деган тушунчани кенг тарқалишининг асосий сабаби ҳам шахсий хусусиятлари, қобилияти, қизиқишлари, иқтидори кабиларни ҳисобга олган ҳолда талабаларни гуруҳларга ажратишни ва шу гуруҳлар учун алоҳида дастурлар ишлаб чиқишга қаратилган. Гуруҳлар учун тузилган дастурлар, қўлланиладиган методлар талабаларнинг шахсий хусусиятлари ҳисобга олган ҳолда танланади. Дидактика бу йўналишда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда ва бу таълимнинг самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

3.5.9. Таълимда талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш таъмоили

Маълум гуруҳ учун белгиланган ўқув материалларининг характери, мазмуни ва ҳажми шу синф талабаларининг ёш хусусиятларига мос бўлиши лозим. Ўрганилаётган билимлар, ҳосил қилинаётган малака ва кўникмалар талабаларни ҳаддан зиёд толиқтириб қўймаслиги лозим. Бошқача қилиб айтганда, ўқув жараёни талабаларнинг соғлиги, психик ҳолатига салбий таъсир этишини олдини олиш лозим. Бунинг учун ҳар бир ёш хусусиятларини чуқурроқ ўрганиб имкониятлар даражасини белгилаб олиш керак. Таълимнинг мазмуни шахсларнинг куч-қувватига мос бўлишига эришиш лозим. Таълимни ҳаддан зиёд “енгиллаштириш”, “осонлаштириш” ҳам мақсадга мувофиқ эмас, чунки бундай таълим ривожлантирувчи бўла олмайди. Демак ҳар бир ёш даврида талабаларнинг имкониятларини ўрганиш ва имкониятларга мос равишда таълимни ташкил этиш, ўрганиладиган билимлар ҳажмини белгилашда талабаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш жуда муҳим

бўлиб бу йўналишда ҳам тегишли илмий-текшириш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистонда таълим тизимини янгилаш, мукаммаллаштириш борасида бир талай ишлар олиб борилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида узлуксиз таълим тизимини яратиш, ўқув тарбия жараёнининг ҳамма босқичларини мукаммаллаштириш, ҳар томонлама етук баркамол авлодни етиштириш учун шарт-шароит яратиш масалалари кўриб чиқилган. Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг асосий тамойиллари (принциплари) белгиланган. Булар таълимнинг устиворлиги, таълимнинг ижтимоийлашуви, таълимнинг миллий йўналганлиги, таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, иқтидорли ёшларни аниқлаш, юқори даражада билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш кабилардир. Кўриб турганимиздек узлуксиз таълимни ривожлантириш тамойиллари дидактик тамойиллар билан ҳамоханг бўлиб, ана шу дидактик тамойилларни янада мукаммаллашувига туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Демак, бугунги кун талабларини ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда педагогика ва унинг ажралмас қисми ҳисобланмиш дидактика ўқув жараёнини қонуниятларини янада чуқурроқ ўрганиши ҳамда таълим самарадорлигини ошириш устида илмий-тадқиқот ишларини кенг миқёсда олиб бориши мақсадга мувофиқ.

3.6. Таълим методлари

Халқ таълими вазирлиги, педагогика илмий тадқиқот институти, методист педагогларнинг, хусусан педагогика фанининг долзарб вазифаларидан бири - таълим-тарбиядаги муаммоларни, маҳаллий ва миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, барча ўқув фанлари бўйича янги миллий дастурлар яратиш, таълимни поғоналаш, дарс жараёнини тоифалашдан иборатдир.

Шу муносабат билан яқин ўтмишдаги ўзбек уқув муассасасилари ўқитиш тарихига бир назар ташлаш айни пайтда таълим методларини ўрганишни осонлаштиради. Шубҳасиз, мазкур таълим методикаси тарихига оид манба муайян даражада таълимнинг методик бўшлиқларини маънавий жиҳатдан тўлдиради, педагог тарбиячиларнинг педагогик мерос ва халқ педагогикасига бўлган катта эҳтиёж ва қизиқишларини қондиради.

Кейинги вақтларда тараққий этган мамлакатларнинг уқув муассасаси соҳасидаги ютуқ ва тажрибаларини ўрганишга уни бизнинг шароитимизга жорий этишга эътибор кучайди. Шунингдек, халқ таълими кўламига инкилобгача бўлган ўқитиш тартибининг турлари (лицей гимназия) ҳам дадил кириб келмоқда. Бунга мамлакатимизда гимназияларнинг очилиши, лицейларни очилишини мисол қилиб келтириш мумкин.

Таълим беришда ўқитиш методлари асосий ўринни эгаллайди. Метод-юнонча атама бўлиб, усул, йўл деган маънони англатади, яъни мақсадга эришиш йўлини билдиради. Методлар (усуллар) ҳар қандай ахборотни (мақсадни) узатиш ва қабул қилиш характерига қараб қуйидаги синфларга ажратилади:

- Сўз орқали ифодаланадиган метод.
- Кўргазмали метод.
- Амалий метод.
- Таълим жараёнида талабаларни ўзлаштириш, фикрлаш жараёнини ташкил этиш бўйича эса қуйидаги методларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- Ўқитишнинг маъруза (суҳбат) методи.
- Ўқитишнинг амалий ишлар методи.
- Лаборатория ишлари методи.
- Мустақил ишлар методи.
- Репродуктив-эвристик метод.
- Илмий-тадқиқот методи.
- Ўқитишнинг муаммоли-изланиш методи.
- Ўқитишнинг индуктив ва дидуктив методи.

Ахборотни сўз орқали етказиш ва қабул қилишга қаратилган биринчи гуруҳ методларига: Ҳикоя, суҳбат, маъруза кабиларни киритиш мумкин.

Нутқ маданиятини ўстиришда ҳикоянинг ўқитиш ва фикрларни баён қилиш методи сифатидаги имкониятлари бошқа методларга нисбатан юқоридир. **Ҳикоя қилиш** - педагог томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид факт, ҳодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён этилади. Бу метод материалларни баён қилишди, образларга характеристика беришди, табиат ҳодисалари ва ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни тасвирлашда қўл келади.

Ҳикоя қилиш давомида талабалар пассив тингловчи бўлиб қолишларига йўл қўймаслик керак. Талабаларнинг диққатини тасвирланаётган объектга қаратибгина қолмай балки худди шу объект ҳақида улар онгли ва актив фикр юритишларини ҳам таъминламоқ лозим.

Ўқув материални тушунтириш методи

Педагог томонидан ўрганилаётган мавзунинг нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг мазмунини характерлайдиган тушунча, қонун ва қоидаларни ўқитиришдир. Бу метод кўпроқ математика, физика, химия, она тили, рус тили ва шунга ўхшаш фанларни ўқитишда кўпроқ қўл келади. Педагогнинг маълум бир фаннинг у ёки бу мавзуга оид қонун, қоидаларни қанчалик асосли эканлигини фактлар, мисол ва далиллар келтириш, шунингдек масалалар, мисоллар ишлаш йўли билан исботлаб беради.

Бу жараёнга талабаларнинг актив иштирок этишларини таъминламай туриб, қўтилган мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса баён қилинаётган материалларини умумлаштириш ва хулосалар чиқаришда талабаларнинг ўз мулоҳазалари билан иштирок этишларини таъминлаш муҳим.

Маъруза методи

Бу метод ўқув материални ҳажмини катталигини, мантикий тузилиши, образлари исбот ва умумлаштиришнинг анчагина мураккаблиги билан фарқланади. Агар ҳикоя дарснинг бир қисминигина эгалласа, маъруза одатда уларни тўла қамраб олади. Маъруза давомида муаммоли вазиятларни вужудга келтириш, мавзуга оид кўргазмали материалларни намоиш этиш, маъруза

охирида умумий хулосалар чиқариш кабилар самарадорликни оширади. Маъруза методи кенг қамровли ахборотни талабаларга етказишда жуда ҳам қўл келади.

Суҳбат

Бу метод асосан савол-жавоб йўсинида олиб борилади. Суҳбатларнинг маълум мақсадга қаратилганлиги уларнинг характериini белгалайди. Суҳбат эвристик характерда, этик характерда, инструкторив методик характерда бўлиши мумкин.

Суҳбат методи талабаларни фаол иштироки орқали ўтказилганлигидан мустақил фикрлаш, хулосалаш каби хислатларни талабаларда шакллантиради.¹¹

Ўқитишнинг кўргазмали методлари

Ўқитиш жараёнида кўргазмалилик методидан фойдаланишнинг муҳимлиги ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга талабани ундаш, мантикий ва назарий элементларнинг бирлигига ишонч ҳосил қилиш ниҳоят, назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргата билишдадир.

Таълимда кўргазмалилик методи намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилиши мумкин. Таълимда намойиш этиш методидан фойдаланиш асосан материалларнинг характерига-мазмуну, шакли ҳам ҳажмига боғлиқдир. Намойишнинг ўзи ҳам турлича бўлиши мумкин: а) аслича кўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар, ўсимликлар ва уларнинг таркиби, коллекциялар, асбоб ва машиналар, моделлар ва ҳоказо.

Экскурсия методи

Экскурсия методи синф шароитида дарс жараёнида қўлланиладиган ўқитиш методидан тубдан фарқ қилади. Бу метод билан ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни табиий шароитда (завод, фабрика, табиатни кузатишга) ёки махсус муассасаларга (музей, кўргазма ва ҳоказоларга) ташкилий равишда борилади. Экскурсия вақтида кузатиш, зарур материалларини ёзиб олиш, расмга тушириш, ўлчаш, ҳисоблаш ишларини олиб бориш мумкин. Экскурсия давомида суҳбат ўтказиш, хулосалар яшаш, ўз фикрларини умумлаштириш ва якун яшаш лозим.

Ўқитишнинг амалий ишлар методи

Амалий методларга масалалар ечиш, чизмалар тайёрлаш, ёзма машқларни бажариш кабиларни киритиш мумкин. Назарий жиҳатдан эгалланган билимлар амалда қўллаб кўрилади. График жадвал, карталар чизиш ҳам тегишли кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга ва уларни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Лаборатория ишлари методи.

Лаборатория машқлари фронтал тажрибалар, лаборатория ишлари, практикумлар ўқитишнинг техник воситалари ва ўқув қуроллари типигаги бошқа асбоб-ускуналар билан машғулотлар тарзида ўтказилади. Лаборатория

^{11 11} Подласый И. П. “Педагогика”. Москва. “Владос», 2005, 67-срт.

методининг бошқа ўқитиш методларидан фарқи, шундаки, бу метод билан иш қўрилганда ҳар қайси талаба ниманидир мустақил, шахсан тажриба қилиб куради. Дарс педагог раҳбарлигида талабаларнинг мустақил тажриба ўтказишларига қаратилган бўлади. Лаборатория машғулотларида мустақиллик, активлик, ташаббускорлик ошади.

Мустақил ишлар методи

Кейинги даврда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда. Чунки бу метод талабада ижодкорликни, мустақилликни ривожлантиради. Ўқув дастурларида мустақил таълим учун соатлар ажратилмоқда. Талабаларни мустақил ишларини ташкил этишда маълум фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб мустақил ишнинг мазмуни, шакли ва вазифалари танлаб олинади. Топширишган мустақил ишни бажариш учун педагог керакли адабиётлар ва йўл йўриқларни кўрсатиши, қисқача тушунтириш бериши лозим. Талаба бажариши керак бўлган мустақил иш кўп вақт эгалламаслиги ва шу билан бир қаторда талабага ривожлантирувчи сифатида таъсир кўрсатиши керак.

Репродуктив, эвристик метод

Репродуктив методлар биринчи навбатда талабаларнинг ўқув материални тезроқ ва мустаҳкамроқ эслаб қолишларини таъминлаш билимдаги типик камчиликларни тез аниқлаш учун қулай. Репродуктив методлар айниқса ўқув материалнинг мазмуни асосан ахборот характерида бўлса, мураккаб ва бутунлай янги билимлар ўрганилиши лозим бўлган ҳолатда самарали натижа беради. Тафаккурнинг репродуктивлик характери педагог ёки бошқа манба орқали хабар қилинадиган ўқув ахборотларини активроқ қилишини ва эслаб қолинишини назарда тутди. Хикоя, маъруза, кўргазмалилик ва амалий ишлар ҳам репродуктив асосга қурилиш мумкин. Репродуктив характердаги амалий ишлар шуниси билан фарқ қиладики, бу ишларнинг давомида талабалар намунага кўра илгари ёки яқиндагина ўзлаштирган фаоллигини ошириш мақсадида у кўпинча эвристик яъни қисман изланувчан метод билан қўйиб олиб борилиши мумкин. Янги мавзунини баёни давомида ўрганилаётган материалнинг баъзи элементлари устида талабаларга фикр юритиш имкони берилади. Педагог томонидан енгил қисқа саволлар тузилиб, талабаларнинг иштирокида уларга жавоб топишга ҳаракат қилинади. Эвристик метод талабаларнинг билиш даражасини аниқлашга ҳам ёрдам беради. Демак, эвристик метод янги мавзунини идрок қилишда талабаларнинг ҳам қисман иштирок этишини таъминлайди.

Илмий тадқиқот методи

Бу метод таълим тизимида унчалик кенг тарқалмаган метод бўлиб, маълум тайёргарликни талаб этади. Педагог раҳбарлигида талабалар ёки бир талаба маълум илмий тадқиқотларни ўтказиши ва маълум фан учун янги хулосаларни ясаши мана шу методни қўллаш жараёнида вужудга келади. Бу метод олийгоҳларда кўпроқ қўлланилади. Бу метод давомида илмий билиш жараёни содир бўлади, яъни хали номаълум бўлган билимлар кашф этилади ва эгалланади. Бунинг учун илмий тадқиқот режаси тузилади. Мақсад

белгиланади ва тадқиқот усуллари танлаб олинади. Тадқиқот натижалари асосида хулосалар ясалади.

Ўқитишнинг муаммоли-изланиш методи

Янги мавзуни ўрганиш жараёни ўрганилаётган материални тайёр ҳолда талабаларга баён этмасдан, балки муаммо сифатида тақдим этиш муаммо-изланиш методини келтириб чиқаради. Яъни дарс давомида яшаш керак бўлган хулосалар педагог томонидан эмас, балки талаба томонидан ясалишига ҳаракат қилинади. Ҳар бир талаба қўйилган муаммони ўзича ёндошиб ҳал этишга ҳаракат қилади ва ўз фикрларини баён этади. Ўртага ташланган фикрлар муҳокама қилинади ва педагог томонидан йўналтирилади. Педагог ва талабалар биргаликда хулосалар ясашади. Муаммоли-изланиш методи талабаларни билиш фаолиятини фаоллаштиради, мустақилликка, ижод қилишга ўргатади, ўқишга бўлган қизиқишларини оширади, шахсий фазилатларини тарбиялашга ёрдам беради. Бу метод ўрганилаётган масалани чуқур таҳлил этишга ва билимларнинг пухта бўлишига ёрдам беради. Бу метод ўрганилаётган масалани чуқур таҳлил этишга ва билимларнинг тафаккур даражаси ҳисобга олиниши керак. Танланган мавзуни таҳлил этиш учун талабаларда маълум билимлар базаси мавжуд бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам бу методни қўллаш учун талабалар алоҳида ахборотлар билан қуроллантирилади. Кейинги даврларда муаммоли-изланиш методидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўқитишнинг индуктив ва дедуктив методи

Ўқитишнинг мантикий методлари икки турда: Индуктив ва дедуктив методлар билан олиб борилиши мумкин.

Дарсларга тайёрланиш жараёнида ўқитишнинг индуктив, дедуктив каби методларини танлаш зарурати ҳам туғилади. Кейинги даврларда дедуктив ўқитишга талаб ва эътибор кучайди. Аммо тафаккурнинг индуктив усулларини шакллантирмай туриб фақат табиий-илмий эмас, балки умум меҳнат характеридаги тажрибалар амалий фаолиятида ҳам муваффақиятга эришишга умид қилиб бўлмайди. Индуктив ёки дедуктив методларни қўллаш ўрганилаётган мавзу мазмунини очишнинг маълум мантикий-хусусийдан умумийга ёки умумийдан хусусийга ўтишни танлашни англатади.

Индуктив методлар техник қурилмаларни ўрганишда ва амалий топшириқларни бажаришда кенг қўлланилади. Математика ва физикага доир қўпгина масалалар, айниқса педагог талабаларни айрим умумийроқ формулаларни мустақил эгаллашларига олиб келиши зарур деб ҳисобланган ҳолларда, индуктив метод воситасида ечилади.

Дедуктив методдан фойдаланганда педагог ва талабанинг фаолиятида аввал умумий ҳолат, формула ва қонунини берилади, сўнгра аста-секин айрим ҳолатларни чиқариб аниқроқ вазифаларни ҳал этиш назарда тутилади.

Дедуктив метод ўқув материални тезроқ ўтишга ёрдам беради, абстракт тафаккурни активроқ ривожлантиради. Назарий материални ўрганишда, анчагина умумийроқ ҳолатлардан айрим оқибатларини аниқлашни талаб қилувчи масалаларни ечишда дедуктив методни қўллаш айниқса фойдалидир.

Дастурлаштирилган таълим

Дастурлаштириш деганда ўқув материални ўрганишнинг ҳар қандай

дастур эмас, балки дастурлаштиришнинг кибернетик ва математик қоидалари ёки шартларига мувофиқ дастургина тушунилади.

Маълумки, кибернетика мураккаб тизим ёки жараёнларни энг қўлай йўл билан маълум мақсадга мувофиқ ҳолда идора қилиш ҳақида баҳс юритади. Талабаларга тегишли илмий маълумотларни қайта ҳисобга олишини таъминлаш, текшириб кўриш, ўз-ўзини текшириш каби вазифаларни кибернетика бошқаради.

Дастурлаштирилган таълим эса, юқоридаги каби кибернетика илми ва методларига боғлиқ ҳолда иш куради. Дастурлаштирилган таълимнинг бош вазифаси, талабалар мустақил ишининг унумдорлигини оширишга ёрдам беришдан иборатдир.

Дастурлаштирилган таълим икки йўналишда: машина воситасида ҳамда машина воситасисиз олиб борилади.

Дастурлаштирилган таълимнинг мазмуни давлат дастури асосида белгиланади. У маълум фан юзасидан дастур ҳажмида илмий билим бериш ва шу билимларга боғлиқ ҳолда тегишли кўникма ҳосил қилишга қаратилган машқлар, мисоллар ва масалалар ишлатиш, ишланган масала ёки саволларнинг жавобларини тўғри ёки нотўғрилигини талабалар томонидан текшириб кўра олиш имкониятларини яратади. Ўзлаштирилган билим ва малакаларни бир тартибга тушуришга ёрдам беради.

Дастурлаштирилган ўқитиш методлари ўқув материални элемент бўйича назорат қилишни, ўқитишни имконияти борица индивидуаллаштиришни, билимларни эгаллашнинг индивидуал суръатини ҳисобга олишини таъминлаш мақсадида қўлланилади. Машинасиз дастурлаштирилган таълим махсус ишланган дарслик ва методик қўлланмалар воситасида олиб борилади. Бунда дарсликларда айрим ўқув фанининг алоҳида қисмларидаги мавзу юзасидан маълумотлар берилган бўлади. Бунда ҳам машқ учун топшириқлар, ўзлаштирилган билимларни амалда масала ва мисоллар ечишда меҳнат жараёнида қўллана олишлари, ўзи бажарган вазифаларнинг тўғри ёки нотўғрилигини текшириб кўра олишлари учун йўлланмалар берилган бўлади. Гарчи талаба топшириқни бажара олмаса ёки хато қилса, ўша жойдан, яъни ўрганилиши лозим бўлган материалнинг ўзлаштирилиши қийин бўлган ўрнидан бошлаб қай даражада иш кўриш лозимлиги кўрсатилган бўлади.

Бундай дарсликлар хусусан талабаларнинг мустақил ишлари учун жуда муҳимдир. Дарсликда материаллар шундай тақсимланадики, унда берилган материаллар қисмларга бўлиб кўрсатилади ва ҳар қайси талаба томонидан бажарилиши биланоқ ўзини-ўзи текшириб кўриш имконияти берилади. Шу йўсинда топшириқлар борган сари мураккаблашиб боради. Дастурлаштирилган матнлар билимларни ўзлаштиришни муайян мантиқий йўлини вужудга келтиради. Аммо бу йўл фақат маълум материал учун характерлидир, яъни таълим услуги материални мазмунига боғлиқдир. Мазмун ўзгарса, ахборот бериш ва ўз-ўзини назорат қилиш усуллари ҳам ўзгаради. Уни билимларнинг айрим таркибий қисмлари бўлиш мумкин бўлган мавзуларни ўрганишда, чунончи, грамматикага доир айрим масалаларни, математика теоремаларини, баъзи бир химиявий ва физикавий формулаларни фанда қарор топган тизимлар

ҳақида маълумот берувчи тарихий, биологик ва географик материални ўрганиш вақтида қўллаш мумкин.

Педагог шуни назарда тутиш керакки, дастурлаштирилган матнларда ақлни ўстириш дастури эмас, балки ўқув материални ўрганиш дастури берилган. Шунинг учун бу методдан фойдаланишда ҳам унинг камчиликларини ҳисобга олиш лозим.

3.7. Таълимни ташкил этиш шакллари

3.7.1. Синф - дарс системаси

Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузумнинг манфаатларига мос ҳолда шаклланган.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги Я.А. Коменский (1592 - 1670) тарихда биринчи бўлиб мактаб таълимида синф – дарс тизимини яратди.

Я. А. Коменскийнинг таълимни ташкил қилиш ҳақидаги қарашли бир қатор жиддий қаршиликларга учраган бўлса ҳам гарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил қилишнинг бирдан-бир шакли деб эътироф этилди.

Синф – дарс тизими шарқ мамлакатларига, жумладан Марказий Осиёдаги эски мусулмон мактабларига тадбиқ бўлмади. Уларда октябр тунтаришига қадар урта аср мактабларига ҳос таълим тизими давом этиб келди.

Бир ўқиш хонасида 6 ёшдан 15 - 16 ёшгача бўлган болалар гуруҳи билан бир вақтда машғулоти олиб бориладир. Шунингдек, бир ўқиш хонасидаги (20 - 30) Ўқувчининг билим даражаси ҳам турлича булар эди.¹²

Ўзбек мактаби октябр тунтаришидан кейин синф – дарс тизимига ўтди.

Синф – ёши ва билими жиҳатдан бир хил бўлган маълум миқдоридаги Ўқувчилар гуруҳидир.

Дарс деб бевосита Ўқитувчининг раҳбарлигида муайян Ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади.

Дарс – ўқув ишларининг асосий ташкилий шаклидир.

Дарс – ўқув ишларининг марказий қисмидир.

Айни пайтда, ўқув муассасаларида таълимни ташкил қилиш шакллари икки турда олиб бориладир.

1. Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

2. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар.

Синф – дарс шаклида олиб бориладиган машғулоти Ўқитувчининг қўлдан олиб ўқув материални тизимли баён қилиб беришни, хилма-хил усуллардан фойдаланишини, Ўқувчиларнинг билим, қўли ва малакаларини изчиллик билан ҳисобга олиб беришни, Ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатишни ўз ичига олади.

Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машғулотлар синф шароитидан ташқарида, ўқув устахонаси, тажриба ер участкалари ва

¹² Подласый И. П. “Педагогика”. Москва. “Владос», 2005, 77-срт.

колхоз – совхоз экин майдонларида ишлаш, экскурсиялар утказиш йули билан олиб борилади.

Хозирги замон дидактикаси куп йиллар давомида тупланган укитиш коидалари, фан ютуклари ва илгор тажрибалар асосида бойиб бормокда дейишга асос бор. Аммо укув жараёнининг хамма кисмларини укитишни ташкил килишнинг мазмуни, усуллари, воситалари ва шакллари билан муносабатлари яхши очиб берилмаган. Буларнинг хаммаси дидактик коидалардан амалда фойдаланишни кийинлаштиради. Мактаб олдида турган янги вазифалар ва эхтиёжлар Ўқувчиларга бериладиган таълим ва тарбия сифатини ошириш, уни янада ривожлантириш ва юкори боскичга кутаришни талаб килади.

Ўқитувчи узининг аник шароитлари ва имкониятларига энг куп мос келадиган укув жараёнини онгли равишда танлаб олиши фойдадан холи эмас. Бу иш дарснинг мухим томонларини танлашга таваккалчиликка, билим, куникма ва малакаларни узлаштириш жараёнини бошқаришга кандайдир тасодифий ёндашишга йул куймайди.

3.7.2. Дарсга бўлган талаблар

Дарс, юкорида айтиб утилганидек, укитишни ташкил этишнинг узгармас шакли эмас. Укув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йулларини излайди. Бу сохада турли хил курик-танловлар, жумхурият микёсида утказилаётган педагогик укишларда уртага куйилаётган илгор Ўқитувчиларнинг фикр ва мулохазалари диққатга сазовордир.

Турли - туман фикр ва мулохазаларни хисобга олган холда дарс куйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:

1. Хар бир дарс маълум бир максадни амалга оширишга каратилган ва пухта режалаштирилган булмоги лозим.

2. Хар бир дарс мустахкам гоявий - сиёсий йуналишга эга булмоги лозим.

3. Хар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан богланган булмоги лозим.

4. Хар бир дарс хилма-хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган холда олиб борилмоги лозим.

5. Дарсга ажратилган хар бир соат ва дакикаларни тежаб, ундан унумли фойдаланмок лозим.

6. Хар бир дарс Ўқитувчи ва Ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоги лозим.

7. Дарсда укув материалларининг мазмунига оид курсатмали куроллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмок лозим.

8. Дарс машгулотини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан хар кайси Ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мустакиллигини ошириш хисобга олинади.

9. Хар бир дарсда мавзунинг характеридан келиб чикиб, халкимизнинг бой педагогик меросига мурожаат килиш ва ундан фойдаланмок имкониятини изламок лозим.

Бир соатлик дарсга мулжалланган дастур материалларининг мазмунини

баён килиш учун дидактик мақсад ва талабларга мувофиқ равишда ташкил килинган машғулоти тури дарс турлари деб юритилади.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилардир:

1. Янги билимларни баён килиш дарси.
2. Ўқитилган материалларни мустахкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва қўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорий – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўлланиш).

Хар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарсани ўқитувчининг ўқув материалларини тугри ва самарали тушунтиришига, мустахкам эсда қолдиришига, такрорлашга ва унинг узлаштирилишини назорат қилиб боришига ёрдам беради.

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машғулотларда иккинчи, ҳатто учинчи бир дарс турининг элементлари бўлиши мумкин. Масалан, мактабларимизда энг кўп қўлланиладиган дарс турларидан бири – янги билимларни баён килиш дарсидир. Бу дарс тури қуйидагича тузилади:

- а) янги билимларни баён килиш;
- б) янги билимларни мустахкамлаш;
- в) янги билимлар устида машқ қилиш;
- г) янги билимларга боғлиқ ҳолда уй вазифалари топшириш.

Демак, хар бир дарс турлича қурилишда бўлади, шу сабабли ҳам, шу дарсда янги билимни баён килиш билан бирга уни мустахкамлаш (иккинчи бир дарс тури элементи – савол–жавоб ўтказиш), янги билимлар устида машқ ўтказиш (учинчи бир дарс тури элементи – масала ва мисоллар ечдириш, грамматик таҳлил, график ишлар олиб бориш), уйга вазифа (бошқа бир дарс элементи – тушунтириш, йул-йуриқлар қўрсатиш ва ҳоказо) каби бошқа элементларнинг бўлиши ҳам мумкин. Шунга қарамай, дарсдан қўзланган мақсад ўқувчиларга янги билим беришга қаратилган бўлса, бутун дидактик усуллар шунга бўйсундирилади. Шунинг учун ҳам бундай дарс янги билим бериш дарси деб аталади.


Маълум дарс тури билан иш олиб борилаётганда бошқа бир дарс элементлари асосий дарс туридан урин олиши ва айни пайтда асосий дарс турининг тузилишини ташкил қилиши мумкин.

Демак, дарс тузилиши у ёки бу дарс турининг тузилишини, унинг қисмларини аниқлатади.

Бирок, дарс турлари тузилишидаги хар қандай қисм – дидактик усул, дарс тузилиши бўлавермайди. У ўқитиш усули билан боғлангандагина дарс тузилишини ташкил қила олади. Яъни дарс тузилишининг ўзгариши биланок дарс олиб бориш усули ҳам ўзгаради. Демак, дарснинг шу қисмига қелиб, дарснинг шакли ҳам, усули ҳам ўзгаради, янгиланади. Бу билан дарснинг янги қисмлари қўзланади.

3.7.3. Семинар ва амалий-тажриба ишлар шаклидаги машғулотлар

Семинар машғулотлари талабаларнинг мавзудаги муҳим масалаларни чуқур урганиш юзасидан мустақил ишлаш, кейинчалик уларни жамоа бўлиб муҳокама қилишини ташкил этиш шаклидир.



Манба: Расм муаллифлар тамонидан ишлаб чиқилган.


Семинар дарсларида мавзу урганилгунга қадар ўқитувчи ўқувчилар учун савол ва топшириқлар тузиб чиқади. Кириш машғулотида у ўқувчиларни материалнинг мазмуни, қилинадиган ишнинг характери билан қисқача таништиради, уларга ҳар қайси семинар учун топшириқ беради ва тайёрланиши учун адабиёт курсатади. Бир хил вазифалар ҳамма учун умумий булади, бошқа вазифалар айрим ўқувчиларга ёки 3 – 4 кишидан тузилган гуруҳга берилади. Бунда ҳамма ўқувчилар семинар учун дастурдаги мажбурий материаллар

минимумини ишлаб чиқишлари керак.

Семинарларга 2 – 3 ҳафта тайёргарлик курилади. Ўқувчилар адабиётни урганадилар, материал йиғадилар, ҳар хил кузатишлар утказадилар, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинарлар ўқиш вақтида утказилади. Бундай машғулотлар миқдори мавзунинг мазмунига ва уни урганиш ажратилган вақтга боғлиқ. Ўқувчилар машғулотларда ахборот берадилар; уларга турли хил намойиш этиладиган нарсаларни илова қиладилар. Масалани муҳокама қилишда ҳамма Ўқувчилар иштирок этишади. Семинарға пухта тайёрланиш учун Ўқитувчи айнаи бир вазифани ҳаммага ёки бир неча Ўқувчига бериши мумкин.

Семинар машғулоти бир қанча функцияларни бажаради. Бу функцияларға қуйидагиларни киритиш мумкин.



Манба: Расм муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

3.8. Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилиш тамойиллари

Республикаимизнинг истиқлолга эришуви жамият ҳаётининг барча жабҳаларида шу жумладан таълим-тарбия соҳасида ҳам ўз аксини топди. Ўзбек педагогикаси тарихида бурилиш даври, янгилаш даври бошланди. Ўзбекистон Республикасидаги мустақил ҳукуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, уни интеллектуал-амалий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратиб берди. Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий–илмий бойликларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтирди.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: “Фуқаролар энди ижтимоий-иқтисодий жараёнларни иштирокчиси, бажарувчиси эмас, балки бунёдкори ва

ташкilotчисидир. Бундай янгича ёндашиш албатта педагогика фанини кейинги ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Энди педагогика фани фақат таълим-тарбия жараёнини назарий, методик-амалий таъминловчи эмас, комил инсонни шаклланишини, ривожланишини таъминловчи кенг соҳаларни ўз ичига ола бошлади. Эндиликда педагогика фани ўз олдига янгича фикрлаш, янгича тафаккур, миллий мафкуранинг кенг қамровли сифатларини шакллантириш вазифаларини қўйди. Шунинг учун ҳам янги таълим концепцияси қабул қилинди ва унда кейинги ривожланишларнинг барча йўналишлари қайта кўриб чиқилди. Кўп йиллар давомида педагогика сиёсатга хизмат қилиб келган ва маълум чегараланишларга амал қилишга мажбур бўлган бўлса, эндиликда у сиёсатдан ҳоли бўлган ҳолда эркин фан сифатида ўз ривожланишини давом эттириш имкониятига эга бўлди. Ўзбек педагогикаси ўз миллий хусусиятларини ривожлантириш имкониятига эга бўлди.

Она тили, Ватан тарихи, географияси, миллий урф-одат ва анъаналар эътибордан четда қолиб, шахслар ота-боболар ўтмишидан беҳабар ўқитилар эди. Республикамизнинг истиқлолга эришуви натижасида ўзбек педагогикаси ижодий ва миллий йўналишда эътиборли ўзгаришлар касб этди. Бой миллий маданий мерос ва анъаналар эътибордан четда қолган илғор пелагогик фикрлар Ўзбек педагогикаси ўз ўрнини топди ҳамда ўз вазифасини бажара бошлади. Янги мазмунли дарсликлар, услубий қўлланмалар яратишда миллий-маданий, тарихий адабиётлардан, материаллардан кенг фойдаланила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 29 август қарорига асосан “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни кучга кирди. “Таълим тўғрисида”ги қонуни таълим тизимини жиддий янгиланиши, ислоҳ қилинишига асос бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан (1930, 1949, 1958, 1973, 1984 йиллар) фарқли улароқ, халқ таълими тизимини тузилишининг қуйидаги **янги тамойиллардан** жорий этилди:

- таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда халқчиллиги;
- таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида ҳар бир кишига миллати, динидан қатъий назар таълим олиши учун имконият яратилганлиги;
- давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;
- таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устиворлиги;
- таянч (тўққиз синф даражасида) таълимнинг мажбурийлиги;
- таълим стандартларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув бўлишига асосланганлиги;
- таълим муассасаларида чет тилларини жиддий ўрганиш, дин тарихи, халқимиз тарихи, маданияти ва жаҳон маданиятини тарихи соҳасида билим олиш учун шароитлар яратилганлиги;
- таълим муассасаларининг турли сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан ҳолилиги;
- амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклида таълим муассасаларининг тенг ҳуқуқлилиги;
- билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш;

- тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш;
- педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш ва бошқалар.

Таълимни қуйидаги йўналишларда ислоҳ қилиш вазифалари белгилаб олинди:

- умуминсоний кадриятлар ва миллий маданият асосларини эътиборда тутган ҳолда таълим-тарбия мазмунини миллий мафкура, мустақил Ватан туйғуси асосида ўзгартириш ва такомиллаштириш;
- таълим самарадорлигини тинмай ошириш, жаҳон андозалари даражасига олиб чиқиш;
- вариатив ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар яратиш;
- билимдонлик ва истеъдодни қўллаб-қувватлаш;
- илғор тажрибаларга, ижодкор устозлар тажрибасига суяниш;
- таълим-тарбияда бош ислохотчи бўлган педагог, тарбиячиларнинг янги авлодни тайёрлашга киришиш;
- таълим муассасаларининг моддий-техника асосини мутахкамлаш, таълимни компьютерлаштириш, ўқув жараёнига янги педагогик технологияни олиб кириш;
- таълим тизимини, бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;
- ислоҳ ғояларини иложи борида вилоят, туман, уқув муассасаси педагогик жамоаларига тезроқ етказиш, сингдириш, амалга ошириш:

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, қаерда таълим ва тарбияга эътибор катта бўлса, ўша ерда тараққиёт, юксалиш бор. Шунинг учун республикамизнинг истиқболи узлуксиз таълимни қай даражада амалга оширилишига боғлиқ.

Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- **таълимнинг устуворлиги** - унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи;
- **таълимнинг демократлашуви** - таълим ва тарбия услубларининг танланишида ўқув юртларининг мустақиллигини кенгайтиши, таълимни бошқаришнинг давлат-жамият тизимига ўтилиши;
- **таълимнинг инсонпарварлиги** - инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий кадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;
- **таълимнинг ижтимоийлашуви** - таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрларни шакллантириш ;
- **таълимнинг миллий йўналтирилганлиги** - таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётининг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;
- **таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги**, бу жараённинг ҳар томонлама

камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

- **иқтидорли ёшларни аниқлаш**, уларга таълимнинг энг юқори даражасида, изчил равишда фундаментал ва махсус билим олишлари учун шарт-шароитлар яратиш.

- **Узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш йўналишлари қуйидагилардан иборат:**

- таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, тарбиячи, педагог, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш;

- давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

- таълим тизимини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, таълим, фан, техника ва технологияларнинг, иқтисодиёт ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб-ҳунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;

- -мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

- махсус, касб-ҳунар таълимининг марказлари сифатида фан ва ишлаб чиқариш интеграциялашган янги типдаги ўқув муассасаларини вужудга келтириш;

- илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестициялари кўламларининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ янги касб-ҳунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

- миллий мустақиллик тамойилларини ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устиворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

- таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шакллари ривожлантириш, таълим муассасаларини минтақалаштириш;

- таълим олишда, шунингдек талабаларни маънавий ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний жиҳатдан тарбиялашда оила, ота-оналар, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, хайрия ва халқаро фондларнинг ролини кучайтириш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш;

- таълим жараёни ва кадрлар тайёрлаш сифатига холис баҳо бериш тизимини яратиш ва жорий этиш;

- таълим тизимини молиявий, моддий-техник ва бошқа тарздаги ресурслар билан таъминлаш механизмларини шакллантириш;

- узлуксиз таълимни фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини пухта механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- таълим ва илм-фан билан боғлиқ чет эл ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш;

- туб ерли миллатга мансуб бўлмаган шахслар зич яшайдиган жойларда улар ўз она тилларида таълим олишлари учун ташкилий ва педагогик шарт-шароитлар яратиш;

- таълимнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий,

экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш. Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларнинг изчиллиги асосида таъминланади.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хослиги мустақил равишда тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий таълим дастурларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дастурларига изчил ўтилишни таъминлайди.

Умумий таълим узлуксиз давлат таълими тизимида асосий бўғин бўлиб, таълим олувчиларнинг илмий билимлар олишини, меҳнат таълими, бошланғич касб кўникмалари, ишбилармонлик асосларини эгаллашларини, шунингдек ўз ижодий қobiliятлари ва маънавий фазилатларини ривожлантиришларини таъминлайди.

Таълим ҳақидаги давлат сиёсатининг асосий моҳияти таянч таълимининг (тўққиз йиллик) мажбурийлигидир.

Ўрта махсус таълим (академик лицей, касб-ҳунар коллежлари) уч йиллик.

Олий таълим: Биринчи босқич - бакалавриат;

Иккинчи босқич - магистратура.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим: Аспирантура, докторантура, тадқиқотчи кадрларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоғи.

Таълимнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этишни босқичма-босқич амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, у бошланғич ва таянч уқув муассасасиларда 1995-1996 ўқув йилларгача, Сўнгра олийгоҳлар учун стандартлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

3.9. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарори билан тасдиқланган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳолда юксак умумий ва касбкор маданиятига, ижодий ҳамда ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мулжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истикбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларни янги авлодни шакллантиришга йўналтирилгандир. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши кадрлар тайёрлаш тузилмаси ва мазмуни қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди. Янги ўқув режалари, дастурларни, дарсликларни жорий этишни, замонавий дидактик таълимотни ишлаб чиқишни, ўқув юртларни аттестациядан ўтказишни ва акредитациялашни, янги типдаги таълим муассасаларни ташкил этишни тақозо этди.

Янги типдаги уқув муассасасилар ва умумтаълим ўқув юртлари тармоғи ривожлана бошлади. Ҳозирги кунда 238 та лицей ва 136 та гимназия ишлаб турибди. “Иқтисодий таълим”, “Ривожланишида нуқсони бўлган шахсларни тиклаш” ва бошқа тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Республика

умумтаълим укув муассасасиларида 435 мингдан ортиқ педагог ишламоқда, уларнинг 73% олий маълумотлидир.

Меҳнат бозорини шакллантиришнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди. Ҳозирги кунда бу тизимда жами 221 минг кишини таълим билан қамраб олган 442 та ўқув юрти, шу жумладан, 209 та касб-ҳунар укув муассасаси, 180 та касб-ҳунар лицейи ва 53 та бизнес-мактаблари ишлаб турибди. Бугунги кунда бошланғич касб-ҳунар таълими ўқув юртларида қарийиб 20 минг педагог ва малакали мутахассислар ишламоқда.

Республикада жами 197 минг киши таълим олаётган 258 та ўрта касб-ҳунар таълими ўқув юрти ишлаб турибди. Уларда қарийиб 16 минг педагог ва муҳандис-педагог ходимлар меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон олий укув муассасаси тизими 58 та олий ўқув юртини, шу жумладан 16 та университет ва 42 та институтни ўз ичига олади. Уларда 164 минг талаба таълим олмоқда. 16 та университетнинг ўн икkitаси Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки икки йилда ташкил топди. Олий таълимни кўп босқичли тизимга ўтказиш амалга оширилди.

Кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг муҳим омиллари қуйидагилардан иборат:

- Республиканинг демократик ҳукукий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан изчил илгарилаб бораётганлиги;
- мамлакат иқтисодиётида туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, республика иқтисодиёти асосан хом ашё йўналишдаги рақобатбардош пировард маҳсулот ишлаб чиқариш йўлига изчил ўтаётганлиги, мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайётганлиги;
- давлат ижтимоий сиёсатида шахс маданияти ва таълим устиворлиги қарор топганлиги;
- миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши, ватанпарварлик, ўз ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий-тарихий анъаналарга ва халқимизнинг интеллектуал меросига ҳурмат;
- Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси, республиканинг жаҳондаги мавқеи ва обрўсининг мустаҳкамланиб бораётганлиги.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилиши ҳам кўзда тутилган:

- **Биринчи босқич-(1997-2001 йиллар)**-мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимини ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳукукий жиҳатдан, илмий-услубий, моддий шарт шaroитлар яратиш.
- **Иккинчи босқич-(2001-2005 йиллар)** - Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шарoитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш.
- **Учинчи босқич-(2005 ва ундан кейинги йиллар)**-тўпланган тажриба таҳлил қилиниши ва умумлаштирилиши асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини

такомиллаштириш ва янада ривожлантириш.

Ўтказиладиган ислохотлар, самарали тажрибалар республикада таълимнинг давлат стандартларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш давр талаби эканлиги, бу ишни кечиктирмай амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Таълим стандартлари воситасида талабадаги маълумот даражаси мувозанати сақланади, ривожлантирилади, жамият тараққиёти истиқболлари мувофиқлиги таъминланади. Давлат таълим стандартлари ўқув жараёнини қатъий чегараланган қолипга солиб қўймайди, балки аксинча педагогик ижодкорликка, таълим мазмунининг ягона негизи атрофида турли-туман табақалаштирилган дастурлар, ўқув қўлланмалари, ўқитиш услубиятларига катта йўл очади.

Давлатимиз раҳбари узлуксиз таълимни ташкил этишда унинг жаҳон талаблари даражасида бўлиши ҳамда у юксак маънавият заминида қурилишига катта аҳамият бериш кераклигини таъкидлар экан, давлат таълим стандартларини жорий этиш ва унинг механизмини ишлаб чиқиш нақадар муҳимлигига эътиборни қаратади.

Стандарт - таълимда яратилган меъёрий режа, дастур, дарсликларни ўзлаштириш эквиваленти, яъни таълим мазмунини ўзлаштириш даражасидир. Стандартни ишлаб чиқишда талабани хаддан ташқари зериктириб юбормаслик талабларига риоя қилиш, яъни у талаба ёшига мос, уни бажаришга қурби етадиган даражада бўлиши керак. Бунда албатта, таълим олувчини қизиқиши, хоҳиши, эҳтиёжи ҳисобга олиниши лозим.

Давлат ва жамият таълим муассасалари олдида муайян ижтимоий буюртмалар қўяётган экан, ўша муассасалар томонидан тайёрланадиган кадр эгаллаши лозим бўлган ижтимоий сифатларнинг минимал чегарасини ҳам кўрсатиб бериш табиийдир. Таълим олувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ёҳуд маънавий сифатларнинг энг қуйи миқдоридаги илмий асосларда малака ёҳуд маънавий сифатларнинг энг қуйи миқдоридаги илмий асосларда берилган расмий педагогик ҳужжат-давлат таълим стандарти ҳисобланади. Демак давлат таълим стандартлари назорат воситаси, айни вақтда таълим муассасаларида кўзланган кўрсаткичларни қўлга киритиш учун зарур бўлган шароитни белгилаш ўлчови ҳамдир. Давлат таълим стандартларининг кўрсаткичлари амалдаги мавжуд таълим мазмунидан эмас, балки шакллантириладиган талабага сингдирилиши лозим бўлган сифатларнинг жаҳон бўйича зарур деб ҳисобланган миқдоридан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартларининг икки асосий вазифасини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин.

1. Талабаларга бериладиган таълим мазмунининг мажбурий минимумларини белгилаш.

2. Битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига қуйиладиган талаблар мажмуасини белгилаш, билим, кўникма ва малакаларнинг минимал миқдорини белгилаш.

1999 йил 16 август Вазирлар Маҳкамаси ўзининг “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 390-сонли қарори билан синовдан ўтказилган ва такомиллаштирилган умумий ўрта таълимнинг давлат стандартларини тасдиқлади. Мазкур стандартлар асосида

яратилган ва тажриба синов асосида такомиллаштирилган янги ўқув дастурлари Халқ таълими вазирлиги ҳайъат мажлисининг 1999 йил 18 августдаги 13-сонли қарори билан тасдиқланди. Давлат таълим стандартлари янги ўқув дастурлари билан биргаликда 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим уқув муассасасиларида босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Қисқача хулоса

Таълим назарияси таълим жараёнини қонун ва қоидаларини ўрганувчи педагогиканинг асосий қисмларидан бири. Таълим жараёнининг асосий моҳияти тарихан тўпланган ижтимоий билим ва тажрибани ёш авлодга етказиш, ёшларни билимлар билан қуроллантириш, керакли малакалар ва кўникмаларни ҳосил қилиш. Талабаларнинг ички имкониятларини, қобилиятини ва истеъдодларини очиш ҳамда ривожлантириш, уларни маънавий етук ва тарбияли шахс сифатида шаклланишини таъминлашдир.

Назорат саволлари

1. Таълимнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Таълимнинг қандай хусусиятларини биласиз?
3. Дидактиканинг асосий тушунчаларини санаб беринг.
4. Мустақил Ўзбекистонда таълимни ислоҳ қилишнинг қандай асосий йўналишларини биласиз?
5. Таълим тамойилларини изоҳланг.
6. Таълим ва тарбиянинг бирлиги деганда нимани тушунасиз?
7. Таълим методларини изоҳлаб беринг?
8. Дарснинг қандай шаклларини биласиз?
9. Ўқитиш методларига изоҳ беринг.
10. Дарснинг самарадорлиги қандай омилларга боғлиқ?
11. Дастурлаштирилган таълимга изоҳ беринг.
12. Билим олиш даражаларини изоҳланг.

Асосий адабиётлар

1. "Ўзбекистон Республикасининг Таълим тугрисидаги Қонуни" Тошкент. 1997 йил.
2. Н.Хужаев ва бошқалар "Педагогика асослари" 2003 йил.
3. Н.Хужаев ва бошқалар "Таълим назарияси" 2003 йил.
4. Педагогика профессионального образования. Под. ред. В.А.Сластенина. Москва «Академия».
5. Психология и педагогика. Под.ред. А.А.Радугина. Москва 2003.
6. [www. inter – pedagogika. ru.](http://www.inter-pedagogika.ru)
7. [Очилова Г, Мусаханова Г. «Педагогика» Тошкент "ТДИУ" 2005 йил](#)

4-БОБ. ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

4.1. Педагогик технология ҳақида тушунча.

4.2. Педагогик технологиялар ва уларнинг тавсифи.

4.3. Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий-психологик шартлари.

4.4. Фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш.

4.5. Дарсда мунозара, брейнштурминг ва тренингларни ўтказиш.

4.6. Баҳс турлари. Ёзма баҳсни ўтказиш қоидалари.

4.1. Педагогик технология ҳақида тушунча

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда ва бошқача муносабатлар, педагогик менталитетлар ўрнатилмоқда.

Таълим таркиби янги процессуал маҳоратлар, ахборотлар билан ишлаш қобилиятининг ривожланиши, илмий муаммо ва бозор амалиётининг ижодий ечимининг таълим дастурларини индивидуаллаштиришга қаратилиши билан бойитилмоқда.

Ахборотнинг анъанавий усуллари-оғзаки ва ёзма нутқ, телефон ва глобал масшабли телекоммуникацияларни ишлатиш билан алмаштирилмоқда.

Педагогик жараённинг муҳим таркиби бўлиб талаба билан педагогнинг шахсга йўналтирилган ўзаро муносабатлари ҳисобланади. Ижтимоий билимга тенг бўлган педагогик технологияларнинг ташкил топишда фаннинг роли ортиб бормоқда.

Педагогик таълим технологияларнинг психологик-педагогик нуқтаи назардан такомиллашувининг асосий йўналишлари куйидагилар билан ифодаланади:

1) Ёдлашдан эслаб қолиш функциясига ўтиш, яъни ўзлаштирилганини ишлатиш имконини берувчи ақлий ривожланиш жараёнига ўтиш.

2) Билимнинг ассоциатив статистик моделидан ақлий ҳаракатнинг динамик таркибий тизимларига ўтиш.

3) Ўртача талабага йўналтирилганликдан ўқитишнинг дифференциалланган ва индивидуаллаштирилган дастурларига ўтиш.

4) Талабанинг ташқи мотивациясидан ички маънавий иродали тартибга солинишга ўтиш.

Таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши ишлатилмоқда. Бунда ҳар хил педагогик тизим билан ўқитиш технологиялари ўртасида боғлиқлик, амалиётда давлат таълим тизимининг янги шакллари (қўшимча ва альтернатив) нинг апробацияси, ҳозирги замон шароитида ўтмишнинг педагогик тизимларини қўллаш муҳим ҳисобланади. Бундай шароитда педагог, бошқарувчи кенг қўламли замонавий инновацион технологиялар, ғоялар, укув муассасасилар, йўналишларда маълум бўлган нарсаларни қайта очишга вақтини сарфлаш керак

эмас.

Бугунги кунда саводли мутахассис бўлиш учун таълим технологияларнинг ҳаммасини ўрганиш лозим.

Ҳозирги вақтда педагогик луғатда педагогика тушунчаси мустаҳкам ўрнашган. Лекин уни тушуниш ва ишлатишда турли хил ўқилиши мумкин.

Технология- бу бир ишда, маҳорат ва санъат қўлланиладиган усуллар йиғиндисидан иборат.

Педагогик технология-таълим шакли, усули, услублари, тарбиявий воситаларнинг махсус йиғилишини аниқловчи психологик-педагогик кўрсатмаларнинг мажмуидир.

Педагогик технология-бу ўқув жараёнини амалга оширилишининг сермазмун техникасидир. (Г. Беспалько)

Педагогик технология-ўқитишнинг режалаштирилган натижаларига эришиш жараёнининг тавсифларидир.

Технология- бу санъат, маҳорат ва қобилият, ишлов услубларининг мажмуидир. (Шепель)

Педагогик технология-бу ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилиши, ташкил этилиши, ўтказилиш бўйича барча тавсилотлари билан ўйлаб чиқилган жамоа педагогик фаолиятининг модели ҳисобланади. У талаба ва педагогларга қулай шароитлар яратиши шарт. (Монахов)

Педагогик технология-бу таълим шакллари оптимизациясини ўзига мақсад қилиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услубларидир¹³. (ЮНЕСКО)

Педагогик технология-педагогик мақсадларга эришиш учун қўлланиладиган шахсий, интеллектуал, услубий воситаларнинг амал қилиш тартибидир. (Кларин)

Педагогик технология тушунчасига бир катор педагог олимлар томонидан турлича таърифлар берилган, масалан У.Толиповнинг “Педагогик технология: назария ва амалиёт” номли монографиясида қуйидагича ифодаланганлигини 7-расмда келтириб ўтдик.

Педагогик технология аспектлари.

Педагогик технология тушунчаси 3 аспектда намоён бўлиши мумкин:

1. Илмий аспект-педагогик технология педагогик фаннинг қисми сифатида таълим услублари, таркиби ва мақсадларини ишлаб чиқади ва ўрганади, ҳамда шу билан бирга педагогик жараёнларини лойиҳалаштиради.

2. Процессуал-тавсифий аспект - таълимда режалаштирилган натижаларга эришиш учун жараённи тасвирлаш, мақсад, таркиб, услуб ва воситалар мажмуидир.

3. Процессуал-амалий аспект - педагогик (технологик) жараённинг амалга ошириши, барча педагогик методологик (услубий), инструментал воситаларнинг амал қилиш.

¹³ И.Мамажонов «Бўлажак иқтисодчи-ўқитувчиларни тайёрлашда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» Магистрлик диссертацияси. Т., 2001.

Шундай қилиб, педагогик технология фан сифатида амал қилиб, таълимнинг янада рационал йўллари тадқиқ этади.

Бу эса таълимда қўлланиладиган усуллар, тамойиллар ва регулятивлар тизими сифатида ҳамда таълимнинг реал жараёни сифатида бажаради.

«Педагогик технология» тушунчаси таълим тажрибасида 3 даражада қўлланилади:

1. Умумий педагогик даража:

Умумпедагогик (умумдидактик, умумтарбия) технология берилган ҳудуддаги таълим масканида таълимнинг маълум даражасидаги тўлиқ умумтаълим жараёнини тавсифлайди.

Бунда педагогик технологиянинг педагогик тизимида фарқлар мавжуд: унга таълим мақсадлари, таркиби, воситалари ва услубларининг мажмуи, жараёнда субъект ва объектларнинг фаолият алгоритми киради.

2. Қисман педагогик даража:

Қисман предметли педагогик технология «қисман методика» тушунчасини беради, яъни бир фан доирасида тарбия ва таълим, услуб ва воситалар мажмуидир.

3. Чегараланган даража:

Чегараланган технология-таълим-тарбия жараёнининг алоҳида қисмларини ифодалаб, хусусий дидактик ва тарбия масалаларини ечади. (фаолиятнинг алоҳида турларини технологияси, тушунчаларнинг шаклланиши, янги билимларни ўзлаштириш, материални назорат қилиш ва қайтариш технологияси)

Шунингдек технологик таркиблар фарқланади: Усуллар технологик занжирга бирикиб яхлит педагогик технология (техник жараён)ни ташкил этади.

Технологик жадвал- технологик жараёнининг шартли тасвири, унинг алоҳида функционал элементларига бўлиниши ва улар ўртасидаги мантиқий алоқаларнинг белгиланиши.

Технологик харита- жараёни босқичма-босқич усулда ифодалаш, бунда мақбул бўлган воситалар кўрсатилади (бу одатда график шаклда ифодаланади).

Технологик нюанслар- адабиётда одатда педагогик тизим тушунчаси педагогик технология сифатида кўрсатилади. Лекин педагогик технология кенгроқ маънодаги тушунча бўлиб, ўзига хос педагогик фаолиятнинг объект ва субъектларини олади.

Қўлланилишига кўра технологияларни 3 синфга ажратиш мумкин:

- а) умумий педагогик технологиялар;
- б) хусусий педагогик технологиялар;
- в) кичик педагогик технологиялар, моделлар;

Фалсафий жиҳатдан технологиялар:

- а) материалистик;
- б) идеалистик;
- в) илмий;
- г) диний;
- д) гуманистик;

е) мажбурий.

Психик ривожланиш омили бўйича:

а) биоген, яъни инсоннинг жипсланган ривожланишига таъсир кўрсатувчи технология; бу технология асосан жисмоний тарбия каби фанларда қўланилади.

б) социоген, яъни шахснинг социологик онгини ривожлантиришга қаратилган технология, булар қаторида жамиятшунослик, ҳуқуқшунослик, социология, сиёсатшунослик каби фанларни санаб ўтиш мумкин.

в) психоген, яъни инсоннинг психологик ривожланишига таъсир кўрсатувчи технология; булар жумласига психология, этика, эстетика, маънавият, руҳият, диншунослик каби фанларни киритишимиз мумкин.

Илмий тажрибани ўрганиш бўйича:

а) рефлексив, яъни айрим тажрибаларнинг шартли рефлекс тарзида ёки одатий ҳолда бир авлоддан иккинчисига ўтиши;

б) ривожлантирувчи, яъни олдингилар тажрибаларини умумлаштириб, ўз тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда мавжуд технология билан уйғунлаштириш;

в) гештальт, яъни ушбу технология талабанинг ҳис туйғуларини қамраб олади;

г) бихевиористик, бу технология талабаларнинг ташқи ҳатти-ҳаракатларига асосланган бўлади.

а) ахборот технологиялар (билим, малака, кўникмани шакллантиришга қаратилган технология);

б) операцион технология (фикрлаш малакасини шакллантиришга қаратилган технология);

в) эстетик-ахлоқий технология.

г) бошқарувчилик хусусиятини шакллантирувчи технология;

д) эвристик технология (ижодий ёндашувни шакллантирувчи технология);

е) амалий ҳатти-ҳаракатларни шакллантирувчи технология.

Педагогик технологиялар педагогнинг талабага нисбатан муносабатига қараб бир қанча турларга бўлинади:

1) авторитар технология; бунда педагог асосий субъект сифатида бошқарувчи, текширувчи, талаб қилувчи бўлиб майдонга чиқади, талаба эса тобе сифатида тан олинади.

2) дидактик технология, бунда педагогнинг ўрни маълум юқори бўлиб, бу технология марказида таълим жараёни туради ва тарбиядан устунлик қилади.

3) шахсга йўналтирилган технология, бунда тизимнинг марказида талаба шахси туради, талабанинг ривожланишида соғлом психологик хусусиятни ташкил қилиш, имконият ва қобилиятларни ўстириш асосий бўлиб ҳисобланади. Бу йўналиш ҳам ўз навбатида 3 гуруҳга бўлинади:

а) инсоний (шахсий) технология, бу технология ўзининг психотерапевтик хусусияти билан ажралиб туради.

б) ҳамкорлик, бу ўзаро тенглик, демократизмга асосланган технология;

в) эркин тарбия, талабага бунда танлаш, эркинлик, мустақиллик берилади;

г) экзотерик, онгдан ташқари билимларни ўрганишга қаратилган технологиядир.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқиши ва амалий асосланиши қўлланилмоқда. Замонавий технологик мутахассис бўлиш учун таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.


Педагогик луғатда педагогик технология тушунчасига турли хил йўллар билан ёндашилган, шунинг учун бизнинг тушунчада педагогик технологиялар ҳар хил муаллифларнинг таърифларини умумлаштирувчи сермазмун йиғимдир. Педагогик технология кўпроқ сифатли натижага эришишга қаратилган. +ўлланадиган педагогик технология натижаси эса, биринчи навбатда, педагогнинг маҳоратига, педагогик классификация турларидан моҳир фойдалана олишига, илмий-касбий тажрибасига, шахсий хусусият ҳамда инсоний фазилатларига боғлиқ.

Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти.

Педагогик технология пайдо бўлгунча қадар таълим тизими доирасида таълим жараёнини етарли самарали лойиҳалаш қондаси ишлаб чиқилмади. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига қафолати эришишда ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзаликда эмас, балки режалаштирилган натижаси олиш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади.

- * таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- * тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- * педагогларнинг билим даражаларини дастлабки баҳолаш;
- * бажариладиган ўқув ишларни мажмуаси;
- * натижани баҳолаш.
- * Бундан кўринадики, ўқув жараёни «модулли» кўринишга келиб, турли мазмун билан тўлдирилган, умумий тизимга мос ҳолда ишлаб чиқариладиган блоклар қисмлардан иборат.



Ўқув жараёни педагогик технология асосида ташкил этишнинг режалаштиришда педагогдан юксак малака талаб этади, материаллар тайёр бўлгач, педагог асосан ташкили ва консультатив вазифаларни бажаради.

Умумий кўринишда педагогик технология таркибига қуйидагилар киради:

- ☐ фаннинг идентификациялашган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш;
- ☐ ўқув мақсадли шажараси;
- ☐ ўқув мақсадларини назорат топшириқларига айлантириш;
- ☐ мақсадга эришиш усуллари;
- ☐ эришилган ўқув мақсадларини баҳолаш.

Бу таркибий қисмларнинг ҳар бири маълум йўналишдаги педагогик операциялар тизимини ташкил этади. (Схемага қаранг)

4.2. Педагогик технологиялар ва уларнинг тавсифи

Замонавий таълимни ташкил этишга қуйиладиган муҳим талаблардан бири ортикча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, киска вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қиска вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш, улар да маълум фаолият юзасидан куникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, куникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.

Бугунги кунда бир катор ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тупланган бўлиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. 1хуйида таълим амалиётида фойдаланилаётган интерфаол методлардан бир нечтасининг моҳияти ва улардан фойдаланиш борасида суз юритамиз

«Фикрлар ҳужуми» технологияси

Мазкур метод ўқувчиларнинг машғулотлар жараёнидаги фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга рағбатлантириш ҳамда бир хил фикрлаш инерциясидан озод этиш, муайян мавзу юзасидан ранг — баранг гояларни туплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни ҳал этиш ечиш жараёнининг дастлабки босқичида пайдо бўлган фикрларни енгилга ургатиш учун хизмат қилади. «Фикрий ҳужум» методи А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган бўлиб, унинг асосий тамойили ва шарти Машғулот (баҳс)нинг ҳар бир иштирокчиси томонидан уртага ташланаётган фикрга нисбатан танқидни мутлақо таъқиқлаш, ҳар қандай лўқма ва ҳазил — мутойибаларни рағбатлантиришдан иборатдир. Бундан қўзланган мақсад ўқувчиларнинг Машғулот (баҳс) жараёнидаги эркин иштирокини таъминлашдир. Таълим жараёнида ушбу методдан самарали ва муваффақиятли фойдаланиш ўқитувчининг педагогик маҳорати ва тафаккур қўламининг кенглигига боғлиқ бўлади. «Фикрий ҳужум» технологиясидан фойдаланиш чоғида ўқувчиларнинг сони 15 нафардан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир. Ушбу методга асосланган Машғулот бир соатга қадар ташкил этилиши мумкин.

«Ялпи фикрлар ҳужуми» методи

Ушбу метод Ж.Дональд Филипс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, уни бир неча ун (20-60) нафар ўқувчилардан иборат синфларда қўллаш мумкин.

Метод ўқувчилар томонидан янги рояларнинг уртага ташланиши учун шароит яратиб беришга хизмат қилади. 5хар бири 5 ёки 6 нафар

Ўқувчиларни уз ичига олган гурухларга 15 дакика ичида ижобий хал этилиши лозим булган турли хил топширик ёки ижодий вазифалар берилади. Топширих ва ижодий вазифалар белгиланган вақт ичида ижобий хал этилгач, бу ҳақида гурух аъзоларидан бири ахборот беради.

Гурух томонидан берилган ахборот (топширик ёки ижодий вазифанинг ечими) Ўқитувчи ва бошқа гурухлар аъзолари томонидан муҳокама қилинади ва унга баҳо берилади. Машғулот якунида Ўқитувчи берилган топширик ёки ижодий вазифаларнинг ечимлари орасида энг яхши ва узига хос деб топилган жавобларни эълон қилади. Машғулот жараёнида гурух аъзоларининг фаолиятлари уларнинг иштироклари даражасига кура баҳолаб борилади.

«6х6х6» методи

Ушбу метод ёрдамида бир вақтнинг узида 36 нафар Ўқувчини муайян фаолиятга жалб этиш орқали маълум топшириқ ёки масалани хал этиш, шунингдек, гурухларнинг ҳар бир аъзоси имкониятларини аниқлаш, уларнинг қарашларини билиб олиш мумкин. «6х6х6» методи асосида ташкил этилаётган Машғулотда ҳар бирида 6 нафардан иштирокчи булган 6 та гурух Ўқитувчи томонидан уртага ташланган муаммо (масала)ни муҳокама қилади. Белгиланган вақт нисбатига етгач Ўқитувчи 6 та гурухни қайта тузади. ҳайтадан шаклланган гурухларнинг ҳар бирида аввалги 6 та гурухдан биттадан вақил булади. Янги шаклланган гурух; аъзолари уз жамоадошларига аввалги гурухи томонидан муаммо (масала) ечими сифатида тақдим этилган ҳулосани баён этиб берадилар ва мазкур ечимларни биргаликда муҳокама қиладилар.

«6х6х6» методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

- 1) гурухларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;
- 2) улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;
- 3) гурухнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш қулайлигини ҳосил қилади;
- 4) илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаш — тира олиш, шунингдек, уз фикрини ҳимоя қилишга ургатади.

Энг муҳими машғулот иштирокчиларининг ҳар бири қисқа вақт (20 дакика) мобайнида ҳам мунозара қатнашчиси, ҳам тингловчи, ҳам маърузачи сифатида фаолият олиб боради.

— Ушбу методни 5, 6, 7 ва ҳатто 8 нафар Ўқувчидан иборат булган бир неча гурухларда ҳам қуллаш мумкин. Бироқ йирик гурухлар уртасида «6х6х6» методи қулланилганда вақтни қупайтиришга турри келади. Чунки бундай Машғулотларда мунозара учун ҳам, ахборот бериш учун ҳам бир мунча қуп вақт талаб этилади. Суз юритилаётган метод қулланилаётган Машғулотларда гурухлар томонидан бир ёки бир неча мавзу (муаммо)ни муҳокама қилиш имконияти мавжуд.¹⁴

«6х6х6» методидан таълим жараёнида фойдаланиш Ўқитувчидан

¹⁴□¹⁴ Толипов У. “Педагогик технология: назария ва амалиёт” Тошкент, “Фан” 2005 йил, 125 бет.

фаоллик, педагогик маҳорат, шунингдек, гуруҳларни мақсадга мувофиқ шакллантира олиш лаяқатига эга бўлишни талаб этади. Гуруҳларнинг турри шакллантирилмаслиги топшириқ ёки вазифаларнинг турри ҳал этилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. «6х6х6» методи ёрдамида Машғулотлар куйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Ўқитувчи машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қуйиб чиқади.

2. Ўқувчилар Ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинадилар. Ўқувчиларни гуруҳларга бўлишда Ўқитувчи куйидагича йул тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар би — рига муайян объект (масалан, кема, тулкин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қуйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тулкин, валик, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. ҳар бир Ўқувчи ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қуйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Ўқувчилар жойлашиб олганларидан сунг Ўқитувчи Машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли уринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йул —йуриқлар курсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг турри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил қилганидан сунг гуруҳлардан мунозараларни якунлашларини сурайди.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниятисига етгач, Ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Ўқувчилар ўз уринларини алмаштириб олганларидан кейин белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими ҳусусида гуруҳдошларига сузлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган ҳулосалар (топшириқ ечимлари) ни муҳокама қиладилар ва якуний ҳулосага келадилар.

«Бумеранг» технологияси

Бу технология бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади. Ҳар бир машғулот давомида талабаларнинг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқитувчи ёки талаба, иқтисодчи ёки тадбиркор ролида бўлиши, керакли балли тўплашига имконият яратади.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади ҳамда ғоя ва фикрларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради, яъни; бўлажак иқтисодчиларда жамоа билан ишлаш

махорати, муомалалик, хушфеъллик, ўзгалар фикрига ҳурмат, раҳбарлик сифатларини шакллантириш, ишга ижодий ёндашиш, ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш, ўзини холис баҳолаш кабилар.

«Веер» технологияси

Бу технология мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади ва уларнинг ҳар бири алоҳида муҳокама этилади. «Веер» технологияси танқидий, таҳлилий, аниқ ва мантиқий фикрларни ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари ва фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда баён этиш ҳамда ҳимоя қилишга имконият яратади.

«Иқтисодчи-раҳбар» технологияси

Бу усул талабаларни ижодий, мустақил, образли фикрлашга ўргатади. Иш режасини тузиш, танқидий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беради. Масалан, «Ўзини-ўзи бошқариш», «Раҳбарнинг ташкилий қобилиятлари», «Замонавий тадбиркор шахси», «Замонавий иқтисодчининг шахси» деб номланувчи мавзуларнинг якунида «Иқтисодчи-раҳбар» деган янги усулдан фойдаланилади. Ҳар бир талабага варақлар тарқатилади, уларда «Мен фирма директори», «Мен фермер», «Мен банкир», «Мен тадбиркор», «Мен оддий ишчи» каби саволлар ёзилган. Ҳар бир гуруҳ талабаси ўзига тушган фаолиятни таърифлаб, мазмунини очиб беради.

«Скарабей» технологияси

«Скарабей» интерактив технология бўлиб, у талабаларда фикрий боғлиқлик, мантиқ ва хотиранинг ривожланишига имконият яратади. Талабаларда муаммони ҳал қилишда ўз фикрини очиқ ва эркин ифодалаш маҳоратини шакллантиради. Мазкур технология мустақил равишда билимнинг сифати ва савиясини холис баҳолаш, ўрганилаётган мавзу ҳақидаги тушунча ва тасаввурларини аниқлаш имконини беради ҳамда турли ғояларни ифодалаш ва улар орасидаги боғлиқликларни аниқлашга имкон яратади.

“Ақлий ҳужум” («Мозговая атака») технологияси


Мазкур метод муайян мавзу юзасидан берилган муаммоларни ҳал этишда кенг қулланиладиган метод саналиб, у машқулот иштирокчиларини муаммо хусусида кенг ва ҳар томонлама фикр юритиш, шунингдек, уз тасаввурлари ва қояларидан самарали фойдаланиш борасида маълум куникма ҳамда малакаларни ҳосил қилишга рақбатлантиради. Ушбу метод ёрдамида ташкил этилган машқулотлар жараёнида ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оригинал ечимларни топиш имконияти туқилади. “Ақлий ҳужум” методи танлаб олинган мавзулар доирасида маълум кадриятларни аниқлаш, айнаи вақтда уларга муқобил булган қояларни танлаш учун шароит яратади. Машқулотлар жараёнида “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланишда бир неча қоидаларга амал қилиш талаб этилади. ушбу қоидалар қуйидагилардир:

1. Машқулот иштирокчиларини муаммо доирасида кенг фикр юритишга ундаш, улар томонидан кутилмаган мантиқий фикрларнинг билдирилишига эришиш.

2. Ҳар бир уқувчи томонидан билдирилаётган фикр ёки қоялар миқдори рақбатлантирилиб борилади. Бу эса билдирилган фикрлар орасидан энг муқбуллари аниқлаб олишга имкон беради. Бундан ташқари фикрларнинг рақбатлантирилиши навбатдаги – янги фикр ёки қояларнинг

3. Машғулот жараёнида уқувчиларнинг ҳар қандай фаолиятларини стандарт талаблар асосида назорат қилиш, улар томондан билдирилаётган фикрларни баҳолашга йул қўйилмайди. Агарда уларнинг фикр (қоя) лари баҳоланиб бориладиган бўлса, уқувчилар уш шикқатларини шахсий фикрларини ҳимоя қилишга қаратадилар, оқибатда улар янги фикрларни илгари сурмайдилар. Мазкур методни қўлладда қўзланган асосий мақсад уқувчиларни муаммо ҳусусида кенг ва чуқур фикр юрийтишга рақбатлантириш эканлигини эътибордан четдан қолдирмаган ҳолда уларнинг фаолиятларини баҳолаб боришнинг ҳар қандай усулидан воз кечиш мақсадга мувофиқдир


- расм. “Ақлий ҳужум” методининг асосий қондалари.



“Кластер” методи

Кластер методи педогогик, дидактик стратегиянинг муайян шали булиб, у укувчиларга ихтиёрий муаммолар хусусида эркин, очиқ уйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам беради. Мазкур метод турли хл қоялар уртасидаги алоқалар тукрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Кластер” методи аниқ объектив йуналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боқлиқ равишда амалга оширилади. Ушбу метод муайян мавзунинг укувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта узлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда булишини таъминлашга хизмат қилади. Стил ва стил қоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта уйланган стратегия булиб, ундан укувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машқулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Гуруҳ асосида ташкил этилаётган машқулотларда ушбу метод гуруҳ аёлари томонидан билдирилаётган қояларнинг мажмуи тарзида намоён булади. Бу эса гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан илгари сурилаётган қояларни уйқунлаштириш ҳамда улар уртасидаги алоқаларни топа олиш имкониятини

яратади.



4.3. Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий-психологик шартлари

Маълумки, ҳар қандай педагогик жараённинг асосий мақсади - таълим олувчида билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Бу нарсa маълумотлар алмашинуви орқали рўй беради. Педагогик мулоқот жараёнидаги маълумотлар алмашинуви асосан уч шаклда амалга оширилади:

1. Монолог;
2. Диалог;
3. Полилог.

Монолог - маърузачи ёки ўқитувчининг тингловчилар ёки ўқувчи - талабалар қаршисида чиқиб нутқ сўзлаши, дарсни баён этишидир. Айни шу усул таълим-тарбия жараёнидаги асосий восита эканлиги тўғрисида онгимизга

ўрнашиб қолган тасаввур мавжуд. Бу ҳолатда гапирувчи маълумотларнинг асосий таянч манбаи ҳисобланади ва фақат ундангина фаоллик талаб қилинади. Монолог эгаси ўзи мустақил тарзда маълумот мазмунини тингловчиларга етказиш ва ўз мавқеини таъкидлаш имконига эга бўлади. Лекин аудитория, яъни тингловчилар унга нисбатан анча пассив мавқеда бўладилар ва бу нарса маълумотнинг фақат кичик бир қисминигина идрок қилиш ва эслаб қолишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчи бу камчиликнинг олдини олиш учун аудиторияни фаоллаштиришнинг бошқа йўллари кидиришга мажбур бўлади.

Диалог - ўқув мавзуси ёки муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир. Шунинг учун бу усул тингловчиларни нафақат фаоллаштиради, балки аудиторияда ижодий муҳитнинг бўлиши ва фикрлар алмашинуvidан ҳар бир иштирокчининг манфаатдорлигини таъминлайди. Яъни, тингловчилар ўқув жараёнининг объектидан **унинг субъектига** айланадилар.

Диалог жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида фикрлар алмашинуvi, билимларни ўзаро муҳокама қила олиш учун реал шароит яратилади. Лекин диалогни ташкил этишдан аввал ўқитувчи аудиториянинг у ёки бу хусусда билимлар ва тасаввурларга эга бўлишини инобатда олиши зарур, акс ҳолда ўзаро мулоқот самарасиз ва мазмунсиз тортишувга айланиб кетиши мумкин. Диалог жараёнида уни ташкил этган шахс аудиториянинг у ёки бу муаммо юзасидан билимларини диагностика қилиш ва шунга мос тарзда ўзишини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Айнан шу ҳолат диалогнинг энг муҳим психологик аҳамиятидир.

Полилог - гуруҳ ичидаги мунозарадир. У тингловчилар ёки ўқувчиларнинг фаоллигини янада ошириш, уларда ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадида ишлатилади. Полилог жараёнида гуруҳ аъзоларининг ҳар бири муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўзфикрини билдириш имкониятига эга бўлади, ўқитувчи эса ушбу жараённинг ташкилотчи сифатида ўқувчилар ёки талабалар фаолиятига бевосита аралашмайди. Бу усул дарс мавзуси кўпроқ назарий характерли бўлиб, янги ғоялардан уларнинг амалий жиҳатлари келтириб чиқарилиши зарурати бўлганда қўл келади. Лекин бу усул машғулотлар ёки мулоқот дарслари энди бошланган пайтда ўтказилиши мақсадга мувофиқ эмас, чунки полилог учун ўқитувчи билан ҳамкорликда ишлаш тажрибасидан ташқари ёшларга ўша соҳа юзасидан маълум билимлар мажмуи ҳамда ҳамкорликда ишлаш тажрибаси зарур. Диалог ва полилог техникасини яхши эгаллаган муаллим мунозара ёки баҳсни самарали ташкил этишга лаёқатли бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мунозарани самарали ташкил этиш қобилияти ўз-ўзидан шаклланмайди, бунинг учун ўқитувчи умуман мунозара методикаларининг моҳияти ва уни ташкил этиш йўллари илмий-амалий жиҳатдан билиши керак.

4.4. Фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш

Баҳсининг самарали бўлиши энг аввало баҳслашувчиларнинг бир-бирларига нисбатан фазовий жойлашувларига боғлиқ. Тингловчи ва музокарада қатнашувчиларнинг фазовий жойлашувлари ва уларнинг психологик мавқеларининг моҳияти муҳим бўлганлиги боис биз ушбу ҳолатларни

келтирамиз:

- Синф шароити. Бу - анъанавий дарс ўтказиш шакли бўлиб, тингловчилар бир-бирларининг юзларини кўриш имконияти чекланган ва доска олдидаги ўқитувчига ва у баён этаётган мазмунга нисбатан тингловчиларнинг мавқелари, масъулияти турлича. Бу шароитда баҳс ўтказиш мумкин эмас. Чунки синфда охирги қаторда ўтирган бола билан биринчи қаторда ўтирганнинг дарсга муносабати кескин фарқ қилади. Тингловчининг психологик мавқеи - **«Мен» - ўйиндан ташқарида»**.

- **«Мен» - ўйинда»** деб аталувчи ҳолат: тингловчилар доира шаклидаги стол атрофида жойлашадилар ва ўртага ташланган мавзу юзасидан эркин фикр алмашиш, ҳаттоки, айрим ижтимоий ролларга ҳам кириш имкониятига эга бўлади, ҳатто бошловчи ҳам «қаторда» ўтиради. «Ишчанлик ўйинлар» ва бошқа ролли ўйинлар ана шундай шароитда ўтказилиши мумкин.

- **«Мен»- мунозарада»** деб аталувчи бу ҳолат айна баҳс - мунозаралар ўтказиш учун қулай, чунки унда шахс ўз фикрини дадил айтиш учун имкониятни ҳис қилади. Одатда бундай баҳслар тўртбурчак стол атрофида уюштирилади.

- **«Мен» - ҳамкорликдаман»** деган бу ҳолат каттароқ гуруҳлар таркибида ташкил этилади. Мунозара аъзолари тўрт-беш кишидан бўлиб алоҳида столлар атрофида ўтириб, ҳар бир гуруҳ ўз қарорини чиқаради. «Мунозара» клублари» фаолияти шу тарзда ташкил этилади.

Бу келтирилган ҳар бир ҳолат баҳс қатнашувчиларида ўзига хос руҳий тайёргарлик ва масъулият ҳиссини келтириб чиқаради.

Демак, дарс мобайнида ўқитувчи мавзунинг характери ва у шакллантириш лозим бўлган билим, малака ва фазилатларга мос тарзда мунозара шароитини танлаши ва шундай кейингина машғулотни бошлаши керак. Кўриниб турибдики, анъанавий синфда ташкил этиладиган машғулотларнинг самарадорлиги деярли йўқ, чунки улар олдинги қаторларда утирган тингловчиларнинг фаоллигигагина йўналтирилган, қолганлар «ўйиндан ташқари» ҳолатда, бу нарса уларнинг дарс мазмунига муносабатларида бевосита акс этади.

Кичик, тор доиралардаги компакт гуруҳларда уюштирилган мунозараларнинг **эркин мавзули, йўналтирилган ва аниқ сценарийли диспут** турлари мавжуд бўлиб, бу танланган мавзуга ва мунозара гуруҳларининг мулоқот тажрибасига боғлиқдир («диспут» сўзининг луғавий маъноси - «фикрляпман», «тортишяпман», деган маънони билдиради). Кичик гуруҳлардаги мунозаралардаги асосий нарса - гуруҳ аъзоларининг танланган мавзу хусусиятига қараб, ҳар бириинг ўз фикр мулоҳазаларини охиригача баён этиш имкониятларининг борлигидир. Бундай гуруҳда бошловчи ҳам қаторда ўтириб, мавзунинг ечимини батамом ҳал бўлмагунча фаол мулоқотларнинг иштирокчиси бўлиши мумкин. Лекин асосий рол гуруҳнинг аъзоларига юкланганлигини ва бевосита ажралиб чиққан норасмий лидер асосий баҳс юритувчи бўлиши мумкинлигини унутмаслиги зарур. Бундай гурунглари турли шароитда кўпинча баҳс иштирокчилари учун табиий шароитларда (масалан, синфда, талабалар аудиторияларида, иш хоналарида ва б.к.) ўтказилса, мақсадга

мувофиқ бўлади.

Агар бахлашувчилар гуруҳи одатдагидан каттароқ ҳажмда (масалан, 30 кишигача) бўлса, унда мунозарани уюштиришнинг ўзига хос томони бор. Бу ҳолда баҳс гуруҳи шартли равишда учга бўлинади. Биринчи гуруҳ - **«фикрларни жамловчилар» - генераторлар** гуруҳи дейилади; иккинчиси - **«танқидчилар»** ва учинчи гуруҳ - **«фикрларни тезлатувчилар» - катализаторлар»** деб аталади. Ҳар бир ажралган гуруҳнинг ўзига хос функциялари бор: «генераторлар» ўртага ташлаган муаммо ёки баҳс мавзуси бўйича ўзларидаги барча фикрларни ўртага холис ташлайдилар. Гуруҳ аъзоларидан бири - лидер - уларни жамлаб, фикрлар иккига бўлинган тақдирда ҳам уларни умумлаштириб баён этади. Сўнгра ўйинга «танқидчилар» киришади. Уларнинг вазифаси - эшитган фикрларига танқидий муносабат билдириш, яъни танқидий нуқтаи назардан улар ичидаги «мағзини» ва «пучак» фикрларни саралаш. Шундан кейин вазиятга қараб, яна сўз «генераторлар» га ёки «катализаторлар» га берилиши мумкин. Билдирилган фикр ва таклифларда мабодо ҳисобга олинмай қолган жиҳатлар ёки ноўрин фикр бўлса, ёки моҳиятан шу мавзуга алоқадор бўлган, лекин иккала томон ҳисобга олмаган бирор жиҳат аниқланса, томонлар диққатини айнан шунга қаратиши керак. Сўнгра «тезлатувчилар» баҳсни давом эттиришга руҳсат бериб, агар уни якун қилиш тақозо қилинса, иккала гуруҳнинг ўйинига холис баҳо берган ҳолда мунозарани тўхтатиши мумкин. Улар кўпинча иккала гуруҳ учун холис орбиторлар - «ҳакамлар» ролини ўйнайдилар.

Мактабда бир синф доирасида ёки талабалар гуруҳида ахлоқий маънавий мавзуда баҳс уюштирганда, юқоридаги усулни қўллаш имконияти бўлса, суҳбатдошларнинг *учбурчак шаклдаги берк стол* атрофига ўтиришлари мумкин. Демак, баҳслашувчиларнинг жойлашишлари ҳам бу ўринда маълум аҳамият касб этади.

Катта гуруҳларда баҳс ёки мунозара уюштирилганда, бошловчининг роли айниқса каттадир. Чунки у ҳар бир гуруҳдаги тортишувлар ва фикр алмашинувларнинг бошида турмоғи керак бўлса, улар фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириб турмоғи лозим. Кичик гуруҳдагидан фарқли улароқ, катта гуруҳларда бошловчи у ёки бу ички гуруҳга ён босмаслиги ёки уларни ўзининг шахсий фикрига мажбуран эргаштирмаслиги керак. Акс ҳолда, у ўзининг фаолияти билан бошқалар ташаббусига салбий таъсир кўрсатиши ва баҳснинг йўналишини бузиб қўйиши мумкин. Шунинг учун катта гуруҳлар уюштириладиган мунозаранинг мавзуси олдиндан танланган ва унга бошловчи маълум маънода тайёр бўлиши шарт.

4.5. Дарсда мунозара, брейншторминг ва тренинглар ўтказиш технологияси

Мунозаралар юритишнинг яна бир шакли борки, унинг номини рус тилида «мозговая атака», инглизчасига «brain storming» деб аталади. Бизнинг тилимизда бу тушунчаннинг аниқ аналогик таржимаси йўқ, лекин уни «мияга хужум» ёки «фикрлар тўқнашуви», «фикрлар жанги майдони» деб аташ мумкин. Методнинг психологик моҳияти шундаки, оддий мунозарада баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат

қиладилар. Бунда эса баҳслашувчиларга мияга қандай фикр қўйилиб келса, уни танқидсиз ва асосламай эркин, «тилга нима келса», лекин навбатма-навбат айтиш имконияти берилади. Бу нарса кўпроқ муаммо анча нотаниш, савол мураккаб ёки ноаниқ бўлган шароитларда қўл келади. Яъни, бунда «эркин ассоциациялар»га имкон берилади ва охир оқибат гуруҳнинг ўзи маълум рационал «мағизни» ажратиб олади.

Бу усулни биринчи марта америкалик олим **А.Осборн** 30-йиллардаёқ таклиф этган ва бу усул ёрдамида йирик лойиҳаларни режалаштириш ва олдиндан унинг натижаларини башорат қилишда маълум ютуқларни қўлга киритган эди. Лекин кейинчалик мутахассислар уни фақат ностандарт, ўзига хос ечими бўлган вазифаларни муҳокама қилгандагина қўллаш мумкин, деган фикрни билдира бошладилар. Бирок тўғри ташкил этилган брейштормингнинг амалий афзалликлари кўп. Фақат бунда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

1. Жумлалар жуда қисқа бўлиши керак, уларнинг асосланиши шарт эмас.
2. Ҳар қандай жумла ёки фикр танқид қилиниши мумкин эмас, яъни фикрлар танқиддан холидир.
3. Мантикий фикрлардан кўра, фантастик ёки қўққисдан, тасодифан мияда пайдо бўлган фикр муҳимроқ.
4. Фикр ёки билдирилган қисқа мулоҳаза қайд этилади.
5. Билдирилган фикр ёки ғоялар у ёки бу иштирокчиники, деб ажратилмайди, яъни улар - муаллифсиздир.
6. Фикр ёки яхши ғояларни танлаш алоҳида «танқидчилар» ёки гуруҳнинг норасмий лидерлари томонидан амалга оширилади.

Юқоридаги таъкидланган гуруҳ катта бўлган шароитда баҳс уюштиришда ҳам генератор, яъни фикрларни бирламчи жамловчиларларга ушбу усулда ишлашга имкон бериш тажрибада яхши натижа беради. Чунки ўтказилган текширувлар ва кўплаб синов машғулотларининг кўрсатишича, айнан шу гуруҳда брейшторминг усулининг қўлланилиши турли-туман ва қарама-қарши фикрларнинг баён этилишига шароит яратади. Акс холда муҳим муаммолар бўйича мунозарани бошлаш ва унда фикрлар ранг-баранглигига эришиш жуда қийин бўлади. Бу усул айниқса, катталар аудиториясида жуда яхши самара беради.

Баҳсда иштирок этиш ва ундан манфаатдорлик ҳисси ҳар бир иштирокчида шаклланиши шарт ва бунда бошловчи - ўқитувчининг роли катта. Амалий машғулотларни баҳс-мунозара шаклида ўтказилиши болаларга олдиндан айтилиши ва уларнинг тайёргарлик кўришлари учун саволлар берилиб қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Баҳс иштирокчилари ҳаяжонланмасликлари учун машғулот бошланишидан аввал уларнинг ўзларини эркин тутишлари учун айрим **енгиллаштирувчи машқлар**, бошқача қилиб айтганда, **психогимнастик машқлар** ўтказиш тавсия этилади. Масалан, ана шу мақсадда ўтказиладиган психогимнастик машқларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Ўқитувчи гуруҳни айлана шаклида туришлари сўрайди ва аъзоларни навбатма-навбат ўртага чиқиб, гуруҳ билан хоҳлаган тарзда, лекин самимий саломлашишни сўрайди. Кейин гуруҳдан кимнинг саломи кўпроқ ёққанини

сўрайди.

2. Гуруҳ аъзолари ўқитувчи атрофида ярим айлана шаклида туришади. Навбат билан гуруҳ аъзолари ўртага чиқиб, хоҳлаган аъзо билан сўзсиз, лекин очиқ юз билан мимика воситасида саломлашиш ва бирор фикрни билдириши сўралади.

3. Ҳамма доира шаклида ўтиради ва ўқитувчи олиб келган копток навбат билан мулоқот катнашчиларига отилади, фақат кимга отилса, ўша одамнинг кучли, яхши бир сифати айтилиб, сўнгра яна отилади. Ўқитувчи коптокнинг албатта ҳар бир кишига тегишини назорат қилади.

Бу каби машқлар мунозара катнашчилари ўртасида ўзаро тангликнинг бўлмаслиги ва ўз фикрини баён этаётганда ўқитувчидан тортинмаслиги учун ўзига хос тренинг ҳисобланади.

Ўқитувчи мунозарани бошлар экан, иштирокчилар онгига қуйидагиларни етказа олиши керак:

а) машғулот ҳар бир иштирокчига албатта фойдали бўлади ва улар бир-бирларига ёрдам бериш учун келганлар;

б) мунозара ўзаро мулоқотнинг бир шакли бўлиб, ҳар бир иштирокчи бир-бирига очиқ ва самимий муносабатда бўлсин;

в) мунозара иштирокчиларнинг ўзаро тажрибаларини алмашилишлари учун қулай шароитдир;

г) фикр баён этишда керак бўлса таваккал қилайлик, лекин индамаслик шиоримиз бўлмасин;

д) мунозара пайтида кўп ёзиш шарт эмас;

е) агар бирор нарса тушунарли бўлмаса, уни сўрашдан тортинманг;

ж) билган билимларимизни бир-биримиздан аямаймиз, чунки бошқалар ҳам бундан манфаатдор бўлсинлар, «яширинган билим - билим эмас» лигини унутмайлик!

«Тармоқлар» (Кластер) методи педагогик стратегия бўлиб, у ўқувчи-талабаларни бир мавзуни чуқур ўрганишларига ёрдам беради. Ўқувчи-талабаларни мавзуга тааллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул билан мавзуни чуқур ўрганишдан аввал ўқувчи-талабаларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, умумлаштириш ҳамда ўқувчи-талабаларни шу мавзу бўйича тасаввурларини чизма шаклида ифодалашга ундайди. «Кластер» методи аниқ объектив йуналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боқлиқ равишда амалга оширилади. Ушбу метод муайян мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

«Кластер» методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан ўқувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда ушбу метод гуруҳ аъзолари томонидан билдирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса гуруҳнинг ҳар бир аъзоси томонидан илгари сурилаётган фикрларни уйғунлаштириш ҳамда улар

ўртасидаги алоқаларни топа олиш имкониятини яратади.

«**Бумеранг**» технологияси бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва характерга (муаммоли, мунозарали, турли мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга яроқли бўлиб, ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакллари қамраб олади.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имконият яратади ҳамда ғоя ва фикрларни ёзма ва оғзаки шаклларда баён қилиш кўникмаларини ривожлантиради. Мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради, яъни; бўлажак иқтисодчиларда жамоа билан ишлаш маҳорати, муомалалик, хушфеъллик, ўзгалар фикрига ҳурмат, раҳбарлик сифатларини шакллантириш, ишга ижодий ёндашиш, ўз фаолиятини самарали бўлишига қизиқиш, ўзини холис баҳолаш кабилар.

«**Веер**» технологияси мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади ва уларнинг ҳар бири алоҳида муҳокама этилади. «Веер» технологияси танқидий, таҳлилий, аниқ ва мантиқий фикрларни ривожлантиришга ҳамда ўз ғоялари ва фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда баён этиш ҳамда ҳимоя қилишга имконият яратади.

Ушбу технология мавзунинг ўрганишнинг турли босқичларида қўлланилиши мумкин: билимларни эркин фаоллаштиришда; мавзунинг ўрганиш жараёнида унинг асосларини чуқур фаҳмлаш ва англаб етишда; яқунлаш босқичида олинган билимларни тартибга солишда.

4.5. Баҳс турлари. Ёзма баҳс ўтказиш усуллари

Агар машғулотлар бир-бирларини яхши танимайдиган бошлангич гуруҳларда бошланган бўлса, «танишиш» машқларини ўтказиш, албатта ишни кичик гуруҳлардан бошлаш лозим. Бунда **эркин йўналтирилмаган баҳс** шаклини қўллаш ўринлироқ. Бунда ўқитувчи иштирокчиларга бир-бирларини яхши таниб олсалар, биргаликда ҳаракат қилсалар, умумий иш учун манфаатли бўлган натижаларга эришиш мумкинлигини тушунтириши лозим.

Агар иштирокчилар бирор *янги маълумотларга эга бўлиш*, мураккаброқ масала юзасидан умумий нуқтаи назарга эга бўлиш ва мантиқий хулосаларга эришишни мақсад қилган бўлсалар, унда дарс аввалида ўқитувчи ёки олдиндан тайёргарлик кўрган гуруҳ аъзоси маъруза қилиши, маъруза юзасидан кейин баҳс уюштирилиши, дарс охирида имкон бўлса, ўқитувчи ўзи тайёрлаган тарқатма материалларини ҳар бир аъзога бериши керак. Фаоллаштирувчи усуллар материаллар кулга берилгач, ишга солинади.

Агар дарснинг ёки амалий машғулотнинг мақсади тингловчилардаги *аниқ қобилиятларни ривожлантириш*, малакаларни ошириш ва янги тажрибадан фойдаланиш бўлса, унда баҳснинг предмети аввало тажриба алмашинувга қаратилиши, бунда айрим машқлар ҳам бажарилиши, уларнинг натижалари таҳлил қилиниши, ролли ўйинларни бажаришгача олиб борилиши керак. Бунда ўқитувчининг роли анча масъулиятли бўлиб, у машғулотгача конкрет

йўриқномаларни ўқувчиларга бериши ва гуруҳ ишини мунтазам кузатиб, назорат қилиб туради.

Агар мунозара дарсларининг мақсади - иштирокчиларнинг *янги, мустaqил фикрларга келиши*, уларни шахсий тажриба ва вазиятларга боғлаб айтиб беришларига олиб келиш бўлса, унда ўқитувчи «Мен» - мунозарадаман» ҳолатида гуруҳли баҳсни кичик гуруҳларда ташкил этиши, уларда алоҳида ҳолатлар ва вазиятларнинг таҳлилига барчанинг диққатини қаратиши, иштирокчиларни турли ролларни тасаввур қилишга мажбур қила олиши ва олдиндан тайёрлаб қўйилган саволномаларни дарс охирида тарқатиб, шаклланган янги ғояни ажратиб олиши керак. Демак, бу шаклдаги иш ҳар бир иштирокчидан пухта тайёргарликни ва аниқ кўникмаларни талаб қилади.

Баҳс шаклида машғулот ўтказганда, қабул қилинадиган қарорларнинг аҳамияти катта. Қарорларнинг самарали бўлиши учун қуйидагиларни ёдда тутиш керак:

- машғулот бошланишидан олдин ўқитувчи таҳлил қилиниши лозим бўлган муаммони белгилайди ва унга қай тарзда муносабат билдирилиши лозимлигини тушунтиради;

- қисқа бўлса-да, бу муаммонинг олдинги дарсларга боғлиқлиги, уйга берилган вазифа, муҳокама қилинадиган масалага оид муҳим фактлар эсга туширилади;

- баҳс катнашчилари кичик гуруҳчаларга (4-5 киши) бўлиниб, машғулот охирида фикрлар умумлаштирилиши учун коғозлар тахт қилиб қўйилади;

- гуруҳда ишлаш мобайнида билдирилган фикрларнинг афзал ва камчилик томонлари ҳақидаги ўз мулоҳазаларини оғзаки ёки ёзма тарзда қарорлар шаклида баён этадилар;

- иш якунида гуруҳнинг вакиллари ўз гуруҳининг иши тўғрисида гапириб, уларни бошқаларники билан қиёслайди. Зарурат бўлса, ўқитувчи ҳар бир гуруҳнинг қарорларини ўзаро қиёслаб, саволларга жавоб беради, ноаниқроқ қарорларга ўз муносабатини билдиради.

Педагогик амалиётда баҳснинг моҳияти кўпинча фақат оғзаки диалоглар ва тортишувлар тарзида тасаввур қилинади. Лекин оғзаки баҳсларнинг янада самарали ва таъсирчан бўлиши учун ёзма баҳс шакли ҳам қўлланилади. Бу усул ўқувчиларнинг берилган мавзу соҳасидаги билимларини янада чуқурлаштириш, мунозара маданиятини ошириш ва ҳар бир фикрни асослаш қобилиятини ривожлантиради. Ўқитувчи эса ўқувчи ёки талабаларнинг билимларини асосли баҳолаш ва билимдонликни тўла маънода таҳлил қилиш имкониятига эга бўлади. Бу усул айниқса, миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантирувчи фанлар - ижтимоий-гуманитар фанлар юзасидан ўтказилса янада самарали бўлади.

Ўқувчилар олдиндан мавзу билан таништириладилар, уйга берилган топшириқлар орасида қай бири ёзма тарзда ўтказилиши маълум қилинади. Ёзма баҳс ўтказиладиган куни ўқитувчи уни қуйидаги тарзда амалга оширади:

1. Ўқитувчи гуруҳни иккига бўлади ва уларни алоҳида қаторларга ўтказди. Ҳар бир гуруҳ мавзу бўйича қайси нуқтаи назарни ҳимоя қилишини маълум

қилади. Масалан, биринчи гуруҳ болаларнинг ақлий даражаларини мунтазам ўлчаб туриш ва шу орқали таълим муассасаларига жалб этишни ҳимоя қилса, иккинчи гуруҳ - бу фикрни асосли тарзда инкор қилади.

2.Шундан сўнг ўқитувчи қарама-қарши гуруҳ аъзоларини жуфтлайди ва уларга номери ёзилган вароқларни тарқатади. Ҳар бир иштирокчига бирор фикрни ёзма асослашга 5 дақиқадан берилади. Ёзма далиллар равон тушунарли тилда, асосли тарзда ёзилиши керак.

3.Ёзилган вароқчалар қарама-қарши шерикларга берилади. Улар ўз «рақиблари» фикрига қарши фикрни 8-10 дақиқа мобайнида ўйлаб, ёзишлари керак бўлади ва нариги томондаги шеригига беради.

4.Ёзма далиллар алмашинувининг бундай тартиби 2-3 марта такрорланади, ҳар сафар ҳар бир ўқувчи шеригининг далил-исботини диққат билан ўрганиб чиқиб, жавоб қайтаради. Охирги раундда ўқувчиларнинг ўзларига яқунлаш имкони берилади ва ёзма ишлар йиғиб олинади.

5.Ўқитувчи ёзма баҳсларни яқунлашда томонларга «Қарши томоннинг энг яхши далил-исботи қайсилар бўлди?» деб сўрайди ва ўқувчилар билан олдиндан келишган ҳолда улар билимларини якка-якка ёки гуруҳий баҳолайди.

Юқорида келтирилган ёзма баҳсларни ўтказиш тамойиллари Фред Ньюмен материаллари асосида тайёрланди. Уйлаймизки, бизнинг шароитимизда ҳам бу усуллар анча самара беради.

Қисқача хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқирилиши ва амалий асосланиши қўлланилмоқда. Замонавий технологик мутахассис бўлиш учун таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.

Педагогик луғатда педагогик технология тушунчасига турли хил йўллар билан ёндашилган, шунинг учун бизнинг тушунчада педагогик технологиялар ҳар хил муаллифларнинг таърифларини умумлаштирувчи сермазмун йиғимдир. Педагогик технология кўпроқ сифатли натижага эришишга қаратилган. қўлланадиган педагогик технология натижаси эса, биринчи навбатда, педагогнинг маҳоратига, педагогик классификация турларидан моҳир фойдалана олишига, илмий-касбий тажрибасига, шахсий хусусият ҳамда инсоний фазилатларига боғлиқ.

Аудитория билан ишлашнинг ижтимоий психологик шартлари, ўқув фаолиятини самарали бўлиши учун фаол ўқитиш методлари ва уларни ташкил этиш усуллари билиш муҳим бўлиб, янги педагогик ва дидактик технологияларни жорий этишнинг ўз психологик қонуниятлари мавжуд. Дарс мобайнида мунозара, брейншторминг ва тренингларларни ўтказиш, дарс самарасини оширади. Ҳар қандай муаммони ечиш учун қўллаш мумкин бўлган баҳс турлари ва асосан ёзма баҳсни ўтказиш қоидалари бор. “Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури” ва “Таълим тўғрисидаги Қонун” да ўқитишнинг янги технологиялари ва ўқитувчи-педагогларга қўйилган янги талаблар ҳам таълим сифатини оширишга, ҳам ўқитувчининг касб маҳоратини юксак

бўлишига хизмат қилади.

Савол ва топшириқлар

1. Педагогик технологиялар хақида тушунча беринг?
2. Педагогик технологияларнинг максоди ва вазифалари нималардан иборат.
3. Ноанъанавий таълим технологияларидан дарс жараёнида фойдаланиш анъанавий таълимдан кандай фарк қилади?
4. Таълим технологияларидан Кластер тузинг?
5. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятини кандай тушунасиз?
6. Педагог кадрларга қўйиладиган замон талаблари нималардан иборат?
7. Дарсда самарадорликка эришиш купрок кимнинг фаолиятига боглик деб уйлайсиз?
8. Муаммоли вазиятларни бартараф этиш учун тажрибали, махоратли ўқитувчи нималарга купрок эътибор бериш лозим?
9. Ақлий хужум технологиясига таъриф беринг?
10. Иқтисодий таълимда қўлланадиган таълим технологияларини курсатиб утинг?

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Н.Х.Хўжаев, Б.Ю.Ходиев, «Янги педагогик технологиялар» «Фан» нашриёти» 2002 йил.
 2. Малла Очилов. «Янги педагогик технологиялар» +арши «Насаф» 2000 йил.
 3. Подласий И.П. Педагогика в 2-х частях. М., Владос, 2005.
 4. «Педагогика» В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Михенко, Е.Н.Шиянов. Москва. «Школьная пресса». 2004
 5. [www. inter – pedagogika. ru.](http://www.inter-pedagogika.ru)
-

5-боб. Педагогик маҳорат асослари

5.1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча.

5.2. Педагогик техника ва унинг компонентлари, таркибий қисмлари.

5.3. Педагогик қобилият.

5.4. Педагогларнинг тарбияланувчилар билан муомаласи.

5.5. Педагог ва талаба ўртасидаги мулоқот.

5.1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча

Педагоглик касби ўз моҳиятига кўра ўта индивидуалдир. Хар бир педагогнинг муҳим ҳаётий урни уз ишининг устаси бўлишдир. Мастер (уста) жуда илгор, билимдон, ёки уз ишини мохирлик билан бажарувчи деб ифодаланади. педагог маҳорати унинг фаолиятида куринади. Педагог аввало педагогик жараённинг қонуниятлари ва механизмларини яшхи эгаллаган бўлиши лозим. Шу маънода педагогнинг умумлашган малакалари. унинг педагогик техникаси катта аҳамиятга молик бўлади. Маҳорат-бу алоҳида қудрат. Юкори ва кичик даражада уста бўлиш мумкин эмас. Маҳоратга эришиш ҳам, эришмаслик ҳам мумкин. Хақикий уста меҳнат фаолияти чоғидагина гузалдир.

Педагогик маҳоратга етишиш педагогнинг муайян шахсий сифатлари билан амалга ошади.

Педагогик маҳорат юксак даражада педагогик фаолиятнинг тараккий этишини, педагогик техникани эгаллашни. шунингдек, педагог шахси, унинг тажрибаси, фуқаролик ва касбий мавқеини ифодалайди.

“Педагогик маҳорат” бир категория сифатида узининг илмий асосларига эга. 1987-1997 йиллардаги илмий ёндашувлар бу фавқулотда ходисага нисбатан қуйидагича хулоса қилишга имкон берди:

Педагогик маҳорат касбий фаолиятдаги индивидуалликнинг ёрқин қуриниши сифатида тушунилади.

Педагогик маҳорат категорияси касбий фаолият нуктаи назаридан кишининг индивидуаллигини характерлайди.

Хозирги тадқиқотларда педагогик маҳоратнинг узига хослиги қуйидаги категорияларда жамланади:

- Педагогик маҳорат;
- Педагогик ижод;
- Новаторлик;
- Касбий билимдонлик;
- Фаолият услуби;
- Инновацион фаолият;
- Педагогик технология;
- Маҳорат.

Ўқув тарбия ишлари жараёнида энг юксак натижаларга эришиб фаолиятнинг юксак даражада баҳоланиши ва ҳамма томондан тан олиншини истамайдиган педагогтопилмаса керак. Бунга эришишни анна шу хил орзунинг

ушалишини педагогик маҳорат деймиз. Хўш педагогик маҳорат нима? Унинг моҳияти нимадан иборат? Унга қандай эришса бўлади? Ҳозирги замон педагогика ва психология соҳасидаги мактабларда «Педагогик маҳорат» тушунчаси турлича изоҳларга дуч келамиз. Бу тушунчанинг моҳиятини бир мунча тўлароқ Аниқроқ таърифни «Педагогик энциклопедия»да берилган дейиш мумкин. Бизнингча, бошқаларга нисбатан бу таъриф педагогик маҳорат мазмунини ва моҳиятини бир мунча тўғри ёритади. «Тарбия ва ўқитиш юқори даражага эришиши ва уни доимо такомиллаштириб бориш имкониятини таъминловчи санъат бўлиб, талабага меҳр қўйган ва ўз касбини севган ҳар бир педагогнинг қиладиган иши.

Ўз ишининг моҳир устаси бўлган педагог – бу юксак даражада маданиятли, ўз фанини чуқур биладиган, фаннинг ёки санъатнинг тегишлу соҳаларини яхши таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш услубиётини мукаммал эгаллаган мутахассисдир.»

Бу таърифни яхши тушуниб, унинг унинг маъно моҳиятини таҳлил этадиган бўлсак, Ушбу таърифда педагогик маҳорат тушунчаси мазмунга кирадиган куйидаги масалаларни ажратиш мумкин бўлади:

1. умумий маданиятнинг юқори даражаси ва билимдонлик ва ақл-заковатнинг юксак кўрсаткичи;
2. ўзининг ўқитаётган фанига доир кенг ва чуқур билим соҳиби;
3. педагогика, умумий ва педагогик психология каби фанлар соҳасидаги билимлар билан қуролланганлик, уларда ўқитиш ва тарбиялаш ишлари тажрибасида эркин ва усталик билан фойдалана билиш;
4. ўқув-тарбия ишлари методикасини мукаммал эгалланганлик.

Педагогик маҳоратнинг мазмунида куйидаги ўзаро боғлиқ бўлган асосий қисимларни ажратиш мумкин:

1. педагогик инсонпарварлик йўналиши;
2. ихтисос мутахассисликка доир билимлар;
3. педагогик қобилият;
4. педагогик техника (кўникма-иқтидор).

Педагоглик дунёдаги энг қадимги касблардан биридир. Унинг ижтимоий аҳамияти ҳеч қачон камаймайди, сўнмайди. Педагоглик касби бир қатор муҳим талабларга жавоб бериши керак.

Ҳозирги даврда, биз мустақил ўзбекистонда кўраётган демократик ҳуқуқий давлатда фаолият кўрсатадиган педагогқандай бўлиши керак? Ҳозирги замон педагогсининг шахси учун энг муҳим асоа – бу инсонпарварлик йўналишидир. Педагогжуда юксак даражада умумий маданиятга эга одам. У жуда кўп нарсани билиши керак, ҳозирги замонда ўзи ўқиётган фан соҳасидаги ютуқлардан, янгиликлардан хабардор бўлиши керак, ўз ўқувчиларини ҳар куни ўқишга ўргатиб бориши учун ўзи мунтазам ўқиб ўрганиб, ўз билимини тўлдириб, чуқурлаштириб бориши керак.

Демак, педагог педагогик маҳоратнинг асоси ўз устида ишлаб бориши – мустақил ўқишдир.

Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Бу фалсафий ақида давлат аҳамиятига эга

бўлган ижтимоий қонуният ҳисобланади. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин таълим-тарбия соҳасида, миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, миллий урф-одатлар, турли-туман анъаналарни жойга қўйиш, миллий қадриятларни янада ривожлантириш хусусида жуда кескин ва буюк бурулишлар бўлгани барчага аёндыр. Давлатнинг буюк келажаги, албатта ёшларни чуқур билимли ва покиза одоб-ахлоқли қалб эканини ёддан чиқармаслик лозим. Бу ката муаммода маҳоратли, билимли педагогларни ўрни муҳим ва педагогик маҳорат фанининг роли улкан. «Педагогик маҳорат» фанининг предмети – педагогнинг маҳорати, «Педагогик маҳорат» мақсади – маҳоратли педагогни тарбиялаш.

Педагогик маҳорат фанининг вазифалари: тарбиянинг моҳиятини ва шахсни ҳар томонлама тараққиёт эттиришда тарбиянинг ролини очиб беради, тарби

янинг мақсада, мазмуни, усуллари, уни ташкил этишдаги шакллари ўртасидаги боғланишларни кўрсатади: шунингдек педагогик маҳора фани ўз тараққиёти давомида таълим-тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истиқболлари йўлларини ёритиб беради, тарбиявий ишларнинг шакллари кўрсатиб беради. Педагогнинг педагогик маҳорати шундай бир малакалар йиғиндисидирки, у педагога тарбияланувчилар кўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали ўз фикрларини ифода қилиш имконини беради.

Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари:

- Нутқ малакалари
- Тушунарли таъсирчан фикр ва ҳис-туйғуларни сўзда аниқ ифодалаш
- Мимика ва пантомимика
- Маъноли қараш
- Ҳиссий психик ҳолат
- Қайфият ёки истехзоли табассум
- Саводли гапириш
- Аниқ имо-ишора
- Рағбатлантирувчи муносабат
- Ижодий жиддийлик.

5.2. Педагогик техника ва унинг компонентлари, таркибий қисмлари

Педагогик техника педагогга укув фаолиятида ҳам зарур бўлган умумий педагогик малакалар мажмуидан ташкил топади. Аввало, педагогик - техниканинг таркибий қисми сифатида педагогнинг нутқ маданиятини, яъни саводли гапириш, уз нутқини чиройли ва тушунарли, таъсирчан қилиб баён этиш, уз фикр ва ҳис-туйғуларини сўзда аниқ ифодалаш малакаларини айтиб ўтиш мумкин.

Педагогик техниканинг бош таркибий қисми педагогнинг мимик ва пантомимик ифодалигидир. Аниқ имо-ишора, маъноли қараш, рағбатлантирувчи ёки истехзоли табассум педагогик таъсир курсатишда куп сузли тушунтириш ёки эътироз билдиришга қараганда анча самарали муомила воситалари ҳисобланади. Педагогик узаро таъсир курсатишда педагогнинг уз

хиссий психик ҳолатини бошқариш, узида энг қулай хиссий (ижодий) жиддилик даражасини ва умидбахшлик, хайрихохлик қайфиятини сақлаш узининг хиссий дам олишини ташкил этиш маҳоратида муҳим роль уйнайди. Бу маҳорат педагогнинг касбий жихатдан уз-узини назорат қилишини таъминлайди. Қўп йиллар давомида соғлом асаб тизимини сақлаб қолиш, асабий бузилишлардан, хиссий ва аклий зерикашдан узини тийишга ёрдам беради. Шундай қилиб, педагогнинг педагогик техникаси - бу шундай бир малакалар йигиндисидирки, у тарбияланувчилар қўриб ва эшитиб турган нарсалар орқали уларга уз фикрлари ва қалбини етказиш имконини беради. Талабалар билан бевосита муомила қилишда педагогнинг ҳудди ана шу малакалари ёки уларнинг йўқлиги унинг ҳулқ аъворида намоён бўлади.

Тарбиячи, педагог ҳар бир ишни ташкил этишни, юришни, ҳазиллашини, қўвноқ, жаҳлдор бўлишини билиш лозим. У узини шундай тутиши керакки, унинг ҳар бир ҳаракати тарбияланувчиларга намуна бўлсин. Педагогик техника педагог малакаларининг шундай йигиндисидирки, у педагогнинг энг яхши ижодий ҳулқ аъворида, бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай педагогик вазиятда тарбияланувчиларда самарали таъсир қўрсатишга ёрдам беради. Мукаммал педагогик техника педагогнинг вақти ва қўнларини ижодий иш учун бўшатиб беради. Педагогик узаро таъсир қўрсатиш жараёнида талабалар билан муомила қилишда зарур сузни топиш ёки муваффақиятли қилмаган гап оҳангини тушунтиришга уз фикрини қалғитмаслик имконини беради. Педагогик техникани эгаллаб олган педагог овози бўрилгандан ёки узининг иш билан боғлиқ бўлмаган қандайдир қечинмаларини унутишни билмасликдан азобланиб юрмайди. Демак, педагогик техникани эгаллаш педагогнинг уз қасб маҳоратидан қаноатлантириш даражасини узишига олиб қелиши мумкин.

Педагогик техниканинг ҳамма учун умумин бўлган малакаларини тадбиқ этиш соҳасини педагогнинг талабалар билан бевосита муомиласини қараб утамиз. Ривожланган педагогик техника педагогга талабалар билан муомила қилганда зарур. Суз, гап, оҳанг, қараш, имо-ишорани тез ва аниқ топиш, энг утқир ва қўтилмаган вазиятларда осойишталикни ва аниқ фикр юрийтиш, таҳлил қилиш қўбилиятини сақлаб қолиш имконини беради. Бундан ташқари ҳақиқий педагог таъсир қўрсатишда педагогнинг педагогик техника соҳасидаги барча малакалари бир вақтда намоён бўлади. Нутқ, имо-ишора, мимика, ҳаракат билан бирга содир бўлади. Узликсиз узини тута билиш; таъсирчан қўситаларга берилмаслик имконини беради. Индивидуал педагогик техника педагогнинг ёши, миқжози, феъл аъвори, сихат-саломатлиги, анатомик, физиологик ҳусусиятларига анча боғлиқ бўлади. Педагогик техниканинг шаклланиши шахсининг сифатларига ҳам таъсир қўсатади. Қўнончи, нутқни ифодали, соф, саводли бўлиши устида ишлаш, фикрлашнинг қавон бўлишига таъсир қилади. Психик қаволиятни мустақил тартибга солиш усулларини эгаллаш, феъл аъвор билан бўлган хиссий қавминликнинг ривожланишига олиб қелади. Педагогик техника малакаларининг шаклланиш даражасида педагогнинг умумий маданияти, имқониятлари намоён бўлади. Агар педагогнинг нутқи қашшоқ ва тартибсиз бўлса, бўлар-бўлмас сабаблар билан уз хиссийётларига эрк берса, тарбияланувчи хиссийётига таъсир қилмайди.

Педагогларнинг талабалар билан бевосита мулоқоти тарбияланувчиларга таъсир курсатади. Бу жараёндан икки томонлама ахборот алмашилади. Яъни, педагог бошқариш субъектидан объектга "талабалар"га боради. Ва аксинча объект субъектга боради. Педагог бевосита шахслараро муомиладан уз тарбияланувчилари умуман жамоа, ундаги ички жараёнлар ҳақида роят хилма-хил ахборотга эга бўлади .

Педагогик муомила воситаси орқали қандай ахборот олишни қараб чиқар эканмиз, талабанинг шахси ҳақидаги ахборотини муҳимлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бевосита муомила шахснинг роят хилма хил шароитларда ва қуринишларда урганишга имкон беради. У фақат шахснинг ҳулқ атворида намоён бўладиган эркин ва энг таъсирчан ташқи белгиларигина қайд этиш имконини бериб қолмайди. Педагог талабалар билан муомила қилар экан, жуда майда деталларни ҳам англаб олишга қодир бўлади, бу деталлар сиртдан қараганда унчалик аҳамиятли бўлмай шахсда содир бўлаётган, уни тушуниш учун жуда муҳим бўлган зарур ички жараёнлар қуринишларининг аломатлари бўйича -бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳол шахсни чуқур тушуниш имконини беради, ташқи қатлам остида бошқа усуллар билан аниқлаб бўлмайдиган нарсаларни топиш имконини беради. Педагогик фаолияти кишини ўзи дуч келадиган ҳодисаларни таҳлил этиш ва умумлаштириш тажрибаси билан бўйитади. Бу эса ўз шериклари аҳволини фаҳмлаб, билиб олиш ва ўлар ҳақида ҳукм юритиш қобилиятини оширади. Нихоят педагогнинг талабалар билан қундалиқ муомиласи шунга олиб келадикки, у талабаларнинг ҳатти ҳаракатларидаги чуқур маъно ва ҳақиқий сабабини турли вазиятларда пайқаб олади, бунинг учун намуна сифатида ўзи тез-тез қайд қилган далиллардан ва талабаларнинг ҳулқ-атвор усуллардан фойдаланилади. Бу нарса педагогик фаолиятида айниқса сезилиб туради. Бу қонуний бир ҳолдир. Чунки "Биз қундалиқ ҳаётда одамлар билан муомилада бўлар эканмиз , ўларнинг ҳулқ-атворини билиб оламиз, чунки биз уни гуё ўқигандай" бўламиз, яъни ҳулқ-атворнинг ташқи қуринишлари аҳамиятини тушуниб оламиз ва шу тариқа контекста ҳосил бўлган ўзининг ички психологик режасига эга бўлган текстни маъносини очиқ берамиз. Бу "ўқиш йўл-йўлақай бўлади, чунки атрофимиздагилар муомила жараёнида бизда ўларнинг ҳулқига дойр маълум даражада автоматик тарзда мавжуд бўлган психологик маъно ҳосил бўлади.

Педагогнинг талабалар билан муомиласи ўлар ўртасидаги ўзвийликни тулдирувчи вазифасини ҳам бажаради. Шу муносабат билан тарбия ўзлуксиз жараён эканлигини назарда тутиш керак. Талабаларга нисбатан тарбиявий вазифани бажарувчи қатта ёшдаги кишилар, ўнга доимий таъсир этувчи тизимига эга эмас. Ҳар бир талабага ҳар хил таъсирлар оқими етиб боради. Ўлар бир-бирлари билан унчалик мос қелмаслиги ва маълум даражада бири иккинчисига зид қелиши мумкин. Педагогнинг ўз тарбияланувчиларига курсатадиган турли туман таъсирлари ўнга тузатиш қиритишга интилишига боғлиқ. Албатта бунга талабаларга муносабат ўнинг шахсий сифатларига қараб бошқарилади. Муаммоларнинг қўп ёки оз даражада бўлиши инобатга олинади. Педагогик қобилиятлар структурасида ақл, идқоо, ҳозиржавоблик, танқид қўз билан қараш, собитқадамлик, нотиклик, суз бўйлиги ва ҳоказолар муҳим роль

уйнайди.

Педагогик кобилиятлар факат педагогик фаолият самарали булиши шартигина эмас, балки куп жихатдан педагогнинг муваффакиятли ишлаши натижасидир. Шу муносабат билан педагогнинг узида педагогик кобилиятларининг аник максадни кузлаб таркиб топиши ва ривожланиши катта роль уйнайди. Тажриба ва махсус тадқиқотлар бунинг батамом хақикий нарсаяканлигини курсатмоқда. Масалан, шахс хусусиятларини кузатиш педагогнинг педагогик тажриба хосил килишга ҳам, унинг махсус маълумотлар туплашида муҳим урин тутади. Педагог узининг социал психологик кузатувчанлиги билан талабаларнинг турли характер хусусиятлари ва майлларини пайкаб қолиш кобилиятининггина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо булиш сабабларини билиб олиш, уларга бу сабабларнинг пайдо булиш вазиятига мувофиқ баҳо бериш маҳоратини ва хоказоларини ривожлантиришга қодирдир. Агар педагогда талабалар билан муносабатларининг ишонч асосида қурилишига йул-йурик булсагина, бундай мулоқат рўй беради. Тарбия жараёнида бундай йул-йурикни амалга ошириш қийин ишдир, лекин бунга бутунлай эришиш мумкин. Албатта, катта ёшдаги кишиларнинг талабалар ҳаётига қушилиб кетиши ниҳоятда қийин нарсая. Лекин бу муҳитга у яқинлаша олади, анча яқинлашиб боради. Педагогда талабалар билан узаро ишонч ва дустлик муносабатлари вужудга келгандагина бунга эришиш мумкин.

Талабалар жамоаси билан муомила купинча суҳбат, маъруза, ахборот ва хоказолар шаклида булади. Биринчи навбатда суҳбатни қандай қилиб ташкил этиш, педагогнинг гапларига талабаларнинг диққатини тортиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун бир неча усуллар бор. Гапни масаланинг қуйилишидан бошлаш мумкин. Бу масалада булажак суҳбатнинг маъноси мужассамлашган булади. Мавзуга диққатни тортишга уриниб ҳам қуриш мумкин. Бунда гапнинг эркин кизикарли фактни маълум қилишдан бошласа булади. Кейин уни тушунтириш ва таҳлил қилиш эса муомиланинг мазмунини ташкил этади. Мақола ёки бирон бир асардан парча келтириш ҳам муваффакиятли булиши мумкин. Бундан ташқари дархол талабаларга булажак суҳбат уларнинг кизикишлари билан боқлиқ аканлигини айтиб утса ҳам булади. Мана суҳбатга талабаларнинг диққатини жалб қилинди ҳам дейлик. Энди унинг мавзусини анча қиска, лекин етарли даражада аник қилиб очиб бериш даражаси туради, буни қандай амалга ошириш мумкин? Масалан, суҳбатни тузишнинг бундай варианты булиши мумкин. Дастлаб педагог талабалар онги ва ҳиссиётига етказмоқчи булган асосий фикр қискача баён этилади. Сунгра у очиб берилади. Бунинг учун фактлар, мисоллар ва иллюстрациялар тизими баён қилинади. Бундан эркин таққослашлар, қутилмаган ухшатишлардан фойдаланиш жуда фойдали булади. Шундан кейин ҳулоса чиқариш, яъни суҳбатнинг асосий фикрини бошқача сузлар билан таққорлаш мумкин. Суҳбат талабаларда дойми и кизикиш уйғотиш учун бир қатор мураккаб булмаган усуллардан фойдаланиш зарур, энг муҳим гузлар ва ибораларнинг интонация билан ажратиш курсатиш ва аксинча интонациями (урғу) узгартириш унчалик муҳим булмаган текстни баён қилиш керак. Овоз ва нутқ оҳангини узгартириш фойдалидир. Суҳбатни қандай тугаллаш ҳам муҳим аҳамият қасб этади. У

турлича булиши мумкин. Асосий гоёларни яна бир марта кискача баён қилиб бериш мумкин. Уни шеърӣ сатрлар билан тугалласа ҳам булади. Агар талабаларнинг узлари эшитган нарсалари хақида фикр юритишларини хоҳласа жавобсиз савол билан тугаллаш мумкин. Сухбатнинг якуни барча курсатиб утилган таркибий қисмларини уз ичига оладиган вариант ҳам булади. Бу қоидаларга риоя этиш педагогнинг сузлари талабаларга зарур таъсир курсатиш учун шарт-шароит яратади. Бундан ташқари педагог эски фикр учун янги сузлар излаши ва топиши даркор, яъни айна бир фикрни турлича баён қилишни билиши зарур.

5.3. Педагогик қобилият

Қобилият ҳамма инсонларда мавжуд бўлиб, бир текисда бўлмай, бири юқори, бири ўрта ва бири қуйи даражадан иборатдир. Фақат ақли заиф инсонларда қобилиятни учрата олмаимиз. Мувафакқиятли ишлаш учун ҳар бир педагог педагогик маҳоратга эга бўлиши зарур. Педагогик маҳорат эгаси оз меҳнат сарф қилиб, катта натижага эришади. Қобилият фаолият жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади, қобилиятни ривожлантириш учун эса лаёқат, зехн, истеъдод яъни инсон нерв тизимида анатомо-физиологик хусусият ҳам бўлиши зарур. Педагогнинг баъзи психик процесслари унда шахсга хос сифатларининг шундай комплексини ташкил қиладики, буни педагогик қобилият деб аташ мумкин. Бу қобилиятларни айрим психик хусусиятлардан иборат қилиб қўйиш мумкин эмас. Таълим-тарбия ишларининг мувафакқиятли бўлишини педагог шахсига хос бўлган бир қанча сифатлар, шу жумладан, унинг иродаси, ҳиссиётлари, характериға хос бўлган бир қанча хусусиятларини ҳам таъминлаб беради. К.Д.Ушинский «Фақат шахсина шахснинг ривожланишиға ва таркиб топишиға таъсир қилиши мумкин, фақат характер таъсири билан характерни вужудға келтириш мумкин», - деб ёзган эди.

Қобилият – шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишини мувафакқиятли бажаришдаги субъектив шарт-шароитини ифодаловчи индивидуал психик хусусиятлардир.

Фалсафа тарихида қобилият узоқ давргача «ўзгармас ирсият», наслдан-наслға ўтувчи алоҳида қуч сифатида талқин этилган. Бундай қарашлар дастлаб инглиз философии Ж.Локк ва французатериалистлари томонидан танқид қилинган. Қобилиятни ривожлантирувчи мумкин бўлган анатомик физиологик хусусиятлар туғма бўлади.

Эмнатия - бошқа одамларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларға ҳамдардлик қилиш қобилиятидир (биргаликда дардлашмоқ).

Перцептив қобилият – идрок жараёнининг асосий тузулиши биринчи бўлиб, буи дрок объектларини билиб олиш ва уни хотира образлари билан солиштиришдан иборатдир.

Яъни идрок этиш боғчадаги талабани олдига кубуларни қўйилган расмлари билан қўйиб чиқади. Одамларни солиштириш образи.

Дидактик қобилият – талабалар билан мулоқот қилишда, педагогиканинг таълим қонуниятини ҳамда методларини ўрганган ҳолда, қилишнинг таълим, барс олиш қобилиятидир ва ибратли дарс бериш.

Конструктив – педагогнинг ўз ишини режалаштира олишидир.

Коммуникатив қобилият – бошқа одамлар билан бўладиган мулоқотни яхшилайдиган ва биргаликдаги фаолиятда психологик қовушувчанликни таъминлайдиган қобилиятдир.

Ўқувчи билан ўзаро мулоқотда бўлиш. Мисол: Фалон домла биз билан самимий муносабатда бўлади ёки бўлмайди.

Билиш қобилияти – билим эгаллаш ва уни ўзлаштиришни таъминлайди.

Англаш(тушуниш) қобилияти – айрим ҳаракатларни одам қилади, англамаган ҳаракат, одам онгли ҳаракат қилади.

Кўп сонли педагог, тарбиячи, мактаб директори, илмий мудири ва интернат ходимларидан қобилият ҳақида: «Шахснинг қайси сифатларини сиз педагогик қобилият деб ҳисоблайсиз?»-деб берилган саволга 82 та ёзма жавоб олинган.

Сифатларни куйида келтирамиз:

1. Ўз ишига муҳаббат, талабалар билан ишлашга қизиқиш.
2. Юқори маданиятли катта аудирование ишлата олиш.
3. Ўтиладиган дарсга қобилият, уни яхши билиш, унга қизиқиш.
4. Педагогик такт (ғўзаллик)ка эга бўлиш.
5. Меҳнатга қобилиятли, меҳнатсеварлик.
6. Талабалар жамоасига киришиб кетиш қобилияти.
7. Талабаларга муҳаббат.
8. Ҳаракатчан (энергиялик).
9. Меҳнатга ижодий ёндашиш.
10. Ташкилотчилик қобилиятлари.
11. Жавобгарликни ҳис қилиш.
12. Тарбия билимларининг бутунлиги.

Қобилиятнинг психологик - педагогик характеристикаси. Қобилият - одамнинг шундай психологик хусусиятларидирки, билим, малака орттириш шу хусусиятларга борлик бўлади.

Одамнинг қобилиятлари билим ва куникмаларни эгаллашда муҳим ҳисобланади. Бу билим ва куникмалар эгалландими ёки йукми – буларнинг ҳаммаси, жуда куп шароитларга боғлиқдир.

Қобилият тараккий этмай, суниб кетиши ҳам мумкин. Талабада хали зарур куникма ва малакалар тизими ҳамда мустиқил билимлар ва таркиб топган иш услублари йуклигига асосланаб, жиддий текширмай шошилиш равияда унда қобилиятлар йук деб хулоса чиқариш педагогнинг жиддий хатоси бўлади. Қобилиятлар билим, малакалар, куникмаларда куринади, балки уларни эгаллаш динамикасида намоён бўлади, яъни бошқача айтганда мазкур фаолият учун муҳим бўлган билим ва куникмаларни ўзлаштириш жараёни турли шароитларда канчалик тез, чуқур, енгил ва мустиқкам амалга оширишини назарда намоён бўлади. Демак, қобилият шахснинг фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти ҳисобланган ва билим, куникма ҳамда малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган индивидуал -психологик хусусиятдир. Агар шахснинг маълум сифатлари йигиндиси одамнинг педагогик жихатдан асослаб берилган вақт оралигида эгаллаган фаолияти талабларига жавоб берса, бу нарсa бизга, унда

мазкур фаолиятга нисбатан кобилияти бор деб хулоса чиқаришга асос булади.

Кобилиятлар тараккиётнинг юксак босқичига истеъдод деб аталади.

Истеъдод деб одамга қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган кобилиятлар уюшмасига айтилади. Истеъдод маҳоратнинг дастлабки шартли бўлиб, лекин маҳоратнинг узидан анча узокдир. Мохир уста булмок учун жуда қўп ишлаш керак. Истеъдод меҳнатдан озод қилмайди, катта ижодий ва зўр меҳнатни таказо қилади. Истеъдодли кишилар шубҳасиз меҳнат орқали оламга машҳур бўлган маҳорат даражасига эришганлар.

Педагогик кобилиятнинг асосий турлари. Педагогик фаолиятнинг самарали бўлиши, педагогик маҳоратга эришиш учун педагогда қуйидаги кобилият турлари мавжуд булмоғи ва тарбиялаб етиштирилмоғи лозим. Билим кобилияти, тушунтира олиш кобилияти, нутқ кобилияти, ташкилотчилик кобилияти, обрў орттира олиш кобилияти. диққатни тақсимлай олиш кобилияти. Бу педагогик кобилиятлар шахснинг ахлокий томонини ҳам эмоционал - иродавий томонини ҳам характерлаб беради. Бу сифатларнинг ҳаммаси бир-бири билан узаро боғланган бўлиб, бир-бирига таъсир этади ва бир бутунликни ҳосил қилади.

1. Билиш кобилияти - фанни тегишли соҳаларига оид (математика, адабиёт, тарих) кобилиятидир. Бундай кобилиятга эга бўлган педагог фанни уқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқурроқ билади, уз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша қўзатиб боради.

2. Тушунтира олиш кобилияти - педагогнинг уқув материални талабаларга тушунарли қилиб баён этиш, талабаларда мустақил равишда фаол фикрлашга қизиқтиришдир. Педагог зарур ҳолларда уқув материални узгартира олиш, қийин нарсани осон, мураккаб нарсани оддий, ноаниқ нарсани тушунарли қилиб талабаларга еткази олиш даркор. Педагог талабани мустақил фикрлашини рағбатлантира олади.

Кобилиятли педагог талабаларнинг билим ва қамолат даражасини ҳисобга олади, уларнинг нимани билишлари ва ҳали нимани билмасликларини, нимани унутиб қўйганликларини тасаввур этади.

Бундай педагоглар талабаларни эмас, балки уларини назарда тутадилар. Кобилиятни, тажрибали педагог узини талабанинг урнига қўя олади. Унинг катталарга аниқ ва тушунарли берган маълумоти, талабаларга тушунарсиз ва мавҳум бир нарса бўлиши мумкин. Шунинг учун у баён этишни характер ва шаклини алоҳида уйлаб чиқади, ҳамда режалаштиради.

Кобилиятли педагог материални баён этиш жараёнида турли талабаларнинг қандай ўзлаштираётганларини қатор белгилар асосида тўғри аниқлаб олади. Ва зарурат тўғилган ҳолларда баён қилиш усулини ўзгартиради. У тегишли вазият юзага қелмагунча иш бошламайди.

3. Қўзатувчанлик кобилияти - педагогнинг, тарбияланувчининг ички дунёсига қира олиш кобилияти. Талаба шахсни ва унинг вақтинчалик рухий ҳолатларини жуда яхши тушуна билиш билан боғлиқ бўлган психологик қўзатувчанликдир. Кобилиятли педагог талабанинг ички ва ташқи ҳолатдаги жуда арзимаган ўзгаришларни ҳам фаҳмлаб олади. Педагог бирор талабани ҳафа бўлганини ёки

дарс тайёрламаганини кузидан билади.

4. Нутк кобилияти: - нутк ёрдамида шунингдек имо-ишора воситасида уз фикр ва туйгуларини аник ва равшан ифодалаш кобилиятидир. Бу педагоглик касби учун жуда муҳимдир.

Педагогнинг нутки дарсда ҳамиша талабаларга қаратилган бўлади. Педагог янги мавзунини тушунтираётган, талабанинг жавобини таҳлил қилаётган, маъқуллаётган ёки қоралаётган бўлса ҳам, унинг нутки ҳамиша узининг ички кучи, ишончи, ўзи гапираётган нарсаси билан қизиқаётганлиги биллиниб туради. Фикрлар ифодаси талабалар учун аник ва содда, тушунарли бўлади. Педагог узундан узок жумлалар, мураккаб сўз бирикмалари, қийин термин, ибораларни қуллашдан қочади. Уринли юмор, ҳазил, енгилгина истехзо билан яхши муносабатда бўлади.

Педагогнинг нутки аник, жонли, образли, талаффузи жихатдан эркин, ифодали, ҳис-ҳаяжонли бўлиб, унда стилистик, грамматик, фонетик нуксонлар учрамаслиги лозим. Айримлар тез, айримлар секин гапиришга мойил бўладилар. Талабаларнинг ўзлаштиришлари учун уртача, жонли нутк яхши натижа беради.

5. Ташкилотчилик кобилияти - талабалар жамоасининг уюштириши, талабалар муҳим вазифаларини ҳал этиш руҳлантириш, ўз ишининг тугри уюшганлигини назарда тутати.

Ўз ишининг тугри режалаштира олиш ва уни назорат қила билиш назарда тутилади. Таҷрибали педагогларда вақтни ҳис этириш, вақтни тугри аниклай олиш, белгиланган муддатда ҳусусияти ҳосил бўлади.

6. Обру орттира олиш кобилияти - талабаларга бевосита эмационал -иродавий таъсир қурсатиш ва шу асосдагина эмас, балки педагогнинг фаннинг яхши билиши, меҳрибонлиги, назокатлилиги асосида ҳам қозонилади. Шунингдек, талабаларга таълим - тарбия бериш маъсулиятининг ҳис этишга, ўзининг ҳақ эканлигига ишонишига, бу ишончнинг талабаларга еткази олиш қабиларга ҳам қобилият. талабалар қўполлик қилмайдиган, қўқитмайдиган тугри талаб қўя оладиган педагогнинг ҳурмат қиладилар.

7. Қоммуникатив - тугри муомала қила олиш, қобилиятли талабаларга яқин бўлиш, ўлар билан педагогик нуктаи назардан жуда самарали ўзаро муносабат ўрната билиш педагогик назокатнинг мавжудлигининг билдиради.

8. Қелажақнинг қўра билиш қобилияти - ўз ҳаракатларининг оқибатларининг олдиндан қўриши, талабанинг қелғусида қандай одам бўлиши ҳақида тасаввур билан қобилият бўлган шахснинг тарбиялаб этиштириш олдиндан айтиб бера олишда ифодаланадиган махсус қобилият.

9. Диккатнинг тақсимлаш қобилияти - педагог учун диккатнинг барча ҳусусиятларининг ҳам ҳажми, ҳам унинг қўчилигининг идора қилина олиш ҳам ишга тараққий этган бўлиши муҳимдир. Қобилиятли, таҷрибали педагог материалнинг баён қилиш мазмунининг ва ўз фикрининг диккат билан қўзатади. Аини вақтда барча талабаларнинг ўз диккат этиборига қўртади, толиқиш, этиборсизлик, тушуниш аломатларининг ҳушёрлик билан қўзатиб қўради.

10. Педагогнинг ирода қобилияти, мақсадга эришиш йўлида қўрган қарама-қаршилиқларнинг қўртараф қилиш билан қобилият бўлган онгли ҳатти-ҳаракатлар

иродавий ҳаракатлар деб номланади. Педагогда иродавий сифатларнинг мустакиллик, дидактик, катъийлик, узини тута билиш каби муҳим томонлари булиш керак.

Педагогнинг коммуникатив қобилиятлари

Педагогнинг талабалар билан муомаласи муваффақиятли булиши куп жихатдан унда педагогик қобилиятни мавжудлигига, маҳоратига боғлиқ булади. Психологияда педагогик қобилиятлар деганда инсоннинг муайян психологик хусусиятларини тушуниш қабул қилинган. Бу хусусиятлар унинг ўқитувчи вазифасида талабаларни ҳисобланади. Маълумки, шахсининг у ёки бу қобилиятларини ҳосил қилувчи ҳислатлар ва хусусиятлар орасида бир хиллари етакчи рол уйнаса, бошқалари ёрдамчи рол уйнайди.

Биринчи навбатда перцептив яъни идрок қилиш соҳасида тааллуқли булган хусусиятлар (улардан энг муҳимроғи кузатувчанликдир) етакчи рол уйнайди, педагогга талабанинг психологиясининг, унинг психик ҳолатини ухшаш тарзида идрок этиш, муайян ҳолда умуман синиф коллективининг аҳволига тугри баҳо бериш имконини беради. Педагог шахсининг узаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятлари таркибий қисми сифатида эмпатия, яъни талабаларнинг психик ҳолатини тушунишга ва уларга ачинишга тайёргарликни ҳисоблаш мумкин. Бунинг зарур шарти талабаларга болган муҳаббатдур. Ниҳоят, Педагог шахсининг узаро фикр алмашув билан боғлиқ хусусиятларининг учинчи таркибий қисми деб ичтимой узаро ҳаракатда булган юксак ривожланган эҳтиёжни ҳисоблаш мумкин у билимларни бошқаларга беришга талабалар билан муомала жамоасини ташкил этиш истагида намоён булади. Ташкил этиш қобилияти ҳам педагогик қобилиятларнинг таркибий қисмидир. У барча талабаларнинг ҳар хил фаолият турларига жалб қилинишида, жамоанинг ҳар бир талабага тасир курсатиш куролига айланишида, ҳар бир талабага фаолият, вазиятни таъминлаб беришда намоён булади. педагогда ижтимоий узаро ҳаракатда булган, унда мавжуд булган педагогик назокат майдонга чиқади. Энди педагогик қобилиятлар структурасига кирадиган ёрдамчи ҳислатлар ва хусусиятлардан айримларини куриб чиқамиз.

Бу, аввало, ақл-идрокнинг муайян ҳислатлари: ҳозиржавоблик, танқид кузи билан қараш, собитқадамлик ва бошқа бир қатор ҳислатлардир. Педагогнинг нутқи: нотиклик қобилиятларини мавжудлиги, суз бойлиги ва хоказолар ҳам муҳим роль уйнайди. Табиатда бир қадар артистлик хусусиятига эга булиш (ҳаёл, фантазия ишлата билиш) ҳам талабалар билан муомалада муваффақиятга эришишда муайян роль уйнайди. Педагогик қобилиятлар фақат педагогик фаолият самарали булишининг шартигина эмас, балки куп жихатдан Педагогнинг муваффақиятли ишлашининг натижаси ҳамдир. Шу муносабат билан Педагогнинг узида педагогик қобилиятларнинг аниқ мақсадини кузлаб таркиб топиш ва ривожланиши ката роль уйнайди. Тажриба ва махсус тадқиқотлар бунинг батамом ҳақиқий нарсa эканлигини курсатмокда.

Масалан шахс перцептив хусусиятларининг энг муҳим элементи булган кузатувчанлик Педагогнинг педагогик тажриба ҳосил қилиш жараёнида ҳам, унинг махсус куч-ғайрати натижасида ҳам ривожланади, такомиллашади.

Педагогузининг ижтимоий-психологик кузатувчанлигини, яъни талабаларда турли характер хусусиятлари, майлларини пайқаб олиш қобилиятинигина эмас, шу билан бирга уларнинг пайдо булиш вазиятига мувофиқ баҳо бериш маҳоратини ривожлантиришга қодирдир. Педагог уз талабаларини, улар муҳитидаги узаро муносабатларини, узининг улар билан узаро муносабатларини ҳозирги дақиқада қандай булмасин, ҳуди шундай идрок этиш ва куриш маҳоратини доимо такомиллаштириб бориши лозим.

Бу эса осонгина қулга киритилмайди. Гап шундаки, педагогнинг идрок этиши ҳар қандай кузатувчининг идрок этишига ухшайди, чунки педагог ҳамини талабаларга нисбатан ташқи вазиятда туради, маълум даражада улардан, улар фаолиятдан (унинг ташкилотчиси булса ҳам) узоқлашган булади. Шу сабабли, педагог узи кураётган нарсаларга узининг ижтимоий ривожланиш жараёнида идрок қилган норматив мулоҳазаларини онгли ва онгсиз равишда қолиши мумкинки, педагог учун янги булган ҳодисалар унинг узида мавжуд булган нормалар ва тасаввурлар асосида анъанавий тарзда талқин этилиши мумкин. Бундан ташқари, педагогнинг муайян масалага жавоб излашга интилиши унда аҳамиятли бирор фактни утказиб юбормаслик учун қулай йуналиш ҳосил қилади. Агар Педагог талабанинг ҳатти-ҳаракатларини фақат туғри идрок этиб, баҳо берса, уларни вужудга келтирган сабабларни чуқур кура олсагина, шу билан бирга узида сабот, узини тутта билиш, сабр-тоқат, сезгирлик каби феъл-атвор хусусиятларини ривожлантира олсагина юқоридаги вазифага эришиш мумкин. Педагогнинг уз талабаларини: уларнинг феъл-атвори, тенгдошлари ва атталар билан муносабатларини турли воқеаларга, муаммоларга ва хоказоларга муносабатларини доимо урганиб ва билиб боришга интилиши муҳимдир. Педагог талабаларни қанчалик билиб олса, унда талабалар билан муносабатда хушмуомала булиш имкониятлари шу қадар купроқ булади. Лекин Педагог уз талабалари билан яқинроқ булишга ҳаракат қилар экан, баъзан тегишли дақиқаларда узи эшитмаслиги лозим булган нарсаларни эшитмасдан утиб кетиши лозим. Бунга сабаб эшитиш одобсизлик булиши мумкинлиги ёки вазият ноаниқ булиб турганда, эшитиш дархол аниқлик киритиш зарурлигини тақозо қилишидир. Талабалар билан уз муомаласини бақриқ вам айда-чуйда нарсаларга аралашушга айлантириб юбормаслик учун кундалик ишларда ниманидир сезмай қолишни ургатиш муҳимдир.

Ниҳоят баъзан бирор нарсани тушунмай қолиш ҳам фойдадан булади. Буларнинг ҳаммаси педагогларнинг талабалар билан буладиган кичик ихтилофларига барҳам беради, унга талабалар билан буладиган келишмовчиликларга тегишли даражада одоб билан аралашувга ёрдам беради. В.А. Сухамлинский таъкидлаб утганидек, педагог талабалар, айниқса, катта ёшдаги талабалар уртасидаги зиддиятларга жуда эҳтиёткорлик билан аралашуви лозим. У шунингдек, зиддиятларнинг шундай соҳаси борки, унда педагогнинг аралашуви ниҳоятда чекланган булиши, ҳамма келишмовчиликлар ва зиддиятлар ҳам коллективда муҳокама қилиш объекти буомаслиги мумкин ва лозим деб ҳисобланган эди.

Педагогнинг талабалар билан муомаласи жараёнида икки хил хиссий

(эмационал) холат вужудга келиши мумкин. Педагогнинг ижобий хиссиётлари асосида узаро ҳамкорликни ташкил этиш қобилияти ҳақиқий самара беради.

Педагог талабаларга бирор бир нарсани ургата олиши учун улар билан муносабатга киришиши шарт. Муносабат - одамлар уртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжлардан келиб чиқади. Муносабат кишилар уртасида фаолият давомида ахборот айрибошланиш уз ичига олади.

Муносабатнинг иккинчи жихати мулоқатга киришувчиларнинг узаро биргаликдаги ҳаракати нутқ жараёнида фақат сузлар билан эмас, балки хатти-ҳаракатлар билан ҳам айрибошланади. Учинчи жихати муносабатга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларини тақозо қилишдир. Шундай қилиб, ягона муносабат жараёнида шартли равишда коммуникатив (ахборот утқизиш), интерфаол (узаро биргаликда идрок этиш) жихатларини алоҳида қурсатиш мумкин.

Киши биргаликда фаолият қурсатаётганда заруриятга қура, бошқа одамлар билан бирлашиши, улар билан муомалага киришиши, яъни алоқа урнатиши узаро ҳамжихатликка эришиши керакли ахборот олиши ва жавоб тариқасида ахборот бериши лозим. Муносабат талабаларнинг узаро биргаликда ҳаракат қилиши ва фаолият қурсатиши жараёнида уларни бирлаштирадиган восита тилдан иборат эканлигини билдиради.

Турли хил тилларда сузлашадиган кишилар бир-бирлари билан муроа қила олмайдилар. Бу эса биргаликдаги ҳаракатнинг амалга оширилишини амри маҳол қилиб қуяди. Қулланиладиган белгилар (сузлар, имо- ишоралар ва х.к) замирида муносабатда иштирок этаётган шахсларга таниш бўлган тақдирдагина ахборот айрибошланиш мумкин бўлади.

Суз белгилари тизими ҳаёт кечириш ижтимоий - тарихий тажрибани узлаштириш ва утқизиш воситаси сифатидаги тилни топтиради. Қулларида бирор бир меҳнат қуролини ушлаб, қузлари эса ушбу нарсаларга қараб турган вақтда, бир-бирлари билан муносабатга киришиш учун аниқ товушлардан фойдаланиш кишиларга айниқса мойиллик турдиради. Тил ёрдамида муносабатга киришиш туфайли борлиқнинг алоҳида бир кишининг миёсидаги инъикоси бошқа одамларнинг миёсида акс этаётгани билан доимий равишда тулдирилиб туради - уй фикрларни айрибошлаб ахборот бериш қулай беради. Сузлар муайян бир моҳиятга эга, яъни ашёвий оламга аллақандай тарзда тегишли бўлади. Педагог у ёки- бу сузни ишлатганда англашилмовчиликка йул қуймаслиги керак. Моҳиятлар тизими кишининг бутун ҳаёти давомида ривожланиб ва бойиб боради. Уни шакллантириш урта таълимнинг ҳам олий таълимнинг ҳам марказий бугини ҳисобланади. Нутқ бу оғзаки коммуникация, яъни тил ёрдамида муносабат қилиш жараёни демакдир. Ижтимоий тажриба бирор бир моҳиятни англадиган сузлар оғзаки коммуникация воситаси ҳисобланади. Сузлар эшиттириб, ё овоз чиқармасдан айтилиши, ёзиб қуйилиши ёки қар, соқов кишиларда бирор бир моҳиятга эга бўлган имо - ишоралар билан алмаштирилиши мумкин. Одамлар уртасидаги муносабатни телеграф орқали ахборот беришга ухшатиш мумкин эмас. Одамлар муносабатига алоқа борловчиларнинг ҳис-ҳаяжони ҳам қонуний равишда жалб этилган бўлади. Коммуникациянинг мазмуни муносабатга киришганларга тааллуқли бўлиб,

нуткий фикр мулохазалар билан кушилган холда таркиб топади. Нутксиз коммуникация воситаларига кул бермок ва юз харакатлари имо - ишора, оханг, пауза, турк тароват, кулгу, куз ёши килиш ва шу кабилар киради. Булар орзаки коммуникация воситалари сузларни тулдирувчи ва кучайтирувчи, баъзан эса урнини босувчи белгилар тизимини хосил килади.

Уртогининг бошига тушган кулфатдан хабар топиб унга хамдардлик билдираётган сухбатдоши нутксиз коммуникация белгиларини ишлатади: юзларини гамгин тутати, паст охангда кулларини юзига ё пешонасига куйган ва бошини чангалланган холда чукур хурсиниб гапиради ва х.к. Нутксиз коммуникацияни амалга ошириш учун турли хил ёш группаларда турлича воситалар танланади. Масалан: ёшлар йигидан купинча катта ёшдагиларга таъсир килиш ва уларга уз истакларини хамда кайфиятини етказиш воситаси сифатида фойдаланадилар. Нутксиз коммуникацияда кулланиладиган воситаларнинг ахборотни суз билан етказиш максадларида ва мазмунига мувофиқлиги муносабат маданиятнинг таркибии кисмларидан хисобланади.

Педагог битта сузнинг узини талабага гохо буйрук , гохо илтимос, гохо насихат ва х.к маъно бахш этган холда турли охангда талаффуз эта билиш керак. Нутксиз коммуникация имо-ишора, пантомимика, нуткнинг охангдаги рангбаранглик хам ривожлана боради. Коммуникация жараёнида тескари алокалар шаклланади, яъни талаба хам сухбатининг юзларидаги ифодани укишга (нуткнинг), унинг охангида маъкуллаш ёки маъкулламаслик аломатини пайкашга, катта ёшдаги кишининг сузларига илова буладиган ва кучайтирадиган кул - бармоклар ва юз харакатининг маъноси тушунишни урганади.

5.4. Педагогларнинг тарбияланувчилар билан муомаласи

Муомала-ахборот жараёнидир. Педагог бевосита шахсларга муомалада уз тарбияланувчилари, умуман, жамоа хакида, ундаги ички жараёнлар хакида гоят хилма-хил ахборотга эга булади ва хоказо. Педагог хам уз навбатида муомала жараёнида уз тарбияланувчиларига максадга каратилган ахборотни маълум килади.

Педагог муомала воситаси оркали кандай ахборот олишини караб чикар эканмиз, талабанинг шахси хакидаги ахборотнинг мухимлигини алохида таъкидлаб утиш керак. Муомала шахсни гоят хилма-хил шароит ва куринишларда ургатишга имкон беради. Педагог талабалар билан муомала килар экан жуда майда кисмларни хам англаб олишга кодир булади. Булар сиртдан караганда унчалик ахамиятли булмасада, шахсда содир булаётган, уни тушуниш учун жуда мухим булган зарур ички жараёнлар куринишларининг аломатлари булиши хам мумкин, бунда педагог шахси ката роль уйнайди. Айни хил ходисанинг турли кишилар томонидан талкни унинг шахснинг утмишдаги тажрибасига богликлиги билан изохланади, бу тажрибанинг уч жихати бор: умуман, хаётий тажриба, педагогик фаолият тажрибаси ва муайян жамоа билан, талабалар билан муомалада булиш тажрибаси.

Нихоят, педагогнинг талабалар билан кундалик муомаласи шунга олиб келадики, у талабаларнинг хатти-харакатларидаги чукур маъно ва хақикий сабабни турли вазиятларда пайкаб олади, бунинг учун намуна сифатида у узи

тез-тез кайд килган далиллардан ва талабаларнинг хулк-атвор усулларида фойдаланади. Педагогнинг талабалар билан муомаласи тарбияни бошқариш воситасида сифатида қаралиб, бирлаштирувчи урнини тулдирувчи вазифасини ҳам бажаради. Муомала узаро муносабатлар доирасида содир булади. Бошқариш воситаси булган муомала фаолиятдан олдин содир булади. Бошқариш воситаси булган муомала талабаларнинг фаолиятига ҳамроҳлик қилади. Нихоят, бошқариш воситаси булган муомала фаолиятдан кейин боради.

Муомала ахлоқ қурқи саналади. Хар бир кишининг қандай дунёқарашга эгаллиги, билимлилиги унинг муомаласидан маълум булади. Муомала инсонлар уртасидаги узаро алоқа воситаларидир. Муомалада асосий восита тил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тил алоқа қуроли дейилади. Инсоннинг тили ширин, муомаласи маданиятли бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрӯ-эътибор топади. Сузга чечанлик ҳеч қачон инсонга обрӯ келтирмайди. Шунинг учун ҳам утмишда яшаб утган мутафаккирларимиз тилга, сузга ҳурмат билан ёндашишларини уқтириб утганлар. Улуг бобомиз Алишер Навоий муомала маданияти, ҳушмуомалалик, тилнинг аҳамияти тугрисида, ширинсузлик ҳақида нурхикмат фикрлар баён қилганки, бугунги кунимиз учун ҳам уз аҳамиятини йўқотган эмас. «Тил ширинлиги кунгилга ёқимлидир, мулоҳимлиги эса фойдали Ширин суз соф кунгиллар учун асал қаби тотлидир» дейди А.Навоий. Педагог талабаларга билим бериш учун бир қаторда улар нутқининг ривожланишига ҳам алоҳида аҳамият беради ва бунда у турли педагогик усуллардан фойдаланади.

Талабалар нутқини устиришда педагог (сузи) муҳим аҳамиятга эга: бир томондан, унинг нутқи талабани уқитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади. Бундан шундай ҳулоса қилиб чиқадики, педагогнинг нутқи образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлмоғи, талаба диққатини узига тортмоғи лозим. Зотан нутқ педагогнинг уз мутахассислиги қай даражада лойиқ эканлигини ифодалайдиган улчов, қурсаткич ҳисобланади. Шунинг учун нутқ устида ишлаш, нутқ маданиятини такомиллаштириб бориш хар бир педагогнинг энг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти ҳисобланади. Таълим – тарбия ичида нутқнинг таъсир қучи ниҳоятда қаттадир. Педагогнинг нутқи талабаларнинг узларини тута билишларига, хулк-атвори ва фикр юритишларига ҳам таъсир этувчи қучли воситадир. Педагогнинг нутқида унинг ҳисси, интилишлари ирода ва эътиқоди акс этади. У нутқ ёрдами билан талабаларда ҳурсандчилик, руҳланиш, муҳаббат, садокат, газабланиш, нафратланиш ҳисларини тугдиради. Халқ билан бирга туриш, бирга яшаш муошарат деб аталади. Одамларнинг бир-бирлари билан булган муносабатларининг гузаллиги, мулоҳимлигига «Муошарат одоби» дейилади. инсоннинг энг улуг, лекин мураккаб ва машаққатли фаолиятларидан бири одамлар орасида, яъни ҷамиятда уз урнини топиб яшашида. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, қупчиликка қушилиш, улар билан (алоҳида) аҳил бўлиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши қерак. Муомала ва муносабат қупчиликнинг дилига тугри қелмайдиган қупол ва дилозор одамни қупчилик ёқтирмайди. Инсонлар ҳушфеъл,

ширинсухан, мард, муомаласи ширин кишиларни дилдан ёктиришади ва хурмат-эътибор килишади. Инсонлар орасида муносиб урин топиш, иннок, иттифок яшаш шартларидан бири одамнинг камтарлигидир. Камтарин инсон ҳеч қачон узининг ютуғи билан, бой-давлатлилиги билан, илм-хунари билан мактанмайди, ҳамма вақт камгап, содда булади. Аммо инсондаги камтарлик самимий булмоғи зарур.

Суз инсон калбини илитади, суз инсон калбини жароҳатлайди. «Тиг яраси кетар, суз яраси кетмас» деган халқ мақоли бекорга айтилган эмас. Чунки сузнинг қудрати бениҳоя катта. Инсон уз сузига, тилига ниҳоятда эҳтиёткор булмоғи лозим. Айрим ёшларимизда сузга, тилга эътибор анча суст. Энг аввало, ёшларга муомала маданиятини, катталар олдида маҳмадоналик қилмасликни, катталар гапини булмасликни, ёши улугларга гап қайтармасликни ургатишимиз зарур.

Муомала маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойида, транспортда, уйда шунинг учун ҳам биз ким билан қандай муомала қилишни билишимиз керак. Инсоннинг қанчалик билимли, ақл-заковатли эканлигини муомала орқали намоён булади.

Одамлар бутун ички дунёсини, мақсадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига суз ёрдамида етказишади, амалга оширишади. Шу туфайли сузлашув муносабатларини ниҳоятда гузал ва мулоқим бўлишини ҳаёт тақозо этади. Сузга бой, ширинсухан кишиларнинг муомалалари ёқимли, иши ҳам юришган булади. Бундайларни одамлар ёктиришади, ҳурмат қилишади. Сузлашув ҳам узига хос санъатдир. Бу санъатни мукамал урганиш ҳар бир инсонга зарур. Шу билан бирга, она тилини мукамал урганмок ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Тилни билгач: уни ишлата билиш санъатини эгалламок инсон учун зарурдир.

Ширин сузлик ва гузал нутқ ҳеч қачон, ҳеч қачонда сотилмайди. Бунга эришмокликнинг биргина йули бор. Бу ҳам булса, тинимсиз ширин сузлашни машқ қилмокликдир. Бу эса, асосан, қуп қитоб уқиш йули билан амалга оширилади. Муомала инсоннинг қимлигини қурсатувчи юзидир.

Муомала категорияси умумий психология фанининг асосий категорияларидан бири ҳисобланиб, у уз ичига шахслараро муносабатнинг энг муҳим механизмларини қамраб олган. Психология фанида муомала категорияси қенг алоқани муҳассамлаштириб, одамлар уртасида узаро муносабатни ақс эттиришади. Муомаланинг энг муҳим тарқиғи мулоқот саналиб, мотивацияда мотив қандай аҳамият қасб этса, у ҳам худди шундай муҳим роль уйнайди. Муомала ҳамқорлик фаолиятининг эҳтиёжидан вужудга қелиб қуп қирралари қараёнидир. Муомала қуйидаги тарқибий қисмлардан ташқил топган.

1. Қоммуникатив (бир томонлама ахборот узатиш).
2. Муомала уз ичига ҳамқорлик фаолиятининг қатнашчилари билан узаро ахборот алмашинувини қамраб олган бўлиб, қоммуникатив қабҳа сифатида тавсифланиши мумкин. Одамлар бир-бирлари билан мулоқотга қиришиши қараёнида муомаланинг муҳим воситаларидан бири тилга ва нутқ фаолиятига бевосита мувоқат қилиди.

3. Интерфаол (икки томонлама таъсир) -мулокотга киришувчиларни узаро таъсири, уларнинг нутк фаолиятида нафакат суз оркали фикр алмашинуви, балки хатти харакати ва хулк- атвори узаро таъсир утказиш тушунилади.

4. Узаро бир-бирини идрок килиши, англаши. Бунда мулокотга киришувчилар узаро бир-бирини идрок килиши жараёни намоён булади. Яъни, улардан бири иккинчисининг ишончига лойик аклли, фаросатли, тажрибали, юксак тайёргарликка эга инсон сифатида идрок килинади.

Педагогик муомала- бу педагогнинг талабага таъсир утказиш уларнинг бир-бирлари билан ҳамкорликларининг фаолиятидир.

Хамкорлик узаро ахборот алмашинуви -турлича коммуникатив воситалар ёрдамида педагог томонидан талабалар билан узаро муносабатни ташкил килади. Педагогик фаолиятда муомала муайян дастур асосида мақсадни амалга ошириш, режалаштириш ва утказиш функциясини бажаради. Яъни муомала:

- Укув фаолиятини яқка хол бажаришнинг воситаси;

- Тарбия жараёнини таъминлашнинг ижтимоии-психологик тизими;

- Таълим ва тарбиянинг муваффақиятини таъминловчи педагог билан талабалар узаро муносабатининг муайян тизимини ташкил килишнинг усули;

- Талаба индивидуаллигини такомиллаштириш, истеъдодини қарор топшириш имконини берувчи жараён сифатида хизмат килади.

Муаллим педагогик жараёнда етакчи кишидир. Унга ёш авлодни уқитиш ва тарбиялаш вазифаси юклатилган. Шунинг учун ҳам педагогга, унинг ахлокий сифатларига талабалар билан муомаласига нисбатан алоҳида юксак талаблар қўйилади. Муаллим ҳаётга эндигина кириб келаётган, барқамол шахс сифатида шаклланаётган инсонлар -ёш талабалар билам мулокотда булади. Талабалар таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва миллий ахлоқ нормаларини ушлаштиради. Талаба муомала одобини ағосан педагог тимсолида англаб олади. Педагоглар жамоасида педагоглар уртасидаги муомала-муносабатлар инсонпарварлик, ихтиёрийлик тамойилларига асосланади. Улар одатда, икки хил бўлиб, бири-расмий, иккинчиси-норасмий муомала дейилади. Расмий муомала-муносабатлар Ўзбекистан Республикасининг қонунлари, директив ҳужжатларига асосланади. Норасмий муомала педагогик этиканинг қонуниятларига асосланади ва жамоанинг ҳар бир аъзоси томонидан ихтиёрий равишда бажарилади. Муомала одоби психологик қонуниятлар, одоб нормалари, қоидаларида талаблари педагоглар жамоасининг фикри асосида бажарилади. Ёшларга таълим-тарбия бериш бир кишининг иши эмас. Уни педагоглар жамоаси бажаради. Таълим-тарбияда қўзда тутилган мақсадга эришиш учун укув юрти бутун жамоаси, »ҳамма педагоглари бирлашиб ҳаракат килишлари лозим. Ҳар бир муаллимнинг хатти-ҳаракати, ҳулки, муомаласи педагоглар жамоасининг мақсади талабларига мос бўлмоғи керак. Жамоанинг айрим педагогга таъсири педагоглар жамоасида шаклланган муомала одоби муносабатларига бог-лик. Ҳар бир талабанинг тарбияси учун маъсулиятнинг бирлиги педагоглар жамоасининг талабага нисбатан талабларидан биридир. Дарсда талабаларнинг интизоми педагогик жамоадаги муомала одоби ахлокий муносабатлар даражасини қўрсатади. Қоллежда укув интизоминини сақлаш бутун педагоглар жамоасининг иши. Педагоглар жамоасида узаро ёрдам ва

ишончнинг мавжудлиги муомала одобига амал килишнинг мухим шартидир. Муомала одобига риоя килиш педагоглар жамоасининг максадига педагогларнинг ахлокий савиясига борлик. Педагоглар жамоасида узаро муомала муносабатлар укув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга масъулият ва интизомни саклашга асосланади. Педагогик жамоада соглом аклий-рухий мухит мавжуд булса, ахлокий норма ва йул-йуриklar бажарилибгина колмасдан, балки улар хар бир муаллимнинг эътикодига, одатига айланади. Педагоглар жамоасининг шахе ва жамоа учун фойдали ишларига асосланган таъсири натижасида муаллимнинг маънавий киёфасида чукур сифат узгаришлар содир булади. Ижтимоий бурчни тугри англаш, хулкени тугри бахолай олиш одати шаклланади. Жамоада узаро муомала яхшиланади. Муомала жараёнида унинг максадга мувофик амалга оширишни таъминлаш учун ижтимоий назорат ва ижтимоий конун-қоидалар мухим ахамиятга эга. Бу назоратда учта мухим таъсир этиш воситаси иштирок этади: маъқулламаслик, коралаш, жазолаш.

Муомала жараёнида талаба ёки талаба хулки ижтимоий конун-қоидалар маромига зид келса, у холла унинг хатти-харакати кораланади, эътироз, танбех, эслатиш каби воситалар билан таъсир утказилади. Муомала вақтида одоб, одобилик мухим ахамиятга эга. Унинг асосий вазифалари: ахборот алмашув, узаро таъсир, узаро идрок килиш, турри амалга ошишини идора килиб туради. Хар бир фикр билдирилганда, мулоқотдош қабул қилаётганини фахмлаб туриш, ташки қуринишлари узгаришига эътибор бериш, узр сураш тавозе билан муружат килиш эвазига муомала одоби ушлаб турилади. Муомала жараёнида баъзи бир хатти-харакат уйламай билдирилган фикр, ортикча имо-ишора одобсизликка олиб келади. Одобсизлик эса низоли вазият, карама-қаршилиқ, зиддиятли вазиятни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида муомала фикр алмашув узини вазифасини низоли вазиятга бушатиб беради. Педагогик муомалада психологик алоқа урнатиш алохида ахамиятга эга, чунки талаба билан узаро муносабат, хурмат ишонч негизида қурилади.

Бунда педагог талабанинг ҳуқуқ мажбуриятини, унинг коллежда, жамоат жойларида, оилада бажарадиган вазифаси нимадан иборат эканлигини эътибордан четга чиқармаслиги лозим.

Педагогнинг талабаларга таъсир утказиш самараси унинг принципиаллиги ва талабчанлигида уз аксини топади. Бундан ташқари у узига ҳам ута талабчан бўлмоги, шахсий намунаси билан табиий равишда обрӯ-эътибор қозонмоги лозим. Муомала жараёнида ва ҳамкорлик фаолиятида педагогнинг талабаларга таъсир утказиш натижасида уларда:

- уз-узини ва узгаларни хурмат килиш;
- уз-узини ва бошқаларнинг фаолияти, хулкени бахолаш;
- уз-узини бошқариш;
- уз-узини назорат ва узгаларни назорат килиш;
- уз -узини такомиллаштириш ва янги қазилатларни эгаллаш шаклланади.

Дустона муомалада талаба билан педагог уртасидаги билимларни пухта узлаштиришни таъминлайди ва муқаммал шахсий қазилатларни тарқиб топтиришга хизмат қилади. "

Педагогик жараёнда содир. буладиган муомала одоби, муаллимнинг ахлокий маданияти, тарбияланшнлик даражаси акс этади. Муаллимнинг педагогик касб эгаси сифатида узига, уз касбига талабаларга булган муносабати унинг мулоқотида яккол намоён булиши мумкин. Педагогик жараёндаги алоқалар тизимида педагог билан талаба уртасидаги муомала муносабатлар катта урин эгадлайди. Педагоглар жамоасида ижодкорлик мухити муомала одобининг шаклланишида жамоат ташкилотларининг роли каттадир. Улар муаллимнинг обрусини ошириш жамоат ишларига фаол катнаштириш йули билан педагогнинг ахлокий педагогик маданияти, маъсулияти оширишига кумаклашади. Муаллим хар-бир сузини уйлаб гапириши, бошқаларнинг касбдошларининг сузи, фикри, мулохазаларини тинглай олиши ҳам педагогик жамоада узаро муомала муносабатларини яхшилашга хизмат килади.

5.5. Педагог ва талаба уртасидаги мулоқот

Талабалар билан муомала килиш педагогнинг уз тарбияланувчилари билан мулоқот олиб бориш махоратини такозо этади. Биз учун эса сузлашишни билиши лозим. Сузлашишни, мулоқот олиб боришни доимо урганиб бориши лозим. У дарсни самарали олиб боришни, сузлашишни билиши, суҳбат, лекция, хикоя килиш каби усулларида фойдаланиши, умуман бутун таълим-тарбия жараёнида талабалар билан мулоқотни йулга куя олиши лозим.

Мулоқот – юнонча суз, сузлашув, суҳбатлашув, шахслараро суҳбат ва фикр олишув, оғзаки нутк шакли икки ёки ундан ортик шахсларнинг сузлашувидир.

Педагог билан талаба уртасидаги мулоқот булиши учун педагогда етарли даражада қобилиятга эга булиши керак ҳамда уз - узига доимо қуйидаги саволларни бериши ва унга жавоб беришга ҳаракат килиши керак:

Нимага ўргатиш, кимни ўргатиш, қандай ўргатиш.

Нимага ўргатиш:

а) илм – фандаги янгиликларни англаш, Янги Фан терминларини тушуниш, укув предметини тулик узлаштириш;

б) малака, қуникма ва қобилиятни шакллантириш;

в) укув предметлари уртасидаги боғлиқликни амалга ошириш;

г) укув мазмунини тушунарли тизим асосида қуриш.

Кимни ўргатиш:

а) талабаларни баъзи психик хусусиятларини (эслаб қилиш, нутқи, фикрлаш...) ҳамда уларни қай даражада уқимишли, тарбияли эканликларини аниқлаш;

б) талабаларнинг бир даражадан иккинчисига утишдаги қийинчиликларини олдиндан аниқлаш;

в) укув-тарбия жараёнини ташкил этишда талабаларнинг далиллари, фикрларини ҳисобга олиш;

г) талабалардаги турли психик узғаришлар ва ривожланишни ҳисобга олиб, уз педагогик меҳнатини ташкил этиш;

д) иқтидорли талабалар билан ҳам ишлаш, яққа ҳолдаги ишни ташкил этиш.

Қандай ўргатиш:

а) иш жараёнида ишлатиладиган қуч ва кетадиган вақтни ҳисобга олган ҳолда

укитиш ва тарбиялашнинг турли усуллари мажмуини ишлатиш. **(Юсупов Д. «Иқтисодий таълимда янги педагогик технологияларни куллашнинг назарий ва амалий асослари» Битирув малакавий иши 2005 йил.)**

Педагогик таъсир курсатишнинг асосий усуллари, бу талаб, истикбол, рағбатлантириш ва жазолаш, жамоатчилик.

Талаб - тажрибада жуда кенг тарқалган усул бўлиб, таълим- тарбия жараёнида педагогнинг тарбияланувчига шахсий муносабатининг намоён бўлиши йули билан ёки бу хатти-харакатларининг рағбатлантирилиши ёки тухтатилишини таъминлайди.

Истикбол-таъсир курсатишнинг жуда таъсирчан усули бўлиб, у талабаларнинг хатти-харакатларини, улар олдига қуйилган мақсадлар, уларнинг шахсий интилишлари, қизиқишларига айланади.

Рағбатлантириш ва жазолаш-талабаларни ҳулқ-атвориға қузатиш қиритишни, яъни фойдали хатти-харакатларни қушимча рағбатлантиришни ва тарбияланувчиларнинг номаъқул хатти-харакатларини тухтатишни таъминлайди.

Жамоатчилик фикри – тарбияланувчиларнинг ижтимоий-фойдали фаолиятини ҳоят ҳар томонлама ва мунтазам рағбатлантириб боришни таъминлайди.

Талаб-педагогик таъсир курсатишнинг бошланғич усули бўлиб, тарбияланувчиларда узиға нисбатан маъсулият ва талабчанликни рағбатлантиришда алоҳида вазифани бажаради.

Узаро фикр алмашиш билан таъсир курсатиш воситалари: ишонтириш, таъсир қилиш, узаро фикр алмашиш билан таъсир курсатиш.

Ишонтириш педагогик таъсир курсатиш усули сифатида дарсларда уқув ахбороти, ижодий суҳбатлар, мунозаралар шаклида қулланилади. Тарбиявий ишда гуруҳий ва якка суҳбатлар, мунозаралар, сийсий ахборотлар шаклида қулланилади.

Таъсир қилдириш қиши психикасига назоратсиз қириб, унинг фаолиятида хатти-харакатлар, сабаблар, интилишлар билан амалға оширилади. Таъсир қилиш-шундай бир психик таъсир курсатишқи, қиши уни онгининг етарли назоратсиз идрок этади.

а) Педагогик вазиятларни такқослаш ва умумлаштириш, усулларни қуйиш;

б) Талабаларға якка индивидуал ҳолда муносабатда бўлиш, уларни мустақил ишларини ташқил этиш.

Педагог талабалар билан бўладиган мулоқотида қуйидақи малақаларни эғаллаган бўлиши лозим: ташқи қиёфани назорат қилиш нутқни эғаллаш, педагогик муносабат маданиятини эғаллаш, ташқилотчилик маҳорати, уқув тарбия жараёнини бошқариш услубларини эғаллаш.

Муносабатларни бошқариш услублари:

1. Авторитар услуб.
2. Демократик услуб.
3. Либерал услуб.

1. Авторитар услуб.

Узи якка ҳолда гуруҳ фаолиятини йуналишини белғилади.

- Узи курсатма-буйрук беради.
- Жавобгарликни уз буйнига олади.
- Сузсиз буйсунишни даъво этади.
- Каттик интизомни талаб этади.
- Айтилган нарсани тулик бажарилишини талаб этади.
- Гап кайтаргани, гап ургатгани ёқтирмайди. Айтган ташаккури ҳам буйрукдай чиқади. Сузлари каттик ва купол. Бирон бир масалани тушунтирмайди, лекин талаб этади.
- Мулоқотга киришишнинг асосий шакллари: буйрук, курсатма бериш, кулланма билан ишлаш, хайфсан эълон қилиш.
- Муомалада купол, дагал, дук-пуписали мажбур этиш, курқитиш, чуқитиш орқали қилишади.
- Авторитар услубнинг ижобий томони фавқулодда вазиятлар ишлатилиши (ёнгинда, сув тошқинида)
- Муносабатни бу услубда бошқарилиши атрофдагилар учун қийин ёки оғир аҳвол.

2. Демократик услуб

Жамоа фикрига таяниб иш олиб боради.

- Жамоа фикрини, ташаббусини маъқуллайди, ривожлантиради, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарайди.
- Бошқалар фикрини узиники қилиб олади.
- Мулоқотга киришишнинг асосий шакллари: илтимос, маслаҳат бериш, самимий муомала.

3. Либерал услуб.

- Ташаббуссиз жамоа ишига аралашмайди, ҳамма масалаларни юзаки қараб чиқади. Узининг фикри йук, жавобгарликдан узини четлатади. Иш натижаси билан қизикмайди.
- Талабаларга эътиборсизлик билан, беғам қарайди.
- Уз ишига совуққонлик билан қарайди.

Илмий педагогик адабиётларда қуйидаги муносабат турлари қўрилган:

- ҳамкорликдаги муносабат- устун орқали муносабат
- дустона муносабат - носамимий муносабат
- ораликдаги муносабат- бекорчи муносабат
- қурқув орқали муносабат - диалог ва монолог

Инсон узини қўраб олган олам билан узаро биргаликдаги ҳаракати, одамлар уртасидаги ижтимоий ҳаёти ва ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида топадиган муносабатлар тизимида юз беради. Қишилар иш жараёнида табиат билангина эмас, балки бир бирларига ҳам узаро таъсир қўрадилар.

Педагогик мулоқот - бу педагогнинг қўлай психологик муҳитни яратишга қаратилган талабалар билан қасбий муомаласидир. Нотўғри педагогик мулоқот қўқув, ишончсизлик тўғдиради ва диққат, хотира, имқоният, ишчанлик қўбилиятини пасайтиради. Педагогнинг талабалар билан муомиласи унга ёнгилик. қўвонч олиб қилиши, фаолиятида ҳаракатга ундаши қўрак. Педагог ва талаба муомиласида ҳар бир марса ҳурмат ва талабчанликка асосланиши лўзим.

Педагогик мулокат социал - психологик жараён сифатида куйидаги функциялар билан -характерланади: шахсни билиши, ахборот алмашиши, фаолиятни ташкил эттиш ва маънавий муҳитни яратиш қабилар.

Педагогик маҳоратга педагогик билимлар билан бир қаторда педагогик техника соҳасидаги малака ҳам қиради. Улар тарбияга озрок қуч сарфлаб, Қуноқ натижаларга эришиш имқонини беради. Хар бир моқир педагог шахсни шакллантириш билан боғлиқ бўлган, мақкур масалаларни хал қилиши лозим. Педагогдан қуч - қайратни, қатъиятти, тиришқоқликни, тадқиқотлар олиб боришга интилишини, янги вазиятга, янги жамоага қириш қобилиятини, самимиятти, тутурилик ва халолликни, утқир ақл -идроқни, бир воситани бошқаси билан текшириб қуриш малақасини талаб қилинади. Педагогик маҳорат узига талабалар ҳақидаги, таълим тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни, методлари ҳақидаги қенг билимларни қамраб олади. Бу билимлар умумий педагогик маданиятни ташкил этади. Педагог бу маданиятни эгалламаса, ҳеч вақт қинақам уста бўла олмайди. Замонавий педагогга биргина умумий маданиятининг узи қифоя қилмайди. У талабаларни қузатиш, уларнинг усишидаги муҳим нарсаларни қамиятда вуқудга қелган, асосий ижтимоий қоялар билан таққослаш, уларни ривожлантириш йуллари ва усулларини аниқлаш, турли воситалар тарбиявий таъсир қурсатиш усулларининг узаро бир бирига утиши диалектикасини қуқур тахлил қилиш, педагогик изланишлар ва ютуқларни илмий қихатдан бир системага солиш малақаларига эга бўлади.

Педагогик малака билим ва қуниқмалар фаолиятнинг маълум турини эгаллаб олиш, яхши бақара олиш қобилиятидир. Педагог фаолиятига оид бундай малақаларга қуйидагилар қиради.

А) Амалий конструктив малақалар:

1. Амалий тарбиявий ишларини реқалаштириш, фаолиятнинг энг муҳим қоидаларини аңглай билиш.
2. Хар бир талабага нисбатан уни жамоа шароитида тарбиялашнинг индивидуал дастурини тузиш.
3. Талабаларнинг ёшлиқ ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларга нисбатан индивидуал муносабатни ошириш.

Б) Ташкилотчилик малақалари:

1. Талабалар орасидаги фаолларини аниқлай билиш, танлай билиш ва уларни идрок қилиш.
2. Талабаларнинг турли ҳилдаги жамоа, индивидуал фаолиятини уюштира билиш ва уларни ижтимоий фаоллигини билиш.
3. Талабаларга берилган ижтимоий топшириқлар берилиши юзасидан назорат урнатиш ва уларга зарур вақтда амалий ёрдам бериш.
4. Узи раҳбарлик қилган гуруздаги амалий ишларни амалга ошира билиш.
5. Ота - оналар, қенг жамоатчилик уртасидаги ишларни билиш.

Талабаларга талаблар қуйиш методлари қуйидагилардан иборат: талабанинг ахлоқ қоидаларини, барча предмет бўйича билимларни бақолаш, укув юртининг, қоллежнинг ички тартиб қоидаларини, таълимда тушунтириш жараёнида қулланади. Шуни назарда тутиш қераққи, уқишдаги бурч ва маъсулиятни билиш, машқ қилиш, талабаларни меҳнат қилишга ургатишдан

иборатдир. Талаба коллежда яхши укиши, самарали хизмат килиши, яхши дам олиши, хамма вакт кизикарли Машғулот билан банд булиши мақсадга мувофиқдир. Бундай фаолиятни уюштириш педагогнинг маҳоратига боғлиқ. Педагог олдида қуйилган талаблар:

1. Фаолиятнинг аниқ мақсадларини талабалар жамоаси ҳам, талаба ҳам аниқ ҳис қилсин.

2. Фаолиятни амалга ошириш педагоглар ташаббуси ва ижодий фаолликка боғлиқ. Бунда ишни тақсимлаш, режалаш, ҳисобга олиш, натижа чиқариш қабиларни талабаларнинг узларига ҳавола қилиш керак.

3. Педагог фаолиятга педагогик раҳнамолик қилади, уларни ижодий одатларини шакллантиради.

4. Фаолият жараёнида ҳар бир талаба ижрочилик муҳақасига эга бўлади.

5. Иш натижасини муҳокама қилиш, иштирокчиларни рағбатлантириш.

Инсоннинг ахлоқий тарбияланганлигини унинг атрофидаги нарсаларга бўлган турли-туман муносабатларда намоён бўладн. Амалий фаолият кишининг ахлоқий тарбия тизимининг муҳим томонидир. Шунинг учун талабаларга яхшилик қилиш ва меҳрибонлик ички кечинмалар билан эмас, балки педагог фаолиятидаги асосий вазифа ҳисобланади.

Муомала шахс фаолияти учун муҳим ҳисобланади. Шунинг учун педагог укув тарбия жараёнида талаба шахсини шакллантиради. Муомила шахсга узини танишни ургатади. Педагог дарсни режалантирар экан, талабаларнинг факат ахборотни эгаллашлари билан чегараланмасдан, ёрдамга муҳтож бўлганларга шароит яратиш, уларнинг кизикмшини таъминлаши лозим. Муомала жараёнини икки типга бўлиш мумкин: диалог ва монолог. Монолог муомилада ҳамкорлик бир томоннинг ижрочилиги асосида қурилади. Педагогик фаолият педагогнинг талабалар билан муносабата-жараёнидаги ишни демократик ташкил этади ва биргаликда амалга оширилади.

Текшириш ва ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар

- 1. Педагогик маҳорат ҳақида тушунча беринг?**
- 2. Педагогик техника ҳақида тушунча беринг?**
- 3. Педагогнинг уз рухий ҳолатини бошқариш техникаси деганда нимани тушунаси?**
- 4. Педагогик мулоқот деганда нимани тушунаси?**
- 5. Нутқ маданияти деганда нимани тушунаси?**
- 6. Педагогнинг муомала маданияти деганда нимани тушунаси?**
- 7. Педагог диктатни жалб қила билиши учун узини қандай тутиши лозим?**
- 8. Сиз уз педагоглариңиз фаолиятини қандай баҳолайсиз?**

АДАБИЁТЛАР

1. Азизхужаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.:ТДПУ, 2003.
2. Ишмухамедов Р.Ж. “Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йуллари”. – Т.: ТДПУ, 2004.
3. Сайидахмедов Н. “Янги педагогик технологиялар”. –

4. Очилова Г.О. "Педагогик махорат" Тошкент., "ТДИУ" 2005 йил
5. Педагогика профессионального образования. Под. ред.
В.А.Сластенина. Москва «Академіа». 2004

2-БЎЛИМ

1 - БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ, ПРЕДМЕТИ. ЯНГИЧА ТАФАККУР ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА ШАКЛЛАНИШИ ШАРОИТИДА ПСИХОЛОГИК БИЛИМЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

- 1.1. Янги давр ва психология.
- 1.2. Психология фан сифатида.
- 1.3. Психологиянинг предмети.
- 1.4. Психика ва унинг намоён бўлиш шакллари.
- 1.5. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни.
 - 1.5.1. Психология ва фалсафа.
 - 1.5.2. Психология ва социология.
 - 1.5.3. Психология ва педагогика.
 - 1.5.4. Психология ва табиий фанлар.
 - 1.5.5. Психология ва кибернетика.
 - 1.5.6. Психология ва техника фанлари.
 - 1.5.7. Психология ва иқтисодиёт.
- 1.6. Психологиянинг тармоқлари.

1.1. Янги давр ва психология

Психология соҳасида мукаммал дарсликлар ёзила бошлаган даврга деярли 160 йил бўлди. Шу давр ичида жуда кўплаб илмий тадқиқот натижаларини ўз ичига олган монографиялар, дарсликлар, қўлланмалар ёзилди. Лекин, бу билан фаннинг жамият ҳаётида тутган ўрни жуда ошиб кетди, деб бўлмайди. Сабаби, психология соҳасида фаолият кўрсатган барча олимлар кўпроқ диққатларини мавҳум шахс ва индивидуал психологияга қаратдилар. Ваҳоланки, инсон, унинг баркамоллиги, жамият тараққиётига бевосита таъсири масаласи ҳозирги даврга келиб, ўта долзарб ва муҳим муаммолар қаторидан жой олди.

XX асрда инсоният техника, электроника ва бошқа шунга ўхшаш мураккаб технологияларни яратгангани билан характерланса-да, вақти келганда, шундай ҳолатга дуч келамизки, мураккаб электрон техникани яратган ўта ақлли инсон ўзи ва ўзи атрофидагиларнинг руҳий кечинмаларини тўғри баҳолай олмаслиги сабабли, ўзини ночор ва кучсиз сезиши мумкинлигини ҳаёт исботлади. XXI асрда жуда кўплаб давлатларда бўлгани каби дунё харитасида муносиб ўрин олган мустақил Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларда туб ислохотлар бошланди. Бу ислохотларнинг барчаси **инсон омилини** ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, унинг кучи, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллигини бевосита тараққиёт, ривожланиш ва цивилизация билан узвий боғлади. Бундан инсон ва унинг мукамаллиги, ўз устида ишлаши, ўз мукамаллиги хусусида қайғуриши муаммоси ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги

“Ўзбекистондаги демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” мавзuidaги маърузасида **еттинчи устувор йўналиш** деб, барча ислохотларнинг пировард натижасини белгилаб берадиган **инсон омили** ва мезони эканлиги бесабаб кўрсатиб берилмагандир. (Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари.- “Туркистон”, 2002 йил 31 август).

Инсон психологиясини билиш, ўз тараққиётини ва иқтидорини ташкил этишни билиш, ҳар қандай ёш даврда ҳам оптимал равишда ишга яроқлилиқни, турли ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрлиқни таъминлаш, янгича фикрлаш ва тафаккур қилиш, рўй бераётган жараёнларни объектив ва тўғри идрок қилиш қобилиятини ривожлантириш муаммосини илгари сурди.

Шундай қилиб, янги давр ҳар бир инсондан ўз ички имкониятларини адекват билиш, шу билимлар заҳираси билан яқинлари ва ҳамкасблари психик дунёсини билишни талаб қилмоқда. Буюк Сукрот ўз даврида «Ўз - ўзингни бил!» деган шиорни ўртача ташлаган бўлса, янги давр «ўз ёнингдагиларни ва уларнинг қилаётган ишларини ҳам бил», деган шиорни ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Айни шу муаммони ечишда ҳозирги замон психология илми ва амалиётининг роли бениҳоя каттадир.

Анъанага айланиб қолган ҳодисалардан бири шуки, психология ва у ўрганадиган ҳодисаларни фақатгина ушбу фан билан бевосита шуғулланадиган кимсалар ўрганиб келишган, зеро, психологик ҳодисалар билан ҳар қандай инсон ҳам таниш бўлиши ва у инсон ҳаётининг асосини ташкил этиши керак. Янги давр ва унинг ўзгаришларга бой ҳаёти энди ҳар бир кишининг психик ҳодисалар қонуниятларини билиш ва шунга мос тарзда оқилона ва омилкорона иш юритиш заруратини талаб қилмоқда.

1.2. Психология фан сифатида

Психологиянинг Фан сифатида дунёга келиши ва ривожланиши кўплаб олимларнинг илмий адабиёт ва дарсликларида баён этилган. Франциялик олим Ж.Годфруанинг “Что такое психология” номли 2-жилддан иборат китобида антик дунёдан бошлаб инсон психикаси, унинг қалби, ҳислари, хулқи масалалари диққат марказда бўлган эканлиги, психологиянинг фан сифатида ривожланишида файласуфларнинг қарашлари, табиий фанлар ривожини, 17-асрдан бошлаб фалсафа фанидан турли фанларнинг ажралиб чиқиши, 18 ва 19-асрларда Кондильяк, Локк, Юм ёндашувлари асослаб берилган. Психологиянинг Фан сифатида ривожланишида немис психологи ва физиологи Вильгельм Вундт (1832-1920)нинг хизмати, унинг томонидан махсус тажрибавий синов лабораторияларининг ташкил этилиши ва моҳияти очиб берилгандир. Демак, психология 1879-йилда Лейпциг Университетида немис физиологи ва психологи Вильгельм Вундт томонидан биринчи психологик лаборатория ташкил этилиб, унда илмий асосда турли тажрибалар ўтказиш бошлангандан кейин мустақил фан сифатида тан олинган.

Психологиянинг пайдо бўлиши ва Фан сифатида эътироф этилишида

биологик, ижтимоий, бихевиор (хулқга кўра), когнитив, психоаналитик, гуманистик, социал-психологик йўналишлар ва уларнинг асосчилари баён этилган. (Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. -496 с. 57-80-б.)

Россиялик психолог олим Р.С.Немов уч жилддан иборат “Психология” китобида психология атамаси 16-асрда биринчи марта қўлланилганлигини, онг ва ўзини кузатиш туфайли инсон ўзидаги психик ҳолатларни ўргана борганлигини, кейинчалик инсоннинг фаолияти соҳасида шу психик жараёнларни ўрганиш зарурати этилганлигини изоҳлаб берган. (Немов Р.С. Психология: Учебник для студ. Вузов., Кн. 1.: 688 с. 8-12 б.)

Ўзбек психолог олимлари Э.Ғозиев, М.Холмухамедов, Х.Иброҳимовларнинг “Психология методологияси” ўқув қўлланмасида психология фанининг фалсафа ва табиатшунослик фанлари негизида пайдо бўлганлиги етарлича далиллар воситасида кўрсатиб берилган. Э.Ғозиевнинг 2 жилддан иборат “Умумий психология” дарслигида психология фанининг предмети, бу фаннинг вужудга келши, асосий соҳалари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, психологиянинг методологияси ва принциплари, фаолият, унинг тузилиши, шахс ва унинг тузилмаси, шахс психикасининг намоён бўлиш шакллари, шахснинг психологик хусусиятларидан қобилият, темперамент, характер кабилар кенг ва батафсил ёритиб берилган. Ўзбек психологиясида шахснинг ривожланишида фаолият, фаолият тузилмаси, касбий фаолият хусусиятлари М.Г.Давлетшин томонидан ўрганилган. Шахснинг ижтимоий таъсирлар маҳсули эканлиги, шахс ва жамият муносабатларининг ўзига хос томонлари, жамиятнинг бир бўлаги сифатида оила институтининг психологияси масалалари Ғ.Б.Шоумаров, Н.А.Соғинов, Б.М.Умаров ишларида ўрганилгандир. Оила масканининг миллий, ҳудудий, анъанавий хусусиятларини ўзбек, тожик, қирғиз, қорақалпоқ, рус оилалари мисолида махсус тадқиқ этиш, унинг мотивлари, шахслараро муносабатлари, никоҳ қуриш омиллари жиҳатидан ўрганиш ишларини психологлардан М.Утепбергенов, Р.Душанов, Е.Моршина, Ш.Жўраеваларнинг илмий ишларидан кўринади. Психология фанида тафаккур хусусиятларини махсус ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари Р.И.Суннатов, З.Т.Нишонов илмий ишларида кузатилади. Шу ўқув қўлланманинг муаллифларидан бири В.М.Каримова ўзининг бир қатор китобларида психологиянинг ижтимоий психологияга алоқадор муаммоларини, чунончи раҳбарлик, лидерлик, мулоқот, самарали таъсир механизмлари, гуруҳ ва шахс психологияси муаммоларини; умумий психологияга алоқадор тафаккур, уни ривожлантириш усулларини, шахсда мустақил тафаккурни намоён бўлиши ва уни самарадорлигига оид масалаларни кўрсатиб берган. Шунингдек, бу муаллифнинг илмий йўналишлари оила, ёшларнинг оила тўғрисидаги ижтимоий тасаввурлари муаммоларига қаратилгандир.

1.3. Психологиянинг предмети

«Психология» сўзи иккита грек сўзларидан - «*psyche*» - жон, рух ва «*logos*»- таълимот, илм сўзларидан иборат бўлиб, анъанавий маънода инсон руҳий дунёсига алоқадор барча ҳодисалар ва жараёнлар унинг предмети таъкил этади. Бошқача қилиб айтганда, психологиянинг предмети ҳар биримизнинг таъки оламини ва ўз-ўзимизни билишимизнинг асосида ётган жараёнлар, ҳодисалар, ҳолатлар ва шаклланган хислатлар таъкил этади. Психология бўйича адабиётларда унинг предмети қисқача қилиб, **психикадир**, деб таъриф беришади. Психика - бу инсон руҳиятининг шундай ҳолатики, у таъки оламини (ички руҳий оламини ҳам) онгли тарзда акс ёттиришимизни, яъни билишимиз, англашимизни таъминлайди. Лекин бу қисқа таърифлардан психикага алоқадор жараёнлар онгинг акс ёттириш шакллари экан, деган юзаки хулосага келиш нотўғри бўлади. Чунки инсон психикаси ва унинг руҳий оламига алоқадор ҳодисалар ва жараёнлар шу қадар мураккаб ва хилма - хилки, биз баъзан ўз-ўзимизни ҳам тушунмай қоламиз. Шунинг учун ҳам одамларнинг билимдонлиги нафақат таъки оламда рўй бераётган объектив ҳодисалар моҳиятига алоқадор билимлар мажмуига эга бўлиш билан, балки ҳаётда муносиб ўрин эгаллаш, ўз ички имкониятлари ва салоҳиятидан самарали фойдаланган холда фаолиятини оқилона таъкил ётишнинг барча сирларидан бохабар бўлиш, ўзига ва ўзгаларга таъсир кўрсатишнинг усуллари билиш ва улардан ўз ўрнида унумли фойдаланишни назарда тутати. Психологик билимдонликнинг мураккаблиги айнан шундаки, атрофимиздаги нарсалар ва ҳодисаларнинг моҳиятини бевосита ҳис қилиб билишимиз мумкин, лекин психикага алоқадор бўлган жараёнларни, ўзимизда, миямиз, онгимизда рўй бераётган нарсаларнинг моҳиятини билвосита биламиз. Масалан, ўртоқларимиздан бири бизга ёкади, доимо бизда яхши, ижобий таассурот қолдира олади, лекин унинг у ёки бу ҳатти - ҳаракатларини бевосита кўриб, баҳолаб, таҳлил қилолсак-да, унга нисбатан ҳис қилаётган меҳримизни, узоқ кўришмай қолганимизда уни соғинаётганлигимиз билан боғлиқ ҳисни бевосита кўриб, идрок қилиш имкониятига эга эмасмиз. Айнан шунга ўхшаш ҳолатлар психология ўрганадиган ҳодисалар ва ҳолатларнинг ўзига хос табиати ва мураккаблигидан дарак беради ва улар бошқа турли ҳодисалардан фарқ қилади.

Шундай қилиб, психология фани ўрганадиган жараёнлар ва ҳодисалар мураккаб ва хилма-хил. Уларни ўрганишнинг икки жиҳати бор: бир томондан, уларни ўрганиш қийин, иккинчи томондан осон ҳам. Охирги жиҳати хусусида шуни айтиш мумкинки, бу ҳодисалар бевосита бизнинг ўзимизда берилган, уларни узоқдан қидириш, мавҳум аналогиялар қилиш шарт эмас, бошқа томондан, улар ўзаро бир - бирлари билан боғлиқ бўлган умумий қонуниятлар ва тамойилларга бўйсунати.

Демак, *психологиянинг предмети конкрет шахс, унинг жамиятдаги ҳулқ - атвори ва турли фаолиятларининг ўзига хос томонларидир*, деб таърифлаш мумкин.

Психиканинг турли шаклларда кўринишлари: психик жараёнлар, психологик ҳолатлар, хусусиятлар мавжуд бўлиб, психик акс ёттириш бир

қатор хусусиятлари билан ажралиб туради, яъни шахс индивидуаллиги орқали намоён бўлади; шахснинг фаолияти жараёнида юзага келади; атрофдаги воқеликни тўғри акс эттириш имкониятини беради.

1.4. Психика ва унинг намоён бўлиш шакллари

1 - Расм

ПСИХИКАНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗARO БОҒЛИҚЛИГИ

ПСИХИК ЖАРАЁНЛАР	ПСИХОЛОГИК ҲОЛАТЛАР	ШАХСНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ
---------------------	------------------------	--------------------------

<i>БИЛИШ ЖАРАЁНИ</i>	<i>ҲИССИЙ ИРОДАВИЙ</i>	<i>ИНДИВИДУАЛЛИК</i>
<i>Сезгилар</i>	<i>Эмоциялар</i>	<i>Йўналишлар</i>
<i>Идрок</i>	<i>эътиқодлилиқ</i>	<i>Темперамент</i>
<i>Хотира</i>	<i>бардамлик</i>	<i>Характер</i>
<i>Тафаккур</i>	<i>тетиклик</i>	<i>Қобилиятлар</i>
<i>Ҳаёл</i>	<i>апатия</i>	<i>Иқтидор</i>
<i>Нутқ</i>	<i>қизиқувчанлик</i>	<i>ақлий салоҳият</i>
<i>Диққат</i>	<i>хайратланиш</i>	<i>хулқ мотивацияси</i>
	<i>ишончлилиқ</i>	<i>иш услуби</i>
	<i>ижодий руҳланиш</i>	<i>Масъулият</i>

1 - расмда психик жараёнларнинг намоён бўлиш шакллари, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар акс эттирилган.

Психология фанининг предмети масаласида психика ва унинг намоён бўлиш шакллари замонавий психологиянинг умумий психология соҳасига алоқадор бўлиб, кўплаб олимлар ўз илмий адабиётларида бу жиҳатни муҳим сифатида қарайдилар. Психиканинг намоён бўлиш шакллари биз (муаллифлар) томонидан таснифи 1-расмда келтирилган.

1.5. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни

Психология яхлит ва мустақил фан сифатида одамларда гуманистик менталитетнинг шаклланишига хизмат қилиб, инсон омилига алоқадорлиги унинг шу йўналишдаги муаммоларни маълум маънода ўрганадиган барча фанлар билан бевосита алоқасини тақозо этади. Булар биринчи навбатда ижтимоий-гуманитар фан соҳалари бўлиб, психологиянинг улар орасидаги мавқеи ўзига хос ва етакчидир.

1.5.1. Психология ва фалсафа

Фалсафа ва унинг охириги пайтларда шаклланиб, ривожланиб бораётган ижтимоий фалсафа қисми билан бўлган алоқа бу иккала фаннинг инсон ва

унинг ҳаёти моҳиятини тўла англаш ва унинг ривожланиб бориш тенденцияларини белгилашдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади. Табиат, жамият ва инсон тафаккурининг ривожланишига оид бўлган умумий қонуниятлар ва тамойилларни психология фалсафанинг базасидан олади ва шу билан бирга ўзи ҳам инсон онги ва тафаккури қонуниятлари соҳасидаги ютуқлари билан фалсафани бой маълумотларга эга бўлишига ёрдам беради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик мафкураси ва миллий онгнинг шаклланишига тааллуқли умумий илмий қонуниятларни излашда ҳам юртимиз шароитида бу иккала фан - фалсафа ва психологиянинг ҳамкорлиги бевосита сезилмоқда. Бу боғлиқлик аввало янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантириш муаммоси кўндаланг турган тарихий даврда миллий мафкура ва миллий ғояни шакллантириш каби долзарб вазифани бажаришга хизмат қилмоқда.

1.5.2. Психология ва социология

Социология фани ҳам янгича ижтимоий муносабатлар шароитида ўз тараққиётининг муҳим босқичига ўтган экан, психология ушбу фан эришган ютуқлардан ҳам фойдаланади, ҳам уларнинг кўлами кенгайишига баҳоли қудрат хизмат қилади. Айниқса, психологиядан мустақил равишда ажралиб чиққан, бугунги тараққиёт давримизда алоҳида аҳамият касб этган ижтимоий психологиянинг социология билан алоқаси узвий бўлиб, улар жамиятда ижтимоий тараққиёт ва ривожланишни таъминлаш ишига хизмат қиладилар. Қолаверса, ҳуқуқий, демократик давлат куриш ишини собитқадамлик билан амалга ошираётган Ўзбекистон аҳолисининг ҳуқуқий маданиятини ва демократик ўзгаришларга психологик жиҳатдан тайёрлигини амалда таъминлаш, бу соҳада мунтазам тарзда ижтимоий фикр ва инсонлар фикр ва қарашларидаги ўзгаришларни ўз вақтида ўрганиш, башорат қилиш ва тараққиёт мезонларини ишлаб чиқишда иккала фанлар методологияси ва методларини бирлаштириш тадбиқий аҳамият касб этади. Шунинг учун жойларда ташкил этилган ижтимоий-психологик хизмат марказлари айтиш шунинг вазифани бажаришга қаратилгандир. Республикамиз миқёсида эса “Ижтимоий фикр” марказининг турли мавзулар бўйича олиб борадиган ижтимоий сўровлари аҳолининг кайфияти, қизиқиши, хохиши, эҳтиёжи, ниятини ифодалаш билан бирга, ҳукумат ва давлат томонидан қандай истиқболли режалар тузиш лозимлигига олиб келади. Ижтимоий-психологик сўровларнинг олийгоҳларда ўтказилиши устоз-шогирд, талаба-ўқитувчи муносабатларини, иш жойларида ўтказиш ходим-раҳбар, ходим-ходим муносабатларини билиб олиш имконини яратади. Бу орқали нафақат социологик сўров, балки инсон шахсига алоқадор психологик хусусиятларни аниқлаш мумкин бўлади.

1.5.3. Психология ва педагогика

Педагогика билан психологиянинг ўзаро ҳамкорлиги ва алоқаси анъанавий ва азалий бўлиб, уларнинг ёш авлод тарбиясини замон талаблари руҳида амалга оширишдаги роли ва нуфузи ўзига хосдир. Республикамизда амалга оширилаётган «Таълим тўғрисидаги Қонун» ҳамда «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий Дастури»ни амалга ошириш ҳам икки фан ҳамкорлиги ва ўзаро алоқасини ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўйди. Миллий дастурда эътироф

этилган янгича моделдаги **шахсни** камол топтириш, унинг чуқур билимлар соҳиби бўлиб етишиши, баркамоллигини кафолатловчи шарт - шароитлар орасида янги педагогик технологияларини таълим ва тарбия жараёнларига тадбиқ этишда педагогиканинг ўз услуб ва қоидалари етарли бўлмайди. Шунинг учун ҳам психология у билан ҳамкорликда ёш авлод онгининг таълим олиш давларидаги ривожланиш тенденцияларидан тортиб, токи янгича ўқитиш технологияларини бола томонидан ўзлаштирилиши ва ундаги ақлий ҳамда интеллектуал қобилиятларга нечоғлик таъсир кўрсатаётганлигини ўрганиш ва шу асосда ишни ташкил этиш психологиядаги методларни дидактик методлар билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Айниқса, маънавий баркамоллик тамойилларини мактабда ва янги типдаги таълим муассасаларида жорий этиш ҳам шахс психологиясини теран билган холда ўқитишнинг энг илғор ва замонавий шакллари амалиётга тадбиқ этишни назарда тутди. Шахсга таълим ва тарбия беришнинг алоҳида эмас, биргаликда қаралишида педагогика ва психология фанларининг ўзаро узвийлиги муҳимдир. Ҳозирги кунларда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш учун таълим олувчининг психологик хусусиятларини билган холда, унга педагогик таъсир этиш ва уни янги билимларга йўналтириш технологияси жорий этилганлиги ҳам бу икки фан бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатади.

1.5.4. Психология ва табиий фанлар

Табиий фанлар: биология, физиология, химия, физика ва б.к. психик ҳодисалар ва жараёнларнинг табиий физиологик механизмларини тушуниш ва шу орқали уларнинг кечиши қонуниятларини объектив ўрганиш учун материал беради. Айниқса, бош мианинг ҳамда марказий асаб системасининг психик фаолиятларини бошқаришда ва уларни мувофиқлаштиришдаги ролини эътироф этган холда психология фани табиий фанлар эришган ютуқлар ва улардаги тадқиқот услубларидан омилкорона фойдаланади. Масалан, шахс қобилиятларини диагностика қилиш унинг туғма лаёқатлари ҳамда орттирилган сифатларини бир вақтда билишни тақозо этгани сабабли, ўша табиий лаёқатнинг хусусиятларини аниқлашда психофизиологиянинг қатор усулларидан (мия ассиметрияси қонунлари, мия биоритмларини ёзиб олиш, нейродинамик ҳодисаларни аниқлаш, қон айланиш ва тана ҳароратини ўлчаш методлари) ўз ўрнида фойдаланади ва биология, анатомия, физиология, нейрофизиология каби фанларнинг шу кунгача эришган ютуқларидан фойдаланади. Шунинг учун табиий фанлар соҳасида эришилган барча ютуқлар психологиянинг предметини мукамалроқ ёритишга ўз ҳиссасини қўшган холда уни бойитади.

1.5.5. Психология ва кибернетика

Кибернетика фани соҳасидаги эришилган ютуқлар психология учун ҳам аҳамиятли ва зарур бўлиб, у инсон шахсининг ўз-ўзини бошқариш ва психик жараёнларни такомиллаштириш борасида ахборотлар технологияси ва кибернетика томонидан қўлга киритилган ютуқлар ва тадқиқот методлари, махсус дастурдан ўз ўрнида фойдаланади. Айниқса, маълумотлар асри бўлган XXI асрда информацион технологиялар ва моделлаштириш борасида психология ҳамда кибернетика ҳамкорлигининг салоҳияти янада ортади.

Масалан, оддий мулоқот жараёнини янада такомиллаштириш, ҳар бир сўзнинг шахслараро муносабатлардаги таъсирчанлигини ошириш мақсадида ҳамда ана шундай ижтимоий фаолият жараёнида шахс тизимини такомиллаштиришда турли кибернетик моделларидан ўринли фойдаланиш замонавий психологиянинг жамиятдаги ўрни ва ролини оширади, махсус компьютер дастурларининг кенг қўлланилиши инсон мияси ва руҳий олами сирларини тез ва аниқ ўрганишни кафолатлайди.

1.5.6. Психология ва техника фанлари

Техника фанлари билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги яққол сезилмоқда. Бир томондан мураккаб техникани бошқарувчи инсон онги муаммосини ечишда, иккинчи томондан, психик ҳаётнинг мураккаб қирраларини очишда махсус техник воситалардан фойдаланиш зарурати бу икки йўналишнинг эришган ютуқларини бирлаштиришни назарда тутди. Масаланинг яна бир алоҳида томони ҳам борки, у ҳам бўлса, техника тараққиётга интилаётган бир вақтда мураккаб техника ва машиналар билан «мулоқот» қилаётган шахс фаолиятини янада мукаммаллаштириш ва унинг имкониятларига мослаш масаласи ҳам ана шу ҳамкорликда ҳал қилиниши лозим бўлган масаладир. Айниқса, мустақил Ўзбекистон учун мураккаб замонавий техника сир - асрорларини биладиган, унинг жамият ва фан равнақига хизматини таъминлаш қанчалик долзарб бўлса, ана шу техникага ҳар бир оддий фуқаро онги, тафаккури ва қобилиятларини мослаштириш ва «одам - машина» диалогининг энг самарали йўллари излаб топиши жуда муҳим. Техника билан бемалол «тиллашадиган» малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам техника фанлари педагогика ва психология фанлари методларидан фойдалана олсагина, муваффақиятга эришади.

1.5.7. Психология ва иқтисодиёт

Иқтисодиёт билан психологиянинг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги ҳам янгилик бўлиб, айниқса, бозор муносабатларига босқичма - босқич ўтиш шароитида иқтисодий онг ҳамда иқтисодий хулқнинг ўзига хос намоён бўлиш қонуниятларини ўрганишда иккала фан тенг хизмат қилади. Ўзбекистон Президенти И. Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фуқароларда, биринчи навбатда, ёшларда янгича иқтисодий тафаккур шаклланишининг жамият иқтисодий тараққиётидаги аҳамиятига эътиборни қаратган эдилар. Демак, янги давр шахсини тарбиялаш ва унинг жамиятга мослашуви масаласида психология иқтисодиёт фанида қўлга киритган ютуқлар, янгиликлар ва иқтисодий самарага эришиш омилларини ҳисобга олса, иқтисодиёт ўз навбатида иқтисодий ислохотларнинг объекти ҳамда субъекти бўлмиш инсон омилидаги барча психологик ўзгаришларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва шу аснода башорат қилиш вазифасини ечиши керак.

Юқорида таъкидланган фан тармоқлари психология бевосита узвий алоқада ривожланидиган фанларнинг асосий қисми холос. Бугунги кунда ҳар бир фан ривожини учун инсон омилини ҳисобга олиш зарур экан, психология ўша барча фанлар билан алоқада ва ҳамкорликда ривожланади.

Шунинг учун бугунги кунда психология фанидан алоҳида бўлиб ажралиб

чиққан тармоқлар тўғрисида ҳам фикр юритиш мумкин.

1.6. Психологиянинг тармоқлари

Психологиянинг алоҳида тармоқларини дифференциация қилиш энг аввало ишлаб чиқаришдаги инсон фаолияти кечадиган соҳалар ва уларнинг вазифаларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврга келиб психологияни инсон шахси ҳақидаги энг муҳим фанлардан бири сифатидаги аҳамиятини ҳамма тан олмоқда. Инсон шахсининг эса бевосита кириб бормаган соҳасини топиш қийин. Психология иқтисод, педагогика, фалсафа, мантиқ, социология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан алоқадор фан ҳисобланади. Чунки ҳамма соҳада инсон шахси фаолият кўрсатар экан, ҳар бир соҳада ишни самарали ташкил этиш, олиб бориш учун кишилар психологиясини, шахслараро муносабатлар психологиясини, одамларнинг турли вазиятлардаги хулқ-атвор нормаларини билиш ва шунга кўра иш олиб бориш муҳимдир. Шунинг учун ҳозирги давр мутахассислари психологик билимлардан бохабар бўлишлари лозимдир.

Психологиянинг 300дан ортиқ тармоқлари фан сифатида ривожланаётганлиги ҳозирги кунда психологиянинг фанлар тизимида янада мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради:

- умумий психология - психологиянинг барча масалаларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганадиган махсус соҳаси;
- педагогик психология - кишига таълим ва тарбия беришни психологик қонуниятларини ўрганишни ўз предмети деб билади;
- ёш давр психологияси - турли ёшдаги одамларнинг туғилгандан то умрининг охиригача психик ривожланиш жараёнини, шахснинг шаклланиши ва ўзаро муносабатлари қонуниятларини ўрганади;
- ижтимоий психология - одамларнинг жамиятдаги биргаликдаги иш фаолиятлари натижасида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, ҳиссий кечинмалар ва хулқ-атворларини ўрганади;
- меҳнат психологияси - киши меҳнат фаолияти психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг психологик жиҳатларини ўрганади;
- инженерлик психологияси - автоматлаштирилган бошқарув системалари операторнинг фаолиятини, одам-техника ўртасида функцияларни тақсимлаш ва мувофиқлаштиришнинг хусусиятларини ўрганади;
- юридик психология - ҳуқуқ системасининг амал қилиши билан боғлиқ масалаларнинг психологик асосларини ўрганади;
- ҳарбий психология - кишининг ҳарбий ҳаракатлар шароитида намоён бўладиган хулқ-атворини, бошлиқлар билан ижро этувчилар ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатларини ўрганади;
- савдо психологияси - жамиятда тижоратнинг психологик шароитлари, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга оид, жинсга оид хусусиятларини, харидорга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайди, модалар психологияси каби масалаларини кўради;
- тиббиёт психологияси - шифокор фаолияти психологиясини, бемор хулқ-атворининг психологик жиҳатларини ўрганади.

Шунингдек психологияда этнопсихология, оилавий ҳаёт психологияси, бошқарув психологияси, иқтисодий психология, шахс психологияси, раҳбар психологияси, мулоқот психологияси, педагогик психология, интеллект психологияси, психодиагностика ва бошқа кўплаб соҳалари мавжуд.

Мазкур мавзуни чуқурроқ ўрганишда интернет тармоғидаги маълумотларга ҳам эътиборингизни қаратишни тавсия этамиз, қаранг (www.psychology.net.ru).

Қисқача хулосалар:

Янги давр ҳар бир инсондан психологик билимларни эгаллашни талаб этади. Бунинг учун шахс психикасининг намоён бўлиш шакллари: психик жараёнлар, психологик ҳолатлар, шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини билиш зарур. Психология фан сифатида 18-асрнинг иккинчи ярмида вужудга келди. Ҳозирги кунда бу фаннинг 300 дан ортиқ соҳаси алоҳида фан сифатида шаклланган. Психология фани барча фанлар билан ўзаро боғлиқдир.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Психология фанининг предмети нима?
2. Психологияга асос солинган йил?
3. Психология сўзининг маъноси қандай?
4. Психология фани ўрганадиган жараёнлар?
5. Психиканинг намоён бўлиш шакллари қандай кўринишга эга?
6. Психология қайси фанлар билан ўзаро боғлиқ?
7. Психик жараёнлар деб нимага айтилади?
8. Психологик ҳолатлар қандай кўринишга эга?
9. Шахснинг индивидуал хусусиятлари нима?
10. Психологиянинг қандай тармоқлари мавжуд?

Адабиётлар рўйхати:

1. Годфруа Ж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1. Пер. с франц. М., Мир, 1992. -496 с.
2. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
3. Немов Р.С. «Психология». Кн.1. - М., 2003
4. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.
5. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.
6. www.expert.psychology.ru

2 - БОБ. ПСИХОЛОГИЯНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕТОДЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛИЁТГА ТАДБИҚ ЭТИШ. АМАЛИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИ.

- 2.1. Психологиянинг асосий методлари.
 - 2.1.1. Кузатиш методи.
 - 2.1.2. Сўров методи.
 - 2.1.3. Тест методи.
 - 2.1.4. Психологик тажриба методи.
 - 2.1.5. Моделлаштириш методи.
- 2.2. Психологиянинг тадбикий ва амалий соҳалари.
- 2.3. Амалий психологиянинг йўналишлари.
 - 2.3.1. Саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси.
 - 2.3.2. Сиёсат соҳасидаги психология.
 - 2.3.3. Оила ва никоҳ борасидаги тадбикий ишлар.
 - 2.3.4. Маориф соҳасидаги амалий ишлар.
 - 2.3.5. Хуқуқбузарликни олдини олиш.

2.1. Психологиянинг асосий методлари

Аниқ изланиш предметиға эга бўлган ҳар қандай фан ўша предметининг моҳиятини ёритиш ва материаллар тўплаш учун махсус усуллар ва воситалардан фойдаланади ва улар фаннинг **методлари** деб юритилади. Фаннинг салоҳияти ва обрўси ҳам биринчи навбатда ўша методлар ёрдамида тўпланган маълумотларнинг **ишончлилиги ва валидлилигига** боғлиқ бўлади. Бу фикрлар бевосита психологияга ҳам алоқадор бўлиб, методлар масаласи бу фанда жуда катта аҳамиятга молик масала сифатида қаралади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, психик ҳодисаларни бевосита қўл билан ушлаб, кўз билан илғаб, қулоқ билан сезиш қийин. Лекин жуда кўплаб фанлар билан фаол ҳамкорлик шунга олиб келганки, психологиянинг ҳар бир тармоғи ўз вазифаларини ечиш ва маълумотларга эга бўлиш учун кўплаб методларни синовлардан ўтказиб, энг ишончли ва мукамалларини сақлаб қолган. Математик статистика ва эҳтимоллар назариясининг психология соҳасида қўлланилиши ва унда эришилган муваффақиятлар аввало ҳар бир методнинг ишончлилиқ даражасини аниқлаш, қолаверса, тўпланган маълумотларнинг қай даражада асосли ва валид эканлигини исботлашга ёрдам беради.

Жадвал - 2.

Психологиянинг асосий методлари

АСОСИЙ МЕТОДЛАР	Асосий методларнинг вариантлари
КУЗАТИШ МЕТОДИ	Ташқи (объектив кузатиш) Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш) Эркин кузатув Стандартлаштирилган Гуруҳ ичида кузатиш Гуруҳ ташқарисида кузатиш
СЎРОҚ МЕТОДЛАРИ	Оғзаки сўроқ Ёзма сўроқ

	Эркин сўроқ (сухбат) Стандартлаштирилган сўроқ
ТЕСТЛАР МЕТОДИ	Тест – сўров Тест - топшириқ Проектив тест Социометрик тест
ЭКСПЕРИМЕНТ	Табиий эксперимент Лаборатория эксперименти
МОДЕЛЛАШТИРИШ	Математик моделлаштириш Мантикий моделлаштириш Техник моделлаштириш Кибернетик моделлаштириш

2-Жадвалда келтирилган методлар ёрдамида тадқиқотчи ёки қизиққан шахс у ёки бу психик жараён, ҳолат ёки шахс хусусиятлари тўғрисида бирламчи маълумотлар тўплайди, тўпланган маълумот яна таҳлил қилинади ва махсус тарзда ишлатилиши мумкин. Психология фанида инсон психикасини тадқиқот қилиш методларининг турлича таснифи мавжуд. Б.Г.Ананьев психикани ўрганиш методларини тўртта гуруҳга ажратиб берган. Бу тўртта гуруҳ методлар М.Улуғбек номли Ўзбекистон Миллий Университети, Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика Университети, Фарғона Давлат Университети каби психолог мутахассис тайёрлайдиган олийгоҳларда муфассал ўрганилади. Биз мазкур мавзумизда ҳар бир инсоннинг ўзини ва атрофидагиларни билиб олишига имкон берадиган, мураккаб бўлмаган, қўллаш шартлари шароитга мос бўлган ва умум қабул қилинган методларни келтирдик. 2 - жадвалда асосий психологик методлар ва уларнинг турлари келтирилган.

2.1.1. Кузатиш методи

Кузатиш методи табиий методлар жумласига киради. Ташқи кузатув моҳиятан кузатилувчи хулқ - атворини бевосита ташқаридан туриб, кузатиш орқали маълумотлар тўплаш усулидир. Ўз - ўзини кузатиш эса одам ўзида кечаётган бирор ўзгариш ёки ҳодисани ўзи ўрганиш мақсадида маълумотлар тўплаш ва қайд этиш усулидир.

Эркин кузатув кўпинча бирор ижтимоий ҳодиса ёки жараённи ўрганиш мақсад қилиб қўйилганда қўлланилади. Масалан, байрам арафасида аҳолининг қайфиятини билиш мақсадида кузатув ташкил қилинса, олдиндан махсус режа ёки дастур бўлмайди, кузатув объекти ҳам қатъий бўлиши шарт эмас. Ёки дарс жараёнида болаларнинг у ёки бу мавзу юзасидан умумий муносабатларини билиш учун ҳам баъзан эркин кузатиш ташкил этилиши мумкин. Стандартлаштирилган кузатув эса, бунинг акси бўлиб, нимани, қачон, ким ва кимни кузатиш қатъий белгилаб олинади ва махсус дастур доирасидан чиқмасдан, кузатув олиб борилади.

Ижтимоий ҳамда педагогик психологияда гуруҳий жараёнларнинг шахс хулқ - атворига таъсирини ўрганиш мақсадида бевосита ичкаридан кузатув ташкил қилинади, бунда кузатувчи шахс ўша гуруҳ ёки оила ҳаётига табиий равишда қўшилади ва зимдан кузатиш ишларини олиб боради. Бу бир қарашда

контрразведкачиларнинг фаолиятини ҳам эслатади. Шу йўл билан олинган маълумотлар бир томондан табиийлиги ва муфассаллиги билан қимматли бўлса, иккинчи томондан, агар кузатувчида конформизм хислати кучли бўлса, ўзи ҳам гуруҳ ҳаётига жуда киришиб кетиб, ундаги айрим ҳодисаларни субъектив равишда қайд этадиган бўлиб қолиши ҳам мумкин. Гуруҳий феноменларни ташқаридан кузатиш бунинг акси - яъни кузатувчи гуруҳга ёки кузатилаётган жараёнга нисбатан четда бўлади ва фақат бевосита кўзи билан кўрган ва эшитганлари асосида хулосалар чиқаради.

Умуман, кузатиш методининг ижтимоий ҳаёт, профессионал кўрсаткичларни қайд қилишда сўзсиз афзалликлари бор, лекин шу билан бирга кузатувчининг профессионал маҳорати, кузатувчанлиги, сабр - қаноатига боғлиқ бўлган жиҳатлар, яна тўпланган маълумотларни субъектив равишда таҳлил қилиш хавфи бўлгани учун ҳам биров ноқулайликлари ҳам бор, шунинг учун ҳам у бошқа методлар билан биргаликда ишлатилади.

2.1.2. Сўров методи

Сўров методи ҳам психологиянинг барча тармоқларида бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларида хисобланади. Унда текширилувчи текширувчи томонидан қўйилган қатор саволларга мухтасар жавоб қайтариши керак бўлади.

Оғзаки сўроқни ёки баъзан уни оддийгина қилиб, суҳбат методи деб аталади, ўтказадиган шахс унга маълум даражада тайёргарлик кўргач сўроқ ўтказди. Агар мабодо унинг профессионал маҳорати ёки тажрибаси бунга етарли бўлмаса, сўров ўз натижаларини бермаслиги мумкин. Лекин маҳоратли сўровчи ушбу метод ёрдамида инсон руҳий кечинмаларига алоқадор бўлган ноёб маълумотларни тўплаш имконига эга бўлади.

Ёзма сўроқ ёки анкетанинг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамида бир вақтнинг ўзида кўпгина одамлар фикрини ўрганиш мумкин бўлади. Унга киритилган саволлар, улардан кутиладиган жавоблар (ёпик анкета), ёки эркин ўз фикрини баён этиш имкониятини берувчи (очик анкета) сўровномалар аниқ ва равиш тилда жавоб берувчилар тушуниш даражасига монанд тузилган бўлса, шубҳасиз, қимматли бирламчи материаллар тўпланади.

Сўроқнинг ҳам эркин ва стандартлаштирилган шакллари мавжуд бўлиб, биринчисида олдиндан нималар сўралиши қатъий белгилаб олинмайди, иккинчи шаклида эса, ҳаттоки, компьютерда дастури ишлаб чиқилиб, минглаб одамларда бир хил талаблар доирасида сўроқ ўтказилиши назарда тутилади.

2.1.3. Тест методи

Тестлар охириги пайтда ҳаётимизга дадил кириб келган текширув усуллари сирасига киради. Улар ёрдамида бирор ўрганилаётган ҳодиса хусусида ҳам сифат, ҳам миқдор характеристикаларини олиш, уларни кўпчиликлда қайта - қайта синаш ва маълумотларни корреляцион анализ орқали ишонччиликка текшириш мумкин бўлади. Айни тестга қўйилган талаб ҳеч қачон ўзгармайди, ҳаттоки, шундай тестлар борки, улар турли миллат ва элат вакилларида, турли даврларда ҳам ўзгармаган ҳолда ишлатилаверади. Масалан, Равеннинг ақлий интеллектни улчаш, Кэттелнинг ва Айзенкнинг шахс

тестлари шулар жумласидандир.

Тест - сўров олдиндан қатъий тарзда қабул қилинган саволларга бериладиган жавобларни тақозо этади. Масалан, Айзенкнинг 57 та саволдан иборат тести шахсдаги интроверсия - экстрроверсияни ўлчайди, саволларга «ҳа» ёки «йўқ» тарзида жавоб бериш сўралади.

Тест - топшириқ одам хулқи ва ҳолатини амалга оширган ишлари асосида баҳолашни назарда тутди. Масалан, шахс тафаккуридаги креативлиликни аниқлаш учун кўпинча бир қарашда оддийгина топшириқ берилади: берилган 20 та доира шаклидаги шакллардан ўзи хоҳлаганча расмлар чизиш имконияти берилади. Маълум вақт ва тезликда бажарилиш суръати, расмларнинг ўзига хос ва бетакрорлигига қараб шахс фикрлаши жараёнининг нақадар ностандарт, ижодий ва креативлигига баҳо берилиб, микдорий кўрсаткич аниқланади. Бу методларнинг умумий афзаллиги уларни турли ёш, жинс ва касб эгаларига нисбатан қўллашнинг қулайлиги, бир гуруҳда натижа бермаса, бошқа гуруҳда яна қайта текширув ўтказиш имкониятининг борлиги бўлса, камчилиги - баъзан текширилувчи агар тестнинг моҳиятини ёки калитини билиб қолса, сунъий тарзда унинг кечишига таъсир кўрсатиши, фактларни фалсификация қилиши мумкинлигидир.

Тестлар ичида **проектив тестлар** деб номланувчи тестлар ҳам борки, тестнинг асл мақсади текширилувчига сир бўлади. Яъни шундай топшириқ бериладик, текширилувчи топшириқни бажараётиб, нимани аниқлаши мумкинлигини билмайди. Масалан, машҳур Роршахнинг «сиёҳ доғлари» тести, ёки ТАТ (тематик апперцепцион тест), тугалланмаган ҳикоялар каби тестларда бир нарсанинг проекциясидан гуёки иккинчи бир нарсанинг моҳияти аниқланади. Ўша 1921 йилда кашф этилган «сиёҳ доғлари» ва уларга қараб текширилувчининг нималарни эслаётганлиги, доғлар нималарга ўхшаётганлигига қараб, унинг шахс сифатидаги йўналишлари, ҳаётий тамойиллари, қадриятларига муносабати, ишни бажариш пайтидаги эмоционал ҳолатлари аниқланади. Бу тестлар жуда ноёб, қимматли, лекин уни фақат профессионал психологгина қўллаши ва натижаларни моҳирона таҳлил қилиши талаб қилинади.

2.1.4. Психологик тажриба ёки эксперимент методи

Ушбу метод турли ёшдаги (чақалоқлик, болалик, ўқувчилик, ўспиринлик, етуқлик, кексалик) одамлар психикасини чуқурроқ, аниқроқ тадқиқ қилиш методлари ичида энг муҳими ҳисобланади. Эксперимент методи ёрдамида сунъий тушунчаларни шакллантириш, нутқ ўсишини текшириш, фавқулоддаги ҳолатдан чиқиш, муаммоли вазиятни ҳал қилиш, билиш жараёнлари, шахснинг ҳис туйғулари, характери ва типологик хусусиятлари ўрганилади. Хуллас, инсон психикасининг нозик ички боғланишлари, муносабатлари, қонуниятлари, қонунлари, хоссалари, мураккаб механизмлари тажриба ёрдамида текширилади. Бунинг учун эксперимент материал текширувчи томонидан синчковлик билан танланиши, объектив тарзда ҳар хил ҳолат ва вазиятлар яратилиши, синалувчи ёшига, ақл-идрокигша, характер хусусиятига, ҳис-туйғусига, қизиқиш ва савиясига, турмуш тажрибасига, кўникма ва малакасига эътибор берилиши лозим.

Психологик экспериментнинг моҳияти шундаки, унда атайлаб шундай сунъий бир вазият шакллантирилади ва ташкил этиладики, айнан шу вазиятда қизиқтираётган психик жараён ёки ҳодиса ажратилади, ўрганилади, таъсир кўрсатилади ва баҳоланади. Агар табиий эксперимент ўша қизиқтираётган феномен текширилувчи учун табиий ҳисобланган шароитларда (масалан, меҳнат жараёнида, каникулда ёзги лагерда, лицей аудиториясида ва шунга ўхшаш) мақсадли ташкил этилиб, ўрганилса, лаборатория эксперименти махсус жойларда, махсус асбоб - ускуналар воситасида атайлаб ўрганилади. Масалан, диққатингизнинг хусусиятларини билиш керак бўлса, психология лабораториясида махсус тахистоскоп деб аталган мослама ёрдамида ёки «Ландольт ҳалқачалари» деб номланган жадваллар ёрдамида ўрганиш мумкин бўлади. Ҳаттоки, ижтимоий муносабатлар борасида ҳам ўзаро ҳамжиҳатлик, лидерлик ва конформилик ҳодисаларини текшириш учун *группавий интеграторлар ва гомеостат* деб номланувчи мосламалар яратилган ва улар ёрдамида гуруҳдаги турли хил ҳодисалар ўлчанган.

2.1.5. Моделлаштириш методи

Моделлаштириш методи кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар ёрдамида ўрганилаётган ҳодисанинг туб моҳияти очилмаган шароитларда қўлланилади. Бунда ўша ҳодисанинг умумий хоссаси ёки асосий параметрлари моделлаштирилиб, ўша модель асосида тадқиқотчини қизиқтирган жиҳат ўрганилади ва хулосалар чиқарилади.

Моделлар техник, мантиқий, математик ёки кибернетик бўлиши мумкин. Математик модел асосида ўрганилган ҳодисага машхур тадқиқотчилар Вебер - Фехнерларнинг сезгирликнинг куйи ва юқори чегарасини аниқлашга қаратилган математик формуласи ва шу асосда тўпланган маълумотлар таҳлилини мисол қилиш мумкин. Мантиқий моделлар ёрдамида кўпинча инсон ақли ва тафаккури жараёнлари ва қонунларини ҳисоблаш машиналари иш принциплари билан киёслаш орқали тузилган ғоялар ва символлар ишлатилади. Кибернетик моделлаштиришда эса ғоялар психологиясини ЭХМ даги математик программалаштириш тамойилларига мослаштириш назарда тутилади. Ҳозир кўпгина мураккаб шахс хусусиятлари ҳам программалаштирилган бўлиб, улар алгоритмлар асосида қисқа фурсатда кўпгина сифатларни кўплаб параметрлар нуқтаи назаридан ҳисоблаб натижаларни умумлаштиришга имкон бермоқда. Кўпинча математик ўйинлар ғояси одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасини ўрганишда ҳам қўлланилмоқда. Маълум бўлишича, одамнинг фикрлаш операциялари билан ЭХМ ларнинг ишлаш принциплари ўртасида маълум уйғунлик бор экан, бу эса мураккаб психик жараёнларни моделлаштириш орқали инсон ақлу - заковати чегарасини янада кенгайтириш истикболини беради.

Умуман психологиянинг ва унинг ҳар бир алоҳида тармоқларининг ўзига хос методлари бор. Бу борада хориж, Россия ва ўзбек психологлари модификациялашган ва модификациялашмаган методларни таклиф этадилар. Психологияда қўлланиладиган методларни қўллаш шартларини ўрганиш ва қўллай олиш учун Д.Бурлачукнинг “Психодиагностика”, Р.Немовнинг “Психология” (3-китоб), Э.Ғ.Ғозиевнинг “Психология” (2 жилдли) китобларини

тавсия этамиз.

2.2. Психологиянинг тадбиқий ва амалий соҳалари

Ҳозирги замон илм - фанининг қадри ва аҳамияти унинг нечоғли амалиётга кириб бориб, тадбиқий салоҳияти ортиб бориши билан баҳоланади. Психологиянинг охириги йиллардаги тараққиёти ҳам айнан ана шу мезон талабларига жавоб бериши билан характерланади.

Амалий ҳамда тадбиқий психология соҳаларининг ўзига хос жиҳатлари аввало шундан иборатки, улар жамиятнинг бевосита бугунги кундаги талаблари ва буюртмаларига кўра иш юритади. Жамиятимизда эса психологик билимларни бевосита амалиётга тадбиқ этишга эҳтиёж катта. Биргина Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини оладиган бўлсак, унинг бажарилиши ва муваффақиятли амалга оширилиши учун психологиянинг аралашуви зарур. Жойларда ташкил этилган Ташҳис марказларида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ўқувчилардаги ривожланиш кўрсаткичлари, ақлий ўсиш омиллари ва иқтидорига қараб таълим - тарбияни ташкил этишлари учун қатор диагностик тадбирларни ўтказишлари зарурки, бу тадбирлар охир - оқибат аниқ самара бериши лозим. Таъкидлаш зарурки, тадбиқий психологиядаги «самара»ни ўлчаш мезонлари билан назарий психологиядаги самара тушунчалари бироз фарқ қилади. Яъни, бу ерда бевосита буюртманинг бажарилиши сифатига буюртмачининг ўзи баҳо беради. Шунинг учун ҳам амалий психологиянинг алоҳида тармоғи бўлмиш социал психология билимларга амалдаги эҳтиёжни уч асосий сабаб билан тушунтириши мумкин: а) кичик корхона ёки йирик фирмалардан тортиб, токи ҳукумат даражасидаги идоралар ҳам ўз фаолияти самарадорлигини ошириш учун тобора инсонлар фаолияти ва улардаги резервлардан омилкорона фойдаланишнинг психологик манбаларини қидириш лозимлигини тушуниб етмоқдалар; б) профессионал психологларнинг ўзи ҳам ўз ишларидан келадиган обрў - эътиборнинг амалий соҳаларида ишлай олиш қобилиятларига боғлиқ эканлигини тушуниб етмоқдалар; в) амалиётда ишлаётган бошқа соҳа вакиллари ҳам агар психологик тайёргарликдан ўтган бўлсалар, ишни ташкил қилишга ўқувлари яхшироқ ва ишлари унумлироқ бўлишини тушуниб етмоқдалар. Шунинг учун ҳам кўплаб янги турдаги марказ ва фирмалар, қўшма корхоналарда амалиётчи психологлар ишламоқдалар.

2.3. Амалий психологиянинг асосий йўналишлари

2.3.1. Саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси

Саноат ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳасида тадбиқий ишлар биринчи навбатда конкрет ташкилотда кадрлар захирасини тўғри ва оқилона ташкиллашдан тортиб, ходимлар иш шароитлари ва меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар комплексини илмий равишда ўрганиб, ҳаётда натижа олишга қаратилган ҳаракатлар мажмуидир. Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида ушбу йўналишдаги тадбиқий ишларнинг икки соҳасини ажратиш мумкин:

- маркетинг хизматлари
- ходимлар (персонал) билан ишлаш.

Биринчиси энг замонавий ва муҳим иш бўлиб, бу ерда психологнинг

вазифаси «Нимани?» ва «Ким?» харид қилиб олишга эҳтиёжи борлигини ўрганишга кўмаклашишдир. Чунки, талаб билан эҳтиёж бевосита шахсга ва унинг психологик муносабатлари тизимига алоқадор категориялар бўлиб, бозор ва рақобат шароитида корхона ёки ташкилотларнинг самарали ишлаб кетиши энг аввало харидоргир товар маҳсулотларни ажратиб, уларнинг одамлар талаб - эҳтиёжига канчалик мослигини аниқ таҳлил қилишдан бошланади. Маркетинг муносабатлари аслида одамлар ўртасидаги соф психологик муносабатлар бўлиб, унинг негизида одамлар ўртасидаги жонли мулоқот, таъб ва дид тарбияси ётади. Шунинг учун биз бугун одамларда тўғри маркетинг тафаккурини шакллантириш воситаларини қидиришимиз ва талаб - таклиф муносабатларини реал ишлаб чиқариш имкониятлари билан мувофиқлаштиришда инсон психологияси хусусиятларини инобатга олиб ишлашга ўрганишимиз керак. Масалан, шундай «Case Study»ни олайлик: Психологияни қандай қилиб сотиш мумкин? (яъни, Психологик маълумотлар ва билимларни) Биз аниқ ва тўғри жавоблар олишимиз керак бўлган саволлар қуйидагилар бўлади:

Нима сотилади? - Тест натижалари

Нима учун? - нима қилиб бўлса ҳам, пул ишлаш, ўз имкониятларни текшириш, шахсий иш очиш;

Ким ? - фирма ёки конкрет кишилар;

Нима ? - хилма - хил тестлар батареяси;

Кимга ? - турли касб эгалари, ўқувчиларга, ходимларга;

Қаерда? Қачон? - зарурат бўлган ҳар қандай жойда;

Қандай қилиб? - минимал вақт сарфлаб, тез ва соз;

Қанча? - тест ўтказувчиларнинг сони ва имкониятига қараб;

Ким билан? - шу фирма ходимлари билан

Демак, маркетинг хизматида жавоб берилиши зарур бўлган саволлардан кўриниб турибдики, ҳар бир саволга бериладиган жавобнинг орқасида конкрет одамлар, уларнинг қобилиятлари, манфаатлари ва иш унуми ётади. Шунинг учун бу соҳада психологик хизмат зарур.

Иккинчи соҳа - кадрлар ва улар билан бевосита ишлаш соҳаси. Бу кадрларни ишга жалб этишда билиш зарур бўлган қобилиятлар ва шахсий фазилатлардан тортиб, уларни тўғри йуналтириш, ўз жойига қўйиш, ташкилот доирасида гуруҳларни шакллантириш, ходимларга маълумотларни ўз вақтида етказиш билан боғлиқ кадрлар сиёсатини олиб боришга алоқадор хизматдир. Психолог бу ўринда асосан маслаҳатчи - консультант ва эксперт сифатида рол ўйнайди.

2.3.2. Сиёсат соҳасидаги психология

Ҳар бир давр ўз кишилари онгида беихтиёр сиёсий онгни шакллантиради ва одамлар унинг тамойилларига бўйсунадилар. Сиёсат борасидаги психологик масалаларга психолог аралашувининг зарурати ҳар доим бўлмаса - да, айрим пайтларда - йирик ислохотлар бошланиши арафасида, сайлов олди компанияларда, янги сиёсий лидерларнинг ҳалқ томонидан қабул қилиниши жараёнлари, кўпчилик аудиторияга зарур маълумотларни етказиш, ижтимоий установкаларни ўзгартириш, сиёсий арбоблар имиджини омма онгига сингдириш пайтларида психологик таъсир воситаларидан ўринли фойдаланиш,

маслаҳатлар бериш ва айрим гуруҳлар этикодига таъсир этиш керак бўлганда керак бўлади.

Сиёсий соҳада ишлаётган психолог ишининг ўзига хос жиҳатлари бўлиб, унга қуйидагилар киради:

а) сиёсатда психолог аралашуви кўпчилик оммага бевосита алоқадор бўлмайди;
б) зарурат туғилганда, психолог шундай тез ва ишончли ўлчайдиган методикаларни ишлатадики, уларнинг натижалари сир сақланиб, ўша буюртмачи - сиёсатчининг талабига кўра изланишлар олиб борилади;
в) психолог ҳар бир сиёсатчи учун шундай ишончли шахс бўлиши лозимки, ундан одамларнинг қайфиятлари, реакциялари, ҳис - кечинмалари хусусида аниқ маълумотлар сўралади;

г) ўзига хос қийинчилик шундан иборатки, жамоатчилик психолог киёфасида кўпинча лидернинг бевосита «одамини» кўришга мойил бўлиб, лидернинг ўзи ҳам баъзан ўта профессионал психологдан ҳадиксираб қолиши мумкин.

Шунинг учун юқорида таъкидлаганимиздек, зарур пайтларда сиёсий арбоблар психолог хизматига мурожаат қилишлари ва ундан асосан бирор жиддий ижтимоий проектларни қабул қилиш жараёнида ёрдам беришини сўраш мумкин. Бунинг учун психологдан жамоатчилик фикрини психологик таҳлил қилиб бериш, ва шу асосда фуқароларнинг установкалари ва қайфиятларига ижобий таъсир кўрсатувчи омилларни биргаликда ажратиш вазифасини ҳал қилишлари мумкин. Сайлов олди компанияларда эса, психологнинг асосий вазифаси одамларнинг қайфиятини ўрганган ҳолда даъвогар имиджини шакллантиришга, одамларга ёқтиришга сабаб бўладиган шахсий фазилатлар алгоритмининг тузиш, омма олдига чиқишга психологик тайёрлаш, рақибларнинг баҳслашиш маданияти ва этикаси борасида психологик йўл - йўриқ ва усуллар борасида маълумотлар алмашилиши керак бўлади.

Ўзбекистон шароитида сиёсий психологиянинг ўзи жуда заиф ривожланган тармоқ бўлгани сабабли ҳам уни ривожланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда ривожлантириш муҳимдир.

.3.3. Оила ва никоҳ борасидаги тадбиқий ишлар

Ўзбекистонда энди шаклланаётган, лекин назарий нуқтаи назардан маълум анъаналарга эга бўлган соҳадир. 1998 йилнинг Президентимиз томонидан «Оила йили» деб эълон қилиниши жойларда психологик хизмат ўчоқларининг пайдо бўлишига ва у ерларда психологик хизматидан фойдаланишни англашга туртки бўлди. Шунинг учун Республикамизда оила муамоларини махсус тадқиқ этадиган илмий-амалий “Оила” маркази ҳам ташкил этилганки, бу марказда турли соҳага алоқадор мутахассислар оилани шахс ижтимоийлашувининг асосий масканларидан бири сифатида ўрганиб келмоқдалар. Оила ва унга боғлиқ муаммоларни илмий ўрганишда ушбу йўналишларда ишлар олиб боришда: оила қуриш мотивлари, оилада ота-она ва фарзанд орасидаги муносабатлар, оилада эр ва хотин орасидаги муносабатлар, оилаларнинг этник белгиларига кўра психологик хусусиятлари, оилада ажралиш ва унинг шахс психологиясига таъсири, оиланинг тўлиқ ва нотўлиқ турлари, уларнинг шахс ўз-ўзини баҳолашига таъсири, оила ҳақидаги турли ёшдаги шахсларнинг тасаввурлари, оила мустаҳкамлигига таъсир этувчи омиллар. Оила билан

боғлиқ муаммолар доимо шахсни ташвишлантиргани боис психолог бу ерларда ёшлардаги оила ва никоҳ борасидаги тасаввурларнинг тўғри шаклланишидан тортиб, токи муаммоли, ҳаттоки, ажрим бўлган оила аъзоларига психологик маслаҳатлар бериш, «ишонч телефонлари» орқали маслаҳатлар уюштиришни ўз зиммасига олади.

2.3.4. Маориф соҳасидаги амалий ишлар

Бошқа соҳаларга нисбатан анчагина яхши тажрибага эга. Айниқса, Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури қабул қилингандан сўнг ташкил қилинган янги типдаги таълим муассасалари - академик лицейлар ва касб - ҳунар коллежларига бир нечтадан психологлар штати киритилган ва улар айнан тадбиқий муаммолар - боланинг ўқув жараёнига психологик жиҳатдан тайёрлигини диагностика қилишдан тортиб, профессионал ва касб маҳоратини ривожлантиришгача бўлган барча муаммоларни ҳал қилишга «аралашади». Шунинг учун республикамизда шахсни болалик, ўсмирлик, ўспиринлик даврларида ўқиш фаолиятига, касбий фаолиятга йўналтира олишни диагностика қилиш марказлари ташкил этилган. Бу ўз навбатида ҳар бир шахснинг ўз туғма ва орттирилган қобилиятларини тўғри йўналтира олиши ва намоён эта олишига имкон беради.

2.3.5. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш

Бу соҳа ва унга алоқадор муаммолар ҳар доим ҳам психолог аралашувини талаб қилиб келган. Чунки жиноятчи ёки ҳуқуқбузар шахси ўз-ўзидан шаклланиб қолмайди, уни шакллантирувчи омиллар, мотивлар ва болани қайта тарбиялаш ва реабилитация масалалари ижтимоий психологик жараёнлар моҳиятини билиш ва уларга фаол таъсир кўрсатиш талаб қилади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшлар ўртасида ҳуқуқий маърифат ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга жуда катта эътибор қаратилган ва бу ишда амалиётчи ходим - психологнинг ўрни ва роли катта бўлади.

Юқорида эътироф этилган психологиянинг тадбиқий соҳалари учун умумий нарса шуки, бу соҳаларда ишлаганлар аввало яхши психодиагност, яъни психология методларини ўз ўрнида самарали ишлатишни билиши ва яхшигина психотерапевт ва психокорректор - яъни, аниқланган муаммо ёки «касалликни» тузатувчи моҳир профессионал бўлиши кераклигини тақозо этади.

Қисқача хулосалар:

Психология фанининг энг муҳим методлари: кузатиш, тест, сўров, тажриба, моделлаштириш бўлиб, бу методлар орқали шахснинг турли вазиятларда хулқини диагностика қилиш мумкин. Ҳозирги кунда психология фанида тадбиқий ва амалий соҳалари ҳамда психологиянинг махсус тармоқларидан - ёш ва педагогик психология, ижтимоий психология, иқтисодий психология, юридик психология, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси, бошқарув психологияси, тиббиёт психологияси, психодиагностика ва дифференциал психологиялар мавжуд бўлиб, улар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўлланилиб келмоқда.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Методлар деб нимага айтилади?
2. Психологиянинг асосий методлари қайсилар?

3. Кузатиш методига қўйиладиган талаблар қандай?
4. Сўроқ методи қандай ўтказилади?
5. Тест методининг бошқа методлардан фарқи нимада?
6. Эксперимент методининг ўтказилиш тартиби қандай?
7. Моделлаштириш методи қачон қўлланилади?
8. Психологияни амалиётда қайси соҳаларда кўриш мумкин?
9. Сиёсат соҳасидаги психология қандай кўринишга эга?
10. Маориф соҳасидаги амалий ишларда психологиянинг ўрни қандай?
11. Психологиянинг тадқиқот методлари ва уларнинг ишончлилиги нимада?
12. Психологик тестлар ва уларнинг имкониятлари қандай?
- 13. Амалий психологиянинг асосий йўналишлари нима?**

Адабиётлар рўйхати:

1. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
2. «Психология». Под ред. А.А. Крѣлова, -М., 1998
3. Немов Р.С. «Психология». -Кн.1. - М., 1998
4. Каримова В. М. Аудиторияда баҳс-мунозарали дарсларни ташкил этишнинг психологик техникаси.- Т., 2000

**3-БОБ. ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС ВА ЖАМИЯТ МУАММОСИ.
ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШДАГИ ПСИХОЛОГИК ҚОНУНИЯТЛАР.
ШАХСГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР. ШАХС
ДУНЁҚАРАШИ ВА МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ОМИЛЛАРИ**

- 3.1. Шахс ижтимоий таъсирлар маҳсули сифатида.
- 3.2. Ижтимоий нормалар, санкциялар ва шахс.
- 3.3. Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши.
- 3.12. «Мен» - образи ва ўз-ўзига баҳо.
- 3.13. Ўспиринлик даврида шахс ижтимоийлашуви.
- 3.14. Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар.
- 3.15. Миллий ва маънавий қадриятларнинг роли.

3.1. Шахс ижтимоий таъсирлар маҳсули сифатида

«Шахс» тушунчаси психологияда энг кўп қўлланиладиган тушунчалар сирасига киради. Психология ўрганадиган барча феноменлар айнан шу тушунча атрофида қайд этилади. Инсон рухий олами қонуниятлари билан қизиққан ҳар қандай олим ёки тадқиқотчи ҳам шахснинг ижтимоийлиги ва айнан жамият билан бўлган алоқаси масаласини четлаб ўтолмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «*Homo sapiens*» - «ақлли зот» тушунчасини ўзида ифода этувчи жонзотнинг пайдо бўлганига тахминан 40 минг йилдан ошибди. Бу даврда олимларнинг эътироф этишларича, 16 минг авлод алмашган эмиш. Дарвин таъбири билан айтганда, табиий танланиш жараёнида ер юзида сақланиб қолган минглаб миллат ва элатларнинг кейинги даврдаги тараққиёти кўпроқ биологик омиллардан кўра, ижтимоий - социал омиллар таъсирида рўй бермоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир индивидни ёки шахсни ўрганиш масаласи унинг бевосита ижтимоий муҳити ва унинг ижтимоий нормалари доирасида ўрганишни тақозо этади.

Социал ёки ижтимоий муҳит - бу инсоннинг аниқ мақсадлар ва режалар асосида фаолият кўрсатадиган дунёсидир. Мазмунан ҳар бир инсоннинг шу ижтимоий олам билан алоқаси унинг инсоният тажрибаси, маданияти ва қабул қилинган, тан олинган ижтимоий ҳуққ нормалари доирасидаги ҳаракатларида намоён бўлади. Психология илмининг намоёндалари бўлмиш олимларнинг бутун бир авлоди ана шу шахс ва жамият алоқалари тизимида инсоннинг туб моҳиятини англаш, унинг ривожланиши ва камол топиши қонуниятларини излаганлар. Абу Наср Фаробий, А.Навоий, Ибн Сино, Беруний каби юзлаб Шарқ алломалари ҳам бу ўзаро боғлиқликнинг фалсафий ва ижтимоий сирларини очишга ўзларининг энг дурдона асарларини бағишлаганлар. Барча қарашларга умумий бўлган нарса шу бўлганки, одамни, унинг моҳиятини англаш учун аввало унинг шу жамиятда тўтган ўрни ва мавқеини билиш зарур. Шахсни ўрганишнинг бирламчи мезони ҳам шундан келиб чиққан ҳолда, унинг ижтимоий мавқеи, ижтимоий муносабатлар тизимидаги ўрни билан белгиланиши керак.

Лекин, шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар масаласи бирданига, бир хил ечимга келинмаган. Бу ўзаро муносабатлар асосан икки поляр нуқтаи назардан келиб чиқади.

Нативизм йўналишининг тарафдорлари инсонлардаги барча хусусиятларни туғма характерга эга, деб эътироф этадилар. (Ленц, Грубер ва бошқалар).

Эмпиризм тарафдорларининг фикрича, янги туғилган бола гўёки «топ - тоза тахта»(tabula rasa), унга ҳаёт ва ундаги талаблар ўзининг қонуниятларини ёзади ва бола уларга сўзсиз бўйсунушга мажбур. Бу йўналишнинг асосчиларидан бири Дж. Локк бўлиб (1632 - 1704) унинг фикрича, туғма фикрлар ёки ғоялар бўлиши мумкин эмас, улар хоши - тилак ва оғриқ каби элементар сезгиларнинг қайта ишланиши натижаларидир. Ҳаётда ана шунга ўхшаш турли хил сезгилар ва ғояларнинг ассоциацияси рўй беради.

Г. Лейбниц (1646-1716) Локка эътироз билдириб, ҳаётда умуман тоза, соф досканинг ўзи бўлмайди, ҳаттоки энг яхши силлиқланган мрамор юзасида ҳам сезиларли тешиқлар, дўнгликлар ёки туғма асоратлар бўладик, улар лаёқатлардек инсон тақдирида маълум рол ўйнайди. Бу иккала йирик йўналиш ўртасидаги тортишувларга чек қўйиш мақсадида **Ф. Гальтон** қатор экспериментал тадқиқотлар ўтказиб, ҳар бир индивидга хос дифференциал хусусиятлар мавжудлигини «эгизаклар методи» ёрдамида асослашга ҳаракат қилди. 3 - жадвалда Гальтон томонидан ирсий ва орттирилган сифатлар муносабати юзасидан аниқланган натижалардан келтирилган.

3 - жадвал.

Муסיқий қобилиятлардаги ирсий хусусиятлар

Ота - оналар Болалар	муסיқага мойил	муסיқага мойил эмас
Муסיқага мойил	85 %	7 %
Муסיқага мойил эмас	25 %	58 %

Эгизаклардаги муסיқага мойилликнинг корреляцион кўрсаткичи ҳам юқори бўлиб ($p < 0.7$), эгизак бўлмаганлардан анча фарқ қилади ($p < 0.3 - 0.4$).

Гальтондан кейинги тадқиқотларда муסיқага бўлган қобилиятга она тилининг хусусияти таъсир қилиши аниқланди: юмшоқ - тонал ёки кескир - тонал бўлмаган тиллар. Масалан, кескинроқ ҳисобланган рус тилида гапирувчи болалардаги муסיқани идрок қилиш юмшоқ, тонал тилларда сўзлашувчи вьетнамликларнинг идрокидан анча паст чиққан.

Лекин юқоридаги фикрлар ва тортишувларнинг келиб чиқиш сабаби тушунарли бўлиши керак: улар инсоннинг асл моҳиятини тушуниш ва унинг хулқини бошқариш эҳтиёжларидан келиб чиқади. Демак, инсон жамият аъзоси сифатида унинг нормаларига бўйсунди, унинг кутишларига жавоб беришга ҳаракат қилади ва ўз хулқини унинг талабларига монанд қилишга интилади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, шахс феноменига таъриф бериш мумкин.

Ш а х с - *ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир.* Шахсга таалукли бўлган энг муҳим тасниф ҳам унинг жамиятдаги мураккаб ижтимоий муносабатларга бевосита алоқадорлик, ижтимоий фаолиятга нисбатан ҳам объект, ҳам субъект бўлишлиқдир.

Шахсга тааллуқли бўлган фазилатлардан энг муҳими шуки, у шу ташқи, ижтимоий таъсирларни ўз онги ва идроки билан қабул қилиб (объектни), сўнгра

шу таъсирларнинг субъекти сифатида фаолият кўрсатади. Оддий қилиб айтганда, инсон боласи илк ёшликданок «менинг ҳаётим», «бизнинг дунё» деган ижтимоий муҳитга тушади. Бу муҳит ўша биз билган ва ҳар куни ҳис қиладиган сиёсат, ҳуқуқ, ахлоқ оламидир. Бу муҳит - келишувлар, тортишувлар, ҳамкорликлар, анъаналар, удумлар, турли хил тиллар олами бўлиб, ундаги кўплаб қоидаларга кўпчилик мутлоқ қўшилади, баъзилар қисман қўшилади. Бу шундай қоидалар ва нормалар оламики, уларга бўйсунмаслик жамият томонидан қораланади, таъқибланади. Шулардан келиб чиқадиган хулоса шуки, шахс жамиятга нисбатан барча тартиб - қоидаларни қабул қилувчи субъект бўлса, *жамият - ижтимоий интизом ва тартибнинг, маданиятнинг муфассал кўринишидир*.

Шахс ижтимоий хулқига турли ташқи кучлар таъсир қилади: сиёсий, мафкуравий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва бошқалар. Бу таъсиротлар моҳиятан аслида жамият аъзолари бўлмиш шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг айрим алоҳида йўналишларини белгилаб беради.

Шундай қилиб, шахс турли ижтимоий муносабатлар тизими таъсирида бўлади ва кўплаб ижтимоий институтлар (оила, маҳалла, ўқув масканлари, меҳнат коллективлари, норасмий ташкилотлар, дин, санъат, маданият ва бошқ.) билан боғлиқ бўлади. Масалан, шахсдаги турли ғоялар, фикрлар ва мафкура мафкуравий муносабатлар тизими таъсирида шаклланиб, улар бевосита оила, боғча, мактаб, бошқа ўқув ва тарбия муассасалари орқали онгга сингдирилади. Агар бу таъсир унинг эътиқоди даражасида кўтарилса, ва унда яна янгидан - янги фикрлар ва ғояларнинг пайдо бўлиши, ўсишига олиб келса, шахс тараққиёти жараёнида шундай фаолият соҳасини танлайдики, ўз қобилиятлари, малака ва кўникмаларини ривожлантира бориб, зиёли сифатида ё ўқитувчи, ёки врач, ёки олим, кашфиётчи, муҳандис бўлиб, элу - юртига хизмат қилади.

Иқтисодий муносабатлар ҳам шахс онги ва унинг инсоний хусусиятлари шаклланишида катта роль ўйнайди. Масалан, босқичма - босқич бозор муносабатларига ўтаётган Ўзбекистон шароитини оладиган бўлсак, янгича иқтисодий ўзгаришлар, бозор, рақобат, легализация ва шунга ўхшаш янгиликлар ҳар бир шахснинг моддий бойликлар ва уларга бўлган шахсий муносабатларида акс этиб, унинг иқтисодий онги, тафаккури ва иқтисодий хулқи нормаларини белгилайди.

3.2. Ижтимоий нормалар, санкциялар ва шахс

Ижтимоий норма - шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ - атворида нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир. Масалан, ўзбеклар учун бирор хонага кириб келган инсоннинг ким бўлишидан қатъий назар, «Ассалому алайкум» деб келиши - норма; ўқувчининг ўқитувчи берган топшириқларни бажариши лозимлиги - норма; хотиннинг эр ҳурматини ўрнига қўйиши, қайнонага гап қайтармаслик - норма; автобусда ёки бошқа жамоат транспортида кичикнинг катталарга, ногиронларга ўрин бўшатиши - норма, ва ҳақозо. Бу нормаларни айрим - алоҳида одам ишлаб чиқмайди, улар бир кун ёки бир вазиятда ҳам ишлаб чиқилмайди. Уларнинг пайдо бўлиши ижтимоий тажриба, ҳаётини вазиятларда кўпчилик томонидан эътироф этилганлиги факти

билан характерланади, ҳар бир жамият, давр, миллат ва ижтимоий гуруҳ психологияда муҳрланади.

Ижтимоий нормаларнинг у ёки бу даврда, у ёки бу тоифа вакили бўлмиш шахс томонидан қай даражада бажарилиши ёки унга амал қилинаётганлиги ижтимоий санкциялар орқали назорат қилинади. *Ижтимоий санкциялар* - нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли биз ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектига айланиб қолмасликка ҳаракат қиламиз. Масалан, юқоридаги мисолда, агар жамоат транспортида катта муйсафид кишига ўрин бўшатишни норма деб қабул қилмаган ўсмирга нисбатан кўпчиликнинг айблов кўзи билан қараши, ёки оғзаки танбех бериши, жуда кам ҳолларда ўзини бебош тутаётган ўсмирнинг қўлидан тутиб, нима қилиш кераклигини ўргатиб, «кўзини мошдай қилиб очиб қўйиш» ижтимоий санкциянинг ҳаётдаги бир кўринишидир.

Ҳар бир алоҳида шахс жамият томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган ижтимоий нормалар ва санкцияларни у ёки бу ижтимоий ролларни бажариши мобайнида хулқида намоён этади. *Рол* - шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг конкрет ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмуини билдиради. Масалан, талаба ролини оладиган бўлсак, уни бажариш - у ёки бу олий ўқув юртида таҳсил олиш, унинг моддий базасидан фойдаланиш, кутубхонасига аъзо бўлиш, стипендия олиб, маъмуриятнинг ижтимоий ҳимоясида бўлиш каби қатор ҳуқуқлар билан биргаликда ўша олийгоҳ ички тартиб - интизоми нормаларига сўзсиз бўйсунуш, дарсларга ўз вақтида келиш, рейтинг баҳолов талаблари доирасида кундалик ўзлаштиришни бажариш, амалиётда бўлиш, деканатнинг берган жамоатчилик топшириқларини ҳам бажариш каби қатор бурчларни ҳам ўз ичига олади. Бу рол унинг уйга боргач бажарадиган «фарзандлик» роли (ота-она, яқин қариндошлар олдида) талаб ва имтиёзларидан фарқ қилади. Яъни, конкрет шахснинг ўзига хослиги ва қайтарилмаслиги у бажарадиган турли-туман ижтимоий ролларнинг характерида келиб чиқади. Шунга кўра, кимдир «тартибли, баъмани, фозил, ахлоқли ва одобли» дейилса, кимдир - беъмани, бебош, ўзгарувчан, икки юзламачи (яъни, бир шароитда жуда қобил, бошқа ерда - бетартиб) деган ҳаётий мавқега эга бўлиб қолади.

Ҳаётда шахс бажарадиган ижтимоий роллар кўплиги сабабли ҳам, турли вазиятлардаги унинг мавқеи - статуси ҳам турлича бўлиб қолади. Агар бирор рол шахс ижтимоий тасаввурлари тизимида унинг ўзи учун ўта аҳамиятли бўлса (масалан, талаба роли), у бошқа ролларни унчалик қадрламаслиги ва оқибатда, ўша вазиятда бошқачарок, ноқулай ва нобопроқ мавқеи эгаллаб қолиши мумкин. Қолаверса, ролларнинг кўплиги баъзан роллар зиддиятини ҳам келтириб чиқариши мумкинки, оқибатда - шахс ички руҳий қийинчиликларни ҳам бошдан кечириши мумкин. Масалан, сиртдан таҳсил олаётган талаба сессия пайтида ишлаб турган корхонасига комиссия келиши ва унинг фаолиятини текшираётганлигини билиб, руҳий азобга тушади - бир томондан, талабачилик ва унинг талаблари, иккинчи томондан - касбдошлар олдида уялиб

қолмаслик учун ҳар куни ишхонага ҳам бориб келиш.

Ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазият ва бозор муносабатлари шароитидаги рақобат муҳити шахсдан бир вақтнинг ўзида қатор қобилиятлар ва малакаларни талаб қилмоқдаки, айниқса, ёшлар ўзгарувчан шароитларга тезроқ мослашиш учун баъзан бир-бирига зид хислатларни ҳам хулқда намоён қилишга мажбур бўлишмоқда. Масалан, ёш оила бошлиғи, талаба, ота - оналарга моддий жихатдан қарам бўлмаслик учун, бир вақтнинг ўзида ҳам итоаткор, интизомли талаба ва ишдан кейин эса - чакқон ва уддабурон, тадбиркор, тижоратчилик билан шуғулланишга мажбур бўлиши мумкин. Бу ҳолат табиий, шахсдан кучли ирода, доимий интилувчанлик ва ўз устида муттасил ишлашни талаб қилади.

3.3. Ижтимоий таъсирларнинг шахс томонидан англаниши

Ижтимоий нормалар, санкциялар, роллар ижтимоий механизмлар сифатида шахс хулқ-атворини маълум маънода бошқариб, мувофиқлаштириб туришга ёрдам беради. Лекин инсоннинг комиллиги, унинг ахлоқ - ижтимоий нормалар доирасидаги мақбул ҳаракати унинг ўзига ҳам боғлиқдир. Одамнинг ўз - ўзини англаши, билиши ва ўз устида ишлаши аввало унинг диққати, онги бевосита ўзига, ўз ички имкониятлари, қобилиятлари, ҳиссий кечинмаларига қаратилишини тақозо этади. Яъни, ижтимоий хулқ - шахс томонидан уни ўраб турган одамлар, уларнинг хулқ-атворларига эътибор беришдан ташқари, ўзининг шахсий ҳаракатлари, уларнинг оқибатларини мунтазам тарзда таҳлил қилиб бориш орқали, ролларни мувофиқлаштиришни ҳам тақозо этади.

Шахснинг ўзи, ўз хулқ-атвори хусусиятлари, жамиятдаги мавқеини тасаввур қилишидан ҳосил бўлган образ - «Мен» - образи деб аталиб, унинг қанчалик адекватлиги ва реалликка яқинлиги шахс баркамоллигининг мезонларидан ҳисобланади.

«Мен» - образининг ижтимоий психологик аҳамияти шундаки, у шахс тарбиясининг ва тарбияланганлигининг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, тарбия шахснинг ўзи ва ўз сифатлари тўғрисидаги тасаввурларининг шаклланиши жараёнидир, деб таъриф бериш мумкин. Демак, ҳар бир инсон ўзини, ўзлигини қанчалик аниқ ва тўғри билса, тасаввур қилолса, унинг жамият нормаларига зид ҳаракат қилиш эҳтимоли ҳам шунчалик кам бўлади, яъни у тарбияланган бўлади.

Ўз-ўзини англаш, ўзидаги мавжуд сифатларни баҳолаш жараёни кўпинча конкрет шахс томонидан оғир кечади, яъни инсон табиати шундайки, у ўзидаги ўша жамият нормаларига тўғри келмайдиган, ноъмақул сифатларни англамасликка, уларни «яширишга» ҳаракат қилади, ҳаттоки, бундай тасаввур ва билимлар онгсизлик соҳасига сиқиб чиқарилади (австриялик олим З. Фрейд назариясига кўра). Бу атайлаб қилинадиган иш бўлмай, у ҳар бир шахсдаги ўз шахсиятини ўзига хос ҳимоя қилиш механизмидир. Бундай ҳимоя механизми шахсни кўпинча турли хил ёмон асоратлардан, ҳиссий кечинмалардан асрайди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Мен» - образининг ижобий ёки салбийлигида яна ўша шахсни ўраб турган ташқи муҳит, ўзгалар ва уларнинг муносабати катта рол ўйнайди. Одам ўзгаларга қараб, гуёки ойнада ўзини кўргандай тасаввур қилади. Бу жараён психологияда **рефлексия** деб аталади.

Унинг моҳияти - айнан ўзига ўхшаш одамлар образи орқали ўзи тўғрисидаги образни шакллантириш, жонлантиришдир. Рефлексия «Мен» - образи эгасининг онгига тааллуқли жараёндир. Масалан, кўчада бир танишингизни учратиб қолдингиз. Сиз тинмай унга ўз ютуқларингиз ва машғулотларингиз ҳақида гапирмоқдасиз. Лекин гап билан бўлиб, унинг қаергадир шошаётганлигига эътибор бермадингиз. Шу нарсани сиз унинг бегоҳлик билан сизни тинглаётганлигидан, ҳаёли бошқа ерда турганлигидан билиб қоласиз ва шу орқали айтиш шу пайтда «махмадона, лақмароқ» бўлиб қолганингизни сезасиз. Кейинги сафар шу ўртоғингиз билан учрашганда, олдинги ҳатога йўл қўймаслик учун «Ўртоқ, шошмаяпсанми?» деб сўраб ҳам қўясиз. Ана шу илгариги рефлексиянинг натижасидир. Яъни, суҳбатдош ўрнига туриб, ўзингизга ташланган назар («мен унга қандай кўриняпман?») - рефлексиядир.

Шахснинг ўзи ҳақидаги образи ва ўз-ўзини англаши ёш ва жинсий ўзига хосликка эга. Масалан, ўзига нисбатан ўта қизиқувчанлик, ким эканлигини билиш ва англашга интилиш айтишга, ўсмирлик даврида ривожланади. Бу даврда пайдо бўладиган «катталиқ» ҳисси қизларда ҳам, ўсмир йигитчаларда ҳам нафақат ўзига, балки ўзгалар билан бўладиган муносабатларини ҳам белгилайди. Қизлардаги «Мен» - образининг яхши ва ижобий бўлиши кўпроқ бу образнинг аёллик сифатларини ўзида мужассам эта олиши, аёллик хислатларининг ўзида айтиш пайтда мавжудлигига боғлиқ бўлса, йигитлардаги образ кўпроқ жисмонан баркамоллик мезонлари билан нечоғли уйғун эканлигига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам ўсмирликда ўғил болалардаги бўйнинг пастлиги, мускулларнинг заифлиги ва шу асосда қурилган «Мен» - образи қатор салбий таассуротларни келтириб чиқаради. Қизларда эса ташқи тарафдан гўзалликка, келишганлик, одоб ва аёлларга хос қатор бошқа сифатларнинг бор - йўқлигига боғлиқ ҳолда «Мен» образи мазмунан идрок қилинади. Қизларда ҳам ортиқча вазн ёки терисида пайдо бўлган айрим тошмалар ёки шунга ўхшаш физиологик нуқсонлар кучли салбий эмоцияларга сабаб бўлса-да, барибир, чиройли кийимлар, тақинчоқлар ёки сочларнинг ўзига хос турмаги бу нуқсонларни босиб кетадиган омиллар сифатида қаралади.

3.4. «Мен» - образи ва ўз-ўзига баҳо

«Мен» - образи асосида ҳам бир шахсда ўз-ўзига нисбатан баҳолар тизими шаклланадики, бу тизим ҳам образга мос тарзда ҳар хил бўлиши мумкин. **Ўз-ўзига нисбатан баҳо** турли сифатлар ва шахснинг орттирилган тажрибаси, шу тажриба асосида ётган ютуқларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Яъни, айтиш бирор иш, ютуқ юзасидан ортиб кетса, бошқаси таъсирида - аксинча, пастлаб кетиши мумкин. Бу баҳо аслида шахсга бошқаларнинг реал муносабатларига боғлиқ бўлса-да, аслида у шахс онги тизимидаги мезонларга, яъни, унинг ўзи субъектив тарзда шу муносабатларни қанчалик қадрлашига боғлиқ тарзда шаклланади. Масалан, мактабда бир фан ўқитувчисининг болага нисбатан ижобий муносабати, доимий мактовлари унинг ўз-ўзига баҳосини оширса, бошқа бир ўқитувчининг салбий муносабати ҳам бу баҳони пастлатмаслиги мумкин. Яъни, бу баҳо кўпроқ шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, у субъектив характерга эгадир.

Ўз-ўзига баҳо нафақат ҳақиқатга яқин (адекват), тўғри бўлиши, балки у ўта паст ёки юқори ҳам бўлиши мумкин.

Ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши кўпинча атрофдагиларнинг шахсга нисбатан қўяётган талабларининг ўта ортиқлиги, уларни уддалай олмаслик, турли хил эътирозларнинг доимий тарзда билдирилиши, ишда, ўқишда ва муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин. Бундай ўсмир ёки катта одам ҳам, доимо тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши, атрофдагилардан четроқда юришга ҳаракат қилиши, ўзининг кучи ва қобилиятларига ишончсизлик қайфиятида бўлиши билан ажралиб туради ва бора-бора шахсда қатор салбий сифатлар ва ҳатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳаттоки, бундай ҳолат суицидал ҳаракатлар, яъни ўз жонига қасд қилиш, реал борлигидан «қочишга» интилиш психологиясини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Ўз-ўзига баҳо ўта юқори ҳам шахс хулқ-атворида яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки, у ҳам шахс ютуқлари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий тарзда бўрттирилиши, ноўрин мактовлар, турли қийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш туфайли шаклланади. Ана шундай шароитда пайдо бўладиган психологик ҳолат «ноадекватлилик эффекти» деб аталиб, унинг оқибатида шахс ҳаттоки, мағлубиятга учраганда ёки ўзида ночорлик, ўқувсизликларни сезганда ҳам бунинг сабабини ўзгаларда деб билади ва шунга ўзини ишонтиради ҳам (масалан, «ҳалақит берди-да», «фалончи бўлмаганида» каби баҳоналар кўпаяди). Яъни, нимаики бўлмасин, айбдор ўзи эмас, атрофдагилар, шароит, такдир айбдор. Бундайлар ҳақида бора-бора одамлар «оёғи ердан ўзилган», «манмансираган», «димовдор» каби сифатлар билан гапира бошлайдилар. Демак, ўз-ўзига баҳо реалистик, адекват, тўғри бўлиши керак.

Реалистик баҳо шахсни ўраб турганлар - ота-она, яқин қариндошлар, педагог ва мураббийлар, қўни-қўшни ва яқинларнинг ўринли ва асосли баҳолари, реал самимий муносабатлари маҳсули бўлиб, шахс ушбу муносабатларни илк ёшлигиданоқ холис қабул қилишга, ўз вақтида керак бўлса тўғрилашга ўргатилган бўлади. Бунда шахс учун эталон, ибратли ҳисобланган инсонлар гуруҳи - **референт** гуруҳнинг роли катта бўлади. Чунки биз кундалик ҳаётда ҳамманинг фикри ва баҳосига кулоқ солавермаймиз, биз учун шундай инсонлар мавжудки, уларнинг ҳаттоки, оддийгина танбеҳлари, маслаҳатлари, ҳаттоки, мактаб туриб берган танбеҳлари ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай референт гуруҳ реал мавжуд бўлиши (масалан, ота-она, ўқитувчи, устоз, яқин дўстлар), ёки нореал, ҳаёлий (китоб кахрамонлари, севимли актёрлар, идеал) бўлиши мумкин. Шунинг учун ёшлар тарбиясида ёки реал жамоадаги одамларга мақсадга мувофиқ таъсир ёки тазйиқ кўрсатиш керак бўлса, уларнинг эталон, референт гуруҳини аниқлаш катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб, ўз-ўзига баҳо соф ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмуни ва моҳияти шахсни ўраб турган жамият нормаларига, шу жамиятда қабул қилинган ва эъзозланадиган қадриятларга боғлиқ бўлади. Кенг маънодаги йирик ижтимоий жамоалар эталон ролини ўйнаши оқибатида шаклланадиган ўз-ўзига баҳо - ўз-ўзини баҳолашнинг юксак даражаси ҳисобланади. Масалан,

мустақиллик шароитида мамлакатимиз ёшлари онгига миллий қадриятларимиз, ватанпарварлик, адолат ва мустақиллик мафкурасига садоқат ҳисларининг тарбияланиши, табиий, ҳар бир ёш авлодда ўзлигини англаш, ўзи мансуб бўлган халқ ва миллат маънавиятини кадрлаш ҳисларини тарбияламоқда. Бу эса, ўша юксак ўз-ўзини англашнинг пойдевори ва муҳим шакллантирувчи механизмидир. Демак, ўз-ўзини баҳолаш - ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим мезонидир. Ўз-ўзини тарбиялаш омиллари ва механизмларига эса, қуйидагилар киради:

- ўз-ўзи билан мулоқот (ўзини конкрет тарбия объекти сифатида идрок этиш ва ўзи билан мулоқотни ташкил этиш сифатида);
- ўз-ўзини ишонтириш (ўз имкониятлари, кучи ва иродасига ишониш орқали, ижобий хулқ нормаларига бўйсундириш);
- ўз-ўзига буйруқ бериш (тиғиз ва экстремал ҳолатларда ўзини қўлга олиш ва мақбул йўлга ўзини чорлай олиш сифати);
- ўз-ўзига таъсир ёки аутосуггестия (ижтимоий нормалардан келиб чиққан ҳолда ўзида маъқул установакаларни шакллантириш);
- ички интизом - ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим мезони, ҳар доим ҳар ерда ўзининг барча ҳаракатларини мунтазам равишда коррекция қилиш ва бошқариш учун зарур сифат.

Юқоридаги ўз-ўзини бошқариш механизмлари орасида психологик нуқтаи назардан ўз-ўзи билан амалга ошириладиган **ички диалог** алоҳида ўрин тутаети. *Ўз-ўзи билан диалог* - оддий тил билан айтганда, ўзи билан ўзи гаплашишдир. Аслида бу қобилият бизнинг бошқалар билан амалга оширадиган ташқи диалогларимиз асосида ривожланади, лекин айнан ички диалог муҳим регулятив роль ўйнайди. Е. Климов бундай диалогнинг уч босқичини кўрсатиб ўтади.

4 - жадвалда шахс ички диалогининг босқичлари ва ҳар бир босқичга хос бўлган белгилар келтирилган.

Демак, шахснинг қандай сифатларга эга эканлиги, ундаги баҳоларнинг объективлигига боғлиқ тарзда ўз-ўзи билан мулоқотга киришиб, жадвалдагига мувофиқ шахс ўзини назорат қила олади. Шунинг учун ҳам ҳаётда шундай кишилар учрайдики, катта мажлисда иши танқидга учраса ҳам, ўзига холис баҳо бериб, керакли тўғри хулосалар чиқара олади, шундай одамлар ҳам борки, арзимаган ҳатолик учун ўз «ич-этини еб ташлайди». Бу ўша ички диалогнинг ҳар кимда ҳар хил эканлигидан дарак берувчи фактлардир.

Жадвал 4.

Шахс аутодиалогининг муҳим белгилари

Ички диалогнинг шаклланганлик даражаси	Босқичлари	Ички диалогнинг даражавий белгилари (аутокоммуникация)
Олий	6 - <i>босқич</i>	Шахсий мазмундаги диалог (ўзидаги шахсий сифатларни муҳокама қилиш, шахсий мулоҳаза)

даража	5 - <i>босқич</i>	Ҳодиса ва нарсаларга боғлиқ бўлган сифатлар хусусидаги ички диалог
Ўрта	4 - <i>босқич</i>	Шахсий сифатлар муҳокамасига қаратилган саволлар ўзига талаблар
даража	3 - <i>босқич</i>	Бошқаларнинг баҳолари таъсиридаги ички мулоҳазалар, шахсий аҳамият касб этган ўзгалар фикрлари асосида ички диалог
Қуйи	2 - <i>босқич</i>	Шахсий сифатларга алоқадор бўлмаган ўзгалар фикрлари асосидаги диалог (ҳодиса ва нарсаларга алоқадор фикрлар)
даража	1 - <i>босқич</i>	Кимдир нима ҳақидадир гапириш мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан тасаввурлар, лекин аниқ фикр ёки муносабат йўқ. Аутокоммуникацияга хожат йўқ.

3.5. Ўспиринлик даврида шахс ижтимоийлашуви

Шахс, унинг дунёни билиш, ўзини ва атрофидаги инсоний муносабатларни билиш, тушуниши ва ўзаро муносабатлар жараёнида ўзидаги такрорланмас индивидуаллиликни намоён қилиши ҳамда ушбу жараёнларнинг ёшга ва жинсга боғлиқ айрим жиҳатларини таҳлил қилиш бизга умумий равишда шахс - жамиятда яшайдиган ижтимоий мавжудотдир, деган хулосани қайтаришга имкон беради. Яъни, у туғилган онидан бошлаб ўзига ўхшаш инсонлар қуршовида бўлади ва унинг бутун руҳий потенциали ана шу ижтимоий муҳитда намоён бўлади. Чунки агар инсоннинг онтогенетик тараққиёти тарихига эътибор берадиган бўлсак, ҳали гапирмай туриб, одам боласи ўзига ўхшаш мавжудотлар даврасига тушади ва кейингина ижтимоий мулоқотнинг барча кўринишларининг фаол объекти ва субъектига айланади. Шу нуқтаи назардан, ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, унинг қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлгани, жамиятга қўшилиб яшашимизнинг психологик механизмлари фаннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараён психологияда *ижтимоийлашув ёки социализация* деб юритилади.

Демак, социализация ёки ***ижтимоийлашув*** - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Содда тил билан айтганда, ижтимоийлашув - ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгаларга таъсирини ўтказа олиши жараёнидир.

Ижтимоийлашув энг аввало одамлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликда турли фаолиятни амалга ошириш жараёнини назарда тутади. Ташқаридан шахсга кўрсатилаётган таъсир оддий, механик тарзда ўзлаштирилмай, у ҳар бир

шахснинг ички руҳияти, дунёни акс эттириш хусусиятлари нуқтаи назаридан турлича субъектив тарзда идрок этилади. Шунинг учун ҳам бир хил ижтимоий муҳит ва бир хил таъсирлар одамлар томонидан турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Масалан, 10-15-та ўқувчидан иборат академик лицей ўқувчиларини олайлик. Уларнинг билимни, илмни идрок қилишлари, улардан ота - оналарининг кутишлари, ўқитувчиларнинг бераётган дарслари ва унда етказилаётган маълумотлар, манбалар ва бошқа қатор омиллар бир хилдай. Лекин барибир ана шу 15 ўқувчининг ҳар бири шу таъсирларни ўзича, ўзига хос тарзда қабул қилади ва бу уларнинг ишдаги ютуқлари, ўқув кўрсаткичлари ва иқтидорида акс этади. Бу ўша биз юқорида таъкидлаган ижтимоийлашув ва индивидуализация жараёнларининг ўзаро боғлиқ ва ўзаро қарама-қарши жараёнлар эканлигидан дарак беради.

Ижтимоийлашув жараёнларининг рўй берадиган шарт-шароитларини *ижтимоий институтлар* деб атаймиз. Бундай институтларга оиладан бошлаб, маҳалла, расмий давлат муассасалари (боғча, мактаб, махсус таълим ўчоқлари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари) ҳамда норасмий уюшмалар, нодавлат ташкилотлари киради.

Бу институтлар орасида бизнинг шароитимизда *оила ва маҳалланинг* роли ўзига хосдир. Инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий хулқ элементлари айнан оилада, *оилавий муносабатлар* тизимида шаклланади. Шунинг учун ҳам ҳалқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Яъни, шахс сифатларининг дастлабки қолиплари оилада олинади ва бу қолип жамиятдаги бошқа гуруҳлар таъсирида сайқал топиб, такомиллашиб боради. Бизнинг ўзбекчилик шароитимизда оила билан бир қаторда *маҳалла* ҳам муҳим тарбияловчи - ижтимоийлаштирувчи рол ўйнайди. Шунинг учун бўлса керак, баъзан одамнинг қайси маҳалладан эканлигини суриштириб, кейин хулоса чиқаришади, яъни маҳалла билан маҳалланинг ҳам фарқи бўлиб, бу фарқ одамлар психологиясида ўз аксини топади. Масалан, битта маҳалладан яхши келин чикса, айнан шу маҳалладан қиз қидириб қолишади. Яъни, шу маҳалладаги ижтимоий муҳит қизларнинг ибоби, ақлли, сариштали бўлиб етишишларига кўмаклашган. Масалан, айрим маҳаллаларда саҳар туриб кўча - эшикларни супуриш одатга айланган ва барча оилалар шу удумни бузмайдилар. Шунга ўхшаш нормалар тизими ҳар бир кўча-маҳалланинг бир-биридан фарқи, афзаллик ва камчилик томонларини белгилайди, охиргилар эса шу маҳаллага катта бўлаётган ёшлар ижтимоийлашувида бевосита таъсирини кўрсатади.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув ўчоқларига *мактаб ва бошқа таълим масканлари* киради. Айнан шу ерда ижтимоийлашув ва тарбия жараёнлари махсус тарзда уйғунлаштирилади. Бизнинг ижтимоий тасаввурларимиз шундайки, мактабни биз таълим оладиган, бола билимлар тизимини ўзлаштирадиган маскан сифатида қабул қиламиз. Лекин аслида бу ер ижтимоийлашув тарбиявий воситаларда юз берадиган маскандир. Бу ерда биз атайлаб ташкил этилган, охирги йилларда жорий этилган «Маънавият дарслари», «Этика ва психология» каби тарбияловчи фанларни назарда тутмаяпмиз. Гап ҳар бир дарснинг, умуман мактабдаги шарт-шароитлар, умумий муҳитнинг тарбияловчи роли ҳақида. Масалан, дарс пайтида ўқитувчи

бутун диққати билан янги дарсни тушунтириш билан овора дейлик. Унинг назарида фақат дарс, мавзунинг мазмуни ва ундан кузланган мақсад асосийдай. Лекин аслида ана шу жараёндаги ўқитувчининг ўзини қандай тутаётганлиги, кийим - боши, мавзуга субъектив муносабати ва қолаверса, бутун синфдаги ўқувчиларга муносабати ҳамма нарсани белгиловчи, ижтимоий тажриба учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир. Шу нуқтаи назардан ўқувчилар диди, кутишлари ва талабларига жавоб берган ўқитувчи болалар томонидан тан олинади, акс холда эса ўқитувчининг таъсири фақат салбий резонанс беради. Худди шундай ҳар бир синфда шаклланган муҳит ҳам катта роль ўйнайди. Баъзи синфларда ўзаро ҳамкорлик, ўртоқчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган, гуруҳда ижодий мунозаралар ва баҳслар учун қулай шароит бор. Бу муҳит табиий ўз аъзолари ижтимоий хулқини фақат ижобий томонга йуналтириб туради.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув муҳити - бу *меҳнат жамоаларидир*. Бу муҳитнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу ерга шахс одатда анча ақли пишиб қолган, маълум тажрибага эга бўлган, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланган пайтда келади. Қолаверса, эгалланган мутахассислик, орттирилган меҳнат малакалари ва билимлар ҳам жуда муҳим бўлиб, шу муҳитдаги ижтимоий нормалар характериға таъсир қилади. Лекин барибир шахснинг кимлар билан, қандай ўзаро муносабатлар муҳити таъсирида эканлиги унинг етуклик давридаги ижтимоийлашувининг муҳим мезонларидандир. Шунинг учун ишга киришдаги асосий мотивлардан бири - ўша жамоанинг қандай эканлиги, бу ердаги ўзаро муносабатлар, раҳбарнинг кимлиги ва унинг жамоага муносабати бўлиб, кўпинча ойлик - маош масаласи ана шулардан кейин ўрганилади. Шунинг учун меҳнат жамоаларида яхши, соғлом маънавий муҳит, адолат ва самимиятга асосланган муносабатлар ҳар бир инсон тақдирида катта рол ўйнайди.

Катта ёшдаги ижтимоийлашувнинг ўзига хослиги шундаки, унда индивидуализация жараёни аниқроқ, сезиларлироқ кечади. Чунки катта одам нафақат ташқи таъсирларни ўзлаштиради, балки ўзидаги иқтидор, малакалар билан бошқаларга ҳам тарбиявий таъсир, шахсий ўрнатқ кўрсатиш имконияга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, қариликнинг ижтимоий моҳияти шундаки, ота - боболармиз, онахонларимиз асосан ўзларидаги мавжуд ижтимоий тажрибани бошқаларга (фарзандлар, набиралар, маҳалладаги ёшлар ва х-зо) узатиш билан шуғулланадилар ва бу нарсга айниқса, Шарқ халқларида жуда эъзозланади. Шу сабабли ҳам мустақил юртимизда қариялар эъзозланади, маҳалланинг бошқарув роли кун сайин оширилмоқда, оила - тарбиянинг бош ўчоғи сифатида давлат ҳимоясида бўлиб келмоқда. Бу мустақил давлат ёшларида янгича тафаккур ва онгнинг шаклланишига, юртга садоқат, ватанпарварликнинг ривожига ўз ҳиссасини қўшади.

3.6. Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгартирувчи омиллар

Жаҳон психологияси маълумотларининг кўрсатишича, хулқ-атворнинг муҳим мотивларидан бири бўлиб эътиқод ҳисобланади. Баъзи манбаларда унга мана бундай таъриф берилган: эътиқод- шахснинг ўз қарашларига, принципларига, дунёқарашига мувофиқ тарзда қарорга келишга ундайдиган

муҳим мотивлар тизимидир. Бошқа сўз билан айтганда, эътиқод шаклида намоён бўладиган эҳтиёжларнинг мазмуни- бу табиат, теварак-атрофдаги олам тўғрисидаги билимлар ва уларнинг муайян тарздаги тушунилиш демакдир. Бу билимлар фалсафий, эстетик, табиий-илмий нуқтаи-назардан тартибга солинса ва ички уюшган тизими ташкил этилса, у тақдирга шахснинг дунёқараши сифатида талқин қилиниши мақсадга мувофиқ.

Психология фани дунёқарашининг шаклланиш жараёнини тадқиқот қилади, ижтимоий-тараққиёт ҳодисаларининг тўғри баҳоланишини, эволюцион йўсинда таркиб топишини, ахлоқий тамойиллар, дидлар юз беришини, табиат ҳодисаларига ва жамиятнинг қонуниятларига нисбатан қарашларнинг шаклланиши қай тариқа юз беришини ва бошқаларни аниқлайди.

Ижтимоийлашувнинг институтларидан ташқари унинг оқибати масаласи ҳам психологияда муҳим амалий аҳамиятга эга. Шахс ижтимоийлашувининг энг асосий маҳсули - бу унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб, жамиятга манфаат келтирувчи фаолиятларда иштирок этишидир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, шахснинг йўналганлиги масаласига ҳам фанда катта эътибор берилади. *Ижтимоийлашув жараёнида шахс фаолиятини йўналтириб турадиган ва реал вазиятларга нисбатан тургун, барқарор мотивлар мажмуига эга бўлишлик шахснинг йўналганлиги деб аталади.*

Йўналганликнинг энг муҳим таркибий қисмларини қуйидагилар ташкил этади:

Масъулият. Бу ижтимоийлашув жараёнида шахснинг етуқлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан саналади. Охирги йилларда психологияда *назорат локуси назарияси (теория локуса контроля)* кенг тарқалдики, унга кўра, ҳар бир инсонда икки типли масъулият кузатилади. Биринчи типли масъулият шундайки, шахс ўзининг ҳаётида рўй бераётган барча ҳодисаларнинг сабабчиси, масъули сифатида фақат ўзини тан олади. («Мен ўзим барча нарсаларга масъулман. Менинг ҳаётим ва ютуқларим фақат ўзимга боғлиқ, шунинг учун ўзим учун ҳам, оилам учун ҳам ўзим жавоб бераман»). Масъулиятлилигининг иккинчи тури ундан фарқли, барча рўй берган ва берадиган воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси ташқи омиллар, бошқа одамлар (ота - она, ўқитувчилар, ҳамкасблар, бошлиқлар, танишлар ва бошқ.).

Хориж мамлакатларда ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, иккинчи турли масъулият кўпроқ ўсмирларга хос бўлиб, улардан 84% масъулиятни фақат бошқаларга юклашга мойил эканлар. Бу маълум маънода ёшлар ўртасида масъулиятсизлигининг авж олганлигидандир. Шунинг учун ҳам «назорат локуси» тушунчасини фанга киритган америкалик олим Дж. Роттер (J. Rotter)нинг фикрича, масъулиятни ўз бўйнига олишга ўргатилган болаларда ҳавотирлик, нейротизм, конформизм ҳолатлари кам учраркан. Улар ҳаётга тайёр, фаол, мустақил фикр юритувчилардир. Уларда ўз-ўзини ҳурмат ҳисси ҳам юқори бўлиб, бу бошқалар билан ҳам ҳисоблашиш яшашга сира ҳалакит бермайди. Шунинг учун ижтимоийлашувнинг муҳим босқичи кечадиган таълим муассасаларида ёшларга кўпроқ ташаббус кўрсатиш, мустақил фикрлаш ва эркинликни ҳис қилишга шароит яратиш керак ва бу ҳозирги кунда Президентимиз И. Каримов сиёсатининг асосини ташкил этади.

Мақсадлар ва идеаллар. Ижтимоийлашувнинг масъулият ҳиссига боғлиқ йўналишларидан яна бири шахсда шаклланадиган мақсадлар ва идеаллардир. Улар шахсни келажакни башорат қилиш, эртанги кунини тасаввур қилиш, узоқ ва яқинга мулжалланган режаларни амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди. Мақсад ва режасиз инсон - маънавиятсиз пессимистдир. Бу мақсадлар доимо ўзининг анланганлиги ва шахс реал имкониятларига боғлиқлиги билан характерланади. Уларнинг шаклланиши ва онгда ўрнашишида маълум маънода идеаллар ҳам рол ўйнайди. Идеаллар - шахснинг ҳозирги реал имкониятлари чегарасидан ташқаридаги орзу-умидлари, улар онгда бор, лекин ҳар доим ҳам амалга ошмайди. Чунки уларнинг пайдо бўлишига сабаб бевосита ташқи муҳит бўлиб, ўша идеаллар объекти билан шахс имкониятлари ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, ўсмирнинг идеали отаси, у отасидай машҳур ва эл суйган ёзувчи бўлмоқчи. Бу орзуга яқин келажакда эришиб бўлмайди, лекин айнан ана шундай идеаллар одамга мақсадлар қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишга иродани сафарбар қилишга ёрдам беради.

Қизиқишлар ва дунёқараш. Қизиқишлар ҳам анланган мотивлардан бўлиб, улар шахсни атрофида рўй бераётган барча ҳодисалар, оламлар, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиликлар борасида фактлар тўплаш, уларни ўрганишга имкон берувчи омилдир. Қизиқишлар мазмунан кенг ёки тор, мақсад жиҳатидан профессионал, бевосита ёки билвосита бўлиши, вақт томондан барқарор, доимий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин. Қизиқишларнинг энг муҳим томони шундаки, улар шахс дунёқараши ва эътиқодини шакллантиришга асос бўлади. Чунки *эътиқод* шахснинг шундай онгли йўналишики, унга ўз қарашлари, принциплари ва дунёқарашига мос тарзда яшашга имкон беради. Ҳалқ доимо эътиқодли инсонларни ҳурмат қилади. Эътиқоднинг предмети турлича бўлиши мумкин - Ватанга эътиқод, динга, фанга, касбга, ахлоқий нормаларга, оилага, гўзалликка ва шунга ўхшаш.

Эътиқод ва қизиқишлар ҳар биримиздаги дунёқарашни шакллантиради. **Дунёқараш** - тартибга солинган, яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввурлар ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум бир қолипда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда жамиятда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди. Мустақиллик даврида шаклланаётган янгича дунёқараш ёшларда Ватанга садоқатни, миллий қадриятлар, анъаналарни эъзозлашни, ўз яқинларига меҳрибон ва танлаган йўлига - касби, маслаги ва эътиқодига содиқликни назарда тутди. Янгича фикрлаш ва янгича тафаккур айнан мустақиллик мафкураси руҳида тарбия топиб, сайқал топган миллий онг, дунёқараш ва эътиқоддир.

3.7. Миллий ва маънавий қадриятларнинг роли

Дунёқараш - шахснинг шахслигини (индивид эмас), унинг маънавиятини, ижтимоийлашуви даражасини кўрсатувчи кучли мотивлардандир. Шунинг учун ҳам унинг шаклланиши ва ўзгариши масаласи муҳим масалалардан бўлиб, ҳамма вақт ва даврларда ҳам ўта долзарб бўлиб келган. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, жамиятда туб ислохотлар бошланди. Ана шу ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири - маънавий-маърифий

ислохотлар бўлиб, унинг асосий мақсади жамият аъзолари дунёқарашини истиқлол руҳида шакллантиришни мақсад қилиб қўйди. Давлатимизнинг ёшлар борасидаги сиёсатининг асосини ҳам уларда янгича хурфикрлилик билан янгича дунёқарашни шакллантиришдир. Бу ўринда психология ўзгаришлар шароитида эътиқод, дунёқараш ва идеаллар ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллар хусусида қуйидагилар ажаратади:

1. Маънавият ва маърифат. Аввало маърифат хусусида. Бу - одамнинг табиат, жамият ва инсонлар тўғрисидаги турли билимлари, тушунчалари, маълумотлари мажмуи бўлиб, унинг мазмуни бевосита шахс дунёқарашининг мазмун-моҳиятини белгилайди. Демак, ёшларга қаратилган ва улар ўқиб, ўрганиши учун йўналтирилган барча турдаги маълумотлар (китоблар, оммавий - ахборот воситалари орқали, мулоқот жараёнида), улар асосида шаклланадиган янгича тасаввурлар янгича дунёқараш учун заминдир. Мустақиллик йилларида эски, ўзини тарих олдида оқламаган мафкурадан воз кечилди, янги мустақиллик ғояси, унинг асосий тамойиллари, ёшларни маърифатли қилиш борасидаги вазифалар давлатимиз раҳбари И.А. Каримов асарларида мухтасар, аниқ баён этилган. Улар асосида мамлакатимизда янги «Таълим тўғрисидаги Қонун» ва «Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури» қабул қилинди. Улар ёшларнинг энг илғор илм - фан ютуқларидан боҳабар қилиш, буюк алломалар меросини чуқур ва теран ўрганиш, замонавий технологиялар асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш, ёшларни маърифатли қилишнинг барча шарт-шароитларини яратишни назарда тутди. Бу сайёи-ҳаракатлар маънавият борасидаги ислохотлар, ўзбек маданияти, санъати, адабиётини ривожлантириш ишлари, тарихимизни тиклаш борасида амалга оширилаётган оламшумул ишлар табиий, ёшларимизда янгича дунёқарашнинг шаклланишига асос бўлади.

2. Оила. Юртимизда оила ҳамиша давлат ҳимоясида ва олий қадрият сифатида эъзозланади. Оила ижтимоийлашувнинг асосий ва муҳим ўчоғи бўлгани учун ҳам унинг шу муҳитда тарбияланаётган ёшлар эътиқоди ва дунёқарашидagi роли сезиларлидир. Республикамизда «Оила» йили деб эълон қилиниши, «Оила» илмий-амалий Маркази ўз фаолиятини бошлаши жамиятда, ёшлар тарбияси борасида оиланинг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган муҳим тadbир бўлди ва уларда юртга, Ватанга, яқинларга садоқат, муҳаббат ҳисларини тарбиялаш орқали дунёқарашлари мазмунига ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

3. Мафкура. Ҳар бир даврнинг ўз мафкураси бўлади ва у шахс ижтимоийлашуви жараёнида унинг онгига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Коммунистик мафкурадан батамом воз кечган жамиятимизда янги мустақиллик мафкураси шаклланмоқда. Зеро, мафкура жамият аъзоларининг табиат, жамият ва ижтимоий жараёнлар хусусидаги ғоялари, билимлари мажмуи бўлиб, ҳар бир ижтимоий гуруҳ ўз эътиқодига мос мафкурани танлайди. Мустақилликдан руҳланган, унинг моддий ва маънавий неъматларидан баҳраманд бўлаётган Ўзбекистонликлар ўтган қисқа вақт мобайнида унинг қадриятлари, ҳар бир шахсга яратилаётган чексиз имкониятлари, илм ва билим борасидаги шарт-шароитларни англаб, ўзлари онгли равишда ана шу тузумга садоқат ва уни севиш, ардоқлаш ва ҳимоя

қилишга тайёрлик фалсафасини шакллантирмоқдалар. Янги мафкура мустақиллик ва миллий қадриятлар ғояси таъсирида шаклланмоқда ва бу табиий, биринчи навбатда ёшлар дунёқарашини ўзгартирувчи муҳим шартдир.

4. Ижтимоий установакалар. Соф психологик маънода янгича тафаккур ва дунёқарашни шакллантирувчи ва ўзгартирувчи ижтимоий психологик механизм - бу ижтимоий установакалардир. Бу - шахснинг атроф муҳитида содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни, объектларни, ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабатлар урнатишга руҳий ички ҳозирлик сифатида одамдаги дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир.

Рус олими В.А. Ядов ўзининг диспозицион концепциясини яратиб, унда установакаларни тўрт босқич ва тўрт тизимли сифатида тасаввур қилган.

А) элементар установакалар (set) - оддий, элементар эҳтиёжлар асосида кўпинча онгсиз тарзда ҳосил бўладиган установакалар. Уларни ўзгартириш учун моддий шарт-шароитларни ва одамдаги эҳтиёжлар тизимини ўзгартириш кифоя.

Б) ижтимоий установакалар (attitud) - ижтимоий вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклланадиган установакалар. Уларни ўзгартириш учун ижтимоий шарт-шароитлар ва шахснинг уларга нисбатан баҳо ва муносабатлари тизимини ўзгартириш керак.

В) базавий ижтимоий установакалар - улар шахснинг умумий йўналишини белгилайди ва уларни ўзгартириш эътиқодлар ва дунёқарашларни ўзгартириш демакдир.

Г) Қадриятлар тизими - улар авлодлараро мулоқот жараёнининг маҳсули сифатида жамиятда кадр-қиммат топган нарсаларга нисбатан установака. Масалан, саҳих ҳадислар шундай қадриятлардир, биз уларни танқидсиз, муҳокамаларсиз қабул қиламиз, чунки улар ҳам илохий, ҳам энг буюк инсонлар томондан яратилган ва авлоддан авлодга ўз қадрини йўқотмай келаётган қадриятлардир.

Ижтимоий установакаларни ўзгартиришнинг энг содда ва қулай йўли - бу айна вазиятлар ва улардаги таъсирларни **қайтаришдир**. Бу қайтариш қайд қилинган образ сифатида инсон онгида узоқ муддатли хотирада сақланади ва вазият пайдо бўлганда, *объективлашади*, яъни ўз кучини ва мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам агар чет эл тажрибасига мурожаат қиладиган бўлсак, у ерда бирор ғояни онгга сингдириш учун бир одам ёки бирор гуруҳ ўзсиёсий, мафкуравий ёки бошқа қарашларини бир хил сўзлар ва иборалар, ҳаракатлар билан қайтараверади ва шу йўл билан кўпчиликнинг маъқуллашига эришади. Айниқса, сайлов олди тадбирларида ана шу усул кенг қўлланилади. Шулардан келиб чиқиб, ижтимоий установакаларни ўзгартиришнинг усуллари ва психологик воситалари орқали ҳам дунёқарашни ўзгартиришга эришиш мумкин.

Қисқача хулосалар:

Шахс ва жамият муносабатларида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримларида шахс, айримларида жамият устун сифатида қаралган. Шахс тузилмасини тушунтиришда ижтимоий роллар, ижтимоий мавқе, ижтимоий санкциялар жиҳатидан қараш кузатилади. Шахснинг хулқини бошқаришда

унинг мафкураси, дунёқараши, маънавияти билан бир қаторда унинг ижтимоий установақасини билиш зарур бўлади. Шахснинг ижтимоий муносабатларда ўз-ўзини баҳолаши даражалари: юқори, адекват, паст мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида шахснинг хулқидаги турли ўзгаришларни кўрсатиб беради.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. “Шахс” - тушунчасининг таърифи қандай?
2. Нативизм йўналишининг таърафдорлари қандай ғояни илгари суришган?
3. Эмпиризм таърафдорларининг фикри қандай?
4. Ижтимоий норма нима?
5. Ижтимоий санкция нима?
6. “Мен” образи деб нимага аталади?
7. Рефлексия - бу қандай жараён?
8. Ўз-ўзига нисбатан баҳо қандай кўринишларга эга?
9. Ижтимоийлашув қандай жараён?
10. Шахс дунёқараши ва эътиқодини ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллар қайси?

Адабиётлар рўйхати:

1. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник - М., 1998
2. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
3. Каримова В. ва б.к. Мустақил фикрлаш.- Т.: Шарқ, 2000
4. “Психология” Уч.Т-2. “Проспект”. Москва - 2004.
5. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.
6. www.psychology.net.ru

4-БОБ. ШАХСНИНГ ФАОЛЛИГИ. ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ, МОТИВАЦИЯСИ ВА УЛАРНИ БОШҚАРИШ. ИЖТИМОЙ ХУЛҚ МОТИВАЦИЯСИ. АНГЛАНГАН ВА АНГЛАНМАГАН МОТИВЛАР.

4.1. Шахс ва унинг фаоллиги.

4.2. Фаолиятнинг турлари. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар.

4.3. Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси .

4.4. Мотивларнинг турлари.

4.5. Мотивларнинг анланганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси.

4.1. Шахс ва унинг фаоллиги

Жамият билан доимий муносабатни ушлаб турувчи, ўз-ўзини англаб, ҳар бир ҳаракатини мувофиқлаштирувчи шахсга хос бўлган энг муҳим ва умумий хусусият - бу унинг ***фаоллигидир***. Фаоллик (лотинча «actus» - ҳаракат, «activus» - фаол сўзларидан келиб чиққан тушунча) шахснинг ҳаётдаги барча ҳатти-ҳаракатларини намоён этишини тушунтирувчи категориядир. Бу - ўша оддий кўлимизга қалам олиб, бирор чизикча тортиш билан боғлиқ элементар ҳаракатимиздан тортиб, токи ижодий уйғониш пайтларимизда амалга оширадиган мавҳум фикрлашимизгача бўлган мураккаб ҳаракатларга алоқадор ишларимизни тушунтириб беради. Шунинг учун ҳам психологияда шахс, унинг онги ва ўз-ўзини англаши муаммолари унинг фаоллиги, у ёки бу фаолият турларида иштироки ва уни уддалаши алоқадор сифатлари орқали баён этилади.

Фанда инсон фаоллигининг асосан икки тури фарқланади:

А. Ташқи фаоллик - бу ташқаридан ва ўз ички истак-хоҳишларимиз таъсирида бевосита кўриш, қайд қилиш мумкин бўлган ҳаракатларимиз, мушакларимизнинг ҳаракатлари орқали намоён бўладиган фаоллик.

Б. Ички фаоллик - бу бир томондан у ёки бу фаолиятни бажариш мобайнидаги физиологик жараёнлар (моддалар алмашинуви, қон айланиш, нафас олиш, босим ўзгаришлари) ҳамда, иккинчи томондан, бевосита психик жараёнлар, яъни аслида кўринмайдиган, лекин фаолият кечишига таъсир кўрсатувчи омилларни ўз ичига олади.

Мисол тариқасида ҳаётдан шундай манзарани тасаввур қилайлик: узоқ айрилиқдан сўнг она ўз фарзанди висолига етди. Ташқи фаолликни биз онанинг боласига интилиши, уни кучоқлаши, юзларини сийлаши, кўзларидан оққан севинч ёшларида кўрсак, ички фаоллик - ўша кўз ёшларини келтириб чиқарган физиологик жараёнлар, ички соғинчнинг асл сабаблари (айрилиқ муддати, ночорлик туфайли айрилиқ каби яширин мотивлар таъсири), кўриб идрок қилгандаги ўзаро бир-бирларига интилишни таъминловчи ички, бир қарашда кўз билан илғаб бўлмайдиган эмоционал ҳолатларда намоён бўлади. Лекин шу манзарани бевосита гувоҳи бўлсак ҳам, уни ифодалаган расмни кўрсак ҳам, тахминан қандай жараёнлар кечаётганлигини тасаввур қилишимиз мумкин. Демак, иккала турли фаоллик ҳам шахсий тажриба ва ривожланишнинг асосини ташкил этади. Бир қарашда ҳар бир конкрет шахсга ва унинг эҳтиёжларига боғлиқ бўлиб туюлган бундай фаоллик турлари аслида ижтимоий характерга

эга бўлиб, шахсинг жамият билан бўладиган мураккаб ва ўзаро муносабатларининг оқибати ҳисобланади.

Инсон фаоллиги «ҳаракат», «фаолият», «хулқ» тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс ва унинг онги масаласига бориб тақалади. Шахс айнан турли фаолликлар жараёнида шаклланади, ўзлигини намоён қилади ҳам. Демак, фаоллик ёки инсон фаолияти пассив жараён бўлмай, у онгли равишда бошқариладиган фаол жараёндир. Инсон фаоллигини мужассамлаштирувчи ҳаракатлар жараёни **фаолият** деб юритилади. Яъни, **фаолият** - инсон онги ва тафаккури билан бошқариладиган, ундаги турли-туман эҳтиёжлардан келиб чиқадиган, ҳамда ташқи оламни ва ўз-ўзини ўзгартириш ва такомиллаштиришга қаратилган ўзига хос фаоллик шаклидир. Бу - ёш боланинг реал предметлар моҳиятини ўз тасаввурлари доирасида билишга қаратилган ўйин фаолияти, бу - моддий неъматлар яратишга қаратилган меҳнат фаолияти, бу - янги кашфиётлар очишга қаратилган илмий - тадқиқотчилик фаолияти, бу - рекордларни кўпайтиришга қаратилган спортчининг маҳорати ва шунга ўхшаш. Шуниси характерлики, инсон ҳар дақиқада қандайдир фаолият тури билан машғул бўлиб туради.

4.2. Фаолият турлари. Жисмоний ва ақлий ҳаракатлар

Ҳар қандай фаолият реал шарт-шароитларда, турли усулларда ва турлича кўринишларда намоён бўлади. Қилинаётган ҳар бир ҳаракат маълум нарсага - предметга қаратилгани учун ҳам, фаолият предметли ҳаракатлар мажмуи сифатида тасаввур қилинади. Предметли ҳаракатлар ташқи оламдаги предметлар хусусиятлари ва сифатини ўзгартиришга қаратилган бўлади. Масалан, маърузани конспект қилаётган талабанинг предметли ҳаракати ёзувга қаратилган бўлиб, у аввало ўша дафтардаги ёзувлар сони ва сифатида ўзгаришлар қилиш орқали, билимлар заҳирасини бойитаётган бўлади. Фаолиятнинг ва уни ташкил этувчи предметли ҳаракатларнинг айнан *нималарга* йуналтирилганига қараб, аввало ташқи ва ички фаолият фарқланади. **Ташқи фаолият** шахсни ўраб турган ташқи муҳит ва ундаги нарса ва ҳодисаларни ўзгартиришга қаратилган фаолият бўлса, **ички фаолият** - биринчи навбатда ақлий фаолият бўлиб, у соф психологик жараёнларнинг кечишидан келиб чиқади. Келиб чиқиши нуқтаи назаридан ички - ақлий, психик фаолият ташқи предметли фаолиятдан келиб чиқади. Дастлаб предметли ташқи фаолият рўй беради, тажриба орттириб борилган сари, секин-аста бу ҳаракатлар ички ақлий жараёнларга айланиб боради. Буни нутқ фаолияти мисолида оладиган бўлсак, бола дастлабки сўзларни қаттиқ товуш билан ташқи нутқида ифода этади, кейинчалик ичида ўзича гапиришга ўрганиб, ўйлайдиган, мулоҳаза юритадиган, ўз олдига мақсад ва режалар қўядиган бўлиб боради.

Ҳар қандай шароитда ҳам барча ҳаракатлар ҳам ички-психологик, ҳам ташқи - мувофиқлик нуқтаи назаридан онг томонидан бошқарилиб боради. Ҳар қандай фаолият таркибида ҳам ақлий, ҳам жисмоний - мотор ҳаракатлар мужассам бўлади. Масалан, фикрлаётган донишмандни кузатганмисиз? Агар ўйланаётган одамни зийраклик билан кузатсангиз, ундаги етакчи фаолият ақлий бўлгани билан унинг пешоналари, кўзлари, ҳаттоки, тана ва қўл ҳаракатлари жуда муҳим ва жиддий фикр хусусида бир тўхтамга келолмаётганидан, ёки янги

фикрни топиб, ундан мамнуният ҳис қилаётганлигидан дарак беради. Бир қарашда ташқи элементар ишни амалга ошираётган - мисол учун, узум кўчатини ортиқча барглардан ҳалос этаётган боғбон ҳаракатлари ҳам ақлий компонентлардан холи эмас, у қайси баргнинг ва нима учун ортиқча эканлигидан англаб, билиб туриб олиб ташлайди.

Ақлий ҳаракатлар - шахснинг онгли тарзда, ички психологик механизмлар воситасида амалга оширадиган турли-туман ҳаракатларидир. Экспериментал тарзда шу нарса исбот қилинганки, бундай ҳаракатлар доимо мотор ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ҳаракатлар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

■ **перцептив** – яъни, булар шундай ҳаракатларки, уларнинг оқибатида атрофдаги предметлар ва ҳодисалар тўғрисида яхлит образ шаклланади;

■ **мнемик фаолият**, нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти ва мазмунига алоқадор материалнинг эслаб қолиниши, эсга туширилиши ҳамда эсда сақлаб турилиши билан боғлиқ мураккаб фаолият тури;

■ **фикрлаш фаолияти** - ақл, фаҳм-фаросат воситасида турли хил муаммолар, масалалар ва жумбоқларни ечишга қаратилган фаолият;

■ **имажестив** - («image» -образ сўзидан олинган) фаолияти шундайки, у ижодий жараёнларда ҳаёл ва фантазия воситасида ҳозир бевосита онгда берилмаган нарсаларнинг хусусиятларини англаш ва ҳаёлда тиклашни тақозо этади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар қандай фаолият ҳам ташқи ҳаракатлар асосида шаклланади ва мотор компонентлардан иборат бўлиши мумкин. Агар ташқи фаолият асосида психик жараёнларга ўтиш рўй берган бўлса, бундай жараённи психологияда **интериоризация** деб аталади, аксинча, ақлда шаклланган ғояларни бевосита ташқи ҳаракатларда ёки ташқи фаолиятга кўчирилиши **экстериоризация** деб юритилади.

Фаолият турлари яна онгнинг бевосита иштироки даражасига кўра ҳам фарқланади. Масалан, шундай бўлиши мумкинки, айрим ҳаракатлар бошида ҳар бир элементни жиддий равишда, алоҳида-алоҳида бажаришни ва бунга бутун диққат ва онгнинг йўналишини талаб қилади. Лекин вақт ўтгач, бора-бора унда онгнинг иштироки камайиб, кўпгина қисмлар автоматлашиб боради. Бу оддий тилга ўгирилганда, **малака** ҳосил бўлди дейилади. Масалан, ҳар биримиз шу тарзда хат ёзишга ўрганганмиз. Агар малакаларимиз қатъий тарзда биздаги билимларга таянса, фаолиятнинг мақсади ва талабларига кўра ҳаракатларни муваффақиятли бажаришни таъминласа, биз буни **кўникмалар** деб атаймиз. *Кўникмалар* - доимо биздаги аниқ билимларга таянади. Масалан, кўникма ва малакалар ўзаро боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам ўқув фаолияти жараёнида шаклланадиган барча кўникмалар ва малакалар шахснинг муваффақиятли ўқишини таъминлайди. Иккаласи ҳам машқлар ва қайтаришлар воситасида мустаҳкамланади. Агар, фақат малакани оладиган бўлсак, унинг шаклланиш йўллари қуйидагича бўлиши мумкин:

■ оддий намоёиш этиш йўли билан;

■ тушунтириш йўли билан;

■ кўрсатиш билан тушунтиришни уйғунлаштириш йўли билан.

Ҳаётда кўникма ва малакаларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жисмоний ва ақлий уринишларимизни енгиллаштиради. Ўқишда, меҳнатда, спорт соҳасида ва ижодиётда муваффақиятларга эришишимизни таъминлайди.

Фаолиятни классификация қилиш ва турларга бўлишнинг яна бир кенг тарқалган усули - бу барча инсонларга хос бўлган асосий фаоллик турлари бўйича табақалашдир. Бу - мулоқот, ўйин, ўқиш ва меҳнат фаолиятларидир.

Мулоқот - шахс индивидуал ривожланиши жараёнида намоён бўладиган бирламчи фаолият турларидан бири. Бу фаолият инсондаги кучли эҳтиёжлардан бири - инсон бўлиш, одамларга ўхшаб гапириш, уларни тушуниш, севиш, ўзаро муносабатларни мувофиқлаштиришга қаратилган эҳтиёжларидан келиб чиқади. Шахс ўз тараққиётини айнан шу фаолият турини эгаллашдан бошлайди ва нутқи орқали (вербал) ва нутқсиз воситалар (новербал) ёрдамида бошқа фаолият турларини мукаммал эгаллашга замин яратади.

Ўйин - шундай фаолият турики, у бевосита бирор моддий ёки маънавий неъматлар яратишни назарда тутмайди, лекин унинг жараёнида жамиятдаги мураккаб ва хилма-хил фаолият нормалари, ҳаракатларнинг символик андозалари бола томонидан ўзлаштирилади. Бола токи ўйнамагунча, катталар ҳатти-ҳаракатларининг маъно ва моҳиятини англаб етолмайди.

Ўқиш фаолияти ҳам шахс камолотида катта рол ўйнайди ва маъно касб этади. Бу шундай фаоллики, унинг жараёнида билимлар, малака ва турли кўникмалар ўзлаштирилади.

Меҳнат қилиш ҳам энг табиий эҳтиёжларга асосланган фаолият бўлиб, унинг мақсади албатта бирор моддий ёки маънавий неъматларни яратиш, жамият тараққиётига ҳисса қўшишдир.

Ҳар қандай касбни эгаллаш, нафақат эгаллаш, балки уни маҳорат билан амалга оширишда фаолиятнинг барча қонуниятлари ва механизмлари амал қилади. Оддийгина бирор касб малакасини эгаллаш учун ҳам унга алоқадор бўлган маълумотларни эслаб қолиш ва керак бўлганда яна эсга тушириш орқали уни бажариш бўлмай, балки ҳам ички (психик), ҳам ташқи (предметга йўналтирилган) ҳаракатларни онгли тарзда бажариш билан боғлиқ мураккаб жараёнлар ётишини унутмаслик керак. Лекин ҳар бир шахсни у ёки бу фаолият тури билан шуғулланишига мажбур қилган психологик омиллар - сабаблар муҳим бўлиб, бу *фаолият мотивларидир*.

4.3. Ижтимоий хулқ мотивлари ва шахс мотивацияси

Юқорида биз танишиб чиққан фаолият турлари ўз-ўзидан рўй бермайди. Шахснинг жамиятдаги ижтимоий хулқи ва ўзини қандай тутиши, эгаллаган мавқеи ҳам сабабсиз, кузатилмайди. Фаолиятнинг амалга ошиши ва шахс хулқ - атворини тушунтириш учун психологияда «*мотив*» ва «*мотивация*» тушунчалари ишлатилади.

«*Мотивация*» тушунчаси «мотив» тушунчасидан кенгроқ маъно ва мазмунга эга. **Мотивация** - инсон хулқ-атвори, унинг боғланиши, йўналиши ва фаоллигини тушунтириб берувчи психологик сабаблар мажмуини билдиради. Бу тушунча у ёки бу шахс хулқини тушунтириб бериш керак бўлганда ишлатилади, яъни: «нега?», «нима учун?», «нима мақсадда?», «қандай манфаат

йўлида?» деган саволларга жавоб қидириш - мотивацияни қидириш демакдир. Демак, у хулқнинг мотивацион таснифини ёритишга олиб келади.

Мотив ва мотивация муаммоларини тадқиқ этишда рус ва собиқ иттифок психологлари ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар, жумладан, К.Д.Ушинский, И.М.Сеченов, И.П.Павлов, В.М.Бехтеров, А.Ф.Лазурский, В.М.Мясищев, А.А.Ухтомский, Л.С.Вўготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, П.М.Якобсон ва бошқалар.

Ўз замонасининг буюк экспериментатори А.Ф.Лазурский психик жараёнлар ва шахс хусусиятларини тадқиқ этаётганида мотивлар масаласига қизиқиш билан ёндашади. Бунинг учун муаллиф ўз изланишларида “майлар ва хоҳишлар кучи ҳамда заифлиги”, “мотивлар курашига мойиллиги”, “мотивлар муҳокамасига ортилганлиги”, “хоҳишнинг қадриятга эга эканлиги, аниқ хусусиятлилиги” сингари контекстлар орқали ўрганишга интилади. Шунинг билан бирга А.Ф.Лазурский интилиш ривожининг даражаси онгли иродавий зўр бериш билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Мотив муаммоси Д.Н.Узнадзе томонидан ўрганилган бўлиб, унинг моҳиятини тушнтириш, установка назариясига асосланган. Шунинг учун мотивни муаллиф субъект фаоллигининг манбаи, деб тушунтиради, мотивацияни эса иродавий актга олиб келувчи босқич деб ҳисоблайди.

А.Н.Леонтьев мотивация масаласини тушунтиришда инсон онгининг намоён бўлишини таҳлил қилиш воситаси орқали ёндашади. У ҳатти-ҳаракат хулқ мотивига айланишини психологик механизмларини таҳлил қилади.

В.Н.Мясищев фикрича, мотив ҳаракат объектига нисбатан муносабатнинг ифодаланишидир.

Шахснинг жамиятда одамлар орасидаги хулқи ва ўзини тутиши сабабларини ўрганиш тарбиявий аҳамиятга эга бўлган нарса бўлиб, масалани ёритишнинг икки жиҳати фарқланади:

а) ички сабаблар, яъни ҳатти-ҳаракат эгасининг субъектив психологик хусусиятлари назарда тутилади (мотивлар, эҳтиёжлар, мақсадлар, мўлжаллар, истаклар, қизиқишлар ва ҳоказолар);

б) ташқи сабаблар - фаолиятнинг ташқи шарт-шароитлари ва ҳолатлари. Яъни, бўлар айна конкрет ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўладиган ташқи стимуллардир.

Шахс хулқ-атворини ичкаридан, ички психологик сабаблар туфайли бошқариш одатда **шахсий диспозициялар** ҳам деб аталади. Улар шахс томонидан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Яъни, баъзан шундай бўладикки, шахс ўзи амалга оширган иши ёки ўзидаги ўзгаришларга нисбатан шаклланган муносабатнинг ҳақиқий сабабини ўзи тушуниб етмайди, «Нега?» деган саволга «Ўзим ҳам билмай қолдим, билмайман», деб жавоб беради. Бу англанмаган диспозициялар ёки установкалар деб аталади. Агар шахс бирор касбга онгли тарзда қизиқиб, унинг барча сир-асрорларини эгаллаш учун астойдил ҳаракат қилса, бунда вазият бошқачароқ бўлади, яъни, диспозиция англанган, онгли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан *мотив* - конкретроқ тушунча бўлиб, у шахсдаги у ёки бу хулқ-атворга нисбатан турган мойиллик, ҳозирликни тушунтириб

берувчи сабабни назарда тутати. Машхур немис олими Курт Левин мотивлар муаммоси, айникса, шахсдаги ижтимоий хулқ мотивлари борасида катта кенг ҳамровли тадқиқотлар олиб бориб, шу нарсани аниқлаганки, ҳар бир одам ўзига хос тарзда у ёки бу вазиятни идрок қилиш ва баҳолашга мойил бўлади. Шуниси ажабланарлики, ўша бир конкрет вазият хусусидаги турли шахсларнинг баҳолари ҳам турлича бўлади. Бундан ташқари, бир шахснинг ўзи ҳам ўзидаги ҳолат, кайфиятга боғлиқ ҳолда бир хил вазиятни алоҳида ҳолларда турлича идрок қилишга мойил бўларкан. Шунинг учун ҳам одамнинг айна пайтдаги реал ҳаракатларини ўша маълум шароитдаги ички ва ташқи стимулларга унинг берган баҳоси ёки реакцияси сифатида қарамай, балки унда шунга ўхшаш ҳолатларни идрок қилишга ички бир ҳозирлик - диспозициянинг мавжудлиги билан тушунтириш тўғрироқ бўлади. Шу маънода шахс хулқининг мотивацияси турли шароитлардан орттирилган тажрибага таянган, онгли таҳлиллар, ҳаттоки, ижтимоий тажриба нормаларининг таъсирида шаклланадиган сабаблар комплексини ўз ичига олади. Масалан, техника олийгоҳларида: «Материалларнинг қаршилиги» номли курс бор дейлик. Шу курсни ўзлаштириш ва ундан синовдан ўтиш кўпчиликка осонликча бўй бермайди. Ҳали курс бошланмасданок, ёш талабаларда шу курс ва унинг талабларига нисбатан шундай установка шаклланадики, албатта, бу курс қийин, уни олиб боровчи ўқитувчи ўта талабчан, каттиққўл ва ҳоказо деган. Бундай мотивация мана неча авлод талабалар бошдан кечираётган ҳолат. Энди конкрет шахснинг дарс жараёни бошланган кейинги ҳаракатлари конкрет мотивлар билан изоҳланади ва тиришқоқ талаба учун бу фан ҳам бошқа фанлар қатори тинимсиз изланиш, ўз вақтида дарсларни тайёрлашни талаб қилса, бошқаси учун (дангасароқ талаба учун) бу дарсдан кейин дарс йўқ ва у қачон шу семестр тугагини кутиб ҳаракат қилади.

Ҳар қандай мотивларнинг орқасида шахснинг эҳтиёжлари ётади. Яъни, мақсадли ҳаётда шахсда аввал у ёки бу эҳтиёжлар пайдо бўлади ва айнан уларнинг табиати ва заруратига боғлиқ тарзда хулқ мотивлари намоён бўлади. Мисол учун талабанинг ўқув фаолиятини олиш мумкин. Билим олиш мақсади билим, илм олиш, қизиқувчанлик эҳтиёжини пайдо қилади. Бу эҳтиёж тараққиётнинг маълум бир даврида, масалан, боғча ёшидан бошлаб қониктирила бошлайди. Болага сотиб олиб берилган китоблар, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари, маълум таълим масканида ташкил этилган шарт-шароитлар ва у ердаги бевосита билим олишга қаратилган фаолиятнинг ўзи, бола учун мотив ўрнини босади. Яна бир оддий мисол: кўлингизда китоб бор. Сиз ҳали уни ўқишни бошламадингиз. Лекин ўқиш истаги бор, шу истакнинг ортида эса, ўша мазмунни билиш ва унинг моҳиятини билиб олиш эҳтиёжи туради. Рус олими Р. Немов шахсдаги мотивацион соҳани қуйидагича тасаввур қилади. Умуман, ҳар қандай шахсдаги мавжуд эҳтиёжларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. *Биологик эҳтиёжлар* - бу - физиологик (ташналик, очлик, уйку), жинсий, мослашув эҳтиёжлари.

2. *Ижтимоий эҳтиёжлар* - бу - меҳнат қилиш, билиш, эстетик ва ахлоқий-маънавий эҳтиёжлар.

Эҳтиёжларни биологик ҳамда ижтимоий турларга бўлганимиз билан шу

нарсани унутмаслигимиз лозимки, шахсдаги ҳар қандай эҳтиёжлар ҳам ижтимоийлашган бўлади, яъни, улар ўша жамият ва муҳитдаги қадриятлар, маданий нормалар ва инсонлараро муносабатлар характериға боғлиқ бўлади. Масалан, энг табиий ва тушунарли ҳисобланган бизнинг емишга - овқатга бўлган эҳтиёжимизни олсак, у ҳам конкрет муҳитга қараб турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Яна мисол учун, туй маросимлари ёки жуда тўкин дастурхон атрофида ўтирган одам нима учун шунчалик кўп овқат истеъмол қилиб юборганини билмай қолади. Агар бу табиат қўйни ёки пахта даласидаги ҳашар бўлса-чи, бир бурда иссиқ нон ҳам бутун танага роҳат бахш этувчи малҳам бўлиб, очликни билинтирмайди. Камтарона дастурхондан овқат еб ўрганган киши оз-оз ейишга ўрганса, ёшлигидан нормадан ортиқ еб ўрганган одам врач олдиға бориб, ўзи учун оздирувчи дори-дармон сўраса сўрайдики, лекин уйда ўзи емишини назорат қилиши кераклигини билмайди. Демак, бу ҳам маданиятга, этикаға, оила муҳитиға бевосита боғлиқ нарса экан.

Умуман шахс ижтимоий хулқи мотиви ҳақида гап кетганда, унинг икки томони ёки элементи ажратилади: **ҳаракат дастури ва мақсад**. Ҳаракат дастури мақсадға эришишинг воситалариға аниқлик киритади. Шунинг учун ҳам дастурда назарда тутилган воситалар мақсадға эришишни оқлаши керак, акс холда дастур ҳеч нарса бермайди. Масалан, баъзи ота-оналар фарзандларини яхши тарбиялаш ва ундан идеалларидаги шахс етишиб чиқишини орзу қилиб, унинг олдиға жуда оғир тарбиявий шартларни қўядилар, бола эркинлиги бўғилади, у қатъий назорат муҳитида ушланади. Оқибатда бола кейинчалик бошқариб бўлмайдиган, қайсар, унча-мунча ташқи таъсирға берилмайдиган бўлиб қолиб, ҳар қандай бошқа ижтимоий шароитда қийналадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мотив ҳар доим англандан, эҳтиёжлар мувофиқлаштирилган, мақсадлар ва унга етиш воситалари аниқ бўлиши керак. Шундагина ижтимоий хулқ жамиятға мос бўлади.

4.4. Мотивларнинг турлари

Мотивлар қуйидаги туркумларға ажратилади: шахснинг ижтимоий эҳтиёжлариға мос мотивлар; умумийликка эға бўлган мотивлар; фаолиятға мос мотивлар; пайдо бўлиш хусусияти, муддатиға кўра мотивлар; акс этиш даражаси нуқтаи-назаридан иерархик вужудға келган мотивлар.

Психологик маълумотларға кўра ҳар қандай фаолият муайян мотивлар таъсирида вужудға келади ва етарли шарт-шароитлар яратилгандагина амалға ошади. Шунинг учун таълим жараёнида ўзлаштириш, эгаллаш ва ўрганишни амалға оширишни таъминлаш учун ўқувчиларда ўқув мотивлари мавжуд бўлиши лозим.

Турли касбэгалари фаолияти мотивларини ўрганишда мотивлар характерини билиш ва уларни ўзгартириш муаммоси аҳамиятға эға. Шундай мотивлардан бири турли хил фаолият соҳаларида **муваффақиятға эришиш мотиви** бўлиб, бундай назариянинг асосчилари америкалик олимлар Д. Макклелланд, Д. Аткинсон ва немис олими Х. Хекхаузенлар ҳисобланади. Уларнинг фикрича, одамда турли ишларни бажаришини таъминловчи асосан икки турдаги мотив бор: **муваффақиятға эришиш мотиви** ҳамда **муваффақиятсизликлардан қочиш мотиви**. Одамлар ҳам у ёки бу турли

фаолиятларни киришишда қайси мотивга мўлжал қилишларига қараб фарқ қиладилар. Масалан, фақат муваффақият мотиви билан ишлайдиганлар олдиндан ишонч билан шундай иш бошлайдиларки, нима қилиб бўлса ҳам ютукка эришиш улар учун олий мақсад бўлади. Улар ҳали ишни бошламай туриб, ютукни кутадилар ва шундай ишни амалга оширишса, одамлар уларнинг барча ҳаракатларини маъқуллашларини биладилар. Бу йўлда улар нафақат ўз куч ва имкониятларини, балки барча ташқи имкониятлар - таниш-билишлар, маблағ каби омиллардан ҳам фойдаланадилар.

Бошқача хулқ-атворни муваффиқиятсизликдан қочиш мотивига таянган шахсларда кузатиш мумкин. Масалан, улар биринчилардан фарқли, ишни бошлашдан аввал нима бўлса ҳам муваффиқиятсизликка дучор бўлмасликни ўйлайдилар. Шу туфайли уларда кўпроқ ишончсизлик, ютукка эришишга ишонмаслик, пессимизмга ўхшаш ҳолат кузатилади. Шунинг учун бўлса керак, охир-оқибат улар барибир муваффиқиятсизликка учраб, «Ўзи сира омадим юришмайдиган одамман-да» деган хулосага келадилар. Агар биринчи тоифали шахслар бир ишни муваффиқиятли тугатгач, кўтаринки руҳ билан иккинчи ишга киришишса, иккинчи тоифа вакиллари, ҳар қандай ишни якунлагандан сўнг, унинг натижасидан қатъий назар, руҳан тушкунликка тушадилар ва оғриниш ҳисси билан бошқа ишга киришадилар. Бу ўринда *талабчанлик* деган сифатнинг роли катта. Агар муваффиқиятга йўналган шахсларнинг ўзларига нисбатан қўйган талаблари даражаси ҳам юқори бўлса, иккинчи тоифа вакиллариининг талаблари аксинча, паст бўлади. Бундай ташқари ҳар биримиздаги ўзимиздаги реал қобилиятлар тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳам ушбу мотивларнинг фаолиятдаги ўрнига таъсир кўрсатади. Масалан, ўзидаги қобилиятларга ишонган шахс ҳаттоки, мағлубиятга учраса ҳам, унчалик қайғурмайди, кейинги сафар ҳаммаси яхши бўлишига ишонади. Ишончсиз шахс эса кичкина берилган танбеҳ ёки танқидни ҳам жуда катта руҳий азоб билан қайғуриб бошдан кечиради. Унинг учун ҳам шахснинг у ёки бу вазиятларда қайғуриш сифати ҳам маълум маънода мотивлар характерини белгилайди.

Шундай қилиб, мотивлар тизими бевосита шахснинг меҳнатга, одамларга ва ўз-ўзига муносабатларидан келиб чиқади ва ундаги характер хусусиятларини ҳам белгилайди. Уларнинг ҳар биримизда реал шарт-шароитларда намоён бўлишини бирор масъулиятли иш олдида ўзимизни тутишимиз ва муваффақиятларга эришишимиз билан баҳоласак бўлади. Масалан, масъулиятли имтихон топшириш жараёнини олайлик. Баъзи талабалар имтихон олдида жуда қайғурадилар, ҳаттоки, қўрқадилар ҳам. Улар учун имтихон топшириш жуда катта ташвишдай. Бошқалар эса бу жараёни босиқлик билан бошдан кечириб, ичидан ҳаяжонланаётган бўлсалар ҳам, буни бошқаларга билдирмайдилар. Яна учинчи тоифа кишилари умуман беғам бўлиб, сира қойимайдилар. Табиий, шунга мувофиқ тарзда, ҳар бир тоифа вакиллари ишининг муваффақияти ва фаолиятнинг самараси турлича бўлади. Бунга ҳар бир шахсдаги даъвогарлик даражаси ҳам таъсир қилади. Даъвогарлик даражаси юқорироқ бўлганлар билган-билмаганини исбот қилишга ўринсалар, ана шундай даражаси пастлар бор билганини ҳам яхши айтиб беролмай, яна

ўқитувчи билан тортишмайдилар ҳам.

Шунинг учун ҳам ҳар биримиз ижтимоий фаолият мотивларидан ташқари, шахсий ҳислатларимизни ҳам билишимиз ва онгли тарзда хулқимизни бошқара олишимиз керак.

4.5.Мотивларнинг англанганлик даражаси: ижтимоий установка ва уни ўзгартириш муаммоси

Юқорида таъкидлаганимиздек, мотивлар, яъни ҳатти-ҳаракатларимизнинг сабаблари биз томонимиздан англаниши ёки англанмаслиги ҳам мумкин. Юқорида келтирилган барча мисолларда ва ҳолатларда мотив аниқ, яъни шахс нима учун у ёки бу турли фаолиятни амалга ошираётганлигини, нима сабабдан муваффақиятга эришаётганлиги ёки мағлубиятга учраганини билади. Лекин ҳар доим ҳам ижтимоий хулқимизнинг сабаблари бизга аён бўлавермайди. Англанмаган ижтимоий хулқ мотивлари психологияда ижтимоий установка (инглизча «attitud») ҳодисаси орқали тушунтирилади.

Ижтимоий установка шахснинг ижтимоий объектлар, ҳодисалар, гуруҳлар ва шахсларни идрок қилиш, баҳолаш ва қабул қилишга нисбатан шундай тайёргарлик ҳолати, у бу баҳо ёки муносабатнинг аслида қачон шаклланганлигини аниқ англамайди. Масалан, Ватанимизни ҳаммамиз севамиз, байроғимиз муқаддас, немис инвесторларга ишонамиз, негрларга раҳмимиз келади, тижорат ишлари билан шуғулланадиганларни албатта пулдор, бадавлат, деб ҳисоблаймиз ва ҳақозо. Бу тасаввурлар, баҳо ва ҳиссиётлар қачон ва қандай қилиб онгимизда ўрнашиб қолганлигига эътибор бермасдан юқорида санаб ўтган ҳиссиётларни бошдан кечираверамиз. Мана шуларнинг барчаси ижтимоий установкалар бўлиб, уларнинг мазмун моҳияти аслида ҳар бир инсон ижтимоий тажрибаси давомида шаклланади ва узок муддатли хотирада сақланиб, конкрет вазиятларда руёбга чиқади.

Америкалик олим Г. Оллпорт ижтимоий установканинг уч компонентли тизимини ишлаб чиққан:

А. Когнитив компонент - установка объектига алоқадор билимлар, ғоялар, тушунча ва тасаввурлар мажмуи;

Б. Аффектив компонент - установка объектига нисбатан субъект ҳис қиладиган реал ҳиссиётлар (симпатия, антипатия, лоқайдлик каби эмоционал муносабатлар);

В. Ҳаракат компоненти - субъектнинг объектга нисбатан реал шароитларда амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлари мажмуи (хулқда намоён бўлиш).

Бу уч хил компонентлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу компонентнинг роли устиворроқ бўлиши мумкин. Шунини айтиш лозимки, компонентлараро монандлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва тартиб - интизом билан жуда яхши таниш бўлсалар ҳам, ҳар доим ҳам унга риоя қилавермайдилар. «Тасодифан дарс қолдириш», «жамоатчилик жойларида тартибни бузиш» каби ҳолатлар когнитив ва ҳаракат компонентларида уйғунлик йўқлигини кўрсатади. Бу бир қарашда сўз ва иш бирлиги тамойилининг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам бир неча марта била туриб, ижтимоий хулққа

зид ҳаракат қилса, ва бу нарса бир неча марта қайтарилса, у бу ҳолатга ўрганиб қолади ва установкага айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ижтимоий нормалар ва санкциялар воситасида бундай қарама-қаршилик ва тафовут бўлмаслигига ёшларни ўргатиб боришимиз керак. Бу шахснинг истиқболи ва фаолиятининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Қисқача хулосалар:

Шахс ва унинг фаоллиги масаласи доимо долзарбдир. Шахс фаолияти турларига ўйин, меҳнат, ўқиш, мулоқот киради. Шахсдаги ҳаракатлар жисмоний ва ақлий ҳаракатларга бўлинади. Уларнинг ҳар бир ўз тузилмаси ва хусусиятига эга. Шунга кўра ташқи ва ички фаоллик кузатилади. Шахс ҳаракатида мотивлар муҳим бўлиб, улар ижтимоий ҳуққ мотивлари, шахс мотивацияси, мотивлар каби турларга бўлинади. Шахсда муваффақиятга эришиш ва мағлубиятдан қочиш мотивлари кўринади. Ишлаб чиқариш жараёнида рўй берадиган турли вазиятларда шахс мотивациясининг ўзгариши ва уни бошқариш масалалари муҳим бўлиб, уни ўрганиш ҳар бир шахс учун зарурдир.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Фаоллик сўзининг маъноси қандай?
2. Инсон фаоллигининг турлари?
3. Ақлий ҳаракат кўринишлари қандай?
4. Интериоризация деб нимага аталади?
5. Экстериоризация қандай жараён?
6. Малака ва кўникмалар қандай ҳосил бўлади?
7. “Мотив” ва “мотивация” тушунчалари қандай маънога эга?
8. Шахсий диспозициялар нима?
9. Мотивларнинг қандай турлари мавжуд?
10. Ижтимоий установка қандай аҳамиятга эга?

Адабиётлар рўйхати:

1. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002. 1-2 китоб.
2. “Психология” Уч.Т-2. “Проспект”. Москва - 2004.
3. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.
4. Дружинина В. “Психология”. Учебник. “Питер”, 2003.
5. www.expert.psychology.ru

5-БОБ. ШАХСНИНГ ИЖТИМОЙ БОРЛИҚНИ БИЛИШИ. БИЛИШ МЕЗОНЛАРИ ВА УНИНГ АДЕКВАТЛИГИ. ИДРОК, ХОТИРА ВА ДИҚҚАТ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШ

5.1. Билиш жараёнлари ва профессионал фаолият.

5.2. Билиш жараёнлари.

5.3. Идрок ва унинг хусусиятлари.

5.4. Идрок қилиш қонунлари.

5.5. Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги.

5.6. Хотиранинг қонунлари.

5.7. Билиш жараёнларини бошқариш усуллари.

5.1. Билиш жараёнлари ва профессионал фаолият

Профессионал фаолият шахсдан жуда кўп билимларни ҳамда малакаларни талаб қилади. Нима учун у ёки бу касбни танлаганини англаб етган шахс (мотивлар муаммоси), энди ўз фаолияти ва қобилиятларини бошқара билиши ва ўз устида муттасил ишлаб, малакаларини орттириб бориши шарт. **Профессионал билимдонлик** шу нуқтаи назардан шахс умумий маданиятининг шундай йўналишики, унга фақат касбига тааллуқли бўлган билимлардан ташқари шу билимларнинг ҳосил бўлиш йўллари ва малакаларнинг такомиллашувини таъминловчи психологик жараёнлар ва ҳолатларни билишни ҳам тақозо этади. Бу психологияда билиш жараёнлари ва уларнинг моҳиятини ва кечишини билиш демакдир.

Маълумки, одамлар бир-бирларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қиладилар. Масалан, айримлар кўрган-кечирганларини жуда яхши эсда олиб қолиб, керак вақтда аниқ эсга тушира оладилар. Баъзилар кўзи билан кўрган ҳар қандай объектни майда деталларигача баён этиш қобилиятига эга. Яна бирлари эшитган нарсалари хусусида аниқроқ фикрлайди, кимдир содда, равон тилга ўз ҳис-кечинмаларини айта олса, бошқалар - ҳар бир хикояга албатта, фантазия элементларини қўшишга мойил бўладилар. Демак, одамларнинг ташқи оламдан оладиган таассуротлари ва уларни онгда тартиблаштириш қобилиятлари ҳар хил бўларкан. Иккинчи томондан, шундай касб-корлар борки, у шахсдаги у ёки бу сифатларнинг мукаммаллашиб боришига имкон беради. Масалан, йирик автоматик бошқарув тизимларида ишлайдиган оператор ўз диққатини ҳар қандай майда ўзгаришларга ҳам қаратишга ўрганса, конструктор мавҳум математик ҳисоб - китобларга уста бўлиб боради. Иқтисодчи - молиячи пулнинг ҳар бир тийинидан фойда олишга ўрганса, шоир табиатан барча ҳодиса ва воқеаларни бадиий бўёқларда, ўзига хос идрок қилишга мойиллиги ошади. Демак, одамнинг ташқи олам хосса ва хусусиятларини онгида акс эттириши унинг иқтидори ўсиши ва профессионал малакалари ривожланганлигига боғлиқ тарзда кечади. Шунинг учун ҳар онгнинг муҳим акс эттириш шакллари бўлмиш билиш жараёнлари - идрок, сезгилар, хотира, диққат, тафаккур, ирода ва ҳиссиётларнинг инсон ҳаёти ва профессионал ўсишидаги ролига тўхтаб ўтамыз.

Бу жараёнлар инсонга жуда яқин ва таниш. Чунки ҳар биримиз онгимиз борлигини, атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларнинг айрим алоҳида ҳамда яхлит хусусиятларини биламыз. Бу нарса ва ҳодисалар бизда ҳар бир алоҳида

шароитда ўзига хос ҳиссий - кечинмаларни келтириб чиқаришини ҳам биламиз. Масалан, қорнингиз оч қолганда, емишга бўлган талабингизни ҳақиқатан бор ёки йўқлигини бировлардан сўрамайсиз-ку? Ёки китоб мутуала қилаётган шахс шу китобни рост билан ҳам ўзи ўқиётганлигини бошқалардан сўрамайди. Бундай ишлар ўз-ўзидан табиий жараёнлардай кечаверади. Фақат имтиҳон пайтида кеча кечаси билан мутуала қилиб, ўрганиб чиққан материални нега ҳозир домла олдида эслай олмаётганлигингиз сизни кўпроқ қизиқтиради ва сиз «Хотирам устида ишлашим керак» деган хулосага келасиз.

Дарҳақиқат, билиш жараёнлари ҳам маълум маънода бошқариладиган жараёнлар бўлиб, агар сиз ўз имкониятларингизни кенггайтириш ёки иқтидор даражангизни орттирмоқчи бўлсангиз, бу жараёнларга оид маълум қоидалар ва хусусиятларни билиб олишингиз керак.

5.2. Билиш жараёнлари

Инсон онги бир қарашда яхлит нарса, аслида у айрим алоҳида жараёнлардан иборат. Шунинг учун ҳам атроф-муҳитни, ўзимизни билишимизга имкон берувчи онгни ўрганиш учун уни алоҳида психик жараёнларга бўлиб ўргана бошлаганлар. Бу жараёнлар - сезгилар, идрок, хотира, диққат, тафаккур, нутқ ва бошқалардир. Бу жараёнлар шу қадар бир-бирлари билан боғлиқки, бирини иккинчисиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Масалан, кўриб идрок қилиб турган нарсангизни фикрламай кўрингчи, унинг моҳиятини биласизми? Диққат билан кўрган ёки ўқиган текстингизни эслаб қоласиз. Ёки бирор нарса тўғрисида фикрлаш учун бизга бир вақтда ҳам илгариги идрок образлари, ҳам эслаб қолиш маҳоратимиз, ҳам ички нутқимиз, иродамиз ва диққат керак бўлади. Ҳаттоки, тасодифан қўлимизга кириб кетган зирапчага берган реакциямиз ҳам эмоциялардан ташқари, ўша нарсанинг бу ерда қандай пайдо бўлганлиги каби қатор тафаккур жараёнларини келтириб чиқаради.

Мураккаб компьютер техникаси чиққандан кейин одамнинг ўз психик жараёнларига қизиқиши янада ортди. Энди маълумотларни қабул қилиш (анъанавий идрок деб аталувчи жараёнга ўхшаш), уларни қайта ишлаш (тафаккурга ўхшаш) ва уни сақлаш (хотира) ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолдик. Лекин бу инсондаги табиий жонли жараёнлар аҳамияти ва тарбияси масаласини янада юқори кўтарди.

Психология соҳасида экспериментал ишларнинг муваффақиятли амалга оширилиши аслида инсон психикаси компьютердан кўра мураккаблиги ва одам англаган маълумотларидан кўпроқ нарсаларни идрок қилиб, қабул қилишини исботлади. Масалан, махсус асбоблар ёрдамида аслида одам кўрмаётган, ҳис қилмаётган жуда кучсиз сигналлар ҳам физиологик реакцияларни келтириб чиқараётганлиги қайд этилди. Масалан, шу нарса аниқланганки, одам кино кўраётганда бир секундда 24 кадрни идрок қилади ва бирор тасвир кўз ўнгида гавдаланади. Психологлар шундай эксперимент қилишди: кунларнинг бирида ўзига хос тасвир намоён этилди. 24 та кадр ўрнига 25 кадр бериб, ўша 25-кадрда «Кока - қола ичинг» деган ёзув берилди. Табиий, оддий идрок бу битта кадрни илғамайди. Лекин кинотеатр буфетида ушбу ичимликни ичиш кадрдан кейин 18 фоизга ошган. Демак, аслида онг бу маълумотни қабул қилган, лекин

реал англаш, ойдинлашув рўй бермаган экан.

Аналогик ҳолат хотирамизда ҳам тез-тез рўй беради. Кимнидир учратиб қоламизда, ўйланамиз: қаерда кўрган эканман? Ҳеч эслолмайсиз, лекин юзи, кўзи ва бошқа сифатлари танишдай. Буни ҳам шундай изоҳлаш лозимки, одам кўрган-кечирганлари аслида миёда сақланади, биз онг соҳасига айримларинигина чиқара оламиз. Фақат, касал бўлиб ёки бирор нарсадан қаттиқ ташвишга тушганимизда калламизга ҳар хил уй-фикрлар келаверади. Ўшалар аслида бор нарсаларнинг беихтиёр тикланиши.

Онгдаги маълумотларнинг аслида миёмиздагилардан камлигининг асосий сабаби - одам ҳар қандай маълумотни *саралаб, танлаб қабул қилади*, ўзи учун «аҳамиятсиз» деб баҳолаган нарсага диққат ҳам қилмайди, эслаб қолмайди ҳам. У ўз онгида барча мавжуд маълумотни ўзига хос тарзда қайта ишлайди, ўзгартиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон ўзига хос ва қайтарилмасдир - индивидуалдир, дейилади. Билиш жараёнлардаги индивидуаллик сабабларини тушуниш учун энг муҳим билиш жараёнлари билан танишамиз.

Сезгилар тўғрисидаги илмий таълимотларга биноан нарсалар ва уларнинг хоссалари, уларнинг таркибий қисмлари, хусусиятлари, шакллари, ҳаракати бирламчи ҳисобланиб сезгиларнинг ўзи эса ташқи ва ички қўзғатувчиларнинг сезги аъзоларига таъсир этишининг маҳсулидир.

Инглиз олими Ч.Шеррингтон сезгиларнинг ушбу таснифини беради:

1) экстериорецептив сезгилар, яъни ташқи муҳитдаги нарса ва ҳодисаларнинг хусусиятларини акс эттиришга мослашган рецепторлар.

2) интериорецептив сезгилар, яъни инсон ички тана аъзолари ҳолатларини акс эттирувчи сезгилар.

3) проприорецептив сезгилар, яъни инсон танаси ва гавдасидаги турли ҳолатларни ва ҳаракатларни мускуллар билан боғловчи сезгилар.

Биринчи туркум сезгиларни кўриш, эшитиш, ҳидлаш, тери-туюш, таъмаза каби турлар ташкил қилади. Кўриш 380-770 гача миллимикрон диапазондаги электромагнит нурлардан иборат. Эшитиш частотаси 16 дан 20 000 гача бўлган товуш тўлқинларидан иборат. Тактил сезгилари механик қўзғатувчиларнинг тери юзасида таъсири натижасида ҳосил бўлади. Улар учун сезгининг яширин даври 130 миллисекунд, оғриқ сезгилари учун эса 370 миллисекунд тўғри келади, маза-таъм сезгиси эса тил юзасига таъсир этилгандан сўнг 50 миллисекунд вақт оралигида ҳосил бўлади. Кўриш сезгилари бош миёнинг орқа бўлагига жойлашган, эшитиш сезгилари эса миёнинг тепа бурмасида жойлашган. Тери-туюш, ҳаракат сезгилари миёнинг марказий бурмаси орқа қисмида жойлашган.

5.3.Идрок ва унинг хусусиятлари

Психологларнинг фикрича, инсон ниманики идрок қилса, уни *фигура ва фон*да идрок қилади. Фигура - шундай нарсаки, уни аниқ англаш, ажратиш, кўриш, эшитиш ва туйиш мумкин. Фон эса аксинча, ноаниқроқ, умумийроқ нарса бўлиб, аниқ объектни ажратишга ёрдам беради. Масалан, гавжум бозорда кетаётган тақдирда ҳам ўз исмимизни биров айтиб чақирса, дарров ўша тарафга қараймиз. Исм - фигура бўлса, бозордаги шовкин - фон ролини ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, биз бирор нарсани идрок қилаётган пайтимизда уни

албатта бирор фондан ажратиб оламиз. Масалан, гул бозорида айнан кип-қизил атиргул сизга ёқиб қолиб, ўшани ҳарид қиласиз, қолган гуллар фондай онгингиз активига ўтмайди.

Шундай қилиб, *идрок - бу билишимизнинг шундай шаклики, у борлиқдаги кўплаб, хилма-хил предмет ва ҳодисалар орасида бизга айна пайтда керак бўлган объектни хосса ва хусусиятлари билан яхлит тарзда акс этишимизни таъминлайди.* Яъни, идрокнинг асосида нарса ва ҳодисанинг яхлитлашган образи ётадики, бу образ бошқаларидан фарқ қилади. Идрок ўзига нисбатан соддароқ бўлган сезги жараёнларидан ташкил топади. Масалан, олманинг шаклини, хидини, мазасини, рангини сезамиз, яъни алоҳида-алоҳида хоссалар онгимизда акс этади. Бу - сезгиларимиздир. Сезгилар яхлит тарзда идрок жараёнини таъминлайди. Лекин олимлар идрокни сезгиларнинг оддийгина, механик тарздаги бирлашуви, деган фикрга мутлоқ қаршилар. Чунки идрок онгли, мақсадга қаратилган мураккаб жараён бўлиб, унда шахснинг у ёки бу объектга шахсий муносабати ва идрокдаги фаоллиги асосий роль ўйнайди. Масалан, буни исботи учун кўпинча **Рубин фигураси** тавсия этилади. Унда иккита қора профиль оқ фонда берилган. Бир қарашда айримлар бу расмларга қараб, «Бу - ваза» деб атаса, бошқалар уни бир-бирига қараб турган икки киши юзининг ён томондан кўриниши, деб таърифлаши мумкин. Шуниси характерлики, биринчи марта шу расмни кўрган одам уни яхлит идрок қилиб, нима эканлигини *тушунишга* ҳаракат қилади, лекин бирор фигурани кўргач, маълум вақтгача бошқасини кўрмай туради. Агар шу идрок даражаси қолса, яъни яна ниманидир кўришни хохламаса, у иккинчи фигурани кўрмаслиги ҳам мумкин. Бу биздаги идрок жараёнларининг фаоллигимизга, объектга муносабатимизга бевосита боғлиқлигини кўрсатиб турибди. Иккинчидан, идрок бизнинг қайфиятимизга ҳам боғлиқ. Ташвиш билан йўлакчадан ўтиб кетаётиб, оёғингиз тагидаги нарса тугул, рўпарадаги одамни ҳам кўрмай қолишингиз мумкин. Ёки санъат музейида томоша қилиб юрган икки киши бир расмда тамоман ҳар хил нарсаларни, элементларни кўриши мумкин. Яхши қайфиятда, яхши дўстлар компаниясида истеъмол қилган таом сизга жуда мазалидай туюлади. Агар талаба бирор фан предметидан қарздор бўлиб қолса, оч қоринга еган ширин таоми ҳам «таътимайди», ҳатто нима еганини ҳам унутиб қўяди. Ёмон қайфият кўпроқ қора, нурсиз рангларни идрок қилишга мойил бўлса, яхши, кўтаринки қайфият, аксинча, ҳамма нарсани энг ёқимли рангларда «кўради». Бу яна бир бор идрокнинг оддийгина акс эттириш ёки билиш жараёни эмас, балки шахсдаги фаол установкаларга боғлиқ бўлган, мантиқан асосланган онгли жараён эканлигини исботлайди.

5.4. Идрок қилиш қонунлари

Шахс идрок қилиши жараёнларига хос бўлган бир нечта қонуниятлар психолог олимларнинг ёзган илмий адабиётларда келтирилган, биз уларнинг айримларини белгилаймиз:

А. Фигура ва фоннинг илгариги ҳаракатга боғлиқлиги қонуни. Бу қонуннинг маъноси: одам илгариги тажрибасида бўлган, бевосита тўқнаш келган нарсаларини идрок қилишга мойил бўлади. Агар бирор предметни у илгари фигура сифатида идрок қилган бўлса, демак, кейинги сафар ҳам уни

айнан фигурадай идрок қилади, агар фон бўлган бўлса, табиий, фондай қабул қилади. Бу қонуннинг ҳаётдаги ўрни чет давлатларда борган туристлар тажрибасига таяниб тушунтирилиши мумкин. Ўзбекистонликлар Ер куррасининг қайси бурчагида бўлмасин, ўзбек дупписи ёки атлас кўйлакни жуда тез илғаб оладилар ва суюниб кетадилар ҳам. Ёнидаги шериклари ўзбек бўлса ҳам, айнан дўппили ўзбекни кўриб, кўзлари яшнаб кетади. Бошқа миллат вакиллари, масалан, нигериялик ҳам миллий куйлагиди юрган бўлиши мумкин, лекин ўзбек турист учун бу кийим фон эди, фонлигича қолади ҳам.

Б. Идрокнинг константлилиги қонуни. Бу қонун маълум маънода олдингисига боғлиқ. Яъни бунда ҳам илгариги тажриба катта роль ўйнайди. Маъноси: одам ўзига таниш бўлган нарсаларни ўша хосса ва хусусиятлар билан ўзгаришсиз идрок қилишга мойилдир. Масалан, самолёт ичида ўтириб ерга қараганмисиз? Автомобил йўллари, уларда ҳаракат қилаётган машиналар кичкина кўринади, лекин биз уларни ҳозир кичрайиб қолган, деб идрок қилмаймиз-ку? Аслида кўз қорачиғимиздаги акс кичкина бўлса-да, уларни ўзимиз «тўғрилаб» алоҳида предметлар сифатида идрок қилаверамиз.

Бу ўринда бир этнографнинг Африкадаги кузатиши ҳақида мисол келтириш жоиздир. У кунларнинг бирида пигмейлар деб аталувчи қабила вакиллари билан бири билан қуюқ ўрмондан чиққан (бу қабиланинг умри калин ўрмонда ўтади). Рўпарада яйловда сонсиз моллар подаси ўтлаб юрган бўлган. Этнограф уларни оддий моллар подаси сифатида идрок қилган, пигмей эса уларни чумолиларга ўхшатиб, уларнинг кўплиги ва кичиклигидан ҳайратланган. Олимда идрокнинг константлилиги намоён бўлган бўлса, унинг шеригида унинг бузилганлиги кузатилган.

Демак, идрокимизнинг константлилиги, яъни илгариги тажриба асосида нарсаларнинг хосса ва хусусиятларини ўзгартирмай, турғун ҳолда яхлит тарзда идрок қилиш хусусияти бизга ташқи муҳитда тўғри мослашувимиз, нарсалар дунёсида адашмаслигимизни таъминлайди. Константлик - «constanta» сўзидан олинган бўлиб, ўзгармас, доимий деган маънони билдиради.

В. Кутишлар ва тахминларнинг идрокка таъсири. Кўпинча бизнинг идрокимиз айна пайтда биз нималарни кутаётганимизга боғлиқ бўлиб қолади. Биз ўзимиз кутгандан ҳам кўп пайтларда ўзимиз кўргимиз келган нарсаларни кўрамиз, эшитгимиз келган нарсани эшитамиз. Масалан, сонлар қаторида пайдо бўлган В ҳарфи узоқдан албатта 13 сонидидай идрок қилинади, ёки аксинча ҳарфлар орасидаги 13 «В» га жуда ўхшайди. Кечаси ёлғиз қолиб кимнидир кутаётган бўлсангиз, ҳар қандай жуда секин шарпа ҳам оёқ товушларига ўхшайверади. Соғинган дўстингизга бирор жиҳати билан ўхшаш бўлган одамни кўрсангиз-чи?

Шундай қилиб, инсон идроки шахсий маъно ва аҳамият касб этган маълумот воситасида онгдаги бўшлиқни тўлдиришга ҳаракат қилади. Бировнинг орқадан чақиришини кутаётган бўлсангиз, негадир албатта, бош ҳарфи тўғри келган исмни айтса ҳам тезгинада ўша томонга ўгирилиб қарайсиз. Айнан шундай ҳодисалар баъзан идрокдаги хатоликларнинг келиб чиқишига олиб келади. Америкалик Дж. Бэгби деган олим стереоскоп орқали америкалик ва мексикалик болаларга шакли унчалик аниқ бўлмаган слайдларни бирин-

кетин кўрсатган. Америкалик болалар уларни бейсбол ўйини, оқ сочи қиз ифодаланган десалар, мексикалик болалар уларни буқалар жанги, қора сочи қиз, деб таърифлаганлар. Кўпчилик болалар эса кўрсатилган иккита расмдан фақат биттасини кўрганини эътироф этганлар. Демак, бизнинг идрокимиз, унинг мазмуни маданий ва маънавий муҳитга ҳам боғлиқ бўлиб, бу кутишлар тизимидан келиб чиқаркан.

Г. Ўзгармас маълумотнинг идрок қилинмаслиги қонуни. Бу қонуннинг моҳияти шундаки, мунтазам таъсир этувчи маълумот онгда узоқ ушлаб турилмайди. Масалан, ўтирганингизда соатнинг тикқилашини эшитганмисиз? Ҳа, товуш эшитилади, лекин маълум вақт ўтгандан сўнг у йўқ бўлиб қолгандай - эшитилмайди. Ёки эксперимент шароитида ёлғиз битта нуқтадаги ёруғлик манбаи кўзга таъсир этилиб, кўз ҳам шу нуқта билан бир вақтда ҳаракатга келтириб турилганда, 1-3 секунддан сўнг одам ёруғлик манбаини кўрмай қўйгандек. Шунга ўхшаш экспериментлар барча идрок турларида ҳам синалган. Паст оҳангли куй ҳам маълум вақтдан кейин эшитмагандай ҳисни келтириб чиқаришини синаб кўришингиз мумкин.

Нутқ воситасида ҳадеб бир хил сўзларни қайтаравериш психотерапевтик практикада гипнотик ҳолатни келтириб чиқарувчи омил сифатида ишлатилади. Чунки бир хил сўзлар ҳадеб қайтарилаверса, улар ўзининг маъно - моҳиятини ҳам йўқотади. Масалан, кўчаларда юрадиган «фолбинлар»ни кўрганмисиз? Улар автоматик тарзда айтадиган сўзлари аслида уларнинг ўзлари учун умуман маъносини йўқотган («бахтингдан очайми, тахтингдан очайми?» ва ҳақозо шунга ўхшаш сўзлар). Ҳар қандай ҳаракат ҳадеб қайтарилаверса, «психологик тўйиниш» ҳодисаси рўй беради ва ҳаракатлар автоматлашиб, унинг айрим деталлари умуман онг назоратидан чиқади. Масалан, маҳоратли раққоса ҳар қандай рақсга ҳам чиройли, жозибали ҳаракатлар билан ўйин тушиб кетаверади.

Д. Англашганлик қонуни. Идрок қилаётган шахс учун фигуранинг англашганлиги, унинг зарурати ва маъноси катта аҳамиятга эга бўлади. Агар биз кузатаётган предмет, эшитаётган нутқ ёки ҳис қилаётган нарсамиз маъносиз, тушунарсиз, ноаниқ бўлса, биз жуда тез чарчаймиз ва толиқамиз. Масалан, хитой тилини билмайдиган одам шу тилда сўзлашувчилар орасига тушиб қолса, психологик жиҳатдан жуда қийналади. Яъни, *бизга барча нарсаларда бирор маъно ва мазмун керак*. Одам одатда тушунадиган нарсасинигина идрок қилади. Ҳаттоки, маърузачининг бугун тушунтираётган маърузасидаги фактлар сизнинг тушунчаларингиз ва билим доирангиздан узоқ бўлса, профессорга қараб ўтирган бўлсангиз ҳам унинг гаплари қулоғингизга кирмайди. Шундай пайтларда «Нима деяпти ўзи?» деб қўшнимиздан сўраб қўямиз ҳам, зеро маърузаси ўша биз учун қадрдон бўлган ўзбек тилида гапираётган бўлса ҳам. Синаб кўриш учун ўртоғингизга бир нечта сўзлардан иборат қаторни беринг. Улар орасида мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар, ҳаттоки маъносиз (тескарисига ёзилган сўзлар) бўлсин. Орага 2-4 та таниш ўзбек тилидаги сўзлардан аралаштиринг. Бир дақиқа мобайнида қараб, эслаб қолганини қайтаришни сўрасангиз, ўша 2-4 та сўзлардан бошқаларни деярли «кўрмаганининг» гувоҳи бўласиз.

Е. Тахминларни текшириш жараёнида идрок қилиш. Биз идрок жараёнида илгариги тажрибага таянганимиз билан кўпинча адашамиз, баъзан эса ўзимиз учун янгиликлар очиб, тажрибани янада бойитамиз. Илгариги тажриба ва келажакни башорат қилиш инсонга хос хусусият бўлиб, бизнинг сезги органларимиз орқали келадиган маълумотларнинг кўлами ва имкониятларини янада оширади. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, *идрок - ташиқи муҳит тўғрисидаги тахминларимизни исбот қилишга қаратилган фаол жараёндир.* Биз бевосита идрокимиз «тагига етолмаётган», «тушунмаётган» нарсаларни бевосита ҳис қилгимиз, қўлигимиз билан ушлаб кўргимиз, улар билан ишлагимиз келади. Яъни, идрок қилинаётган нарсада ноаниқлик, сир пайдо бўлса, биз «Бу нима бўлди?» деган савол асосида тахмин қила бошлаймиз ва уни текшириш учун ҳаракат қиламиз. Айнан ҳаракатлар, амалий ишлар идрокимиз имкониятлари ва чегаралари кенгайтиради ва англашга ёрдам беради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ишни бошлашдан аввал нимага эгамиз, нима керак ва нима қилсак, тезроқ яхши натижага эга бўламиз, деган савол билан ўзимиздаги тажрибада бўлган билимларимиз билан унчалик аниқ бўлмаган маълумотларни тарозуга солиш ва имкон борича нутқимиз, ҳаракатларимиз билан реал тажрибани кенгайтиришга интилишимиз керак. Шундай қилиб, бир қарашда оддийроқ туюлган идрок ҳам инсон билимлари, тушунувчанлиги ва фаоллиги билан боғлиқ психологик жараён бўлиб, у аслида шахсий тажрибамизнинг бирламчи асоси ва базасидир.

5.5. Хотира ва шахс тажрибасининг бойлиги

Одам кўрган, ҳис қилган ва эшитган нарсаларининг жуда оз миқдоринигина эслаб қола олади. Маълум бўлишича, бир вақтнинг ўзида одам онгида 7 тадан ортиқ белгига эга бўлган маълумотнинг қолиши қийин экан экан. Бу еттита сўз, сон, белги, нарсанинг шакли бўлиши мумкин. Агар телефон рақамлари 8 та белгилари бўлганда, уни ёдда сақлаш анча қийин бўларкан. Демак, онгнинг танловчанлиги ва маълумотларни саралаб, териб ишлатиши яна бир психик жараёни - хотирани билишимиз лозимлигини билдиради.

Одатда биз бирор бир материални ўқийдиган бўлсак, уни ҳеч бир ўзгаришсиз эслаб қолишга ҳаракат қиламиз. Лекин ажабланарлиси шундаки, борган сари материал маълум ўзгаришларга юз тўтиб, хотирада дастлабки пайтдагисидан бошқачароқ бўлиб сақланади. Баъзи бир материал ёки маълумот хохласак ҳам хотирадан ўчмайди, бошқаси эса жуда қаттиқ хохласак ҳам керак пайтда ёдимизга туширолмаймиз. Бу каби саволлар, инсон билиш жараёнларидаги энг муҳим саволлар бўлиб, баъзан ўз тараққиётимиз ва камолатимизни ҳам ана шундай омилларга боғлагимиз келади.

Маълум бўлишича, инсон мияси ҳар қандай маълумотни сақлаб қолади. Агар шу маълумот бирор сабаб билан одамга керак бўлмаса, ёки ўзгармаса, у онгдан табиий тарзда йўқолади. Лекин ҳар доим ҳам бизнинг профессионал фаолиятимиз манфаатларига мос маълумотларни эсда сақлаш жуда зарур ва шунинг учун ҳам кўпчилик атайлаб хотира тарбияси билан шуғулланади.

***Хотира** - бу тажрибамизга алоқадор ҳар қандай маълумотни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш билан боғлиқ мураккаб жараёндир. Хотира ҳар қандай тажрибамизга алоқадор маълумотларнинг*

онгимиздаги оксидир.

Инсон хотирасининг яхши бўлиши, яъни ҳис-кечинмаларимиз, кўрган - кечирганларимизнинг мазмуни тўлароқ миямизда сақланиши куйидаги омилларга боғлиқ:

■ эсда сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг яқунланганлик даражасига;

■ шахснинг ўзи шуғулланаётган ишга нечоғлиқ қизиқиш билдираётганлиги ва шу ишга мойиллигига;

■ шахснинг бевосита фаолият мазмуни ва аҳамиятига муносабатининг қандайлигига;

■ шахснинг айна пайтдаги кайфиятига;

■ иродавий кучи ва интилишларига.

Хотира жараёнлари шахснинг фаолиятдаги ютуқларига боғлиқ бўлгани учун ҳам, унинг табиати, қандай кечишига кўплаб олимлар аҳамият берганлар. Масалан, нима учун одам у ёки бу маълумотни хотирада сақлайди, деган саволга турли олимлар турлича жавоб берадилар. Масалан, физиологлар унинг сабабини мияда ҳосил бўладиган нерв боғланишлари - ассоциациялар билан боғлашса, биохимиклар - рибонуклеин кислота (РНК) ва бошқа биохимик ўзгаришлар оқибатидадир, деб тушунтирадилар.

Психологлар эса хотирани доимо инсон фаолияти, унинг шахс учун аҳамияти ва мотивлар характери билан боғлайдилар. Чунки шахснинг йўналганлиги, унинг ҳаётдаги мавқеи ва қобилиятларининг ривожланганлик даражаси айнан хотирасининг мазмунига боғлиқ. Шунинг учун ҳаттоки, шундай гап ҳам бор: «Нимани эслашингни менга айт, мен сенинг кимлигингни айтаман».

Амалий нуқтаи назардан хотиранинг самарадорлиги, уни ўқув ва меҳнат фаолияти жараёнида ошириш катта аҳамиятга эга. Чунки кўпинча одамлар орасида ишчанроғи, ўқувчи ёки талабалар орасида билимлироғи ҳам бир қарашда хотирасининг кучи билан бошқалардан ажралиб туради. Буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг хотираси ҳақида афсоналар юради. Масалан, у ўз қўл остидаги бекларнинг нафақат исмини, балки отасининг исмларини ҳам ёддан биларкан, учрашувларда бевосита номини айтиб мурожаат қиларкан. Бу фазилат ҳам унинг ўз қўл остидагилар орасида обрўининг баландлигига таъсир кўрсатган. Американинг машҳур Президентларидан Авраам Линкольн ҳам ана шундай феноменал хотирани ўз яқинлари ва иш юзасидан у билан боғлиқ бўлган ходимларга нисбатан намоён этиб, лол қолдирган экан. Демак, хотира тарбияси, уни керакли йўсинда ривожлантириш - керак бўлса, шахсий обрў ҳамда ишдаги самара масаласи билан бевосита боғлиқ экан.

Умуман, **хотиранинг самарадорлиги** эслаб қолишнинг кўлами ва тезлиги, эсда сақлашнинг давомийлиги, эсга туширишнинг аниқлиги билан боғланади. Демак, одамлар ҳам айнан шу сифатларга кўра ҳам фарқланадилар:

■ материални тезда эслаб қоладиганлар;

■ материални узоқ вақт эсда сақлайдиганлар;

■ истаган пайтда осонлик билан эсга туширадиганлар.

Баъзи одамларнинг хотирасига хос жиҳатларни туғма деб аташади. Тўғри,

олий нерв тизими, унинг ўзига хос ишлаш хусусиятлари хотиранинг ўзига хос индивидуал услубини белгилаши мумкин. Лекин ҳаётда кўпинча шахснинг билиш жараёнлари ва сезги органларининг ишлаш қобилиятларига боғлиқ тарзда ажралиб турадиган типлари ҳақида гапиришади. Масалан, айрим одамлар кўрган нарсаларини жуда яхши эслаб қолади, демак, уларнинг **хотираси кўрғазмали-образли** бўлиб, кўзи билан кўрмагунча, нарсанинг моҳиятини тушунмайди ҳам. Бошқалар эса ўзича фикрлаб, номини айтиб, мавхум тарзда тасаввур қилмагунча, эслаб қолиши қийин бўлади. Бундайлар **сўз - мантиқий хотира** типи вакилларида. Яна бир типли одамлар бевосита ҳис қилган, «юрагидан» ўтказган, унда бирор ёркин эмоционал образ қолдира олган нарсаларни яхши эслаб қоладилар, бу - **эмоционал хотирадир**. Лекин яна бир хотира эгалари борки, уларни **феноменал хотира** сохиблари деб аташади. Психологияга оид китобларда ана шундай хотирага эга бўлган кишилар тўғрисида кўп ёзилган. Бу шундай кишиларки, улар бир вақтнинг ўзида нисбатан жуда катта ҳажмдаги маълумотларни эсда сақлай олади ва эсга туширади. Масалан, тарихий шахслар орасида Юлий Цезарь, Наполеон, Моцарт, Гаусс, шахмат устаси Алехин каби инсонлар хотираси ана шундай ноёб бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Таниқли, рус психологи ва нейропсихологи А.Р. Лурия ҳам ана шундай хотира сохибларидан бири - асли касби журналист бўлган Шерешевский деган шахс хотирасини атайлаб узоқ вақт мобайнида ўрганган. Унинг хотираси шундай эдики, Дантенинг «Илоҳийлик комедияси»дан олинган узундан-узоқ парчани бир марта қараб олгандан сўнг, 15 дақиқадан сўнг сўзма-сўз айтиб бера олган. Шуниси характерли эдики, комедия унга нотаниш бўлган итальян тилида ёзилган эди. Кўпчиликни қандай қилиб яхши, мустаҳкам эсда сақлаб қолиш муаммоси қизиқтирса, Шерешевский учун қандай қилиб унутиш масаласи мураккаб эди. Уни хотира образлари доимо қийнар, кўрган нарсалари кўз олдида гавдаланаверар эди. Қандай қилиб эслаб қоласиз? деган саволга у шундай жавоб берган: мен «материални» ўзимга таниш ва севимли бўлган Москва кўчаларига жойлаштираман. Бир марта бир материалнинг бир бўлаги ўша «кўчанинг» салқин тушган ерига тушиб қолиб, эсга тушириши анча қийин бўлган экан. Шунга ўхшаш ҳар бир феноменал хотира эгаларининг ўзига хос эслаб қолиш услублари бўлар экан.

Шотландиялик математик А. Эткин 1933 йили 25 та бир-бири билан боғланмаган сўзлардан иборат икки қаторни эслаб қолиб, ҳеч бир хатосиз уни 27 йилдан кейин эсга тушира олган. «Қилич ва қалқон» кинофильмидаги рус разведчиги И. Вайснинг нацистлар томонидан режалаштирилган биринчи навбатда батамом йўқ қилиниши лозим бўлган объектлар - шифрлари билан кўрсатилган рўйхатини бир карра кўриб чиқиб, бир неча дақиқадан сўнг эсга туширганини эсланг. У ҳам гуёки, кўриб тургандай ўша рўйхатларни қайтадан ўқигандай, такрорлайди. Тарихда бундай кишилар бор ва улар бизнинг орамизда ҳам йўқ эмас. Мухими шундаки, ана шу феноменал хотирани шахс ва жамият манфаатига мос тарзда унумли ишлата билишдир.

Эсда сақланган маълумотни хотирадан чиқариб олиб, қайта тиклаш ҳам муҳим муаммо. Чунки кўпинча биз хотирамизда кечагина ўқиган ёки

яқиндагина ўқитувчимиз айтиб берган маълумотнинг борлигини биламиз-у, лекин керак вақтда уни эсга тушира олмаймиз. Маълумотни хотирадан чақириб олиш омилларига қуйидагилар қиради:

Маълумотнинг анланганлиги. Биз ўзимиз тўла анлаган, тушунган нарсаларни осонроқ эсга туширамыз. Масалан, алфавитни жуда осон эсга туширамыз, ёки 1, 2, 3, 4 ва ҳақозо тартибли сонларни бир кўргандан сўнг у миллионгача бўлса ҳам эсга туширишимиз сираям қийин эмас. Лекин шу сонлардан бор йўғи 7 - 8 тасини тескари ёки аралаш тартибда ёзилган бўлса, уларни эсга тушириш анча мушкул бўлади. «Психология» ёзувини эсга тушириш жуда осон, лекин «п и о х о я с л г» ҳарфлари тўплами айнан ўша ҳарфлардан иборат бўлса ҳам сира эсга тушира олмаймиз. Демак, материални яхшилаб эсда сақлаш ва эсга тушириш учун уни тушуниш ва англаш керак. Мазмунини ва моҳиятини тушунган ҳолда иложи бўлса, ўзимиздаги қизиқишларга боғлай олишимиз керак.

Кутилмаган маълумот. Кутилмаганда пайдо бўлган янги ва яхши маълумот ҳам яхши эсга тушади. Масалан, сонлар қаторида берилган битта ҳарф, ёки аксинча, ҳарфлар орасидаги битта сон, узун жумлалар орасида пайдо бўлган қисқа жумла эсга тезроқ ва аниқроқ тушади. Бунинг оддий сабаби - биз кутилмаганда пайдо бўлган маълумот ёки нарсага ҳайратланамиз, жонли эмоциялар билан жавоб берамиз, бу эса яхши эслаб қолишга ва керак бўлганда, ёрқин тиклашга асосдир.

Маълумотнинг мазмун ёки шакл жиҳатдан бир-бирига яқинлиги. Масалан, агар кўплаб бир-бирига боғлиқ бўлмаган сўзлар орасида «эркак» ва «аёл» сўзлари пайдо бўлган бўлса, биттасининг эсга туширилиши иккинчисининг ҳам эсда тикланишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқув режасига киритилган барча фанлар шундай бирин-кетинликда бериладик, бирини ўзлаштириш иккинчисининг ҳам ўзлаштирилиши, бир - бирини тўлдиришга хизмат қилсин.

Эсда сақлаш вақти билан эсга тушириш вақти ўртасидаги фарқ. Одамда берилган маълумотни идрок қилиш ва шу орқали эсда сақлаш вақти канчалик кўп бўлса, эсга тушириш ҳам осонроқ бўлади. Шунинг учун ҳам узоқ муддатли хотирада сақланадиган информация узоқ вақт мобайнида, кўпинча бир неча марта қайтариб берилади, қисқа муддатлида эса бир марта, қисқа фурсатда берилади ва шу нарса эсга тушириш керак бўлганда, тикланмайди. Масалан, бирор текстни компьютерга киритиш учун ўртоғингизга бериб, кейин нималарни киритганини сўранг. Жавоб аниқ: «Эсимда йўқ». Яъни маълумотнинг умумий мазмуни ёдда қолса ҳам, асосий тушунчалар ва моҳият эсда қолмайди.

Шундай қилиб, хотира фаол жараён бўлиб, у шахснинг у ёки бу турли маълумотлар билан ишлаш малакасига, унга муносабатига, материалнинг қимматини тасаввур қилишига бевосита боғлиқ бўлади. Энг характерли нарса шуки, инсон фақат эшитган маълумотининг 10 фоизини, эшитган ва кўрган нарсасининг 50 фоизгачасини, ўзи фаол бажарган ишларининг деярли 90 фоизини ёдда сақлайди. Бу кўплаб психологик экспериментларда исбот қилинган. Шахснинг ўзи уйлаб топиб, ўзи бевосита бажарган ишлари жуда осон эсга тушади. Бу ҳодиса психологияда *генерация эффекти* деб аталади. Агар

талаба ёки ўқувчи ҳам ўзи бирор теоремани мустақил равишда исбот қилган бўлса, ёки бирор хулосага мустақил равишда келолган бўлса, ўқитувчи тушунтирган ҳодисага яқин нарса тўғрисида ўртоқларига сўзлаб берган бўлса, албатта уни хоҳлаган пайтда осонгина эсга туширади. Шунинг учун ҳам охириги пайтларда ўйин методлари, мунозара методларидан ўқув жараёнида ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ҳаттоки, катталарни қисқа фурсатда ўқитиш ва малакаларини оширишда ҳам турли хил амалий ўйинлардан, ижтимоий психологик тренинглардан фойдаланишнинг маъноси ҳам шунда - яхши ва тез эслаб қолиш ҳамда самарали эсга тушириш. Иқтисодий ўқувларда турли хил «кейс стади» ларни таҳлил қилиш ва ўз нуқтаи назарича мақбул ҳаракат шакллари қарорлар қабул қилиш ҳам мутахассислар малакасини оширишга самарали таъсир кўрсатади.

5.6. Хотиранинг қонунлари

Шахс ўз хотирасини яхшилаш истаги бўлса, у ҳолда хотиранинг сакқиз қонунини эслаб қуйишни тақлиф этамиз:

1. Англандлик қонуни. Оддий, лекин мураккаб қонун, яъни берилган материални қанчалик чуқур англасак, шунчалик уни мустаҳкам хотирада муҳрлаган бўламиз.

2. Қизиқиш қонуни. Анатолий Франс: «Билимларни яхши ҳазм қилиш учун уни иштаҳа билан ютиш керак» деганда, албатта, материалга жонли қизиқиш билан муносабатда бўлишимиз, ва уни яхши кўришимиз кераклигини назарда тутган.

3. Илгариги билимлар қонуни. Маълум мавзу юзасидан билимлар қанчалик кўп бўлса, янгисини эсда сақлаб қолиш шунчалик осон бўлади. Масалан, илгари ўқиган бирор китобни қайтадан ўқиб, уни янгидан ўқиётгандай ҳис қилсангиз, демак, сиз илгариги тажрибангиз етишмаганлигидан уни яхши ўзлаштира олмаганлигингизни ҳис қилишингиз мумкин. Демак, эски билимлар ҳам тажрибага айлангандагина, янгиларига замин бўла олади.

4. Эслаб қолишга тайёрлик қонуни. Бирор материални эслаб қолишдан аввал, бўлгуси ақлий ишга қандай ҳозирлик кўрган бўлсангиз, шунга мос тарзда эслаб қоласиз. Масалан, физика ўқитувчисининг барча дарслари сизга доимо маъқул бўлган бўлса, Сиз: «Бугун ҳам янги нарса ўрганиб чиқаман», деб ўзингизни ишонтирасиз ва оқибатда натижа ҳам яхши бўлади. Ёки вақтга нисбатан тайёрлик ҳам шундай. «Бир амаллаб имтихон топширсам, кейин қутуламан», деб дарсга тайёрланган бўлсангиз, имтихон тугагач, гуёки миянгизни биров «ювиб қўйгандай» тасаввур ҳосил бўлади. Агар материални мутахассис бўлишим учун жуда керак, деб умрингиз охиригача муҳимлигини англасангиз, у нарса хотирада муқим сақланади.

5. Ассоциациялар қонуни. Бу қонун ҳақида эраמידан аввал Арасту ҳам ёзган эди. Қонуннинг моҳияти шундаки, бир вақтда шаклланган тасаввурлар хотирада ҳам ёнма-ён бўлади. Масалан, айтиш конкрет хона ўша ерда бўй берган ҳодисаларни ҳам эслатади.

6. Бирин - кетинлик қонуни. Ҳарфларни алфавитдаги тартибида ёддан айтиш осон, уни тескарисига айтиш қийин бўлганидек, хотирада ҳам

маълумотларни маълум тартибда жойлаштиришга ва керак бўлганда, тартиб билан бирин-кетин тиклаш мақсадга мувофиқдир.

7. Кучли таассуротлар қонуни. Эслаб қолинадиган нарса тўғрисидаги биринчи таассурот қанчалик кучли бўлса, унга алоқадор образ ҳам шунчалик ёрқин бўлади. Бундан ташқари, сиз учун аҳамиятли ва жозибали маълумотлар оқимида эсланаётган материал ҳам яхши эсга туширилади.

8. Тормозланиш қонуни. Ҳар қандай муайян маълумот ўзидан олдинги маълумотни тормозлайди. Шунинг учун унинг ўчиб кетмаслиги учун янгини эсда сақлашдан аввал мустаҳкамлаш чораларини кўришингиз керак.

Демак, яхши кучли билимларга эга бўлиш учун ҳар бир предмет ёки фаннинг мавзуларини ўзига хос тарзда ёқтира олиш ва хотирада сақлаш услубларини ишлаб чиқишингиз керак экан. Лекин албатта, математика фанидан кейин физикани, тарихдан кейин адабиёт фанини, шеър ёдлашни уйқу олтидан амалга оширмасликни маслаҳат берамиз.

5.7. Билиш жараёнларини бошқариш усуллари

Идрок ва хотира жараёнларининг самарадорлиги ва уларни бошқариш яна бир психик жараён диққатга боғлиқдир. Диққат – шундай психик жараёнки, у шахс онгининг нарса ва ходисаларга йўналганлигини акс эттиради. Ҳосил бўлиш ва амал қилиш хусусиятига кўра диққат икки турли: ихтиёрсиз ва ихтиёрий бўлади. Ихтиёрсиз диққат кишининг англашилган ниятлари ва мақсадларидан мустасно тарзда ҳосил бўлади. Ихтиёрий диққат онгли равишда бошқарилаётган ва тартибга солинган бўлади. Ихтиёрсиз диққатнинг пайдо бўлиши психофизиологик ва психик омиллар билан белгиланади. Ихтиёрий диққат шахс фаолиятида намоён бўлади. Шу диққат тури борлиги туфайли киши хотирадан ўзи учун зарур маълумотларни фаол тарзда, танлаб ажратиб олишга, тўғри қарорларни танлашга, фаолият жараёнида пайдо бўладиган вазифаларни амалга оширишга лаёқатли бўлади. Диққатнинг хусусиятларига: кўчиши, барқарорлиги, тақсимланиши ва кўлами киради. Диққатнинг салбий жиҳати ҳам мавжуд. Бу паришонхотирликдир. Паришонхотирлик диққатни узок вақт давомида жадал бир нарсага қаратишга лаёқатсизликда, диққатнинг тез-тез ва осон бўлиниб туришида намоён бўлади. Бу эса ўқиш ва ишда сусайишга олиб келади. Шунинг учун ҳар бир талаба ўз таълим фаолиятини самарадорлигини ошириши учун диққат хусусиятларини билиши билан бирга, уни бошқариш ва ривожлантириш омилларини топа олиши керакдир.

Диққатни илмий тадқиқ этиш Н.В.Добринин, Н.В.Кузьмина, И.В.Страхов, М.В.Гамезо, Ф.Н.Гоноболдин каби бир қатор олимлар томонидан олиб борилган. Диққат жараёнининг физиологик асосларини тушунтиришда эса рус физиологлари И.П.Павлов, А.А.Ухтомскийларнинг олиб борган ишлари муҳимлиги билан ажралиб туради. Уларнинг таълимотларига асосан, диққатнинг ҳолатлари, сифатлари, хусусиятлари, биринчидан, кўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро биргаликдаги ҳаракати билан, иккинчидан, мия структурасида ҳукм сурувчи кўзгалувчанлик билан уйғунликка эгадир.

Диққат муаммосини бошқа психик жараёнлар билан боғлиқ жиҳатларини Н.Н.Ланге, А.Р.Лурия ва бошқалар ҳам ўрганганлар. Н.Н.Ланге диққат муаммосини ўрганишда қадимги даврдан бошлаб, то 19 асргача бўлган

ривожланиш босқичини саккизта туркумга ажратган ҳолда таҳлил қилади.

Диққат хусусиятларини билиш ҳар бир шахснинг фаолиятида маълум самарага олиб келгани боис, уни ўрганиш ва диагностика қилиш шахсга албатта ёрдам беради.

Қисқача хулосалар:

Шахс ва унинг ташқи оламни билиш имкониятлари билиш жараёнлари, яъни психик жараёнлар орқали тушунтирилади. Уларга сезгилар, идрок, диққат, тафаккур, хотира, ҳаёл киради. Бу психик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини ва қонуниятларини билиш шахснинг фаолиятини ифодалашда ёрдам беради. Шунингдек, унинг фаолияти, масалан, ўқиш фаолияти, меҳнат фаолияти самарали бўлишига олиб келади. Таълим ва тарбия жараёнида билиш қобилиятларини такомиллаштиришнинг психологик тамойиллари ва шартлари мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида шахснинг ўз-ўзини англаши ва бошқариши учун катта аҳамиятга эгадир.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Профессионал билимдонлик нима?
2. Билиш жараёнларига нималар киради?
3. Идрок деб нимага аталади?
4. Идрок қандай қонуниятларга эга?
5. Хотира деб нимага аталади?
6. Хотиранинг мустаҳкам бўлиши қандай омилларга боғлиқ?
7. Хотиранинг саккиз қонуни қандай мазмунга эга?
8. Диққат деб нимага аталади?
9. Паришонхотирлик қандай жараён?
10. Мантикий ва механик хотиранинг бир - биридан фарқи нимада?

Адабиётлар рўйхати:

1. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
2. Психология. Учебник .- Под ред. А.Крўлова, - М., 1998
3. “Психология” Уч.Т-2. “Проспект”. Москва - 2004.
4. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.
5. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.
6. www.psychology.all.ru

6-БОБ. ТАФАККУР ВА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ШАРТ- ШАРОИТЛАРИ. ИЖОДИЙ ВА МАНТИҚИЙ ФИКРЛАШ – СОҒЛОМ МАЪНАВИЯТ ВА ЭЪТИҚОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ОМИЛИ СИФАТИДА.

- 6.1.Тушуниш ва тафаккур қилишнинг ижтимоий моҳияти.
- 6.2.Тафаккурнинг турлари.
- 6.3.Тафаккур шакллари.
- 6.4.Тафаккур операциялари.
- 6.5.Мустақил фикрлаш - соғлом маънавиятнинг мезони сифатида.

6.1.Тушуниш ва тафаккур қилишнинг ижтимоий моҳияти

Инсон идрок қилган, хотирасида сақлаб қолган нарсаларнинг барчаси унинг учун маълум маъно ва моҳиятга эга бўлади. Акс холда у эслаб қолмайди ҳам, кейинги сафар аналогик объект билан тўқнаш келганда, унга диққатини қаратмайди ҳам, фигура фонга айланиб қолаверади. Яъни, биз кўрган, эшитган, ҳис қилган нарсаларимизнинг барчаси *маъноли*, керак бўлса, *маънили* бўлишини хоҳлаймиз. Шуниси характерлики, ана шундай нарса ва ҳодисаларга биз томондан бериладиган маъно ҳар бир алоҳида шахс томонидан турлича идрок қилинади. Масалан, олим учун ҳар қандай китоб - ҳаётининг маъноси бўлса, деҳқон учун ер ва ундан олинадиган ҳосил - аҳамиятли ҳисобланади. ҳаттоки, битта нарсанинг ўзи турли одамлар учун турли хил маъно ва мазмун касб этади. Ўша китоб мисолини оладиган бўлсак, китоб индустрияси билан шуғулланувчи муҳандис учун - ишлаб чиқариш маҳсулоти, китоб дўкони сотувчиси учун - товар - маҳсулот, ўқувчи учун - илм манбаи, муаллиф олим учун - ижодининг меваси, энг қимматли нарсадир. Ҳар бир алоҳида нарсага бўлган муносабатимиз унинг биз учун кадр-қимматига бевосита таъсир этади, у гоҳ ижобий, гоҳ салбий бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳам биз нарса ва ҳодисаларга танлаб муносабатда бўламиз. Тилшуносликни касб этиб танлаган талаба учун кибернетик моделлаштиришга бағишланган маъруза қанчалик зерикарлидай туюлса, иқтисодчилик касбини эгалламоқчи бўлганлар учун пул, фойда ва даромад олиш йўллари ҳақидаги маълумотлар шунчалик аҳамиятли, оддий сўзнинг морфологик таҳлили - шунчалик бефарқлик ҳолатини келтириб чиқаради. Демак, бизнинг дунёни, унинг сир-асрорларини тушунишимизнинг заминида нарса ва ҳодисаларнинг биз учун шахсий алоқаси, аҳамиятлилиги даражаси ётади. Ана шундай дунёни тушунишимиз, англашимиз ва унга онгли муносабатимизни билдириб, изхор қилишимизга алоқадор билиш жараёни психологияда *тафаккур, фикрлаш* деб аталади.

Тафаккур - инсон онгининг билиш объектлари ҳисобланмиш нарса ва ҳодисалар ўртасида мураккаб, ҳар томонлама алоқаларнинг бўлишини таъминловчи умумлашган ва мавхумлашган акс эттириш шаклидир. Тафаккур муаммолари узоқ вақтгача ўзининг мураккаблиги билан психологлар назаридан четда бўлган, у асосан файласуфлар ва мантиқшунослар фикр юритадиган масала ҳисобланган. Психология илмининг отахони ҳисобланмиш немис олими Вильгельм Вундт ҳам психологияни иккига бўлиб - физиологик психология (экспериментал йўл билан билиш жараёнларини ўрганувчи фан) ва ҳалқлар психологияси қисмларига бўлиб, охириги психологиянинг таркибига нутқ ва

тафаккур психологиясини ҳам киритган ва уни экспериментал тарзда ўрганиб бўлмайди, уларни тушунтириш мумкин холос деб ҳисоблаган. Бу хулосалар аслида тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг нақадар мураккаб табиатга эга эканлигидан далолат беради. Лекин шундай бўлса ҳам шуни таъкилдаш жоизки, биринчидан, тафаккур ва фикрлаш жараёнлари - бу билиш жараёнлари;

*иккинчидан, улар ҳам шахс томонидан борлиқни акс эттириш шакли, умумлаштириб, билвосита акс эттириш шакли;

* учинчидан, бу жараёнлар ҳам экспериментал психология томонидан ўрганилади;

* тўртинчидан, тафаккур билишнинг энг олий ва юқори даражадаги шаклидир.

Тафаккур предмети белгилаш учун мукаммал таъриф О.К.Тихомировнинг дарслигида кузатилади: “Тафаккур- бу ўз маҳсулоти билан воқелиқни умумлаштириб, бавосита акс эттиришни характерлайдиган, умумлаштириш даражаси ва фойдаланадиган воситаларига ҳамда умумлашмалар янгилигига боғлиқ равишда турларга ажратишдан иборат жараён, билиш фаолиятидир”. Ҳозирги даврда тафаккурнинг предмети юзасидан турли-туман қараш ва таърифлар мавжуддир. С.Л.Рубинштейн фикрига кўра тафаккурни психологик жиҳатдан ўрганишнинг асосий предмети- жараён, фаолият тариқасида намоён бўлишдир, яъни у субъект фаоллигини таъкидлайди. А.Н.Леонтьев эса тафаккурни турли кўринишларга ажратиб, фикр юритиш фаолияти эканлигини уқтиради, лекин уни предметли амалий фаолият деб номлайди. П.Я.Гальперин фикрига кўра, тафаккур - бу ориентирлаш тадқиқот фаолиятидир. А.В.Брушлинский тафаккурнинг муҳим янгиликни қидириш ва очиш, гипотеза ва назарияларни башорат қилиш, олдиндан пайқаш хусусиятлари каби жиҳатларини кўрсатиб ўтади. У тафаккурни умумлаштириб, унда янгиликни излаш ва очиш хусусияти мавжудлигини исботлаб берган олимдир.

Тафаккурнинг олийлиги ва мураккаблиги шундаки, у идрокдан фарқли, бевосита акс эттириш бўлмай, нарсалар ва уларнинг хоссаларини улар йўқ пайтда ҳам акс эттиришга имкон беради. Масалан, Африканинг субтропик ҳудудлари тўғрисида гап кетганда, умрида бирор марта Африкага бормаган одам ҳам субтропиклик хоссасини б и л г а н и учун ҳам ушбу ахборотни тушуниб, уни қабул қила олади. Синов пайтида талаба кеча ўқиган, лаборатория шароитида синаб кўрган қонуниятлар хусусида худди рўпарасида намоён бўлаётгандай, образли қилиб гапириб бериши, рўй берган ҳодисаларни яна формулалар ва статистик ҳисоб-китоблар воситасида исбот қилиб бериши ҳам мумкин. Бу операцияларнинг асосида тафаккур жараёнлари ётади.

Тафаккур қилишимизни таъминловчи орган - бу бизнинг миямиз. Барча ҳисоб-китоб ишлари - энг элементар ҳаракатларни режалаштиришдан тортиб, мураккаб мавҳум теоремаларни исбот қилишга қаратилган операциялар мияда содир бўлади. Шунинг учун ҳам жуда чарчаб турган пайтда одамдан бирор қийинрок масала хусусида фикр билдиришини сўрасангиз, «ҳозир бошим оғриб турибди, жуда чарчаганман, бироз ўзимга келай, кейин фикрлашамиз», деб жавоб беради. Демак, мия фаолияти билан фикрлаш фаолияти ўзаро узвий

боғлиқ экан. Миямизнинг фикрлаш қобилияти ва имкониятлари шунчалик салмоқлики, айрим олимларнинг фикрича, унинг ишлаш қонунлари ҳозир биз ишлатаётган компьютерлар эмас, яна 100-200 йиллардан кейин пайдо бўладиган мураккаб, ўта «ақлли» компьютерлар фаолиятига яқин экан.

Калламизга келган барча уй - ҳаёллар - бу *фикрлардир*. Нормал инсонни фикрсиз тасаввур қилиб бўлмайди, ҳар он, ҳар дақиқада одам мияси қандайдир фикрлар билан банд бўлади. Уларни тартибга солиш, керагига диққатни қаратиш, ички ёки ташқи нутқ воситасида уни ечиш - *фикрлаш* жараёнидир.

Фикр юритишнинг умумлаштириш операцияси ушбу турларга бўлинади: 1. Мазмунига кўра: элементар; эмпирик; тушунчали; назарий.

2. Фикрнинг йўналишига кўра: хусусийдан умумийга; умумийдан хусусийга; яккадан умумийга ва ундан хусусийга; умумийдан хусусийга ва ўша умумийдан янада умумийга; камроқ умумийдан янада умумийга; ягона умумий ҳолатдан янада умумийроққа.

Фикрлаш жараёни аслида маълум бир масала, муаммо, жумбоқни ҳал қилиш керак бўлганда пайдо бўлади. Фикрлаш доимо бир нарса хусусида камида битта ечимни бериши шарт, акс холда у бошқа жараёнга - ҳаёл, фантазияга айланиб кетиши мумкин. Фикр, ғоя, аниқ ечим бўлмаганда, инсон миясининг борликдаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини акс эттириши *ҳаёл* деб аталади. Шунинг учун ҳам дўстлар даврасида баъзан муаммо хусусида тортишув бўлиб қолганда, аниқ билими ёки ғояси йўқлиги туфайли калласига келган нарсани айтган болага қараб «Жуда олиб қочишга устасан-да, ҳаёлпараст» дейишади.

Шундай қилиб, муаммо ёки жумбоқлар бизни фикрлашга мажбур этади. Масалан, шундай масалани олиб кўрайлик. Сизга михлар солинган бир картон кутича ва иккита шам, болғача берилган. Вазифа: эшикка шамни ўрнатиб, ёкиб қўйиш керак. Ким қандай ечади? Албатта, бирданига тўғри ечимга келиш қийин. Агар кутичани бўшатиш мумкинлиги ва уни шамдон сифатида эшикка кокиш мумкинлиги тўғрисида фикр каллага келмагунча, ечимни топиш қийин. Айти шу масала икки хил шарт билан берилган: биттасида кутича михлар билан тула дейилган, иккинчисида кутича бўш деб берилган. Иккинчи ҳолатда болалар унинг ечимига тезроқ келишган.

Психологларнинг фикрича, ҳар қандай масалани ечиш мобайнида одам унинг шартларини бир неча вариантларда тасаввур қилсагина ечимга келаркан. Агар идрок билан боғлайдиган бўлсак, фигура фонга, фон эса фигурага айланади, уларнинг ўринлари алмашади ва ҳакозо. Бундаги индивидуал фарқ шундаки, баъзи болалар ечимга тўғридан-тўғри фигура асосида келади, бошқалар эса бир неча ечимнинг вариантларини кўзолдига келтириб, сўнгбир қарорга келади. Кимдир жуда тез фикрлайди, кимдир жуда секин. Шунинг учун ҳам тест ечиш жараёнида ёнма-ён ўтирган икки бола бир хил ечимни белгилайди, лекин ўша ечимга келиш йўллари ҳар бирида ўзига хос бўлади. Айнан шу жараённинг қандай кечишини *тафаккур психологияси* ўрганади. Муаммонинг ечими баъзан бирдан, ёркин юлдуздай ярк этиб пайдо бўлади. Бундай психологик ҳолат психологияда *инсайт - ойдинлашув* деб аталади. Одам қачон ана шундай фикрларда тиниклик, инсайт пайдо бўлганини ўзи ҳам

билмайди. Энг иқтидорли, зукко олимлар ҳам ўзфикр юритиш қонуниятларига эътибор бериб, янги ғоя қачон, қандай йўл билан пайдо бўлганига жавоб тополмаганлар. Ҳаттоки, баъзан шундай ҳам бўладики, янгилик кашф этган олим ўзининг фикри нақадар ноёб эканлигини ҳам англаш имкониятига эга бўлмайди, қолаверса, кашфиёт гўёки уники эмасдай, қаердан келиб қолганини ҳам тушунмайди. Шунинг учун ҳам кўплаб гениал кашфиётларнинг ҳақиқий кадр - қиммати муаллиф ўтиб кетгандан кейин тарих томонидан баҳоланади. Худди шундай кадрга эга бўлган кашфиётлар юртимизда яшаб ўтган юзлаб алломалар ижодига тааллуқли. Масалан, Ибн Сино, Алишер Навоий, Абу Наср Фаробий, Ал-Фарғоний, Хоразмий, Замашҳарий каби алломалар ўзлари ижод қилган пайтларида яратган ғоялари ва кашфиётларининг қанчалик аҳамиятли ва ўлмас эканлигини кейинги авлод, бутун бир инсоният тарихи исбот қилиб, тан олди. Р. Декартнинг калласига аналитик геометрия ғояси келганда, ўзида йўқ хурсанд бўлган ва чўккалаб, йиғлаб шу фикрни унга ато этган Худога сажда қилган экан. Дарҳақиқат, миядаги тиниклик, ойдинлашув аввало Оллохнинг инояти, қолаверса, ўша фикр эгасининг машаққатли меҳнати, тинимсиз илмлар дунёсида тўккан захматли терлари эвазига рўй беради. Умуман янгиликлар очиш, ижод қилишга алоқадор тафаккур тури унинг энг аҳамиятли ва шу билан бирга энг қийин туридир. Чунки ижодкор, ёки кашфиётчи ниманидир кашф қилишни хоҳлайди, тинимсиз изланади, лекин қачон, қандай шароитда, қандай йўл билан уни очиши мумкинлигини ўзи ҳам билмайди. Шу ўринда академик Кедровнинг Менделеев даврий жадвалини кашф қилганлиги хусусидаги эсдаликлари жуда ўринли. Олим узоқ вақт мобайнида барча кимёвий элементларни маълум қонуният асосида жадвалга туширишни ўйлаб юрган. «Калламга келяпти-ю, уни кўролмаяман», деб ташвишланарди олим. Кунлардан бир кун у жуда толиқиб, ёзув столи устида ухлаб қолганда, тушида даврий жадвални «кўрган». Хурсанд бўлиб кетиб, уйғонган захоти моддаларни жадвалга жойлаштира бошлаган. Тушдаги иши билан ўнгидаги ишининг фарқи шу бўлганки, тушида енгил моддалар пастда жойлашган бўлган, Менделеев уларни ўнгида «тўғрилаб» чиққан. Бу ҳам ўша инсайтга бир мисол.

6.2. Тафаккурнинг турлари

Инсоннинг фикрлаш жараёни таҳлил қилинганда, унинг қандай шаклларда кечиши аҳамиятли бўлиб, бу унинг турлари ва шунга кўра фикрлашдаги индивидуаллик масаласидир. 5-жадвалда тафаккурнинг турли мезонлар асосидаги классификацияси келтирилган.

Ҳаёт мобайнида уқиганларимиз, маълум шарт-шароитларда конкрет далиллар ва назарий билимлар асосида мушоҳада қилган билим ва ғояларимиз асосида юритган фикрлаш жараёни **назарий тафаккурдир**. Ундан фарқли **амалий тафаккур** бевосита ҳаётда ва ҳаракатларимиз мобайнида ҳосил бўлган фикрларимизга асосланадиган тафаккуримиздир.

Кўрғазмали - ҳаракат тафаккурининг хусусияти шундаки, у ҳам одамнинг реал предметлар билан иш қилаётган пайтдаги фикрлаш жараёнини назарда тутати. **Кўрғазмали - образли тафаккур** эса кўрган-кечирган нарсалар ва ҳодисаларнинг конкрет образлари кўз олдимизда гавдаланган чоғда уларнинг моҳиятини умумлаштириб, билвосита акс эттиришимиздир.

Тафаккур турлари

Шаклига кўра	кўргазмали ҳаракат кўргазмали образли мантиқий
Кўриладиган масаланинг характерига кўра	Назарий амалий
ижодийлик элементига кўра	Конвергент дивергент
янгилиги ва ноёблигига кўра	Репродуктив продуктив (ижодий)

Мантиқий тафаккур - бу мавхум тафаккур бўлиб, сўзлар, сўзда ифодаланган билим, ғоя ва тушунчаларга таянган ҳолда бевосита идрокимиз доирасида бўлмаган нарсалар юзасидан чиқарган ҳукмларимиз, мулоҳазаларимиз бу тафаккурга мисол бўла олади. Масалан, олам, унинг ноёб ва мураккаб ҳодисаларини фалсафий ўрганиш фақат мавхум, абстракт тафаккур ёрдамида мумкин бўлади.

Фикрлашимизнинг яна бир тури **репродуктив** бўлиб, унинг моҳияти - кўрган-билган нарсамизни айнан қандай бўлса, шундайлигича, ўзгаришсиз қайтариш ва шу асосда фикрлашга асосланади. Ундан фарқли **продуктив ёки ижодий тафаккур** - фикрлаш элементларига янгилик, ноёблик, қайтарилмаслик қўшилгандаги тафаккурни назарда тутди. Шунга боғлиқ бўлган **конвергент** фикрлаш масаланинг ечими фақат битта бўлгандаги фикрлашни назарда тутса, **дивергент тафаккур** - фикрнинг шундай турики, у шахсга бир муаммо ёки масала юзасидан бирданига бир нечта ечимлар пайдо бўлишини тақозо этади. Айнан ана шундай ижодий тафаккур дивергент шаклда бўлса, у ижодий парвоз, янгиликларни кашф этишга асос бўлади. Фикрнинг кашф этиш, янгилик яратишга қаратилган фаолияти баъзан унинг **креативлик** сифати билан боғлаб тушунтирилади. Креативлилик - шундай ҳислатки, у гуёки йўқ жойда бор қилади, яъни оддийгина, жўнгина нарсаларга бошқача, бировларникига ўхшамаган ёндашувларни талаб қилади. Масалан, учта сўз берилган - «қалам», «кўл», «айиқ». Учталасини қўшиб, янги жумлалар тузиш керак. Ҳар ким ўзидаги креативлик даражасига кўра турли хил жумлалар тузса бўлади, масалан, «Бола қаламни олиб, кўлда чўмилаётган айиқ расмини чизди». Ёки «Терак қаламчалари экиб чиқилган кўл ёкасида бир айиқ боласини чўмилтирди». Шунга ўхшаш кўплаб жумлалар тузиш мумкин.

Машхур олим К. Юнг инсонларни фикрлашларига кўра асосан икки тоифага бўлган эди:

1. **Интуитив типлар.** Бу шундай тоифали кишиларки, уларда кўпинча ҳиссиётлар мантиқдан устун келади ва мия фаолияти бўйича ҳам ўнг ярим шарлар фаолияти чапникдан устунроқ бўлади. Кўриб, ҳис қилиб, ёрқин эмоционал муносабат шакллантирилмагунча, бундай одамлар бирор хусусда фикрларини баён эта олмайдилар.

2. **Фикрловчи типлар.** Бундай кишиларда доимо мантиқ, мулоҳаза

ҳиссиётлардан устун бўлади ва миясининг чап томони ўнгига нисбатан доминанта(устун) ҳисобланади. Бундайлар гапира бошлашса, кўпинча, «Файласуф бўлиб кет-э», деб ҳам қўйишади. Чунки улар ўзларигача бўлган билимлар, мантикий фикрлаш борасидаги ютуқларга таяниб, доимо тўғри гапиришга, доимо фикрларини мантиқан асослаш - аргументация қилишга ҳаракат қиладилар. Аниқ ва техника, тиббиёт фанлари билан шуғулланувчиларда ана шу тафаккур типига мойиллик ва психологик ҳозирлик бўлса, улар ўз касблари борасида жуда яхши натижаларга эришадилар. Улардан фарқли биринчи тоифа вакилларида яхши ёзувчилар, шоирлар, тилшунослар, психологлар етишиб чиқади.

6.3. Тафаккур шакллари

Тафаккур қилиш шакллари ёки формасига тушунчалар, ҳукмлар ва хулоса чиқариш киради.

Тушунчалар - тафаккурнинг шундай шаклики, унда нарс ва ҳодисаларга хос бўлган энг умумий ва характерли хусусиятларни ўзида акс эттиради. Улар умумий ва жузъий, конкрет ёки мавхум бўлиши мумкин. Масалан, «онг» тушунчасини оладиган бўлсак, унинг энг муҳим ва бошқа тушунчалардан фарқ қиладиган жиҳатларини ажратишимиз керак: фақат инсонга хослик, олий даражадаги акс эттириш, оламни билиш механизми эканлиги ва ҳақозо.

Ҳукмлар - атрофимиздаги нарсалар ва ҳодисалар ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. Масалан, «Инсон онгли мавжудот» деган ҳукм - фикр «одам, инсон», «онг» ва «мавжудот» тушунчалари ўртасидаги боғлиқликни ифодалаб турибди. Ана шундай ҳукмлар бизнинг нутқимизда ҳар куни жуда кўп ишлатилади ва улар табиатан турли боғлиқликларни ё тасдиқлайди, ёки инкор қилади, рост ёки ёлғон бўлади. Шахсининг инсонийлиги аслида у ишлатадиган ибораларнинг қанчалик мантиққа, ҳаётий ҳақиқатларга тўғри келиши, аргументал эканлиги билан баҳоланади. Доимо тўғри, мантиқан фикр юритган одамни биз «бамаъни, гапида жон бор, ҳақиқатгуй» деб таърифлаймиз.

Хулосалар - мантикий тафаккурнинг яна бир шакли бўлиб, улар фикрлар, ҳукмлар ва тушунчалар ўртасидаги боғланишдан янги бир фикрларни келтириб чиқаришни назарда тутди. Масалан: 1- ҳукм: *Ўзбекистон - мустақил давлат.*

2- ҳукм: *Қирғизистон - мустақил давлат.*

3- ҳукм: *Қозогистон - мустақил давлат.*

4- ҳукм: *Туркменистон - мустақил давлат.*

5- ҳукм : *Тоҷикистон - мустақил давлат.*

Демак, Барча Марказий Осиё давлатлари - мустақилдир.

Шунга ўхшаш биз баъзан айрим фикрлардан умумий бир фикр келтириб чиқарамиз (бу - индуктив хулоса чиқариш), баъзан эса аксинча, умумийдан жузъий - алоҳида фикр чиқарамиз (фикрлашнинг бундай ҳаракати дедукция деб аталади).

6.4. Тафаккур операциялари

Бундан ташқари, психология биздаги фикрлаш жараёнини таъминловчи алоҳида **операцияларни** ҳам ўрганади. Булар:

- Анализ;
- Синтез;

- Мавҳумлаштириш;
- Таққослаш;
- Умумлаштириш.

Фикрлаш операцияларига **анализ** (фикран нарсa ва ҳодисаларга тааллуқли сифат ва хусусиятларни алоҳида қилиб ажратиш, таҳлил қилиш), **синтез** (анализ жараёнида ажратилган қисмларни яна фикран бирлаштириш, қўшиш), **мавҳумлаштириш** (алоҳида бирор хусусиятни ажратиб, бошқаларидан фикрни чалғитиш, айрим хоссани мавҳумлаштириш), **таққослаш** (предметлар ва уларга хос бўлган хусусиятларни фикран бир - бирига солиштириш, умумий ва фарқ қилувчи жиҳатларини топиш), **умумлаштириш** (умумий ва муҳим сифатларига кўра предметларни гуруҳлаштириш, умумийлаштириш) кабилар киради.

6.5. Мустақил фикрлаш - соғлом маънавиятнинг мезони сифатида.

Тафаккурни ривожлантириш

Биз юқорида тафаккурни индивидуал хусусиятлари ва ушбу жараёнга хос бўлган умумий қонуниятларни ўргандик. Лекин аслида мақсад шундайки, ҳар бир шахс ўзидаги тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг ўзига хос томонини билган ҳолда уни ўстириш йўллари билиши керак. Охириги йилларда психологларнинг ўтказган тадқиқотлари ва кузатишлари шуни кўрсатдики, фикрлаш жараёнларини гуруҳ шароитида, дарс пайтида ҳам ўстириш ва бунга қисқа йўллар билан эришиш мумкин экан. Уларнинг фикрича, гуруҳдаги ҳамкорликдаги фаолият идрок ва хотиранинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб, фикрлаш жараёнини тезлаштиради ва фаолиятни самаралироқ қилади. Айрим жуда жиддий ва мураккаб ижод дақиқаларини инобатга олмаганда, яхши ташкил этилган дарс жараёни, ундаги фаолият шакли индивидуал тафаккурнинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу нарсa исбот қилинганки, жамоада ишлаш кўплаб ностандарт фикрларнинг туғилиши, уларнинг ичидан энг яхшиларининг сараланиши ва янгидан янги ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўларкан.

Ана шундай самара берувчи методикалардан бири «брейнсторминг» деб аталиб, унинг луғавий маъноси «мияни забт этиш»дир («мозговая атака» русча - «brain storming» ингл.). Уни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланган:

Баъзи интеллектуал масалаларни ечишда битта ечим билан чекланиб бўлмайди ва шу мақсадда ижодий фикрловчилар гуруҳи ташкил этилади ва бу жараёнда «группавий эффект» бўлиши кутилади. Гуруҳ иши тез ва оптимал қарорлар қабул қилишга қаратилган бўлади ва бунда алоҳида айрим индивидуал қарорларга таъсирланишга йўл қўйилмайди.

Гуруҳга шундай кимсалар киритиладики, улар бир-бирларидан фикрлаш услубларининг ноёблиги билан фарқ қиладилар. Масалан, кимдадир мантиқийлик устун, кимдир креатив, кимдир танқидчи ва шунга ўхшаш.

Гуруҳда шундай ижодийлик руҳи бўлиши керакки, ҳар ким хоҳлаган фикрини бемалол айтаверади, у ёки бу фикр танқид қилиниши мумкин, лекин унинг эгаси танқид қилинмайди. Бундай шароитда ўртача интеллектуал даражага эга бўлган шахс ҳам шундай фикрлар изхор қила бошлайдики, улар алоҳида қолган пайтида сира ҳам мияга келмаган бўларди.

Бу жараён олий ўқув юртларида дарсларда ҳам қўлланилиши мумкин, фақат унинг юқоридаги тамойиллари инобатга олиниши ва гуруҳда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳити бўлиши керак.

Қисқача хулосалар:

Шахс ўз фикрини баён этиши, бошқаларни тушунишида тафаккур муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун тафаккурнинг турлари: мантикий, назарий, амалий, конвергент, дивергент, продуктив, репродуктив, кўргазмали ҳаракат, кўргазмали образлини билиш, тафаккур шакллари: тушунча, ҳукм, хулосаларни билиш, тафаккур операциялари: анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, мавҳумлаштиришни билиш зарур. Мустақил фикрлаш – талаба-ёшларда атроф-борлиқ тўғрисида ҳолис ва объектив тасаввурларнинг шаклланиши учун психологик шарт-шароит бўлиб, ёшларда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш ва эркин фикрлашни тарбиялаш муҳимдир.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Тафаккур - қандай билиш жараёни ҳисобланади?
2. Тафаккур қилишимизни таъминловчи орган қайси?
3. Ҳаёл - бу қандай жараён?
4. Фантазия деб қандай жараёнга аталади?
5. Инсайт - оидинлашув ҳолати қандай юзага келади?
6. Тафаккурнинг қандай турлари мавжуд?
7. Интуитив ва фикрловчи типли кишиларнинг бир - биридан фарқи нимада?
8. Тафаккур қилиш шакллари қандай?
9. Тафаккур операцияларига нималар киради?
10. Тафаккурни қандай ривожлантириш мумкин?

Адабиётлар рўйхати:

1. Ғозиев Э.Г. Тафаккур психологияси. Тошкент. 2000
2. Дьюи Д. Психология и педагогика мўшления.- М., 1998
3. Каримова В.М. ва б.к.лар Мустақил фикрлаш.- Т.- Шарк, 2000
4. Каримова В., Суннатов Р. Мустақил фикрлаш бўйича машғулотларни ташкил этиш юзасидан услубий қўлланма.- Т.: Шарк, 2000
5. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.
6. www.psychology.net.ru

7-БОБ. ШАХСНИНГ ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ДИАГНОСТИКА ҚИЛИШ. ХАРАКТЕР, ТЕМПЕРАМЕНТ ВА ҚОБИЛИЯТЛАРНИ БИЛИШНИНГ АҲАМИЯТИ

7.1. Индивидуал - типологик хусусиятлар классификацияси.

7.2. Шахс иқтидори ва қобилиятлар диагностикаси.

7.3. Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар.

7.4. Қобилиятларнинг психологик структураси.

7.5. Қобилиятлар ва қизиқишлар диагностикаси.

7.6. Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари.

7.7. Характер ва шахс.

7.1. Индивидуал - типологик хусусиятлар классификацияси

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир шахс ўзига хос қайтарилмас дунё. Дунёда бир-бирига айнан ўхшаш бўлган икки кишини топиш жуда мушкул. Одам ташқи қиёфаси, бўйи-баста билан бошқа бирор кимсага ўхшаши мумкин, лекин феъли, мижози ва шахс сифатидаги хусусиятлари нуқтаи назаридан айнан бир хил инсонлар бўлмайди. Ҳаттоки, олимлар битта тухумда ривожланган эгизакларда ҳам жуда кўп жиҳатдан айнан ўхшашликни қайд қилишган, шахсий сифатларидаги корреляцияда эса баъзи тафовутлар аниқланган.

Шахс - қайтарилмас, у ўз сифатлари ва борлиги билан ноёбдир. Ана шу қайтарилмаслик ва ноёбликнинг асосида унинг индивидуал-психологик хусусиятлари мажмуи ётади. Шу ўринда биз юқорида таъриф берган шахс тушунчаси билан ёнма-ён ишлатиладиган яна икки тушунчага изох бериш ўринли деб ҳисоблаймиз. Бу - «индивид» ва «индивидуаллик» тушунчаларидир. **«Индивид»** тушунчаси умуман «одам» деган тушунчани тўлдириб, унинг ижтимоий ва биологик мавжудот сифатида мавжудлигини тасдиқлайди ва уни бир томондан, бошқа одамлардан фарқловчи белги ва хусусиятларини ўз ичига олади, иккинчи томондан, ўзига ва ўзига ўхшашларга хос бўлган умумий ва характерли хусусиятларни қамраб олади. Демак, индивид - инсонга алоқадорлик фактини тасдиқловчи илмий категориядир.

«Индивидуаллик» - юқоридаги иккала тушунчага нисбатан торроқ тушунча бўлиб, у конкрет одамни бошқа бир конкрет одамдан фарқловчи барча ўзига хос хусусиятлар мажмуини ўз ичига олади. Шу нуқтаи назардан шахс тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, шахснинг индивидуаллигига унинг қобилиятлари, темпераменти, характери, иродавий сифатлари, эмоциялари, хулқига хос мотивация ва ижтимоий установкалари киради. Айнан шу қайд этиб ўтилган категориялар шахсдаги индивидуаллиликни таъминловчи категориялардир. Унинг маъноси шундаки, бўйи, эни, ёши, сочининг ранги, кўз қарашлари, бармоқ ҳаракатлари ва шунга ўхшаш сифатлари бир хил бўлган инсонларни топиш мумкин, лекин характери, қобилиятлари, темпераменти, фаолият мотивацияси ва бошқаларга алоқадор сифатлари мажмуи бир хил бўлган одамни топиб бўлмайди. Улар - индивидуалдир.

Қобилиятлар - шахсдаги шундай индивидуал, турғун сифатларки, улар одамнинг турли хил фаолиятдаги кўрсаткичлари, ютуқлари ва қийинчиликлари

сабабларини тушунтириб беради.

Темперамент - инсоннинг турли вазиятларда нарса, ҳодиса, ҳолатлар ва инсонларнинг ҳатти-ҳаракатларига нисбатан реакциясини тушунтириб берувчи хусусиятлари мажмуидир.

Характер - шахснинг алоҳида инсонлар ва инсонлар гуруҳи, ўз-ўзига, вазиятлар, нарсалар ва ҳодисаларга нисбатан муносабатларидан орттирадиган сифатларини ўз ичига олади.

Иродавий сифатлар - ҳар биримизнинг ўз олдимизга мақсад қўйиб, унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишимизни таъминловчи маълум сифатларимиз мажмуини ўз ичига олади.

Эмоциялар ва мотивация эса атрофимизда содир бўлаётган ҳодисалар, бизни ўраб турган одамлар ва уларнинг ҳатти-ҳаракатларини руҳан қандай қабул қилиб, уларга билдирадиган ҳиссий муносабатларимизни билдирувчи сифатларимиз бўлиб, улар айна вазиятлардаги реал ҳолатларимиздан ва уларнинг онгимизда акс этишидан келиб чиқади.

Ижтимоий установка - юқоридаги барча хусусиятлар комплексига эга инсоннинг турли ижтимоий вазиятлардаги фаолият ва ҳаракатларга руҳан ҳозирлиги ва муносабат билдириш услубидан келиб чиқадиган чуқур ички ҳолатидир.

Биз юқорида санаб ўтган индивидуал-психологик хусусиятларнинг аҳамияти катта. Улар бизнинг жамиятдаги ўрнимиз, обрў-эътиборимиз, ишдаги ва ўқишдаги ютуқларимиз, инсон сифатидаги қиёфамизни, ким эканлигимизни, керак бўлса, ўзлигимизни белгилайди. Ким билан қаерда учрашмайлик, ўша инсоннинг бугунги ҳолати, қайфияти, бизга ва биз билдираётган фикрларга муносабати, ҳамкорликда ишлаш тилак-истакларига доимо эътибор берамиз ва бу масала биз учун муҳим бўлади. Худди шундай суҳбатдош ҳам суҳбатнинг бошиданоқ, бизни ўргана бошлайди. Чунки агар суҳбатдошлар бир - бирларини билсалар биргаликдаги фаолиятни самарали ташкил этиш ва ундан фойда олиш имконияти кўпроқ бўлади. Шунинг учун ҳам ишда ҳам, дам олишга отланган чоғда ҳам, қаерда бўлса ҳам ўзимизга «қўшни» танлаганда унинг инсон сифатида қандай эканлигига қизиқамиз. Агар суҳбатдош ёки шерик бизга таниш бўлмаса, уни таниганлардан олдиндан сўраб ҳам оламиз ва бунда айнан унинг нимага қобиллиги, феъли, ишга, одамларга муносабатини сўраймиз ва хоҳлаймизки, у тўғрисида «Жуда хушфеъл, одамгир...» каби таснифларни эшитгимиз келади. Бирор ерга ишга кираётган пайтда ҳам раҳбар албатта ўзига яқин одамлардан янги ходимнинг характерини, қобилиятини ва муҳим нарсаларга муносабатини албатта сўрайди ва шу асосда суҳбатга тайёрланади.

Демак, индивидуал сифатлар бизнинг онгли ҳаётимизнинг ажралмас қисми, идрокимиз, хотирамиз ва фикрларимиз йуналтирилган *муҳим предмет* экан. Чунки айнан улар бизнинг турли фаолиятларни амалга ошириш ва ишларни бажаришдаги индивидуал услубимизга бевосита алоқадор. Кимдир жуда чакқон, тез иш қилади, лекин сифатсиз. Кимдир жуда яхши қойилмақом иш қилади, лекин жуда секин, кимдир ишга юзаки қараб, номига уни бажарса, бошқа бир одам унга бутун вужуди ва эътиқоди билан муносабатда бўлиб, тинимсиз изланади ва жамият учун манфаат кидиради. Шунинг учун ҳам

индивидуалликнинг фаолият ва мулоқотдаги самарасини инобатга олиб, энг муҳим индивидуал-психологик хусусиятларни алоҳида ўрганамиз.

7.2. Шахс иқтидори ва қобилиятлар диагностикаси

Одамларнинг ўқув, меҳнат ва ижодий фаолиятидаги ўзига хосликни тушунтириш учун психология фани биринчи навбатда қобилиятлар ва иқтидор масаласига мурожаат қилади. Чунки қобилиятли одамдан аввало жамият манфаатдор, қолаверса, ўша инсоннинг ўзи ҳам қилган ҳар бир ҳаракатидан ўзи учун наф кўради.

Қобилиятлар муаммоси энг аввало инсон ақлу-заковатининг сифати, ундаги малака, кўникма ва билимларнинг борлиги масаласи билан боғлиқ. Айниқса, бирор касбнинг эгаси бўлиш истагидаги ҳар бир ёшнинг ақли ва интеллектуал салоҳияти унинг малакали мутахассис бўлиб етишишини кафолатлагани учун ҳам психологияда кўпроқ қобилият тушунчаси ақл заковат тушунчаси билан боғлаб ўрганилади. Ҳар бир нормал одам ўзининг ақлли бўлишини хоҳлайди, «Мен ақллиман» демаса-да, қилган барча ишлари, гапирган гапи, юритган мулоҳазаси билан айнан шу сифат билан одамлар уни мақташларини хоҳлайди. «Ақлсиз, нодон» деган сифат эса ҳар қандай одамни, ҳаттоки, ёш болани ҳам ҳафа қилади. Яна шу нарса характерики, айниқса, бизнинг шарқ халқларида бирор кимсага нисбатан «ўта ақлли» ёки «ўта нодон» иборалари ҳам ишлатилмайди, биз бу хусусиятларни ўртача таснифлар доирасида ишлатамиз: «Фалончининг ўғли анчагина ақлли бўлибди, наригининг фарзанди эса бироз нодон бўлиб, ота-онасини кўйдираётган эмиш» деган иборалар аслида «ақллилик» категорияси инсоннинг юрагига яқин энг нозик сифатларига алоқадорлигини билдиради.

Илм-фандаги анъаналар шундайки, ақл ва идрок масаласи, одамнинг интеллектига боғлиқ сифатлар жуда кўплаб тадқиқотлар объекти бўлган. Олимлар қобилиятларнинг ривожланиш механизмлари, уларнинг психологик таркиби ва тизимини аниқлашга, ишончли методикалар яратиб, ҳар бир кишининг ақли сифатига алоқадор бўлган кўрсаткични ўлчашга уринганлар. Кўпчилик олимлар одам интеллектида унинг вербал (яъни сўзларда ифодаланадиган), микдорий (сонларда ифодаланадиган), фазовий кўрсаткичларни аниқлаб, уларга яна мантиқ, хотира ва ҳаёл жараёнлари билан боғлиқ жиҳатларни ҳам қўшганлар.

Ч. Спирмен факториал анализ методи ёрдамида юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар ўртасида боғлиқлик борлигини исбот қилиб, ақлнинг ҳақиқатан ҳам мураккаб тузилмага эга бўлган психик хусусият эканлигини кўрсатди. Бошқа бир олим Дж. Гильфорд эса ақлни бир қатор ақлий операциялар (анализ, синтез, таққослаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш, системага солиш, классификация қилиш) натижасида намоён бўладиган хусусият сифатида ўрганишни таклиф этган. Бу олимлар ақл сўзидан кўра интеллект сўзини кўпроқ ишлатиб, бу сўзнинг ўзига хос талқини борлигига эътиборни қаратганлар. Чунки уларнинг фикрича, интеллектуал потенциалга эга бўлган шахснигина қобилиятли, деб аташ мумкин. Интеллектуал потенциал эса бир томондан ҳаётдаги барча жараёнларга, бошқа томондан - шахсга бевосита алоқадор тушунча сифатида қаралган ва унинг аҳамияти шундаки, у борлиқни

ва бўладиган ҳодисаларни олдиндан башорат қилишга имкон беради. Шу ўринда «интеллект» сўзининг луғавий маъносини тушуниб олайлик. Интеллект - лотинча сўз - intellectus - тушуниш, билиш ва intellectum - ақл сўзлари негиздан пайдо бўлган тушунча бўлиб, у ақл-идрокнинг шундай бўлагики, уни ўлчаб, ўзгартириб, ривожлантириб бўлади. Бу - интеллект ва у билан боғлиқ қобилиятлар ижтимоий характерга эга эканлигидан дарак беради. Дарҳақиқат, қобилиятлар ва интеллектга бевосита ташқи муҳит, ундаги инсоний муносабатлар, яшаш даври таъсир кўрсатади. Буни биз бугунги кунимиз мисолида ҳам кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Янги авлод вакиллари - келажакини XX1 аср билан боғлаган ўғил-қизларнинг интеллект даражаси уларнинг ота - боболариникидан анча юқори. Ҳозирги болалар компьютер техникасидан тортиб, техниканинг барча турлари жуда тез ўзлаштириб олмоқда, жаҳон тилларидан бир нечтаси билиш кўпчилик учун муаммо бўлмай қолди, минглаб топшириқлардан иборат тестларни ҳам ёшлар ўзлаштиришда қийналмаяптилар. Қолаверса, оила муҳитининг ақл ўсишига таъсирини ҳамма билса керак. Агар бола оилада илк ёшлигидан маърифий муҳитда тарбияланса, унинг дунёқараши кенг, хоҳлаган соҳа предметларидан бериладиган материалларни жуда тез ва қийинчиликсиз ўзлаштира олади. Ҳаттоки, бундай болага олий ўқув юртида бериладиган айрим предметлар мазмуни ҳам ўта тушунарли, улар янада мураккаброқ масалаларни ечишни хоҳлайди.

7.3. Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар

Баъзан ўта иқтидорли ва қобилиятли бола ҳақида гап кетса, ундаги бу сифат туғма эканлигига ишора қилишади. Талантли, гениал олим, санъаткор ёки мутахассис ҳақида гап кетса ҳам худди шундай. Умуман қобилиятларнинг туғма ёки орттирилган эканлиги масаласи ҳам олимлар диққат марказида бўлган муаммолардан.

Талант (юнонча қимматбаҳо, ноёб нарса, ирсий, табиий хислат деган маънони англатади) муайян фаолиятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган қобилият ҳамда истеъдодлар йиғиндисидан иборат индивидуал хусусиятдир. Талантнинг асосий белгилари:

- Муваффақиятни таъминлаш;
- Фаолиятни мустақил бажариш;
- Оригиналликнинг мавжудлиги;
- Қобилият ва истеъдодлар йиғиндисидан иборат эканлиги;
- Индивидуал-психологик хислат эканлиги;
- Ижтимоий турмушни ўзгартирувчи яратувчи имкониятлиги.

Талант қобилиятлар йиғиндиси ёки уларнинг йиғиндисидан иборат бўлишига қарамай, алоҳида олинган якка қобилиятни, ҳатто у тараққиётнинг юксак босқичига эришган, ёрқин ифодаланса ҳам у билан тенглаштириш мумкин эмас.

Психологияда туғмалик аломатлари бор индивидуал сифатлар **лаёқатлар** деб юритилди ва унинг икки хили фарқланади: табиий лаёқат ва ижтимоий лаёқат. Биринчиси одамдаги туғма хусусиятлардан - олий нерв тизими фаолиятининг хусусиятлари, миянинг ярим шарларининг қандай ишлаши, қўл-оёқларнинг биологик ва физиологик сифатлари, билиш жараёнларини

таъминловчи сезги органлари - кўз, қулоқ, бурун, тери кабиларнинг хусусиятларидан келиб чиқса (булар наслий ота-онадан генетик тарзда ўтади), ижтимоий лаёқат - бола туғилиши билан уни ўраган муҳит, мулоқот услублари, сўзлашиш маданияти, қобилиятни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар (улар ота-она томонидан яратилади)дир. Лаёқатлилик белгиси - бу ўша индивидга алоқадор бўлиб, у бу иккала лаёқат муҳитини тайёрича қабул қилади.

Қобилиятсизлик ва интеллектнинг пастлиги сабабларидан ҳам бири шуки, ана шу икки хил лаёқат ўртасида тафовут бўлиши мумкин. Масалан, гениал рассом оиласида бола туғилди дейлик. Унда рассомчилик учун туғма, генетик белгилар отаси томонидан берилган дейлик. Лекин боланинг онаси фарзандининг ҳам рассом бўлишини хохламаслиги, ўзига ўхшаш қўшиқчи бўлишини хохлаши мумкин. Аёл болани ёшликдан фақат мусика муҳитида тарбиялайди. Табиий лаёқатнинг ривожини учун ижтимоий лаёқат муҳити йўқ, ижтимоий лаёқат ўсиши учун эса табиий, туғма лаёқат йўқ бўлгани сабабли, болада ҳеч қандай талант намоён бўлмаслиги, у оддийгина мусикачи ёки қўшиқчи бўлиш билан чекланиши мумкин. Интеллект тестлари ва қобилиятдаги туғма ва орттирилган белгиларни ўрганишнинг психологик аҳамияти айнан шунда. Илк ёшликдан боланинг ўзидаги мавжуд имкониятларни ривожлантириш шарт-шароитини яратиш ишини тўғри йўлга қўйиш керак.

Орттирилган сифати шуки, бола токи билим, малака ва кўникмаларни ўстириш борасида ҳаракат қилмаса, энг кучли туғма лаёқат ҳам лаёқатлигича қолиб, у иқтидорга айланмайди. Энг талантли, машҳур шахсларнинг энг буюк ишлари, эришилган улкан муваффақиятларининг тагида ҳам қисман лаёқат ва асосан тинимсиз меҳнат, интилиш, ижодкорлик ва билимга чанқоқлик ётган. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, қобилиятсиз одам бўлмайди. Агар шахс адашиб, ўзидаги ҳақиқий иқтидор ёки лаёқатни билмай, касб танлаган бўлса, табиий, у атрофдагиларга лаёқатсиз, қобилиятсиз кўринади. Лекин аслида нимага унинг қобилияти борлигини ўз вақтида тўғри аниқлай олишмагани сабаб у бир умр шу тоифага кириб қолади.

Шунинг учун ҳам ҳар бир онгли инсон ўзидаги қобилият ва зехнин илк ёшликдан билиб, ўша ўзи яхши кўрган, «юраги чопган» иш билан шуғулланса, ва ундан қониқиш олиб, қобилиятини ўстиришга имконият топиб, ютуқларга эришса, биз уни **иқтидорли** деймиз. Иқтидор - инсоннинг ўз ҳатти - ҳаракатлари, билимлари, имкониятлари, малакаларига нисбатан субъектив муносабатидир. Иқтидорли одам гениал ёки талантли бўлмаслиги мумкин, лекин у ҳар қандай ишда мардлик, чидамлилик, ўз-ўзини бошқара олиш, ташаббускорлик каби фазилатларга эга бўлиб, ўзлари шуғулланаётган ишни бажонидил, ситқидилдан бажаради. Улар ана шундай ҳаракатлари билан баъзи ўта истеъдодли, лекин камҳаракат кишилардан кўра жамиятга кўпроқ фойда келтиради. Иқтидорли инсонда истеъдод соҳиби бўлиш имконияти бор, зеро **истеъдод** - ҳар томонлама ривожланган, ниятда кучли ва такрорланмас қобилиятдир. У тинимсиз меҳнат, ўз қобилиятини такомиллаштириб бориш йўлида барча қийинчиликларни енгиш ва иродаси, бутун имкониятларини

сафарбар қилиш натижасида қўлга киритилади.

7.4. Қобилиятларнинг психологик структураси

Қобилиятлар аввалом бор *умумий* ва *махсус* турларга бўлинади ва ҳар бирининг ўз психологик тизими ва тузилиши бўлади. Шахснинг умумий қобилиятлари ундаги шундай индивидуал сифатлар мажмуи, улар одамга бир қанча фаолият соҳасида ҳам муваффақиятли фаолият кўрсатиш ва натижаларга эришишга имкон беради. Масалан, техника олий ўқув юртининг талабаси ҳам ижтимоий-гуманитар, ҳам аниқ фанлар, ҳам техника фанлари соҳасидаги билимларни ўзлаштира олади. Бунда унга умумий билимдонлик, нутқ қобилиятлари, тиришқоқлик, чидам, қизиқувчанлик каби қатор сифатлар ёрдам беради.

Махсус қобилиятлар эса маълум бир соҳада ютуқларга эришиш, юқори кўрсаткичлар беришга имкон берувчи сифатларни ўз ичига олади. Масалан, спорт соҳаси билан бухгалтерлик ҳисоб-китоби бўйича ишлаётган икки кишида ўзига хос махсус қобилиятлар бўлмаса бўлмайди.

Умумий қобилиятларни махсус қобилиятларга зид тарзда талқин қилиш мумкин эмас. Шахснинг умумий қобилиятлари уларни ҳосил қилувчи омиллар яққол психологик ҳодиса ёки воқеликдир. Махсус қобилиятлар қўлам жиҳатдан торроқ бўлишига қарамай, чуқурроқ моҳиятни ўзларида мужассамлаштиради. И.П.Павлов ўз таълимотида “бадий”, “фикрловчи”, “ўрта” типларга ажратилган шахсларнинг тавсифини беради .

■ “Бадий тип” учун бевосита таассуротлар, жонли тасаввур, ёрқин идрок ва эмоциялар натижасида вужудга келадиган образларнинг ёрқинлиги ҳос.

■ “Фикрловчилар” учун эса мавҳум мантиқий, назарий, методологик мулоҳазаларнинг устунлиги ҳос.

■ “Ўрта” типдагиларда эса ҳар иккала тоифа хусусиятларининг ҳос эканлиги кўринади.

Ҳар бир қобилият ўзининг тизимига эга. Масалан, математик қобилиятни оладиган бўлсак, унинг таркибига умумлаштириш малакалари, ақлий жараёнларнинг эгилувчанлиги, мавҳум тафаккур қила олиш каби қатор хусусиятлар киради. Адабий қобилиятларга улардан фарқли, ижодий ҳаёл ва тафаккур, хотирадаги ёрқин ва кўرғазмали образлар, эстетик ҳислар, тилни мукамал билишга лаёқат; педагогик қобилиятларга эса - педагогик одоб, кузатувчанлик, болаларни севиш, билимларни ўзгаларга беришга эҳтиёж каби қатор индивидуал хоссалар киради. Худди шунга ўхшаш қолган барча қобилиятларни ҳам зарур сифатлар тизимида таҳлил қилиш мумкин ва бу катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

7.5. Қобилиятлар ва қизиқишлар диагностикаси

Амалий психологиянинг бугунги кундаги энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири лаёқат куртакларини илк ёшликдан аниқлаш, интеллект даражасига кўра шахс қобилиятлари йўналишини очиб беришдир. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўплаб интеллект тестлари ва қобилиятларни диагностика қилиш усуллари ишлаб чиқилган ва улар муваффақиятли тарзда амалиётда қўлланмоқда.

Қобилиятларни ўлчаш муаммоси XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларига келиб изчил ҳал қилина бошланди. Хорижда бундай ишлар Спирмен, Бине, Айзенк ва бошқалар томонидан ўрганилди. Улар қобилиятлар ва иқтидорни ўрганиш учун махсус тестлардан фойдаландилар. Бу тестларнинг умумий моҳияти шундаки, уларда топшириқлар тизими тобора қийинлашиб боровчи тестлар-топшириқлар батареясидан иборат бўлади. Масалан, Айзенкнинг машҳур интеллект тести 40 та топшириқдан иборат бўлиб, у интеллектуал жараёнларнинг кечиши тезлигини ўлчайди. Бу ерда вақт мезони муҳим ҳисобланади. Бошқа муаллифлар секин ишлаш - қобилиятсизлик белгиси эмас деб, бошқачароқ усулларни ўйлаб топганлар. Кўпчилик олимлар учун, масалан, рус олимлари учун қобилиятни ўлчашнинг ишончли мезони - бу шахс ютуқларини ва унинг қобилиятидаги ўзгаришларни бевосита фаолият жараёнида қайд этишдир. Рус олими Е.А. Климов ёшлар иқтидорининг йўналишини аниқлаш мақсадида фаолият ва касб - ҳунар соҳаларини асос қилиб олиб, методика яратди ва унинг «Профессионал - диагностик сўровнома» деб атади. Шундай қилиб, у барча касбларни уларнинг йўналтирилган соҳасига кўра 5 тоифага бўлди:

П(Т) - табиат (усимлик, ҳайвонлар, микроорганизмлар);

Т - техника (машина, материаллар, энергиянинг турлари) ;

Ч(О)- одам (одамлар гуруҳи, жамоалар);

З (Б)- белгилар (турли маълумотлар, белгили символлар);

Х (И)- бадий, ижодий образлар (тасвирий санъат, мусиқа).

7.6.Темперамент ва фаолиятнинг индивидуал хусусиятлари

Шахснинг индивидуал хусусиятлари ҳақида гап кетганда, уларнинг туғма, биологик хусусиятларига алоҳида эътибор берилади. Чунки аслида бир томондан шахс ижтимоий мавжудот бўлса, иккинчи томондан - биологик яхлитлик, туғма сифатларни ўзичига олган субстрат - индивид ҳамдир. Темперамент ва лаёқатлар индивиднинг динамик - ўзгарувчан психик фаолияти жараёнини таъминловчи сифатларини ўзичига олади. Бу сифатларнинг аҳамияти шундаки, улар шахсда кейин онтогенетик тараққиёт жараёнида шаклланадиган бошқа хусусиятларга асос бўлади. Одам темпераментига алоқадор сифатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар одам бир фаолият туридан иккинчисига, бир эмоционал ҳолатдан бошқасига, бир малакаларни бошқаси билан алмаштирган пайтларда реакцияларнинг эгилувчан ва динамиклигини таъминлайди ва шу нуқтаи назардан қараганда **темперамент** - *шахс фаолияти ва ҳулқининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал - ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир.*

Темперамент хусусиятлари шахснинг ички тузилмаси билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг намоён бўлиши унинг конкрет вазиятларга муносабатини, экстремал вазиятларда ўзини қандай тутишини белгилаб беради. Масалан, инсон турли вазиятларда ўзини турлича тутди: олий ўқув юртида талабалар сафига қабул қилганлиги тўғрисидаги ахборотни эшитган боланинг ўзини тутиши, ёки ҳаётнинг огир синовлари (яқин кишининг улими, ишдан ҳайдалиш, дўстнинг хоинлиги каби) пайтида одам беихтиёр намоён қиладиган

реакциялари унинг темпераментидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам иккала вазиятни ҳам кимдир оғир-босиқлик билан, бошқаси эса ўзини йўқотгудек даражада ҳис-ҳаяжон билан бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам темпераментнинг шахс шаклланиши ва ижтимоий муҳитда ўзига хос мавқени эгаллашидаги аҳамияти жуда катта. Ўзини босиб олган, ҳаёт қийинчиликларини сабр-бардош билан кўтарадиган инсоннинг одамлар орасидаги обрўси ҳам баланд бўлади. Бу унинг ўз-ўзига нисбатан ҳурматини ҳам оширади, ишга, одамларга ва нарсаларга муносабатини такомиллаштириб боришига имкон беради. Темпераментнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ҳаётини воқеалар ва вазиятларни, жамиятдаги ижтимоий гуруҳларни «яхши - ёмон», «аҳамиятли - аҳамиятсиз» мезонлари асосида ажратишга имкон беради. Яъни, темперамент одамнинг ижтимоий объектларга нисбатан «сезгирлигини» тарбиялайди, профессионал маҳорат ва касб малакасининг ошиб боришига ёрдам беради.

Темпераментал хусусиятлар аслида туғма ҳисоблансада, шахсга бевосита алоқадор ва англандиган бўлгани учун ҳам маълум маънода ўзгариб боради. Шунинг учун ҳам туғилган чоғида сангвиникка ўхшаш ҳаракатлар намоён қилган болани умрининг охиригача фақат шундайлигича қолади, деб бўлмайди. Демак, ҳар бир темперамент хусусиятларини ва унинг шахс тизимга алоқасини билиш ва шунга яраша хулосалар чиқариш керак.

Академик И. Павлов темперамент хусусиятларини белгилаб берувчи уч олий нерв тизими хоссаларини ажратган эди:

■ **к у ч**, яъни нерв тизимининг кучли кўзгатувчилар таъсирига бардоши, шунга кўра одамлардаги меҳнатга яроқлилиқ, чидам каби сифатларнинг намоён бўлиши;

■ **м у в о з а н а т л а ш г а н л и к**, яъни асабдаги тормозланиш ва кўзгалиш жараёнларининг ўзаро мутоносиблиги, шунга кўра, ўзини тута олиш, босиқлик каби сифатлар ва уларга тескари сифатларнинг намоён бўлиши;

■ **х а р а к а т ч а н л и к**, яъни кўзгалиш ва тормозланиш жараёнларидаги ўзаро алмашиниш жараёнининг тезлиги ва ҳаракатчанлиги маъносида. Қуйидаги расмда нерв жараёнлари билан темперамент типлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик асосида темперамент типлари акс эттирилган.

6 - расм

НЕРВ СИСТЕМАСИНИНГ ТИПЛАРИ			
Мувозанатлаш ган	мувозантсиз	инерт	Кучсиз
сангвиник	холерик	флегматик	Меланхолик
Т Е М П Е Р А М Е Н Т			

Шундай қилиб, асаб тизими билан боғлиқ индивидуал сифатларни билиш шарт, чунки улар бевосита меҳнат ва ўқиш жараёнларини ҳар бир инсон томонидан, унинг манфаатларига мос тарзда ташкил этишга хизмат қилади. Асабга боғлиқ бўлган табиий хусусиятлармизни ҳам умуман ўзгармас деб айтолмаймиз, чунки табиатда ўзгармайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Шунинг учун ҳам охириги йилларда ўтказилаётган тадқиқотларда шахс тизимида шундай маъқул, «ҳаётий кўрсаткичли» хусусиятлар тизимини ўрганилмоқда ва унда темпераментга алоқадор сифатлар ҳам назарда тутилмоқда. Масалан, В.С. Мерлин темпераментнинг психологик таснифи ва уларнинг ҳаётий вазиятларда намоён бўлишини бошқариш масаласида кўп ишлар қилган. Унинг фикрича, инсонда мавжуд бўлган фаоллик, босиклик, эмоционал тетиклик, ҳиссиётларнинг тезда намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги, қайфиятнинг тургунлиги, беҳаловатлилик, ишчанлик, янги ишга киришиб кетиш, малакаларнинг тез ҳосил бўлиши каби қатор сифатлар асосида шахсдаги ўша экстроверсия ва интроверсия хоссалари ётади ва уларни ҳам ўзгартириш ва шу орқали темпераментни бошқариш мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда шахснинг меҳнат қилиш услубини танлаш ва профессионал маҳоратни устиришда айтиш шуларга эътибор бериш керак. Масалан, баъзилар холерикларга ўхшаш қизиқсон, тезкор бўлишади. Унинг меҳнат жараёнидаги ишини кузатадиган бўлсак, фаоллик, ишни тез бажаришга лаёқат ижобий бўлса, унинг сифати, чала ташлаб кетиш ҳавфи, баъзи томонларига юзаки қараши кишини уйлантиради. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ҳаётда соф темперамент ҳам бўлмайди ва у ёки бу темперамент типи жуда яхши ҳам эмас. ҳар бир типнинг ўзига хос нозик, кучсиз томонлари ва шу билан бирга кучли, ижобий томонлари ҳам бўлади.

7.7. Характер ва шахс

Кундалик ҳаётимизда тилимизда «характер» сўзи энг кўп ишлатиладиган сўзлардан. Уни биз доимо бировларга баҳо бермоқчи бўлсак, ишлатамиз. Бу сўзнинг маъносини олимлар «босилган тамға» деб ҳам изохлашади. Тамғалик аломатлари нимада ифодаланади ўзи?

Характер - шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуи, улар унинг борлиққа, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз-ўзига муносабатини ифодалайди. Демак, «муносабат» категорияси характерни тушунтиришда асосий ҳисобланади. Б.Ф. Ломовнинг таъбирича, характер шахс ички дунёсининг асосини ташкил этади ва уни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Муносабатларнинг характердаги ўрни хусусида фикрлар экан, В.С.Мерлин уларнинг мазмунида икки компонентни ажаратади:

а) **эмоционал - когнитив** - борлик муҳитнинг турли томонларини шахс қандай эмоционал ҳис қилиши ва ўзида шу оламнинг эмоционал манзарасини яратиши;

б) **мотивацион - продавий** - маълум ҳаракатлар ва хулқни амалга оширишга ундовчи кучлар. Демак, бизнинг муносабатларимиз маълум маъно ва мазмун касб этган муносабатлар бўлиб, уларнинг ҳар бирида бизнинг ҳиссий кечинмаларимиз акс этади ва характеримиз намоён бўлади.

Машхур рус олими , психология фанининг методологиясини яратган С.Л.

Рубинштейн шахснинг ўзига хослиги ва характерологик тизимда учта асосий тузилмаларни ажратган эди;

Муносабатлар ва йўналиш шахдаги асосий кўринишлар сифатида - бу шахснинг ҳаётдан нимани кутиши ва нимани хохлаши.

Қобилиятлар ана шу тилак-истакларни амалга ошириш имконияти сифатида - бу одамнинг нималарга қодир эканлиги.

Характер имкониятлардан фойдаланиш, уларни кенгайтиришга қаратилган турғун, барқарор тенденциялар, яъни бу одамнинг к и м эканлиги.

Бу нуқтаи назардан караганда ҳам, характер шахснинг «танаси», борлиги, конституциясидир. Характернинг бошқа индивидуал-психологик хусусиятлардан фарқи шуки, бу хусусиятлар анча ўзгарувчан ва динамик, орттирилгандир. Шунинг учун ҳам мактабдаги таълимдан олий ўқув юртидаги таълимга утиш фактининг ўзи ҳам ўспиринда маълум ва муҳим ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Характер муаммосини илмий ўрганишда Б.М.Теплов, С.Мерлин, Е.А.Климовларнинг тадқиқотлари аҳамиятлидир. Чунки уларнинг тадқиқотларида ўқиш, спорт, меҳнат фаолиятларида шахснинг ҳаракат усулларининг индивидуал фарқлари масаласи кўрсатиб берилган.

Умуман, конерет шахс мисолида олиб қарайдиган бўлсак, ҳар бир алоҳида объектлар, нарсалар, ҳодисаларга мос тарзда характернинг тури қирралари намоён бўлишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Масалан, уйда (катта ўзбек оиласи мисолида оладиган бўлсак) катта ёшли ота-оналар олдида ўта босиқ, кўнувчан, ҳар қандай буюрилган ишни эътирозсиз бажарадиган киши, ўз касбдошлари орасида доимо ўз нуқтаи назарига эга бўлган, гапга чечан, керак бўлса, қайсар, дадил бўлиши, кўчада жамоатчилик жойларида беғам, лоқайд, биров билан иши йўқ кишидай туюлиши, ўзига нисбатан эса ўта талабчан, лекин эгоист, ўз-ўзига баҳоси юқори бўлиши мумкин. Демак, характернинг психологик тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, унинг борлиқдаги объектлар ва предметли фаолиятга нисбатан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Шунинг учун ҳам психологияда характернинг қуйидаги тизими эътироф этилади:

Меҳнат фаолиятида намоён бўладиган характерологик хусусиятлар - меҳнатсеварлик, меҳнаткашлик, ташаббускорлик, ишга лаёқат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, кўнимсизлик ва бошқалар.

Инсонларга нисбатан бўлган муносабатларда намоён бўладиган характерологик сифатлар - одоблилик, меҳрибонлик, такт, жонсарақлик, дилгирлик, мулоқотга киришувчанлик, альтруизм, ғамхурлик, раҳм-шафқат ва бошқалар.

Ўз-ўзига муносабатга алоқадор характерологик сифатлар - камтарлик, камсуқумлилик, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз-ўзини танқид, ибо, шарму - ҳаё, манмансираш ва бошқалар.

Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар - тартиблилик, оқиллик, саронжом-саришталик, қўли очиқлик, зикналик, тежамкорлик, покизалик ва бошқалар.

Юқорида санаб ўтилган сифатлар аслида шахснинг ҳаётдаги йўналишларидан келиб чиқади. Чунки йўналиш - одамнинг борлиққа нисбатан

танловчан муносабатининг акс этишидир. Бундай йўналиш турли шаклларда намоён бўлади: диққатлилик, қизиқувчанлик, идеаллар, маслаклар ва ҳиссиётларда.

Характер - тарихий категория ҳамдир. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир ижтимоий-иқтисодий давр ўз кишиларини, ўз авлодини тарбиялайди ва бу тафовут одамлардаги характерологик хусусиятларда ўз аксини топади. Масалан, ўтган аср ўзбеклари, XX асрнинг 50-йилларидаги ўзбеклар ва мустақиллик йилларида яшаётган ўзбеклар психологиясида фарқ аввало уларнинг характерологик сифатларида акс этади. Аминмизки, XXI асрнинг ёш авлодлари янада зуккорок, иродалироқ, маърифатли ва маънавиятлироқ бўлади. Мамлакатимизда ҳозирги кунда амалга оширилаётган сайёҳи-ҳаракатлар янги аср авлодининг руҳан ва жисмонан соғлом бўлишига замин яратмоқда.

Характер хусусиятларининг нималарда намоён бўлиши, уларнинг белгилари масаласи ҳам амалий жиҳатдан муҳимдир.

Аввало характер инсоннинг *ҳатти - ҳаракатлари ва амалларида* намоён бўлади - одамнинг онгли ва мақсадга қаратилган ҳаракатлари унинг **к и м** эканлигидан дарак беради.

Нутқининг хусусиятлари (баланд товуш билан ёки секин гапириши, тез ёки босиқлиги, эмоционал бой ёки жонсиз) ҳам характернинг йўналишини белгилайди.

Ташқи қиёфа - юзининг очиқ ёки тунд эканлиги, кўзларининг самимий ёки жохиллиги, қадам босишлари - тез ёки босиқ, майда қадам ёки салобатли, туриши - виқорли ёки камтарона, бўларнинг ҳаммаси характерни ташқаридан кузатиб ўрганиш белгиларидир.

Бундан ташқари илм оламида жуда кўплаб уринишлар бўлган. Уларда одамнинг турли табиий, туғма хусусиятларига характерни боғлашга уринишлар бўлган. Масалан, *физиономика* одам юз қирралари ва уларнинг бир-бирига нисбати орқали, *хиромантия* - қўл бармоқлари ва қафтдаги чизиклар орқали, кўз ранги ва қарашлар, соч ва унинг хусусиятлари орқали ўрганишга ҳаракат қилинган. Жуда катта шов-шувга эга бўлган Ч. Ломброзо, Э. Кречмер, У. Шелдонларнинг *конституцион назариялари* шахс характерини унинг ташқи кўриниши, тана тузилиши билан боғлаб тушунтиришга ўринган. Бу назариялар жуда каттиқ танқидга ҳам учраган, лекин келтирилган материал, корреляцион таҳлиллар маълум жиҳатдан индивидуал хусусиятлардаги туғма, мавжуд сифатлар билан характерологик сифатлар ўртасидаги боғлиқлик борлигини исбот қилолгани учун ҳам бу назариялар шу вақтгача ўрганилади.

Лекин характер ва унинг ривожланиши, намоён бўлиши учун умумий қонуният шуки, у ташқи муҳит таъсирида, турли хил муносабатлар тизимида шаклланади ва шароитлар ўзгариши билан ўзгаради. Ҳар бир касб-ҳунар ўзининг талаблари мажмуи - профессограммасига эгаки, у шу касб билан шуғулланаётганлардан ўзига хос психологик қирралар ва хоссалар бўлишини тақозо этади (психометрия). Шунинг учун ҳам врачнинг, ўқитувчининг, муҳандиснинг, ҳарбийларнинг, артистларнинг ва бошқаларнинг профессоционал сифатлари ҳақида алоҳида гапирилади. Ана шу касб соҳиблари, уларнинг иш мобайнида кўрсатадиган индивидуаллиги ичида эса характерологик ўзига

хослик катта аҳамиятга эга ва буни нафақат шахсинг ўзи, балки уни ўраб турган бошқалар ҳам яхши билишлари керак.

Қисқача хулосалар:

Шахсинг индивидуал-типологик хусусиятлар классификациясига қобилият, темперамент, характер киради. Қобилият махсус ва умумий турларга, лаёқат, иқтидор, истеъдод каби психологик тузилмадан иборатдир. Темпераментларни чуқур билиш ва уларнинг амалиёт учун аҳамияти баён этилган. Талаба-ёшлардаги қизиқишларни диагностика қилиш йўллари кўрсатилган. Индивидуал психологик хусусиятларнинг касб маҳорати ва шахс баркамоллиги билан боғлиқлиги очиб берилган. Ёшларни мустақиллик мафкураси руҳида тарбиялаш ва миллий ғояни шакллантиришнинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни келтирилган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. “Индивид” тушунчаси қандай маънони англатади?
2. “Индивидуаллик” тушунчасининг маъноси нима?
3. Шахсинг индивидуал - типологик хусусиятларига нималар киради?
4. Қобилият, иқтидор ва истеъдод бир - биридан қандай фарқланади?
5. Иқтидорли инсоннинг тафовутли томонлари нимада?
6. Қобилиятлардаги туғма ва орттирилган сифатлар нимаси билан фарқланади?
7. Темпераментнинг қандай турлари мавжуд?
8. Инсон характериға таъсир қилувчи омиллар нима?
9. Иродавий сифатлар қандай кўринишга эга?
10. Эмоциялар қандай акс этади?

Адабиётлар рўйхати:

1. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.
2. Ананьев Б.Г. “Человек как предмет познания”. “Питер”, 2001.
3. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.
4. Бурлачук Ф. Психодиагностика. “Питер”, 2002.
5. www.psychology.net.ru

8-БОБ. ШАХС ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЁШГА БОҒЛИҚ ХУСУСИЯТЛАРИ. ЎСПИРИНЛИК ВА ЕТУКЛИК ДАВРЛАРИ ПСИХОЛОГИЯСИ. АКМЕОЛОГИЯ.

8.1. Шахс тараққиётидаги ижтимоий ва генотипик омиллар.

8.2. Шахс тараққиётини даврларга бўлиш.

8.3. Ўсмирлик ва ўспиринлик даврларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги.

8.4. Ёшлардаги аттракция ва эмоционал муносабатлар.

8.1. Шахс тараққиётидаги ижтимоий ва генотипик омиллар

Шахс индивидуал тараққиётининг муҳим омилларидан яна бири унинг ёшига боғлиқ бўлган хусусиятларидир. Чунки тараққиётнинг ҳар бир ёш босқичи ўзининг ривожланиш омилларига, қонуниятларига, янгиликлари ва ўзгаришларига эга бўлиб, улар шахснинг характери, темпераменти, иқтидори, билиш жараёнларига бевосита таъсирини ўтказди.

Ёш тараққиёти даврларининг ҳам сифат, ҳам миқдор ўзгаришларига эга бўлган кўрсаткичлари борки, амалий психология ҳар бир ёш хусусиятларини ана шу иккала кўрсаткич нуқтаи назаридан ўрганиши ва шахс хулқини бошқариш ва таъсир кўрсатишда уларга таянмоғи лозим. Умуман психологияда исбот қилинган фактлардан бири шуки, турли даврлардаги инсон тараққиёти ўта мураккаб жараён бўлиб, ҳар бир даврнинг ўз қонуниятлари мавжуд. Ҳар бир босқичда шахснинг бирор бир хусусиятлари ўзининг етуклик фазасига эришади. Масалан, оламни сенсор жиҳатдан билишнинг етуклик фазаси 18 - 25 ёшларда (Лазарев маълумотларига кўра), интеллектуал, ижодий етуклик - 35 ёшларда (Леман маълумотлари), шахснинг етуклиги 50 - 60 ёшларга келиб энг юқори нуқтасига эришади. Шунга ўхшаш хусусиятлар инсоннинг бутун умри мобайнида муттасил камолга етиб, ривожланиб боришини таъминлайди. Шуниси характерлики, ҳар бир ёшда бирор функцияларнинг ривожланиши бошқа бир функцияларнинг сусайиши ҳисобига рўй беради. Масалан, болаликнинг илк боғча ёшида фазога мослашув жуда кучайса, кейинчалик унинг ўрнини вақтни адекват идрок қилиш кучаяди. Қарияларнинг бирор нарсалар хусусида билимдонлиги, маълумотлар дунёсидаги яхши ориентацияси, психомоторик функциялар ва бевосита билиш жараёнларининг сусайиши ҳисобига рўй беради. Худди шундай боланинг 3-5 ёш даври тилни, унинг луғавий ва структуравий хусусиятларини ўзлаштиришга жуда мақбул бўлса, етуклик даври бўлмиш 45-55 ёшларга келиб айна шу сифат деярли ўзини йўқотади («тил қотиб қолади»).

Психологиянинг махсус тармоғи ҳисобланмиш ёш даврлари психологиясининг энг асосий муаммоларидан бири шуки, инсон психик тараққиётида қандай омиллар - генетик, туғма ёки орттирилган, ижтимоий омиллар роли етакчи эканлиги масаласидир. Бир томондан, боланинг ўз ота - оналаридан мерос сифатида ўзлаштирган сифатлари, масалан, анатомио - физиологик хусусиятлар, мия фаолиятининг ўзига хослиги, тана тузилиши (қўл, оёқ, юз тузилиши ва бошқ.) албатта психологик жаҳатдан одам боласининг муҳитга мослашуви, унга эркин ҳаракат қилиши, жараёнларни онгида акс эттиришига сабаб бўлади. Чунки оддийгина анатомик аномалия ҳолати

(қўлнинг калталиги, бўйнинг жуда кичиклиги каби) психикага ва шахснинг жамиятда ўзини тутишига салбий таъсир кўрсатади. Лекин иккинчи томондан ташқи муҳит таъсирини ҳам камситиб бўлмайди. Масалан, агар бола махсус ўқув масканларида ўқимаса, унга тарбиявий таъсирлар кўрсатилмаса, унинг ривожланиши қандай бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу муаммолар устида бош қотирган олимлар Л. Вўготский, Ж. Пиаже, С. Рубинштейн, А. Леонтьев ва кўплаб бошқа психологлар иккала омил ролини ҳам инкор қилмаган ҳолда ижтимоий муҳитнинг етакчи таъсири тўғрисидаги фикрни барабар ёқлаганлар. Чунки тўғри ташкил этилган таълим-тарбия, оила ва ундаги ўзаро муносабатларнинг характери, шахс мулоқотда бўладиган ижтимоий гуруҳлар, у танлаган касб ва касбдошлари муҳити, никоҳ ва маълумот масалаларининг қандай ҳал қилинганлиги каби қатор ижтимоий омиллар шахснинг ривожланиши, унинг ўз-ўзини англаши ва ўзгаларга муносабати, билиш жараёнлари ҳамда интеллектуал тараққиётида катта аҳамиятга эгаллигига шубҳа йўқ. Республикамиз Президенти И. Каримов бошчилигида мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ бошланган «Соғлом авлод учун» шиорини амалга ошириш сиёсати фарзандларимизнинг ҳам жисмонан, ҳам руҳан, ҳам ақлан етук бўлишларига қаратилган. Жисмонан соғлом танада соғлом руҳ бўлиши табиий.

8.2. Шахс тараққиётини даврларга бўлиш

Шу вақтгача психология илмида шахс тараққиётини даврларга бўлиб ўрганишга жуда катта эътибор қаратилган. Бир қанча даврий схемалар ҳам таклиф этилган. Лекин шу соҳада астойдил ижод қилган ҳар қандай олим ўзининг «даврларини» таклиф этаверган. Бу тушунарли, зеро инсоннинг ҳаётини йўли ва унинг асосий лаҳзалари тарихий тараққиёт мобайнида ўзгаради, бир авлоддан иккинчи авлод тараққиётига ўтишнинг ўзи ҳам қатор ўзгаришларни келтириб чиқаради.

Даврларга бўлишга қаратилган классификацияларнинг ўзи ҳам икки турли бўлади: жузъий (алоҳида даврларни яна қўшимча даврларга бўлиш - «даврлар ичидаги даврлар») ва умумий (инсон умрининг барча босқичларини ўз ичига олган). Масалан, жузъий классификацияга Ж. Пиаженинг интеллектнинг ривожланишини босқичларга бўлишини киритиш мумкин. У бу тараққиётни 3 босқичда тасаввур қилган:

■ сенсомотор интеллект босқичи (0 - 2 ёш). Бунда асосан олти босқич фарқланади;

■ конкрет операцияларни бажаришга тайёрлаш ва уни ташкил этиш босқичи (3 - 11 ёшлар);

■ формал операциялар босқичи (12 - 15 ёшлар). Бу даврда бола нафақат бевосита кўриб турган нарсаси, балки мавхум тушунчалар ва сўзлар воситасида ҳам фикр юрита олади.

Д.Б. Элькониннинг ёш даврлари босқичлари ҳам шу гуруҳга киради ва у ҳам болаликнинг уч даврини фарқлайди: илк болалик, болалик ва ўсмирлик. Ҳар бир босқичнинг ўзига хос етакчи фаолияти, ўзгаришлари ва ривожланиш шарт - шароитлари мавжуд бўлади ва уларни билиш тарбиячилар учун катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Ҳар бир босқичда фаолият мотивлари ҳам

ўзгаради, уларнинг ўзгариши шахс эҳтиёжлари ва талаблари даражасининг ўзгаришига мос тарзда рўй беради.

Инсон ҳаётининг барча даврини яхлит тарзда қамраб олган классификациялардан бири бутун жаҳон олимларининг қарорига кўра, 1965 йили Фанлар Академиясининг махсус симпозиумида қабул қилинган схема ҳисобланади. У қуйидаги 6 - жадвалда келтирилган. У Б.Г. Ананьев, чет эллик олим Бирренлар таклиф этган классификацияга яқин бўлиб, умумлаштирилган тоифалашдир.

7-Жадвал.

Ёш давлари	Эркакларда	Аёлларда
Чақалоқлик	1 – 10 кун	1 – 10 кун
Эмизиклик даври	10 кундан 1 ёшгача	10 кундан 1 ёшгача
Илк болалик	1 – 2 ёш	1 - 2 ёш
Болаликнинг 1 - даври	3 – 7 ёш	3 - 7 ёш
Болаликнинг 2 - даври	8 - 12 ёш	8 – 11 ёш
Ўсмирлик даври	13 - 16 ёш	12 - 15 ёш
Ўспиринлик даври	17 - 21 ёш	16 - 20 ёш
Ўрта етуқлик даври:		
биринчи босқич	22 - 35 ёш	21 - 35 ёш
иккинчи босқич	36 - 60 ёш	36 - 55 ёш
Кексалик даври	61 - 75 ёш	56 - 75 ёш
Қарилик даври	76 - 90 ёш	76 - 90 ёш
Узоқ умр кўрувчилар	90 ёшдан ортиқ	90 ёшдан ортиқ

Тараққиётни ёш давларга бўлишда ўзига хос классификациялар ҳам бор. Масалан, Э. Эриксон шахс «Мен» ининг ривожланиш босқичларини ажратган ва ҳар бирида ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатларни ажратган.

1 - босқич (ишонч - ишончсизлик) - бу ҳаётнинг 1 - йили.

2 - босқич (мустақиллик ва қатъиятсизлик) - 2 - 3 ёшлар.

3 - босқич (тадбиркорлик ва гуноҳ ҳисси) - 4 - 5 ёшлар.

4 - босқич (чаққонлик ва етишмовчилик) - 6 - 11 ёшлар.

5 - босқич (шахс идентификацияси ва ролларнинг чалкашлиги) - 12 - 18 ёшлар.

6 - босқич (яқинлик ва ёлғизлик) - етуқликнинг бошланиши.

7 - босқич (умуминсонийлик ва ўзига берилиш) - етуқлик даври.

8 - босқич (яхлитлик ва ишончсизлик) - кексалик.

Эриксон классификациясининг ўзига хос қиммати шундаки, унда шахснинг ўзи тўғрисидаги тасаввурларининг жамият таъсирида ўзгариши назарда тутилади. Шунга ўхшаш босқичларга бўлишлар охириги пайтда яна кўплаб муаллифлар томонидан таклиф этилмоқда (Г. Гримм, Д. Бромлей ва

бошк.). Уларнинг барчасидаги умумий мезон шуки, ҳар бир тараққиёт даври шахс ривожини учун нимани тақлиф этади-ю, шахс унда қандай ривожланиш кўрсаткичларига эга бўлади. Уларни табиий ўзгаришларда билиш ва ўрганиш керак, чунки бусиз шахс тарбиясини тўғри йўлга қўйиб бўлмайди. Масалан, мактаб ёшидаги болаларга қўйилган талаблар катта одамлар жамоасига тўғри келмайди, ёки боғча ёшидаги бола билан тил топишиш билан талаба билан тил топиш ўзига хос педагогик такти ва ўша ёш соҳасида билимдонликни талаб қилади.

8.3. Ўсмирлик ва ўспиринлик давларида шахс ижтимоийлашувининг ўзига хослиги

Ўсмирлик ва ўспиринлик давлари мактаб ва бошқа таълим масканларида ўқиш давларига тўғри келади. Бу даврдаги етакчи фаолият **ўқув фаолияти** бўлиб, унда бола билим олиш билан боғлиқ, малака ва кўникмаларни орттиришдан ташқари, шахс сифатида ҳам муҳим ўзгаришларга юз тутади.

Ўсмирлик даври энг мураккаб ва шу билан бирга муҳим тараққиёт босқичидир. Илк ўсмирлик 11-13 ёшни, катта ўсмирлик - 14 - 15 ёшларни ўз ичига олади. Бу даврнинг энг муҳим ҳислати шундан иборатки, у болаликдан ўспиринлик, катталиikka, ёшликдан етукликка ўтиш давридир.

Ўсмирлик - организм тараққиётидаги шиддат ва нотекислик билан характерланиб, бу даврда тананинг интенсив тарзда ривожланиши ва суякларнинг қотиши рўй беради. Юрак ва қон томирлар фаолиятида ҳам нотекислик бўлиб, бу ҳам бола феълининг ўзгарувчан, динамик ва баъзан номаъқулликлар ва ноқулайликларни келтириб чиқаради. Булар албатта асаб тизимига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, бола тезга аччиқланадиган ёки тормозланиш юз берганда анчагача депрессия ҳолатидан чиқолмайдиган тушқунликда қолиши ҳам мумкин.

Ўсмир жисмоний тараққиётини белгиловчи асосий омил жинсий балоғат бўлиб, у нафақат психик, балки ички органлар фаолиятини ҳам белгилайди. Шу билан боғлиқ ҳолда онгли жинсий майллар, шу билан боғлиқ нохуш ҳис - кечинмалар, фикрлар пайдо бўладик, бола уларнинг асл сабабини ҳам тушуниб етолмайди. Психик тараққиётнинг ўзига хослиги шундаки, у муттасил ривожланиб боради, лекин бу ривожланиш кўплаб қарама-қаршиликларни ўз ичига олади. Бу тараққиёт ўқув жараёнида кечгани учун ҳам тўғри ташкил этилган ўқув фаолияти бола психиканинг муозанати ва унинг турли фикр - ўйлардан қалғишига замин яратади. Айниқса, диққат, хотира, тафаккур жараёнлари ривожланади. Айни шу даврда бола мустақил равишда фикрлашга интила боради. Чунки бу даврда у кўпроқ ўз фикр-уйлари дунёсида мушоҳада қилиш, олам ва унинг сирларини билишга, назарий билимларни кўпайтиришга интилади. Бунинг сабаби - яна ўша катталиikka ўтиш бўлиб, болада ўзига хос «катталик» ҳисси пайдо бўлиб, бу нарса унинг гапириши ва фикрлашларида ҳам ифодаланади. Шунинг учун ҳам мактабда берилган мустақиллик ва тўғри ташкил этилган ўқиш шароитлари, самимийлик муҳити унда мустақил фикрлашига катта имкониятлар очиши ва ундаги ижодий тафаккурни ривожлантириши мумкин. Шунга боғлиқ тарзда ўсмирнинг ўз фалсафаси, ўз

сиёсати, бахт ва муҳаббат формуласи яратилади. Мантиқан фикрлашга ўрганиши эса унга ўзича ақлий операцияларни амалга ошириш, тушунчалар ва формулалар дунёсида ҳаракат қилишга мажбур қилади. Бу ўзига хос *ўсмирлик эгоцентризмнинг* шаклланишига - бутун олам ва унинг қонуниятлари унга бўйсунishi керакдай фикрнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам айнан ўсмирлик пайтида болалар ўз ота-оналари билан ҳадеб тортишаверадилар. Аниқ бир тўхтамга келолмаса ҳам тортишиш бирор фиркни изхор қилиш эҳтиёжининг ўзи унга жуда ёқади.

Шундай бўлишига қарамай, ўсмирлик юқорида таъкидланганидек, қарама - қаршиликларга бой даврдир. Уни баъзи олимлар «кризислар, таназзуллар» даври ҳам деб атайдилар. Сабаби - бола руҳиятида шундай инқирозий ҳолатлар кўп бўладики, у бу инқирозни бир томондан ўзи ҳал қилгиси келади, иккинчи томондан, уни ҳал қилишга имконияти, кучи ва ақли етишмайди. Масалан, «катталиқ ҳиссига» тўскинлик қиладиган омиллардан бири - бу уларнинг ўз ота - оналаридан моддий жиҳатдан қарамлиги. Руҳан қанчалик ўзларини катта деб ҳис қилмасин, ўсмир мактабга кетаётиб, онасидан ёки отадан пул сўрайди, улар эса болага болаларча муносабатда бўлиб, озгинагина пул берадилар. Иккинчидан, катталардай бўлишни хоҳлайди, лекин қиз бола онасининг, ўғил бола отасининг кийимини тошойна олдида кийиб кўрса, барибир ярашмайди. Яъни, ташқи кўринишдаги камчиликлар - ҳали қадду-қоматнинг келишмаганлиги, унинг устига юзлари ва танасида пайдо бўладиган нохуш тошмалар унинг руҳан салбий ҳисларни бошдан кечиришига олиб келади. Яъни, бу ёшни «аросат» ёши ҳам деб аташ мумкин, чунки катта бўлиб катта эмас, бола ҳам эмас. Шуларнинг барчаси ўсмирлик давридаги руҳий туғёнларга сабаб бўлади. Лекин шуларга қарамай, бола ўзи билиб, билмай ўз ақлий салоҳиятини ўстиришга интилади, чиройли фикрлашга ташна бўлади ва бу - унинг психик тараққиётидаги энг муҳим ўзгариш ҳисобланади.

Ўсмир шахснинг такомиллашуви ва шаклланишига туртки бўлган омиллардан бири - ўқув фаолияти мотивларидаги сифат ўзгаришидир. Кичик мактаб ёшидаги боладан фаркли, ўсмир энди фақат билимлар тизимига эга бўлиш, ўқитувчининг мақтовини эшитиш ва «5» баҳоларни кўпайтириш учун эмас, балки тенгқурлари орасида маълум *ижобий мавқени эгаллаш*, келажакда яхши одам бўлиш учун ўқиш мотивлари устивор бўлиб боради. Лекин И.В. Дубровинанинг берган маълумотларига кўра, ўқув фаолияти мотивлари орасида умуман билиш, янги билимларга эга бўлиш мотиви кучсиз бўлгани сабабли, улар мактабга боргиси келмайди, ўқишга оғриниб келиб, салбий эмоциялар ва ҳавотирлик ҳисларини бошдан кечирадилар (ўртача 20% ўқувчилар). Бу катталарнинг ўсмир билан ишлашини қийинлаштиради.

Ўсмирнинг шахс сифатида тараққиётида икки хил ҳолат кузатилади: бир томондан, бошқалар, тенгқурлар билан яқинроқ алоқада бўлишга интилиш, гуруҳ нормаларига бўйсуниш, иккинчи томондан, мустақилликнинг ошиши ҳисобига бола ички руҳий оламида айрим қийинчиликлар кузатилади. Ўзгаларни англаш билан ўз- ўзини англаш ўртасида ҳам қарама-қаршиликлар пайдо бўлади. Кўпинча ўсмир ўз имкониятларини юқори баҳолайди, бошқалар эса унинг кучи, иродаси ва салоҳиятига ишончсизлик билан қарайди. Лекин

шундай бўлса-да, ўзини нима қилиб бўлса ҳам ҳеч бўлмаганда тенгқурлар жамияти томонидан тан олинисига эришишга интилади ва улар билан мулоқот ҳаётининг маъносига айланиб қолади. Агар мабодо ўсмир шу даврда бирор сабаб билан тенгқурлари жамияти томонидан инкор қилинса, у бунга жуда катта мудхиш воқеадай қарайди, мактабга бормай қўйиши, ҳаттоки, суицидал ҳаракатлар (ўз жонига қасд қилиш) ни ҳам содир этиши мумкин.

Ўсмирлик давридаги қийинчиликларнинг олдини олишнинг энг ишночли ва фойдали йўли - бу унинг бирор нарсага турғун қизиқишига эришиш, фаолият мотивларини мазмунлироқ қилишдир. Масалан, шу даврда техникага қизиқиб қолган бола қизиқишини кондиритиш шарт-шароитининг яратилиши, бекор қолмаслигига эришиш, ҳар бир ҳаракатини рағбатлантириш, унга бир иш қўлидан келадиган одамдай муносабатда бўлиш катта педагогик аҳамиятга эга. Унинг қизиқишларини била туриб, олдига янгидан янги мақсадлар қўйиш - бола шахсининг ривожига асосдир. Шундагина унинг ўз «Мен»и тўғрисидаги тасаввурлари ижобий, ўз-ўзига баҳоси объектив ва адолатли бўлади, ўзининг нималарга қодирлиги ва ким эканлиги ҳақида яхши фикрлар пайдо бўлади.

Ўспиринлик даври. Юқори синфга ўтган ўспирин психологиясининг ўзига хослиги шундаки, у ҳозирги пайтини, бугуни ва эртасини келажак нуқтаи назаридан, истиқболга назар билан қабул қилади. Айнан шу даврга келиб, ўспирин турли касбларга қизиқа бошлайди, ўзининг келажакда ким бўлишини тасаввур қила бошлайди. Демак, ўз-ўзини профессионал нуқтаи назардан ажратиш, тасаввур қилиш - ўспиринликнинг энг муҳим янгилigidир. Профессионал тараққиётнинг асосий босқичларини ажратар экан, Е.А. Климов (1996), алоҳида *«оптация»* (лотинча сўз: optatio - хоҳиш, танлов) босқичини ажратади ва унинг характерли томони - одам томонидан профессионал тараққиётнинг босқичи танланишидир, деб эътироф этади. Оптация босқичи 11 - 12 ёшдан 14 - 18 ёшгача бўлган тараққиёт даврини ўз ичига олади.

Бирор аниқ касб - ҳунарни танлаш ва ўз фаолиятини шунга йўналтириш ўспирин шахси учун жуда катта аҳамиятга эга. Ана шундай танловнинг адекват ва тўғри бўлиши ўспириндаги билиш билан боғлиқ қизиқишлар ва профессионал йўналишнинг шаклланишига боғлиқ бўлади. Профессионал қизиқишларнинг шаклланишининг ўзи олимлар томонидан тўрт босқичли жараён сифатида қаралади. Унинг **биринчи босқичи** 12-13 ёшларга тўғри келади ва ўта ўзгарувчанлиги, шахсдаги билиш жараёнлари ва асл иқтидор билан боғланмаганлиги билан характерланади. 14-15 ёшларга тўғри келадиган **иккинчи босқичда** қизиқишлар пайдо бўлади, улар кўп бўлиб, бевосита боланинг билиш имкониятлари ва шахсий хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. **Учинчи босқичда** - 16-17 ёшларда қизиқишларнинг шундай интеграцияси рўй берадики, улар аввало жинсий хусусиятлар ва шахсдаги индивидуал хусусиятлар билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Масалан, қизлар ва ўғил болалар ўзларига мос ва ярашадиган касб-ҳунарни танлай бошлайдилар. Л. Головей (1996) фикрича, **тўртинчи** - ҳал қилувчи босқичда қизиқишлар доираси сезиларли даражада торайиб, профессионал йўналиш шаклланиб бўлади ва у касб танлаш билан якунланади.

Ўзининг юқори поғонасига кўтарилган қизиқишлар ўспириннинг

профессional йўналиши ва тўғри касб-хунарни танлашига замин яратади. Улар боладаги индивидуал - психологик хусусиятлар ва жинсий фарқлар билан боғлиқ бўлгани учун ҳам ўғил болалар кўпроқ - техник ва иқтисодий йўналишларни, қизлар эса - ижтимоий-гуманитар ва бадиий соҳалар билан боғлиқ касбларни танлайдилар.

Умуман, инсон ҳаётида *профессional ўз-ўзини англаш* катта ўрин тутати ва у жуда ёшлик пайтиданоқ шакллана бошлайди. Бу жараёни босқичларда тасаввур қилиш мумкин.

Биринчи босқич: болалар ўйини, бунда бола илк ёшлиқданоқ у ёки бу касбга боғлиқ professional ролларни қабул қилади ва унинг муҳим элементларини ўзича «ўйнайди» («ўқитувчи», «доктор», «тракторчи», «футболист», «артист» ва шунга ўхшаш).

Иккинчи босқич: ўсмирлик фантазияси - бунда ўсмир ўзига жуда ёққан professional ролни ҳаёлан эгаллайди.

Учинчи босқич: касб-хунарни дастлабки танлаш - ўсмирлик ва илк ўспиринлик даврига тўғри келади. Турли-туман фаолият турлари дастлаб ўсмирнинг қизиқишлари нуқтаи назаридан («прокурорликка қизиқаман, демак, юрист бўлишим керак»), кейин унинг қобилиятлари нуқтаи назаридан («математикани осон ечаман, математик ёки муҳандис бўлсаммикан?»), ва ниҳоят, ўсмирдаги қадриятлар тизимидаги аҳамиятига қараб («ночор касалларга ёрдам бергим келади, врач бўламан») тоифаларга бўлинади ва ажратилади.

Тўртинчи босқич: амалий қарор қабул қилиш - касбни танлаш. Бунда иккита муҳим жиҳат бор: конкрет ихтисосликни унинг квалификацияси хусусиятлари, ишнинг ҳажми, оғирлиги, масъулиятлилиги ва унга етарли тайёргарликнинг борлиги. Лекин охириги социологик маълумотларга кўра, олий ўқув юртини танлаш, конкрет касб-хунарни танлашдан олдинроқ юз бермоқда. Масалан, ўспирин қиз «Мен барибир Низомий номли университетга кираман», дейди ва сўнгра конкрет факультет танланади. Шунинг учун ҳам кўпинча, ихтисосликдан, кейинчалик профессиядан «совиб қолиш»лар ана шундай установакалар билан тушунтирилади.

Бундан ташқари, касб танлашга таъсир қилувчи яна бошқа омиллар ҳам борки, уларнинг ҳисобга олиниши ҳам баъзан ёшларнинг тўғри, ўз имкониятлари ва қобилиятларига мос касб-хунарнинг танланмаслигига сабаб бўлади. Масалан, бундай омилларга оиланинг моддий шарт-шароити, ўқиш жойининг уйдан узоқлиги, ўқув тайёргарлигининг савияси, эмоционал етуклик, соғлиқнинг ҳолати ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 1997 йилда қабул қилиниши Президентимиз таъбири билан айтганда, мустақил фикрлайдиган, юксак малакали кадрлар тайёрлашга хизмат қилади. Жойларда ташкил қилинаётган касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган Ташхис марказлари 9-синфни тамомлаган ёшларнинг иқтидори ва лаёқати, қизиқишларини ўз вақтида аниқлаш, уни психологик методлар ёрдамида диагностика қилишни амалга оширади. Бу тадбирлар ёшлардаги касб-хунарга бўлган йўналишни адекват

қилиш, ўз яшаш жойидан узоқ бўлмаган шароитда зарур, ўз лаёқатига мос ҳунар эгаси бўлиб етишишга ёрдам беради.

8.4. Ёшлардаги аттракция ва эмоционал муносабатлар

Ҳиссиёт борлиққа, турмушга, шахслараро муносабатга нисбатан шахсни субъектив кечинмаларининг акс эттирилишидир. Субъектив муносабатларнинг инсон миёсида ҳис-туйғулар, эмоционал ҳолатлар, юксак ички кечинмалар тарзида акс этиши ҳиссиёт ва эмоцияни юзага келтиради. Ҳиссиёт- яққол воқеликнинг эҳтиёжлар субъекти бўлмиш шахс миёсида объектларга нисбатан унинг учун қадрли, аҳамиятли бўлган муносабатларининг акс эттирилишидир.

Ўсмирлик ва ўспиринлик давлари нафақат профессионал танлов ва касб эгаллаш учун мақбул давр бўлмай, бу давр ёшларнинг ўзлигини англаш, ўз қадр - қимматини билиш ва бошқаларга нисбатан муносабатда бўлиш тажрибасини эгаллаш даври ҳамдир.

Ўсмир ҳам ўспирин ҳам қанча ички руҳий изтироб, қарама-қаршилиқ, масъулият онларини бошидан кечирмасин, унинг эмоционал олами, атроф - муҳитда рўй бераётган ҳодисаларни онгида акс эттириши катта ўрин тутди. Айнан ўсмирлик даври бола қалбида ким биландир сирлашиш, кимнидир ўзига энг яқин киши сифатида тан олиш, уни руҳиятида кечаётган барча ўзгаришлардан вофиқ этиш истаги ва эҳтиёжини уйғотади. Биринчи марта «дўстлик», «муҳаббат», «севги » тушунчалари ҳам айнан шу даврда пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам етуклик ва кексалик давридаги кишилар ҳам ўсмирлик ва ўспиринлик йилларини энг беғубор, жозибали ва ёқимли сифатида хотирлайдилар.

Бу тараққиёт даври **аттракция** деб аталмиш ҳиссиётнинг пайдо бўлиши учун энг мақбул даврдир. *Аттракция* (лотинча attrahere - ёқтиртириш, ўзига жалб этиш) - *бу бир инсоннинг бошқа бир инсонга ижобий муносабати асосида ёқиши ва ёқтириши, ўзаро мойилликни тушунтирувчи эмоционал ҳисдир.* Бу бир одамда бошқа бир одамга нисбатан шаклланадиган ижтимоий установканинг бир кўриниши бўлиб, симпатия - ёқтиришдан тортиб, то сеvgи муҳаббат каби чуқур эмоционал боғлиқлик ҳам шу ҳис асосида пайдо бўлади. Ижтимоий психологияда ушбу ҳиссиётнинг асл сабаблари ижтимоий мотивлар - шерикларнинг бевосита битта макон ва замонда эканликлари, уларнинг тез - тез учрашиб туришлари, учрашувлар тезлиги, суҳбатдошлар ўртасидаги масофа, ҳиссиётларнинг тарбияланганлиги каби омиллар таъсирида пайдо бўлиши ва унинг кечиш механизмлари ўрганилади. Тадқиқотлар бу каби эмоционал муносабатлар айнан балоғат ёши арафасида ривожланишини исбот қилган. Шуниси аҳамиятлики, аттракциянинг намоён бўлиши, унинг кучи ва мазмуни ўсмир - ёшнинг шахс сифатида ўзини идрок қилиши, ўз-ўзини ҳурмат қилиши ва ўзгаларга нисбатан муносабатларда тоқатлироқ бўлишига бевосита таъсир кўрсатар экан. Шунинг учун ҳам ана шу даврда ўсмир ва ўспирин атрофида у ёқтирган ва уни ёқтирадиган одамларнинг бўлиши жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, унинг акси бола руҳий азобланишининг сабабларидан ҳисобланади.

Дўстлик. Ўсмирлик ва ўспиринлик ёшида пайдо бўладиган барча муаммоларни ечиш ва у билан ўртоқлашиш учун болага дўст керак. Психолог

тили билан айтганда, дўст - бу «алтер-Эго», яъни иккинчи «Мен» бўлиб, у ўша пайтдаги «Мен»нинг бир қисми сифатида идрок қилинади. Бу шундай одамки, шахс у билан барча дарду-ҳасратларини муҳокама қилади, муаммоларини унинг олдига тўкиб солади. Дўстликнинг бошқа интим, эмоционал ҳиссиётлардан фарқи шуки, у одатда бир жинс вакиллари ўртасида бўлади ва дўстлар одатда 2 киши, айрим ҳолларда 3-4 киши бўлиши мумкин.

Дўстликнинг ҳам кўзлаган *мақсадлари* бўлади: у амалий, иш - фаолият билан боғлиқ, соф эмоционал (яъни, мулоқот эҳтиёжларини қондириш), рационал (интеллектуал муаммоларни ҳал қилишга асосланган), ахлоқий (ўзаро инсоний сифатларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи) бўлиши мумкин. Дўстликнинг асосий шarti - *ўзаро бир-бирини тушуниш*. Шу шарт бўлмаса, дўстлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Агар ана шундай тушуниш бўлса, дўстлар гап-сўзсиз ҳам қилиқлар, юз ифодаси, юриш - туришга қараб ҳам бир - бирларини тушуниб олаверадилар.

Икки жинс вакиллари ўртасида ҳам дўстлик бўлиши мумкин, фақат у кўпинча танишув билан севги-муҳаббат ўртасидаги ораликни тўлдиришга хизмат қилади. Дўстларга хос бўлган сифатларга бир-бирини аяш, ғамхўрлик қилиш, ишонч, шахсий муаммоларга бефарқ бўлмаслик, қўллаб-қувватлаш, меҳр қабилар киради. Уларнинг ардоқланиши дўстликнинг узоқ давом этиши ва иккала томон манфаатига мос ишларни амалга оширишга ундайди. Дўсти йўқ ўсмир ёки ўспирин ўзини жуда бахтсиз, ночор ҳисоблайди. Айниқса, агар дўсти хоинлик қилса, унинг кутишларига зид иш қилса, бу ҳолат жуда қаттиқ руҳий изтиробларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам ҳар бир ёш ўз дўстини ҳафа қилиб қўймаслик, унинг кўнглига қараб иш қилишга ҳаракат қилади. Агар илк ўспиринликда дўстлик мазмунан анча юзаки, бевосита мулоқот мақсадлари асосида ташкил этилган бўлса, ёш ўтган сари у ҳаёт мазмуни ва юксак қадриятига айланиб боради.

Севги. Агар дўстлик аттракция намоён бўлишининг биринчи кўриниши бўлса, севги қалблар яқинлашувининг муҳим аломатидир. *Севги* - бу нафақат ҳиссиёт, балки бошқаларни сева олиш қобилияти ҳамда севимли бўла олишдир. Шунинг учун ҳам ўсмирлар ва ўспиринлар учун бу ҳиссиётнинг борлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Айнан ўсмирлик ва илк ўспиринликдаги севги беғубор, тиниқ, самимий бўлиб, ёш ўтган сари унинг мазмуни бойиб, бошқа қадриятлар ҳам ўрин эгаллай бошлайди. Тўғри, ўсмир билан ўспирин севгисида ҳам сифат фарқлари бор. Масалан, ўсмирлар бир-бирларига меҳр қўйишганда кўпроқ шерикларнинг ташқи қиёфалари, интеллектуал имкониятлари ва ижтимоий мавқеларига эътибор берадилар. Ҳақиқий севги ўспиринлик йилларининг охирларида пайдо бўлиб, унинг асосий мезони энди ташқи белги ва афзалликлар эмас, балки инсоний фазилатлар бўлиб хизмат қилади.

Севги - бу шундай туйғуки, у бир шахснинг иккинчи шахс устидан мутлоқ устунлиги ёки афзаллигини инкор этади. Бундай ҳиссиёт эса севги бўлмайди. Шунинг учун ҳам ўспиринлик ёшидаги йигит ва қизлар гуруҳда мулоқотда бўлишни ва бунда тенг ҳуқуқли муносабатлар бўлишни хоҳлайдилар. Бу талаб севишганлар учун ҳам конун ҳисобланади. Дўстликдан фарқли, бу ерда турли кўринишлар ёки турларни ажратиш мумкин эмас. Бу

ҳиссиёт шундайки, у томонларни фақат ахлоқан ва маънавий жиҳатдан яқин бўлишини тақозо этади. Севган юрак маънавий жиҳатдан яхши, улуғ ва ижтимоий жиҳатдан манфаатли ишларни қилишга қодир бўлади. Тўғри, кўпчилик ота-оналар ўқувчилик йилларида пайдо бўлган севги ҳиссидан биров чўчийдилар, уни чеклашга, ҳаттоки, қизларга таъқиқлашни ҳам афзал кўрадилар. Лекин айнан шу ҳиснинг борлиги ёшларни улуғворроқ, самимийроқ, ҳар нарсага қодир ва кучлироқ қилади. Севгида «иши юришмаганларнинг» эса бошқа соҳаларда ҳам иши юришмайди. Улар ўзларини тушкун, бахтсиз, омадсиз ҳисоблайдилар.

Олимлар севгининг ёшларда намоён бўлиши ва унинг психологик таҳлилини ўрганишган. Маълум бўлишича, севгининг дастлабки босқичи - ўзаро ёқтириб қолиш - **симпатия** бўлиб, бунда асосан севги объектининг ташқи жозибаси роль ўйнайди. Масалан, ўзбек хонатласини чиройли қилиб тиктириб олган қизчанинг даврада пайдо бўлиши, табиий кўпгина йигитларнинг эътиборини беихтиёр ўзига тортади. Улардан кўпчилиги бирданига, бир вақтда айнан шу қизчани «ёқтириб» қолишади. Лекин даврадаги қайси йигит унга ҳам маълум жиҳатлари билан ёқиб қолса, ўзаро симпатия шу икки шахс ўртасида рўй беради. Вақтлар ўтиб, бу икки ёш бир неча марта учрашиб туришса, оддий ёқтириш севгига, жиддийроқ нарсага айланиши мумкин. Шу нарса маълумки, айнан шу қонуниятни билгани учун ҳам кўпчилик ўспиринлар биринчидан, давраларда бўлишни, қолаверса, бировларга ёқиш учун ташқи кўринишларига алоҳида эътибор беришга ҳаракат қиладилар. Ёқимтой бўлишга ҳаракат қилсаю, бирортанинг эътиборини ўзига тортолмаган ўспирин эса бу ҳолатни жуда чуқур қайғу билан бошдан кечиради. Агар худди шундай нарса бир неча марта сурункалик такрорланса, ўша ёш давраларга ҳам бормай кўядиган, ўзи ҳақида ёмон фикрларга борадиган, фақат айрим ҳоллардагина ҳаммани ўзига «душман» билиб, ҳафа бўладиган бўлиб қолади.

Экспериментал изланишларнинг кўрсатишича, севишганлик ўспирин ёшларнинг шахс сифатларига бевосита таъсир кўрсатиб, унинг ҳатти - ҳаракатларида намоён бўлади. Масалан, севишганлар бошқалардан фарқли, икки марта зиёд ўзаро гаплашишар, гаплари сира адо бўлмас экан. Бундан ташқари, бундайлар саккиз (!) марта ортиқ бир - бирларининг кўзларига қараб вақт ўтказишаркан.

Яна шу нарса аниқланганки, севги билан боғлиқ ҳиссиётлар ҳар бир жинс вакилида ўзига хос хусусиятларга эга экан. Масалан, ўспирин ёшлар қизларга нисбатан романтизмга берилувчан, тезгинада яхши кўриб қоладиган бўлишаркан. Уларнинг тасаввуридаги севги анча романтик, идеал кўринишга эга бўлади. Қизлар эса йигитларга нисбатан секинроқ севиб қолишади, лекин севгини унутиш, ундан воз кечиш уларда осонроқ кечаркан. Агар йигитлар бир кўришдаёқ ёқтириб қолган қизни севиб ҳам қолиши эҳтимоли юқори бўлса (экспериментларда севги билан симпатиянинг корреляцион боғлиқлиги кучли), қизларда бундай боғлиқлик анча паст экан, яъни ҳамма ёқтирганларини ҳам севмас экан, умуман симпатиянинг пайдо бўлиши ҳам биров қийин экан.

Бундай ташқари, ўспиринлик йилларидаги севги ва муҳаббат ҳисси нафақат қарама-қарши жинс вакилига қаратилган бўлади, балки айнан шу

даврда ота-онанинг кадрланиши ва уларга нисбатан севги-муҳаббат, яқинлар - ака-ука, опа-сингил, ҳаётда ибрат бўладиган кишиларни яхши кўриш, Ватанни севиш каби олий ҳислар ҳам тарбияланади. Шунинг учун ҳам ҳақиқий юксак муҳаббат соҳиблари бўлмиш ёшларни тарбиялаш - жамиятда инсоний муносабатларни барқарорлаштириш, одамлар ўртасида самимий муносабатлар ўрнатиш ва маънавиятни юксалтиришга хизмат қилади.

Таълимнинг барча босқичида маънавий тарбиянинг ажралмас бўлаги сифатида ана шундай самимий муносабатларни тарбиялаш, тарғиб этиш, керак бўлса, ёшларга ана шундай севги ва садоқат ҳақидаги кадриятларимизни онгга сингдиришимиз керак. Севги ва муҳаббат ҳислари кенг маънода - Ватанга, юртга, ҳалққа, борлиққа, касбга ва яқин кишиларга қаратилган бўлиши керак.

Қисқача хулосалар:

Ушбу мавзу орқали шахс психологияси ва характерининг ёшга боғлиқлиги, ёш давлари классификацияси, ҳар бир ёш даврининг ўзига хослиги, ёш давлари кризислари ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ёшлардаги аттракция ва эмоционал борлиқнинг намоён бўлиши, ўспиринлик давридаги дўстлик, севги ва садоқат ҳисларининг кўринишлари, уларни тарбиялаш йўллари кўрсатиб утилган. Ёш давлари психологияси ва акмеологиянинг касб танлаш ва касбга йуналтириш муаммолари бўйича ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинган. Бу каби маълумотлар талабаларнинг ўз-ўзини англашларига ва тенгқурлари, атрофдагилар билан етарлича ўзаро тушунишларига ёрдам беради.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Шахс тараққиётидаги ижтимоий омиллар қандай?
2. Қандай генотипик омиллар шахс тараққиётига таъсир этади?
3. Ёш давлари қандай классификацияга эга?
4. Ўсмирлик даврининг алоҳида белгилари қандай?
5. Ўспиринлик даври қандай хусусиятлари билан ажралиб туради?
6. Аттракция - қандай манони англатади?
7. Дўстликнинг белгилари нимада?
8. Севгининг психологик моҳияти нимада?
9. Симпатия қандай кўринишга эга?
10. Ватан туйғусининг шаклланишига таъсир қилувчи омиллар нима?

Адабиётлар рўйхати:

1. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002. 1-2 китоб.
2. Психология и педагогика. Под редакцией А.А.Радугина. Изд. "Центр" 2003
3. Гамильтон. Я.С. "Что такое психология". "Питер", 2002.
4. Дружинина В. "Психология". Учебник. "Питер", 2003.
5. www.psychology.net.ru

9-БОБ. ШАХС ИНСОНИЙ МУНОСАБАТЛАР ТИЗИМИДА. МУОМАЛА ТЕХНИКАСИ ВА СТРАТЕГИЯСИ. ПСИХОЛОГИЯДА ИЖТИМОЙ ТАЪСИР МАСАЛАСИ. САМАРАЛИ ТАЪСИР СИРЛАРИ.

9.1..Инсоний муносабатлар психологияси.

9.2. Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни.

9.3. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари.

9.4. Мулоқот ва уни ўрганиш муаммолари.

9.5. Самарали таъсир психологияси.

9.1. Инсоний муносабатлар психологияси

Шахс - ижтимоий муносабатлар махсули дейилишининг энг асосий сабаби - унинг доимо инсонлар даврасида, улар билан ўзаро таъсир доирасида бўлишини англатади. Бу шахснинг энг етакчи ва нуфузли фаолиятларидан бири мулоқот эканлигига ишора қилади.

Мулоқотнинг тури ва шакллари турличадир. Масалан, бу фаолият бевосита «юзма-юз» бўлиши ёки у ёки бу техник воситалар (телефон, телеграф ва шунга ўхшаш) орқали амалга ошириладиган; бирор профессионал фаолият жараёнидаги амалий ёки дўстона бўлиши; субъект-субъект типли (диологик, шериклик) ёки субъект-объектли (монологик) бўлиши мумкин.

Инсоний муносабатлар шундай ўзаро таъсир жараёнларики, унда шахсларо муносабатлар шаклланади ва намоён бўлади. Бундай жараён дастлаб одамлар ўртасида рўй берадиган фикрлар, хис-кечинмалар, ташвишу - қувончлар алмашинувини назарда тутаяди. Одамлар мулоқотда бўлишгани сари, улар ўртасидаги муносабатлар тажрибаси ортган сари улар ўртасида умумийлик, ўхшашлик ва уйғунлик каби сифатлар пайдо бўладики, улар бир - бирларини бир қарашда тушунадиган ёки «яримта жумладан» ҳам фикр аён бўладиган бўлиб қолади, айрим ҳолларда эса ана шундай мулоқотнинг тиғизлиги тескари реакцияларни - бир-биридан чарчаш, гапирадиган гапнинг қолмаслиги каби вазиятни келтириб чиқаради. Масалан, оила муҳити ва ундаги муносабатлар ана шундай тиғиз муносабатларга киради. Фақат бундай тиғизлик оиланинг барча аъзолари ўртасида эмас, унинг айрим аъзолари ўртасида бўлиши мумкин (она - бола, қайнона - келин ва х-зо).

Ўзаро муносабатларга киришаётган томонлар муносабатдан кўзлайдиган асосий мақсадлари - ўзаро тил топишиш, бир-бирини тушунишдир. Бу жараённинг мураккаблиги, керак бўлса, «жозибаси», бетакрорлиги шундаки, ўзаро бир хил тил топишиш ёки томонларнинг айнан бир хил ўйлашлари ва гапиришлари мумкин эмас. Агар ана шундай вазиятни тасаввур қиладиган бўлсак, бундай мулоқот энг самарасиз, энг бетаясир бўлган бўлар эди. Масалан, тасаввур қилинг, узок вақт кўришмай қолган дўстингизни кўриб қолдингиз. Сиз ундан хол-аҳвол сўрадингиз, лекин у ташаббусни сизга бериб, нимаики деманг, сизни маъқуллаб, гапингизни қайтариб турибди. Бундай мулоқот жуда бемаза бўлган ва сиз иккинчи марта ўша одам билан иложи борида расман салом - аликни бажо келтириб ўтиб кетаверган бўлардингиз. Яъни, мулоқот фаолияти шундай шарт-шароитки, унда ҳар бир шахснинг индивидуаллиги, бетакрорлиги, билимлар ва тасаввурларнинг хилма-хиллиги намоён бўлади ва шуниси билан у инсониятни асрлар давомида ўзига жалб этади.

Ҳар қандай фаолиятдан зерикиш, чарчаш мумкин, фақат одам мулоқотдан, айниқса, унинг норасмий самимий, бевосита шаклидан чарчамайди, яхши суҳбатдошлар доимо маънавий жиҳатдан рағбатлантириладилар.

XXI асрда яшар эканмиз, одамнинг энг табиий бўлган мулоқотга эҳтиёжи, унинг сирларидан хабардор бўлиш ва ўзгаларга самарали таъсир эта олишга бўлган интилиши янада ошди ва бунинг қатор сабаблари бор.

Биринчидан, индустриал жамиятдан ахборотлар жамиятига ўтиб бормоқдамиз. Ахборотларнинг кўплиги айнан инсон манфаатига алоқадор маълумотларни саралаш, у билан тўғри муносабатда бўлишни тақозо этди. Ахборот XXI асрда энг нодир капиталга айланди ва бу ўз навбатида инсонларга зарур ахборотлар узатилиши тезлиги ва темпини ўзгартиради.

Иккинчидан, турли касб-фаолият соҳасида ишлаётган одамлар гуруҳининг кўпайиши, улар ўртасида муносабатлар ва алоқанинг долзарблиги ахборотлар тизим шароитида оддийгина мулоқотни эмас, балки профессионал, билимдонлик асосидаги мулоқотни талаб қилади. Умуман, XXI асрнинг корпорациялар асри деб, башорат қилаётган иқтисодчилар ҳам бу корпорация инсонларнинг ўзаро тил топишларига қаратилган малакаларнинг ривожланган, мукамал бўлиши ҳақида гапирмоқдалар. Ундан ташқари, бу каби корпоратив алоқа кўп ҳолларда бевосита юзма-юз эмас, балки замонавий техник воситалар - уяли алоқа, факслар, электрон почта, Интернет кабилар ёрдамида аниқ ва лунда фикрларни узатишни назарда тутди. Бу ҳам ўзига хос мулоқот малакаларининг атайлаб шакллантирилишини тақозо этади.

Учинчидан, охириги пайтларда шундай касб-хунарлар сони ортдики, улар социономик гуруҳ касблар деб аталиб, уларда «одам-одам» диалоги фаолиятнинг самарасини белгилайди. Масалан, педагогик фаолият, бошқарув тизими, турли хил хизматлар (сервис), маркетинг ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай шароитларда одамларнинг атайлаб мулоқот билимдонлигининг оширилиши меҳнат маҳсулини белгилайди.

Шунинг учун ҳам мулоқот, унинг табиати, техникаси ва стратегияси, мулоқотга ўргатиш (социал психологик тренинг) масалалари билан шуғулланувчи фанларнинг ҳам жамиятдаги ўрни ва салоҳияти кескин ошди.

Шахслараро муносабатларни ўрганиш психология фанида энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Чунки инсон шахсининг энг нуфузли ва етакчи фаолиятларидан бири бўлган мулоқот ва у орқали ўзаро муносабатлар одамлар орасида умумийлик, ўхшашлик, уйғунлик каби сифатлар пайдо бўлишига олиб келади. Айниқса, оила муҳитида шахслараро муносабатларнинг, чунончи, ота-она ва фарзанд орасидаги муносабатларнинг ўзига хос томонлари шахснинг ҳаёти, фаолиятининг самараси ва мазмунига бевосита таъсир этади. Шундай экан, инсонлар орасида амалга ошадиган шахслараро муносабатлар, уларнинг турли психологик хусусиятларини ўрганиш масаласи ижтимоий психология фанида муҳим ва долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Муомала шахслараро муносабатларнинг шундай кўринишидирки, унинг ёрдамида одамлар ўзаро психик жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашинадилар, таъсир ўтказадилар, таъсирланадилар, идрок этадилар, тушуниш ва баҳолаш жараёнларини кечирадилар. Шунинг учун муомала

ижтимоий психологик ходиса, ижтимоий категория сифатида ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида бевосита иштирок этиб, ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, эмоционал, когнитив, мотивацион, регулятив қирраларини акс эттирувчи объектив ва субъектив эҳтиёж сифатида вужудга келади, ижтимоийлашувнинг асосий омили, негизи вазифасини бажаради.

Шахслараро муносабатларда муомаланинг инсон психик дунёсига таъсири масалаларини психолог олимлардан Л.С.Вўготский, С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев, А.В.Запорожец, А.А.Бодалев, Б.Ф.Ломов, А.А.Леонтьев, М.И.Лисина тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Л.С.Вўготский бола шахси рухий дунёси ривож ва тараққиётида муомалани тушунтириб дейди: “Бола шахсий фаоллигини намоён бўлишининг асосий йўли катталар билан муомаласи ҳисобланади...Унинг ташқи оламга муносабати ҳамиша бошқа одам орқали муносабат билдиришдир”.

Л.С.Вўготский фикрича, онтогенезда генетик жиҳатдан бирламчи ўзаро таъсир баҳс, диалогдир; иккиламчи эса индивиднинг онги, рухий жараёнларининг индивидуаллигидир: “Биз маданий ривожланишнинг умумий генетик қонунини мана шундай шаклда ифодалашимиз мумкин: боланинг маданий ўсишида ҳар қандай функция баҳоланиши учун икки марта, икки хил режада пайдо бўлади, аввал ижтимоий, кейин психологик, шунингдек, шахслараро интерпсихологик категория сифатида сўнг бола ички дунёсида интропсихологик категория тариқасида”.

Л.С.Вўготский шунингдек шахслараро муносабатларда асосий қурол ва восита муомала жараёни эканлигини уқтиради. Унинг фикрича, шахслараро муносабатларда даставвал муомала асосий восита, сўнгра эса ҳуқ атвор воситаси туради. Чунки инсон яққа қолган пайтда ҳам муомала функциясини ўзида сақлайди.

Л.С.Вўготский қарашларидан яна шу жиҳат кўринадики, муомала интереоризация, яъни ички нутқ ва эктереоризация, яъни ташқи нутқ, муомала шаклларида намоён бўлади. Бундан кўринадики, муомала туфайли шахс ижтимоийлашуви юзага келади.

Демак, Л.С.Вўготскийнинг муомала, шахслараро муносабатлар психологиясига оид фикрлари ғоят қимматли, чунки унда биз шахс ижтимоийлашуви жараёни учун муҳим асос сифатида муомалани кўрамиз ва шахс шаклланишида бу жараённинг қиммати чексиз эканлигини янада англаймиз.

В.М.Бехтеревнинг бой меросида шахслараро муносабатлар муаммоси, хусусан, муомала мавзуси ижтимоий психологик назария жиҳатидан ўрганилгандир. Унинг қарашларида инсонларнинг ўзаро таъсир этишлари муҳим муаммо сифатида талқин этилади. В.М.Бехтерев ижтимоий ҳаётда муомаланинг ролини тавсифлаб, унинг функцияларини ҳамкорлик фаолиятини амалга ошириш механизми сифатида ажратиб талқин қилади. Унинг фикрича, шахснинг атрофдагилари билан муомаласи қанчалик хилма хил ва бой бўлса, шунчалик унинг тараққиёти муваффақиятли амалга ошади.

В.М.Бехтерев муомаланинг ижтимоий роли ва функциясини таҳлил этишда унинг кўринишлари бўлмиш тақлид ва таъсирланиш аҳамиятига

тўхталади. Унинг фикрича, тақлид бўлмаса, шахс ҳам юзага келмас эди. Чунки тақлид ўз материалини муомаладан олишини уқтиради. Таъсирланиш эса ижтимоий жараёнлар намоён бўлишининг омили тариқасида қаралади.

В.М.Бехтерев муомалани шартли равишда бевосита ва билвосита турларга ҳам ажратади. Билвосита муомала таркибий қисмлари сифатида хат, телефон, телеграмма, эркалаш, уришиш ва бошқаларни олса, бевосита муомала турига нутқни киритади. Шуни таъкидлаш жоизки, муомалани экспериментал ўрганиш ишини В.М.Бехтерев томонидан амалга оширилгандир.

В.Н.Мясиҳевнинг «Шахснинг муносабатлар психологияси» концепциясига кўра, шахс “диалогик” хусусиятли, муомаланинг шахсий тажрибаси ва бошқа одамлар билан ўзаро муносабат махсули сифатида намоён бўлади. Шу туфайли шахсда қизиқиш даражаси, эмоция кучи, хохиш, эҳтиёж, ижтимоий йўналганлик каби шахсни ҳаракатлантирувчи ички кучи таркиб топади ва бу унинг кечинмалари, ҳулқида, ҳаракатида ифодаланади.

В.Н.Мясиҳевнинг шахслараро муносабатлар психологиясига оид асарларининг таҳлилидан кўринадики, муомала жараёни шахснинг хусусиятлари, характери, майли, қобилиятига таъсир этишдагина ривожланмасдан, балки мулоқотда иштирок этувчиларнинг психик жараёнлари билан ҳам боғлиқлиги намоён бўлар экан. Шунинг учун В.Н.Мясиҳев ишларининг алоҳида томони муомала, унинг психологик тузилмаси билан мулоқот иштирокчилари психик жараёнлари орасидаги муносабат хусусиятларини очиб берилишида яққол кўринади.

Шахслараро муносабатларда юзага келадиган уч хил вазифалар ва мураккаб жараён тузилмасини Г.М.Андреева “Ижтимоий психология” китобида ушбу тузилишини тақлиф этади:

1. Мулоқотнинг коммуникатив томони, яъни ўзаро муносабат ёки мулоқотга киришувчиларнинг ўртасида маълумотлар алмашинуви жараёни сифатида;

2. Мулоқотнинг интерактив томони, яъни мулоқотга киришувчиларнинг ҳулқ атворларига таъсир жараёни сифатида;

3. Мулоқотнинг перцептив томони, яъни мулоқотга киришувчиларнинг бир бирларини идрок этишлари ва тушунчалари билан боғлиқ жараён сифатида.

Ўзаро муносабатларда мулоқотнинг психологик жиҳатдан мураккаб эканлигини Б.Ф.Паригин шундай ёзади: “Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар қиради:

- А) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- Б) индивидлар ўртасида ахборот алмашинуви жараёни;
- В) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- Г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- Д) бир бирига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- Е) шахсларнинг бир бирини тушуниши жараёни”.

Демак, шахслараро муносабатлар, яъни мулоқот жараёни одамлар амалга оширадиган фаолиятлар орасида энг мураккаблиги ва кўп қирраллиги билан характерланар экан, ижтимоий психология фанида олиб борилган жаҳон психологларининг жуда кўп тадқиқотлари шу феноменни шахс учун ҳам зарур,

ҳам оддий, ҳам таъсирчан деб қарайди.

9.2. Шахслараро муомаланинг шахс тараққиётидаги ўрни

Аслида ҳар бир инсоннинг ижтимоий тажрибаси, унинг инсоний кифоаси, фазилатлари, ҳаттоки, нуксонлари ҳам мулоқот жараёнларининг маҳсулидир. Жамиятдан ажралган, мулоқотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлган одам ўзида индивид сифатларини сақлаб қолиши мумкин, лекин у шахс бўлолмайди. Шунинг учун мулоқотнинг шахс тараққиётидаги аҳамиятини тасаввур қилиш учун унинг функцияларини таҳлил қиламиз.

Ҳар қандай мулоқотнинг энг элементар функцияси - суҳбатдошларнинг ўзаро *бир-бирини тушунишларини* таъминлашдир. Бу ўзбекларда самимий салом-алик, очик юз билан кутиб олишдан бошланади. Ўзбек ҳалкининг энг нодир ва буюк хислатларидан бири ҳам шуки, уйига биров кириб келса, албатта очик юз билан кутиб олади, кўришади, сўрашади, хол-ахвол сўрайди. Шуниси характерлики, таъзияга борган чоғда ҳам ана шундай самимиятли қабулни ҳис қиламиз. Бу каби бирламчи контакт усуллари бошқа миллат ва ҳалкларда ҳам бор, яъни бу жиҳат миллий ўзига хосликка эга.

Унинг **иккинчи** муҳим функцияси ижтимоий тажрибага асос солишдир. Одам боласи фақат одамлар даврасида ижтимоийлашади, ўзига зарур инсоний хусусиятларни шакллантиради. Одам боласининг йиртқич хайвонлар томонидан ўғриланиб кетилиши, сўнг маълум муддатдан кейин яна одамлар орасида пайдо бўлиши фактлари шуни кўрсатганки, «мауглилар» биологик мавжудот сифатида ривожланаверади, лекин ижтимоийлашувда ортда қолиб кетади. Бундан ташқари, бундай ҳолат боладаги билиш қобилиятларини ҳам чеклаши кўплаб психологик экспериментларда ўз исботини топди.

Мулоқотнинг яна бир муҳим вазифаси - у одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлайди, руҳлантиради. Одамлар гуруҳидан узоқлашган, улар назаридан қолган одамнинг қўли ишга ҳам бормайди, борса ҳам жамиятга эмас, балки фақат ўзигагина манфаат келтирадиган ишларни қилиши мумкин. Масалан, кўплаб тадқиқотларда изоляция, яъни одамни ёлғизлатиб қўйишнинг унинг руҳиятига таъсири ўрганилган. Масалан, узоқ вақт термокамерада бўлган одамда идрок, тафаккур, хотира, ҳиссий ҳолатларнинг бузилиши қайд этилган. Лекин атайлаб эмас, тақдир тақозоси билан ёлғизликка маҳкум этилган одамларнинг мақсадли фаолиятлар билан ўзларини банд этишлари у қадар катта салбий ўзгаришларга олиб келмаслигини ҳам олимлар ўрганишган. Лекин барибир ҳар қандай ёлғизлик ва мулоқотнинг етишмаслиги одамда мувозанатсизлик, ҳиссиётга берилувчанлик, ҳадиксираш, ҳавотирланиш, ўзига ишончсизлик, қайғу, ташвиш ҳисларини келтириб чиқаради. Шуниси қизиқки, ёлғизликка маҳкум бўлганлар маълум вақт ўтгач овоз чиқариб, гапира бошлашаркан. Бу аввал бирор кўрган ёки ҳис қилаётган нарсаси хусусидаги гаплар бўлса, кейинчалик нимагадир қараб гапиравериш эҳтиёжи пайдо бўлар экан. Масалан, бир М.Сифр деган олим илмий мақсадларини амалга ошириш учун 63 кун ғор ичида яшаган экан. Унинг кейинчалик ёзишича, бир неча кун ўтгач, у турган ерда бир ўргимчакни ушлаб олади ва у билан диалог бошланади. «Биз, деб ёзади у, шу ҳаётсиз ғор ичидаги танҳо тирик мавжудотлар эдик. Мен ўргимчак билан гаплаша бошладим, унинг тақдири учун қайғура

бошладим...»

Шахснинг мулоқотга бўлган эҳтиёжининг тўла қондирилиши унинг иш фаолиятига ҳам таъсир кўрсатади. Одамлар, уларнинг борлиги, шу муҳитда ўзаро гаплашиш имкониятининг мавжудлиги факти кўпинча одамни ишлаш қобилиятини ҳам ошираркан, айникса, гаплашиб ўтириб қилинадиган ишлар, биргаликда ёнма-ён туриб бажариладиган операцияларда одамлар ўз олдида турган ҳамкасбига қараб кўпроқ, тезроқ ишлашга куч ва кўшимча ирода топади. Тўғри, бу ҳамкорликда ўша ёнидаги одам унга ёкса, улар ўртасида ўзаро симпатия ҳисси бўлса, унда одам ишга «байрамга келгандай» келадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам америкалик социолог ҳамда психолог Жон Морено асримиз бошидаёқ ана шу омилнинг унумдорликка бевосита таъсирини ўрганиб, социометрик технологияни, яъни сўровнома асосида бир-бирини ёқтирган ва бир-бирини инкор қилувчиларни аниқлаган ва социометрия методикасига асос солган эди.

Инсониятнинг муомала қуроли тил бўлиб, одамлар бир-бирлари билан бўладиган барча муносабат ва мулоқотларини сўзлашиш ёрдамида амалга оширадилар. Доно халқимизда сўзлашиш қондаси, тилга эҳтиёткор бўлиш, ҳар бир сўз, ҳар бир жумлани ўйлаб гапириш, қисқаси - сўзлаш одоби ва мулоқот маданияти ҳақида жуда кўп ибратли ҳикматлар бор. Улардан бирида келтирилишича, одамнинг шарафи ва ифтихори унинг маданий сўзлашишида кўринади. Кимда-ки сўзлашиш одобига риоя қилмаса, унда инсонийлик ҳам кўринмайди. Гап ўринли ва маъноли айтилган бўлса, уни жим туриб тингламоқ фойдалидир.

Бу борада сўзлашишнинг саккизта қондасини келтиришни лозим деб топдик:

- бемаврид гапирмаслик;
- лутф ила юмшоқлик билан сўзлашиш;
- очик чехра билан гапириб, юзда самимийликни сақлай олиш;
- эшитувчига малол келмайдиган тарзда гапириш;
- фақат фойдали гапларни гапириш.
- ўйлаб, андиша билан сўзлаш, ўйламай айтилган гап пушаймонлик келтиришини ёдда тутиш;
- кишилар гапираётганда орага гап қўшмаслик, сўзини бўлмаслик;
- кўп гапирмаслик, зеро, бу яхшилик аломати эмас.

Ҳар бир одам кишиларга зарар келтирадиган сўзлардан ўзини сақлаши лозим. Зеро, мукаддас Ҳадиси шарифда айтилганидек, “Ўзингга раво кўрмаган ёмон нарсани бировга ҳам раво кўрма”. Бунинг учун тилга эҳтиёт бўлиш, киши дилини оғритадиган, кўнгилни қолдирадиган, иззат нафсига тегадиган, орномуси, шаънини оёқ-ости қиладиган сўзни ҳеч сўзламаслик даркор. Ҳамма вақт ширин сўз бўлиш, доимо яхши, маънили сўзлаш керак, чунки, тилдан етган озор найза озоридан ёмон...

Шундай қилиб, мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Қолаверса, ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида турли ишлаб чиқариш қарорларини якка тартибда эмас, балки коллегиал - биргаликда чиқариш

эҳтиёжи пайдо бўлганлигини ҳисобга олсак, одамларнинг муомала маданияти ва мулокат техникаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорликнинг муҳим омилларидандир.

9.3. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари

Одамлар бир - бирлари билан муомалага киришар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири - ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришдир. *Психологик таъсир* - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Ижтимоий психологияда психологик таъсирнинг асосан уч воситаси фарқланади.

1. **Вербал таъсир** - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзлардир. Маълумки, нутқ - бу сўзлашув, ўзаро муомала жараёни бўлиб, унинг воситаси - сўзлар ҳисобланади. Монологик нутқда ҳам, диалогик нутқда ҳам одам ўзидаги барча сўзлар заҳирасидан фойдаланиб, энг таъсирчан сўзларни топиб, шеригига таъсир кўрсатишни хоҳлайди.

2. **Паралингвистик таъсир** - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар. Бунга нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланаётганлиги, артикуляция, товушлар, тўхташлар, дудукланиш, йўтал, тил билан амалга ошириладиган ҳаракатлар, нидолар киради. Шунга қараб, масалан, дўстимиз бизга бирор нарсани ваъда бераётган бўлса, биз унинг қай даражада самимийлигини билиб оламиз. Куйиб - пишиб, очик юз ва дадил овоз билан «Албатта бажараман!», деса ишонамиз, албатта.

3. **Новербал таъсирнинг** маъноси «нутқсиз» дир. Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфа, ундан чиқаётган турли сигналлар (шовқин, хидлар) киради. Уларнинг барчаси мулоқот жараёнини янада кучайтириб, суҳбатдошларнинг бир-бирларини яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради. Масалан, агар учрашувнинг дастлабки дақиқаларида ўртоғингиз сизга қарамай, атрофга аланглаб, «Кўрганимдан бирам хурсандман», деса, ишонасизми?

Мулоқот жараёнидаги характерли нарса шундаки, суҳбатдошлар бир - бирларига таъсир кўрсатмоқчи бўлишганда, даставвал нима дейиш, қандай сўзлар воситасида таъсир этишни ўйлар экан. Аслида эса, ўша сўзлар ва улар атрофидаги ҳаракатлар муҳим рол ўйнарган. Масалан, машҳур америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7%, паралингвистик омиллар 38%, ва новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиларкан. Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин албатта, лекин ҳалқ ичида юрган бир мақол тўғри: «Уст-бошга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади».

Мулоқотнинг қандай кечиши ва кимнинг кўпроқ таъсирга эга бўлиши шерикларнинг ролларига ҳам боғлиқ. *Таъсирнинг ташаббускори* - бу шундай

шерикки, унда атайлаб таъсир кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун барча юқорида таъкидланган воситалардан фойдалади. Агар бошлиқ иши тушиб, бирор ходимни хонасига таклиф этса, у ўрнидан туриб кутиб олади, илтифот кўрсатади, хол-аҳволни ҳам қуюқроқ сўрайди ва сўнгра гапнинг асосий қисмига ўтади.

Таъсирнинг адресати - таъсир йўналтирилган шахс. Лекин ташаббускорнинг суҳбатга тайёргарлиги яхши бўлмаса, ёки адресат тажрибалироқ шерик бўлса, у ташаббусни ўз қўлига олиши ва таъсир кучини қайта эгасига қайтариши мумкин бўлади.

9.4. Мулоқот ва ўрганиш муаммолари

Охирги йилларда «профессионализм» тушунчаси тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Чунки жамиятда туб ислохотларни амалга ошириш, меҳнат унумдорлигини «инсон омили» ни такомиллаштириш ҳисобига ошириш давр талаби бўлиб қолди. Айниқса, одамларни бошқариш соҳасидаги профессионализмга катта эътибор қаратилмоқда. Жуда кўпчилик мутахассислар барча бажарадиган функциялари орасида одамлар билан тил топишиш, уларга таъсир кўрсатиш, улар фаолиятини тўғри ташкил қилиш ва бошқариш энг мураккабларидан эканлигини эътироф этмоқдалар. Одамлар билан нормал муносабатларни ўрната олмаслик, айниқса, бизнес соҳасида амалий шерикларнинг ҳолатлари, кутишларини аниқлай олмаслик, ўз нуқтаи назарига ўзгаларни профессионал тарзда кўндира олмаслик, «бирова» ни, унинг ички кечинмалари ва ўзига бўлган муносабатини аниқ тасаввур қила олмаслик амалий психологияда *коммуникатив уқувсизлик*, ёки *дискоммуникация* ҳолатини келтириб чиқаради. Бунда одамлар оддий тил билан айтганда, бир - бирларини тушунолмаб қоладилар, шунинг оқибатида пишиб турган лойиҳа ёки яхши режа амалга ошмаслиги, бир неча ойларга чўзилиб кетиши мумкин.

Шунинг учун ҳам ҳозирги замон ижтимоий психологиясининг тадбиқий йўналишида, бошқарув психологиясида катта ёшли одамларни коммуникатив билимдонликка ўргатиш, уларда зарур коммуникатив малакаларни ҳосил қилишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар бир корхона, хусусий фирма ёки давлат муассасасини бошқарувчи менежер, раҳбар тайёрлаш муаммоси ана шу раҳбарларни, бошқарувчиларни психологик жиҳатдан одамлар билан ишлашга ўргатиш муаммосини четлаб ўтолмайди. Умуман, ҳозирги даврда ҳар қандай мутахассис - врач, муҳандис, ўқитувчи, иқтисодчи, агроном, қурувчи, журналист, маданиятшунос ёки бошқалар ҳам коммуникатив малакаларга эга бўлмагунча, бозор муносабатлари шароитида тезда жамоага киришиб, кўпчилик билан тил топишиб, ўз профессионал маҳоратини кўрсата олмайди. Ҳар бир зиёли инсон бошқалар билан ҳамкорлик қилиш маҳорати ва санъатига эга бўлиши керак.

Бу вазифа одамларни муомала ва мулоқот этикасига ўргатишни ҳар қачонгидан ҳам долзарб қилиб қўймоқда. Тўғри, мулоқотга киришиш - ижтимоийлашув жараёнида барча сифатлардан олдинроқ шаклланадиган қобилиятлардан, у табиий ва ҳаётий нарса. Бола тили жуда яхши чиқиб улгурмай, атрофидагилар билан актив мулоқотга кириша бошлайди. Лекин масаланинг парадоксал томони ҳам шундаки, йиллар ўтган сари онгли, ақлли

одам ҳар бир гапини уйлаб гапирадиган, ҳар бир қадамини уйлаб босадиган бўлиб қолади, бу унинг жамиятдаги мавқесини белгиловчи воситадир. Бу мулоқотга киришишга руҳан тайёрланишнинг аҳамиятини ҳам одам англашини тақозо этади. Шундай қилиб, ана шу энг табиий ва бир қарашда оддий инсон фаолияти шу қадар мураккаб ва серқирраки, унинг механизмларини ўрганиш, гуруҳларда тўғри муносабатларни ташкил этиш ва одамларни самарали мулоқотга ўргатиш муаммоси бугунги ижтимоий психологиянинг муҳим масалаларидандир.

Маълумки, гаплашаётган одамлар бири гапиреди, иккинчиси тинглайди, эшитди. Мулоқотнинг самарадорлиги ана шу икки қирранинг қанчалик ўзаро мослиги, бир-бирини тўлдиришига боғлиқ экан. Нотўғри тасаввурлардан бири шуки, одамни муомала ёки мулоқотга ўргатганда, уни фақат гапиришга, мантиқан асосланган сўзлардан фойдаланиб, таъсирчан гапиришга ўргатишади. Унинг иккинчи томони - тинглаш қобилиятига деярли эътибор берилмайди. Машхур америкалик нотиқ, психолог Дейл Карнеги «Яхши суҳбатдош - яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир» деганда айнан шу қобилиятларнинг инсонларда ривожланган бўлишини назарда тутган эди.

Мутахассисларнинг аниқлашларича, ишлаётган одамлар вақтининг 45%и тинглаш жараёнига кетар экан, одамлар билан доимий мулоқотда бўладиганлар 35 - 40 % ойлик маошларини одамларни «тинглаганлари» учун оларканлар. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, коммуникациянинг энг қийин соҳаларидан ҳисобланган тинглаш қобилияти одамга кўпроқ фойда келтираркан.

Шунинг учун бўлса керак, немис файласуфи А. Шопенгауэр «Одамларни ўзингиз тўғринида яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг» деб ёзган экан. Дарҳақиқат, агар сиз куюниб гапирсангизу, суҳбатдошингиз сизни тингламаса, бошқа нарса билан овора бўлаверса, ундан ранжийсиз, нафақат ранжийсиз, балки у билан алоқани ҳам узасиз. Ўқитувчи гапирётган пайтда уни тингламаслик одобсизликнинг энг кенг тарқалган кўриниши деб баҳоланишини биласизми?

Нима учун биз кўпинча яхши гапирувчи, сўзловчи бўла оламиз-у, яхши тингловчи бўла олмаймиз? Психологларнинг фикрича, асосий ҳалақит берувчи нарса - бу бизнинг ўз фикр-ўйларимиз ва хоҳишларимиз оғушида бўлиб қолишимиздир. Шунинг учун ҳам баъзан расман шеригимизни тинглаётгандай бўламиз, лекин аслида ҳаёлимиз бошқа ерда бўлади. Тинглашнинг ҳам худди гапиришга ўхшаш техникаси, усуллари мавжуд. Уларнинг тури ҳам кўп, лекин асосан биз кундалик ҳаётда унинг икки усулини қўллаймиз: *сўзма* - *сўз қайтариш* ва *бошқача талқин этиш*. Биринчиси, суҳбатдош сўзларининг бир қисмини ёки яхлитича қайтариш орқали, шерикни қўллаб-қувватлашни билдиради. Иккинчи усул эса - шеригимиз сўзларини тинглаб, ундаги асосий ғояни мухтасар, ўзимизнинг талқинимизда ифода этиш. Иккала усул ҳам шерик учун муҳим, чунки у сизнинг тинглаётганингизни, ҳаттоки, ундаги ғояларга қарши эмаслигингизни билдиради. Бундай ташқари, биз яхши тинглаётган бўлиб, «Йўғ-э?», «Нахотки?», «Қара-я?», «Яша!» лўқмалари билан ҳам

суҳбатдошимизни гапиришга, янаям ўз фикрларини ойдинлаштиришга чақириб турамиз.

Демак, аслида биздаги гапираётган шахс етакчи, у суҳбатнинг мутлоқ хокими, деган тасаввур унчалик тўғри эмас. Яхши тинглашда ҳам шундай куч борки, у суҳбатдошни Сизга жуда яқинлаштиради, ишончни туғдиради. Чунки мулоқот жараёнидаги энг қимматли нарса - бу ахборотнинг ўзи. Тинглаётган одам маънили, яхши диалогдан фақат яхши, фойдали маълумот олади. Гапирган эса аксинча, ўзидаги борини бериб, гапирмайдиган суҳбатдошдан «тескари алоқани» олиб улгурмай, ҳеч нарсасиз қолиши ҳам мумкин. Шунинг учун мулоқотга ўргатишнинг муҳим йўналишларидан бири - одамларни фаол тинглашга, бунда барча паралингвистик ва новербал омиллардан ўринли фойдаланишга ўргатишдир.

Профессионал тинглаш техникасига қуйидагилар киради:

■ **актив ҳолат.** Бу - агар кресло ёки диван каби мебель бўлса, унга бемалол ястаниб ёки ётиб олмаслик, суҳбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳаракатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётганлигинингизни билдиришни назарда тутати;

■ **суҳбатдошга самимий қизиқиш билдириш.** Бу нафақат суҳбатдошни ўзига жалб қилиб, балки кейин навбат келганда ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг самарали йўлидир.

■ **ўйчан жимлик.** Бу суҳбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тинглаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзининг суҳбатдан манфаатдорлигинингизни билдириш йўли.

Агар биз суҳбатдошимизни яхши, диққат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ўзига ҳурматни ҳам тарбиялаймиз. Демак, тинглаш жараёни кўпчилик тасаввур қилгани каби унчалик пассив жараён эмас экан. Унинг мулоқотнинг самарали бўлишидаги аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, уни руҳлантиради, янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит яратади. Шунинг учун маърузачи профессорнинг ҳар бир чиқиши ва маърузаси агар талабалар томонидан диққат билан тингланса, бу педагогик мулоқотдан иккала томон ҳам тенг ютади.

Агар мулоқот жараёнида иштирок этувчи икки жараён - гапириш ва тинглашнинг фаол ўзаро таъсир учун тенг аҳамиятини назарда тутсак, бу жараён катнашчиларининг психологик саводхонлиги ва мулоқот техникасини эгаллашининг аҳамиятини англаш қийин бўлмайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда одамларни самарали мулоқотга атайлаб ўргатишга жуда катта эътибор берилади. Бу борадаги фаннинг ўз услуби бўлиб, унинг номи **ижтимоий психологик тренинг** (ИПТ) деб аталади. ИПТ - мулоқот жараёнига одамларни психологик жиҳатдан ҳозирлаш, уларда зарур коммуникатив малакаларни махсус дастурлар доирасида қисқа фурсатда шакллантиришдир. Энг муҳими ИПТ мобайнида одамларнинг мулоқот борасидаги билимдонлиги ортади.

Амалий мулоқот тренинги - ИПТнинг бир кўриниши бўлиб, у ёки бу профессионал фаолиятни амалга ошириш жараёнида зарур бўладиган коммуникатив малака, кўникма ва билимларни ҳосил қилишга қаратилган

тадбирдир. Гуруҳ ва жамоаларда мулоқот тренинги воситасида музокаралар олиб бориш, иш юзасидан ҳамкорлик қилиш йўл-йўриқларини биргаликда топиш, катта аудитория олдида сўзлашга ўргатиш, мажлислар ўтказиш, жанжалли, низоли ҳолатларда ўзини тўғри тутиш малакалари ҳосил қилинади. Бундаги асосий нарса - тренинг катнашчилари онгига бировларни тушуниш, ўзини ўзга ўрнига қўя олиш, бошқалар манфаатлари билан ўзиникини уйғунлаштира олиш ғоясини сингдиришдир. Тренинглар мобайнида *гуруҳий мунозаралар, ролли ўйинларнинг* энг оптимал вариантлари синаб, машқ қилинади.

Қисқача хулосалар:

Ушбу мавзу мобайнида шахс учун муҳим бўлган муомаланинг техникалари тўғрисидаги маълумотлар кенг тарзда келтирилган. Вербал, новербал ва паралингвистик таъсир воситаларининг амалиётда қўлланиш усуллари кўрсатилган. Инсоний муомала ва мулоқотнинг психологик воситалари ва шарт-шароитлари, ижтимоий институтларининг бу жараёндаги ўрни: “Оила-боғча-маҳалла-мактаб-махсус ва олий таълим муассасалари - меҳнат жамоалари” тизимидаги ўрни таҳлил қилинган.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Мулоқот қандай амалга оширилади?
2. Мулоқотга эҳтиёж қандай сабабларга асосан юзага келади?
3. Мулоқот қандай вазифаларни бажаради?
4. Психологик таъсир воситалари қандай?
5. Таъсирнинг адресати - ким ҳисобланади?
6. Профессional тинглаш техникасига нималар киради?
7. Ижтимоий психологик тренинг нима?
8. Тренингга қўйиладиган талаблар қандай?
9. Ролли ўйинларнинг моҳияти нимада?
10. Гуруҳий мунозаралар қандай ўтказилади?

Адабиётлар рўйхати:

1. Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
2. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. Т.: 1994
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: 1999
4. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.
5. www.psy.piter.com

10-БОБ. ГУРУХЛАРДА ИЖТИМОЙИ ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ. ГУРУХЛАРНИНГ ТУРЛАРИ. ГУРУХИЙ ЎЗАРО МОСЛИК, ЛИДЕРЛИК ВА КОНФОРМИЗМ ҲОДИСАЛАРИ.

10.1. Шахс ва гуруҳ. Референт гуруҳ.

10.2. Гуруҳларнинг турлари.

10.3. Гуруҳ ўлчамлари ва унинг тизими.

10.4. Жамоаларда психологик ўзаро мослик.

10.5. Гуруҳдаги психологик муҳит ва уни ўрганиш.

10.1. Шахс ва гуруҳ. Референт гуруҳ

Шахслараро муносабатлар асосан гуруҳ шароитида, шахс маълум инсонлар даврасида, гуруҳида, жамоада бўлган тақдирда рўй беради. Шунинг учун ҳам мутахассислар жамоаларда рўй берадиган шахслараро таъсирнинг қонуниятлари ва механизмларини билишлари ва уларни гуруҳда одамлар меҳнатини ташкил этишда албатта инобатга олишлари керак.

Ҳар бир шахснинг феъл-атворида, ҳатти-ҳаракатларида у мансуб бўлган миллат, халқ, ҳудуд, профессоинал тоифа, меҳнат қиладиган жамоаси, яқин атрофдаги муқим гуруҳи, оиласининг таъсиридан пайдо бўлган сифатлари ва хусусиятлари бўлади. Тарихий шарт-шароит, давр, давлат тузими ва ўша жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва мафкуравий таъсирлар ҳақида юқорида гапирган эдик. Бу таъсир *макро босқичдаги таъсирлар* деб аталиб, яқин муҳитнинг таъсири - *микро босқичдаги таъсирлар* деб юритилади. Иккала босқичдаги таъсирлар ҳам ижтимоий психологик нуқтаи назардан аҳамиятли ва тарбиявий моҳиятга эгадир. Чунки ҳар бир шароитда шахс ўзига хос ижтимоий ролларни бажаради ва ўзининг «киёфасини» намоён этади. Меҳнат жамоасида профессоинал ролларни бажариш жараёнидаги хулқ-атвори шахснинг маънавий ва психологик кўринишидаги асосий омил бўлиб, катта ёшдаги одам психологиясини тубдан ўзгартириш учун унинг профессионал фаолиятини ҳам ўзгартириш керак, дейилади.

Шундай қилиб, шахсга бир вақтнинг ўзида турли ижтимоий гуруҳларнинг таъсири бўлиб туради. Тўғри, маълум даврда бир ижтимоий гуруҳнинг шахсга таъсири сезиларлироқ ва аҳамиятлироқ, иккинчисиники эса сал камроқ бўлади. Масалан, ўқувчилик йилларида мактабдаги ўқувчилар гуруҳининг таъсири маҳалладаги ўртоқлар даврасиникидан кучлироқ бўлиши, янги хонадонга келин бўлиб тушган қиз учун янги оила муҳитининг таъсири талабалик гуруҳиникидан кучлироқ бўлиши табиий. Лекин ҳар бир алоҳида дақиқада биз доимо маълум гуруҳлар таъсирида бўламиз. Хўш, гуруҳнинг ўзи нима?

Гуруҳ - маълум ижтимоий фаолият мақсадлари асосида тўпланган, мулоқот эҳтиёжлари қондириладиган инсонлар уюшмасидир. Демак, гуруҳ учун иккита асосий мезон мавжуд: бирор фаолиятнинг бўлишлиги (меҳнат, ўқиш, ўйин, мулоқот, маиший манфаатлар) ҳамда у ерда одамларнинг ўзаро мулоқоти учун имкониятнинг мавжудлиги.

Ҳар бир шахс учун тараққиётнинг ҳар бир алоҳида босқичида шундай одамлар гуруҳи бўладики, у уларнинг ниятлари, қизиқишлари, ҳаракат нормалари, ғоя ва фикрларига эргашишга тайёр бўлади, ҳаракатларидан андоза олади, уларга тақлид қилади. Бундай гуруҳ психологияда *референт гуруҳ* деб

аталади. Америкалик социологлар референт гуруҳларнинг бир неча турларини фарқлайдилар.

Норматив гуруҳлар - бу шахс учун шундай инсонлар гуруҳи, уларнинг нормаларини у маъқуллайди, уларга амал қилишга ҳамиша тайёр бўлади. Бундай гуруҳларга биринчи навбатда оилани, диний ёки миллий уюшмаларни, профессоинал гуруҳларни киритиш мумкин. Масалан, ўзбек халқи учун дастурхон атрофига ўтирган захоти юзга фотиҳа тортиш, мезбонларнинг меҳмонларга «Хуш келибсизлар» дейишлари норма ҳисобланади ва ҳар бир оилада шундай ҳаракатларга нисбатан ижобий установка шаклланади. Бунда бола учун референт ролини ота-онаси, катталар, маҳалладаги ҳурматли инсонлар ўйнайди.

Қиёслаш гуруҳлари - бу шундай гуруҳи, шахс ўша гуруҳга киришни, унинг маъқуллашига мухтож бўлмайди, лекин ўз ҳаракатларини йўлга солишда унга асосланади ва коррекция қилади. Масалан, талабалар гуруҳида шундай ёшлар бўлиши мумкинки, шахс улар билан умуман мулоқотда бўлмайди, уларнинг фикрлари ёки қарашларини ёкламайди, лекин бу гуруҳ айнан ўшаларга ўхшамаслик ва ўз устида кўпроқ ишлашга ўзини сафарбар қилиш учун керак. Ёки талаба ёшлар сессия якунларига кўра дифференциал стипендия оладилар. Ўртача ўзлаштирувчи талаба учун «ҳамма талабалар» оладиган стипендия миқдорини назарда тутиб, ўзини тинчлантиради, аълочи эса, ўзиникини нафақат оддий, ўртачалар билан балки, давлат стипендиялари оладиганлар билан ҳам солиштиради. Кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлса, шунга мос даъвогарлик даражаси ҳам юқори бўлади, шахснинг қиёслаш гуруҳлари ҳам ортиқроқ бўлади.

Негатив гуруҳлар - шундайки, шахс уларнинг ҳатти-ҳаракатларидан атайлаб воз кечади, чунки улар шахсий қарашлардан мутлоқ фарқ қилади. Масалан, икки кўшни бир-бири билан муросалари келишмаса, ҳаттоки, деворларини оқлашда ҳам бири танлаган рангни иккинчиси танламайди. Бири «оқ» деса, иккинчиси - аксинча, «қора» деб тураверади.

10.2. Гуруҳларнинг турлари

Кундалик ҳаётда шахс мулоқотда бўладиган, вақтини биргаликда ўтказадилар кишилар гуруҳи ҳам турли хил бўлади. Масалан, агар одамлар кўчада тасодикий ҳодисани томошабини бўлиб туришган бўлса, уларни психология тилида гуруҳ эмас, **агрегация(оломон)** деб аташади. ҳақиқий гуруҳ учун ўша одамларнинг барчасига алоқадор умумий фаолият ва ҳамкорлик қилиш, бир-бирларига таъсир кўрсатиш имконияти бўлиши керак.

Америкалик психолог Ч. Кули ҳамкорликнинг даражаси мезонига кўра гуруҳларни бирламчи ва иккиламчи турларга бўлиб ўрганишни таклиф этган эди.

Бирламчи гуруҳда шахслараро ўзаро таъсир «юзма-юз, бевосита» рўй беради. Масалан, оила даврасидаги, синфдаги, ҳисобчилар хонасида ўтирганлар бирламчи гуруҳга мисолдир.

Иккиламчи гуруҳларда ҳар доим ҳам одамларнинг бевосита мулоқотда бўлиш имкониятлари бўлмайди. Улар ўртасидаги муносабат ва ўзаро таъсир билвосита бўлади. Масалан, йирик бир ташкилотдаги тизимлар орқали

мулоқот, касаба уюшмасига бирлашган одамлар, «Ватан» тараққиёти партияси аъзоларининг боғлиқлиги иккиламчи гуруҳга мисол. Уларда ҳам умумийлик бўлади, масалан, ўша партияни оладиган бўлсак, улар Қашқадарёда бўладими, Фарғонадами, барибир умумий ғоя атрофида бирлашишади, аъзолик бадалларини вақтида тўлаб туришади, сайлов олди компанияларида бир - бирларини қўллаб-қувватлаб турадилар.

Кўпинча гуруҳларни расмий ва норасмий турларга ҳам бўлиб ўрганишади.

Расмий гуруҳдаги муносабатлар расмий нормалар ва ҳуқуқ бурчлар тизими билан белгиланган бўлади. Масалан, гуруҳда бошлиқ билан ходимлар ўртасидаги муносабатларни таъминловчи гуруҳ расмий бўлса, *норасмий* - ички, бевосита психологик муносабатларни таъминловчи гуруҳ ҳисобланади. Масалан, дўстлар гуруҳи, ёки талабалар гуруҳидаги барча қизларнинг танаффус пайтидаги мулоқоти гуруҳи.

Турли гуруҳлар инсон ҳаётида бир неча функцияларни бажарадилар:

- а) ижтимоийлаштирувчи функция;
- б) инструментал, яъни, аниқ меҳнат функцияларни амалга оширишга имкон берувчи муҳит;
- в) экспрессив - одамларнинг ўзгаларнинг тан олишлари, ҳурматга сазовор бўлиш, ишонч қозонишини таъминлаш;

7-расм.

КИЧИК ГУРУҲЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Шартли (номинал)	реал (ҳақиқий)
------------------	----------------

Табиий	лаборатория типли
--------	-------------------

<i>Формал (расмий)</i>	<i>Ноформал (норасмий)</i>
<i>кучсиз ривожланган</i>	<i>Кучли ривожланган</i>
<i>корпорация</i>	<i>Жамоалар</i>
<i>референт</i>	<i>Нореферент</i>

г) қўллаб-қувватлаш, яъни, қийин пайтларда, муаммолар пайдо бўлганда одамларни бирлаштириш функцияси.

Р.С.Немов кичик ижтимоий гуруҳларнинг қуйидаги классификациясини таклиф этган. (7 - расм)

10.3. Гуруҳ ўлчамлари ва унинг тизими

Гуруҳлар улардаги одамлар сонига кўра *катта* ва *кичик* гуруҳларга бўлинади. Психологияда кўпроқ кичик гуруҳлар ўрганилади. Уни неча киши ташкил этиши, неча киши ҳамкорликлаги фаолитяти кўпроқ самара бериши масаласи амалий аҳамиятга эгадир. Кўпчилик олимлар гуруҳнинг бошлангич нуқтаси сифатида микдор жиҳатдан икки кишини - *диадани* тан олишади. Поляк олими Ян Шепаньский бунга қўшилмаса-да (унинг фикрича камида уч

киши - триададан бошланади), ҳар қалай диада ўзига хос уюшма сифатида тан олинган. Масалан, янги оила куриб, бирга яшаётган кишилар, севишганлар, икки дўст - ўзига хос кичик гуруҳ. Ҳар қандай кичик гуруҳга хос сифат шуки, унинг аъзолари бир-бирлари билан бевосита мулоқотга киришиш, «юзма-юз» бўлиш имкониятга эга бўлади. Ҳар бир киши учун шу гуруҳ жуда аҳамиятли бўлиб, унинг нормаларига ўзи хоҳлаб-хоҳламай бўйсунга бошлайди. Кичик гуруҳнинг чегараси масаласи ҳам кўп муҳокама қилинади.

Г.М. Андреева бу чегарани 12-15 киши деб ҳисобласа, америкалик Морено ўз вақтида бу чегарани 30-40 гача сурган эди. Лекин бизнингча, унинг юқори чегараси неча киши бўлишидан қатъий назар, ўзаро бевосита мулоқот имкониятини бериши ва ҳар бир аъзо бир-бирига таъсир кўрсата олиши керак.

Ҳар бир ўзига хос психологик тизимга ҳам эга. Уни ташкил этувчи элементлар нисбатан барқарор бўлиб, улар гуруҳ аъзолари хулқ-атворини мувофиқлаштириб туради. Аввало гуруҳнинг **мақсадини** ажратиш керак. Мақсад - одамларни жамоа меҳнати атрофида уюштириб, бирлаштирувчи психологик элементдир. Масалан, барча талабаларнинг мақсади - ўқиш, профессоинал малака орттириб, мутахассис бўлиб етишиш.

Гуруҳнинг **автономлиги даражаси** ҳам маълум аҳамиятга эга омил, чунки ҳар бир аъзо умумий мақсад асосида бирлашган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бирининг ўз бурч ва вазифалари бор ва шу нуқтаи назардан ҳар бир одам ўз имкониятларини ўзича ишга солиб, ўзаро муносабатларга сабаб бўлади.

Гуруҳнинг психологик тизимга таъсир этувчи омилларга яна уларнинг жинсий, ёш жиҳатдан, маълумоти ва малакаси нуқтаи назаридан фарқ қилувчи ва уйғунликни ташкил этувчи омиллар ҳам қиради.

Гуруҳнинг **уюшганлиги** ҳам динамик кўрсаткичлардан бўлиб, шу нуқтаи назардан ҳар бир гуруҳ бир-биридан фарқ қилади. Масалан, одамлар ҳамкорликда бажараётган ишнинг қизиқарли ва ҳамма учун манфаатли эканлиги, гуруҳ нормаларининг аъзолар томонидан умуман олганда қабул қилиниши, қадриятлар тизимини тасаввур қилишдаги фикрлар мослиги уюшқоқликнинг мезонларидир.

Гуруҳнинг тизими яна унинг катта-кичиклигига ҳам боғлиқ. Масалан, 5-10 кишидан иборат гуруҳдаги муносабатлар яхшироқ, уйғунроқ ва фаолият самаралироқ ҳисобланади. Чунки бундай гуруҳларда норасмий мулоқот учун маъқул шароит мавжуд бўлади. Бундай гуруҳларда «гуруҳбозлик» деган иллат ҳам бўлмайди. Гуруҳнинг ҳажми ортиб борган сари уларда расмийлик, расмий юзаки муносабатлар кўпаяди ва бу одамлар ўртасидаги инсоний муносабатларда ўз аксини топади.

10.4. Жамоларда психологик ўзаро мослик

Гуруҳ ҳаёти ва ундаги аъзоларнинг ўзларини яхши ҳис қилишлари кўп жиҳатдан уларнинг ҳамкорликда ишлай олишлари ва бир-бирларига ижобий муносабатда бўла олишларига боғлиқ. Бу ходисани тушунтириш учун психологияда психологик мослик тушунчаси мавжуд.

Психологик мослик деганда, гуруҳ аъзолари сифатлари ва қарашларининг айнанлиги эмас, балки улар айрим сифатларининг мос келиши, қолганларининг керак бўлса, тафовут қилиши назарда тутилади. Мосликнинг мезони сифатида

Н. Обозов қуйидагиларни ажратади:

- а) фаолият натижалари;
- б) аъзоларнинг сарфлаган куч - энергиялари;
- в) фаолиятдан қониқиш.

Икки хил ўзаро мослик фарқланади: психофизиологик ва ижтимоий психологик. Биринчи ҳолатда фаолият жараёнида одамларнинг бир хил ва мос тарзда ҳаракат қила олишлари, реакциялар мослиги, иш ритми ва темпидаги уйғунликлар назарда тутилса, иккинчисидан ижтимоий ҳуққдаги мослик - установакалар бирлиги, эҳтиёж ва қизиқишлар, қарашлардаги монандлик, йўналишлар бирлиги назарда тўтилади. Биринчи хил мослик кўпроқ конвейер усулида ишланадиган саноат корхоналари ходимларида самарали бўлса, бу олийгоҳ ўқитувчилари, ижодий касб эгаларида иложи йўқ ва бўлиши мумкин эмас, уларда кўпроқ ижтимоий психологик мосликнинг аҳамияти каттадир.

Ўтказилган тадқиқотлар психологик мосликнинг кўплаб қирралари бўлиши мумкинлигини исбот қилди. Асосан шуни унутмаслик керакки, қайси фаолият ва унинг мақсади одамларни бирлаштирган бўлса, ўша мақсадни идрок қилиш ва биргаликда англаш истагида уйғунликнинг бўлиши катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

10.5. Группавий қарорлар қабул қилишда ўзаро таъсир масаласи

Гуруҳда одамларнинг бир-бирларини ёқтиришлари ёки аксинча, инкор қилишлари кўпинча турли хил қарорлар қабул қилиш жараёнида рўй беради. Группавий қарорлар қабул қилиш индивидуал қарорлар қабул қилиш жараёнидан тўбдан фарқ қилмайди. Иккаласида ҳам аввал муаммо аниқланади, маълумотлар тўпланади, бир нечта таклифлар илгари сурилади ва ниҳоят, энг маъқули қабул қилинади. Лекин гуруҳда бу жараён бироз бошқачароқ кечади ва низолар кўпинча айнан шу жараён билан боғлиқ бўлади.

Америкалик психолог Т. Митчеллнинг фикрича, ўзаро таъсир группа шароитида қуйидаги омиллар воситасида рўй беради:

- 1) айрим аъзолар бошқаларига нисбатан кўпроқ гапиришга мойил бўладилар;
- 2) юқорироқ мавқега эга бўлган шахслар қарорлар чиқариш жараёнида ҳам бошқаларга таъйиқ ўтказишади;
- 3) гуруҳда кўп вақт ўзаро фикрлардаги келишмовчиликларнинг олдини олишга кетиб қолади;
- 4) гуруҳда айрим одамлар таъсирида асосий мақсаддан четлаш ва мақсадга номувофиқ қарорлар қабул қилиш ҳоллари кузатилади;
- 5) барча аъзолар ўзлари сезмаган ҳолда конформлиликка берилишлари ва гуруҳ таъсирига тушиб қоладилар. Шунинг учун ҳам баъзан мажлисни олиб боровчи раис кун тартибини эълон қилган бўлса-да, ундан чалғиб кетиши ва ўринсиз қарорлар қабул қилиши мумкин.

Лекин группавий қарорлар қабул қилиш жараёнининг энг катта ижобий томони шундаки, унда кўплаб фикрлар тўғилади ва ўртага ташланади. Бу фикрлар шундай шароит яратадики, охир-оқибат алоҳида индивидуал фикрлардан бироз бўлса-да, фарқ қиладиган оригинал янги фикр пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам раҳбарлик санъати кўпчилик фикрига таянган ҳолда охирида

энг маъкул қарорга кела олишдир. Лекин салбий томони шундаки, группавий музокара ва қарорлар қабул қилиш жараёни баъзи аъзоларда лоқайдлик («Менга нима, улар гапиришяпти-ку» каби), ташаббуссизлик («Барибир меники қабул қилинмайди, гапирим нима қилдим?» каби) иллатларини ҳам пайдо қилиши мумкин. Бу ўша муҳитда айрим одамлар фикри доимо қўллаб - қувватланган, айрим одамларга эътибор, имтиёз берилган шароитларда раҳбарнинг айби билан рўй беради.

Хоффман ўз экспериментларида группавий қарорлар қабул қилишга гуруҳнинг таркиби таъсир қилиш мумкинлигини исбот қилган. Унинг фикрича, яхши, сифатли, ижобий фикрлар ва қарорлар гуруҳ таркиби ҳар хил (гетероген таркиб) бўлган шароитларда унинг таркиби бир хил (гомоген) бўлгандан анча кўп ва сифатли бўлади. Гомоген гуруҳларда (масалан, тахминан бир хил ўзлаштирадиган талабалар гуруҳи) қарорлар қабул қилиш мобайнида конфликтларнинг кам бўлиши ва қарорлар тезда қабул қилиниши аниқланган.

Ҳар қалай қарорлар қабул қилиш жараёни психологик жиҳатдан *таваккалчиликка* асосланиши ҳам исботланган. Лекин таваккалчилик даражаси гуруҳ шароитида индивидуал ҳолатдагидан анча паст бўлар экан. Ўртача гуруҳ аъзосининг бу ўриндаги фикри: «Таваккал шу гапни айтмайчи, номаъкул бўлса, гуруҳ бор-ку, улар маъқуллашган-ку?». Демак, гуруҳ шароитида қабул қилинган ҳар қандай қарор моҳиятан ижтимоий характерли бўлиб, унинг тўғри ва фойдали, натижали бўлишида раҳбарнинг роли катта бўлади.

10.6. Гуруҳдаги психологик муҳит ва уни ўрганиш

Гуруҳ ва жамоалар тўғрисида гап кетганда, кўпинча унинг «маънавий муҳити», «психологик муҳити» деган иборалар ишлатилади. Чунки бу нарсга ўша ердаги ишнинг яхшилиги, фаолиятнинг самараси билан боғланади. *Ижтимоий психологик муҳит деганда, биз ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, ҳиссиётлари, дунёқараши, установакалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал-интеллектуал ҳолатни тушунамиз.*

Жамоа деб эса мақсадлари жамият мақсадига мос келадиган, умумий фаолият билан бирлашган одамлар гуруҳига айтилади. Ҳар қандай жамоанинг асосий ташкил этувчи негизи, яъни умумий фикр, мақсад ва ишлаб чиқаришга тааллуқли қарорларни шакллантириувчи аъзолари бўлади. Бу омил ҳар қандай гуруҳда фаолиятнинг самарали кечишига, унинг аъзолари орасида тушуниш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш кайфиятининг юзага келишига олиб келади. Шунинг учун гуруҳлардаги психологик муҳит ва уни ўрганиш муҳим масаладир. Бу ўриндаги асосий омил - бу аъзоларнинг ўзаро муносабатларидир. Маълумки, ўзаро муносабатлар иш юзасидан, фаолият мақсадлари ва мазмуни билан ҳамда бевосита бир - бирларини ёқтириш-ёқтирмасликка асосланган инсоний эмоционал ҳиссиётлар кўринишида бўлиши мумкин. Профессional фаолиятни бажариш жараёнида табиий биринчи типли муносабатлар устивор бўлиб, иккинчиларининг характери биринчисидан келиб чиқади. Дўстлар тўпланган даврадаги муҳит эса аксинча, бевосита симпатияларга таянади. Айрим жамоаларда маълум фаолият ёки иш ҳаракатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган сабаб, яъни психологик тўсиқ мавжуд бўлиб, у шахснинг ривожланишига ҳалақит беради. Шунинг учун гуруҳларни ўрганганда

гуруҳнинг шахсга ижобий таъсири ҳамда гуруҳнинг шахсга салбий таъсири масаласи долзарб аҳамият касб этади. Ижтимоий психологияда гуруҳнинг шахсга ижобий таъсири ҳодисасини **фасцилитация** деб аталади. Бунда шахс ўзидаги қобилият ва фазилатларини, ишчанлик хусусиятларини намоён қила олиши кузатилади. Аксинча, шахс ўзидаги қобилият, имконият ва лаёқатини юзага чиқара олмаса, бунда гуруҳ унга салбий таъсир кўрсатса, шахсда тормозланиш намоён бўлади. Бу ҳодисани ижтимоий психологияда **ингибиция** деб аталади.

Ижтимоий психологияда ана шундай психологик муҳитни экспериментал тарзда ўрганишга катта эътибор берилади. Энг кенг тарқалган усуллардан бири социометрия бўлиб, унинг асосчиси америкалик олим Жон Морено ҳисобланади. Социометрия латинча «*so cietas*» - жамият, ва «*metreo*» - ўлчайман сўзларидан олинган бўлиб, гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўлчашга қаратилган техникадир. Назарий социометрия унинг муаллифи фикрича, жамиятдаги барча низолар, муаммоларни ечишнинг усулларида бири - инсонлар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва шунга кўра, жамиятда ўзгаришларни амалга ошириш керак, деган ғояга асосланади. Амалда эса ҳар бир жамоаларда махсус социометрик сўровлар ўтказилади ва унинг натижалари ташкилий жараёнларда инобатга олинади.

Лекин охириги пайтларда социометрияга назар ўзгарган, унинг юзлаб модификациялари, турлари ишлаб чиқилди. Аҳамиятлиси шуки, уни ҳақиқатдан ҳам гуруҳдаги маънавий-психологик муҳитга таъсир этувчи эмоционал муносабатларни аниқлашда мутахассис томонидан ишлатиш мумкин. Бунда ҳар бир гуруҳ аъзоси танлов шароитига солинади, яъни у ёки бу шароитда, вазиятда ёки фаолиятни бажаришда ўзига ёққан (ёқмаган ҳам) шеригини гуруҳдошлари орасидан танлаши керак. Масалан, мактаб ўқувчиларига «Ким билан бирга дарс тайёрлашни хоҳлардинг?», «Ким билан мактаб ер участкасидаги ҳашарда ёнма-ён туриб ишлашни истардинг?», меҳнат жамоаларида эса «Бошлиқ томонидан берилган муҳим топшириқни икки киши бажариши керак бўлса, шерикликка кимни олган бўлардингиз?», талабаларда «Хорижга ўқишга юборишса, гуруҳдошларингдан кимлар сенга шерик бўлишини истайсан?» каби саволлар билан мурожаат қилинади. Сўров аноним бўлиб, ҳар бир иштирокчи 3-5 тагача танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Натижалар жадвалга солиниб, қайта ишланади ва ҳаттоки, график тарзида чизилади.

Тест учун қуйидаги саволларни таклиф этиш мумкин:

1. Гуруҳингиздаги одамлар орасидан бевосита доимо у билан ишлашни хоҳлаган уч кишининг номини ёзинг. 2. Сиз билан бирга ишлайдиган ҳамкасбларингиздан кимлар билан бирга бўш вақтингизни ўтказишни хоҳлардингиз. (уч киши). 3. Ҳамкасбларингиздан ўз ишини зўр маҳорат билан бажарадиган уч кишининг номини ёзинг. Методика гуруҳдаги одамлар бир-бирларини яхши билган тақдирдагина ўтказилади. Маълумотларни қайта ишлаш ҳар бир ходимнинг тўплаган танловларини санаш ва таҳлил қилишга асосланади. Улар асосида гуруҳдаги лидерни ва лидерлик стилини аниқлаш мумкин. Социометрия корхона таркибида кадрлар захирасини шакллантириш, ҳар бир ходимнинг рейтингини аниқлаш орқали уларда лидерлик

сифатларининг борлигини ўрганишга имкон беради.

Қисқача хулосалар:

Шахслараро муносабатлар тизимида гуруҳлар муҳим бўлиб, унинг ушбу турлари: референт, шартли, реал, бирламчи, иккиламчи каби турлари бор. Уларнинг ҳар бири шахс ва жамият муносабатларида таъсир кучига эга. Бу ўз навбатида жамоалардаги психологик ўзаро мослик ёки мослашмасликка олиб келади, шахснинг бўлғуси меҳнат фаолиятларини унумли бўлиши бу омилнинг нечоғлик намоён бўлишига боғлиқдир. Гуруҳлардаги психологик муҳит ва уни ўрганиш бўйича амалий тавсиялар ва методикалар мавзунинг қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Гуруҳлардаги лидерлик ҳодисаси, унинг “рахбар” тушунчасидан фарқи, лидерликнинг сифатлари ва таъсир услублари борки, буни билиш ҳам шахсга ёрдам беради.

Ўз-ўзини назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар:

1. Гуруҳга қўйиладиган талаблар нимада?
2. Референт гуруҳ деб нимага аталади?
3. Референт гуруҳ турлари қандай?
4. Гуруҳларнинг қандай турлари мавжуд?
5. Психологик мослик деганда нима тушунилади?
6. Мосликнинг қандай мезонлари мавжуд?
7. Ижтимоий психологик муҳит деганда нима тушунилади?
8. Социометрия усули қандай қўлланилади?
9. Этнопсихологик нимани ўрганади?
10. Гуруҳнинг уюшганлиги нима?

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.
2. Майерс Д. Социальная психология.- Спб, 1997
3. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. Т.: 1999
4. Психология и педагогика. Под редакцией А.А.Радугина. Изд. “Центр” 2003
5. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.
6. www.expert.psychology.ru

И Л О В А Л А Р

“Педагогика. Психология” фани бўйича кўргазмали материаллар 1-боб. Педагогика фанининг методологик асослари

1- слайд.

Хозирги кунда педагогикани асосий тармоклари сифатида куйидагиларни келтириб утамиз.

Ёш даврлари педагогикаси мазкур гуруҳлар билан олиб бориладиган тарбиявий-ташкилий ишларнинг қонунийлигини тадқиқ этади ҳамда энг аввало уларни тарбияланувчиларнинг укув муассасалари шарт-шароитларида амалга ошириш дастурини ишлаб чиқади.

Катта ёшдагилар педагогикасида олий ўқув юрти шарт-шароитларида ёшларни тарбиялашнинг назарий масалалари ва методикасини ишлаб чиқадиган педагогика тармоғи сифатида олий укув юрти педагогикасининг шаклланаётганлиги, унинг аниқлашиб бораётганлиги кўзга ташланади.

Миллий армиямиз учун мутахассислар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртларида ёшларга таълим бериш ҳамда тарбиялаш муаммолари билан **ҳарбий педагогика** соҳаси шуғулланади.

Булардан ташқари **оила педагогикаси** бугунги кундаги долзарб вазифалардан бирини ташкил этиб, оилаларда, оила марказларида, маҳаллаларда, жамоат ташкилотларида, оила-никоҳ муассасаларида амалга оширилаётган тадбирларда намоён бўлади.

Умумтаълим укув юртларида эмас, балки ёрдамчи укув юртларида шуғулланишлари мумкин бўлган шахслар яъни, кўриш, эшитиш, сўзлаш аъзоларида камчиликлари бўлган шахсларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш, тарбиялаш ва таълим беришнинг ўзига хос томонларини тадқиқ этувчи фанлар педагогика фанининг махсус гуруҳини ташкил этади. Педагогиканинг бу махсус тармоқлари дефектология ёки махсус гуруҳга бирлаштирилган.

Дефектология фанлари ўз навбатида алоҳида мустақил бўлган тармоқларга бўлинади:

Сурдопедагогика - кар ва гунг тарбияланувчилар таълим-тарбияси масалалари билан;

Тифлопедагогика - кўзи ожиз тарбияланувчилар таълим-тарбияси билан;

Олигофренопедагогика - ақли ожизлар таълим- тарбияси билан шуғулланади.

Асосий педагогик категориялар қуйидагилардан иборатдир:

1. Тарбия-ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот – дунёқарашни, инсоний эътиқод, бурч ва маъсулиятни, жамиятимиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Тарбия бола туғилгандан бошлаб умрининг охиригача оилада, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланиб борадиган жараёндир.

2. Таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида ўтказиладиган, ўқувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган, билим, қобилиятларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Таълим жараёни ўқитувчи билан ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, икки тамонлама характерга эгадир. Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта ўйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, қутилган натижани беради. Таълим жараёнини мазмунини билим, кўникма ва малака ташкил қилади.

Билим – бу ўқувчилар ўқиш орқали билим билан қуролланадилар. Билимни ҳаётда кўп унум берадиган қилиб қўллай олиш учун билим билан бирга кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.


Кўникма – машқ қилиш натижасида бериладиган ҳаракатлар йиғиндисидир.

Иқтидор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали **малакага** айланади.

Билим асосида кўникма ва малака пайдо бўлади. Билим баҳсда керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда зарур.

3. Маълумот – таълим – тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуидир.

Педагогикани бошқа фанлар билан алоқаси



Педагогиканинг илмий тадқиқот методлари қуйидагилардан иборат:

1. Педагогик кузатиш методи.
2. Суҳбат усули (якка тартибда, гуруҳ билан)
3. Болалар ижодини ўрганиш усули.
4. Тест усули
5. Маълумотларни таҳлил қилиш усули.
6. Эксперимент-тажриба-синов усули.
7. Статистика маълумотларини таҳлил қилиш усули.
8. Математика ва кибернетика усули.

2-боб. ТАРБИЯ НАЗАРИЯСИ

1-слайд

Мавзу: Тарбия назарияси.

- Режа:
- 1.Тарбия жараёни хакида тушунча
- 2.Шахс ривожланишига таъсир этувчи омиллар.
- 3.Шахс ривожланишида ёш ва индивидуал хусусиятлар.
- 4.Тарбия усуллари хакида тушунча.
- 5.Тарбия турлари.

2-слайд

Тарбия назарияси.


- **Тарбия** шахсни маъсадга мувофиқ шакллантириш учун уюштирилган педагогик жараён бўлиб, тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва системали таъсир этиш имкониятини беради. Тарбия жараёни узаро бўлиб булган икки ёки алам фаолиятни педагог ва талаба фаолиятини уз ичига олади. Тарбия жараёнида тарбияланувчининг онги шаклланади, хис-туйғулари ривожланади, ижтимоий ҳаёт учун зарур булган ва ижтимоий алоқаларга хизмат қиладиган ҳулият одатларни ҳосил қилинади.

3-слайд

4-слайд

Тарбия назарияси.

- Туғилган инсон шахс бўлиб шаклланиши лозим. Бу жараён бир анча омиллар таъсирида содир булади ва муайян қонунларга бўйсунди. Одатда шахс шаклланиши учун урта асосий омиллар тан олинади. Булар **биологик омил, ижтимоий омил ва тарбиядир**. Ушбу омилларнинг ҳеч бири вазият ва шароитларга бўлиб булмаган ҳолатда мустақил равишда шахс шаклланишига таъсир эта олмайди. Бундан ташқари баъзи омиллар фаолроқ, мунтазамроқ таъсир курсатади ва кишиларнинг онгли иродасига бўйсунди бошқалари эса бошқарилиши қийин булган омиллардир.



5-слайд

Тарбия назарияси.

- **Биологик омил.** Бу омилнинг таъсирини аввало шунинг учун эътиборсиз қолдириб бўлмайдики, шахс тирик организмдир, унинг ҳаёти биологиянинг умумий қонунларига ҳам, ёшлар анатомияси ва физиологиясининг махсус қонунларига ҳам бўйсунди. Ҳаётнинг муайян давларида шахснинг айрим органлари ва бутун бир органлар системасининг тузилишида ва функцияларида ўзгаришлар юз беради. Шахснинг соғлиқ ҳолати ва бу ҳолат кўп ёки оз муддат бўзилиб туриши биологик омилга тааллусли. Шахс ҳаётида нерв фаолиятининг индивидуал ва типологик хусусиятлари, ёш ва жинсий жиҳатдан бўлган тафовутлар катта рол ўйнайди, улар олдида ирсий эмас, балки тулға хусусият ва тафовутлардир. Организмнинг биологик етилиши қонунларга асосланади.

6-слайд

Тарбия назарияси.

- **Ижтимоий муҳит.** Ижтимоий муҳит шахсни ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Табиий муҳит ёруғлик, иссиқлик, овқат, ҳаво каби компонентлари шахснинг организм сифатида ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Аммо шахснинг шахс сифатида шаклланиши учун бу мутлақо етарли эмас. Шахснинг яшаб турган географик муҳити, шу муҳитида одамлар, биринчи навбатда тарбияланувчига яқин кишилар, яъни оз сонли оила аъзоларигина эмас, балки унга узоқроқ бўлган кишилар унинг қўшни-қўшнилари, маҳалласи, тарбияланувчилар бўлчасидаги уртоқлари, сунгра эса у бирга ўқийдиган ўқувчидан, бирга ишлайдиган, турли алоқада бўладиган уртоқлари халқ билувчи рол ўйнайди.

Тарбия назарияси.

- **Шахс шаклланиши учун зарур бўлган омиллардан яна бири бу тарбиядир. Тарбия** - бу ани= ма=садга йуналтирилган, муайян вазифалар белгиланган, шунингдек, шахсга таъсир утказишнинг ани= йул, воситалари курсатилган ва ма=садга мувофи= ташкил этилган жараёндир. **Тарбиянинг асосий вазифаси** ёш авлодни хал=нинг ҳаётини яхшилашга, Ватанининг гуллаб-яшнашига сарфлашни биладиган, истайдиган аъзолари =илиб тайёрлашдир.
- Тарбия шахснинг ривожланишини таъминлаши учун шахсдаги ривожланиш моҳиятини тушуниш, унинг билиш ва ало=а бўлаш фаолиятининг узгариш сабабларини ани=лаши зарур.

Тарбия назарияси.

- Тарбияланувчидаги усиш ва ривожланишнинг ёш бос=ичлари масаласи юзаки =арашда оддий масала бўлиб куринади. Маълум бўлишича, бу жараён бир текисда бормай, сакрашлар билан нотекис ҳолда борар экан, ҳар =айси ёш даврининг узига хос ривожланиш хусусиятлари бор. Анатомия, физиология ва психология фанлари соҳасида тананинг айрим органларининг ривожланиш =онуниятларини ҳам бу органлар бутун системасининг фаолиятини ҳам очиб берувчи ҳолат куп фактик материал туплаши аниқланган.

Тарбия назарияси.

- Болаларнинг ёш давлари куйидагича гуруҳланади:
- 1. Гудаклик даври. (тугилгандан бир ёшгача).
- 2. Ясли даври (1-3 ёшлар).
- 3. Мактабгача тарбия ёши(3-7 ёшлар).
- 4. Мактаб ёшидаги кичик укучилар (6-12 ёшлар).
- 5. Усмирлар(12-16 ёшлар).
- 6. Успиринлар(16-18 ёшлар).

Тарбия назарияси.

- Тарбия усулларида ҳар томонлама шахсни шакллантириш маънасида шахс онги, ҳис туйғулари, иродаси ва муносабатлар системасига таъсир курсатиш усулини тушуниш керак. Тарбия усуллари ҳам маълум бир элементларга бўлиниб тарбия усуллари деб юритилади. Масалан, педагог тарбияланувчига бирор бир вазифани топширди. Уз навбатида бу вазифани бажариш учун курсатмалар беради. Бу курсатмалар ва тушунтириш махсус ҳолда методик усул сифатида намоён бўлади. Тарбия усуллари ва воситалари ўзаро мустаҳкам бўлиши керак. Тарбия усуллари шахсга таъсир курсатишдан иборат эмас. Тарбия икки томонлама жараён бўлиб педагог тарбиячи фаолияти билан талаба фаолиятини бирлаштиради.

Тарбия назарияси.

- Тарбия усулини тадбиқ этиш муайян ёшдаги шахс фаолиятига мос келса муваффақиятли бўлади. Тарбиянинг умумий усуллари асосан 4 гурӯҳга бўлинади.
- 1. Ижтимоий онгни шакллантириш усули.
- 2. Ижтимоий ахлоқни шакллантириш усули.
- 3. Раббатлантириш усули.
- 4. Ўз-ўзини тарбиялаш.

3-боб. ДИДАКТИКА - ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИ

Мавзу.Дидактика- таълим назарияси.

Дидактика грекча суз
булиб, «Дидайко»-
укитиш, «Дидоскал»
ургатувчи деган
сузлардан келиб чиккан.

3-слайд

Мавзу.Дидактика- таълим назарияси

- Билиш-таълим жараёнининг методологик асосидир.Билиш жараёни каби таълим жараёнида хам укувчи билмасликдан билишга, нотугри ва ноаник билишдан тоборо туликрок, аникрок ва чукуррок билишгача булган йулни босиб утади.Бу жараёнда хиссий идрок этиш хам, абстаркт тафаккур хам, амалда синаб куриш хам булади.Билиш иккига булинади.
- 1.Назарий билиш
- 2.Амалий билиш.

4-слайд

Мавзу.Дидактика- таълим назарияси.

- Назария- янги билимни, янгича билишни ифодаловчи тизимли фикрдир.Назария хар хил шаклларда ифодаланади:
- Аксиома
- Теорема
- Конун
- Формула
- График ва ...
- Назарияда гоя шаклланади.


5-слайд

Мавзу.Дидактика- таълим назарияси.

- Амалиёт билимларнинг хакикийлигини курсатувчи мезондир. Кузатиш, тажриба алмаштириш, яратиш- булар амалиёт шаклларига киради.Амалиёт ижтимоий хаёт ва табиатнинг мураккаб жараёнларини билиб олишда инсон учун асосий курол булиб хизмат килади.

6-слайд

Билим олиш даражаси



7-слайд.

Мавзу.Дидактика- таълим назарияси.

- Таълимнинг мазмуни деганда, укувчиларнинг уқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим булган хамда тизимга солинган билим , малака ва куникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади.
- Таълимнинг мазмуни унинг максадидан келиб чиқади.

Мавзу.Дидактика- таълим назарияси.

- Таълимнинг мазмуни бир катор эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан белгиланади.
- 1.Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг зарур эҳтиёжлари, ижтимоий тузумнинг хусусиятлари.
- 2.Давлатнинг халқ таълими ва муайян турдаги уқув юрти олдига қўйган мақсад ва вазифалари.
- 3.Уқитиш қоидаларидан келиб чиқиб, уқувчиларнинг имкониятларини эътиборга олувчи дидактик талаблар.

Мавзу.Дидактика- таълим назарияси.



Мавзу.Дидактика- таълим назарияси.

- **Таълим тамойиллари** деб, умуминсоний тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган уқитиш ва уқитиш жараёнларининг йўналиши, уқувчилар тамонидан илмий билимларнинг узлаштирилиши, билим ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва қоидаларнинг йигиндисига айтилади.

Таълим тамойиллари.

- 1.Таълимнинг илмий булиши.
- 2.ТАЛИМНИНГ ТИЗИМЛИ ВА ИЗЧИЛ БУЛИШИ.
- 3.Таълим ва тарбиянинг бирлиги.
- 4.Таълимда назари ва амалиётнинг богликлиги.
- 5.Таълимда онглилик, фаоллик ва мустакиллик коидаси.
- 6.Таълимда курсатмалилик коидаси.
- 7.Билимларни пухта ва тизимли узлаштириб олиш.
- 8.Таълим жараёнида шахсий хусусиятларни хисобга олиш.
- 9.Таълимни укувчига мос булиши.

Мавзу.Дидактика- таълим назарияси.

- **Метод-(юнонча metodos- тадкикот ёки билиш йули ,назария, таълимот) деганда вокеликни амалий ёки назарий узлаштириш тушунилади**

Мавзу.Дидактика- таълим назарияси.

- Таълим методлари хар иккала фаолиятнинг, яъни укутувчи тамонидан укувчиларни билим, куникма ва малакалар билан куруллантириш хамда укувчилар тамонидан уша назарда тутилган илмий билим, куникма ва малакаларни узлаштириш фаолиятида кулланиладиган йулларни уз ичига олади.Демак укутиш усули хар иккала тамоннинг актив фаолияти бирлигини таъминлашга каратилган.

Таълим методларига куйидагилар киради:

- 1.Укитишнинг огзаки методи.
- 2. Укитишнинг қурғазмали методи.
- 3.Укитишнинг амалий методи.
- 4.Укитишнинг муаммоли-изланиш ва репродуктив методи.
- 5.Укитишнинг индуктив ва дедуктив методи.
- 6.Мустақил иш методи.
- 7.Лаборатория ишлари методи.
- Укитишда назорат ва уз-узини назорат қилиш методи.
- Китоб билан ишлаш методи.
- .

4-боб. ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ АСОСЛАРИ

1-Илова

1 – гуруҳга топшириқ.

Эксперт варағи №1

- 1.Педагогик мимика ва пантомимика нима ва унга мисол келтиринг.
- 2.Тарбияси оғир талаба билан педагогнинг ҳамкорликдаги вазиятига оид педагогик вазият келтиринг.

Эксперт варағи №2

Ўз касбига қарама - қарши бўлган мавзуда, яъни «болаларни севмайдиган педагог» мавзусида ҳикоя тузинг ва ёзган ҳикоянгизни расмлар орқали ватман қоғозда ифода этинг.

Эксперт варағи №1

- 1.Педагогнинг руҳий ҳолати деганда нимани тушунасиз ва ўқув фаолиятига доир мисол келтиринг.
- 2.Дарсга қизиқмайдиган талабани дарсга қизиқтиришга доир педагогик вазият келтиринг.

Эксперт варағи №2

Ўз касбига қарама - қарши бўлган мавзуда, яъни «Ўғирликда қўлга тушган прокурор» мавзусида ҳикоя тузинг ва ёзган ҳикоянгизни расмлар орқали ватман қоғозда ифода этинг.

Эксперт варағи №1

- 1.Педагогнинг дарсга тайёргарлигини қандай усуллар орқали билиш мумкин?
- 2.Гуруҳдаги болаларга қўшила олмайдиган талаба билан педагогнинг ҳамкорликдаги вазиятига оид педагогик вазият келтиринг.

2-Илова

Касбий педагогик қобилиятларни аниқловчи топшириқлар

Қуйида турли ҳилдаги касбий педагогик қобилиятларни аниқловчи 14 хилдаги педагогик вазиятлар берилмоқда. Уларни ҳал этиш бир мунча вақт талаб этади. Ўқитувчи дарс жараёнида ҳар битта вазиятдан унумли фойдаланиши мумкин. Бу муаммоларни ҳал этишда қуйидаги топшириқларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ:

I БОСҚИЧ

Бу босқич 3 та топшириқдан иборат.

1-топшириқ. Ҳар бир педагогик вазиятни биттадан талабага бўлиб беринг.

2-топшириқ. Ҳар бир талаба берилган педагогик вазиятларни мазмун моҳиятини аниқлаб олсин.

3-топшириқ. Бўлиб олинган вазиятлар мазмуний изоҳини талалабалардан оғзаки сўранг ва улар жавобини тингланг.

II БОЧҚИЧ

Бу босқичда талабаларнинг ҳар бирига барча педагогик вазиятлар тегишли жавоблари билан тарқатилади. Тарқатилган ҳар бир вазиятларни талабалар ўзлари ҳеч кимнинг ёрдамисиз бажариши лозим.

Олдингизда ноқулай педагогик вазиятлар қатори берилган. Уларнинг ҳар бири билан танишиб чиқиб, берилган вазиятга таъсир жавоб вариантлардан фикрингизга кўра тўғриси тинланг.

1-ВАЗИЯТ

Дарсни бошладингиз, аудиторияда тинчлик ҳукмрон сурмоқда. Бирдан кимдир кулуб юборди. Сиз кулиб турган талабага савол ва хайрат назари билан қарадингизда, у сизга тик қараб гапирди: “Мен учун сизга қарш доим кулгили ва кулгим келади”.

Бунга сиз қандай таъсирланасиз?

1. “Мана сенга!”
2. “Сенга нимаси кулгили?”
3. “Билганингни қил”
4. “Сен, нима жиннимисан?”
5. “Хушчақчақ одамларни ёқтираман”
6. “Сенда хуш кайфиятни уйғотганимдан хурсандман”

2-ВАЗИЯТ

Бу аудиторияда бир неча дарс ўтганимиздан сўнг, талаба сизга юзланиб, “Мен ўйламайманки, сиз педагог сифатида бизларга бирор нарсани ўргатасиз”

Сизнинг таъсирингиз:

1. “Сенинг ишинг ўқиш, ўқитувчига ўргатиш эмас”
2. “Сендайларни, мен, албатта, ҳеч нарсага ўргатолмайман”
3. “Балки, сенга бошқа гуруҳга ўтиш ёки бошқа ўқитувчида ўқишинг маъқулроқдир”
4. “Шунчаки, сен ўқишни ҳоҳламайсан”
5. “Қизиқ, нимага сен бундай деб, ўйлайсан”
6. “Кел, бу тўғрида очикроқ гаплашамиз. Балки, ўзимни тутишимда бирор-бир нарса бордирки, сени шундай фикрга олиб келади”

3-ВАЗИЯТ

Талаба ўқитувчига қараб, берилган вазифани бажаришни ҳоҳламаган ҳолда гапиряпти “Мен бу вазифани бажаришни ҳоҳламайман”

Ўқитувчининг таъсири қандай бўлиши керак?

1. “Ҳоҳламайсанми- мажбурлаймиз”
2. “Унда нима учун ўқишга келдинг?”

3. “Сенга шунча ёмонроқ бўлади, ўқимай қолавер. Сенинг хулқинг бир одамни эслатадики, у ўзининг юзига аччиқ қилиб, бурнини кесиб олишни хоҳларди”

4. “Сен ўзингга бу тўғрида ҳисоб берасанми, бу сен учун нима билан тугаши мумкин?”

5. “Тушунтириб беролмайсанми, нимага?”

4-ВАЗИЯТ

Талаба ўзининг ўзлаштиридан норози, мавзуни қандай тушуниши, ўзлаштириш кераклиги ва ўзининг қобилиятларидан шубҳаланган ҳолда ўқитувчига деди: “Нима деб ўйлайсиз, қачондир мен ҳам “аъло” баҳога ўқир олармиканман ва гуруҳдаги бошқалардан орқада қолиб кетмасмиканман?”

Ўқитувчининг жавоби қандай бўлиши керак?

1. “Тўғрисин айтганда-шубҳаланаман”

2. “Ҳа, албатта, бундан шубҳаланмаслигинг мумкин”

3. “Сенда ажайиб қобилиятлар мавжуд ва мен сенга катта умидлар боғлайман”

4. “Нима учун ўзингдан шубҳаланасан?”

5. “Кел гаплашамиз ва муаммоларингни аниқлаб оламиз”

6. “Кўп нарса бир-биримиз билан қандай ишлашимизга боғлиқ”

5-ВАЗИЯТ

Талаба ўқитувчига қараб: “Сизнинг келгуси икки дарсингизга қатнаша олмайман, чунки ёшлар ижросидаги концертга бормоқчиман”.

Ўқитувчининг муносабати қандай бўлиши керак?

1. “Қани, боиб кўрчи!”

2. “Кейинги сафар дарсга ота-онанг билан келишингга тўғри келади”

3. “Бу сенинг ишинг, имтихон топширадиган сен. Шундоқ ҳам қолдирилган дарсларинг учун жавоб беришингга тўғрикелади, мен сени кейин албатта сўроқ қиламан”

4. “Сен, менимча, дарсларга жуда енгил қараяпсан”

5. “Балки, ўқишни ташлаганинг маъқулдир?”

6. “Кейин нима қилмоқчисан?”

7. “Қизиқ, нимага сенга концертга бориш дарслардан кўра қизикроқ”

6-ВАЗИЯТ

Талаба аудиторияга кириб келган ўқитувчига қараб деди: “Сиз жуда ҳам чарчаган ва ҳорғин кўринасиз”.

Ўқитувчининг таъсири қандай бўлиши керак?

1. “Менимча, сен томондан менга бундай танбехлар бериш одобдан эмас”

2. “Ҳа, мен ўзимни ёмон ҳис қиляпман”

3. “Мендан ҳавотирланма, яхшиси ўзингга қара”

4. “Бугун ишим кўплигидан ёмон ухладим”

5. “Ҳавотирланма, бу дарсларимизга ҳалақит бермайди”

6. “жуда ҳам эътиборли экансан, меҳрибонлигинг учун раҳмат!”

7-ВАЗИЯТ

“Мен сезяпманки, сиз олиб бораётган дарслар менга ёрдам бермаяпти, -

деди талаба фан ўқитувчисига қараб ва давом этди, умуман дарсларни ташлаш ҳақида ўйлаяпман”

Ўқитувчининг таъсирланиши қандай бўлиши керак?

1. “Бемани гапларни бас қил!”
2. “Вой бў, жуда ўйлавординг-ку”
3. “Балки, бошқа ўқитувчини топарсан?”
4. “Мен яхшилаб билмоқчи эдим, нима учун сенда бундай истак туғилди”
5. “Нима дейсан, сенинг муаммоларинг устида бирга ишлаймизми?”
6. “Балки, муаммоларингни бошқачароқ ҳал қилиш мумкиндир”.

8-ВАЗИЯТ

Талабаўзига ишонишини кўз-кўз қилиб, ўқитувчига деди: “Агар ҳоҳлаганимда, мен қилаолимайдиган ҳеч нарса йўқ. Шу билан бирга сизнинг фанингизни ўзлаштириш мен учун ҳеч нарса эмас”.

Ўқитувчининг муносабати қандай бўлиши керак?

1. “Ўзинг тўғрингда жўда тўғри ўйлаяпсан”
2. “Қобилиятларинг билан-а? Ишонмайман”
3. “Агар шундай гапираётган бўлсанг, балки ўзингни етарли даражада ишончли ҳис қияпсан”
4. “Бунга шубҳам йўқ, чунки ишонаман, агар истасанг, қўлингдан ҳамма нарса келади”
5. “Балки, бунарс сендан катта меҳнатни талаб қилар”
6. “Ҳаддан ташқари ўзига ишониш ишга зарардир”

9-ВАЗИЯТ

Ўқитувчининг танбеҳларига жавобан, талаба деди: “Ўқув предметини ўзлаштириш учун, кўп ишлаш керак эмас, мени етарли даражада қобилиятли дейишади”

Бунга ўқитувчининг таъсири қандай бўлиши керак?

1. “Наҳотки, сенинг бу фикрга алоқанг бор”
2. “Сен ҳалигача бошингдан ўтказган қийинчиликлар ва сенинг билимларинг ҳеч бунга гувоҳлик бермайди”
3. “Кўпчилик ўзларини етарли даражада қобилиятли ҳисоблайдилар, лекин кўпчилик бундай эмас”
4. “Хурсандман, ўзинг ҳақингда юқори фикрдасан”
5. “Айнан шу нарса сени ўқишда кўп куч сарфлашга мажбур қилиши керак”
6. “Бу шундай эшитиляптики, гўёки сен ўз қобилиятларингга ишонмайсан”

10-ВАЗИЯТ

Талаба фан ўқитувчисига қараб: “Мен яна дафтар олиб келишни унутдим”

Ўқитувчининг муносабати қандай бўлиши зарур?

1. “Яна –я?”
2. “Сенингча, бу масъулиятсизликнинг яққол намоён бўлиши

эмасми?”

3. “Менимча, ишга жиддийроқ ёндошишингни айна вақти”
4. “Билишни истардим, нимага?”
5. “Сенда, эҳтимол, бунга имкониятинг бўлмагандир?”
6. “Нима деб ўйлайсан, мен нима учун доим сенга бу тўғрида эслатаман”

11-ВАЗИЯТ

Талаба ўқитувчи билан суҳбатда, унга мурожаат қилиб: “Мен хоҳлардимки, сиз бошқа талабаларга қараганда менга яхшироқ муносабатда бўлсангиз”.

Талабанинг илтимосига ўқитувчининг жавоби қандай бўлиши керак?

1. “Нимага мен бошқаларга нисбатан сенга яхшироқ муносабатда бўлишим керак?”
2. “Мен эркатойларни ўйламоқчимасман”
3. “Менга седай фикрлайдиганлар ёқмайди”
4. “Айтчи, нимага бошқа талабалар ўртасида сени алоҳида ажратишим керак?”
5. “Агар мен сенга айтсам, сени бошқа талабалардан кўпроқ яхши кўраман, десам, ўзингни бундан яхшироқ сезармидинг?”
6. “Нима деб ўйлайсан, ўзи сенга қандай муносабатдаман?”

12-ВАЗИЯТ

Талаба ўқитувчига унга ўқитиладиган предмет ҳақида яхши ўзлаштириш имкониятлари бўйича ўзининг шубҳаларини айтди: “Мен сизга мени хавотир қиладиган нарсани айтдим. Энди айтингчи, бунинг сабаби нима ва мен нима қилишим керак?”

Бунга ўқитувчининг жавоби қандай бўлиши керак?

1. “Менимча, сенда тўлақонлилик етишмайди”
2. “Сенда ташвишланишларга ҳеч қандай асослар йўқ”
3. “Асосланган фикрни айтишдан олдин, мен муаммони яхшироқ тушуниб олишим керак”
4. “Кел, кутамиз, ишлаймиз, бир оз вақтдан сўнг бу муаммонинг ҳал қилинишига қайтамиз. Ўйлайманки, буни ҳал қила оламиз”
5. “Мен сенга аниқ жавобни айтишга тайёرمасман, ўйлаб кўришим керак”
6. “Ташвишланма, ўз вақтида менда ҳам ҳеч нарса ўхшамаган”

13-ВАЗИЯТ

Талаба ўқитувчига қараб: “Менга сизнинг дарсларда гапиришингиз ва ҳимоя қилишингиз ёқмайди”

Ўқитувчининг таъсирланиши қандай бўлиши керак?

1. “Бу ёмон”
2. “Эҳтимол, сен буни тушунмассан?”
3. “Умид қиламанки, кейинчалик дарсларимиз давомида фикринг ўзгарар”
4. “Нимага?”
5. “Ўзинг нимага ёқтирасан ва ҳимоя қилишга тайёрсан?”

6. “Дид ва ранг бўйича дўст йўқ”
7. “Нима деб ўйлайсан, мен буни гапираман ва ҳимоя қиламан”

14-ВАЗИЯТ

Талаба гуруҳидаги ўртоқларидан бирига салбий муносабатини очикчасига билдириб, гапиради: “Мен у билан бирга ўқишни истамайман”

Ўқитувчининг жавоби қандай бўлиши керак?

1. “Нима қилибди?”
2. “Ҳеч қочолмайсан, барибир мажбурсан”
3. “Сен тарафдан бу аҳмоқлик”
4. “Лекин у ҳам бундан сўнг сен билан ўқишни хоҳламайди”
5. “Нимага”
6. “Ўйлашимча, сен ноҳақсан”

6-Илова (4.2)

ЖАВОБЛАР ВАРАҚАСИ

Вазият лар №	Жавоб вариантлари (баллар)						
	1	2	3	4	5	6	7
1	4	3	4	2	5	5	-
2	2	2	3	3	5	5	-
3	2	3	4	4	5	5	-
4	2	3	3	4	5	5	-
5	2	2	3	3	2	4	5
6	2	3	2	4	5	5	-
7	2	2	3	4	5	5	-
8	2	2	4	5	4	3	-
9	2	4	3	4	5	4	-
10	2	3	4	4	5	5	-
11	2	2	3	4	5	5	-
12	2	3	4	5	4	5	-
13	3	2	4	4	5	4	5
14	2	2	3	4	4	5	-
Жами (ҳаммаси)қ							

Ҳамма вазиятдан йиғилган жами балларни 14 га бўламиз. Агар ўртача баҳо 4,7 баллдан юқори бўлса, демак, юқори касбий педагогик қобилият.

Агар, ўртача баҳо 3,8 дан 4,7 баллгача бўлса, демак, ўртача касбий педагогик қобилият.

Агар, ўртача баҳо 3,8 баллдан паст бўлса, демак, қуйи касбий педагогик қобилият.

5-боб. ИКТИСОДИЙ ТАЪЛИМДА ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Слайд-1

Технология- бу бир ишда, мащорат ва санъат =ылланиладиган усуллар йи\индисидан иборат.

Педагогик технология-таълим шакли, усули, услублари, тарбиявий воситаларнинг махсус йи\илишини ани=ловчи психологик-педагогик кырсазмаларнинг мажмуидир.

Педагогик технология-бу ы=ув жараёнини амалга оширилишининг сермазмун техникасидир. (Г. Беспалько)

Педагогик технология-ы=итишнинг режалаштирилган натижаларига эришиш жараёнининг тавсифларидир.

Технология- бу санъат, мащорат ва =обилият, ишлов услубларининг мажмуидир. (Шепель)

Педагогик технология-бу ы=ув жараёнининг лойишчалаштирилиши, ташкил этилиши, ытказилиш быйича барча

тавсилотлари билан ыйлаб чи=илган жамоа педагогик фаолиятининг модели щисобланади. У талаба ва педагогларга =улай шароитлар яратиши шарт. (Монахов)

Педагогик технология-бу таълим шакллари оптимизациясини ызига ма=сад =илиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ызаро таъсирини щисобга олган щолда ы=итиш жараёнини ташкил этиш, =ыллаш ва ани=лашнинг щамда билимларни ызлаштиришнинг услубларидир¹. (ЮНЕСКО)

Педагогик технология-педагогик ма=садларга эришиш учун =ылланиладиган шахсий, интеллектуал, услубий воситаларнинг амал =илиш тартибидир. (Кларин)

Слайд-2

Педагогик технология аспектлари.

Педагогик технология тушунчаси 3 аспектда намоён былиши мумкин:

1. Илмий аспект-педагогик технология педагогик фаннинг =исми сифатида таълим услублари, таркиби ва ма=садларини ишлаб чи=ади ва ырганади, щамда шу билан бирга педагогик жараёнларини лойишчалаштиради.

2. Процессуал-тавсифий аспект - таълимда режалаштирилган натижаларга эришиш учун жараённи тасвирлаш, ма=сад, таркиб, услуб ва воситалар мажмуидир.

3. Процессуал-амалий аспект - педагогик (технологик) жараённинг амалга ошиши, барча педагогик методологик (услубий), инструментал воситаларнинг амал =илиш.

Слайд-3

Педагогик технология турлари ва уларнинг тавсифи

Замонавий таълимни ташкил этишга =ыйиладиган мушм талаблардан бири орти=ча рухий ва жисмоний куч сарф этмай, =ис=а ва=т ичида юксак натижаларга эришишдир. +иска ва=т орасида муайян назарий билимларни ы=увчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кыникма ва малакаларни щосил =илиш, шунингдек, ы=увчилар фаолиятини назорат =илиш, улар томонидан эгалланган билим, кыникма щамда малакалар даражасини башолаш ы=итувчидан юксак педагогик мащорат щамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.


Бугунги кунда бир =атор ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тыпланган былиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмо=да.


Слайд-4

«Фикрлар шужуми» технологияси

Мазкур метод ы=увчиларнинг маш\улотлар жараёнидаги фаолликларини таъминлаш, уларни эркин фикр юритишга ра\батлантириш щамда бир хил фикрлаш инерциясидан озод этиш, муайян мавзу юзасидан ранг — баранг \ояларни туыплаш, шунингдек, ижодий вазифаларни хал этиш, ечиш жараёнининг дастлабки бос=ида пайдо былган фикрларни енгилега ыргатиш учун хизмат =илади. «Фикрий хужум» методи А.Ф.Осборн томонидан тавсия этилган былиб, унинг асосий тамойили ва шарти маш\улот (бахс)нинг щар бир иштирокчиси томонидан ыртага ташланаётган фикрга нисбатан тан=идни мутла=о таъ=и=лаш, щар =андай лу=ма ва хазил — мутойибаларни ра\батлантиришдан иборатдир. Бундан кызланган ма=сад ы=увчиларнинг маш\улот (бахс) жараёнидаги эркин иштирокини таъминлашдир. Таълим жараёнида ушбу методдан самарали ва муваффа=иятли фойдаланиш ы=итувчининг педагогик мащорати ва тафаккур кыламининг кенглигига бо\ли= былади. «Фикрий хужум» технологиясидан фойдаланиш чо\ида ы=увчиларнинг сони 15 нафардан ошмаслиги ма=садга мувофи=дир. Ушбу методга асосланган маш\улот бир соатга =адар ташкил этилиши мумкин.

**«Ақлий ҳужум» методининг асосий
қоидалари.**






6-боб. Психология фанининг долзарб вазифалари, предмети. янгича тафаккур ва миллий мафкура шаклланиши шароитида психологик билимларнинг тутган ўрни.

1-слайд. Психиканинг намоён бўлиш шакллари



2-Слайд: Психологиянинг асосий тармоқлари.



**УМУМИЙ
ПСИХОЛОГИЯ**

Психологиянинг барча масалаларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганадиган махсус соҳаси.

**ҲАРБИЙ
ПСИХОЛОГИЯ**

Кишининг ҳарбий ҳаракатлар шaroитида намоён бўладиган хулқ-атворини, бошлиқлар билан ижро этувчилар ўртасидаги муносабатларнинг психологик жиҳатларини

**САВДО
ПСИХОЛОГИЯСИ**

Жамиятда тижоратнинг психологик шaroитлари, эҳтиёжнинг индивидуал, ёшга оид, жинсга оид хусусиятларини, харидорга хизмат кўрсатишнинг психологик омилларини аниқлайди, модалар психологияси каби масалаларини кўради.

**МЕҲНАТ
ПСИХОЛОГИЯСИ**

Киши меҳнат фаолияти психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг психологик жиҳатларини ўрганади.

**ЁШ ДАВРЛАРИ
ПСИХОЛОГИЯСИ**

Турли ёшдаги одамларнинг туғилгандан то умрининг охиригача психик ривожланиш жараёнини, шахснинг шаклланиши ва ўзаро муносабатлари қонуниятларини ўрганади.

7-боб. Психологиянинг замонавий методлари ва уларни амалиётга тадбиқ этиш. Амалий психологиянинг бозор муносабатлари шароитидаги имкониятлари

1-слайд. Психологиянинг асосий методлари

**ПСИХОЛОГИЯНИНГ
АСОСИЙ
МЕТОДЛАРИ**

1. Кузатиш методи;
2. Сўроқ методи;
3. Тест методи;
4. Эксперимент методи;
5. Моделлаштириш.

**КУЗАТИШ
МЕТОДИ**

- Нимани кузатаман?
- Қандай йўл билан кузатаман?
- Кузатув бирлиги қилиб нимани оламан?
- Кузатувни қанча вақтга олиб бораман?
- Кузатувдан мақсад нима?
- Кузатиш шакли қандай?
- Кузатиш натижаларини қайд қилиш;
- Олинган натижаларнинг ишончлилигини бошқа усуллар билан

**СЎРОҚ
МЕТОДИ**

- Бирламчи маълумотлар тўплашнинг анъанавий усулларида биридир;
 - Текширилувчи бир қатор саволларга мухтасар жавоб бериши керакдир.
1. Оғзаки сўроқ (суҳбат);
 2. Ёзма сўроқ (анкета);
- Очиқ анкета (респондентнинг ўз фикрини билдириши);
 - Ёпиқ анкета (кутиладиган жавобларни танланиши).
3. Эркин сўроқ;
 4. Стандартлаштирилган сўроқ.

ТЕСТ МЕТОДИ

- Тест – сўров (Г.Айзенк тести);
- Тест топшириқ (Торенс айланалари);
- Проектив тест (Тугалланмаган ҳикоялар, Роршахнинг сиёҳ доғлари тести, расм чизиш, имзо қўйиш).

КУЗАТИШ МЕТОДИ

Ташқи (Объектив кузатиш);
Ички (субъектив, ўз-ўзини кузатиш);
Эркин кузатув;
Стандартлаштирилган кузатув;
Гуруҳ ичида кузатиш;
Гуруҳ ташқарисида кузатиш.

ТАЖРИБА МЕТОДИ

- Табиий эксперимент тури (қадимги хитойликлар усуллари, ёлғончилик ёки ҳаяжонни аниқлаш йўллари);
- Лаборатория эксперименти (диққатни ўрганиш учун тахистоскоп мосламаси, лже детекторлар, махсус

МОДЕЛЛАШТИРИШ МЕТОДИ

Моҳияти: кузатиш, сўроқ, эксперимент ёки бошқа усуллар воситасида ўрганилаётган ҳодиса очилмаган пайтда қўлланилади.
Турлари: 1. Техник; 2. Математик;
3. Кибернетик; 4. Мантикий.

2-слайд. Психологиянинг амалий йўналишлари

**Амалий
психологиянинг
асосий
йўналишлари:**

1. Сиёсат соҳасидаги психология;
2. Маориф соҳасидаги амалий ишлар;
3. Саноат ва ишлаб чиқариш соҳаси;
4. Маркетинг хизматлари;
5. Ходимлар билан ишлаш.
6. Оила ва никоҳ борасидаги тадбиқий ишлар;

8-боб. Психологияда шахс ва жамият муаммоси. жамиятни бошқаришдаги психологик қонуниятлар. Шахсга таъсир этувчи психологик омиллар. Шахс дунёқараши ва маънавиятини шакллантириш омиллари.

1-слайд. Шахс ва жамият муносабатлари

Шахс ва жамият муаммосидаги икки поляр нуқтаи назар:

1. **Нативизм** - инсонлардаги барча хусусиятлар туғма характерга эга, деб тан олади
2. **Эмпиризм** - янги туғилган бола гўёки «топ - тоза тахта»(tabula rasa), унга ҳаёт ва ундаги талаблар ўзининг қонуниятларини ёзади ва бола уларга сўзсиз бўйсунушга мажбур. Бунда туғма фикрлар ёки ғоялар бўлиши мумкин эмас, улар хоҳиш - тилак ва оғриқ каби элементар сезгиларнинг қайта ишланиши натижасидир

Жамият

Ижтимоий интизом ва тартибнинг, маданиятнинг муфассал кўринишидир

Шахс


Ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш

Ижтимоий норма


Шахс ҳаётида шундай категорияки, у жамиятнинг ўз аъзолари хулқ - атворига нисбатан ишлаб чиққан ва кўпчилик томонидан эътироф этилган ҳаракатлар талабларидир

Ижтимоий санкцияла

Нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли шахс ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектига айланиб қолмасликка ҳаракат қилади



2-слайд. Шахс йўналганлиги, дунёқараш ва эътиқодни ўзгартириш омиллари



3-слайд. Ижтимоийлашув масканлари

**Ижтимоий
институтлар**


Ижтимоийлашув жараёнларининг рўй берадиган шарт-шароитларини **ижтимоий институтлар** деб аталади. Оила, маҳалла, расмий давлат муассасалари (боғча, мактаб, махсус таълим ўчоқлари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари) ҳамда норасмий уюшмалар, нодавлат

**Социализация
ёки
ижтимоийлашув**


Инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Ижтимоийлашув - ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгаларга таъсирини ўтказа олиши жараёнидир

9-боб. Шахснинг фаолиги. фаолият турлари, мотивацияси ва уларни бошқариш. Ижтимоий хулқ мотивацияси. Англаган ва англалмаган мотивлар.

1-слайд. Фаоллик ва унинг турлари.




2-слайд. Мотивлар ва эҳтиёжлар моҳияти




10-боб. Шахснинг ижтимоий борлиқни билиши. билиш мезонлари ва унинг адекватлиги. Идрок, хотира ва диққат жараёнларини бошқариш.

1-Слайд. Шахснинг билиш жараёнлари



2-слайд. Идрок ва унинг қонуниятлари.



ХОТИРА

- бу тажрибамизга алоқадор ҳар қандай маълумотни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш билан боғлиқ мураккаб жараёндир. Хотира ҳар қандай тажрибамизга алоқадор маълумотларнинг онгимиздаги аксидир.

Хотира
мустаҳкам
лиги
омиллари:

- эсда сақлаб қолиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг якунланганлик даражасига;
- шахснинг ўзи шуғулланаётган ишга нечоғлиқ қизиқиш билдираётганлиги ва шу ишга мойиллигига;
- шахснинг бевосита фаолият мазмуни ва аҳамиятига муносабатининг қандайлигига;
- шахснинг айна пайтдаги кайфиятига;

Хотира
самарадорлигига
кўра шахс

- материални тезда эслаб қоладиганлар;
- материални узоқ вақт эсда сақлайдиганлар;
- истаган пайтда осонлик билан эсга тушира оладиганлар

Кўргазмали образли;
Мантиқий;
Эмоционал;
Феноминал

Хотира турлари

Хотирани
мустаҳкамлашнинг
саккизта қонуни

1. Англоланганлик қонуни;
2. Қизиқиш қонуни;
3. Илгариги билимлар қонуни;
4. Эслаб қолишга тайёрлик қонуни;
5. Ассоциациялар қонуни;
6. Бирин-кетинлик қонуни;
7. Кучли таассуротлар

11-боб. Тафаккур ва мустақил фикрлаш шарт-шароитлари. Ижодий ва мантиқий фикрлаш - соғлом маънавият ва эътиқодни тарбиялашнинг омили сифатида.

1-слайд. Тафаккур ва унинг турлари




2-слайд. Тафаккур шакллари ва операциялари




12-боб. Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва уларни диагностика қилиш. Характер, темперамент ва қобилиятларни билишнинг аҳамияти.


1-слайд. Индивидуал-типологик хусусиятлар классификацияси



2-слайд. Қобилият ва унинг хусусиятлари



3-слайд. Темперамент ва унинг турлари.



Темперамент - шахс фаолияти ва хулқининг динамик (ўзгарувчан) ва эмоционал - ҳиссий томонларини характерловчи индивидуал хусусиятлар мажмуидир

Темперамент хусусиятларини белгилаб берувчи уч олий нерв тизими хоссалари: куч, мувозанатлашганлик, ҳаракатчанлик.

К у ч - нерв тизимининг кучли кўзгатувчилар таъсирига бардоши, шунга кўра инсонда меҳнатга яроқлилиқ, чидам каби сифатларнинг намоён бўлиши

Мувозанатлашган лик - асабдаги тормозланиш ва кўзгалиш жараёнларининг ўзаро мутаносиблиги, шунга кўра, ўзини тутати олиш, босиқлик каби сифатлар ва уларга тескари сифатларнинг намоён бўлиши

Ҳаракатчанлик - кўзгалиш ва тормозланиш жараёнларидаги ўзаро алмашилиш жараёнининг тезлиги ва ҳаракатчанлиги

4-слайд. Характер ва унинг тизими

Характер - шахсдаги шундай психологик, субъектив муносабатлар мажмуи, улар унинг борлиққа, одамларга, предметли фаолиятга ҳамда ўз-ўзига муносабатини намоён қилади.

Характернинг намоён бўлиш тизими:

1. **Меҳнатдаги хусусиятлар** - меҳнатсеварлик, меҳнатқашлик, ташаббускорлик, ишга лаёқат, ишга қобиллик, масъулият, дангасалик, қўнимсизлик

2. **Инсонларга муносабатлардаги сифатлар** - одоблилиқ, меҳрибонлик, такт, жонсаралиқ, дилгирлик, альтруизм, мулоқотга киришувчанлик, ғамхурлик, раҳм-

3. **Ўз-ўзига муносабатдаги сифатлар** - камтарлик, камсуқумлилиқ, мағрурлик, ўзига бино қўйиш, ўз-ўзини танқид, ибo, шарму - ҳаё, манмансираш

4. **Нарсалар ва ҳодисаларга муносабатларда намоён бўладиган хусусиятлар** - тартибилиқ, оқиллик, саронжом-саришталик, қўли очиқлик, зиқналиқ, тежамкорлик, покизалиқ

13-боб. Шахс тараққиётининг ёшга боғлиқ хусусиятлари. Ўспиринлик ва етуқлик даврлари психологияси. Акмеология.

1-слайд. Ёш даврлар классификацияси

Ёш даврлари	Эркакларда	Аёлларда
Чақалоқлик	1 – 10 кун	1 – 10 кун
Эмизиклик даври	10 кундан 1	10 кундан 1
Илк болалик	1 – 2 ёш	1 - 2 ёш
Болаликнинг 1 -	3 – 7 ёш	3 - 7 ёш
Болаликнинг 2 -	8 - 12 ёш	8 – 11 ёш
Ўсмирлик даври	13 - 16 ёш	12 - 15 ёш
Ўспиринлик даври	17 - 21 ёш	16 - 20 ёш
Ўрта етуқлик даври: биринчи	22 - 35 ёш	21 - 35 ёш
Ўрта етуқлик даври иккинчи босқич	36 - 60 ёш	36 - 55 ёш
Кексалик даври	61 - 75 ёш	56 - 75 ёш
Қарилик даври	76 - 90 ёш	76 - 90 ёш
Узоқ умр	90 ёшдан	90 ёшдан

2-слайд. Шахс «мен» ининг ривожланиш босқичлари



- 1 - босқич (ишонч - ишончсизлик) - бу ҳаётнинг 1 - йили.
- 2 - босқич (мустақиллик ва қатъиятсизлик) - 2 - 3 ёшлар.
- 3 - босқич (тадбиркорлик ва гуноҳ ҳисси) - 4 - 5 ёшлар.
- 4 - босқич (чаққонлик ва етишмовчилик) - 6 - 11 ёшлар.
- 5 - босқич (шахс идентификацияси ва ролларнинг чалкашлиги) - 12 - 18 ёшлар.
- 6 - босқич (яқинлик ва ёлғизлик) - етукликнинг бошланиши.
- 7 - босқич (умуминсонийлик ва ўзига берилиш) - етуклик даври.
- 8 - босқич (яхлитлик ва ишончсизлик) - кексалик.

14-боб. Шахс инсоний муносабатлар тизимида. муомала техникаси ва стратегияси. Ижтимоий таъсир масаласи. Самарали таъсир сирлари.

1-слайд. Мулоқот ва унинг намоён бўлиш шакллари.

Мулоқот - одамлар амалга оширадиган фаолиятлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, у инсондаги энг муҳим эҳтиёжни — жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжини қондиради.

Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради:

- а) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- б) индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- в) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;

Мулоқотнинг
вазифалари

1. Сухбатдошларнинг ўзаро *бир - бирини тушунишларини* таъминлаш;
2. Ижтимоий тажрибага асос солиш (мауглилар);
3. Одамни у ёки бу фаолиятга ҳозирлаш, руҳлантириш (М.Сифр).

Мулоқот
босқичлари

1. Одамнинг ўз-ўзи билан мулоқоти;
2. Бошқалар билан мулоқот;

Мулоқот
кўринишлари

1. Расмий; 2. Норасмий; 3. Шахсий;
4. Ижтимоий йўналтирилган;
5. Гуруҳдаги предметга йўналтирилган

Мулоқот тури
ва шакллари

Бевосита «юзма - юз» бўлиши;
У ёки бу *техник воситалар* (телефон, телеграф ва шунга ўхшаш) орқали; профессионал фаолиятда *амалий* ёки *дўстона* бўлиши; *субъект - субъект* типли (диалогик, шериклик) ёки *субъект -*

2-слайд. Мулоқотнинг психологик тизими



1

Нутқ (ёзма, оғзаки). Тил воситасида олиб бориладиган мулоқот **вербал**, яъни сўзли дейилади. Мулоқот жараёнида **новербал** воситалардан: турли хил ҳаракат, қилиқ, ҳолат, кулгу, оҳанг, тўхташ (пауза), ҳиссий ҳолатлар, кулгу, йиғи, кўз қарашлар, юз ифодаларидан фойдаланилади, улар мулоқот жараёнини янада кучайтириб, уни тўлдиради, баъзан эса нутқли мулоқотнинг ўрнини босади. **Паралингвистик таъсир** - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар: нутқнинг баланд ёки паст товушда ифодаланиши, артикуляция, ...

2

Жамиятда қабул қилинган турли нормалар, қонун-қоидалар, роллар, кутишлар тизими, психологик таъсир орқали бир-бирларига амалий жиҳатдан бевосита таъсир этишларини таъминлайди. Тажриба: (Бошланғич синф ўқувчилари ва ўқитувчи; сотувчи ва харидор; даллоллар)

3

Англаш, тушуниш ва идрок қилиш механизмлари: идентификация; рефлексия; стереотипизацияга боғлиқ. **Идентификация** тўғри идрок қилиш учун ўзларини бир-бирларининг ўрнига қўйиб кўриш. **Рефлексия** мулоқот жараёнида суҳбатдошнинг позициясидан, ҳолатидан туриб, ўзини тасаввур қилиш. **Стереотипизация** одамлар онгида мулоқотлар мобайнида шаклланиб ўрнашиб қолган кўникиб қолинган образлардан шаблон

3-слайд. Мулоқотда психологик таъсир

Мулоқотда психологик таъсир

Психологик таъсир - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ҳатти - ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Америкалик олим Меграбян формуласига кўра, биринчи марта кўришиб турган суҳбатдошлардаги таассуротларнинг ижобий бўлишига гапирган гаплари 7%, паралингвистик омиллар 38%, ва новербал ҳаракатлар 58% гача таъсир қиларкан. Кейинчалик бу муносабат ўзгариши мумкин албатта, лекин халқ ичида юрган бир мақол тўғри: «Уст - бошга қараб кутиб олишади, ақлга қараб кузатишади».

Таъсирнинг ташаббускори - бу шундай шерикки, унда атайлаб таъсир кўрсатиш мақсади бўлади ва у бу мақсадни амалга ошириш учун вербал, новербал, паралингвистик воситалардан

Таъсирнинг адресати - таъсир йўналтирилган шахс.

Мулоқотда
самарадорли
к гапириш ва
тинглашга
боғлиқ

Тинглашнинг техникаси, усуллари мавжуд: *сўзма - сўз қайтариш* ва *бошқача талқин этиш*. Биринчиси, вербализация орқали шерикни қўллаб – қувватлаш, иккинчиси эса - шерик сўзларини тинглаб, ундаги асосий ғояни ифода этиш.

Профессional тинглаш техникаси:

- *актив ҳолат*;
- *суҳбатдошга самимий қизиқиш билдириш*;
- *ўйчан жимлик*.

Тинглаш мулоқотнинг самарали бўлишидаги аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки тинглаш қобилияти гапирувчини илҳомлантиради, уни руҳлантиради, янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит яратади.

4-слайд. Мулоқот ва унинг ўзига хос воситалари

Мулоқот кўп қиррали жараён:

- А) индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- Б) индивидлар ўртасида ахборот алмашинуви жараёни;
- В) бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- Г) бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- Д) бир бирига ҳамдардлик билдириш имконияти;
- Е) шахсларнинг бир бирини тушунishi жараёни.

Психологик таъсир - бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва ҳатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Психологик таъсирнинг уч воситаси

1. *Вербал таъсир* - бу сўз ва нутқимиз орқали кўрсатадиган таъсиримиздир. Бундаги асосий воситалар сўзпарлани

2. *Паралингвистик таъсир* - бу нутқнинг атрофидаги нутқни безовчи, уни кучайтирувчи ёки сусайтирувчи омиллар: товушлар, тўхташлар, дудуқланиш, йўтал, тил билан амалга

3. *Новербал таъсир* - Бунга суҳбатдошларнинг фазода бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ҳолатлари (яқин, узоқ, интим), қилиқлари, мимика, пантомимика, қарашлар, бир-бирини бевосита ҳис қилишлар, ташқи қиёфа ва сигналлар кирали

5-слайд. Профессионал тинглаш техникаси

Профессионал тинглаш техникаси


1. *Актив ҳолат.*
Бу - агар кресло ёки диван каби мебель бўлса, унга бемалол ястаниб ёки ётиб олмаслик, суҳбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳаракатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқишни билдиради

2. *Самимий қизиқиш билдириш.* Бу нафақат суҳбатдошни ўзига жалб қилиб, балки кейин навбат келганда ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг

3. *Ўйчан жимлик.*
Бу суҳбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тинглаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзингизнинг суҳбатдан манфаатдорлигини билдириш йўли

15-боб. Гуруҳларда ижтимоий фаолиятни ташкил этиш. Гуруҳларнинг турлари. Гуруҳий ўзаро мослик, лидерлик ва конформизм ҳодисалари

1-слайд. Гуруҳ ва унинг турлари



2-слайд. Гуруҳдаги психологик муҳит

Ижтимоий психологик муҳит
деганда, ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, ҳиссиётлари, дунёқараши, установкалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал-интеллектуал ҳолати

Гуруҳнинг шахсга ижобий таъсири ҳодисасини **фасцилитация** деб аталади. Бунда шахс ўзидаги қобилият ва фазилатларини, ишчанлик хусусиятларини намоён

Шахс ўзидаги қобилият, имконият ва лаёқатини юзага чиқара олмаса, бунда гуруҳ унга салбий таъсир кўрсатса, шахсда тормозланиш намоён бўлади, бу ҳодисани **ингибиция** деб аталади.

16-боб. Гуруҳ шароитида замонавий ўқитишнинг педагогик ва психологик технологиялари.

1-слайд. Педагогик мулоқот шакллари

Педагогик мулоқот жараёнидаги маълумотлар алмашинувининг уч шакли:
1. Монолог; 2. Диалог; 3. Полилог.

Монолог - маърузачи ёки ўқитувчининг тингловчилар ёки ўқувчи талабалар қаршисига чиқиб нутқ сўзлаши, дарсни баён

Диалог - ўқув мавзуси ёки муаммони гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир

Полилог - гуруҳ ичидаги мунозаралар. У талабаларнинг фаоллигини янада ошириш, улардаги ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадида

Монологик нутқ ташкил этувчилари:

- Мақсадга йўналганлик;
- Мантиқийлик;
- Тугалланганлик;
- Мустақиллик;
- Узлуксизлик;
- Ифодалилиқ;
- Боғлиқлик.

2-слайд. Баҳсда иштирок этиш тамойиллари

Баҳс

Баҳс – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш

Баҳсда иштирок этиш қоидалари:

1. Баҳс муносабатларни ҳал этиш усули эмас, балки муаммони ҳал этиш усулидир.
2. Бошқа иштирокчиларга ҳам сўз бериш учун узоқ вақт нутқ сўзламаслик.
3. Ҳар бир сўзни ўйлаб, тўғри ифода этиш, ҳиссиётларни назорат қилиш, ақлий фикрларнинг мақсадга қаратилиши керак.
4. Оппонент нуқтаи назарини тушунишга ҳаракат қилиш керак, уни ҳурмат қилиш керак.
5. Оппонент фикрини бузмасдан эътирозларни аниқ билдириш керак.
6. Фақат баҳс мавзуси бўйича фикр билдириш, кўп ўқиганлик ва умумий билимдонликни рўқач қилмаслик.
7. Кимгадир ёқишни кўзламасдан, ёки ранжитишни

3- слайд. Тақдимот ва унинг қоидалари

Самарали тақдимот сирлари:

- Гапирганда доимо ишончли бўлиш;
- Аниқ ва лўнда гапириш;
- Фикрни тугалланган ҳолда муҳим жиҳатларига урғу бериб ифодалаш;
- Бир маромда ва аста гапирмаслик, лекин қаттиқ ҳам гапирмаслик;
- Хушмуомалали ва зийрак бўлиш, жаҳлдор бўлмаслик;
- Доимо нутқни жилмайиб бошлаш ва тугатиш;
- Инкор ва ишончсизлик аломатларини билдирадиган: “Мумкин бўлса”, “Уни ким билади?” каби сўз бирикмаларини қўлламаслик;
- Кўриш контактини сақлаб туришга ҳаракат қилиш;
- Оёқни чалиштирмаслик, қўлни орқада ушламаслик, стол ва минбарга таянмаслик, кучли имо-ишора қилмаслик. елпиғич, ручка, қоғозни ортиқча ўйнамаслик;
- Ҳар бир жавоб ва таклифни рағбатлантириб

ФАН БЎЙИЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ (глоссарий):

Адекватлик – тенг, ўхшаш, мувофиқ келмоқ.

Аналогия – психик ходисалар ва хулқ-атвор хусусиятларининг ўхшашлиги.

Анкета – методлардан бири бўлиб, респондент тўғрисида аниқ кўзланган маълумотларни йиғиш мақсадида қўлланилади.

Ассоциация – психик ходислар орасидаги ўзаро боғланиш, у маълум қонунлар бўйича таркиб топади.

Аттракция – бир кишини бошқа киши кўриб қолганда, идрок этишда юз берадиган тафаккур тури.

Апатия – кишининг теварак атрофдаги оламга нисбатан бефарқлик ҳолати.

Астеник – шахснинг фаоллигини сусайтирувчи кечинмалар.

Аудивизуал идрок – шахснинг бир вақтнинг ўзида ҳам эшитиб, ҳам кўриб идрок қилиши.

Аутоген машқ – шахснинг ўз-ўзини ишонтириш ва ўз-ўзини идора қилишга асосланган психотерапевтик усул.

Аффект – кучли, жўшқин ва нисбатан қисқа муддатли эмоционал кечинмалар сифатида рўй берадиган психологик ҳолат.

Биографик метод – одамни унинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган хужжатлар орқали ўрганиш усули.

Бихевиоризм – психологиянинг ўрганиш предмети сифатида одам хулқ-атворини олиниши назарияси.

Брейншорминг – ақлга хужум – бахсларни ташкил этишда қўлланиладиган интерфаол усулдир.

Босқичлар – мулоқотда мавжуд бўлган шахснинг ўзи билан, бошқалар билан ва авлодлар орасида кечадиган жараёни.

Вербал – оғзаки ифодаланган нутқ.

Вегетатив нерв тизими – нерв тизимининг организм ички аъзолари фаолиятини ва модда алмашинувини бошқариб турадиган бир қисми.

Генотип – ота-онадан фарзандга ўтадиган ирсий белгилар мажмуи.

Геронтопсихология – психология тармоғи, қарилик даври психологиясини ўрганади.

Гностик – бутун борлиқни билишга йўналтирилган фаолият.

Гуруҳ – одамларнинг биргаликдаги фаолият мазмуни ёки мулоқотда бўлиш характери каби қатор белгиларга асосланган ижтимоий жамоа.

Дунёқараиш – одамнинг теварак-атрофдаги оламга ва унда ўзининг тутган ўрнига қарашларидан келиб чиққан тизим. Унинг фалсафий, сиёсий, илмий, диний, ақлий ва эстетик қарашлари йиғиндиси.

Депрессия – тушкунлик кайфияти.

Диққатнинг барқарорлиги – диққатнинг маълум объектга узоқ вақтдавомида муттасил қаратилиши.

Диққатнинг кўлами – бир вақтнинг ўзида диққатнинг бир қанча объектга қаратилиши имконияти.

Диққатнинг тақсимланиши – диққатнинг бир вақтда бир неча объектга

тақсимланиш хусуияти.

Диққатнинг кўчиши – диққатни ихтиёрий равишда бир объектдан иккинчисига кўчириш.

Диалог – икки ва ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро оғзаки гаплашиши.

Диалогик нутқ – нутқ турларидан бўлиб, бунда сўзловчилар баробар тенг, биргаликда фаоллик кўрсатади.

Доминант шахс – бошқалар билан муомала ва муносабат ўрнатишда ўз фикрини ўтказиш хислатининг ёрқин намоён бўлиши.

Ёш психологияси – турли ёшдаги одамларнинг психологик хусусиятларини ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Ёш даври низолари – ўзига хос, унча узоққа чўзилмайдиган онтогенез давлари бўлиб, бу вақтда кескин психик ўзгаришлар юз беради.

Жамоа – мақсадлари жамият мақсадига мс келадиган умумий фаолият билан бирлашган одамлар гуруҳи.

Жамоанинг негизи – умумий фикр, мақсад ва ишлаб чиқаришга тааллуқли қарорларни шакллантирувчи жамоа аъзолари.

Йўналиш – шахснинг хатти-ҳаракати ва фаолиятини аниқ шароитлардан қатъи назар маълум йўлга йўналтирувчи барқарор мотивлар йиғиндиси.

Индивидуаллик – индивиднинг бошқалардан фарқланадиган ижтимоий хусусиятлари ва психикасининг ўзига хослиги, қайтарилмаслиги.

Идрокнинг константлиги – идрок шароити ўзгарса-да, идрок қилишдан ҳосил бўлган нарса образларнинг нисбатан ўзгармаслиги.

Идрокнинг предметлиги – жамики оламдан олинган маълумотларни ички олам объектига киритиш хусусияти.

Идрокнинг бутунлиги – сезги аъзларига бевосита таъсир этиб турган объектларни, уларнинг белги ва хусусиятлари билан биргаликда қўшиб идрок этиш.

Истеъдод – шахснинг маълум фаолиятда ифодаланадиган қобилиятининг юқори даражаси.

Ижтимоий психология – психология фанининг ўзига хос махсус тармоғи бўлиб, унда психик ва жамият тараққиёти қонунлари ўрганилади.

Ижтимоийлашув - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёни.

Ижтимоий тасаввурлар – шахсга жамият орқали таъсир этган нарса ва ходисаларнинг яққол образи.

Илмий таҳмин – текшириш ва тадқиқот олиб бориш мақсадида илгаридан кутилиши мумкин бўлган ҳолатнинг башорат қилиниши.

Ижтимоий психологик эксперимент – асосий методлардан бири бўлиб, ўзгарувчан мустақил турли ҳолат ва жараёнларнинг бошқа номустақил ҳолат ва жараёнларга таъсир этишдаги аниқ маълумотларига таянади.

Интерактив – шахслараро муносабатларда бир-бирига хулқ-атвор таъсир кўрсатиш жараёни.

Интроверт шахс - шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг ниҳоятда пастлиги.

Касб – фаолият шакллари бирлашмаси бўлиб, мазмун, воситалар,

ташкilotлар, меҳнат натижалари ҳамда меҳнат субъектини тайёрлашга қўйиладиган талаблар мажмуи.

Контент-анализ – текширилаётган матнда сўз, ибора, абзацларни маъно-моҳиятини такрорланиш даражасига қараб таҳлил этиш усули.

Кузатиш – синалувчини аниқ мақсад, фаолият, вақт, гуруҳ билан боғлиқ равишда текшириш, ўрганиш, маълумотлар тўплаш методи.

Коммуникатив – шахслараро муносабатларда маълумот, ахборот, ғоялар алмашинуви жараёни.

Кичик гуруҳ – аъзолари биргаликдаги фаолият билан шуғулланувчи ва бевосита шахслараро муносабатда бўлувчи кишилар гуруҳи.

Кўникма – одаменинг маълум ишни бажаришга тайёрлигида кўринадиган қобилияти. К. маҳоратнинг асосини ташкил этади.

Лонгитюд тадқиқот – синалувчини узок муддат ва доимий равишда ўрганш.

Метод – билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндиси.

Методология – тадқиқот, текшириш усули бўлиб, билишнинг назарий ва амалий ўзлаштириш усуллари йиғиндисидир.

Мотив – маълум эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи сабаб.

Мотивация – одамни фаол фаолиятга ундовчи сабаблар мажмуи.

Малака – машқ қилиш жараёнида иш ҳаракатлар бажарилишининг автоматлашган усуллари.

Меҳнат психологияси - киши меҳнат фаолияти психологик хусусиятларини, меҳнатни илмий асосда ташкил этишнинг психологик жиҳатларини ўрганадиган фан.

Меҳнат фаолияти психологияси – бу психологиянинг бир соҳаси бўлиб, инсон шахсини меҳнат субъекти сифатидаги шаклланиши хусусиятларини, меҳнатнинг шарт-шароитлари, йўллари ва усуллари илмий жиҳатдан ўрганади.

Меҳнат – инсон эҳтиёжини қондириш асосида ташқи оламни ўзгартиришга қаратилган мақсадли фаолият.

Мутахассислик – фаолиятнинг аниқ шакли бўлиб, меҳнат эгасининг касбий тайёрлиги, меҳнат воситалари, меҳнат жараёни ва мақсадининг махсус хусусиятлари билан белгиланади.

Меҳнат субъекти (эгаси) – бу фаол ҳаракат қилувчи, англаш ва ўзгартиришга лаёқатли, онг ва ирода билан иш олиб боровчи индивид ёки ижтимоий гуруҳ.

Мулоқот – икки ёки ундан ортиқ одамларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиши.

Меланхолик - темперамент турларидан бири бўлиб, психик фаолликнинг суст, тез таъсирланувчанлик, хатто арзимаган нарсалар учун ҳам жуда чуқур таъсиротга берилиши билан характерланади.

Монологик нутқ – бир одамнинг ўз фикрларини оғзаки ёки ёзма равишда ифодалаш нутқи.

Монолог – маърузачи томонидан нутқ сўзланиши, маърузачи актив, тингловчи пассив бўлган жараён.

Мобил шахс - шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг юқори даражада кузатилиши.

Негативизм - индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилиши.

Норасмий – одамларнинг биргаликдаги мулоқот ва фаолиятларида улар орасидаги муносабатларнинг ўзаро ишонч, бир хил қараш ва мақсадларнинг кўзда тутилиши.

Новербал - нутқсиз ифодаланган ҳаракат, мимика, ҳолатларнинг бошқа шахсга йўналтирилиши.

Низолар – ўзаро таъсир кўрсатаётган кишиларнинг қарама-қарши туриши, бунда фикрлар, позициялар, қарашлар тескарилиги кузатилади.

Низо турлари – низоларнинг кимлар орасида юзага келишига кўра фарқлари: шахслараро, гуруҳлараро, шахсий, этник, миллий; намоён бўлиш хусусиятига кўра: очик, ёпиқ, узоқ муддатли, қисқа; мавқе ёки даражага кўра: вертикал ва горизонтал; йўналишига кўра: деструктив ва конструктив.

Низо босқичлари – уч босқичда, яъни низо олди, низо ва низодан кейинги босқичлар.

Низо ҳал этиш йўллари – компромисс, яъни келишув; жойида ҳал этиш; низодан чекиниш; орқага суриш; қочиш.

Оператив хотира – хотира турларидан бири бўлиб, фаолият бажариш жараёнида узоқ хотирадан вақтинча фойдаланилади.

Оила – турмуш қуриш, қариндош-уруғчилик асосидаги кичик гуруҳ.

Психика – юксак даражада ташкил топган материя, мианинг функцияси бўлиб, унинг моҳияти туйғулар, идрок, тасаввур, фикрлар, ирода ва бошқалар кўринишида акс эттиришдан иборат.

Психик жараёнлар – у ёки бу психик маҳсулт ва натижаларни (психик образлар, ҳолатлар, тушунчалар, ҳиссиёт ва х.к.) ҳосил қилувчи, шакллантирувчи ва ривожлантирувчи жараён.

Психология – одамнинг объектив борлиқни сезги, идрок, тафаккур, туйғу-ҳиссиёт ва бошқа психик ҳолатлар орқали акс эттириш жараёнини ўрганадиган фан.

Психик ҳолатлар – психик ҳаёт шакллари, диққат, ҳиссиёт, ирода жараёнларига айтилади. П.Ҳ. (хушчақчақлик, руҳланиш, сиқилиш, зийраклик, қатъийлик, тиришқоқлик в.б.) шахсларда маълум даражада барқарор бўлиб, уларнинг муайян хусусиятига ҳам айланиб қолади.

Пилотаж тадқиқот – тадқиқотнинг муаммоли изловчи тури, асосий тадқиқотгача ўтказиладиган ва соддалаштирилган шакли.

Психодиагностика – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқловчи ва ўлчашни ишлаб чиқувчи психология усули.

Психология методлари – психик ходисаларни ва уларнинг қонуниятларини илмий томондан ўрганишнинг асосий йўл-йўриқ ва усуллари.

Психокоррекция – шахснинг психик ривожланишидаги камчиликларни тузатиш усуллари қўллаш жараёни.

Психологик хизмат – психологияни амалиётда қўллаш тизими. У турли соҳаларда диагностика, консултация, экспертиза вазифаларини бажаради.

Психологик маслаҳат - шахснинг турли даражадаги ўз муаммоларини якка тартибда психолог билан таҳлил этишига қаратилган психологик хизмат тури.

Полилог – гуруҳ ичидаги мунозара бўлиб, барча иштирокчилар фаоолашуви кузатилади.

Перцептив томон – шахслараро муносабатларда тушуниш, ҳис этиш, идрок этишга қаратилган жараён.

Профессиография - меҳнат субъектининг фаолият таркиблари (унинг мазмуни, воситалари, шароитлари, ташкилот) билан ўзаро муносабати ва боғлиқлигини ўрганиш ва аниқлашга қаратилган комплекс метод.

Профессиограмма - касбнинг турли объектив характеристикаларининг таснифи.

Психограмма - фаолиятнинг психологик характеристикаларининг таснифи.

Ригид шахс – шахснинг бир фаолият туридан бошқасига ўтиш ва мослашиш имкониятининг паст даражада кузатилиши.

Расмий – одамларнинг биргаликдаги фаолиятларида, ижтимоий роллар тақсимоотида мавқе, мартабанинг инобатга олиниши

Реал – биргаликдаги фаолият жараёнида бевосита мулоқот амалга ошиши имконияти.

Референт гуруҳ – шахснинг ҳар томонлама ишонган, ўзига яқин тутган гуруҳи.

Сангвиник – темперамент турларидан бўлиб, чакқон, ҳаракатчан, таассуротлари тез ўзгарадиган, бошқаларга нисбатан дилкашлик, меҳрибонлик хислатлари билан характерланади.

Саноат психологияси – саноат ва ишлаб чиқаришда турли юзага келадиган муаммо ва ҳолатларни психологик ва ижтимоий омилларини таҳлил қилиб олишга қаратилган хизматлари тури.

Симпатия – бир кишида бошқасига нисбатан кузатиладиган мойиллик ва ёқимлилиқ ҳисларининг ички намоён бўлиши.

Социология – жамиятда юз берадиган турли-воқеа-ходисаларни ва ўзаро муносабатларни ўрганишга қаратилган фан.

Сўров – асосий методлардан бири бўлиб, нутқ мулоқоти ёрдамида бевосита ёки бавосита маълумот олинади.

Таълим масканлари психодиагностикаси – шахсни таълим тизимда қобиляти, иқтидори, истеъдодини аниқлаб олиш мақсадида олиб бориладиган психологик хизмат тури.

Тест – синалувчини текшириш жараёнида махус қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, бу метод орқали аниқ бир психологик хусусият аниқланади.

Тушунча – нарс ва ходисаларнинг муҳим белги ва хусусиятларини битта сўз ёки сўзлар гуруҳи билан ифодалашдан иборат тафаккурнинг мантикий шакли.

Тушуниш – бирор нарсанинг маъноси ва аҳамиятини англаш қобиляти,

асосий эришилган натижаси.

Тахлил – тафаккур қилиш усули, бунда мураккаб объектлар қисмларга бўлиниб ўрганилади.

Таққослаш – нарса ва ходисалар ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутларни аниқлашга асосланган фикрлаш операцияси.

Тренинг – машқ қилмоқ, гуруҳларда мулоқотнинг самарали ташкил этиш усули бўлиб, шахснинг мулоқотга ўргатиш ва обрўли бўлишини ривожлантириш мақсадида ўтказилади.

Темперамент – шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари мажмуи бўлиб, у кишида фаолият ва хулқ-атворнинг динамик ва эмоционал томонлари билан характерланади.

Тобе шахс – мулоқот ва бошқа жараёнларда шахсда кўникувчанлик, бошқа кишиларга боғлиқлик, фикрига бўйсунтириш хусусиятларининг таркиб топиши.

Умумлаштириш – воқеликдаги нарса ва ходисаларни умумий ва муҳим белгиларига қараб фикран бирлаштиришдан иборат тафаккур жараёни.

Уюшганлик - гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлари, ҳаётий принциплари, қадриятларини англашлари.

Установка – йўналиш, кишининг теварак-атрофдаги одамларга ва объектларга нисбатан қандай муносабатда бўлиш, уларни идрок қилиш, уларга баҳо бериш ва уларга нисбатан ҳаракатининг тайёрлик ҳолати.

Фаолият – инсонгагина хос, онг билан бошқариладиган эҳтиёжлар туфайли пайдо бўладиган ва ташқи олам билан кишининг ўз-ўзини билишга, уни қайта қуришга йўналтирилган фаоллиги.

Фаоллик – тирик материянинг умумий хусусияти, теварак муҳит билан ўзаро таъсирда бўлишида намоён бўлади.

Флегматик – темперамент турларидан бири бўлиб, ҳаракатлар секинлиги, барқарорлиги, эмоционал ҳолатларнинг ташқи кўринишлари кучли эмаслигида намоён бўлади.

Характер – кишидаги барқарор психик хусусиятларининг индивидуал бирлиги бўлиб, шахснинг меҳнатга, нарса ва ходисаларга, ўзига ва бошқа кишиларга муносабатларида намоён бўлади.

Ҳаракат – мақсадга мувофиқ йўналтирилиб, онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси. Ҳ. Онгли фаолиятнинг таркибий қисмлари ва мотивларидан биридир.

Хулоса чиқариш – тафаккурнинг мантикий шаклларида бўлиб, бир қанча ҳукмлар асосида маълум хулоса чиқарилади. Ҳ.ч. индуктив, дедуктив ва аналогик турларга ажратилади.

Холерик – темперамент тури бўлиб, ҳиссиёт жўшқинлиги, кайфиятнинг тезда ўзгариши, ҳиссиётнинг мувозанатсизлиги ва умуман ҳаракатчанлиги билан ажралиб туриши хосдир.

Шахс – ижтимоий муносабатларга кирувчи ва онгли фаолият билан шуғулланувчи бетакрор одам.

Шахс ижтимоийлашуви - инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт - фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир.

Шахслараро муносабат – мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсир этиш натижасида рўй берадиган ижтимоий-психологик ҳодисалар.

Шакллар – бевосита ва бавосита тур бўлиб, юзма-юз ёки восита орқали амалга ошиши кўзда тутилади.

Шаклланганлик – одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ психологик жараён.

Шартли – одамларнинг турли белги, фаолият шаклларига кўра бирор гуруҳга тааллуқли деб қараш.

Эмоция – одам ва ҳайвонларнинг субъектив ифодаланган ички ва ташқи қўзғолувчилар таъсирига жавоб реакцияси.

Эгоцентризм – мен, марказ маъносида индивидуализм ва эгоизмнинг энг тубан тури.

Экстрове́рт шахс – шахснинг ҳар қандай шароит ва ҳолатларида ўз ичида кечаётган фикрларини баён этиш эҳтиёжининг юқорилиги.

Эмпатия – бошқа одамларнинг психик ҳолатини тушуниш қобилияти.

Ўқиш – шахснинг билим ва фаолият усуллари эгаллашга ҳамда уни мустаҳкам эсда сақлаб қолиш жараёни.

Ўйин – фаолият турларидан бири бўлиб, болаларнинг катталар фаолиятини, иш ҳаракатларини акс эттиришда ифодаланадиган ва атрофни билишга қаратилган фаолиятдир.

Ўз-ўзига баҳо бериш – шахснинг ўз-ўзига баҳо бериши.

Қобилият – шахснинг маълум фаолиятидаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирор фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусияти.

Қизиқиш – шахснинг ўзи учун қимматли ва ёқимли нарса ёки ҳодисаларга муносабати.

Қобилиятлар – шахснинг маълум фаолиятдаги муваффақиятларини ва осонлик билан бирон фаолиятни эгаллай олишини таъминлайдиган индивидуал психологик хусусияти.

«Ахлоқ», «хулқ» ва «атвор» сўзлари арабча сўз бўлиб, улар ўзбек тилида ҳам ўз маъносида қўлланилади. Ахлоқ кишиларнинг ҳар бир жамиятга хос хулқ меъёрлари мажмуидир. Ахлоқ ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, ҳамма соҳаларда кишиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш функцияларини бажаради.

Бакалаврият – ўрта махсус, касб-хунар таълими негизида олий таълим йўналишларидан бири бўйича фундаментал билимлар берадиган, ўқиш муддати тўрт йилдан кам бўлмаган таянч олий таълимидир.

Билиш, англаш – дунё ҳақидаги янги билимлар ҳисобланадиган субъект ва объектнинг ўзаро таъсирини, воқеликнинг рухиятда қайта таъсир этилиши ва акс эттириш жараёнидир.

Дарс – маълум мақсад асосида, белгиланган вақтда алоҳида, бир хил ёшдаги ўқувчилар, ёшлар билан ўқитувчи раҳбарлигида олиб бориладиган таълим жараёни.

Дарслик – махсус равишда ўқувчилар учун ёзилган китоб дарслик деб аталади.

Жамоа-инсонпарварлик ва *жавобгарлик* маъсулиятларига боғликлиги билан характерланадиган муносабатлар ҳамда ҳамкорликдаги ижтимоий ижобий фаолиятига асосланган, кишиларнинг ташкил этилган умумийлиги, жамоасидир.

Идрок- мазкур муддатда сезги органларида уларнинг бевосита таъсир этиши давомидаги бир бутун ходисалар ёки нарсаларнинг инсон онгида акс этишидир.

Мақсад-бўлғуси натижалар ҳақида ҳар доим ақлан ўйлаб қурилган, ривожлантирилган ҳаёлий тасаввурлар, келгусидаги режалар.

Шахс динамикаси - кишининг онтогенетик ривожланишини ўз ичига олган ҳолда субъектнинг хусусиятлари ва сифатининг вақтга нисбатан ўзгариш жараёни.

Шахсий фазилят - шахс томонидан ўзининг ахлоқий, рухий ва ишчан-лик қобилиятининг ижтимоий аҳамиятини, жамиятдаги ўрнини англай олиш хусусияти.

Эътикод - шахс амал қиладиган билим, тамойил ва ходисаларнинг қалбан ва асосли ишонч билан боғланган, унинг атроф-муҳитга ҳамда ўзининг хатти-ҳаракатларига бўлган субъектив муносабати.

Эвристика илмий тадқиқотнинг мантиқий усуллари ва методик кўрсатмалари.

Эмпирик - тажрибага асосланган.

Эмпирик босқич тадқиқот объекти тўғрисида ҳар томонлама тасаввур ҳосил қилиш, таълим амалиёти, илмий билимлар савияси ва ходисалар моҳиятига эришишга бўлган талаб ўртасидаги зиддият, илмий муаммони номлаш.

Эстетик тарбия - гўзалликни ҳис қилиш, атроф-муҳитдан гўзалликни пайқай олиш ва тушунишга бўлган қобилиятни тарбиялаш.

Эҳтиёж - индивиднинг бирор нарса-ходисага муҳтожлиги ва кишининг рухий қуввати ҳамда фаоллиги манбаи ҳисобланадиган асосий хусусияти.

Эҳтимоллик - тасодифийлик, педагогик ҳаётдаги ўзгаришларни аниқ айтиб бериш мумкин бўлмаган, эҳтимол қўйилган жараён.

Уйин фаолиятини бир тури бўлиб, ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва бунёд этишга, ўз хатти-ҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.

Ўз-ўзини баҳолаш - шахснинг ўз психологик сифатлари, ҳулиқи, ютуқлари ва муваффақиятсизликлари, кадр-қиммати, камчиликларини баҳолай олиши.

Ўз-ўзини тарбиялаш 1) шахсга ҳос бўлган маданиятнинг шаклланиши ва ривожланишига қаратилган изчил ва онгли фаолияти; 2) шахснинг ўз жисмоний, рухий ва ахлоқий сифатларини тинмай амалга ошириш.

Ўқитиш - таълим олувчининг билиш фаолиятини бошқаришга қаратилган ўқитувчининг фаолияти.

Ўқитиш - 1) таълимнинг ўзига ҳос усули бўлиб, шахсга назарий ва амалий билимлар бериш жараёнида унинг ривожланиши таъминланади; 2) талаба ва ўқитувчи, талабанинг бошқа талабалар билан алоқаси натижаси ўлароқ атроф-муҳит, унинг қонуниятлари, тараққиёт тарихи ва уларнинг ўрганилиш усуллари билишнинг мунтазам бошқарилиш жараёни.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти - ижтимоий педагогик феномен бўлиб,

ижобий имкониятни акс эттириш, кундалик фаолиятдан четга чиқишдир.

Ўқитиш вазифаси - таълимий, тарбиявий ва ривожланиш вазифалари.

Ўқитиш турлари - соқратча суҳбат методи, қоқоқ таълим, изоҳлаш-намоиш этиш асосида ўқитиш, билимларни мустақил эгаллаш, дастурлашти-рилган таълим, ўқув жараёнини алгоритмлаш, дифференциацияли ҳамда индвидуал таълим ва бошқалар.

Ўқиш — ўқувчининг ўз қобилияти, билими, малака ва кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган ҳаракат.

Талабаларни касбга йўналтириш - талаба-ёшларга келажакда ўз касбларини аниқлаб олиш учун ёрдам кўрсатишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, психологик, педагогик, тиббий-биологик ва ишлаб чиқариш техник тадбирларнинг асосланган тизими.

Ўқув-билиш фаолияти - инсоният томонидан тўпланган маданий бойликни эгаллаш билан боғлиқ фаолият.

Ўқув фаолияти шахснинг янги билим, малака ва кўникмаларни эгаллаш жараёни.

Қизиқиш - шахс ҳаракатига сабаб бўладиган фаолият йўналишининг онгли шакли.

Халоллик - шахсий ва ижтимоий мажбуриятларни, ахлоқий меъёрларни ростгўйлик билан сақлаш.

Ҳасад - ўзгаларнинг муваффақиятларини кўра олмасликдан келиб чиқадиган тўғу.

Педагогиканинг назарий вазифаси - илғор ва янги педагогик тажрибаларни ўрганиш.

Педагогиканинг технологик вазифаси - диагностик сатҳ - педагогик ходисалар ҳолатини аниқлаш; башорат қилиш сатҳи - педагогик фаолиятни экспериментал тадқиқ қилиш ва шу асосда педагогик воқеликни яратиш моделларини ўрнатиш; лойиха сатҳи - педагогик фаолиятнинг назарий концепцияси, унинг мазмуни ва характери асосида уларга мувофиқ методик материаллар (ўқув режа, дастур, дарслик ва ўқув кўпланмаси, педагогик тавсияномалар) ишлаб чиқиш; яратувчилик сатҳи - педагогик фан ютуқларини такомиллаштириш ва қайта режалаштириш мақсадида таълим амалиётига татбиқ этиш; рефлексик тузатма (корректировка) сатҳи - илмий тадқиқотлар натижаларининг таълим ва тарбия амалиётига сингиб кетишини баҳолаш.

Педагогика фани - махсус институтларда (оила, таълим ва тарбия, маданият муассасалари) мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган реал, яхлит педагогик жараён.

Педагогик жараён - таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.

Педагогик жараён тамойиллари - педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талаблари бўлиб, у педагогик жараённинг йўналишини кўрсатади ва унинг қонуниятларини очиқ беради.

Педагогик ихтисослик - таълим натижаси ўлароқ билим, малака ва кўникмалар мажмуидан иборат бир касбий гуруҳ доирасидаги фаолият тури.

Педагогик ихтисослашиш - педагогик ихтисослик доирасидаги фаолиятнинг бир тури.

Педагогик малака - муайян тоифадаги вазифаларни хал қилиш имкониятига эга бўлган мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси ва тури.

Педагогик масала - педагогик жараённинг асосий бирлиги, ўзига хос тизимидир. У воқеликни билиш ва қайта яратиш зарурияти билан боғлиқ тафаккур қилинадиган педагогик вазиятдир. Таълим қатнашчиларининг маълум бир мақсадини кўзлаган таълим ва тарбиядаги моддийлаштирилган вазиятдир.

Педагогик маҳорат - педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С. Макаренко), педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

Педагогик мулоқот - таълим олувчиларнинг мақсадлари ҳамда уларнинг биргаликдаги фаолиятлари мазмунидан келиб чиқадиган ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришни, бир-бирини англаш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этишнинг кўп қиррали жараёни.

Педагогик такт - шахслар фаолиятиниш турли доираларида улар билан мулоқотда бўлишнинг педагогик тамойили, ўлчови, талабалар билан уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри мулоқотда бўла олиш малакаси.

Педагогик техника –

1) ҳар бир таълим олувчига ва жамоага педагогик таъсир ўтказишнинг самарали қўллаш учун зарур бўлган малака ва куникмалар мажмуаси;

2) ҳар бир таълим олувчи ва жамоанинг фаоллигини педагогик жихатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва куникмалар.

Педагогик тизим - шахсни ривожлантириш ва яхлит педагогик жараёни бирлаштирган таълимнинг ўзаро боғланган ташкилий тузилмаси.

Педагогик фаолият - таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Педагогик уйин - билим олишга қаратилган ва маълум бир педагогик натижани кўзлаган ҳамда таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият тури.

Педагог нуқтаи назари (позицияси) - педагогнинг дунёга, педагогик воқеликка ва педагогик жараёнга бўлган интеллектуал ва ҳиссий муносабати.

Педагогик ҳаққонийлик – ўқитувчининг объективлик мезони, унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

Проектив малака - малаканинг махсус тури бўлиб, кутилган педагогик натижаларни аниқ таълим ва тарбия режаларида акс эттиради.

Прескриптив - меъёрий.

Психология - 1) шахснинг объектив борлиқни фаол акс эттириш жараёнини ўрганувчи фан; 2) маълум бир фаолият турининг ўзаро шартланган психик жараёнлар туплами; 3) психика, характер хусусияти, кўнгил ҳазинаси.

Рационализация - методларни ёки бирор иш - ҳаракатни такомиллаштириш.

Релаксация - кучли хаяжон ва жисмоний зуриқишдан сўнг енгил юриш, тинчланишнинг умумий ҳолати.

Ретроспектив - ўтмишга мурожаат этиш.

Рухий педагогик тайёргарлик - педагогиканинг методологик асослари ва категорияларини, шахсни ижтимоийлашуви ва тараққиёти қонуниятлари, таълим ва тарбиянинг моҳияти, мақсади ва технологик ғояларини билиш.

Сухбат - кузатув жуда етарли даражада аниқ, бўлмаган зарур ахборотни олиш учун қўлланадиган тадқиқот методи.

Тадқиқот объекти - зиддият ва муаммоли вазият туғдирувчи, билишга қаратилган илмий таҳлилга мухтож объект.

Тадқиқот предмети - бевосита ўрганилиши лозим бўлган ва амалий ёки назарий жихатдан муҳим аҳамият касб этадиган объектнинг моҳияти, маълум бир томони, хусусияти.

Тайзик ўтказиш - уятга қўйиш, айбдорлик хисси ёки кўнгли чуққанларнинг фикри, хиссиёти, интилиши ва мойилигги уларнинг онгидан халос қилиш.

Такаббур - ўз манфаатларини юқори қуювчи, манман шахс.

Такт - мисли қўрилмаган тарзда ўзини тута билиш.

Таълим - 1) шахснинг жисмоний ва маънавий шаклланишининг ягона жараёни, ижтимоий эталонларнинг ижтимоий онг сифатида у ёки бу даражада қайд қилинган, тарихан шартланган идеал тимсолларга онгли йўналтирилган ижтимоийлашиш жараёни; 2) муайян билимларни эгаллаш ғоявий-ахлоқий кадр, малака, кўникма, ахлоқ меъерларига қаратилган жамият аъзоларининг таълим ва тарбияси вазифасини бажарадиган нисбий мустакил тизим Тарбия - 1) шахснинг маънавий ва жисмоний ҳолатига мунтазам ва мақсадга мувофиқ, таъсир этиш; 2) педагогик жараёнда таълим мақсадларини амалга ошириш учун педагог ва тарбияланувчиларнинг махсус ташкил этилган фаолияти.

Педагогик фаолият - таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

Педагогик уйин - билим олишга қаратилган ва маълум бир педагогик натижани кўзлаган ҳамда таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият тури.

Педагог нуқтаи назари (позиция) - педагогнинг дунёга, педагогик воқеликка ва педагогик жараён бўлган интеллектуал ва хиссий муносабати.

Педагогик ҳаққонийлик – ўқитувчининг объективлик мезони, унинг маънавий тайёргарлик даражаси.

Тафаккур инсон ақлий фаолнятнинг олий шакли, инсонларни ўраб олган дунёдаги ўзаро боғланган нарса ва ҳодисаларни билиш жараёни, муҳим ҳаётий жараёнларни хис қилиш ва муаммоларни ҳал қилиш, маълум бўлмаган воқеа ҳодисаларни қидириш, келажакни кўра олиш. Тафаккур, тушунча, ҳукм, ҳулоса шаклларида намоён бўлади.

Темперамент - 1) шахснинг психик фаолияти динамикасининг турли жихатларини билдирадиган турғун индивидуал хусусиятларининг қонуний муносабатлари;

2) шахснинг динамик хусусиятлари: интенсивлик, тезлик, темп, психик жараёнлар ва ҳолатлар ритми.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Т. «Ўзбекистон», 1997. 29 август. -7 бет.

2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Т. 1997. 29 август. 9-10 бет.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари:

3. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора тadbирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил, 15 июнь.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари:

4. Ислон Каримов. «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим». Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатидаги 2005 йил якунларига бағишланган маърузаси. 10 феврал, 2006 й.

5. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари. Вазирлар Маҳкамасининг қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 16.04.2005

6. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.

7. «2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли Қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари:

8. Каримов И.А. «Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор». Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2006 йил 25 феврал.

9. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: «Ўзбекистон», 2005. -96 б.

10. Каримов И. А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. - «Туркистон», 2002 йил 31 август.

11. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000 й. 3-9 бет.

12. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз. Т., «Ўзбекистон» 1999 й. 11-15 бет.

13. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

V. Ўзбекистон Республикаси вазирликлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари:

14. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «Олий таълимга оид меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруғи.

15. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Ижтимоий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги 2000 йил 19 июн 176 сонли буйруғи.

VI. Дарсликлар:

16. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник.- М.: Аспект Пресс, 1999.- 376 с.

17. Ғозиев Э.Г. Умумий психология. Тошкент. 2002.1-2 китоб.

18. Ғозиев Э.Г. Тошимов Р. Менежмент психологияси. Т-2001

19. Ғозиев Э.Г. Муомала психологияси. Т-2001.

20. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт.-Т.: Университет, 1999.- 96 б.

21. Каримова В.М. ва бошқ. Мустақил фикрлаш. - Т.: Шарк.-2000.- 112 б.

22. Каримова В.М., Суннатова Р. «Мустақил фикрлаш» ўқув қўлланмаси бўйича машғулотларни ташкил этиш услубиёти.-Т.: Шарк, 2000.- 16 б.

23. Майерс Д. Социальная психология перев. С англ.-СПб.: «Питер»,1999 - 688 с.

24. Методў эффективного обучения взрослѹх. Учебно-методическое пособия. (Авторский коллектив) - Москва - Берлин, 1998 - 124 с.

25. Прикладная социальная психология. / Под. ред. А. Сухова и А.Дергача.- М, 1998 - 688 с.

26. Сушков И.Р. Психология взаимоотношений. - М.: Академический Проект, 1999.- 448с.

27. Чалдини Р. Психология влияния. - СПб.: «Питер», 2000,-272 с.

28. Гамильтон. Я.С. “Что такое психология”. “Питер”, 2002.

29. Ананьев Б.Г. “Человек как предмет познания”. “Питер”, 2001.

30. Дружинина В. “Психология “. Учебник. “Питер”, 2003.

31. Бурлачук Ф. Психодиагностика. “Питер”, 2002.

32. Айзенк М. Психология для начинающих. “Питер”, 2000.

33. Болотова А.К, Макарова И.В. Прикладная Психология: Учебник для вузов.- М.Аспект Пресс, 2006 – 382 с.

34. Веденская Л.В, Павлова Л.А. Деловая реторика: учебное пособие для вузов.- М.:ИКЦ “МарТ”, 2004-512 с.

35. Ложкин .Г.В. Повякель Н.И Практическая психология в системах “человек техника”: Учеб.пособие.- К.: МАУП, 2003 – 296 с.

36. Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей:Пособие для уч-ся-М:Гуманит. Изд.Центр ВЛАДОС, 2003.320 с.

37. Макарова И.В. Психология: пособие для сдачи экзаменов, 2-изд. Доп. М.: Юрайт. Издат, 2006. – 237 с.

38. Бороздина Г.В. Психология делового обхения: Учебник. 2-е изд., М.: Инфра, 2006. – 295 с.

39. Тихомиров О.К. Психология: Учебник. М.: Вўсшее образование, 2006. – 538 с.

40. Немов Р.С. Психология: Учебник. –М.: Вўсшее образование, 2005.- 639 с.

41. Психология: Учебник. Под ред. Б.А.Сосновского. – М.: Юрйт-Издат, 2005.- 660 с.

42. Тертель А.Л. Психология в вопросах и ответах: учебное пособие.- М.: Велби, изд-во Проспект, 2005.-176 с.

VII. Ўқув қўлланмалар:

43. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни. ТДИУ.- 2005.- 201 бет.

44. Замонавий таълим технологиялари: мазмуни, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш. Экспрес қўлланма. Т. 2001. ТАСИС лойиҳаси. 21-26 бет.

45. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. Т., 1994, - 94 б.

VIII. Монография ва илмий мақолалар.

46. Каримова В.М. Тарғиботнинг психологик услублари.- Т.: Маънавият, 2000 – 16 б.

47. Каримова В.М. Ота-она мактаби – бахт калити.- Т., 2002

48. Оила психологияси. Проф. /. Шоумаров тахр. остида.- Т.: Шарқ, 2001

49. Петровская Л.А. “Компетентность в общении”. Социально-психологический тренинг. М., Университет, 1989.

50. Шейнов В. “Психология и этика делового контакта”. М., Амалфея, 1997.

51. Вечер Л. Секретъ делового общения. Минск, 1996.

52. Корнилова Т. Введение в психологический эксперимент. М., 1997.

53. Чалдини Р. Психология влияния. М., 2000.

54. Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Т. «Фан» 2005. 18-20 б.

55. Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 1-қисм. Макроиқтисодий сиёсат ва иқтисодий ислохотлар. Т. ТДИУ., 2005. 61 б.

56. Бекмуродов А. ва б. Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш йилларида. 3-қисм. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожига - давр талаби. Т. ТДИУ., 2005. 58 б.

IX. Докторлик, номзодлик диссертациялари:

57. Шамиева О.Р. “Раҳбар аёл шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари” номзодлик диссертацияси. Т., 2002.

58. Нуриддинов Б. «Касб таълими ўқитувчилари малакасини оширишда фаол ўқитиш методларидан фойдаланишнинг илмий педагогик асослари» номзодлик диссертацияси. Т., 2002.

X. Илмий амалий анжуманлар маърузалар тўплами:

59. Ўзбекистонда аёллар фаолияти менежментини ривожлантириш. Т., 2005 29 ноябрь.

60. Педагогик ва ахборот технологиялари: ютуқлар ва истиқболлари. Т. ЎзПФТИ. 2003.

61. «Таълим самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусидаги семинар тренинг материаллари. Т. 2002.

62. Иқтисодий таълим: назария, тажриба, муаммолар ва истиқбол. Ҳалқаро илмий-амалий анжуман. 19 апрел, 2001.

XI. Газета ва журналлар.

63. Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Туркистон газетаси. 2006 йил 11-февраль.

64. Оила. Журнал. 1-2сон. 2005.

65. Халқ таълими. Журнал. 2005 й. 1-2 сонлар.

66. Иқтисодиёт ва таълим. Журнал. 1-2 сон. 2004.

XII. Статистик маълумотлар тўплами

XIII. Интернет сайтлари

67. www.inetlibrary.com. Интернет-кутубхона

68. www.expert.psychology.ru

69. www.psycho.all.ru

70. www.psychology.net.ru

71. www.psy.piter.com

XIV. Электрон дарслик ва ўқув қўлланма.

72. Очилова Г. Педагогика. Т.: 2005

73. Хайитов О.Э. Психодиагностика. Т.: 2005

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати:

Асосий адабиётлар:

- 1.Тертель А.Л. Психология. Курс лекций: Учебное пособие. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. – 248 с.
- 2.Тертель А.Л. Психология в вопросах и ответах: Учебное пособие. – М.: Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 176 с.
- 3.Орехова В.А. Педагогика в вопросах и ответах: Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2006. – 200 с.
- 4.Общая психология: Учебник / Под ред. проф. А.В. Карпова. – М.: Гардарики, 2005. – 232 с.
- 5.Каримова В.А., Акрамова Ф.А. Психология. – Т.: ТГЭУ, 2006. –156 с.
- 6.Газиёв Э.Г. Менеджмент психологии. – Т.: Ўзбекистон, 2006. –153 с.
- 7.Крѐлов В.В. Психология – М.: ИНФРА, 2005. –259 с.
- 8.Гамильтон Я. Что такое психология. – СПб.: Питер, 2004. –187с.
- 9.Айзенк М., Психология для начинающих. – СПб.: Питер, 2004. –235 с.
- 10.Зимбардо Ф. Социальное влияние. – СПб.: Питер, 2003. – 287с.
- 11.Корнилова Т. Введение в психологический эксперимент. – М.: Инфра, 2003, 198 с.
- 12.Ананьев Б. Человек как предмет познания. – СПб.: Питер, 2004. – 257 с.
- 13.Хьелл Л., Зиглер Д. Теории личности. – СПб.: Питер, 2004. – 357 с.
- 14.Дружинина В. Психология. – СПб.: Питер, 2004. – 650 с.
- 15.Немов Р.С. Психология: Учеб. для студ. высш. пед. учеб. заведений: В 3 кн. – М., 2003.– 437 с.

Қўшимча адабиётлар:

- 16.Тихомиров О.К. Психология: Учебник / Под ред. О.В. Гордеевой. – М.: Высшее образование, 2006. – 538 с.
- 17.Психология: Учебник. / В.М. Аллахвердов, С.И. Богданова и др. Отв. ред. А.А. Крѐлов. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005. – 752 с.
- 18.Немов Р.С. Психология: Учебник. – М.: Высшее образование, 2005. – 639 с.
- 19.Нуркова В.В., Березанская Н.Б. Психология: Учебник. – М.: Высшее образование, 2006. – 484 с.
- 20.Психология: Учебник для педагогических вузов / Под. Ред. Б.А. Сосновского. – М.: Юрайт-Издат, 2005. – 660 с.
- 21.Ўзбекистонда бизнес кейслар: Ўзбекистон Республикасидаги бизнес таълимотида “Кейс–Стади” услубининг қўлланилиши. Муаллифлар гуруҳи. – Т.: Академия, 2006, – 645 б.
- 22.Немов Р.С. Практическая Психология Познание себя: Влияние на людей – М.: ВЛАДОС, 2004, –320 с.
- 23.Огородников В.П. Логика: Законѓ и принципѓ правильного мѓшления. – М.: Питер, 2004, 25-39 с.
- 24.Йўлдошев Ж., Усмонов С. Педагогик технология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 2004.– 123 б.
- 25.Саидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.– 234
- 26.Хўжаев Н. ва бошқалар. Педагогика асослари. – Т., 2003.– 344 б.

27.Хўжаев Н. ва бошқалар. Таълим назарияси. – Т., 2003.– 216 б.

28.Интернет маълумотлари қуйидаги сайтлардан олинади:

www.glef.org, www.newhorizons.org, www.rhecherswithoutborders.org,
www.thelearningweb.net, www.inetlibrary.com, www.search.re.uz,
www.ictcouncil.gov.uz, www.ecsoman.edu.ru